К.Б.УРАЗОВ

БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРКАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

К.Б.УРАЗОВ

БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ–2019

УДК: 657.1(075)
КБК 65.052
У 62

У 62 К.Б.Ураев. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр. –Т.: «Fan va texnologiya», 2019, 540 бет.

ISBN 978-9943-5838-8-7

Дарсликда иқтисодиётнинг қурилиш, автотранспорт, савдо, умумий овқатлантириш ва қишлоқ хўжалиги каби муҳим тармоқлари ва соҳаларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари республикамизнинг қонунлари ва миллий стандартларига охирги йилларда киритилган ўзгартиришлар ва асосланган ҳолда ёритилган. Алоҳида эътибор ушбу тармоқ ва соҳага тегишли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига, уларда активлар, мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар, якуний молиявий натижалар, солиқ ва тўловлар ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисобот шаклларини тузишдаги хусусиятларга қаратилган.

Олий ўқув юртларида 5230900 «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан иқтисодиётга оид бошқа таълим йўналишларида ўқиётган талабалар, магистрантлар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, амалиётчи бухгалтерлар ва аудиторлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

УДК: 657.1(075)
КБК 65.052

Масъул муҳаррирлар: **А.А. Каримов** – и.ф.д., проф.;
М.Қ. Пардаев – и.ф.д., проф.

Тақризчилар: **А.И. Аликулов** – и.ф.д., (СамВМИ);
М.Э. Пўлатов – и.ф.д., (СамИСИ).

Ушбу дарслик Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий Кенгашининг 2018 йил 30 мартдаги 8-сонли қарорига асосан нашр этилди.

ISBN 978-9943-5838-8-7

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2019.

КИРИШ

Мамлакатимиз равнақида унинг ҳар бир тармоғи ва соҳаси ўз ўрнига эга. Чунончи, республикамизда 2018 йилда яратилган 407,5 трлн. сўмлик ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 26,3 фоизи товарлар ишлаб чиқариш соҳасига, 35,6 фоизи хизматлар кўрсатиш соҳасига, 32,4 фоизи қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ҳамда балиқчилик хўжаликларига, 5,7 фоизи қурилишга тўғри келди. 2018 йилда республикамизда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 2017 йилга нисбатан 5,1 фоизни ташкил этди, ҳисобот йилида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,6 фоизга, қурилиш 9,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ҳамда балиқчилик хўжаликлари 0,3 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси ўртача 5,4 фоизга ошди[1].

Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси"да, шунингдек, мазкур стратегия ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар, ҳамда давлат дастурларида[2] республикамиз барча тармоқ ва соҳаларини якин ва узоқ келажакда тубдан ислоҳ қилиш, иқтисодиётнинг реал секторларини ташқи ва ички инвестициялар эвазига модернизациялаш, янги техника ва технологияларни кенг жорий этиш, шу асосда рақобатбардош экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқиш, улар таннархини пасайтириш, бир сўз билан айтганда, янгича инновацион тараққиётга эришишга қаратилган устувор вазифалар ҳамда аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари бир-биридан фарқли жиҳатларга эга. Ушбу фарқли жиҳатлар уларни бошқариш учун керакли бўлган ахборотларни ажратиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ва узатиш воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобига ҳам ўз таъсирини ўтказиши табиий ҳол. Айнан шулар бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобини махсус фан сифатида ўрганилиши ва ўқитилишини тақозо этади.

«Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари» фанининг асосий мақсади иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида бухгалтерия ҳисобининг асосий хусусиятларини очиб бериш, талабаларда турли тармоқ ва соҳаларга тегишли хўжалик юритувчи субъект-

---

[1] www.Stat.uz ахборот хизмати

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"ни "Халқ [illegible] манфаатлари ҳисобидан ва ҳамда стратегиянинг давлат дастури тўғрисида" Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг [illegible] Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фан, [illegible], инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид [illegible] тўғрисида" Фармони

99934

ларда бухгалтерия хисобини юритиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Мазкур дарслик илк бор 2011 йилда нашр этилган эди. Ўтган олти йил ичида иктисодиётимизнинг барча тармоқ ва соҳаларида кўплаб ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, табиий равишда, тармоқ ва соҳаларда хисоб ва хисобот тизимида хам турли ўзгаришларга олиб келди. Аинан шу ўзгаришлар эътиборга олинган холда «Бошка тармокларда бухгалтерия хисобининг хусусиятлари» дарслигининг ушбу 2-нашри Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида» ПК-2909-сонли карорида кўрсатиб ўтилган янги авлод ўкув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараенига кенг татбик этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўкув, ўкув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш вазифаларидан келиб чикиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 22 январдаги 26-сонли буйруги билан тасдикланган фаннинг янги намунавий дастурига мувофик кайта тайёрланди.

Дарслик ўз ичига тўртта бўлимни олган, бу бўлимларда иктисодиётнинг алохида тармок ва соҳаларига, чунончи курилиш, автотранспорт, савдо ва кишлок хўжалиги тармокларига тегишли турли хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия хисобининг хусусиятлари республикамизнинг конунлари ва миллий стандартларига охирги йилларда киритилган ўзгартиришларга асосланган холда ёритилган.

Дарсликнинг **«Курилиш ташкилотларида бухгалтерия хисобининг хусусиятлари»** номли биринчи бўлимида ушбу сохага тегишли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ташкилий-хукукий асослари, уларнинг техник, технологик, иктисодий ва бошка жихатдан мавжуд бўлган хусусиятлари, ушбу хусусиятларнинг бухгалтерия хисобини ташкил килишга таъсири кўрсатиб берилган. Алохида эътибор курилиш машиналари иш фаолияти, уларни саклаш харажатлари, амортизацияси, курилиш материаллари, курилиш ва курилиш монтаж ишларининг бажарилиши, буюртмачиларга топширилиши, даромадларни тан олиш ва бажарилган ишлар таннархини калькуляция килиш усуллари, солик ва тўловлар хамда якуний молиявий натижаларни хисоб ва хисоботда акс эттиришдаги хусусиятларга каратилган.

Дарсликнинг **«Автотранспорт корхоналарида бухгалтерия хисобининг хусусиятлари»** номли иккинчи бўлими транспорт сохага кирувчи хўжалик юритувчи субъектларида бухгалтерия хисобини ташкил килиш хусусиятларига багишланган. Унда, чунончи, автотранспорт воситалари, уларнинг иш фаолияти, амортизацияси, ёкилги,

сотиш материаллари, эҳтиёт қисмлар ҳисобини юритиш тартиби, шунингдек, автотранспорт хизматларидан олинадиган даромадларни тан олиш ва бажарилган ишлар таннархини калькуляция қилиш усуллари, солиқлар ва тўловлар, якуний молиявий натижаларнинг шакллантирилиши ҳамда уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришдаги хусусиятлар очиб берилган.

Дарсликнинг **«Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари»** номли учинчи бўлими улгуржи ва чакана савдо, шунингдек, умумий овқатланиш корхоналарида товарлар, уларнинг кирими ва сотилиши, савдо устамалари, олинган даромаллар, харажатлар, солиқ тўловлари, якуний молиявий натижаларнинг шакллантирилиши ҳамда уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришдаги хусусиятларга бағишланган.

Дарсликнинг **«Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари»** номли тўртинчи бўлимида қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситалар, чунончи асосий подани шакллантириш, кўп йиллик ўсимликлар, ўстиришдаги ва боқувдаги моллар, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш харажатлари, улар таннархини аниқлаш, ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, солиқ тўловлари ва якуний молиявий натижаларни шакллантириш, уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришдаги хусусиятлар очиб берилган.

Дарсликнинг ҳар бир боби охирида ёритилган мавзуга доир таянч атама ва иборалар, ўз ўзини назорат қилиш мақсадида тестлар, ситуацион масалалар берилган, шунингдек, унинг охирида фанни чуқур ўзлаштиришга кўмаклашадиган меъёрий ҳужжатлар, даврий адабиётлар ва бошқа манбалар рўйхати келтирилган.

Дарслик 5230900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан иқтисодиётга оид бошқа таълим йўналишларида ўқиётган талабалар, магистрантлар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, амалиётчи бухгалтерлар ва аудиторлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф тақризчиларга, дарсликнинг қайта ишланган ва тўлдирилган мазкур нашрини чоп этилишида кўмаклашган барча ҳамкасабаларга, шунингдек, уни янада бойитиш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берувчиларга ўз миннатдорчилигини билдириб қолади.

I-БЎЛИМ

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1-боб. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари

2-боб. Қурилиш ташкилотларида асосий воситалар ҳисобининг хусусиятлари

3-боб. Қурилиш ташкилотларида материаллар ҳисобининг хусусиятлари

4-боб. Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобининг хусусиятлари

5-боб. Қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва қурилиш ишлари таннархини калькуляция қилишнинг хусусиятлари

6-боб. Қурилиш ишларини бажаришдан олинган даромадлар уларга доир ҳисоб-китобларнинг ҳисоби

7-боб. Қурилиш ташкилотларида молиявий натижалар, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ҳисоби

8-боб. Қурилиш ташкилотларида ҳисобот

I-БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

1.1. Қурилиш ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъекти сифатидаги таснифи ва улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари[1]

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишида қурилиш тармоғи муҳим ўрин тутади. Айнан ушбу тармоққа кирувчи қурилиш ташкилотлари орқали иқтисодиётнинг барча соҳасига реал инвестициялар киритилади. Қурилиш тармоғи мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳасида янги қувватларни қуриш, ишга тушириш, мавжуд қувватларни модернизациялаш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, таъмирлаш ва бошқа шу каби ишларни амалга оширишнинг бош ижрочиси ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлагандаридек, «қурилиш соҳаси иқтисодиётимизнинг тўла ишга солинмаган, катта салоҳиятга эга йўналишларидан бири. Келгуси йилда қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш асосий вазифалардан бири бўлади. Биз қурилиш-пудрат ташкилотлари ва қурувчиларнинг замонавий авлодини яратиш устида жиддий бош қотиришимиз зарур. Шу мақсадда қурилиш соҳасини 2030 йилгача инновацион ривожлантириш дастури ишлаб чиқилади[2].

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган халқ хўжалиги тармоқлари умумдавлат классификатори (ХХТУТ)га мувофиқ қурилиш ташкилотларининг алоҳида турларига қуйидаги тармоқ кодлари ажратилган (1.1-жадвалга қаранг).

1.1-жадвал

Қурилиш соҳаси субъектларига ажратилган ХХТУТ кодлари

ХХТУТ коди	Тармоқ ва унга кирувчи ташкилотлар	Изоҳ
60000	Қурилиш	
61000	Қурилиш монтаж ва бошқа ишларни пудрат ва хўжалик ҳисоби усули билан бажарувчи умумқурилиш ва	

[1] Ушбу параграф ва ёзишда З.У. Муҳаммадиев иштирок этди.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлис депутатлари ва Сенат аъзоларига Мурожаатномаси // Халқ сўзи 2017 йил 23 декабрь.

	ихтисослаштган ташкилотлар	
61100	Пудрат усулида иш бажарувчи ташкилотлар.	
61101	Давлат ташкилотлари	
61110	Умумкурилиш ташкилотлари	Алохида ишларни бажаришга ихтисослаштирилмаган ташкилотлар.
61120	Алохида ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар	
61121	Ер ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Механизация бошкармалари ва трестлари, шунингдек, ер ишларни бажаришга ихтисослаштирилган бошқа қурилиш ташкилотлари (бино, иншоот ва бошқа объектларни қуриш йўналишдаги ва тармоқ қурилишга киритилган ташкилотлардан ташқари)
61122	Ноль цикл бўйича ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Механизация бошкармалари ва трестлари, шунингдек, ноль цикл бўйича ишларни бажаришга ихтисослаштирилган бошка курилиш ташкилотлари.
61123	Бурғилаш ва портлатиш ишларини бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Бино, иншоот ва бошқа объектларни қуриш билан боғлиқ бўлган бурғилаш ва портлатиш ишларини бажаришга ихтисослаштирилган ташкилотлар.
61124	Монтаж ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Бино ва иншоотларнинг бетон, темирбетон ва металл конструкцияларини монтаж қилишга ихтисослаштирилган ташкилотлар; Кучланиш қурилмаларини, сув совитадиган иншоотлар (градирен), қувурлар ва бошқа махсус темирбетон, технологик, энергетик ва бошқа иншоотларни монтаж қилувчи ташкилотлар.
61125	Пардозлаш ишларини бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Сувоқчилик, бўёқчилик, сиртни қоплаш ва бошқа пардозлаш ишларини бажаришга ихтисослаштирилган ташкилотлар.

61126	Иссиклик техникаси ва иссикликдан химоя килиш ишларини бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Курилиш конструкцияларида, тикланган иншоотларида, ўрнатилган ускуна ва технологик кувур-ўтказгичларида изоляция, антисептик ва бўяш ишларини бажариш, иссиклик колонларини, ўчокларини ва бошка агрегатларни ўтга чидам-лилиги бўйича тегишли ишларни амалга ошириш
61127	Санитар-техник ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Ички санитар-техник ускуналарни ва ички окава сув, канализация, газ, иссиклик ва марказий иситиш (иситиш колонлари, радиатор, калорифер, бойлер ва бошкалар) тармоклар курилмаларни монтаж килувчи ташкилотлар.
61128	Сув хўжалиги курилиши ва маданий-техник ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Суторош, мелиорация (суғориш, куритиш) бўйича махсус курилиш ишларини, артезиан кудукларини курувчи ва бошка маданий техник ишларни бажарувчи ташкилотлар.
61129	Йўналишдаги ва тармок курилиш ишларини бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Ташки коммуникацияларни утказиш (окава сув, канализация, иссиклик таъминоти тармоклари ва бошкалар), нефтгаз махсулотларини магистрал кувурларини ўтказиш. Темирйўл ва автомобил йўлларини куриш. Шаҳар йўлларини куриш ва бошкалар.
61131	Шахталарни куриш ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Шахталар куриш, шахталарни куритиш бўйича махсус ишларни ва бошка тоғ-кон ишларини бажарувчи ташкилотлар, метрополитен куришни кўшган холда.
61132	Гидротехник ишларни бажарувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Сувоститехник, гаввослик, тубини чукурлаштириш, кирғокларни мустахкамлаш ишларини, дарёларда тартибга солиш, тупрок чўктириш(асосий фаолият учун кум ва бошка норуда хом ашёларни сувда окизиб чўктириш ишларига боглик бўлмаган), ишларини бажарувчи ташкилотлар.

61133	Уйсозлик бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар.	Уйсозлик корхоналари (пудрат ишлари билан биргаликда)
61134	Ишга тушириш ва созлаш ташкилотлари.	Урнатилган ускуналарни ишга тушириш ва созлаш (пудрат ишлари ва қурилишда иш режаси бўйича ўрнатилган) ишларини бажарувчи ташкилотлар
61135	Бошқа ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлар.	Механизациялаштириш бошқармалари ва бошқа фақат хизмат кўрсатувчи ташкилотлар.
61180	ХўжаликларарО қурилиш ташкилотлари.	Пудрат усулида иш бажарувчи хўжаликларарО қурилиш ташкилотлари
61190	Матлуботсавдо қурилиш ташкилотлари.	Пудрат усулида иш бажарувчи матлуботсавдо қурилиш ташкилотлари
61200	Хўжалик усулида қурилиш монтаж ишларини бажарувчи қурилиш ташкилотлари.	Корхона, муассаса ва ташкилотларнинг хўжалик усулида қурилиш монтаж ишларини бажарувчи бўлинмалари
62000	Ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини мукаммал таъмирловчи ташкилотлар.	Ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини (домналарни мукаммал таъмирлашни кўшган холда), хамда ерости мухандислик коллектор ва қурилмаларини мукаммал таъмирловчи ташкилотлар.
63000	Ноишлаб чиқариш бино ва иншоотларини таъ-мирловчи, аҳоли буюрт-маси бўйича уй-жой курувчи ва таъмирловчи ташкилотлар	
63100	Ноишлаб чиқариш бино ва иншоотларини таъмирлаш.	Ноишлаб чиқариш бино ва иншоотларини таъмирловчи таъмир-қурилиш ташкилотлари (бино ва иншоотларини таъмирлаш ва қайта қуриш идоралари).
63200	Аҳоли буюртмаси бўйича уй-жой курувчи ва таъмирловчи ташкилотлар	Аҳоли буюртмаси бўйича уй-жой курувчи ва таъмирловчи таъмир-қурилиш ташкилотлар (трестлар, бошқармалар, идоралар, бўлимлар).

[illegible]	Фойдаланилувчи бургилашни амалга оширувчи ташкилотлар.	Капитал маблағ хисобидан қурилаётган нефт, газ ва иссиқ сувларнинг фойдаланилувчи қудуқларини қурувчи ташкилотлар
[illegible]	Лойиха, лойиха-кидирув ва кидирув ташкилотлари.	Бино ва иншоотларини таъмирлаш ва қуришга хизмат кўрсатувчи лойиха, меъморий-лойиха, лойиха-кидирув ва кидирув ташкилотлари. Меъморий-режалаштириш, лойиха-смета ва бошқа идоралар, устахоналар, бюролар, бўлимлар.
(900к)	Қурилиш хўжалик бошқаруви.	Қурилиш сохасидаги бошқарувчи ва вазифаларида бошқарувчилик устуни бўлган трестлар, бошқармалар, комбинатлар ва умумреспублика ширкатмалари, корхоналар дирекциялари, қурилишда техник назорат қилувчи корхоналар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 275-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи» (ИФУТ) тасдиқланди. Мазкур ИФУТга мувофиқ барча хўжалик юритувчи субъектлар, чунончи қурилиш ташкилотлари фаолият турлари секциялар, бўлимлар, гуруҳлар, синфлар ва кичик синфларга ажратилди ва уларга тегишли харфли-рақамли кодлар бириктирилди (1.2-жадвалга қаранг).

1.2-жадвал

Узбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ) таркибий тузилмаси

Таркибий кесимлар	Ажратилган харфли-раўамли кодлар серияси
Секциялар	A- Q харфлари
Бўлимлар	2- хонали рақамли кодлар (01- 99)
Гуруҳлар	3- хонали рақамли кодлар (01.1- 99.0)

Синфлар	4- хонали рақамли кодлар (01.11-99.00)
Кичик синфлар	5- хонали рақамли кодлар (01.110-99.00.0)

Юқоридаги тартибга кўра, республикамиз ИФУТда қурилиш ташкилотларининг алоҳида фаолият турларига қуйидаги иқтисодий фаолият кодлари ажратилган (1.3-жадвалга қаранг).

1.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ИФУТда қурилиш ташкилотлари иқтисодий фаолият турларига ажратилган харф-рақамли кодлар тизими

Бўлим	Гуруҳ	Синф	Кичик синф	НОМ	ИФУТ коди	ХХТУТ коди
F секцияси				**ҚУРИЛИШ**		
41				**Бинолар ва иншоотлар қуриш**		
	41.1			Қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш		
		41.10	41.10.0	Қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш	70110	83100 83200
	41.2			Турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган бинолар қуриш		
		41.20		Турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган бинолар қуриш		
			41.20.1	Турар жой биноларини қуриш	45210 28110 25230 20300	61110 61122 61124 61133

						61180 61190 61135 63200
			41.20.2	Яшаш учун мўлжалланмаган бинолар қуриш	45230 45210 28110 25230 20300	61110 61122 61124 61135 61180 61190 62000
42				**Фуқаролик объектларини қуриш**		
	42.1			Автомобил йўллари ва темир йўллар қуриш		
		42.11	42.11.0	Йўллар ва шосселар қуриш	45230 70110	61129
		42.12	42.12.0	Темир йўллар ва метро линиялари қуриш	45230 45210 70110	61129 61131 61110 61122 61124
		42.13	42.13.0	Кўприклар ва туннеллар қуриш	45210 70110	61110 61122 61124 61129 61131
	42.2			Муҳандислик иншоотлари қуриш		
		42.21	42.21.0	Таксимловчи муҳандислик объектлари қуриш	45210 45240 45250 70110	61110 61122 61123 61124 61128 61129
		42.22	42.22.0	Электр энергияси ва телекоммуникация билан таъминлаш учун таксимловчи объектлар қуриш	45210 70110	61110 61122 61124 61126

	42.9			Бошка муҳандислик иншоотлари қуриш		
		42.91	42.91.0	Сув иншоотлари қуриш	45240 70110	61128 61132
		42.99	42.99.0	Бошка тоифаларга киритилмаган бошка муҳандислик иншоотлари қуриш	45230 45210 70110	61110 61122 61124 61129 61180 61190
43				**Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари**		
	43.1			Мавжуд иншоотларни бузиш ва қурилиш учун майдончалар тайёрлаш		
		43.11	43.11.0	Биноларни қисмларга ажратиш ва бузиш	45110	61121 61123 61135
		43.12	43.12.0	Қурилиш майдончаларидаги тайёргарлик ишлари	45110	61121 61123 61128
		43.13	43.13.0	Қидирув бургулаш	45120	85130
	43.2			Электротехник чиланғарлик ва бошка қурилиш- монтаж ишлари		
		43.21	43.21.0	Электротехник ва монтаж ишлари	45310 45340	61124 61134
		43.22	43.22.0	Сув билан таъминлаш, иситиш ва ҳавони кондициялаш тизимларини монтаж қилиш	45330 45310	61127 61124
		43.29		Бошка қурилиш- монтаж ишлари		
			43.29.1	Изоляциялаш ишлари	45320	61126
			43.29.9	Бошка тоифаларга киритилмаган қурилиш-монтаж ишлари	29220 45310 45340	61124 61126 61134 61200

	43.3			Пардозлаш қурилиш ишлари		
		43.31	43.31.0	Сувоқ ишлари	45410	61125 62000 63100 63200
		43.32	43.32.0	Дурадгорлик ишлари	45420 20300 25230 28120	61125 15271
		43.33	43.33.0	Полларни қоплаш ва devor сиртини қоплаш	45430	61125 62000 63100 63200
		43.34	43.34.0	Бўёқчилик ва ойна солиш ишлари	45440	61125
		43.39	43.39.0	Бошқа пардозлаш ишлари	45450	61125 62000 63100 63200
	43.9			Бошқа ихтисослаштирилган қурилиш ишлари		
		43.91	43.91.0	Том ёпиш ишлари	45220 20300	61126
		43.99	43.99.0	Бошқа тоифаларга киритилмаган бошқа ихтисослаштирилган қурилиш ишлари	45210 45220 45240 45250 45450 45500	61122 61124 61125 61126 61128 61131 61133 61135 61180 61190 62000 61101

Юқорида келтирилган таснифлагичларга киритилган қурилиш ташкилотларини хўжалик юритувчи субъектлар сифатида қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мулкий шакли ва юридик мақомига кўра қурилиш ташкилотлари очиқ акциядорлик жамиятлари (ОАЖ), масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), хусусий корхоналар (фирмалар) ва давлат унитар корхоналари бўлиши мумкин. Ушбу мақомдаги қурилиш ташкилотларини тузиш ва улар фаолиятини юритиш республикамизда бу турдаги хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, шунингдек, ушбу ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Номланишига кўра ҳам қурилиш ташкилотлари турличадир. Чунончи, уларнинг энг кенг тарқалган номи бўлиб ҳаракатланувчи механизациялаштан колонна (ХМК, ПМК) ҳисобланади. Қурилиш ташкилотларига бундай номни берилиши нетижида уларнинг қурилиш, қурилиш монтаж ва бошқа ишларга доир ўз фаолиятини бевосита буюртма берилган жойларда махсус ҳаракатланувчи техник воситалар, машина ва механизмлар ёрдамида амалга оширишлари ётади. Бундан ташқари қурилиш тармоғида хусусий қурилиш фирмаси, шўъба қурилиш корхонаси, қурилиш компанияси, қурилиш трести каби номлардаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳам мавжуд.

Фаолият юритиш доирасига кўра қурилиш ташкилотлари тармоқ ва тармоқлараро қурилиш ташкилотларига бўлинади. Тармоқ қурилиш ташкилотлари халқ хўжалигининг алоҳида олинган тармоқларида ўз фаолиятини юритадилар.

Ихтисослашганлигига кўра қурилиш ташкилотлари махсус ва универсал ташкилотлар бўлиб ҳисобланади. Масалан, қурилиш ташкилотларнинг метро қурилиши, уй қурилиши, йўл қурилиши, кўприк қурилиши ва бошқа шу каби махсус ихтисослашган турлари мавжуд. Айрим қурилиш компаниялари (трестлари) кўп тармоқли, яъни универсал ташкилотлар бўлиб ҳисобланади.

Ходимларининг сонига кўра қурилиш ташкилотлари микрофирмалар, кичик корхоналар ва йирик корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг қонун ҳужжатларига кўра қурилиш тармоғида микрофирмалар бўлиб ходимларининг сони 20 тагача, кичик корхоналар бўлиб ходимларининг сони 50 тагача бўлган корхоналар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотлар таснифлагичига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 184-сон қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланувчи кичик корхоналар сирасига кирувчи

қурилиш ташкилотлари учун ходимлар сони 21 кишидан 200 кишигача белгиланган (1.4-жадвалга қаранг).

1.4-жадвал

Қурилиш соҳасида кичик бизнес субъектига кирувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ходимлар сонининг минимал миқдори

Бўлим	Гурух	Синф	Қўйи синф	Номи	Ходимларнинг ўртача йиллик сони	
					микрофирмалар	Кичик корхоналар
41	41.2	41.20	41.20.1	Турар жой биноларини қуриш	1-20	21-200
41	41.2	41.20	41.20.2	Яшаш учун мўлжалланмаган бинолар қуриш	1-20	21-200
42	42.1	42.11	42.11.0	Йўллар ва шосселар қуриш	1-20	21-200
42	42.1	42.12	42.12.0	Темир йўллар ва метро линиялари қуриш	1-20	21-200
42	42.1	42.13	42.13.0	Кўприклар ва туннеллар қуриш	1-20	21-200

Таъсисчиларининг таркибига кўра қурилиш ташкилотларини маҳаллий ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бўлиш мумкин. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қурилиш ташкилотлари устав капиталининг миқдори энг камида 600 миллион сўм миқдорида бўлиши, унинг камида 30 % хорижий таъсисчилар маблағларидан ташкил топиши керак.

Қурилиш ишларини бажаришдаги ўрнига кўра қурилиш ташкилотлари бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотларга бўлинади.

Бош пудратчи ташкилот – бу буюртмачи билан қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни олиб бориш бўйича асосий шартномани тузган ҳамда унинг бажарилишини тўлиқ ўз зиммасига олган қурилиш ташкилоти.

Субпудратчи ташкилот – бу бош пудратчининг буюртмачига бажариб бериши лозим бўлган қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларнинг бир қисмини бош пудратчи билан тузилган шартномага асосан бажариб берувчи ташкилот.

55934

Танлаган солиқ режимига кўра қурилиш ташкилотлари умумбелгиланган ва ихчамлаштирилган солиқ режимларида ишловчи корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг солиқ қонунчилиги хужжатларига мувофиқ товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 1 млрд сўмдан ошмайдиган қурилиш ташкилотлари ихчамлаштирилган солиқ тўловлари режимида ишлари мумкин. Йиллик айланмаси (соф тушуми) 1 млрд сўмдан кўп бўлган қурилиш ташкилотлари, одатда, умумбелгиланган солиқларни тўловчилари бўлиб хисобланадилар.

Қурилиш ташкилотлари фаолияти республикамизнинг амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатларига мувофиқ асосий ва асосий бўлмаган фаолият турларига бўлинади. Асосий фаолиятга буюртмачилар учун бажарилган қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари, жиҳозларни ўрнатиш, реконструкция, кенгайтириш, модернизация қилиш, ободонлаштириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари, шунингдек, ўз мақсадларида фойдаланиш ва сотиш учун мўлжалланган қурилиш материаллари ва мосламаларини ишлаб чиқиш ва шу каби бошқа ишлар киради. Асосий бўлмаган фаолиятга қурилиш ташкилотларининг молиявий, инвестицион ва бошқа фаолият турлари киради.

Қурилиш ташкилотлари асосий фаолиятига кирувчи ишларнинг хар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Қурилиш ишлари деганда янги бино ва иншоатларни яратилиши билан боғлиқ жараёнлар мажмуаси тушунилади. Янги бино ва иншоатларни яратилиши ўз ичига лойиҳалаштириш, қуришга тайёр-гарлик, таъминот, қуриш, фойдаланишга топшириш каби жараёнларни олади. Хар бир жараён қурилишга доир маълум ишлардан ташкил топади ва ўзининг пировард натижасига эга бўлади.

Қурилишнинг *лойиҳалаштириш* жараёнида янги бино ва иншоатларни қуришнинг техник, технологик, геодезик, топографик ва барча бошқа жиҳатлари ўрганилади, уларнинг аниқ параметрлари ва ўлчамлари белгиланади. Қурилиш лойиҳаси, одатда, махсус лойиҳалаштириш муассасалари (институтлар) томонидан буюртмачи билан тузилган шартномага асосан ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган лойиҳа қуриладиган объект жойлашган худуднинг шаҳарсозлик бош лойиҳаси талабларига зид бўлмаслиги лозим. Шу боис хам янги объектларни қуришдан олдин уларнинг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг жойлардаги бошқармалари ва бўлимлари томонидан кўриб чиқилади ва маъқулланади. Лойиҳалаштириш жараёнининг натижаси бўлиб янги қуриладиган объектнинг барча техник-иқтисодий параметрларини ифодаловчи лойиҳаси ва қуриш сметаси хисобланади. Қуриш сметасида объектни қуриш билан боғлиқ барча ишларнинг хажми, уларнинг

белгиланган меъёр ва тартибларга мувофиқ ҳисобланган қиймати кўрсатилади. Лойиҳа қиймати пудратчи ва буюртмачи ўртасида тузиладиган шартнома қийматини белгилашга асос бўлади.

Қуришга тайёргарлик ва унинг таъминот жараёни буюртмачи ва пудратчи томонидан амалга оширилади ган маълум ишлардан ташкил топади. Бу ишларни бажариш бўйича томонларнинг мажбуриятлари тузилган шартномада ўз аксини топади. Масалан, буюртмачи бу жараёнда ўз зиммасига қуриш учун керакли бўлган материалларни пудратчига етказиб бериш, олдиндан тўлов суммасининг келишилган қийматини (лойиҳа қийматининг 15 фоиздан кам бўлмаган қисмини) қурувчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш кабиларни олади. Пудратчи ташкилот қуриш учун керакли техника ва жиҳозларни қурилиш майдончасига етказиш, уларни қуриш ишлари учун тайёрлаш ва шу каби мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Объектни қуриш жараёни қурилишнинг титул рўйхатида кўрсатилган ишларни босқичма-босқич лойиҳани бажариш жадвалига (графигига) мувофиқ амалга оширишдан иборат бўлади. Қурилиш объектларининг битказилган, лекин буюртмачига ҳали топширилмаган қисми тугалланмаган ишлаб чиқариш (қурилиш ишлари) ҳисобланади.

Қурилган объектни фойдаланишга топшириш қурилишнинг якуний жараёнидир. Бу жараён қурилишга доир лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, тузилган махсус комиссия томонидан амалга оширилади ва мос равишда «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг қурилган объект пудратчи учун бажарилган (сотилган) иш деб ҳисобланади.

Қурилиш ишлари ўз ичига монтаж ишларини ҳам олади. Шу боис ушбу ишлар қурилиш-монтаж ишлари ҳам деб аталади.

Жиҳозларни ўрнатиш ишлари *деганда* жиҳозлар, ускуналар ва бошқа конструкцияларни йиғиш, ўрнатиш ва фойдаланишга тушириш билан боғлиқ ишлар мажмуаси тушунилади. Чунончи, бино ва иншоатларни қуришда бажариладиган жиҳозларни ўрнатиш ишлари таркибига кўтариш-тушириш қурилмалари (лифт, эскалатор ва бошқалар)ни, иситиш, совутиш, сритиш, сув бериш, ҳавони алмаштириш, санитария-гигиена техникаси қурилмаларини ўрнатиш, йиғиш, ўтказиш, изолация қилиш ва шу каби бошқа ишлар киритилади.

Кенгайтириш деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг ҳаракатдаги бино ва иншоатларига қўшимча ишлаб чиқариш объектларини қуриш, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехларнинг майдончаларини ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида кенгайтириш билан боғлиқ ишлар тушунилади. Кенгайтириш

ишларига шуиингдек, буюртмачилар узоқ мудлатли активлари таркибига киритиладиган ва алоҳида балансга ажратилмайдиган филиаллари ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини қуриш ҳам киритилади. Кенгайтириш ишлари худди янги қурилиш сметари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг кенгайтиришга доир ишлар пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) деб ҳисобланади.

Реконструкция деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг ҳаракатдаги асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектларини дастлабки ҳолатини кенгайтирмасдан қайта ўзгартириб чиқиш тушунилади. Реконструкциядан асосий мақсад бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва уларнинг техник-иқтисодий даражасини илмий–техника прогресси ютуқлари асосида кўтариш;
- ҳаракатдаги ишлаб чиқариш объектлари қувватини ошириш;
- ишчи ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш;
- техник бўғинлардаги диспропорцияларни йўқотиш.

Реконструкция ишлари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг реконструкция ишлари пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) иш деб ҳисобланади.

Модернизация қилиш деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг ҳаракатдаги асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектларини, техника ва технологик линияларини энг замонавий илмий ва техник ютуқлар асосида янгилаш ҳамда алмаштириш тушунилади. Модернизация қилишнинг асосий мақсади бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг техник-иқтисодий даражасини илмий-техника прогресси ютуқлари асосида юксалтириш;
- ҳаракатдаги эски ишлаб чиқариш объектларини янгилаш ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш;
- ишлаб чиқариш қувватлари унумдорлигини ошириш, техник ва технологик линияларда ишловчи ходимлар меҳнат унумдорлигини кескин ошириш;

Модернизация қилиш ишлари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома - счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг модернизация қилиш ишлари пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) иш деб ҳисобланади

Ободонлаштириш деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларга уларда фойдаланишда бўлган ер майдончаларининг кўринишини яхшилаш, ер ости ўтказмаларини қуриш, транспорт воситаларини тўхтаб туриш жойларини ташкил қилиш, ер майдончаларини темир панжаралар билан ўраш, юриш йўлкаларини қуриш каби ишлар тушунилади. Ободонлаштириш ишлари бошқа ишлар сингари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг ободонлаштириш ишлари пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) деб ҳисобланади.

Таъмирлаш ишлари деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларга асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган объектларни техник-ишлаб чиқариш ҳолатини ишчи ҳолатда ушлаб туриш, уларнинг техник-иқтисодий даражасини сақлаш мақсадларида бажарилган ишлар тушинилади. Бу ишлар, одатда буюртмачилар бино ва иншоатларининг миқдорий ҳажмини кенгайтирмайди. Бирок, таъмирлаш ишлари буюртмачиларда меҳнат шароитларини, атроф муҳит муҳофазани яхшилашга имкон беради Таъмирлаш ишлари бошқа ишлар сингари шартнома назарда тутилган барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, қурилиш ташкилотлари томонидан иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун бажариладиган қурилиш ишлари таркиби жуда ҳам турли-тумандир. Уларнинг асосийларига[5] қуйидагилар киради:

- қурилиш титул рўйхатига киритилган бино ва иншоотларни қуришга доир барча ишлар, улар билан боғлиқ бўлган темир-бетон металлар, ёғоч ва бошқа қурилиш конструкцияларини ўрнатиш ва монтаж ишлари, минорали ва бошқа кранлар учун кран ости йўллари қуриш ва бузиш ишлари;

[5] Инж: қурилиш ишларининг тўлиқ рўйхати қурилиш нормалари ва тартибига оид ҳужжатлар, шунингдек, қурилишга оид махсус адабиётларда келтирилган

• газ, сув, электр энергияси, иссиклик, канализация, хавони тозалаш таъминотига доир ишлар;

• нефть ва газ қувурларини ётқизиш, электр қуввати ва алоқа линиялари кабелларини ётқизиш ва ўтказиш ишлари;

• кўприк, йўл, сув ости-техник тоннелларини қуриш ва ўтказиш ишлари;

• санитария-гигиена техникаси ва жиҳозларини ўрнатиш ишлари;

• бино, иншоат ва ускуналарга асос (фундамент) ва таянч конструкцияларини ўрнатиш, қозон печ ва бошқа агрегатлар атрофига қопламалар ясаш ишлари;

• қуриш учун ер майдонларини тайёрлаш, текислаш, эски бута ва дарахтларни кесиш ва олиб ташлаш, ковлаш, ерни қуритиш ва лойиҳада белгиланган кўринишга етказиш ишлари;

• шаҳар ва қишлоқ жойлари ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштиришга доир қурилиш ишлари;

• сув чиқариш, уларни оқиш қувурларини ўрнатиш ишлари;

• эрозия, сел кўчмаларига қарши ва бошқа табиатни муҳофаза қилиш иншоотларини қуриш, қирғоқларни мустаҳкамлаш ва боткокларни қуритиш ишлари;

• қурилишга алоқадор пармалаш, шурфлаш, сувни тортиб олиш ва шу каби бошқа геологик ва гидрогеологик ишлар.

Қурилиш ташкилотларининг асосий фаолиятига кирувчи умумий ишлар уларнинг хусусиятларига кўра лицензиялаштириладиган ва лицензиялаш-тирилмайдиган турларга бўлинади. Масалан, мудофаа объектларини, кўприк ва тоннелларни, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини, баландликларда жойлашган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва таъмирлаш ишлари лицензиялаштириладиган фаолият ҳисобланади. Бундай қурилиш ишлари билан шуғулланиш учун лицензия фақат махсус ихтисослашган қурилиш ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилади. Махсус лойиҳалаштиришни талаб қилмайдиган ва лицензия олиш лозим бўлмаган қурилиш, қурилиш-монтаж, ободонлаштириш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари билан барча турдаги қурилиш ташкилотлари шуғулланишлари мумкин.

Қурилиш ташкилотлари ва буюртмачилар ўртасида қурилиш ишларига доир пудрат шартномаларини тузишда ҳозирги пайтда тендер (танлов) усули кенг тарқалган. Чунончи, давлат бюджетидан марказлаштирилган тартда молиялантириладиган қурилиш объектлари (мактаблар, лицейлар, коллежлар, ҳарбий қисмлар, шифохоналар ва бошқалар) бўйича пудрат шартномаларини тузиш махсус «Ягона

буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари орқали танлов савдолари асосида амалга оширилмоқда. Ушбу танлов савдоларида турли мулкий ва ташкилий-ҳуқуқий турдаги қурилиш ташкилотлари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунинг учун улар инжиниринг компанияларига танлов савдосида қатнашиш бўйича оферталар (таклифлар)ни киритишлари ҳамда тегишли танлов ҳужжатларини тақдим этишлари лозим. Танлов савдосида қатнашиш учун қурилиш ташкилотлари «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари томонидан қўйилаётган қуйидаги талабларга мос келишлари лозим:

- ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга эга бўлишлари;
- танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоатларда ишлаш тажрибаси ва кўникмаларига эга бўлишлари;
- шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, умумий ишончга эга бўлишлари;
- танловга қўйилган объект қурилишини олиб бориш учун марказлаштириладиган маблағлардан ташқари ўз маблағларига эга бўлишлари;
- бюджет олдида бўйнимда қарзларга эга бўлмаслиги;
- жорий мажбуриятлар бўйича тўлов қобилиятига эга бўлишлиги ва бошқалар.

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари орқали танлов савдолари асосида амалга ошириладиган қурилиш ишларига доир пудрат шартномалари қурилиш ишлари режаларига киритилган ҳамда улар учун белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхатларига мувофиқ ҳолда тузилади.

Бош пудратчи қурилиш ишларининг ҳажми ва хусусиятларига кўра инжиниринг компаниялари розилиги билан алоҳида ишларни амалга оширишлари учун ўзларининг субпудратчиларини белгилашлари ҳам мумкин. Ушбу ҳолда бош пудратчи ва субпудратчилар ўртасидаги муносабатлар тузилган субпудрат шартномалари асосида белгиланади.

Қурилаётган объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари (титул рўйхати, ускуна, материал ва буюмларни етказиб бериш жадвали, молиялаштириш графиги ва бошқалар) тузилган пудрат шартномасининг таркибий элементлари бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларга амал қилиш ва уларда кўрсатилган шартларни бажариш-кўст бажарилишини таъминлаш буюртмачилар ҳамда қурилиш ташкилотларининг бевосита мажбуриятлари ҳисобланади.

1.2. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари

Қурилиш ташкилотлари ўз фаолиятини хўжалик ҳисоб-китоби асосида юритувчи, яъни ўзини-ўзи маблағ билан таъминловчи, олган даромадлари эвазига барча харажатларини қопловчи ва пировард натижада фойда олувчи корхоналар сифатида бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектлари бўлиб ҳисобланади. Қурилиш ташкилотлари хўжалик фаолиятининг турлари, уларни ташкил қилувчи жараён ва муомалалар, эришилган молиявий натижалар, шунингдек, хўжалик фаолиятини олиб борилишини таъминловчи активлар, бу активларни ташкил топиш манбалари бухгалтерия ҳисоби объектларини ташкил этади. Бу объектларни кузатиш, улар тўғрисидаги ахборотларни назорат ва таҳлил қилиш ҳамда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ва фойдаланувчиларга етказиб бериш бухгалтерия ҳисобининг асосий функциялари бўлиб ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари бевосита улар томонидан бажариладиган қурилиш, қурилиш-монтаж, жиҳозларни ўрнатиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Ушбу ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ олиб борилганлиги ва бунда белгиланган меъёр ва тартибларга амал қилинганлигини назорат қилиш, қурилиш ишларига кетган сарф-харажатларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш, улар асосида қурилиш жараёнлари синтетик ва аналитик ҳисобини юритиш, тугалланмаган қурилиш ишлари қийматини тўғри аниқлаш, тугалланган ишлар қийматини аниқ баҳолаш ва калькуляция қилиш, уларни ҳисобот даври даромадларига ҳисоблаш тамойилига асосан юритиш, ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш бухгалтерия ҳисоби олдида турган энг муҳим вазифалардир.

Қурилиш ишларининг хусусиятлари қурилиш ташкилотларида уларнинг мулки ҳамда бу мулкни ташкил қилиш манбаларя ҳисоби олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Чунончи, асосий воситалар ҳисоби ва ҳисобот тизими ушбу активлар таркибидаги қиймат турадиган махсус техника турли механик ва электр жиҳозлар, юк ташиш машиналари, махсус бино ва иншоатларнинг ҳолати ва ҳаракати, уларнинг иш фаолияти, амортизацияланиши ва бошқа жиҳатлари тўғрисида батафсил маълумотларни бериши лозим.

Қурилиш ишларининг белгиланган муддатларда бажарилиши тегишли қурилиш материалларининг қурилиш майдончаларига ўз вақтида келиб тушишига, улар бўйича тасдиқланган лимитнинг мавжудлиги, бутлиги ва сифатига бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари

келиб тушаётган материаллар кийматини (таннархини) тўғри баҳолаш, улар хисобини юритилиши қурилиш ишларининг у ёки бу усулда юритилиши қурилиш ишларининг таннархига, уларни бажаришдан олинадиган даромадлар ва тўланадиган солиқларга, қурилиш ташкилотининг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси қурилиш ташкилотларида материаллар хисоби олдига улар кийматини тўғри баҳолаш, материаллар ҳолати ва ҳаракати устидан усликсиз назоратни олиб бориш, улар кирими ва чиқимига доир ҳужжатларни тўғри ва ўз вактида расмийлаштириш, ушбу бойликлар омбор ва бухгалтерия хисоби регистрларини белгиланган тартибда юритишдек мухим вазифани қўяди.

Қурилиш ишлари ҳажми ва кийматига кўра катта миқдорда маблағ талаб киладиган фаолият хисобланади. Шу боис хам қурилиш ишларининг ўз вактида ва сифатли бажарилиши уларни молиялаштирилиш манбаларининг мавжудлигига бевосита боғликдир. Қурилиш ишлари, одатда, буюртмачидан олинган олдиндан тўлов ва кейинги тўловлар, шунингдек, пудратчи ташкилотнинг ўз маблағлари ёки улар томонидан олинган банк кредитлари эвазига амалга оширилади. Қурилиш ишларини молиялаштирилишининг ушбу хусусиятлари пудратчи ташкилотларда пул маблағларини махсус счётларда аккумуляция килишни (тўплашни), улардан окилона фойдаланишни, олдиндан тўлов ва кейинги тўлов суммаларини буюртмачилардан ўз вактида келиб тушишини, банк кредитлари ва бошка карз маблағларни олиш ва кайтариш муомалаларини усликсиз назорат килишни, уларни тўғри ва ўз вактида расмийлаштиришни, пул маблағлари, дебиторлик ва кредиторлик карзлар хисобини белгиланган тартибларга риоя килган холда олиб боришни такозо килади.

Қурилиш ишлари бошка ишлардан фаркли ўларок коллектив мехнатга таянади, яъни уларни олиб боришда мехнатни ташкил килишнинг бригада шакли кенг қўлланилади. Мос равишда бажарилган иш ва хизматларга хак тўлашда хам мехнатнинг бригада шакли асос килиб олинади. Қурилиш ишларининг яхлит бригада аъзолари томонидан бажарилиши жами хисобланган иш хакини, унга кўшимчаларни бригада аъзолари ўртасида уларнинг мехнатдаги хакикий иштирокига мос тарзда тўғри таксимлаб чикиш ва хисобини юритиш вазифасини қўяди.

Бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш ташкилотлари, уларнинг таъсисчилари, инвесторлари ва бошка иштирокчиларининг пировард максади бўлиб фойда олиш хисобланади. Қурилиш ташкилотлари хисоб тизими фойда кўрсаткичларини миллий пул бирлигида реал ифодалаш имконини бериши ва акс эттириши лозим.

1.3. Қурилиш ташкилотлари ҳисоб сиёсатининг хусусиятлари

Қурилиш ташкилотлари бошқа хўжалик юритиш субъектлари сингари республикамиз қонуни ҳужжатлари асосида ўзларининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишлари ҳамда унга амал қилишлари лозим. Ушбу ҳисоб сиёсатида қурилиш ташкилоти раҳбарияти томонидан танлаб олинган бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шакли, хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементларини тан олиш меъёрлари, улар ҳисобини юритишга асос бўлувчи ҳужжатлар тизими, ишчи счётлар режаси, бошланғич ҳужжатлар айланиши, архив иши, товар-моддий бойликларни инвентаризациясини ўтказиш жадвали, ҳисобни юритишга доир бошқа тартиб-қоидалар ва тамойиллар аниқ ифодаланган бўлиши лозим. Қурилиш ташкилотларининг ҳисоб сиёсати ички ва ташқи фойдаланувчиларга улар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тегишли шакл ва мазмунда йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва жамлаш ҳамда уларни ўз вақтида етказиб бериш талабларига жавоб бериши керак.

Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби республикамизнинг 2016 йил 13 апрелда янги таҳрирда тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» қонуни (11-модда)да кўрсатилган тўртта шакллардан бирида ташкил этилиши мумкин.

Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкилий шаклини белгилашда бу ташкилотларнинг катта-кичиклиги, уларнинг макоми муҳим роль ўйнайди. Йирик қурилиш ташкилотларида бажариладиган ҳисоб-китоб ишлари ҳажми катта бўлганлиги учун бухгалтерия таркиби алоҳида бўлимлардан, масалан, моддий бойликлар ҳисоби бўлими, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоб-китоби бўлими, қурилиш ишлари ҳисоби бўлими, молиявий ҳисоб-китоблар бўлими ва бошқалардан ташкил топади. Бухгалтерия бўлимлари иш фаолиятига бош бухгалтер раҳбарлик қилади ва масъул ҳисобланади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар мақомидаги қурилиш ташкилотларида, одатда, махсус ҳисоб бўлинмаси ташкил қилинмайди. Уларда шартнома асосида ишга қабул қилинган бухгалтерга барча ҳисоб-китоб ишларини юритиш юклатилади.

Қурилиш ташкилотлари хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ихтисослашган бухгалтерлик фирмаси ёки аудиторлик ташкилоти томонидан тузилган шартномага мувофиқ олиб борилганда, улар бухгалтерия ҳисобини республикамиз қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда олиб борилганлиги учун қурилиш ташкилотлари олдида шартнома шартларига асосан жавобгар ва масъул ҳисобланадилар.

Қурилиш ташкилотида бухгалтерия ҳисоби унинг раҳбарининг ўзи томонидан юритилганда у бухгалтерия ҳисобини республикамиз қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда олиб борилганлиги учун бевосита жавобгар ва масъул ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларининг ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг танлаб олинган шакли, шунингдек, ушбу шаклда ҳисоб ишларининг бажарилишини тартибга солиб турувчи ички меъёрий ҳужжатлар тизими белгиланади. Бундай ички меъёрий ҳужжатлар бўлиб, одатда, бухгалтерия тўғрисида Низом, бош бухгалтер ва бухгалтерларнинг касбий маҳоратига қўйиладиган талаблар, бухгалтерлар ўртасида функционал мажбуриятларнинг таксимоти, меҳнат шартномалари, ихтисослашган бухгалтерлик фирмалари ёки аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларида даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижалари (фойда ва зарарлари) кўрсаткичларини тан олиш ва ҳисобини юритишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Чунончи, даромадларни қурилиш ишлари ёппасига тугагандан сўнг, босқичма-босқич, қурилиш навбатлари бўйича тан олиш ва ҳисобга олиш мумкин. Қурилиш ташкилотлари томонидан бу усуллардан қайси бири танлаб олинганлиги ёки уларнинг ҳар бирини қайси турдаги ишлар учун қўлланилиши ҳисоб сиёсатида аниқ ифодаланган бўлиши лозим.

Бажарилган қурилиш ишларининг таннархи, шунингдек, олинган фойда суммаси уларга сарфланган материаллар қийматини баҳолаш усулларига бевосита боғлиқ. Бундай усуллар бўлиб, республикамизнинг 4-сон БҲМС «Товар-моддий заҳиралар»га мувофиқ ФИФО, АВЭКО, идентификацилаш усуллари ҳисобланади. Белгиланган тартибга кўра қурилиш ташкилоти ушбу усулларнинг барчасидан фойдаланишлари мумкин. Бироқ, бир хил номдаги ТМЗлар бўйича бир вақтнинг ўзида баҳолашнинг турли усулларини қўллаш мумкин эмас. Шу боис ҳам, қурилиш ташкилотлари ўзларининг ҳисоб сиёсатида ТМЗлар қийматини баҳолашнинг танланган усулларини уларнинг турлари бўйича кўрсатишлари ҳамда унга амал қилишлари лозим.

Қурилиш ишларининг бир неча йилларга чўзилиб кетиши ҳисобот йилининг охирида тугалланмаган қурилишни инвентаризация қилиш ва қийматини баҳолашни, шунингдек, унга сарфланган харажатларни тўғри таксимлашни тақозо этади. Бу хусусият қурилиш ташкилотлари ҳисоб сиёсатида тугалланмаган қурилиш ҳажмини инвентаризация қилиб чиқиш, унинг қийматини баҳолаш тартибини аниқ белгилашни талаб қилади.

Қурилиш ишлари бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилиши буюртмачи ташкилотларнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигига бевосита боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида

буюртмачи корхоналар тўлов кобилиятини йўқотиш рискининг мавжуд-лиги *қурилиш ташкилотларида* даргумон дебиторлик қарзларни бевосита ёки ташкил қилинадиган махсус резерв эвазига хисобдан чиқариш усулларидан бирини хисоб сиёсатида белгилаб қўйишни талаб этади

Бажариладиган ишлар (хизматлар) қурилиш ташкилотлари бўлинма-ларида (қурилиш майдончалари, цехлар, омборлар ва бошқа жавобгарлик марказларида) турли бошланғич ҳужжатларни тузишни, улар айланишини ташкил қилишни, шунингдек, бошланғич ҳужжатлар асосида тегишли хисоб регистрларини юритишни такозо этади Қурилиш ташкилотларида ишлатиладиган бошланғич ҳужжатлар, уларни тузиш, тақдим этиш ва ишловдан ўтказиш тартиби тўғрисида кейинги бобларда алохида тўхталамиз.

Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия хисоби журнал-ордер, мемориал-ордер, бош-журнал ва ихчамлаштирилган шакллардан бирида қўлда ёки замонавий компьютерли технологияларга асосланилган холда юритилиши мумкин. Хозирги пайтда аксарият қурилиш ташкилот-ларида қўлланилаётган хисоб шакли бўлиб журнал-ордер шакли хисобланади. Бу шаклда ишлатиладиган хисоб регистрларининг счётлар бўйича *таксимоти 1.5-ва 1.6-жадвалларда келтирилган.*

1.5-жадвал

Қурилиш ташкилотларида қўлланиладиган журнал-ордерлар

Шакл т/р	Қайси счётларнинг кредити бўйича
1-с	5000 «Кассадаги пул маблағларини хисобга олувчи счётлар»
2-с	5100 «Хисоб-китоб счётидаги пул маблағларини хисобга олувчи счётлар» 5200 «Чет Эл валютасидаги пул маблағларини хисобга олувчи счётлар»
3-с	5500 «Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини хисобга олувчи счётлар»
4-с	6800 «Қиска муддатли кредитлар ва қарзларни хисобга олувчи счётлар» 7800 «Узок муддатли кредитлар ва қарзларни хисобга олувчи счётлар»
6-с	6000 «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»
7-с	6970 «Хисоблор шахсларга бўлган қарзлар»
8-с	6100 «Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва карам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» 6300 «Олинган бўнакларни хисобга олувчи счётлар»

	6400 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича) 6600 «Таъсисчиларга бўлган қарзни хисобга олувчи қарзлар» 6900 «Турли кредиторларга бўлган қарзларни хисобга олувчи счётлар»
10-с	1000 «Материалларни хисобга олувчи счётлар» 2000 «Асосий ишлаб чиқаришни хисобга олувчи счётлар» 2300 «Ёрдамчи ишлаб чиқаришни хисобга олувчи счётлар» 2500 «Умумишлаб чиқариш харажатларини хисобга олувчи счётлар» 2600 «Ишлаб чиқаришдаги яроксизликларни хисобга олувчи счётлар» 2700 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни хисобга олувчи счётлар» 3100 «Келгуси даврхаражатларини хисобга олувчи счётлар» 3200 «Кечиктирилган харажатларни хисобга олувчи счётлар» 6500 «Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни хисобга олувчи счётлар» 6700 «Меҳнат ҳаки бўйича ходим билан хисобланишларни хисобга олувчи счётлар»
11-с	9030 «Ишлар бажаришдан ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар 9200 «Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини хисобга олувчи счетлар» 9300 «Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини хисобга олувчи счётлар» 9410 «Сотиш харажатлари» 9420 «Бошқарув харажатлари» 9430 «Бошқа операцион харажатлар»
12-с	8300 «Устав капиталини хисобга олувчи счётлар» 8400 «Қўшилган капитални хисобга олувчи счётлар» 8500 «Резерв капиталини хисобга олувчи счётлар» 8700 «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни хисобга олувчи счётлар 8800 «Мақсадли тушумларни хисобга олувчи счётлар» 8900 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини хисобга олувчи счётлар»
13-с	0100 «Асосий воситаларни хисобга олувчи счётлар» 0200 «Асосий воситалар эскиришини хисобга олувчи счётлар» 0400 «Номоддий активларни хисобга олувчи счётлар» 0500 «Номоддий активларни эскиришини хисобга олувчи счётлар»
15-с	6200 «Кечиктирилган мажбуриятлар (даромадлар)ни хисобга

	олувчи счётлар» 9800 «Солиқлар ва йиғимларни тулаш учун фойдани ишлатилишини хисобга олувчи счётлар» 9900 «Якуний молиявий натижани хисобга олувчи счётлар»
16-с	0700 «Ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни хисобга олувчи счётлар» 0810 «Капитал қуйилмаларни хисобга олувчи счётлар»

1.6-жадвал

Қурилиш ташкилотларида қўлланиладиган ёрдамчи ва ишлов қайдномалари

Шакл тартиб рақами	Шакл номи	Қайси счётларнинг дебети бўйича
1-с	Қайднома	5000 «Кассадаги пул маблағларини хисобга олувчи счётлар»
2-с	Қайднома	5100 «Хисоб-китоб счётидаги пул маблағларини хисобга олувчи счётлар»
5-с	Қайднома	Олинадиган счётлар тўғрисида тахлилий маълумотнома
6-с	Қайднома	Таъминотчи ва пудратчиларга тўланган бўнаклар (фактурасиз келган ва йўлдаги материаллар) тўғрисида тахлилий маълумотномалар
7-с	Қайднома	Бюджетга олдиндан тўлов ва бошқа дебиторлик қарзлар тўғрисида тахлилий маълумотнома
10-с	Қайднома	Моддий қийматликларнинг ҳаракати (пул ўлчови бирлигида)
15-с	Қайднома	Вақтинчалик бинолар, иншоатлар ва мосламаларнинг аналитик хисоби
16-с	Ишлов қайдномаси	Махсулот (иш, хизмат)ларни сотиш, улар таннархи хисоб-китобига доир тахлилий маълумотномалар
РТ-2	Ишлов қайдномаси	Иш ҳакини тақсимланишининг хисоби
РТ-5с	Ишлов	Хисобланган иш ҳаки ва ижтимоий суғуртага

	кайдномаси	ажратмалар, уларнинг таксимоти тўғрисидаги маълумотларни жамлаш
№1-7	Ишлов кайдномаси	Асосий воситалар эскириши (амортизацияси)нинг таксимоти

Қурилиш ташкилотлари хисоб сиёсатининг мухим таркибий қисми бўлиб молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисобини юритиш учун тасдиқланган ишчи счётлар режаси хисобланади. Қурилиш ташкилотлари хусусиятларидан келиб чиққан холда ишчи счётлар режасида шларда тутилиши лозим бўлган айрим счётлар ва уларнинг юритилиш тартибига кейинги бобларда алохида тўхталамиз.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Қурилиш ишлари – бу янги бино ва иншоатларни яратилиши билан боғлиқ жараёнлар мажмуаси.

Жихозларни ўрнатиш ишлари – бу жихозлар, ускуналар ва бошқа конструкцияларни йиғиш, ўрнатиш ва фойдаланишга тушириш билан боғлиқ ишлар мажмуаси.

Кенгайтириш – бу пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг харакатдаги бино ва иншоатларига қўшимча ишлаб чиқариш объектларини қуриш, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехларнинг майдончаларини ишлаб чиқариш қувватини ошириш максадида кенгайтириш билан боғлиқ ишлар.

Реконструкция – бу пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг харакатдаги асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектларини ластлабки холатини кенгайтирмасдан қайта ўзгартириб чиқиш.

Модернизация – бу пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг харакатдаги асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектларини янгилаш, машина ва механизмлар хамда техник воситаларнинг фойдаланиш муддатлари ва мехнат унумдорлигини оширишга имкон берувчи қисмларини алмаштириш.

Ободонлаштириш – бу пудрат шартномасига кўра буюртмачиларга уларда фойдаланишда бўлган ер майдончаларининг кўринишини яхшилаш, ер ости ўтказмаларини қуриш, транспорт воситаларини тўхтаб туриш жойларини ташкил қилиш, ер майдончаларини темир панжаралар билан ўраш, юриш йўлкаларини қуриш каби ишлар.

Таъмирлаш – бу пудрат шартномасига кўра буюртмачиларга асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган объектларни техник-ишлаб чиқариш холатини ишчи холатда ушлаб туриш, уларнинг техник-иқтисодий даражасини сақлаш максадларида бажарилган ишлар.

Қурилиш ташкилоти – бу ўз фаолиятини хўжалик хисоби асосида юритувчи юридик шахс.

Бош пудратчи ташкилот – бу буюртмачи билан қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни олиб бориш бўйича асосий шартномани тузган ҳамда унинг бажарилишини тўлик ўз зиммасига олган қурилиш ташкилоти

Субпудратчи ташкилот – бу бош пудратчининг буюртмачига бажариб бериши лозим бўлган қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошка ишларнинг бир кисмини бош пудратчи билан тузилган шартномага асосан бажариб берувчи ташкилот.

Буюртмачи – бу бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотлар томонидан шартномалар асосида бажариладиган қурилиш, қурилиш-монтаж, кенгайтириш, реконструкция, модернизация, ободонлаштириш, таъмирлаш ва бошка ишларнинг харидори.

Пудрат шартномаси – бу бош пудратчи ва буюртмачи ўртасида қурилиш, қурилиш-монтаж, кенгайтириш, реконструкция, модернизация, ободонлаштириш, таъмирлаш ва бошка ишларни бажариш шартлари, талаблари, ўзаро хисоб-китоблар ва жихатларни ўзида мужассамлаштирувчи юридик хужжат.

Инжиниринг компанияси – давлатнинг худудий бошқарув органлари хузурида давлат бюджетидан марказлаштирилган тарзда молиялаштириладиган қурилиш объектлари (мактаблар, лицейлар, коллежлар, харбий кисмлар, шифохоналар ва бошкалар) бўйича пудрат шартномаларини тузишда «ягона буюртмачи хизмати» функциясини бажарувчи махсус давлат ташкилоти.

Тендер (танлов) – бу «ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари оркали давлат бюджетидан марказлаштирилган тарзда молиялаштириладиган қурилиш объектлари (мактаблар, лицейлар, коллежлар, харбий кисмлар, шифохоналар ва бошкалар)ни қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш, кенгайтириш, таъмирлаш каби ишларни бажариш борасида пудрат ташкилотларни аниқлаш учун ўтказиладиган танлов савдолари.

Оферта қурилиш лойиҳаси – инжиниринг компанияларига танлов савдосида катнашиш бўйича таклифларни ўзида мужассамлаштирувчи танлов хужжати.

Қурилиш сметаси – бу қурилиш ишларини бажаришга кетадиган сарф-харажатларни ўзида ифода этувчи хужжат

Қурилиш хисоби – бу макон ва замонда юз берган ва бераётган қурилиш ишларини миқдор жихатдан ўлчаш ва сифат жихатдан тавсифлаш воситаси.

Қурилиш ташкилотининг хисоб сиёсати – бу қурилиш ташкилоти рахбарияти томонидан танлаб олинган бухгалтерия хисобининг

ташкилий шакли, хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементларини тан олиш меъёнлари, улар хисобини юритишга асос бўлувчи хужжатлар тизими, ички счётлар режаси, бошланғич хужжатлар айланиши, архив иши, товар-моддий бойликларни инвентаризациясини ўтказиш жадвали, хисобни юритишга доир бошка тартиб-коидаларни ўзида мужассамлаштирган ички меъёрий хужжат.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ

1.Қурилиш – бу:

а) халқ хўжалигининг тармоғи;

б) жараён;

в) фаолият тури;

г) олдинги барча жавоблар тўғри.

2.Қурилиш ташкилотлари:

а) акциядор жамиятлари бўлиши мумкин эмас;

б) кичик корхона бўла олмайди;

в) масъулияти чекланган жамият бўлиши мумкин эмас;

г) олдинги барча жавоблар нотўғри.

3. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия хисоби объектларига киради:

а) активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал;

б) хўжалик фаолияти турлари;

в) хўжалик фаолияти натижалари;

г) юкоридаги жавобларда келтирилганларнинг барчаси.

4. Қурилиш ташкилоти хисоб сиёсатини:

а) Вазирлар Махкамаси тасдиклайди;

б) *Молия Вазирлиги тасдиклайди;*

в) «Ўздавархитектқурилиш» АК тасдиклайди;

г) Қурилиш ташкилотининг рахбари тасдиклайди.

2-БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1.Қурилиш ташкилотларида асосий воситаларнинг таснифи, тавсифи ва баҳоланиши

Қурилиш ишларини турли меҳнат қуроллари ҳамда воситаларисиз амалга ошириб бўлмайди. Чунончи, ер ости ва устидаги, турли чуқурлик ва баландликлардаги ишларни бажариш учун қурилиш ташкилотларига ҳаракатланувчи кранлар, бульдозерлар, экскаваторлар, бетон қориш машиналари, бўёқ ва оҳак пуркагич аппаратлар, электр ранда ва арралар ҳамда бошқа шу каби махсус техника, машина ва механизмлар керак бўлади. Бундан ташқари, қурилишга керакли бўлган кўп миқдордаги материалларни тайёрлаш, сақлаш ва уларни қурилиш майдончаларига ўз вақтида етказиб бериш турли таъминот, ишлаб чиқариш ва бошқа жараёнларнинг бажарилишини таъминловчи бинолар, иншоотлар, транспорт ва бошқа меҳнат воситаларига эга бўлишликни тақозо этади. Буларнинг барчаси қурилиш ташкилотларида асосий воситаларни муҳим аҳамиятга эга эканлигидан дарак беради. Бу, ўз навбатида, қурилиш ташкилотларида асосий воситалар ҳолати ва ҳаракати, улардан самарали фойдаланиш, меҳнат қуроллари ва воситаларининг эскириши ва янгиланиши устидан узлуксиз назоратни ўрнатиш, шунингдек, улар ҳисобини ўз вақтида ва тўғри юритиш талабини қўяди.

Қурилиш ташкилотларида ишлатиладиган асосий воситаларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида турлича таснифлаш мумкин (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Қурилиш ташкилотлари асосий воситаларининг таснифи

Таснифлаш белгиси	Асосий воситанинг тури
1.Ишлаб чиқаришдаги иштирокига кўра	• ишлаб чиқариш асосий воситалари • ноишлаб чиқариш асосий воситалари
2.Ишлаб чиқаришни боришига таъсир кўрсатувчанлигига кўра	• фаол таъсир кўрсатувчи асосий воситалар • нофаол таъсир кўрсатувчи асосий воситалар
3.Мулкий қимга тегишлигига кўра	• хусусий асосий воситалар • вақтинчалик фойдаланишга олинган асосий воситалар
4.Сотиб олиш ва келиб	• сотиб олинган импорт асосий воситалар

чиқиш манбаларига кўра	• сотиб олинган маҳаллий асосий воситалар • ўз кучи билан яратилган асосий воситалар • таъсис бадали сифатида киритилган асосий воситалар бепул келиб тушган асосий воситалар
5.Сотиб олингандаги ҳолатига кўра	• буткул янги асосий воситалар • олдинлари фойдаланишда бўлган асосий воситалар
6.Реал ҳолатига кўра	• ишлатилаётган асосий воситалар • капитал таъмирлашдаги асосий воситалар • консервация қилинган асосий воситалар • захирадаги ўрнатилмаган жиҳозлар • сотишга тайёрланган асосий воситалар • тугатишга тайёрланган асосий воситалар ижарага берилган асосий воситалар
7.Алоҳида ишларни бажаришга мўлжал-ланганлигига кўра	• махсус асосий воситалар • универсал асосий воситалар • аралаш мақсадлаги асосий воситалар
8.Тури ва кўринишига кўра	• ер ва ер участкалари • бино ва иншоатлар • машина ва механизмлар • офис мебеллари ва жиҳозлари • компьютерлар • транспорт воситалари • ишчи ҳайвонлар • кўп йиллик ўсимликлар • бошқа асосий воситалар

Ишлаб чиқаришдаги иштирокига кўра қурилиш ташкилотларининг барча асосий воситаларини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий воситаларига ажратиш мумкин. Ишлаб чиқариш асосий воситалари бўлиб, чунончи, бевосита қурилиш ишларини олиб боришда иштирок этадиган меҳнат қуроллари ва воситалари, масалан, махсус қурилиш машиналари ва механизмлар, техника, транспорт воситалари, бино ва иншоатлар ҳисобланади. Ноишлаб чиқариш асосий воситаларига маъмурият биноси, офис мебеллари, компьютерлар, бошқарувга хизмат қиладиган транспорт воситалари, шунингдек, бошқа ижтимоий-маданий мақсадларда фойдаланилаётган объектлар киради.

Ишлаб чиқаришни боришига таъсир кўрсатувчанлигига кўра қурилиш ташкилотларининг барча асосий воситалари ишлаб чиқаришга

фаол ва нофаол таъсир кўрсатадиган асосий воситаларга бўлинади. Махсус қурилиш машиналари ва механизмлари, транспорт воситалари, айрим хўжалик инвентарлари ишлаб чиқаришга катта таъсир кўрсатадиган асосий воситалар ҳисобланади. Бино ва иншоатлар, мебел ва айрим жиҳозлар ишлаб чиқаришга бевосита фаол таъсир кўрсатмайдиган асосий воситаларга киради.

Мулкий кимга тегишлигига кўра қурилиш ташкилотлари асосий воситалари хусусий ва вақтинчалик фойдаланишга (ижарага) олинган асосий воситаларга бўлинади.

Сотиб олиш ва келиб чиқиш манбаларига кўра қурилиш ташкилотларининг асосий воситалари турли хил бўлади, масалан, хорижий давлатлардан сотиб олинган (импорт) ва республикамизда ишлаб чиқарилган асосий воситалар, ўз кучи билан яратилган асосий воситалар, таъсис бадали сифатида киритилган асосий воситалар ва бепул келиб тушган асосий воситалар.

Сотиб олингандаги ҳолатига кўра қурилиш ташкилотлари асосий воситаларини янги ва олдинлари фойдаланишда бўлган асосий воситаларга бўлиш мумкин.

Реал ҳолатига кўра қурилиш ташкилотлари асосий воситалари ишлатилаётган (эксплуатациядаги), капитал таъмирлашдаги, консервация қилинган, захирадаги, сотишга ва тугатишга тайёрланган, ижарага берилган асосий воситаларга ажратилади. Сотишга ва тугатишга тайёрланган асосий воситалар алоҳида қисмларга ажратилган ҳолда сақланиши мумкин.

Алоҳида ишларни бажаришга мўлжаллангаилигига кўра қурилишда қўлланилаётган асосий воситалар махсус, универсал ва аралаш максаддаги асосий воситаларга бўлинади. Кранлар, бетон қориш машиналари, темир ва тахта кесиш ва бурғулаш жиҳозлари, ковшли экскаваторлар, грейдерлар ва шу каби айрим қурилиш техникалари махсус асосий воситалар ҳисобланади. Тракторлар, бульдозерлар, айрим транспорт воситалари, бино ва иншоатлар универсал характерга эга бўлади.

Тури ва кўринишига кўра қурилиш ташкилотларининг асосий воситалари бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва статистика ҳисоботларини тузишда барча хўжалик юритиш субъектлари учун умумбелгиланган гурухларга ажратилади. Ушбу гурухлар ҳамда уларга кирувчи асосий воситалар бўлиб, чунончи, қуйидагилар ҳисобланади: ер ва ер участкалари; бино ва иншоатлар; машина ва ускуналар; офис мебеллари ва жиҳозлари; компьютерлар; транспорт воситалари; ишчи ҳайвонлар; кўп йиллик ўсимликлар; бошқа асосий воситалар.

Қурилиш ташкилотлари асосий воситаларини бошқа белгилари бўйича ҳам таснифлаш мумкин. Чунончи, солиқ солишга муносабатига

кўра улар мол-мулк солиғига тортиладиган ва мол-мулк солигига тортилмаидиган асосий воситаларга ажратилади Амортизация килинишига кўра улар Солиқ кодексида белгиланган турли меъёрлар бўйича эскириши хисобланадигаи ва мос равишда турли муддатларда (5 йилдан 20 йилгача) хизмат кўрсатадиган асосий воситаларга бўлинади

Курилиш ташкилотларида асосий воситалар таркибига киритилмайди:

• кийматидан катъий назар хизмат муддати бир йилдан кам бўлган буюмлар – стол устига қўйиладигаи калькуляторлар, ёритгичлар, ёзув ускуналари, таквимномалар;

• вактинчалик фойдаланиш учун курилган йўлкалар ва бошка мосламалар (нотитул иншоатлар).

Курилиш ташкилотлари ўзларининг асосий воситалари кийматини 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»да келтирилган тартибда баҳолашлари, шунингдек, жорий хисобда уларни бошланғич (тикланган) кийматида, бухгалтерия балансида эса колдиқ кийматида акс эттиришлари лозим.

Асосий воситаларнинг бошлангич киймати уларни сотиб олиш баҳолари (ўз кучи билан куриш ёки ишлаб чикариш таннархи) ҳамда барча сотиб олиш, ташиб келтириш, расмийлаштириш, ўрнатиш, ишга туширишга доир кўшимча харажатлардан ташкил тонади. Бошланғич кийматни топиш махсус «Асосий восита бошланғич кийматининг хисоб-китоби»ни тузиш асосида амалга оширилади Ушбу хисоб-китобнинг яхлит шакли республикамизнинг харакатдаги меъёрий ҳужжатларида белгиланмаган. Уни куйидаги шаклда тузиш максадга мувофик (2.2- жадвал).

2.2- жадвал

«Тасдиклаймаи»

Рахбар_____

Асосий восита бошланғич кийматининг хисоб-китоби

Номи- бетон кориш машинаси

Т/р	Ҳужжат		Операция мазмуни	Сумма	Корр. Счётлар	
	№	Сана			Дт	Кт
1	2	5.01.17	Минск заводи, машина киймати	160000000	0820	6010
2	36	15.01.17	Божхона тўловлари	14200000	0820	6990
3	6	15.01107	А.Хайдаровнинг сафар харажатлари бўйича	4000000	0820	6970

			аванс хисоботи			
4	41	15.01.17	«Рауф» брокерлик конторасн хизматлари	800000	0820	6990
5	25	15.01.17	Самарканд темир йўл узели хизматлари	2200000	0820	6990
6	12	15.01.17	Автойўл фондига тўлов	1800000	0820	6990
7	26	15.01.17	Самарканд ДАН хизматлари	150000	0820	6990
			Жами	**183150000**	**0160**	**0820**

Бош хисобчи _____

Ушбу хисоб-китоб сотиб олинган асосий воситаларни бошланғич кийматн бўйича кирим килинишига, улар бўйича инвентар карточкаларни юритишга, шунингдек, меҳнат куроллари ва воситаларини жорий хисоб регистрлари хамда хисоботларда акс эттиришга асос бўлади

1.2. Курилиш ташкилотларида асосий воситалар холати ва харакатининг хисоби

Курилиш ташкилотлари бошка хўжалик юритувчи субъектлар сингари асосий воситаларнинг синтетик ва аналитик хисобини республикамизнинг конунлари ва конун ости хужжатлари асосида олиб боришлари лозим

21-сон БХМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисоби счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома»га мувофик асосий воситаларнинг синтетик хисоби 0100 «Асосий воситалар хисоби счётлари» тизимида очиладиган счётларда олиб борилади.

0110 «Ер» счётида курилиш ташкилотлари ихтиёрига конун хужжатларига мувофик мулк сифатида берилган ер участкалари акс эттирилади.

0120 «Бинолар, иншоотлар ва узатиш курилмалари» счётида куйидаги таркибдаги асосий воситалар хисоби юритилади:

• ***бинолар*** – бу ишлаб чикариш, маъмурий бошкарув ва бошка ижтимоий-маиший максадларда фойдаланиладиган биноларр (цехлар, омборлар, ювиниш хоналари, лаборатория, идора, гараж, ўт ўчириш депоси ва шу каби меҳнат шароитини яратиб берувчи, товар-моддий

бойликлар бутлигини таъминловчи объектлар). Биноларга таркибига уларни нормал эксплуатация қилиш учун зарур бўлган барча коммуникациялар, яъни иситиш, вентиляция, сув ва газ таъминоти, лифт, ёнғинга қарши ва сигнализация қурилмалари, телефон алоқаси симлари тизимлари ҳам киритилади.

• *иншоотлар* – очиқ айвонлар, деворлар, сув минораларни, темир йўл шахобчалари, насос станциялари, цемент ва сув ҳавзалари ва сиғимлари, асфальтланган йўллар ва йўлкалар.

• *узатиш қурилмалари* – электр линиялар, газ, сув, буғ ўтказувчи қувурлар ва бошқалар.

0130 «Машина ва ускуналар» счётида ерга мустаҳкам ўрнатиладиган ва рельсда юритувчи кранлар ва электрокранлар, экскаваторлар, бульдозерлар, бетон қориш машиналари, транспортерлар, кўтариш-туширишқурилмалари, грейдерлар, бургулаш, арралаш, рандалаш, темир-терсакларни кесиш, улаш, бўёқ, оҳак ва сув пуркаш аппаратлари ҳамда станоклари, иссиклик печлари, компрессорлар, ўлчов тарозилари ва бошқа махсус машина ҳамда ускуналарнинг ҳисоби олиб борилади.

0140 «Мебел ва офис жиҳозлари» счётида шкафлар, стол ва стуллар комплекти, доскалар, сейфлар, ёзув машинкалари, факс, нусха кўчириш аппаратлари, уяли алоқа воситаларининг ҳисоби юритилади.

0150 «Компьютер ускунаси ва ҳисоблаш техникаси» счётида компьютерлар ва уларга ўрнатиладиган периферия қурилмалари (принтер, сканер, модем ва бошқалар)нинг ҳисоби олиб борилади.

0160 «Транспорт воситалари» счётида юк ва одам ташувчи автомашиналар, вагонлар, автобуслар, тракторлар, прицеплар ва бошқа транспорт воситалари ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби 13-журнал-ордерда, шунингдек, ҳар бир инвентар объектнинг коди (тартиб раками) бўйича карточкаларда ёки китобда (ОС-7 шакл «Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар карточкаси», ОС-9 «Асосий воситаларнинг инвентар рўйхати») юритилади. Ушбу карточка ва китоблар асосий воситалар келиб тушганда очилади ва уларнинг бутун фойдали хизмат муддати даври давомида сақланади.

Қурилиш ташкилотларида асосий воситалар янги капитал инвестицияларни киритиш, бепул олиниши, таъсис бадали сифатида киритилиши эвазига кўпайиши, шунингдек, уларнинг бошланғич қиймати қайта баҳолаш ҳисобидан ошиши мумкин.

Капитал инвестициялар – бу қурилиш ташкилотларининг янги объектларни қуришга, эски объектларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга, шунингдек, асосий воситаларни сотиб олишга сарфлаган маблағлари мажмуаси. Халқаро стандартларда ва

Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартларида (5-сон БҲМС) бу характердаги харажатлар асосий воситаларнинг бошланғич кийматини кўпайтирадиган харажатлар деб тан олинади.

Капитал инвестициялар характерига кўра ички инвестиция хисобланади, улар бевосита қурилиш ташкилоти қудратини оширишга йўналтирилган маблағлардир.

Қурилиш ташкилотлари ўз мақсадларидаги капитал инвестицияларни икки усулда амалга оширишлари мумкин: пудрат усулида ва хўжалик усулида. Ушбу усулларда амалга оширилган капитал инвестицияларнинг хисоби 0810 «Тугалланмаган қурилиш», 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш», 0890 «Бошқа капитал қуйилмалар» счётларида олиб борилади.

0810 «Тугалланмаган қурилиш» счётининг дебетида қурилиш ташкилотлари томонидан сарфланган капитал қуйилмалар тўғрисида маълумотлар жамланади, кредитида эса капитал инвестиция суммасини асосий воситаларнинг бошланғич кийматига киритилиши акс эттирилади. Счётнинг қолдиғи дебет томонида бўлиб, у тугалланмаган қурилишга тўғри келадиган капитал қуйилмалар суммасини кўрсатади.

0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» счётининг дебетида таъминотчидан қабул қилинган асосий воситанинг киймати, шунингдек, уни ташиб келтириш, ўрнатиш, монтаж қилиш ва бошқа харажатлар акс эттирилади, кредитида эса счётнинг дебетида тўпланган сумманн асосий воситаларнинг бошлангич кийматига киритилиши кўрсатилади. Дебет ва кредит оборотлари суммалари тенг бўлганлиги учун бу счёт сальдога эга бўлмайди.

0890 «Бошқа капитал қуйилмалар» счётида юқоридаги счётларга киритилмаган капитал инвестициялар, жумладан, асосий воситаларни кенгайтиришга, реконструкция ва модернизациясига сарфланган капитал қуйилмалар хисобга олинади. Бу характердаги қуйилмаларнинг суммалари кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилиш далолатномалари асосида харакатда бўлиб келган асосий воситаларнинг бошланғич кийматига киритилади.

Қурилиш ташкилотларига асосий воситалар юқори ташкилотдан, бошқа юридик ва жисмоний шахслардан бепул келиб тушиши хам мумкин. Бундан асосий воситалар шартномалар, счёт-фактуралар, кабул қилиш-топшириш далолатномалари асосида қабул қилинади. Ушбу хужжатлар асосида бепул олинган асосий воситаларга қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счётлари»

Кредит 8530 «Қайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк»

Белул берилган асосий воситаларни ташиб келтириш харажатлари уларнинг бошланғич қийматига киритилади ва бу хисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 0890 «Бошка капитал қуйилмалар»

Кредит 6990 «Бошка мажбуриятлар»

Бир вактнинг ўзида:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счеглари»

Кредит 0890 «Бошка капитал қуйилмалар»

Қурилиш ташкилотларига таъсис хужжатлари (устав, таъсис шартномаси)га асосан таъсисчилардан қабул килинган асосий воситалар счет-фактура ва қабул килиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу хужжатлар асосида куйидаги бухгалтерия ёзуви килинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счётлари»

Кредит 4610 «Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг карзлари»

Чет эл инвесторларидан таъсис бадали сифатида корхона рўйхатдан ўтгандан кейинги саналарда келиб тушган асосия воситалар бўйича валюта курсини ўзгариши сабабли кўшилган капитал вужудга келади. Бундай холда корхона рўйхатдан ўтган саналаги курс бўйича таъсисчидан кабул килиб олинган асосий восита кийматига юкорида келтирилган ёзув берилади. Ҳакикатда келиб тушган сана ва корхона рўйхатга олинган санадаги курслар ўртасидаги фарк суммаси корхонанинг кўшилган капиталига олиб борилади ва унга куйидаги ёзув килинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счётлари»

Кредит 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарклари»

Қурилиш ташкилотларида асосий воситаларни кайта баҳолаш икки усулда, яъни бозор баҳоларидан келиб чиккан холда тўгридан тўгри эски кийматни бозор кийматигача етказиш ёки эски кийматни белгиланган коэффициентларга кўпайтириш йўли билан янги кийматга чиқиш усулларида амалга оширилади. Янги ва эски кийматлар ўртасидаги фарк кайта баҳолаш кийматини ташкил этади. Ушбу сумма ижобий сон билан чикса, у асосий воситаларнинг кийматини оширилганлигини, манфий сон билан чикса, у асосий воситалар кийматини пасайтирилганлигини билдиради. Кайта баҳолаш натижаси инвентаризация кайдномаси асосида хисобда акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг киймати оширилганда, янги ва эски бошланғич кийматлар ўртасидаги ижобий фарк бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счётлари»

Кредит 8510 « Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Қайта баҳолашда мос равишда асосий воситаининг жамланган эскириш суммаси ҳам юқорида келтирилган икки усулнинг бири бўйича қайта ҳисобланади. Эскириш суммаси оширилганда унга қуйидаги ёзув киритилади:

Дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0211- 0290 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счётлари»

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати қайта баҳолашда пасайтиришганда янги ва эски қийматлар ўртасидаги салбий фарқ суммаси икки усулда ҳисобдан чиқарилади.

1-усул. Қурилиш ташкилотида олдиндан асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида резерв капитали шакллантирилган бўлса, у ҳолда пасайтирилган қиймат шу резерв капитали эвазига ҳисобдан чиқарилади. Бунда, мос равишда, қуйидаги ёзувлар киритилади:

а) бошлангич қийматлар ўртасидаги салбий фарқ суммасига:

Дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0111-0190 «Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

б) эскириш суммалари ўртасидаги салбий фарқ суммасига:

Дебет 0211-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счётлари»

Кредит 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

2-усул. Резерв капитали мавжуд бўлмаган ҳолда қўлланилади. Бу ҳолда қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг қийматлари ўртасидаги салбий фарқ суммаси қурилиш ташкилоти харажатига олиб борилади ва у ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

а) бошлангич қийматлар ўртасидаги салбий фаркка:

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 0111- 0190 «Асосий воситалар ҳисоби счётлари»

б) эскириш суммалари ўртасидаги салбий фаркка (сторно ёзуви)

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 0211-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счётлари»

Қурилиш ташкилотларида асосий воситалар уларнинг сотилиши, тугатилаши, бепул берилиши, таъсис бадали сифатида киритилиши ва бошка чиқимлари ҳисобидан камайиши мумкин. Ушбу операциялар ҳисобда қуйидаги бухгалтерия ўткалмалари билан акс эттирилади (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Қурилиш ташкилотларида асосий воситалар чиқимига доир операцияларни счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1.Асосий воситаларнинг сотилиши					
1	Асосий воситани сотиш қийматига (ҚҚСсиз)	6000000	4010	9210	Шартнома, счёт-фактура
2	ҚҚС суммасига (агар корхона ҚҚС тўловчи ва солиқ солиш объекти мавжуд бўлса)	1000000 (6000000*20/120)	4010	6410	Шартнома, счёт-фактура
3	Асосий воситанинг бошлангич қийматига	40000000	9210	0111-0190	Шартнома, счёт-фактура
4	Жамланган эскиришни ҳисобдан чиқариш	40000000	0211-0290	9210	Шартнома, счёт-фактура
5	Қайта баҳолаш бўйича резервни ҳисобдан чиқарилишига	1500000	8510	9210	Ҳисоб-китоб
6	Сотишдан олинган фойда	6500000	9210	9310	Ҳисоб-китоб
7	Сотишдан кўрилган зарар	-	9430	9210	Ҳисоб-китоб
2.Асосий воситаларнинг тугатилиши					
1	Асосий воситанинг бошлангич қийматига	16000000	9210	0111-0190	Тугатиш далолатномаси
2	Жамланган эскиришни ҳисобдан чиқариш	15000000	0211-0290	9210	Тугатиш далолатномаси
3	Қайта баҳолаш бўйича резервни ҳисобдан чиқарилишига	500000	8510	9210	Ҳисоб-китоб
4	Тугатиш харажатлари	1500000	9210	6710, 6520,	Тугатиш далолат-

				6990	номаси, кайдно-малар
5	Тугатишдан олинган материаллар	2000000	1090	9210	Тугатиш далолатно-маси, кирим далолатно-маси
6	Тугатишдан олинган фойда	-	9210	9310	Тугатиш далолатно-маси
7	Тугатишдан кўрилган зарар	-	9430	9210	Тугатиш далолатно-маси
3. Асосий воситаларнинг бепул берилиши					
1	Асосий воситани бепул бериш қийматига	0	4010	9210	Шартнома, счёт-фактура
2	Асосий воситанинг бошланғич қийматига	16000000	9210	0111-0190	Шартнома, счёт-фактура
3	Жамланган эскиришни ҳисобдан чиқариш	14500000	0211-0290	9210	Шартнома, счёт-фактура
4	Қайта баҳолаш бўйича резервни ҳисобдан чиқарилишига	1000000	8510	9210	Ҳисоб-китоб
5	Бепул беришдан кўрилган зарар суммасига	500000	9430	9210	Шартнома, счёт-фактура
4. Асосий воситаларнинг таъсис бадали сифатида киритилиши					
1	Асосий воситани таъсис бадали сифатида берилган қийматига	20000000	0610-0690	9210	Шартнома, счёт-фактура
2	Асосий воситанинг бошланғич қийматига	36000000	9210	0111-0190	Шартнома, счёт-фактура

1	Жамланган эскиришни хисобдан чикариш	16000000	0211-0290	9210	Шартнома, счёт-фактура
4	Қайта баҳолаш бўйича резервни хисобдан чиқарилишига	500000	8510	9210	Ҳисоб-китоб
6	Олинган фойда	500000	9210	9310	Ҳисоб-китоб, счёт-фактура

Умумдавлат солиқларини тўловчи қурилиш ташкилотларида сотилган асосий воситаларнинг сотиш киймати (Сқ) қолдиқ киймат (Ққ)дан катта бўлса (Сқ > Ққ), у холда улар ҚҚС тўловчи хисобланади. Агар сотиш киймати (Сқ) колдиқ киймат (Ққ)дан кичик бўлса (Сқ < Ққ) ёки улар ўзаро тенг бўлса (Сқ = Ққ), у холда қурилиш ташкилотлари ҚҚС тўловчи хисобланмайдилар. Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида киритилиши хам Солиқ кодексига мувофиқ ҚҚСга тортилмайди.

Асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарарлар, агар бу асосий воситалар 3 йилдан кам ишлатилган бўлса, Солиқ кодексига мувофиқ (22–модда) фойда солиғи бўйича солиқ базасига қайта кўшилади.

Асосий воситаларни тугатиш уларнинг тўлиқ амортизация қилинганлиги ёки қилинмаганлигидан қатъий назар эксплуатация қилиш холати йўқотилган холларда амалга оширилади. Бунинг учун қурилиш ташкилоти рахбари буйруғи билан ликвидация комиссияси тузилади. Ликвидация комиссияси таркибига корхона ходимларидан ташқари қизиқувчи органлар (хокимият ва бошқалар) вакиллари хам киритилиши мумкин. Комиссия ликвидация натижаларини махсус ликвидация далолатномаси (ОС-4 шакл) билан расмийлаштиради. Ушбу далолатнома ликвидация натижаларини бухгалтерия хисоби счётларида юқорида келтирилган тартибда акс эттиришга асос бўлади.

2.3. Қурилиш машиналари ва механизмлари иш фаолиятининг хисоби[4]

Қурилиш ташкилотларида махсус машина ва механизмлар иш фаолиятини алохида хисобга олиб боришнинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, махсус қурилиш машина ва механизмларининг қиймат гуриши улардан унумли ва самарали фойдаланиш талабини кўяди;

[4] Ушбу параграфни ёзишда О.Х. Холиқулов иштирок этди

иккинчидан, қурилиш машина ва механизмларидан қурилиш ишларини бажаришда фақат тегишли босқичларда ва мақсадларда ишлатилиши улар иш фаолиятини ҳар бир қурилиш объекти бўйича ҳисобини олиб боришни тақозо этади;

учинчидан, уларнинг қурилиш майдончаларига етказиб келиниши, ўрнатилиши ва ишлатилиши маълум техника ва меҳнат хавфсизликлари шартларига қатъий амал қилишни, махсус тайёргарликни, касбий маҳоратни, шунингдек, бу мақсадлар учун қўшимча сарф-харажатларни талаб қилади.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда қурилиш машиналари ва механизмлари иш фаолиятини ҳисобга олиш учун махсус меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган эмас. Қурилиш ташкилотларида бугунги кунда қурилиш машиналари ва механизмлари иш фаолиятининг ҳисобига доир дастлабки ҳужжатлар, уларни тулиш, ишловдан ўтказиш собиқ СССР даврида тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга асосланилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Қурилиш машина ва механизмлари иш фаолиятини акс эттирувчи бошланғич ҳужжатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

- кўтариш крани иши ҳақида билдирги (ЭСМ -1 шакл);
- қурилиш машинаси йўл варақаси (ЭСМ-2 шакл);
- қурилиш машинаси ва механизми иши тўғрисида билдирги (ЭСМ-3 шакл);
- қурилиш машинаси ва механизми иши тўғрисида билдирги-наряд (ЭСМ-4 шакл);
- қурилиш машинаси (механизми) иши ҳисоби картаси (ЭСМ-5 шакл);
- қурилиш машиналари (механизмлари) иши ҳисоби журнали (ЭСМ-6 шакл);
- бажарилган ишлар (хизматлар) тўғрисида маълумотнома (ЭСМ-7 шакл).

ЭСМ-1 шакл, ЭСМ-2 шакл, ЭСМ-3 шаклдаги ҳужжатлар балансида махсус қурилиш машиналари ва механизмларига эга бўлган ва улар ёрдамида бошқа ташкилотларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган қурилиш ташкилотларида қўлланилади.

Кўтариш крани иши ҳақида билдиргида (ЭСМ -1 шакл) унинг қайси объектда ишлагани ва бажарган ишининг турлари, миқдори, сарфлаган вақти ва бошқа маълумотлар келтирилади. Ушбу билдирги асосида кўтариш крани томонидан бажарилган ишнинг қиймати тўғрисида маълумотнома тузилади. Маълумотнома бош пудратчи томонидан имзоланади ва унинг муҳри билан тасдиқланади. Ушбу ҳужжат бош пудратчи ва кўтариш кранида ишларни бажарган

ихтисослашган қурилиш ташкилоти ўртасида хисоб-китобларни амалга оширишга асос бўлади.

Қурилиш машинаси йўл варақаси (ЭСМ-2 шакл) машинистга объектга етказиш олдидан тўлдирилади. Унда машинанинг номи, техник маълумотлари, машинистнинг исми-шарифи, унга берилган топшириклар, топширикни бажаришга киришиш ва уни якунлаш муддатлари кўрсатилади.

Қурилиш машинаси ва механизми иши тўғрисида билдирги (ЭСМ-3 шакл)да худди (ЭСМ -1 шакл)дагидек бошқа қурилиш машиналари (бетон қориш, экскаватор, бульдозер, грейдер ва шу каби лар) томонидан хар бир объектда бажарилган ишларнинг турлари, миқдори, сарфлаган вакти ва бошқа маълумотлар келтирилади. Ушбу билдирги қурилиш машиналари томонидан бажарилган ишнинг қиймати тўғрисида маълумотномани тузишга асос бўлади. Бу маълумотнома хам бош пудратчи томонидан имзоланади, унинг мухри билан тасдикланади хамда бош пудратчи ва ихтисослашган қурилиш ташкилоти ўртасида хисоб-китобларни амалга оширишга асос бўлади.

ЭСМ-4 шакл, ЭСМ-5 шакл ва ЭСМ-6 шаклдаги хужжатлар ўз балансида қурилиш машиналари ва механизмлари бўлган барча турдаги қурилиш ташкилотларида қўлланилади.

Қурилиш машинаси ва механизми иши тўғрисида билдирги-наряд (ЭСМ-4 шакл) натурал ўлчов бирликларида ўлчанадиган топшириклар ва бажарилган ишларни расмийлаштириш ва хисобга олиш учун қўлланилади. Бу билдирги қурилиш ташкилотида қурилиш машиналари ва механизмлари учун масъул бўлган шахс томонидан бир нусхада тузилади ва машинистлар қўлига топширилади. Топшириклар ва ишлар хакикатда бажарилгач, буюртмачи корхона билдиргида топшириқ ва ишларни қабул килиб олганлигини имзолайди ва мухр билан тасдиклайди. Ушбу билдирги нафақат бажарилган ишларни хисобга олишга, балки машинистларга иш хакини хисоблаш учун хам асос бўлиб хисобланади.

ЭСМ-5 шакл ва ЭСМ-6 шаклдаги хужжатлар йирик ва кичик қурилиш машина ва механизмларининг хар кунлик иш фаолиятини хисобга олиш ва назорат қилиш учун ишлатилади.

Бажарилган ишлар (хизматлар) тўғрисида маълумотнома (ЭСМ-7 шакл) махсус қурилиш машиналари ва механизмлари томонидан бажарилган ишларни тасдикловчи хужжат хисобланади. У пудратчи ва буюртмачилар (бош пудратчи ва субпудратчилар) ўртасидаги ўзаро хисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўлувчи счёт-фактураларга илова қилинади.

Қурилиш машиналари ва механизмлари томонидан бажарилган ишлар ушбу техника ёрдамида хизмат кўрсатишга ихтисослашган

ташкилотлар учун даромад олишнинг асосий манбаи хисобланади. Бундай ташкилотларда курилиш машиналари ва механизмлари томонидан бажарилган ишлар уларни тасдикловчи хужжатлар (ЭСМ-7, счёт-фактура) асосида хисобда куйидагича акс эттирилади:

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9030 «Бажарилган иш ва хизматлардан олинган даромадлар»

Курилиш, курилиш монтаж ва бошка ишларни олиб бораётган пудратчи ташкилотларда курилиш машиналари ва механизмлари томонидан бажарилган ишлар киймати умумпудрат ишининг таркибий кисми хисобланади ва унинг таннархига киритилади.

2.4. Курилиш машиналари ва механизларини эксплуатация килиш харажатларининг хисоби[7]

21-сон БХМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисоби счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома»га мувофик пудратчи ташкилотлар курилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация килиш харажатлари хисобини 2500 «Умумишлаб чикариш харажатлари» счётида олиб боришлари лозим. Курилиш ташкилотлари ушбу максадда ўзларининг ишчи счётлар режасида махсус счётни, масалан, 2510 «Курилиш машиналарини саклаш ва эксплуатация килиш харажатлари» счётини очишлари хам мумкин. Ушбу счётга курилиш машина ва механизмларининг турлари ёки гуруҳлари бўйича алохида аналитик счётларни очиш максадга мувофик. Бу счётларнинг дебетида курилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация килишга доир барча харажатлар гувохлик берувчи хужжатлар асосида тўпланади, кредитида эса сарфланган харажатларни хисобдан чикарилиши, яъни уларнинг тегишли объект таннархига киритилиши акс эттирилади.

Курилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация килиш харажатлари ўз ичига куйидаги моддаларни олади:

- курилиш машиналари ва механизмларини бошкарувчи ходимлар (машинистлар, хайдовчилар)га хисобланган иш хаки;
- иш хакига нисбатан ижтимоий сугуртага ажратмалар;
- материал харажатлари (ёкилги, мойлаш материаллари, эхтиёт кисмлар, хўжалик материаллари ваш у кабилар);
- амортизация харажатлари;
- жорий ва капитал таъмирлаш;

[7] Ушбу параграфни ёзишда О.Х. Холикулов иштирок этди

•турли хизматлар (электр энергия, сув, газ, иситиш, буғ, транспортировка, ижара ва бошқа хизмат турлари).

Қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатациясига доир ушбу турдаги харажатлар хисобда қуйидагича акс эттирилади (2.4-жадвал):

2.4-жадвал

Қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация килиш харажатларини счётларда акс эттириш (хисобот ойида шартли суммалар мисолида)

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Ҳисобланган иш ҳаки -кран машинистига -бульдозер ҳайдовчисига -буёқ пуркагич аппарати ходимларига	 2500000 2000000 3000000	 2521 2522 2523	 6710 6710 6710	Ҳисоб-тўлов қайдномаси
2	Ҳисобланган ижтимоий суғуртага ажратма (ҳисобланган иш ҳаки суммасидан 24 % миқдорида) -кран машинистига -бульдозер ҳайдовчисига -буёқ пуркагич аппарати ходимларига	 625000 500000 750000	 2521 2522 2523	 6520 6520 6520	Ҳисоб-китоб
3	Сарфланган материаллар -кран учун -бульдозер учун -бўёқ пуркагич аппарати учун	 800000 600000 1000000	 2521 2522 2523	 1010- 1090	Материал ҳисоботи
4	Ҳисобланган амортизация -кран учун -бульдозер учун -бўёқ пуркагич аппарати учун	 250000 180000 150000	 2521 2522 2523	 0230 0230 0230	Ҳисоб-китоб

5	Ижара ҳаки суммасита (бульдозер ковуши учун)	400000	2522	6910	Ҳисоб-китоб
6	Ердамчи ишлаб чиқариш харажатлари (кран бўйича)	1000000	2521	2310	Ҳисоб-китоб
7	Қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация қилиш харажатларининг ҳисобдан чиқарилишига -кран учун -бульдозер учун -бўёқ пуркагич аппарати учун	 5125000 3680000 4900000	 2010 2010 2010	 2521 2522 2523	Ҳисоб-китоб

Қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация қилиш харажатлари, одатда, улар ҳисобот даврида қайси объектда ишлатилган бўлса, ўша объект таннархига киритилади. Агар ҳисобот даврида қурилиш машиналари ва механизмларидан бир нечта объектларда фойдаланилган бўлса, у ҳолда ушбу харажатлар қурилиш объектлари ўртасида махсус ҳисоб-китоб асосида таксимлаб чиқилади. Харажатларни қурилиш объектлари ўртасида таксимлаб чиқиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

(1) дастлаб ҳисобот даврида қурилиш машиналари ва механизмларига сарфланган жами харажатлар уларнинг ҳар бири бўйича юқорида келтирилган бухгалтерия ёзувлари асосида топиб олинади;

(2) қурилиш машиналари ва механизмларининг ҳисобот даврида барча объектларда ишлаган жами иш вақти (машина/соат) билдиргинарядлар ва маълумотномалар асосида топилади;

(3) машина ва механизмларнинг 1 соатлик ишига тўғри келадиган харажат суммаси топилади, бунинг учун жами харажатлар жами ишланган машина/соат миқдорига бўлинади;

(4) бир соатга тўғри келувчи харажатларни машина ва механизмларни ҳар бир қурилиш объектида ҳақиқатда ишлаган вақтига кўпайтириш йўли билан улар таннархига киритиладиган харажатлар суммаси топилади.

Мисол. *Айтайлик, юқорида келтирилган жадвалдаги харажатлар қурилиш ташкилотида ҳисобот ойида қурилиш ишлари олиб борилган учта объектга тааллуқлидир. Кўтариш кранининг иш вақти 240 соат ва у «А» объектга тегишли, бульдозернинг ишлаган жами иш вақти 200*

соат, шундан: «А» объектга 96 соати, «Б» объектга 64 соати ва «В» объектга 40 соати тегишли. Бўёк пургагич аппаратидан фойдаланиш вақти жами 150 соат, унинг 86 соат «Б» объектга ва 64 соати «В» объектга тегишлидир.

Ушбу маълумотларга ва юқорида изоҳи берилган тартибга асосан қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация қилиш харажатлари қурилиш объектлари бўйича қуйидагича таксимот қилинади (2.5-жадвал)

2.5-жадвал

Қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатация қилиш харажатларининг қурилиш объектлари ўртасидаги тақсимоти
(хисобот ойида шартли суммалар мисолида)

Машина ва механизм тури	Вақт сарфи, соат	Харажат, сўм		Шундан объект бўйича					
		Жами	1 соатлик	А		Б		В	
				Вақт, соат	Сумма, сўм	Вақт, соат	Сумма, сўм	Вақт соат	Сумма, сўм
Кран	240	5125000	21354	240	5125000	-	-	-	-
Бульдозер	200	3680000	18400	96	1766400	64	1177600	40	736000
Бўёк пуркиш аппарати	150	4900000	32667	-	-	86	2809933	64	2090667
Жами	590	13705000	x	336	6891400	150	3986933	104	2826667

Ушбу таксимот асосида аниқланган харажатлар мос равишдаги қурилиш объектлари таннархига киритилади ва 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётига очилган тегишли аналитик счётларда акс эттирилади.

2.5. Қурилиш ташкилотларида асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш усулларини қўллаш хусусиятлари

Қурилиш ташкилотлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари асосий воситалари бўйича уларнинг эскиришини 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»да назарда тутилган усуллар бўйича умумбелгиланган амортизация меъёрлари асосида хисоб-китоб килишлари лозим. Асосий воситалар турлари ёки гурухлари бўйича эскириш хисоблашнинг танлаб олинган усуллари, шунингдек, қўлланиладиган амортизация меъёрларининг аниқ миқдорларини қурилиш ташкилотлари ўзларининг хисоб сиёсатида белгилаб олишлари мумкин. Қуйида

қурилиш ташкилотлари хусусиятларидан келиб чиққан холда уларда эскириш ҳисоблаш усулларини айрим асосий воситалар турлари бўйича қўллаш тартибига тўхталамиз.

Бир маромда эскириш ҳисоблаш усули. Бу усулни қўллаш чекланмаган. Лекин, уни қурилиш ишларини олиб борилишига фаол таъсир ўтказмайдиган асосий воситалар бўйича қўллаш, одатда, максадга мувофиқ бўлади. Чунончи, бу усулни бино ва иншоатлар, мебель ва офис жиҳозлари, компьютерлар бўйича қўллаш мумкин.

Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, унда асосий воситанинг амортизацияланадиган қиймати бўлиб: (1) бошланғич қиймат ёки чамаланган тугатиш қиймати чегириб ташлангандан кейин қолган бошланғич қиймат ҳисобланади; (2) йиллик амортизация суммаси амортизацияланадиган қийматни белгиланган йиллик амортизация меъёрига кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш, ойлик амортизация суммаси эса йиллик амортизация суммасини 12 га бўлиш йўли билан топилади.

Мисол. *Бинонинг бошланғич қиймати 100 000 000 сўм дейлик. Тугатиш қиймати 1-ҳолатда 10 фоиз миқдорида белгиланган, 2-ҳолатда эса кўзда тутилмаган. Йиллик амортизация меъёри – 5 фоиз.*

Демак, биновинг амортизацияланадиган киймати 1-ҳолатда 90 000 000 сўмни (100000000- 10000000), 2-ҳолатда эса 100 000 000 сўмни ташкил этади. Йиллик амортизация суммаси 1-ҳолатда 4500 000 сўмни (90000000*5%), 2-ҳолатда эса 5 000 000 сўмни (100000000*5%) ташкил этади. Ойлик амортизация суммаси 1-ҳолатда 375000 сўмни (4500000/12), 2-ҳолатда эса – 416667 сўмни (5000000/12)ни ташкил килади. Бу усулга кўра қурилиш ташкилотида 20 йилдан сўнг 1-ҳолатда бинонинг 90 000 000 сўмлик бошлангич киймати тўлиқ тикланади, 10 000 000 сўмлик киймати тикланмасдан колади. 2-ҳолатда эса бинонинг киймати 20 йилдан сўнг тўлиқ тикланади.

Иш ҳажмига мутаносиб ҳисоблаш усули. Бу усулни, одатда, қурилиш ишларини олиб борилишига фаол таъсир утказадиган асосий воситалар бўйича қўллаш максадга мувофик бўлади. Чунончи, уни қурилиш машиналари ва механизмлари, транспорт воситалари бўйича қўллаш мумкин. Ушбу усулда асосий воситанинг амортизацияланадиган киймати бўлиб ҳам бошланғич киймат ёки чамаланган тугатиш киймати чегириб ташлангандан кейин колган бошланғич киймат ҳисобланади. Йиллик амортизация суммаси амортизацияланадиган кийматни 1 бирлик бажариладиган ишга тўғри келадиган амортизация меъёрига кўпайтириш йўли билан топилади.

Мисол. *Кранинг бошланғич қиймати 400 000 000 сўм дейлик. Тугатиш қиймати 1-ҳолатда 5 фоиз, яъни 20 000 000 сўм белгиланган, 2-ҳолатда эса кўзда тутилмаган. Кранинг иш фаолияти унинг фойдали хизмат муддатида (айтайлик,10 йил ичида) ишлаган вақт*

миқдори билан ўлчанади. Ушбу вақт миқдори 20000 соат, кранинг ишлаган вақти билдирги-наряд бўйича биринчи йилда 3000 соат, дейлик.

Юқоридаги маълумотлар асосида кран бўйича амортизация қуйидагича хисоб-китоб киликади.

Биринчи холатда (1) 1 соатлик амортизация меъёри 19000 сўм (380000000/20000); (2) биринчи йилда хисобланадиган амортизация суммаси 57000000 сўм (19000*3000).

Иккинчи холатда. (1) 1 соатлик амортизация меъёри 20000 сўм (400000000/20000); (2) биринчи йилда хисобланадиган амортизация суммаси 60000000 сўм (20000*3000).

Курилиш машиналари ва механизмлари бўйича хисоб-китоб килинган эскириш суммаси курилиш ташкилотларида уларнинг кайси объектларда ишлаганлигига караб ўша объектларнинг таннархига киритилади.

Эскиришни иш хажмига мутаносиб равишда хисоблаш усулини транспорт воситалари бўйича кўллашда иш бирлиги бўлиб, улар томонидан бажарилган юк айланмаси (т/км), босиб ўтилган йўл (км) ёки наряда бўлган иш вакти (соат) хисобланади.

Эскиришни хисоблашнинг кумулятив усули. Ушбу усулда асосий воситанинг амортизацияланадиган киймати бўлиб хам бошлангич киймат ёки чамаланган тугатиш киймати чегириб ташлангандан кейин колган бошлангич киймат хисобланади. Йиллик амортизация суммаси амортизацияланадиган кийматни амортизация меъёрига кўпайтириш йўли билан топилади. Амортизация меъёри сифатида хизмат йиллари сонини хизмат йиллари сонларининг йигиндисига нисбати олинади. Факат ушбу нисбат бирлик кўлланишда тескари холда ишлатилади.

Мисол. *Кранинг бошлангич қиймати 400 000 000 сўм дейлик. Тугатиш қиймати 1-ҳолатда 5 фоиз, яъни 20 000 000 сўм белгиланган, 2-ҳолатда эса кўзда тутилмаган. Кранинг хизмат муддатида 10 йил. Хизмат йиллари сонлари йигиндиси 55 (1+2+3+4+5+6+7+8+9+10), мос равишда амортизация хисоблашда меъёр сифатида олинган сонлар нисбати: 1-йил учун 10/55; 2-йил учун 9/55, 3-йил учун 8/55 ва шу тарзда 10 йил учун 1/55.*

Юқоридаги маълумотлар асосида кран бўйича амортизация куйидагича хисоб-китоб килинади.

Биринчи холатда. 1-йил учун 69090909 сўм (380000000*10/55; 2-йил учун 62181818 (380000000*9/55) ва шу тарзда 10-йилда 6909090 (380000000*1/55).

Иккинчи холатда. 1-йил учун 72727270 сўм (400000000*10/55; 2-йил учун 65454545 (400000000*9/55) ва шу тарзда 10-йилда 7272727 (400 000 00*1/55).

Кўриниб турибдики, кумулятив усул юкорида келтирилган иккита усулдан фаркли ўлароқ асосий воситаларни тезлаштирилган холда амортизация килинишига олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг солик кодексига мувофик кумулятив усулни кўллаш мол-мулк солигини кам тўлашга олиб келади, чунки ушбу солик базаси бўлиб асосий воситаларнинг колдик киймати хисобланади. Бирок, кумулятив усул бўйича хисобланган амортизация суммаси, агар у бир маромда хисоблаш усулида хисобланган эскириш суммасидан катта бўлса, у холда ўртадаги фарк суммаси фойда солиги базасига кайта кўшилади.

Эскиришни колдик кийматдан хисоблаш усули. Ушбу усулда асосий воситанинг амортизацияланадиган киймати бўлиб бошланғич киймат хисобланади. Йиллик амортизация суммаси белгиланган йиллик амортизация меъёрининг икки баравари миқдорида топилади. Чунончи, биринчи йилда у бошланғич кийматдан, кейинги йилларда бошлаб эса йил охирига колган колдик кийматдан хисобланади. Хизмат муддатининг охирги йилида амортизация суммаси тугатиш кийматидан ташкари бўлган миқдорда хисобланади.

Мисол. *Краз юк ташиш машинасининг бошланғич киймати 120 000 000 сўм дейлик. Тугатиш киймати 12 000 000 сўм. Хизмат муддати 5 йил, йиллик амортизация меъёри 20 %.*

Юкоридаги маълумотлар асосида КРАЗ юк ташиш машинаси бўйича амортизация ушбу усулда куйидагича хисоб-китоб килинади (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Юк ташиш машиналари бўнича эскиришни колдик кийматдан хисоблаш усули

Йил-лар	Амортиза-ция-ланадиган киймат	Аморти-зация меъёри, %	Йиллик амортизация суммаси	Жамланган амортизация суммаси	Колдик киймат
1	120000000	40	48000000	48000000	72000000
2	72000000	40	28800000	76800000	43200000
3	43200000	40	17280000	94080000	25920000
4	25920000	40	10368000	104448000	15552000
5	15552000	-	3552000	108000000	12000000

Курилиш ташкилотларида ишлаб чикариш максадидаги барча асосий воситаларнинг хисобланган эскириши суммасини бевосита

алоҳида ишлаб чиқариш счётига олиб бориб бўлмайди. Бунга сабаб шундан, ишлаб чиқариш максадидаги асосий воситалар қурилиш ташкилоти томонидан олиб борилаётган барча қурилиш ишларига бир вақтнинг ўзида хизмат қилиши мумкин. Шу боис, ишлаб чиқариш максадидаги асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммалари дебетлаб 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида ёки 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётида алохида очилган аналитик счётларда акс эттирилади.

Ҳисобот ойи охирида юкоридаги счётларда акс эттирилган амортизация ажратмалари қурилиш ишлари олиб борилаётган объектлар ўртасида махсус ҳисоб-китоб асосида таксимланади. Амортизация харажатларини қурилиш объектлари ўртасида таксимлаб чиқиш турли усулларда амалга оширилиши мумкин. Улар ичида энг кўп тарқалганлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

(1) амортизация суммасини ҳар бир объект бўйича олинган соф тушумнинг жами соф тушумдаги ҳиссасига караб таксимлаш;

(2) амортизация суммасини асосий воситаларнинг ҳисобот даврида ҳар бир объектда ишлаган иш вакти (бажарган иши)ни жами ишлаган иш вақтидаги (ёки жами бажарган ишларидаги) ҳиссасига караб таксимлаш;

(3)амортизацияси суммаси қурилиш ташкилотлари ҳисоб сиёсатида белгиланган бошқа тартибларда таксимлаш.

Ушбу маълумотларга ва юкорида изоҳи берилган тартибга кўра ишлаб чиқариш максадидаги асосий воситалар амортизацияси таксимотини қуйидагича ҳисоб-китоб қилиш мумкин (2.7-жадвал).

2.7-жадвал

20__ йил _____ ойи учун амортизация ажратмаларини қурилиш объектлари ўртасида таксимлаш ҳисоб-китоби

№	Асосий воситалар турлари	Жами амортизация суммаси	Шу жумладан, объектлар бўйича					
			А		Б		В	
			%	Сумма	%	сумма	%	сумма
1	Бино ва иншоатлар	2000000	15	300000	25	500000	60	1200000
2	Машина ва асбоб-ускуналар	6000000	100	6000000	-	-	-	-
3	Юк ташиш транс-	30000000	10	3000000	30	9000000	60	18000000

	порти							
4	Автобус-лар	15000000	20	3000000	40	6000000	40	6000000
5	Бошка асосий воситалар	4000000	5	200000	80	3200000	15	600000
	Жами	**57000000**		**12500000**		**18700000**		**25800000**

Юкорида келтирилган таксимот маълумотлари РТ-7 шаклдаги ишлов кайдномасида ўз аксини топади. Шунингдек, утибу таксимот асосида аниқланган амортизация харажатлари мос равишдаги курилиш объектлари таннархига киритилади ва 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётига очилган аналитик счётларда акс эттирилади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Курилиш машиналари ва ускуналари – бу ерга мустаҳкам ўрнатиладиган ва рельсда юритувчи кранлар ва электрокранлар, экскаваторлар, бульдозерлар, бетон қориш машиналари, транспортерлар, кўтариш-туширишқурилмалари, грейдерлар, бурғулаш, арралаш, рандалаш, темир-терсакларни кесиш, улаш, бўёк, оҳак ва сув пуркаш аппаратлари ҳамда станоклари, иссиқлик печлари, компрессорлар, ўлчов тарозилари ва бошка махсус машина ҳамда ускуналар.

Транспорт воситалари – бу юк ва одам ташувчи автомашиналар, вагонлар, автобуслар, тракторлар, прицеплар ва бошка транспорт воситалари.

Капитал инвестиция – бу курилиш ташкилотларининг янги объектларни куришга, эски объектларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация килишга, шунингдек, асосий воситаларни сотиб олишга сарфлаган маблағлари мажмуаси.

Кўтариш крани иши какида билдирги – бу кўтариш крани ишининг кайси объектда ишлагани ва бажарган ишининг турлари, миқдори, сарфланган вакт ва бошка маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи, шунингдек, бош пудратчи ва кўтариш кранида ишларни бажарган ихтисослашган курилиш ташкилоти ўртасида хисоб-китобларни амалга оширишга асос бўлувчи бошланғич ҳужжат.

Курилиш машинаси йўл варакаси – бу машинистга курилиш машинасини курилиш объектига етказиш олдидан тўлдириладиган, шунингдек, ўзида машинанинг номи, техник маълумотлари, машинистнинг исми-шарифи, унга берилган топшириклар, топширикни бажаришга юришиш ва уни якунлаш муддатлари кўрсатиладиган бошланғич ҳужжат.

Қурилиш машинаси ва механизми иши тўғрисида билдирги – кўриш, экскаватор, бульдозер, грейдер ва шу каби қурилиш машиналари томонидан ҳар бир объектда бажарилган ишларнинг турлари, миқдори, сарфлаган вакти ва бошқа маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи, қурилиш машиналари томонидан бажарилган ишнинг қиймати тўғрисида маълумотномани тузишга ҳамда бош пудратчи ва ихтисослашган қурилиш ташкилоти ўртасида ҳисоб-китобларни амалга ошириштга асос бўлувчи бошланғич ҳужжат.

Қурилиш машинаси ва механизми иши тўғрисида билдирги-нарил – бу натурал ўлчов бирликларида ўлчанадиган топшириклар ва бажарилган ишларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш учун ишлатиладиган, топшириклар ва ишлар ҳақиқатда бажарилгач, бажарилган ишларни ҳисобга олишга, шунингдек, машинистларга иш ҳақини ҳисоблаш учун асос бўлувчи бошланғич ҳужжат.

Бажарилган ишлар (хизматлар) тўғрисида маълумотнома – бу махсус қурилиш машиналари ва механизмлари томонидан бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, у пудратчи ва буюртмачилар (бош пудратчи ва субпудратчилар) ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўлувчи счёт-фактураларга илова қилинади.

Қурилиш машиналарини сақлаш ва эксплуатация қилиш харажатлари – бу қурилиш машиналари ва механизмлари машинистлари ва ҳайдовчиларига ҳисобланган иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, материал харажатлари, амортизация ажратмалари, жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда турли хизматлар қийматининг йиғиндиси.

Қурилиш машиналари ва механизмларига ҳисобланган эскириш (амортизация) суммаси – бу қурилиш ташкилотлари томонидан мавжуд қурилиш машиналари ва механизмлари учун қонун ҳужжатларида, шунингдек, ҳисоб сиёсатида назарда тутилган усуллар ҳамда амортизация меъёрлари асосида ҳисобланган эскириш суммаси

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ

1.Қурилиш машина ва ускуналарига кирмаиди:

а) кўтариш крани;

б) экскаватор;

в) бульдозер;

г) автобус.

2.Қурилиш машинасини сотиб олиш қиймати 100 000 000 сўм, ташиб келтириш харажати 20 000 00сўм, олинган кредитга тўланган фоиз 15 000 000 сўм, воситачилик харажатлари 600 000 сўм, расмийлаштириш харажатлари 500 000 сўм, ўргатиш

харажатлари 2 000 000 сум. Қурилиш машинасининг бошланғич қийматини топинг

а) 138 000 000 сўм;
б) 100 000 000 сўм;
в) 123 000 000 сўм;
г) 115 000 000 сўм.

3. 2-тестда келтирилган маълумотлар асосида қуриляш машинасини кирим қилинишига бухгалтерия ёзувини беринг.

а) Дебет 0160 Кредит 6010 100 000 000 сўмга;
б) Дебет 0130 Кредит 6010 123 000 000 сўмга;
в) Дебет 0130 Кредит 0820 123 000 000 сўмга;
г) Дебет 0160 Кредит 0820 115 000000 сўмга

4.2-тест маълумотлари асосида қурилиш машинасига қилинган капитал инвестицияга киритилмайдиган суммани ва уни акс эттирувчи ёзувни топинг.

а) Дебет 0820 Кредит 6010 2000000 сўм;
б) Дебет 0820 Кредит 6990 600000 сўм;
в) Дебет 9610 Кредит 6920 15000000 сўм;
г) Дебет 0820 Кредит 6990 500000 сўмга

5. Кўтариш кранининг иш фаолияти ўлчанади:

а) кўтарган юк вазни билан;
б) босиб ўтган йўл узунлиги билан;
в) кўтариш-туширишлар сони билан;
г) машина-соат миқдори билан.

6. Ковушли экскаваторни эксплуатация қилиш харажати 6000000 сўм. Жами ишлаган вакти бир ойда 200 соат, шундан А объектда 100 соат, Б объектда 60 соат, В объектда 40 соат. Бульдозернинг эксплуатация қилиш харажати суммаси объектлар ўртасида қандай усулда тақсимланади?

а) Ишлаган вактига қараб;
б) Тўғридан тўғри;
в) Тенг тақсимланади;
г) Рахбар хохлаган тарзда.

7. 6- тестда келтирилган маълумотлар асосида бульдозерни эксплуатация қилишга кетган харажатларнинг В объект таннархига олиб бориладиган суммасини топинг.

а) 1800000 сўм; б) 1200000 сўм;
в) 600000 сўм; г) 3000000 сўм.

8. 6- тестда келтирилган маълумотлар асосида бульдозерни эксплуатация қилишга кетган харажатларнинг А объект таннархига олиб бориладиган суммасига бухгалтерия ёзувини беринг.

а) Дебет 2010 Кредит 2520 1800000 сумга;
б) Дебет 2010 Кредит 2520 1200000 сўмга;
в) Дебет 2010 Кредит 2520 600000 сўмга;
г) Дебет 2010 Кредит 2520 3000000 сўмга.

9. Ковшли экскаваторни эксплуатация қилиш муддати 10 йил. Бошланғич қиймати 200 000 000 сўм. Тугатиш қиймати 10 000 000 сўм. Амортизация бир маромли усулда хисобланади. 5 – йил охирига жамланган амортизация суммасини топинг.

а) 100000000 сўм;
б) 95000000сўм;
в) 105000000 сўм;
г) 200000000 сўм.

10. 9-тест маълумотлари асосида 1-йил учун амортизация суммасини топинг ва унга бухгалтерия ёзувини беринг.

а) 19000000 сўмга Дебет 2310 Кредит 0230;
б) 20000000 сўмга Дебет 2310,Кредит 0230
в) 21000000 сўмга Дебет 2310 Кредит 0230;
г) 19000000 сўмга Дебет 3190 Кредит 0230.

3-БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Қурилиш ташкилотларида ишлатиладиган материалларнинг таснифи, тавсифи ва баҳоланиши

Қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни белгиланган муддатларда тугатилиши ва буюртмачиларга топширилишида муҳим омиллардан бири бўлиб қурилиш ташкилотларида турли хилдаги ҳамда тегишли миқдордаги материалларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Уларга қурилиш материаллари, ёқилғи, мойлаш материаллари, хўжалик инвентарлари ва бошқалар киради.

Қурилиш ташкилотларининг моддий таъминот бўлимлари материалларни ўз вақтида ва керакли миқдорда келиб тушишини таъминлашлари, моддий жавобгар шахслар эса уларнинг бутлигини ва сифатини бузмасдан саклашлари ҳамда қурилиш майдончаларига талаб қилинган муддатларда ва миқдорларда етказиб беришлари лозим.

Қурилиш ташкилоти бухгалтериясига материалларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан узлуксиз назоратни олиб бориш, уларни тўғри ва ўз вақтида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлигини таъминлаш, бу бойликларнинг синтетик ва аналитик ҳисобини юритиш, улар тўғрисидаги ахборотларни фойдаланувчиларга ўз вақтида бериш каби муҳим вазифалар юклатилади.

Қурилиш ташкилотларида фойдаланиладиган материалларни турли белгилари бўйича таснифлаш ва тавсифлаш мумкин. Материаллар ҳисобини тўғри юритишда, айниқса, уларни қуйидаги белгилари бўйича таснифлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқаришда тутган ўрнига кўра қурилиш ташкилотларида ишлатиладиган материаллар асосий ва ёрдамчи материалларга бўлинади.

Асосий материаллар деганда объектларни қуриш, монтаж қилиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш каби ишларни бажаришда бош ролни ўйновчи материаллар тушунилади. Уларга цемент, ғишт, тахта, болар, арматура, труба, линолеум, мармар, гранит, мих, ойна, охак, бўёқ, гипс ва шу каби кўплаб бошқа материаллар киради. Ушбу материалларсиз қурилиш ишларини олиб бориб бўлмайди. Шу боис ҳам ушбу асосий материалларнинг мавжудлиги, уларнинг бутлиги, ҳаракати устидан узлуксиз назоратни олиб бориш бухгалтерия ҳисоби олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ёрдамчи материаллар деганда қурилиш ишларида бош ролни ўйнамайдиган, лекин уларнинг бажарилишида қўшимча тарзда

ишлатила-диган материаллар тушунилади. Бундай материаллар бўлиб, масалан, пигментлар, цинка, тўл, ёкилги, мойлаш материаллари, ўроғ материаллари ва шу кабилар хисобланади.

Кўриниши, жисми ва намланишига кўра курилиш ташкилотларида ишлатиладиган материалларни кўплаб турларга ажратиш мумкин, масалан, темир ва ёғоч материаллари, шиша материаллар, суюк ва каттик жисмли материаллар ва бошкалар.

Сақлаш усулига кўра курилиш ташкилотларида материалларни очик ва ёпик усулларда сакланадиган материалларга бўлиш мумкин. Масалан, гишт, темир, труба, тош ва шу каби материаллар очик кўринишда турли майдончаларда сакланади. Цемент, охак, гипс, лак, бўёқлар ва бошка шу каби материаллар ёмғир ва кор тегмандиган, намиқмайдиган жойларда, шунингдек, махсус саклаш мосламаларида (цистерна, бочка ва бошкаларда) сакланади.

Сақлаш муддатига кўра курилиш материаллари муддати чегараланган ва муддати чегараланмаган турларга бўлинади. Масалан, цемент, охак, гипс, бўёқлар ва шу каби айрим материаллар маълум муддатлардан кейин ўз сифатини йўкотади. Шу боис улар белгиланган муддатгача сакланиши лозим. Кўпчилик курилиш материаллари ўз сифатини узок муддатларда йўкотмайди, масалан, мармар, граниг, темир-терсаклар, ёғоч, болар ва шу кабилар. Бирок, моддий жавобгар шахслар ушбу материалларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатадиган, масалан, занглаш, эрозия, куриб колиш, намикиш, шишиб кетиш, ёрилиш каби салбий холатларга йўл кўймасликлари лозим.

Кимга тегишлилигига кўра курилиш ишларида ишлатилаётган материалларни пудратчи курилиш ташкилотнинг ва буюртмачи ташкилотнинг материалларига бўлиш мумкин. Биринчи турдаги материаллар асосида бажарилган ишлар пудратчи ташкилотнинг ўз материаллари асосида бажарилган хисобланса, иккинчи турдаги ишлар эса буюртмачилар материаллари асосида бажарилган ишлар хисобланади. Ҳар иккала холатда хам сарфланган материаллар курилиш объектининг кийматига (таннархига) киритилади. Агар курилиш ишлари буюртмачиларнинг берган материаллари асосида бажарилган бўлса, у холда уларнинг киймати ўзаро хисоб-китоблар суммасига киртилмайди.

Ишлаб чиқилганлигига кўра курилиш ташкилотларида ишлатиладиган материаллар ўзи ишлаб чиккан ва ўзи ишлаб чиқмаган материалларга бўлинади. Чунончи, курилиш ташкилотининг ёрдамчи ишлаб чикариш бўлинмалари томонидан ишлаб чикилган ва курилиш объектларида ишлатилган гишт, блок, эшик, рамка, турли мослама ва конструкциялар ўз ишлаб чикаришидан олинган курилиш материаллари хисобланади. Сотиб олинган, буюртмачилардан, таъсисчилардан ва

бошқа ташқи шахслардан келиб тушган материаллар ўзи ишлаб чиқмаган материаллар хисобланади.

Вужудга келтирган мамлакатига кўра курилиш ташкилотларида ишлатиладиган материаллар махаллий материаллар ва хориждан келтирилган материалларга бўлинади.

Материаллар хисобини тўғри юритишнинг муҳим шартларидан бири бўлиб улар қийматини тўғри баҳолаш хисобланади. Республикамизнинг 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»га мувофиқ курилиш ташкилотларида материалларнинг хисоб баҳоси бўлиб уларнинг таннархи хисобланади. Курилиш материалларининг таннархи уларнинг келиб тушиш манбасига кўра турли элементлардан ташкил топади. Чунончи, сотиб олинган материалларнинг таннархи ўз ичига уларнинг сотиб олиш баҳоларидаги қийматини ҳамда сотиб олишга доир барча қўшимча харажатлар (ташиб келтириш, божхона тўловлари, сертификатлаш, брокерларнинг хизмат ҳақлари ва бошқалар)ни олади. Сотиб олишда тўланган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммасини материаллар қийматига қўшиш ёки қўшмаслик курилиш ташкилотининг бу солиқнинг тўловчиси ёки тўловчиси эмаслигига боғлиқ. ҚҚС тўловчи курилиш ташкилотларида таъминотчиларга (божхонага) тўланган ҚҚС суммаси материаллар қийматига киритилмайди, балки бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини топишда камайтиришга олиб борилади. Ихчамлаштирилган солиқ режимида фаолият кўрсатаётган курилиш ташкилотларида сотиб олишда таъминотчиларга (божхонага) тўланган ҚҚС суммаси бевосита материаллар қийматига (таннархига) киритилади.

Ўз ишлаб чиқаришидан олинган материаллар таннархи уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча моддий, меҳнат ва бошқа харажатлардан ташкил топади. Бунда бир бирлик материалнинг ўртача таннархи калькуляция қилиш йўли билан курилиш материалларини ишлаб чиқишга сарфланган харажатларнинг жами суммасини жами ишлаб чиқилган материалларнинг миқдорига бўлиш орқали топилади.

Таъсисчилардан олинган ҳамда бегараз (бепул) келиб тушган материалларнинг таннархи деганда уларнинг шартномаларда кўрсатилган баҳолардаги қиймати тушунилади.

Турли манбалардан олинган материаллар омборларда ва курилиш майдончаларида **ФИФО**, АВЭКО ёки бир ўзини идентификациялаш усулларидан бири асосида хисобланган қиймати (таннархи) бўйича хисобдан чиқариб борилади.

ФИФО усулда курилиш материалларининг чиқими (курилиш ишларига сарфи ва бошқа чиқимлари) уларнинг келиб тушиш кетма-кетлигидаги қиймати (таннархи) бўйича амалга оширилади. Масалан, 2017 йил 1 май ҳолатига омборда 10 тонна хар бир тоннасининг кирим

бахоси 450000 сўм бўлган жами 4 500 000 сўмлик цемент мавжуд бўлган, май ойида уларнинг тушуми қуйидагича бўлган дейлик:

Хужжат		Миқдори, т.	Бахоси	Суммаси
№	Сана			
125	5 май	30	500000	15 000 000
142	15 май	20	550000	11 000 000

Май ойида 55 тонна цемент қурилиш ишларига сарфланган бўлса, у холда цементнинг қурилиш таннархига киритилган қиймати ФИФО усул бўйича 27 750 000 сўмни (10*450000 + 30*500000 + 15*550000), 1 июн ҳолатига омборда колган цементнинг қиймати 2 750 000 сўмни (5*550 000) ташкил этади.

АВЭКО усулида материалларнинг бош қолдиғи ва кирими асосида уларнинг ўртача бахоси аниқланади. Кейин ушбу ўртача бахо сарфланган ва қолдиқ материалларга кўпайтирилиб, мос равишда уларнинг қурилиш қиймати (таннархи)га киритилган ҳамда қолдиқда колган қисмларининг қиймати топилади. Юқоридаги маълумотларга кўра 1 тонна цементнинг АВЭКО усул бўйича ўртача бахоси 508333,33 сўмни [(4 500 000 + 15 000 000 + 11 000 000) : (10 + 30 + 20)], қурилишга сарфланган цементнинг қиймати 27 958 333 сўмни (55*508333,33), ой охирида колган цементнинг қиймати эса 2 541 667 сўмни (5*508333,33)ни ташкил қилади.

Материаллар қийматини баҳолашнинг бир ўзини идентификация қилиш усули, одатда, якка (индивидуал) тарда яратилган ва ўз аналогига эга бўлмаган материалларга (мосламалар, конструкцияларга) тааллуқлидир. Бундай материаллар қайси баҳоларда олинган бўлса, ўша баҳоларда хисобдан чиқарилади.

3.2.Қурилиш ташкилотларида материаллар ҳаракатини ҳужжатлаштириш ва уларнинг омбор ҳисоби

Қурилиш ташкилотларида материаллар харакатини хужжатлаштириш уларнинг келиб тушиш манбаларига, ташиб келтириш шартлари ва усулларига, шунингдек, нима максадларда чиқим қилинганлиги ва бошка ҳолатларга бевосита боғлиқдир. Ушбу максадларда қўлланиладиган бошланғич ҳужжатлар тўғрисидаги умумий маълумотлар 3.1-жадвалда келтирилган.

3.1-жадвал

Қурилиш ташкилотларида материаллар хисоби учун қўлланиладиган бошлангич ҳужжатлар классификатори

№	Бошлангич ҳужжат номи	Тузувчи шахслар	Фойдаланув-чилар	Тақдим этиш муддати
1	Ишончнома	Бухгалтерия	Бухгалтерия, Таъминот бўлими	Олингандан сўнг 10 кун ичида
2	Материалларни кабул қилиш далолатномаси (М -7 шакл)	Омбор мудири	Бухгалтерия, Таъминот бўлими	Жорий ойнинг охирги куни
3	Омборга кирим килиш ордери (М-4 шакл)	Омбор мудири	Бухгалтерия, Таъминот бўлими	Жорий ойнинг охирги куни
4	Лимит-забор варакаси (М-8 шакл)	Омбор мудири	Бухгалтерия, участка бошлиқлари, мастерлар	Жорий ойнинг охирги куни
5	Талабнома (М- 11 шакл)	Участка бошлиқлари, мастерлар	Бухгалтерия участка бошлиқлари, мастерлар	Ҳар куни
6	Ички алмашув накладнойи (М-15 шакл)	Омбор мудирлари	Бухгалтерия, бошка бўлинмалар	Ҳар куни
7	Счёт-фактура	Сотиш бўлими	Бухгалтерия, бошка бўлинмалар	Ҳар куни
8	Инвентарларни ҳи-собдан чиқариш тур-рисида далолатнома	Участка бошликлари, мастерлар	Бухгалтерия, бошка бўлинмалар	Жорий ойнинг охирги куни
9	Материаллар харакати тугрисида хисобот (М-19)	Омбор мудирлари	Бухгалтерия, бошка бўлинмалар	Жорий ойнинг охирги куни
10	Қурилишда асосий материаллар сарфи тўғрисида хисобот (М-29)	Участка бошликлари, мастерлар	Бухгалтерия, бошка бўлинмалар	Жорий ойнинг охирги куни

Қурилиш ташкилотларига материаллар асосан таъминотчилардан, бош пудратчи ва субпудратчилардан, буюртмачилардан, таъминот-савдо корхоналаридан келиб тушади. Материаллар таъсисчилардан уларнинг устав капиталидаги улуши сифатида, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслардан бегараз молиявий ёрдам сифатида олиниши ҳам мумкин.

Таъминотчилардан (қурилиш материаллари комбинатлари, заводлар, таъминот-савдо корхоналари ва бошқалардан) қурилиш материаллари шартномалар асосида сотиб олинади. Қурилиш ташкилоти таъминотчилардан материалларни олиш учун ўзининг ишончли вакили (экспедитор) номига ишончнома беради. Бу вакил қурилиш материалларини таъминотчидан қабул қилиб олиш, уни юклаш, жўнатиш, етказиб келишга масъул шахс ҳисобланади. Таъминотчи корхона қурилиш ташкилоти вакили қўлига юклаб жўнатилган материаллар бўйича счёт-фактура ва унга илова қилинадиган юк-транспорт ҳужжатларини (ТТН, темир йўл накладнойи, вагон спецификацияси, сифат сертификати ва бошқаларни) тақдим этади.

Материалларнинг буюртмачилардан, бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотлардан олиниши ҳам юқорида келтирилган тартибга ўхшаш тарзда ҳужжатлаштирилади. Қурилиш материалларини таъсисчилардан кирим қилиниши таъсис шартномаси, баҳолар келишуви баённомасига мувофиқ тузилган счёт-фактуралар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотида келиб тушган материаллар раҳбарининг фармойишига кўра омборларга ёки бевосита қурилиш майдончаларидаги махсус жойларга миқдор ва сифат жиҳатдан қабул қилинади. Ташиб келтиришда турли қўшимча харажатлар қилинган материаллар бўйича қурилиш ташкилоти бухгалтерияси махсус «Кирим далолатномаси»ни тузади. Ушбу ҳужжат материалларни сотиб олиш қиймати (таннархи) бўйича ҳисобга олиш учун асос бўлади.

Қурилиш ташкилотларида келиб тушган материалларнинг омбор ҳисоби партион, навли ёки колдиқ усуллар бўйича олиб борилади. Бунинг учун мос равишдаги партион карталар, карточкалар ёки китоблар очилади. Ушбу омбор ҳисоби регистрларига кирим қилинган материалларнинг миқдори, нархи, суммаси ва бошқа белгилари тўғрисидаги маълумотлар счёт-фактуралар ва кирим далолатномалари асосида ёзилади.

Омборлардан материаллар қурилиш майдончаларига талабномалар, ички накладнойлар, лимит-забор қайдномаларн асосида берилади. Бу ҳужжатлар икки нусхада тузилади ҳамда масъул ходимлар (бош инженер, ҳисобчи), шунингдек, материалларни берган ва олган моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади.

Қурилиш майдончаларида омборлардан олинган материаллар учун моддий жавобгар шахслар бўлиб мастерлар, прорабла́р ёки бригадирлар ҳисобланади. Ушбу моддий жавобгар шахслар бўйнидаги материаллар нинг қурилиш ишларига сарфланиши махсус ҳисобот (М-29 шакл)да акс эттирилади. Ишлатилмаган материаллар қурилиш майдончаларидан омборларга ички накладнойлар билан қайтарилади.

Материалларнинг четга чиқиб кетиши (сотилиши, бепул берилиши, таъсис бадали сифатида киритилиши), шунингдек, яроксиз ҳолатга келганлиги учун ҳисобдан чиқарилиши фақат қурилиш ташкилоти раҳбарининг рухсати билан амалга оширилади. Материалларнинг омбордан четга чиқиб кетиши счёт-фактуралар билан расмийлаштирилади. Яроксиз ҳолатга келган материалларнинг ҳисобдан чиқарилиши далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Материлларнинг омборлардан берилиши ва бошқа барча чиқимлари тўғрисидаги маълумотлар гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида партион карталар, карточкалар ёки омбор китобига қайд этилади.

Қурилиш ташкилотларида омбор мудирлари материалларнинг ҳолати ва ҳаракати бўйича ҳисоб сиёсатида белгиланган муддатларда материал ҳисоботларини тузадилар.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда қурилиш ташкилотлари учун материал ҳисоботининг яхлит шакли тасдиқланган эмас. Қурилиш ташкилотларида ҳозирги кунда ҳам собиқ совет тизими даврида ушбу мақсадлар учун тасдиқланган махсус ҳисобот шаклидан (М-19 шакл) фойдаланиб келинмоқда. Бироқ, қурилиш ташкилотлари амалиётида бу ҳисоботни айнан тасдиқланган шаклда тузилмаётганлигини, аксинча, уни турли ўзгартирилган кўринишларда тузиш ҳолатларини учратиш мумкин. Чунончи, айрим қурилиш ташкилотларида материаллар ҳисоботи фақат соний кўринишда, бошқаларда эса соний-суммовий кўринишда тузилмоқда.

Материаллар ҳисоботини (М-19 шакл) соний-суммовий кўринишда қуйидагича юритиш тавсия этилган (3.2-жадвал).

Ҳисоботни ушбу кўринишда юритишга ҳозирги кунда қурилиш ташкилотида материалларни ҳисобдан чиқаришда қабул қилинган баҳолаш усуллари катта таъсир кўрсатади. Чунончи, ФИФО усулини қўллаш ушбу ҳисоботни бир қанча вараклардан иборат бўлишига олиб келади. Чунки, бу усулга кўра материаллар номи бир хил бўлсада, лекин сотиб олиш нархлари турлича бўлганлиги учун алоҳида каторларда кўрсатилади.

3.2-жадвал

М-19 шакл

МАТЕРИАЛЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

20___йил _____ ойи учун

№	Материал номи	Ўлчов бирлиги	Бахо	Бош қолдиқ		Кирим		Чиқим		Охирги қолдиқ	
				Сони	Сумма	Сони	Сумма	Сони	Сумма	Сони	Сумма
1	Цемент	т	450000	10	4500000	50	26000000	55	27750000	5	2750000
2	Қум	Куб.м	15000	3	45000	80	1200000	83	1245000	-	-
	Жами				**4 545000**		**27200000**		**28995000**		**2750000**

АВЭКО усулини қўллаш ҳисобот вараклари сонини камайишига олиб келади. Чунки, бунда материаллар номи бир хил бўлганлиги учун, уларнинг бахосидан қатъий назар, бир каторда ёзилади. Бу усулда материаллар ҳолати ва чиқиминнинг суммавий миқдори ҳисоботда ўртача бахоларда кўрсатилади.

Материаллар ҳисоботи икки нусхада тузилади. Унинг биринчи нусхаси барча кирим ва чиқим ҳужжатлари билан биргаликда бухгалтерияда қолади, бухгалтер томонидан текширилган ва раҳбар томонидан тасдиқланган иккинчи нусхаси эса омбор мудирига қайтарилади.

Қурилиш ташкилоти бухгалтериясида материаллар ҳисоботи ва унга илова қилинган бошланғич ҳужжатлар ишлаб чиқариш захираларининг синтетик ва аналитик ҳисобини юритишга асос бўлиб ҳисобланади.

3.3. Қурилишга сарфланган материаллар тўғрисида ҳисоботни тузиш ва унга ишлов бериш тартиби

Қурилишга сарфланган бевосита материал харажатлар тўғрисида ахборотларни ўзида мужассамлаштирувчи асосий ҳужжат бўлиб «Қурилишда асосий материаллар сарфи тўғрисида ҳисобот» (М-29 шакл) ҳисобланади. Бу ҳисоботнинг шакли ва уни тузиш тартиби собиқ СССР Марказий статистика бошқармасининг 1982 йил 24 ноябрдаги 613-сон буйруғи билан тасдиқланган. Қуйида ҳозирги вактда ҳам қурилиш ташкилотларида қўлланилаётган мазкур ҳисоботнинг мазмунига қисқача тўхталамиз.

М-29 шаклли ҳисобот иккита бўлимдан иборат. Унинг биринчи бўлими «Материалларга бўлган меъёрий талаб ва бажарилган ишлар ҳажми», иккинчи бўлими эса «Асосий материаллар ҳакиқий сарфини иш-

лаб чиқариш меъёрлари бўйича аниқланган сарфлар билан таққосланиши» деб аталади

М-29 шакл

Трест, бошқарма_____
Қурилиш ташкилоти раҳбари _____

Қурилишда асосий материаллар сарфи тўғрисида ҳисобот

Ишнинг боланиш санаси _____
Ишнинг тугаш санаси _____

I.Материалларга бўлган меъёрий талаб ва бажарилган ишлар ҳажми

Т/р	Иш тури ва материал номи	Ўлчов бирлиги	Бир бирлик ишга материалнинг меъёрий сарфи	Иш ҳажми ва материалга бўлган меъёрий талаб	Шу жумладан йил бошига ҳақиқатда бажарилган иш ҳажми	Ойлар бўйича бажарилган иш ҳажми ва материалларнинг меъёрий сарфи			
						Январь	Февраль	...	Декабрь
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

II. Асосий материаллар ҳақиқий сарфини ишлаб чиқариш меъёрлари бўйича аниқланган сарфлар билан таққосланиши

Материал, конструкция ва буюм номи	Ўлчов бирлиги	Йил бошидан боғлаб				_____ ой			
		Чиқим		Меъёрдан четланиш (+,-)	Танпархга киритилсин	Чиқим		Меъёрдан четланиш (+,-)	Танпархга киритилсин
		Меъёр бўйича	Ҳақиқатда			Меъёр бўйича	Ҳақиқатда		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Прораб (мастер)_____
Текширдим: ИЧБ инженери_____ Бухгалтер _____
Бош инженер_____

Ҳисоботнинг 1-бўлими икки қисмдан (чап ва ўнг қисмдан) иборат. Унинг чап қисмида (1- 6-устунлар) бажариладиган қурилиш ишлари-

иш турлари, ўлчов бирлиги, ҳажми, бир бирлик ишга кетадиган материалларнинг меъёрий сарфи, материалларга бўлган жами меъёрий талаб ва йил бошига ҳакикатда бажарилган ишларнинг ҳажми кўрсатилади. Ҳисоботнинг ўнг қисмида (7-10- устунлар) ҳисобот ойлари бўйича ҳакикатда бажарилган ишларнинг ҳажми ва материалларнинг меъёр бўйича сарфи кўрсатилади. Ушбу ҳисоботнинг биринчи қисми, одатда, йил бошига қурилиш ишлари бошланиши олдидан тўлдирилади, иккинчи қисми эса қурилиш ишлари бажарилаётган даврда ойма-ой тўлдириб борилади.

М-29 шаклли ҳисоботнинг 1-бўлимини тузиш ва тўлдириб бориш бевосита қурилиш ташкилотининг ишлаб чиқариш бўлимининг функцияси ҳисобланади. Бу бўлимда ҳисоботнинг дубликати қурилиш ишлари бошлангандан то уни якунлангунгача сакланади. Қурилиш ишлари олдидан тайёрланган ҳисоботнинг икки нусхаси қурилиш ишлари бўйича масъул ва моддий жавобгар шахсларга (прораб, мастер)ларга берилади.

Ҳисоботнинг 2-бўлими қурилиш майдончаларидаги моддий жавобгар шахслар (прораб, мастер) томонидан тўлдирилади. Бу бўлимда қурилиш ишларини бажаришга ҳакикатда кетган материаллар сарфи, ушбу сарфларни белгиланган меъёрлаги сарфлардан четланишлари (тежалганлиги ёки кўп сарфланганлиги) тўғрисидаги маълумотлар ойма-ой кўрсатилади. Материаллар ҳакикий сарфларининг меъёрий сарфлардан кам кисми ҳисоботда минус ишораси билан, кўп кисми эса плюс ишораси билан ёзилиши керак. Меъёрдан четланишлар бўлмаганда, ҳисоботнинг мос равишдаги сатрларига тире белгиси қўйилади. Материаллар сарфида белгиланган меъёрларга нисбатан йўл қўйилган четланишлар бўйича моддий жавобгар шахслар (прораб, мастер) батафсил тушунтириш хати ёзишлари, унда четланишларни қандай сабабларга кўра юз берганлигини асослаб беришлари лозим. Ушбу тушунтириш хати ҳисоботга илова қилинади.

Моддий жавобгар шахслар (прораб, мастер) томонидан тузилган ва имзоланган М-29 шаклли ҳисобот барча гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар билан бирга дастлаб қурилиш ташкилотининг ишлаб чиқариш бўлимида, сўнгра бухгалтерияда текширишдан ўтади. Ишлаб чиқариш бўлимининг масъул ходими (инженер) ҳакикатда сарфланган материаллар миқдорини бўлимда колган дубликатдаги меъёрларга мослигини, шунингдек, меъёрдан четланишларнинг асослигини текширади. Бухгалтерияда ҳакикатда сарфланган материалларнинг миқдори гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатларда тўғри кўрсатилганлиги, шунингдек, материаллар сарфининг М-19 ҳисобот чиқимидаги маълумотларга мос келишлиги текширилади. Кўрсатилган маълумотлар тўлиқ асосга эга бўлмаган ҳолларда масъул инженер ва

бухгалтер томонидан хисоботга тузатишлар киритилади. Ҳисобот бу ходимлар томонидан тўлиқ тузатилгандан сўнг имзоланади.

Материаллар белгиланган меъёрларга нисбатан кам сарфланган ҳолларда қурилиш ишлари таннархига ҳақиқатда сарфланган миқдорда кўшилиши лозим. Материалларнинг белгиланган меъёрлардан ортиқ сарфланиши ҳолларида кўшимча сарфлар қурилиш ишлари таннархига фақат қурилиш ташкилоти рахбарининг рухсати билан киритилади. Чунончи, рахбар материаллар сарфининг қурилиш таннархига олиб бориладиган миқдорини хисоботнинг «**Таннархга киритилсин**» номли устунчаларида (мос равишда 6,10- ва бошка устунчаларда) белгилайди ва шундан сўнг хисоботни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

М-29 хисоботининг юкорида келтирилган кискача шархидан кўриниб турибдики, у қурилиш ташкилотлари бошқарувида мухим ахамият касб этади. Чунончи, бу хисобот қурилиш ташкилоти рахбарияти ва ишлаб чиқариш бўлими томонидан қурилишга сарфланиши керак бўлган аниқ материаллар меъёрий миқдорнинг мавжудлиги устидан узликсиз назоратни олиб борилишига, ҳақиқатда сарфланган материаллар миқдорини белгиланган меъёрдан четланиш сабаблари ва айбдорларини топишга ҳамда тегишли карорларни қабул килишга имкон беради. Бухгалтерияда М-29 шаклли хисобот сарфланган материаллар қийматини бажарилган қурилиш ишларининг ҳакикий таннархига киритишга, материаллар сарфи хисобини юритишга асос бўлади.

3.4. Қурилиш ташкилотларида материалларнинг синтетик ва аналитик хисоби

Қурилиш ташкилотларида материалларнинг синтетик хисоби 21-сон БҲМСга мувофиқ 1000 «Материаллар хисоби счётлари» тизимида очиладиган қуйидаги счётларда юритилиши лозим:

1010 «Хом-ашё ва материаллар»;

1020 «Сотиб олинган ярим тайёр махсулотлар ва бутловчи буюмлар»

1030 «Ёқилғи»;

1040 «Эхтиёт қисмлар»;

1050 «Қурилиш материаллари»;

1060 «Идиш ва идишбоп материаллар»;

1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар»;

1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари»;

1090 «Бошка материаллар»

Ушбу актив счётларнинг дебетида материал бойликларнинг хисобот давр бошидаги қолдиғи ва хисобот даврида турли манбалардан кирим

қилиниши ва бошқа сабаблар эвазига кўпайиши, кредитида эса уларнинг қурилиш ишларига сарфланиши ва бошқа турли чиқимлари (сотилиши, бепул берилиши ва шу кабилар) эвазига камайиши акс эттирилади.

Материал бойликларнинг кирими ва чиқими юқорида номлари зикр этилган счётларда хисоб баҳосида акс эттирилади. Ҳисоб баҳоси бўлиб уларнинг сотиб олиш қиймати (ҳақиқий таннархи), режа таннархи, ўртача баҳо ва бошқалар ҳисобланади. Материаллар бўйича танлаб олинган ҳисоб баҳосининг аниқ тури қурилиш ташкилоти ҳисоб сиёсатида белгиланади.

Қурилиш ташкилотлари материаллар киримини иккита усулда олиб боришлари мумкин: (1) бевосита усул; (2) билвосита усул.

Материаллар хисобининг бевосита усулида уларнинг барча манбалардан кирим қилинишн материаллар ҳисоби счётларининг (1010-1090 счётлар) дебетида тўғридан-тўғри акс эттирилади. Ушбу усулда материалларнинг турли манбалардан келиб тушиши ва улар киримини 1010-1090 счётларда акс эттириш тартиби 3.3-жадвалда келтирилган.

3.3-жадвал

Материаллар киримини счётларда акс эттириш (бевосита усул)

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Таъминотчилардан сотиб олинганда: -материаллар қийматига (ҚҚСсиз) - ҚҚС суммасига (агар корхона ҚҚС тўловчи бўлса)	50000000 10000000	1010-1090 4410	6010 6010	Шартнома, счёт-фактура
2	Ички тизим корхоналаридан олинганда: -материаллар қийматига (ҚҚСсиз) - ҚҚС суммасига (агар корхона ҚҚС тўловчи бўлса)	25000000 5000000	1010-1090 4410	6110-6120 6110-6120	Шартнома, счёт-фактура
4	Бепул келиб тушганда	6000000	1010-1090	8530	Шартнома, счёт-фактура

4	Таъсисчилардан келиб тушганда	5000000	1010-1090	4610	Шартнома, счёт-фактура
5	Сотиб олишга доир қўшимча харажатларга	500000	1010-1090	6990	Шартнома, Счёт-фактура, Кирим далолат-номаси
6	Ўз ишлаб чиқариш цехларидан кирим қилинганда	25500000	1010-1090	2310	Кирим далолат-номаси
7	Асосий воситаларни тугатишдан олинган материалларга	600000	1090	9210	Тугатиш далолат-номаси
8	Материалларнинг ички алмашувига	20000000	1010-1090	1010-1090	Накладной

Материаллар хисобининг билвосита усулида уларнинг таъминотчи ташкилотлардан харид қилиниши, ўз цехларидан кирим қилиниши тўғрисидаги маълумотлар дастлаб 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг дебетида тўпланади. Бунда материалларнинг келиб тушиш манбаларини ифодаловчи счётлар (6010, 6990, 2310 ва бошқалар) кредитланади. Материаллар бойликларнинг омборларга кирим қилиниши 1510 счётнинг кредитида ва 1010-1090 счётларнинг дебетида акс эттирилади. Бу усулда материалларнинг хисоб баҳосидаги қиймати ва харид қиймати ўртасидаги фарқ суммаси хисобот даврида алохида 1610 «Материаллар кийматидаги фарқлар» счётида хисобга олинади. Хисобот даври охирида материаллар кийматидаги фарқ суммалари қуйидагича хисобдан чиқарилади:

(1) келиб тушган материал бойликларнинг харид баҳосидаги қиймати (таннархи) хисоб баҳосидан паст бўлганда:

Дебет 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»

Кредит 1610 «Материаллар кийматидаги фарқлар»

(2) келиб тушган материал бойликларнинг харид баҳосидаги қиймати (таннархи) хисоб баҳосидан юқори бўлганда:

Дебет 1610 «Материаллар кийматидаги фарқлар»

Кредит 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»

1610 «Материаллар кийматидаги фарқлар» счётида тўпланган материалларнинг хисоб баҳосидаги қиймати ва харид қиймати ўртасидаги фарқ суммаси харажатларни акс эттирувчи счётларнинг (2010, 2310, 2510, 9410, 9420, 9430) дебетига сарфланган

материалларнинг хисоб бахосига мутаносиб тарзда кўшимча ёзув ёки кичик ёчув (сторно) асосида хисобдан чиқарилади.

Материалларнинг курилиш ишларига сарфланиши, шунингдек, уларнинг сотилиши, бепул берилиши, бошка корхоналарга таъсис бадали сифатида киритилиши, иш хаки ва моддий ёрдам сифатида берилиши, шунингдек, турли бошка чикимлари гувохлик берувчи кужжатлар асосида хисобда куйидагича акс эттирилади (3.4-жадвал).

3.4-жадвал

Курилиш ташкилотларида материалларнинг ишлатилиши ва бошка чикимларини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи хужжат
1	Материалларнинг ишлаб чиқаришга сарфланиши	60000000	2010, 2310, 2510	1010-1090	М-29 шаклли хисобот, материал хисоботи
2	Материалларнинг сотилиши: -сотиш кийматига (ҚҚСсиз) - ҚҚС суммасига (агар корхона ҚҚС тўловчи бўлса) - материалларнинг хисоб бахосида моддий жавобгар шахс бўйнидан сокит килинишига -сотишдан олинган фойдага -сотишдан кўрилган зарарга	5000000 1000000 4000000 1000000 -	4010, 4010 9210 9220 9430	9220 6410 1010-1090 9320 9220	Шартнома, счёт-фактура хисоб-китоблар, материал хисоботи
1	Материалларнинг бепул берилиши: -бериш кийматига (ҚҚСсиз) -ҚҚС суммасига (агар корхона ҚҚС тўловчи бўлса) -материалларнинг	500000 100000 500000	4010 4010 9220	9220 6410 1010-1090	Шартнома, счёт-фактура, хисоб-китоблар, материал хисоботи

	хисоб бахосида моддий жавобгар шахс бўйнидан сокит килинишига -сотишдан кўрилган зарарга	600000	9430	4010	
4	Таъсис бадали сифатида берилиши: -киритиш кийматига (ҚҚСсиз) -ҚҚС суммасига (агар корхона ҚҚС тўловчи бўлса) -материалларнинг хисоб бахосида моддий жавобгар шахс бўйнидан сокит килинишига	500000 100000 500000	0610-0690 0610-0690 9220	9220 6410 1010-1090	Шартнома, счёт-фактура, хисоб-китоблар, материал хисоботи
5	Материалларнинг иш хаки ва моддий ёрдам сифатида берилиши -бериш кийматига (ҚҚСсиз) -ҚҚС суммасига (агар корхона ҚҚС тўловчи бўлса) -материалларнинг хисоб бахосида моддий жавобгар шахс бўйнидан сокит килинишига	500000 100000 500000	6710 6710 9220	9220 6410 1010-1090	Ариза, счёт-фактура, хисоб-китоблар, материал хисоботи

Курилиш ташкилотларида материалларнинг аналитик хисоби моддий жавобгар шахслар бўйича хисоб бахосида 10-с кайдномасида юритилади. Бу кайднома 3 та бўлимдан иборат. Унинг 1-бўлими сотиб олинган материалларнинг хакикий таннархи хамда уларнинг хисоб бахосидаги киймати ўртасидаги четланиш суммасининг хисоби учун мўлжалланган. Ушбу четланишни хисоб-китоб килиш ва улар хисобини 1610 «Материаллар кийматидаги фарклар» счётида юритиш учун 10-с кайдномасига материалларнинг кирими тўғрисидаги маълумотлар 6-с

журнал-ордер ва бошка журнал-ордерлар ёзувлари асосида кўрсатилади. Материаллар ва улар кийматидаги фарқларнинг бош қолдиғига доир маълумотлар қайдноманинг 2- ва 3-бўлимларидан олинади. Шундан сўнг, материаллар ва улар кийматидаги фарқларнинг бош қолдиклари ва кирими тўғрисидаги маълумотлар асосида (мос равишда уларнинг ҳақиқий таннархи ҳамда ҳисоб баҳосидаги кийматлари бўйича) харид қиймати ва ҳисоб баҳоларидаги қиймати ўртасидаги фарқ суммаси ва фоизи аниқланади

Материалларнинг харид қиймати ва ҳисоб баҳоларидаги қиймати ўртасидаги фарқнинг ўртача фоизи (Ўф) қуйидагича топилади:

$$Ўф = \frac{Фо + Фд}{Мо + Мд} \times 100\ \%$$

бу ерда

Фо ва **Фд** – материалларнинг харид қиймати ва ҳисоб баҳоларидаги қиймати ўртасидаги фарқнинг мос равишда ой бошига қолдиғи ва кирим қилинган қисмига тўғри келувчи суммаси (ёки 1610 «Материаллар қиймати ўртасидаги фарқ» счётининг мос равишдаги бош қолдиги ва дебет оборoти суммалари);

Мо ва **Мд** – материалларнинг ҳисоб баҳосидаги ой бошига бўлган бош қолдиги ва кириминнинг қиймати (ёки 1000 «Материаллар» счётининг ҳисоб баҳоси бўйича мос равишдаги бош қолдиги ва дебет оборот суммалари).

Материаллар сарфига тўғри келадиган уларнинг харид қиймати ва ҳисоб баҳоларидаги қиймати ўртасидаги фарқ суммаси (**Фс**) қуйидагича топилади:

$$Фс = Мс * Ўф / 100\ \%$$

бу ерда **Мс** – материаллар чиқиминнинг ҳисоб баҳосидаги қиймати

Мисол: *1050 «Қурилиш материаллари» счётининг ҳисоб баҳосида қиймати ой бошига 10000000 сўм, 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётининг дебет қолдиғи 250000 сўм. Ҳисобот ойида кирим қилинган материалларнинг қиймати (ҚҚСсиз): (а) ҳисоб баҳосида 15000000 сўм; (б) ҳақиқий таннархи (харид қиймати) бўйича 16000000 сўм. Ҳисобот ойида қурилишга сарфланган материалларнинг ҳисоб баҳосидаги қиймати 20000000 сўм*

Ушбу мисолда келтирилган маълумотлар бўйича:

(1) материалларнинг харид қиймати ва ҳисоб баҳоларидаги қиймати ўртасидаги фарқнинг ўртача фоизи 5 фоизга тенг бўлади:

Ўф = (250000 + 1000000) / (10000000 + 15000000)* 100% = 5 %;

(2) қурилишга сарфланган материалларга тўғри келадиган уларнинг харид қиймати ва хисоб баҳоларидаги қиймати ўртасидаги фарқ суммаси 1000000 сўмга тенг бўлади:

Фс = 20000000 * 5 % / 100 % = 1000000 сўм.

10-с қайдноманинг 2-ва -3 бўлимларида хар бир моддий жавобгар шахс бўйича материалларнинг бошланғич ва охирги қолдиғи, шунингдек, уларнинг кирим ва чиқими хисоб баҳоларида акс эттирилади. Чунончи, бу бўлимларда материалларнинг чиқими уларнинг хисобдан чиқарилиш йўналишларини ифодаловчи синтетик счётлар хамда аналитик счётларнинг аник моддалари бўйича кўрсатилади. Қайдноманинг материаллар чиқимини ифода этувчи йиғма маълумотлари корреспонденцияланадиган синтетик хамда аналитик счётлар бўйича 10-с журнал-ордерга ўтказилади. Бу журнал-ордерда қурилиш ишларига сарфланган материалларнинг қиймати материаллар харакати ва сарфи тўғрисидаги хисоботларда (М-19 ва М-29 шаклли хисоботлар) кўрсатилган харажат объектлари бўйича таксимлаб чиқилади.

Қурилиш ташкилотларида таъминотчилар билан сотиб олинган материаллар бўйнча хисоб-китобларнинг синтетик ва аналитик хисоби 6-с журнал-ордерда юритилади. Ушбу журнал-ордерга ёзувлар хронологик тарзда таъминотчилардан олинган материалларга гувохлик берувчи счёт-фактуралар асосида амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотлари қурилиш ишларини буюртмачиларнинг ўзлари тақдим этган материаллар хамда ўрнатишга мўлжалланган ускуналар асосида хам бажаришлари мумкин. Агар ушбу бойликларни буюртмачи томонидан берилиши қурилиш ишлари шартномаларида кўзда тутилган бўлса, у холда улар қурилиш ташкилотларида балансдан ташқари 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» ва 005 «»Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар» счётларида хисобга олинади. Бу счётларга ёзувлар фақат бир томонлама қилинади. Чунончи, материаллар ва ускуналарнинг буюртмачилардан олиниши ушбу счётларнинг дебетида, сарфланиши эса кредитида акс эттирилади.

Қурилиш ташкилотларида буюртмачилардан қурилиш ишларида фойдаланиш учун олган материаллар ва ускуналар бўйича материал хисоботи алохида юритилади. Бу материаллар ва ускуналар фақат буюртмачиларга тегишли қурилиш ишларига сарфланади. Олинган материаллар ва ускуналарнинг сарфи М-29 шаклли хисобот ва унга илова қилинган хужжатлар билан тасдиқланади.

Буюртмачилардан олинган материаллар ва ускуналарнинг қиймати қурилиш ишларининг умумий смета қийматига киритилади, яъни улар пудратчи ва буюртмачи ўртасида тузиладиган «Қурилиш ишларини топшириш-қабул қилиш далолатномаси»да (КС 2-шакл) хамда

«Бажарилган ишлар қиймати ва харажатлар тўғрисида маълумотнома»ли (КС-3 шакл) буюртмачилар томонидан тақдим этилган материаллар ва ускуналар қиймати алоҳида қаторларда кўрсатилади, бирок улар ўзаро-ҳисоб китобларда тўлов суммасига киритилмаяди.

1.5. Қурилиш ташкилотларида материаллар инвентаризацияси хусусиятлари ва уни натижаларининг ҳисоби

Қурилиш ташкилотларида материалларни инвентаризация қилиш, унинг натижаларини аниклаш, ҳужжатли расмийлаштириш ва ҳисобга олиш республикамизда қабул қилинган БҲМС 19 «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш»да келтирилган тартиб-қоидаларга мувофик амалга оширилиши лозим.

Ушбу стандартга асосан қурилиш ташкилотларида товар-моддий бойликларнинг режали инвентаризацияси ҳар йили камида бир марта ўтказилади. Моддий бойликларни ўғирлаш ва талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда, фавқулоддаги ҳодисалар юз берганда, шунингдек, бошка кутилмаган вокеалар содир бўлганда режадан ташкари инвентаризациялар ўтказилиши мумкин.

Товар-моддий бойликлар инвентаризацияси қурилиш рахбарининг буйруғи билан тасдикланадиган доимий ва ишчи инвентаризация комиссиялари томонидан ўтказилади.

Инвентаризацияда моддий бойликларнинг мавжуд ҳолати уларни санаш, тортиш, ўлчаш ва шу каби бошка усуллар ёрдамида аниқланади. Санаш, тортиш, ўлчаш учун моддий бойликлар дастлаб бунга имкон берилиш ҳолатига келтирилади. Чунончи:

- тахталар энининг ўлчов бирлигига (20мм, 30 мм, 40мм, 50 мм) карб тахлаб чикилади;
- болалар уларнинг узунлиги ва диаметрига караб гурухланади;
- михлар уларнинг узунлигига караб гурухларга ажратилади;
- шифер ва тунукалар уларнинг эни ҳамда бўйининг размерига карб ажратилади;
- гиштлар квадрат ҳолатига келтирилган ҳолда тахланади;
- ҳавзада сакланаётган цемент ҳавза юзасини аниклаш учун бир текисга келтирилади;
- трубалар ва арматуралар диаметрига караб сараланади;
- кум ва шағал уларни кубометр ҳолда ўлчаш ҳолатига келтирилади;
- қурилиш майдончаларида ишлатилаётган ҳар хил вақтинчалик технологик мосламалар (колиплар, конструкциялар, йўлкалар, деворлар,

ювиниш ва санитария хоналари) уларнинг ўлчамлари, баҳоланган қийматига қараб гурухларга ажратилади;

• буюртмачига тегишли бўлган материаллар ва ўрнатишга мўлжалланган ускуналар алоҳида жойларга тахланади.

Худди шу тарзда бошка материаллар хам уларнинг реал миқдорини аниклашга имкон берувчи ҳолатга келтирилади.

Инвентаризация комиссияси аъзоси материал бойликларнинг аниқланган реал миқдорини инвентаризация варақларига (Инв-3 шакл) ёзиб боради. Инвентаризация варақларининг ҳар бир бети комиссия аъзолари томонидан имзоланади. Инвентаризация якунлангач, бухгалтерияда инвентаризация варақалари маълумотлари ва материаллар ҳисоби карточкалари ёки китоблари маълумотлари таққосланиб, инвентаризация натижалари аниқланади. Бундай таққослаш натижалари «Таққослаш қайдномаси» (Инв-19 шакл) билан расмийлаштирилади. Ушбу қайдномага бухгалтер ва моддий жавобгар шахс имзо қўяди. у рахбар томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган таққослаш қайдномаси маълумотлари инвентаризация натижаларини ҳисобга олишга асос бўлиб ҳисобланади.

Бир хил номдаги, лекин қиймати бўйича ўзаро фарқ қиладиган материаллар, конструкциялар, мослама ва буюмлар бўйича рахбарнинг рухсати билан камомадларни ортиқчалар билан копланишига рухсат этилади. Бунда ҳисобда материалларнинг фақат қийматлари бўйича фарқ камомад ёки ортиқча сифатида акс эттирилади.

Инвентаризацияда материаллар бўйича аниқланган ортиқчалар қурилиш ташкилотининг фойдасига олиб борилади ва улар ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 1000 «Материаллар ҳисоби счётлари» (мос счётлар)

Кредит 9390 «Бошка операцион даромадлар».

Материаллар бўйича аниқланган камомадлар ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

(1) аниқланган камомаднинг умумий суммасига:

Дебет 5910 «Камомадлар ва бойликларнинг бузилишидан йўқотишлар»

Кредит 1000«Материаллар ҳисоби счётлари» (мос счётлар).

(2) *моддий жавобгар шахс бўйнига олиб борилган камомад суммасига:*

Дебет 4730 «Моддий зарарларни коплаш бўйича ходимларнинг карзи»

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликларнинг бузилишидан йўқотишлар»

(3) *корхона зарарига олиб борилган камомад суммасига:*

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликларнинг бузилишидан йўқотишлар.

Инвентаризация аниқланган камомадлар моддий жавобгар шахслардан пул ёки уларнинг иш ҳакларидан ушлаб қолиш йўли билан ундириб олинади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Асосий қурилиш материаллари – бу объектларни қуриш, монтаж қилиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш каби ишларни бажаришда бош ролни ўйновчи қурилиш материаллари.

Ёрдамчи қурилиш материаллари – бу қурилиш ишларида бош ролни ўйнамайдиган, лекин уларнинг бажарилишида қўшимча тарзда ишлатиладиган қурилиш материаллари.

Қурилиш материаллари таннархи – бу уларнинг сотиб олиш баҳоларидаги қийматини ҳамда сотиб олишга доир барча қўшимча харажатлар (ташиб келтириш божхона тўловлари, сертификатлаш, брокерларнинг хизмат ҳаклари ва бошқалар)ни ўзида мужассамлаштирган қиймати*.

Қийматдан четланиш – қурилиш материалларининг харид қиймати ва ҳисоб баҳоларидаги қиймати ўртасидаги фарқ.

Талабнома – бу қурилиш материалларини омборлардан қурилиш майдончаларига етказиб беришда прораб, мастер ёки бригадир томонидан тузиладиган бошланғич ҳужжат бўлиб, унда керакли материалнинг номи, маркаси, миқдори кўрсатилади.

Лимит-забор варақи – бу қурилиш материалларини омборлардан қурилиш майдончаларига етказиб беришда маълум муддатга (5 кунга, 10 кунга, 1 ойга) очилган бошланғич ҳужжат бўлиб, унда керакли материалнинг номи, маркаси, миқдори берилган кунлар бўйича кўрсатилади ҳамда ҳисобот давр охирида жамланади.

Қурилиш материаллари сарфи тўғрисида ҳисобот – бу сарфланган материаллар қийматини бажарилган қурилиш ишларининг ҳақиқий таннархига киритишга, материаллар сарфи ҳисобини юритишга асос бўлувчи моддий жавобгар шахслар (прораб, мастер ёки бригадир) томонидан тузиладиган ҳамда рахбар томонидан тасдиқланадиган ҳисобот.

Инвентаризация – бу моддий бойликларнинг мавжуд ҳолатини уларни саналаш, тортиш, ўлчаш ва шу каби бошқа усуллар ёрдамида аниқлаш.

---

* **Изоҳ:** ҚҚС тўловчи қурилиш ташкилотларида таъминотчиларга (божхонага) тўланган ҚҚС суммаси материаллар қийматига киритилмайди, балки бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини тоғишда ажратилиши олиб борилади. Ихчамлаштирилган солиқ режимида фаолият кўрсатаётган қурилиш ташкилотларида сотиб олишда таъминотчиларга (божхонага) тўланган ҚҚС суммаси бевосита материаллар қийматига (таннархига) киритилади.

Материаллар хисоби – бу қурилиш материаллари кирими ва чиқими, шунингдек, уларнинг давр боши ва охирига бўлган холатини соний ва суммовий кўринишда тегишли регистрларда юритиш тизими.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

Хўжалик ситуацияси

1050 «Қурилиш материали» счётининг ой бошига колдиғи хисоб баҳоси бўйича 5000000 сўм, 1610 «Материаллар қийматидаги фарқ» счётининг дебет колдиғи 100000 сўм. Ҳисобот ойида 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг дебетида таъминотчилардан кирим қилинган материалларнинг сотиб олиш баҳосидаги қиймати 12000000 сўм, шу жумладан, ҚҚС – 2000000 сўм. Бундан ташқари материалларнинг ташиб келтириш харажатлари 300000 сўм, воситачилик харажатлари – 400000 сўм. Материалларнинг хисоб баҳосидаги кирим қиймати 10500000 сўм. Ҳисобот ойида қурилиш ишларига сарфланган материалларнинг хисоб баҳосидаги қиймати 8000000 сўм.

Ушбу ситуация бўйича қуйидаги саволларга тўтри жавобларни топинг.

1.Ҳисобот ойида кирим қилинган қурилиш материалларнинг ҳақиқий таннархига бухгалтерия ёзуви берилади:

а) Дебет 1510 Кредит 6010 10000000 сўмга;
б) Дебет 1510 Кредит 6010 10700000 сўмга;
в) Дебет 1510 Кредит 6010 10300000 сўмга;
г) Дебет 1510 Кредит 6010 10400000 сўмга.

2. Қурилиш материалларини хисоб баҳосида кирим қилинишига қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

а) Дебет 1050 Кредит 1510 10000000 сўмга;
б) Дебет 1050 Кредит 1510 10700000 сўмга;
в) Дебет 1050 Кредит 1510 12000000 сўмга,
г) Дебет 1050 Кредит 1510 10500000 сўмга

3. Қурилиш материаллари учун таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммасига бухгалтерия ёзуви берилади:

а) Дебет 1050 Кредит 6010 2000000 сўмга;
б) Дебет 1050 Кредит 6410 2000000 сўмга;
в) Дебет 4410 Кредит 6010 2000000 сўмга;
г) Дебет 6410 Кредит 1050 2000000 сўмга

4. Ҳисоб баҳосида қурилиш ишларига сарфланган материаллар қийматига бухгалтерия ёзуви берилади:

а) Дебет 2010 Кредит 1510 8000000 сўмга;
б) Дебет 2010 Кредит 1050 8000000 сўмга;
в) Дебет 2310 Кредит 1050 8000000 сўмга;
г) Дебет 2310 Кредит 1510 8000000 сўмга

5. Кирим қилинган материалларнин хисоб бахосидаги киймати ва хакикий таннархи ўртасидаги фарк суммаси тенг:

а) 12000000 - 8000000 = 4000000 сўмга;
б) 10700000 - 10500000 = 200000 сўмга;
в) 12000000 - 10500000 = 1500000 сўмга;
г) 10000000 -10500000 = -500000 сўмга.

6. Кирим қилинган материалларнинг хисоб бахосидаги қиймати ва хакикий таннархи ўртасидаги фарқ суммасига бухгалтерия ёзуви берилади:

а) Дебет 1610 Кредит 1510 4000000 сўмга;
б) Дебет 1610 Кредит 1510 200000 сўмга;
в) Дебет 1610 Кредит 1510 1500000 сўмга;
г) Дебет 1610 Кредит 1510 - 500000 сўмга.

7. Материалларнинг хисоб бахоси ва хакикий таннархи ўртасидаги фарқнинг ўртача фоизи қуйидагича топилади:

а) Фў = (100000 + 200000) / (5000000 + 10500000) x 100 % = 1,94 %
б) Фў = (100000 + 4000000) /(5000000 + 10500000)x 100 % = 26,5 %
в) Фў = (100000 + 1500000) / (5000000 + 10500000)x 100 % = 10,32 %
г) Фў = (100000 + (-500000))/ (5000000 + 10500000)x 100 % = - 2,58 %

8.Курилишга сарфланган материалларга тўгри келадиган материаллар киймати ўртасидаги фарк суммаси тенг:

а) 8000000 *1,94 % = 155200 сўмга;
б) 8000000 *26,5 % = 2120000 сўмга;
в) 8000000 *10,32 % = 825600 сўмга;
г) 8000000 *(-2,58%) = -206400 сўмга

9.Курилишга сарфланган материалларга тўгри келадиган материаллар киймати ўртасидаги фарк суммаси бухгалтерия ёзуви берилади:

а) Дебет 2010 Кредит 1610 155200 сўмга;
б) Дебет 2010 Кредит 1610 2120000 сўмга;
в) Дебет 2010 Кредит 1610 825600 сўмга;
г) Дебет 2010 Кредит 1610 - 206400 сўмга.

10.Ой охирида курилиш материалларининг (1050 счёт) хисоб бахосидаги колдиги тенг бўлади:

а) 7500000 сўмга;
б) 9000000 сўмга;
в) 7000000 сўмга;
г) 7700000 сўмга.

11.Ой охирида қурилиш материаллари қийматидаги фарқ суммасининг (1610 счет) қолдиғи тенг:

а) 1980000 сўмга;
б) 144800 сўмга;
в) 774400 сўмга;
г) 606400 сўмга.

12.Ой охирида қурилиш материалларини харид қилиш счётининг (1510 счёт) қолдиғи тенг:

а) 0 сўмга;
б) 4000000 сўмга;
в) 100000 сўмга;
г) 200000 сўмга.

4-БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ БЎЙИЧА ҲИСОБ - КИТОБЛАР ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1. Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ташкил қилиш асослари

Қурилиш ташкилотлари томонидан қурилиш ишларини бажариш уларда турли ихтисосликка эга бўлган мутахассислар жамоасини шакллантиришни, шунингдек, мос равишда улар меҳнати ҳамда меҳнатига ҳақ тўлаш тизимларини ташкил қилишни тақозо этади.

Қурилиш ташкилотларида ишловчи ходимлар иккита гуруҳга бўлинади: (1) асосий ходимлар; (2) асосий бўлмаган ходимлар.

Асосий ходимлар деганда қурилиш ташкилотларининг штат жадвалида белгиланган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар тушунилади. Бундай ходимлар таркибига инженер-лойиҳачилар, инженер-қурувчилар, прораблар, мастерлар, механиклар, электриклар, слесарлар, ганчкорлар, пардозловчилар, тахтага ишлов берувчи ва улардан турли тайёр мосламалар ясовчи усталар, ғишт терувчилар, омбор мудирлари, таъминотчилар ва шу каби бошқа ходимлар киради.

Асосий бўлмаган ходимлар деганда индивидуал меҳнат шартномасига кўра алоҳида ишларни бажариш учун вақтинчалик ишга олинган ходимлар тушунилади.

Қурилиш ташкилотларида ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ҳамда уни бекор қилиш республикамиз қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотларининг ходимлар бўлими ишга қабул қилинган ходимлар ҳисобини белгиланган тартибда юритади. Қурилиш ишлари олиб борилаётган жойларда ходимларнинг ишга келиши, улар томонидан бажарилган ишларнинг дастлабки ҳисоби регистрлари (ишга чиқиш ҳисоби табели, нарядлар, ҳисоботлар, маълумотномалар, далолатномалар)ни тузиш ҳамда юритиш участка бошлиғлари (прораблар, мастерлар, бригадирлар)га юклатилади.

Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш вақтбай ва ишбай шаклларда амалга оширилади. Ушбу шаклларнинг қўлланилиши қурилиш ташкилотининг ички меъёрий ҳужжатлари (жамоа ва индивидуал меҳнат шартномалари) билан тартибга солинади.

Иш ҳақи ҳисоблашнинг вақтбай шакли асосан маъмурий-бошқарув ҳамда инженер-техник ходимлар учун қўлланилади. Ушбу шаклда меҳнатга ҳақ тўлаш учун асос бўлиб қурилиш ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланган штат жадвали, тариф разряди, тариф разряди

бўйича белгиланган маош, ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган вақти ҳисоби табели ҳисобланади.

Маъмурий-бошқарув ҳамда инженер-техник ходимларга ҳисобот ойида ҳисобланадиган асосий иш ҳаки уларга белгиланган маошни шу ойдаги иш кунлари сонига бўлиш ва ҳақиқатда ишлаган кунлари сонига кўпайтириш йўли билан топилади. Ҳисобот ойида тўлик ишлаган ходимларга асосий иш ҳаки белгиланган маош миқдорида ҳисобланади.

Меҳнат ва жамоа шартномаларида маъмурий-бошқарув ҳамда инженер-техник ходимларга эришилган ютуқлар учун қўшимча тарзда мукофатлар бериш ҳам кўзда тутилади. Шу боис, вақтбай шакл бошқачасига вақтбай-мукофатли шакл ҳам деб аталади. Ходимларга бериладиган мукофатнинг миқдори қурилиш ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан белгиланади.

Иш ҳаки ҳисоблашнинг ишбай шакли бевосита қурилиш ишларини олиб борувчи ходимлар учун қўлланилади. Бундай ходимларга ишчилар, махсус машина ва механизмларни бошқарувчи машинистлар, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари, мастерлар, прорабла р, бригадирлар ва бошқалар киради. Ушбу шаклда меҳнатга ҳақ тўлаш учун асос бўлиб қурилиш ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланган штат жадвали, тариф разряди, тариф разряди бўйича белгиланган маош, бир бирлик иш учун тасдиқланган меҳнат ҳаки меъёри (расценка), ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган вақти ҳисоби табели, бажарилган иш ҳажми тўғрисида ҳисоботлар, билдирги-нарядлар, маълумотномалар ва далолатномалар ҳисобланади.

Қурилиш ишлари, одатда, жамоа, яъни бригада томонидан бажарилади. Бажарилган ишлар яхлит жамоанинг (бригаданинг) меҳнати сифатида тавсифланади. Мос равишда ҳисобланган иш ҳаки ҳам жами жамоа (бригада) учун ҳисобланган иш ҳаки ҳисобланади. Иш ҳакини ҳисоблашнинг бундай тизими адабиётларда *«аккорд»*, *«аккорд-наряд»* тизими, деб ҳам эътироф этилади.

Аккорд тизимда ҳисобланган асосий иш ҳаки, мукофатлар ва бошқа қўшимчалар дастлаб жами бригада учун яхлит тарзда белгиланади. Иш ҳакининг жами миқдори бригада томонидан ҳақиқатда бажарилган ишнинг ҳажмини, бир бирлик иш учун белгиланган меҳнат ҳаки меъёрига (расценкага) кўпайтириш йўли билан аниқланади. Корхона раҳбари буйруғи билан белгиланган мукофат ва бошқа қўшимча тўловлар ҳам яхлит бригадага тегишли ҳисобланади.

Асосий ва қўшимча иш ҳақлари бригада аъзоларининг ўртасида уларнинг умумий бажарилган ишдаги ҳиссасига, яъни меҳнатда иштирок коэффициенти (МИК)га караб таксимланади. Ушбу коэффициент

бригада кенгаши мажлиси карори билан белгиланади ва махсус баённома кўринишида бухгалтерияга тақдим этилади.

Мисол. *Бригада аъзоларига декабрь ойида «А» объектда бажарган ишлари учун наряд асосида 5000000 сўм иш ҳақи ҳисобланган, шунингдек, 3000000 сўм мукофат белгиланган. Бригада аъзоларининг таркиби, эгаллаган лавозимлари, разрядлари, табел бўйича ишлаган вақти, бригада кенгаши йиғилишининг қарори бўйича белгиланган меҳнатда иштирок этганлик коэффициентлари 4.1-жадвалда келтирилган.*

4.1-жадвал

Бригада аъзоларининг меҳнатда иштирок коэффициенти асосида ишлаган вақтининг ҳисоб-китоби

№	Фамилия, исми шарифи	Лавозими	Разряди	Ишлаган вакти, соат	Меҳнатда иштирок коэффициенти (МИК)	МИК билан хисобланган иш вакти
1	Давиров Д	Бригадир	6	175	1,3	227,5
2	Халиков А.	Ишчи	5	175	1	175
3	Ширинов Б	Ишчи	3	175	1,1	192,5
4	Жабборов С	Ишчи	3	140	0,7	98
5	Олимов А	Ишчи	2	154	0,9	138,6
	Жами			**819**		**831,6**

Юқоридаги маълумотлар асосида дастлаб МИК билан хисобланган бир бирлик иш вақтига тўғри келадиган асосий иш ҳақи ва мукофот суммаси топиб олинади. Бизнинг мисолимизда бу кўрсаткич:

(1) асосий иш ҳақи бўйича 6012,5 сўм (5000000 / 831,6);

(2) мукофат бўйича 3607,5 сўм (3000000 / 831,6).

Ушбу маълумотлар асосида асосий иш ҳақи ва мукофот пулининг бригада аъзолари ўртасидаги тақсимоти ҳисоб-китоби қуйидагича амалга оширилади (4.2-жадвал).

4.2-жадвал

Бригада аъзолари ўртасида асосий ва қўшимча иш ҳақларини тақсимлаш ҳисоб-китоби

№	Фамилия, исми шарифи	МИК билан ҳисоб-ланган иш вакти	МИК билан ҳисоб-ланган бир бирлик иш вактига тўғри келувчи		Ҳисобланган		Жами ҳисоб-ланди
			иш ҳаки	муко-фот	иш ҳаки	муко-фат	
1	Давиров Д	227,5	6012,5	3607,5	1367844	820706	2188550
2	Халиков А.	175	6012,5	3607,5	1052190	631315	1683505
3	Ширинов Б	192,5	6012,5	3607,5	1157406	694444	1851850
4	Жабборов С	98	6012,5	3607,5	589227	353535	942762
5	Олимов А	138,6	6012,5	3607,5	833333	500000	1333333
	Жами	**831,6**			**5000000**	**3000000**	**8000000**

Қурилиш ташкилотларида вактинчалик мехнат лаёқатини йўқотганлик учун бериладиган нафака, мехнат таътили ва бошка тўловлар (моддий ёрдам, компенсациялар) умумбелгиланган тартибга асосан ҳисоб-китоб килинади.

Қурилиш ташкилотларида ҳисобланган иш ҳакидан ушланмалар бошка хўжалик юритувчи субъектлардаги каби мажбурий ва ихтиёрий ушланмаларга бўлинади. Мажбурий ушланмаларга ходимлар иш ҳакидан ундириладиган даромад солиғи, мажбурий суғурта бадали, суд ижро ҳужжатлари асосида амалга оширилади ушланмалар, берилган бўнак ва бошкалар киради. Ихтиёрий ушланмаларга ходимларнинг аризасига кўра ушланадиган турли тўловлар, хайриялар киради. Республикамиз конунларига кўра иш ҳакидан ушланмаларнинг жами миқдори ходимлар ойлик иш ҳакининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Иш ҳакидан ундириладиган барча ушланмаларнинг ҳисоб-китоблари умумбелгиланган тартибларда амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотлари бошка корхоналар сингари иш ҳакини беришнинг бўнакли ва бўнаксиз тизимларини қўллайдилар. Бўнакли тизим кўлланилганда ойнинг биринчи ярми тугагач, ходимларга ойлик иш ҳакининг 50 фоизигача миқдорда бўнак кайдномалар асосида берилади. Бўнаксиз тизим кўлланилганда иш ҳаки фақат ҳисобот ойи тугагач кайдномалар асосида берилади.

Қурилиш ташкилотлари бухгалтерияси мехнатга ҳак тўлашга доир барча ҳисоб-китоб маълумотларини иш ҳаки китобида, ходимларнинг

шахсий варақаларида ёки ҳисоб-тўлов қайдномаларида мужассамлаштиради. Ушбу регистрларда келтирилган маълумотлар иш ҳаки бўйича ҳисоб-китобларнинг синтетик ва аналитик ҳисобини юритишга асос бўлади.

4.2. Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби

Қурилиш ташкилотлари меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоб-китобларнинг синтетик ҳисобини 6700 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимида очиладиган 6710 «Меҳнат ҳаки бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ва 6720 «Депонентланган иш ҳаки» счётларида юритишлари лозим.

Ушбу пассив счётларнинг бош ва охирги қолдиклари мос равишда ҳисобот ойининг боши ва охирида қурилиш ташкилотининг ўз ходимлари олдидаги тўланмаган иш ҳаки ҳамда депонентланган иш ҳаки бўйича қарзини кўрсатади. Бу счётларнинг кредитида мос равишда қурилиш ташкилотининг иш ҳаки бўйича қарзини кўпайиши, дебетида эса ушбу қарзнинг камайиши қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади (4.3-жадвал).

4.3-жадвал

Қурилиш ташкилотларида иш ҳаки бўйича ҳисоб-китобларни счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Қурилиш ишлари учун ҳисобланган бевосита иш ҳаки суммасига	3000000	2010	6710	Ҳисоб-тўлов қайдномаси
2	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган иш ҳаки суммасига	1500000	2310	6710	Ҳисоб-тўлов қайдномаси
3	Умумишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган иш ҳаки суммасига	1000000	2510	6710	Ҳисоб-тўлов қайдномаси

4	Капитал инвестицияларга киритилган иш ҳақи суммасига	2000000	0810-0890	6710	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси
5	Уз асосий воситаларини тугатиш учун ҳисобланган иш ҳақи суммасига	100000	9210	6710	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси
6	Корхона ҳисобидан ҳисоб-ланган меҳнатга лаёқатсизлик кунлар учун ҳисобланган нафақа, моддий ёрдам ва компенсациялар суммасига	500000	9430	6710	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси
7	Резерв ҳисобидан ҳисобланган меҳнат таътили суммасига	600000	8910	6710	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси
8	Маъмурий-бошқарув ходимларига ҳисобланган иш ҳақи суммасига	1200000	9420	6710	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси
9	Сотиш харажатларига олиб борилган иш ҳаки суммасига	300000	9410	6710	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси
10	Иш ҳақидан ушланган даромад солиғи суммасига	2100000	6710	6410	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси
11	ШЖБПҲга мажбурий ушланма суммасига	104000	6410	6990	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси
12	Мажбурий суғурта бадали суммасига	250000	6710	6520	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси
13	Суд ижро ҳужжатлари асосидаги ушланмаларга	120000	6710	6990	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси

14	Етказилган зараларнинг ушланишига	25000	6710	4730	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси
15	Аризага мувофиқ турли тўловлар учун ушланмаларга	265000	6710	6990	Ҳисоб-тўлов қайдно-маси
16	Депонент қилинган иш ҳаки суммасига	500000	6710	6720	Депонент ҳисоби карточ-калари
17	Кассадан берилган иш ҳаки ва депонент ҳаки суммасига	4500000	6710, 6720	5010	Тўлов қайдно-маси, чиқим касса ордери

Меҳнатга ҳак тулаш бўйича ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби қурилиш ташкилотларининг алоҳида олинган жавобгарлик марказлари (қурилиш объектлари, қурилиш ишлари турлари, харажат моддалари) бўйича 10-с журнал-ордерда олиб борилади.

4.3. Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг тақсимоти

Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлашга кетган сарф-харажатларни иккита гурухга ажратиш мумкин: (1) қурилиш ишлари таннархига киритиладиган харажатлар; (2) қурилиш ишлари таннархига киритилмайдиган харажатлар.

Қурилиш ишлари таннархига киритиладиган меҳнат ҳаки харажатлари. Бу гурухга кирувчи харажатлар, ўз навбатида, яна икки турга бўлинади: (1) қурилиш ишлари таннархига олиб бориладиган бевосита меҳнат ҳаки харажатлари, (2) қурилиш ишлари таннархига олиб бориладиган билвосита меҳнат ҳаки харажатлари.

Қурилиш ишлари таннархига олиб бориладиган бевосита меҳнат ҳаки харажатларига аниқ қурилиш иши учун уни олиб борган ишчи ходимларга ҳисобланган тўғридан-тўғри меҳнат ҳақлари киритилади. Битта қурилиш объекти бўйича ҳисобланган меҳнат ҳаки харажатлари бошқа қурилиш объектига доир меҳнат ҳаки харажатларига киритилиши мумкин эмас. Бундай харажатлар бухгалтерияда 2010

«Асосий ишлаб чиқариш» счёти доирасида ҳар бир қурилиш ишлари объекти учун очилган мос аналитик счётларда акс эттирилиши лозим.

Қурилиш ишлари таннархига олиб бориладиган бевосита меҳнат ҳаки харажатларига барча қурилиш объектларига тааллуқли бўлган ҳамда улар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари киради. Бундай харажатлар бўлиб, жумладан, қурилиш машина ва механиларининг бошқарувчиларига (машинистларга) ҳисобланган иш ҳаки, ёрдамчи автохўжалик ходимларига ҳисобланган иш ҳаки ва шу кабилар ҳисобланади. Ушбу турдаги ёрдамчи хўжаликлар ҳисобот ойида турли қурилиш объектларига хизмат кўрсатганлиги учун ҳисобланган иш ҳаки харажатларини у ёки бу қурилиш объекти таннархига тўғридан-тўғри олиб бориб бўлмайди. Шунинг учун бу хўжаликлар бўйича ҳисобланган иш ҳақ харажатлари дастлаб 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ва 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётларида тўпланади, сўнгра эса ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибга кўра тегишли қурилиш ишлари ўртасида тақсимланади ҳамда мос равишда уларнинг таннархига киритилади.

Ҳисобот ойида меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини қурилиш ишлари ўртасида қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади (4.4-жадвал). Ушбу маълумотлар РТ-2 ҳамда РТ-5с шаклли ишлов қайдномаларида ўз акини топади.

4.4-жадвал

20__йил _____ ойи учун меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини қурилиш объектлари ўртасида тақсимлаш ҳисоб-китоби

(шартли маълумотлар асосида)

№	Харажат счётлари	Жами Амор-тизация суммаси	Шу жумладан, объектлар бўйича					
			А		Б		В	
			%	сумма	%	сумма	%	сумма
1	2010 «Асосий ишлаб чиқариш»	60000000	-	30000000	-	20000000	-	10000000
2	2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»	20000000	50	10000000	20	4000000	30	6000000
3	2510 «Умум-	30000000	10	3000000	30	9000000	60	18000000

	ишлаб чиқариш харажат-лари»							
	Жами	110000000	-	43000000	-	33000000	-	34000000

Қурилиш ишлари таннархига киритилмайдиган меҳнат ҳаки харажатлари. Бу Харажатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1.Капитал инвестициялар таркибига кирадиган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари. Бундай харажатлар бўлиб хўжалик усулида олиб борилган капитал инвестицияларга доир меҳнатга хак тўлаш харажатлари хисобланади. Улар қурилиш ташкилотларида 0800 «Капитал қўйилмалар» счетининг дебетида акс эттирилади хамда капитал қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва модернизация ишлари якунлангач, мос равишда, асосий воситаларнинг бошланғич (тикланган) қийматига киритилади.

2.Асосий воситаларни тугатишдан олинадиган даромадлар ҳисобидан қопланадиган иш ҳақи харажатлари. Бу турдаги харажатлар 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими» счётининг дебетида акс эттирилади. Тугатишдан даромад кўрилмаганда тугатиш учун хисобланган иш хаки харажатлари қурилиш ташкилотлари учун қўшимча зарар олиб келади ва у, мос равишда, 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига ёпилади.

3.Давр харажатларига киритиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари. Ушбу харажатлар бўлиб бажарилган қурилиш ишларини сотиш (9410 счёт), маъмурий-бошқарув (9420 счёт), шунингдек, бошка операцион харажатларга (9430 счёт) киритилган иш ҳаки харажатлари хисобланади. Улар қурилиш ташкилотининг сотишдан олган ялпи фойдаси хисобидан копланади ва мос равишда 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ёпилади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Асосий ходимлар – бу қурилиш ташкилотларининг штат жадвалида белгиланган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар, яъни инженер-лойиҳачилар, инженер-қурувчилар, прораблар, мастерлар, механиклар, электриклар, слесарлар, ганчкорлар, пардозловчилар, гахтага ишлов берувчи ва улардан турли тайёр мосламалар ясовчи усталар, гишт теруувчилар, омбор мудирлари, таъминотчилар ва шу каби бошка ходимлар.

Асосий бўлмаган ходимлар - бу индивидуал меҳнат шартномасига кўра алохида ишларни бажариш учун вақтинчалик ишга олинган ходимлар.

Қурилиш ишлари, одатда, жамоа, яъни бригада томонидан бажарилади. Бажарилган ишлар яхлит жамоанинг (бригаданинг) меҳнати сифатида тавсифланади. Мос равишда ҳисобланган иш ҳаки ҳам жами жамоа (бригада) учун ҳисобланган иш ҳаки ҳисобланади. бундай тизими адабиётларда *«аккорд»*, *«аккорд-наряд»* тизими, деб ҳам зътироф этилади.

Аккорд тизим – бу иш ҳаки яхлит жамоа (бригада) учун ҳисоблаш ва жамоа (бригада) аъзолари ўртасида уларнинг меҳнатда иштироки коэффициентига кўра таксимлаш тизими

Меҳнатда иштирок коэффициенти – бу бригада аъзоларининг умумий бажарилган ишдаги ҳиссасининг нисбий миқдори.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1.Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида иш ҳаки ҳисоблашга асос бўлади:

а) Наряд;
б) Билдирги-наряд;
в) Бир бирлик иш учун ҳақ тўлаш меъёри;
г) Юқоридагиларнинг барчаси.

2.Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўланишнинг ишбай шакли қўлланилади:

а) маъмурий-бошқарув ходимлари учун;
б) Бош инженер учун;
в) Қурувчилар учун,
г) Юқоридагиларнинг барчаси учун.

3.Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида иш ҳаки ҳисоблашга асос бўлади:

а) Наряд;
б) Табель, тариф разряди бўйича маош;
в) Тариф разряди;
г) Юқоридагиларнинг барчаси.

4.Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли қўлланилади:

а) маъмурий-бошқарув ходимлари учун;

б) Мистерлар учун;
в) Қурувчилар учун;
г) Юқоридагиларнинг барчаси учун.

5.Қурилиш ишлари учун меҳнатга тўлашнинг энг кенг тарқалган шакли - бу:
а) вактбай шакл;
б) аккорд-наряд шакл;
в) индивидуал шакл;
г) ишбай-вактбай шакл.

6.Меҳнатда иштирок этиш коэффициентини белгилайди:
а) директор;
б) Бригада кенгаши;
в) Ишчининг ўзи.
г) Бош бухгалтер.

7. 2019 йил январь ойида қурилиш бригадаси аъзоларига (4 кишига) ҳисобланган жами иш ҳаки 6000000 сўм. Жами сарфланган вакт 600 киши/соат. Ходимлар ишлган вакт: 1-ишчи – 180 соат, 2-ишчи 140 соат, 3-ишчи 160 соат, 4-ишчи 120 соат. Ўртача ойлик иш вакти бригада аъзолари учун 560 киши/соат. Иш ҳакидан қуйидагилар ушланган: даромад солиги 12 % миқдорида.

1-ишчининг меҳнатда иштирок коэффициенти (МИК) ва иш ҳаки суммасини топинг:
а) МИК 1,2; иш ҳаки 1500000 сўм;
б)МИК 1,29; иш ҳаки 1800000 сўм;
в) МИК 1,30; иш ҳаки 2160000 сўм;
г) тўғри жавоб йўқ.

8. 7-тест маълумотларига кўра 2-ишчига ҳисобланадиган иш ҳаки суммасини топинг:
а) 1400000 сўм;
б)1306200 сўм;
в) 1500000 сўм;
г) 1392857 сўм

9. 7-тестда келтирилган маълумотлар бўйича бригада аъзоларига ҳисобланган жами иш ҳаки суммасига бухгалтерия ўтуви берилади:
а) Дебет 2010 Кредит 6710 6000000 сўмга;
б)Дебет 2310 Кредит 6710 6000000 сўмга;

в) Дебет 2510 Кредит 6710 6000000 сўмга;
г) Дебет 9420 Кредит 6710 6000000 сўмга.

10. 7-тестда келтирилган маълумотлар бўйича бригада аъзоларига хисобланган иш хакидан ушланаётган даромад солиги суммасини топинг ва унга бухгалтерия ёзувини беринг:

а) Дебет 6410 Кредит 6710 72000 сўм;
б)Дебет 6710 Кредит 6410 72000 сўм;
в) Дебет 2010 Кредит 6410 72000 сўм;
г) Дебет 6720 Кредит 6410 72000 сўм

5-БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

5.1. Қурилиш ташкилотларида асосий ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби

Қурилиш ташкилотларида пудрат шартномаларига кўра бажарилаетган қурилиш ишлари уларнинг асосий ишлаб чиқаришини ташкил қилади. Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар эса бажарилган қурилиш ишларининг таннархини ташкил этади.

Қурилиш ишлари таннархига кирадиган харажатларнинг таснифи, гуруҳлари ва аниқ моддаларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ бўлиши лозим.

Ушбу низомга кўра қурилиш ишлари таннархига кирадиган асосий ишлаб чиқариш харажатлари бевосита ва билвосита (устама) харажатларга бўлинади. Ушбу турдаги харажатлар иқтисодий моҳиятига кўра бешта гуруҳга ажратилади ва уларнинг таркибига қуйидаги харажат моддалари киритилади (5.1-жадвал)

5.1-жадвал

Қурилиш ишлари таннархига киритиладиган асосий ишлаб чиқариш харажатлари

Харажат гуруҳи	Харажат моддалари	Бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари
Бевосита материал харажатлари	Қурилиш ишларига бевосита сарфланган қурилиш материаллари, ярим фабрикатлар ва буюмлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, хўжалик инвентарлари ва бошқа материаллар	• Материал ҳисоботи (М-19) • Материал сарфи ҳисоботи (М-29) 10-с журнал-ордер
Бевосита меҳнат ҳаки харажатлари	Қурилиш ишларини бевосита олиб борган қурилиш бригадалари аъзоларига	• Нарядлар • Табеллар

	хисобланган асосий иш хаки ва мукофатлар	• Хисоб-тўлов кайдномалари • 10-с журнал-ордер
Бевосита мехнат хаки фондидан ижтимоий суғуртага ажратмалар	Курилиш ишларини бевосита олиб борган курилиш бригада аъзолари иш хаки фондидан ижтимоий суғуртага ажратмалар	• Ижтимоий суғуртага ажратма хисоб-китоби 10-с журнал-ордер
Амортизация ажратмалари	Курилиш ишларини олиб боришда бевосита иштирок этган асосий воситалар, номоддий активлар бўйича хисобланган эскириш суммаси	• Амортизация хисоб-китоби • 10-журнал-ордер
Бошка ишлаб чикариш харажатлари (билвосита устама харажатлар)	1. Асосий ишлаб чикариш харажатларига олиб борилган материаллар кийматидаги фарклар 2. Асосий ишлаб чикариш харажатларига олиб борилган турли хизматлар (лойихалаштириш, сертификатлаш ва транспорт хизматлари, газ, сув ва электр куввати билан таъминлаш, таъмирлаш ва бошка хизматлар) 3. Асосий ишлаб чикариш харажатларига олиб борилган меъёрдаги йўкотишлар 4. Асосий ишлаб чикариш харажатларига олиб борилган ёрдамчи ишлаб чикариш ва умумишлаб чикариш чикариш харажатлари 5. Асосий ишлаб чикариш харажатларига хисобдан чикарилган келгуси давр харажатлари 6. Бошка ишлаб чикариш харажатлари	• Счёт-фактуралар • Далолатномалар • Бухгалтерия хисоб-китоблари • 10-с журнал-ордер • Бошка хужжатлар ва регистрлар

Қурилиш ташкилотларида асосий ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик хисоби 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётида олиб борилади. Ушбу счёт доирасида хар бир қурилиш объекти харажатлари ҳисоби учун алохида аналитик счётлар очилади.

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти доирасида аналитик счётларнинг очилиши, юритилиши ҳамда ёпилиши мисол тарикасида 5.2-жадвалда келтирилган.

5.2-жадвал

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти

20__ йил _____ойи учун

Аналитик счёт - «Дустлик комплекси»

Дебет				Кредит			
№	Операция мазмуни (харажат моддаси)	Корр. Счёт	Сумма	№	Операция мазмуни	Корр. счёт	Сумма
	Бош қолдиқ		65000000	7	Топшириллган қурилиш ишининг таннархи	9130	78900000
1	Материал сарфи	1030, 1610	6000000 500000				
2	Иш хаки	6710	3000000				
3	Ижтимоий сугурта	6520	720000				
4	Амортизация	0200	180000				
5	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари	2310	1500000				
6	Умумишлаб чиқариш харажатлари	2510	2000000				
	Жами		13900000		Жами		78900000
	Охирги қолдиқ		0				

5.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебетида қурилиш ишларининг ой бошига ва охирига бўлган қолдиғи, яъни тугалланмаган қурилиш қиймати (таннархи), ой мобайнида қурилиш ишларига кетган хақиқий сарф-харажатлар кўрсатилади. Ушбу счётнинг кредитида буюртмачиларга топширилган қурилиш ишларининг таннархи (сотиш таннархи) акс эттирилади.

Қурилиш ишлари буюртмачиларга боскичма-боскич топширилган холларда қурилиш ташкилотларида хисобот даври охирига тўғри келадиган тугалланмаган қурилиш қиймати (таннархи) инвентаризация

йули билан аниқланади. Инвентаризация қайдномасида кўрсатилган тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати (таннархи) 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётига очилган аналитик счёт (қурилиш объекти)да хисобот даври охиридаги қолдиқ сифатида кўрсатилади. Бу ҳолда буюртмачиларга топширилган ишлар боскичининг ҳақиқий таннархи (сотиш таннархи) объект учун очилган 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг бош қолдиғига унинг дебет оборот суммасини қўшиш ҳамда хисобот даври охирига кўрсатилган қолдиқни айириш йўли билан топилади.

Асосий ишлаб чиқариш харажатлари синтетик ва аналитик хисобининг асосий регистри бўлиб 10-с журнал-ордер хисобланади. Ушбу журнал-ордер ҳар бир қурилиш объекти (аналитик счёт) бўйича очилади. Шунингдек, қурилиш ташкилоти бухгалтерияси барча олиб борилган қурилиш ишлари харажатлари тўғрисидаги маълумотларини жамлаш учун йиғма 10-с журнал-ордерни ҳам юритади. Ушбу йиғма журнал-ордерда асосий ишлаб чиқариш харажатларига доир хисоб маълумотларини аналитик счётлар (қурилиш объектлари) бўйича йиғиш тартиби кўргазмали тарзда 5.3-жадвалда келтирилган.

5.3-жадвал

Асосий ишлаб чиқариш харажатларининг йиғма хисоби

Харажат модда-лари счётлари	Жами		Шу жумладан, қурилиш объектлари бўйича					
			А (2010)		Б (2020)		В (2030)	
	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт
Бош қолдиқ	65000000		65000000		15000000		5000000	
1000	9000000		6000000		2000000		3000000	
1610	900000		500000		100000		300000	
6710	4500000		3000000		1000000		500000	
6520	1080000		720000		240000		120000	
6010	110000		-		60000		50000	
6990	175000		-		100000		75000	
0200	265000		180000		60000		25000	
0500	40000		-		40000		-	
2310	2550000		1500000		800000		250000	
2510	3100000		2000000		700000		400000	
3190	75000		-		75000		-	
Жами	23795000	8862000	13900000	78900000	5175000		4720000	9720000
Охирги қолдиқ	20175000		0		20175000		0	

Йиғма 10-с журнал-ордер маълумотлари қурилиш ташкилотида 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти бўйича бош китобни юритишга асос бўлади. Чунончи, бош китобнинг дебетида корреспонденцияланувчи счётлар бўйича келтирилган маълумотлар йиғма 10-с журнал-ордерда барча қурилиш объектлари (аналитик счётлар) бўйича келтирилган мос равишдаги харажат моддалари суммаларининг йиғиндисига тенг келиши лозим.

5.2. Қурилиш ташкилотларида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг хисоби

Қурилиш ташкилотларида ёрдамчи ишлаб чиқариш деганда қурилиш ишларининг олиб борилишида бевосита ва билвосита иштирок этадиган ёрдамчи ҳамда хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаолияти тушунилади. Уларга, чунончи, қуйидагилар киради:

(1) қурилиш материаллари, деталлари, конструкция ва мосламаларини тайёрлаш цехлари (ёғоч материаллар, темир-терсаклар, бетон, гипс плиталари, гранит тошлар, битум, асфальт ва шу каби бошқа материалларга ишлов бериш цехлари ёки устахоналари);

(2) энергиянинг турли хиллари (электр энергияси, буғ ва бошқалар) билан таъминлаш бўйича хизматларни кўрсатувчи бўлинмалар;

(3) транспорт хизматларини кўрсатувчи бўлинмалар (автохўжалик, гараж, устахоналар);

(4) таъмирлаш ишларини олиб борувчи бўлинмалар;

(5) қурилиш ишларини лойиҳалаштириш, тажриба конструкторлик ишларини олиб борувчи бўлинмалар.

(6) қурилиш ишлари билан банд ходимларга маиший, тиббий, санитария-гигиена, овқатланишни ташкил қилиш бўйича хизматларни кўрсатиш бўлинмалари.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг йиғма синтетик хисоби бош китобда 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида олиб борилади. Ушбу счётнинг дебетида ва кредитланадиган корреспонденцияланувчи счётларда (1000, 6710, 6520, 0200, 6000, 6990 ва бошқалар) мос равишда ёрдамчи ишлаб чиқаришга кетган материал, иш ҳаки, ижтимоий суғурта, амортизация, турли хизматлар ва бошқа сарф-харажатлар тўғрисидаги маълумотлар жамланади. 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг кредитида ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинган тайёр махсулотлар, ярим тайёр махсулотлар, қурилиш материаллари, конструкциялар, мослама ва буюлар, шунингдек, кўрсатилган хизматларга кетган жами сарф-харажатларнинг хисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Махсус қурилиш конструкцияларн ва мосламаларини

ясаш цехлари бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжуд бўлиши мумкин. Бу ҳолларда 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти қолдиққа эга бўлади. Қолган ҳолларда ушбу счетнинг дебетида тўпланган сумма мос равишдаги бошқа счётларга ўтказилади ва шу йўл билан у ёпилади.

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг ёпилиши қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади.

(1) ёрдамчи ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулотлар олинганда:

Дебет 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

(2) ёрдамчи ишлаб чиқаришдан ярим тайёр маҳсулотлар олинганда:

Дебет 2110 «Ярим тайёр махсулотлар»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

(3) ёрдамчи ишлаб чиқаришдан қурилиш материаллари, конструкциялар, мосламалар, хўжалик жиҳозлари олинганда:

Дебет 1000 «Материаллар»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

(4) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг капитал инвестиция сифатида тан олинганда:

Дебет 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

(5) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари суммасини асосий ишлаб чиқариш харажатларига киритилганда:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

(6) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини давр харажатлари ҳисоби счётларига ўтказилганда:

Дебет 9400 «Давр харажатларини ҳисобга олиб борувчи счётлар»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг асосий ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилиши унинг алоҳида моддаларини аниқ қурилиш объектлари таннархига бевосита олиб бориш ёки ҳисоб сиёсатида келтирилган тартибга мувофиқ тақсимлаш йўли билан амалга оширилади. Уларни таксимлаб чиқиш тартиби ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг айрим моддалари бўйича олдинги бобларда ёритилган.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва улар таксимотининг аналитик ҳисоби ҳар бир ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлинмалари бўйича 10-с журнал-ордерда алоҳида юритилади.

5.3. Қурилиш ташкилотларида умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва уларнинг тақсимоти

Қурилиш ташкилотлари ўзларининг ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибга мувофиқ умумишлаб чиқариш характерига эга бўлган харажатлар ҳисобини 2500 «Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» тизимидаа алохида олиб боришлари мумкин. Ушбу счётлар тизимида очиладиган махсус счётларда, чунончи, қуйидаги харажатлар акс эттирилади:

а) қурилиш машиналари ва ускуналарини сақлаш ҳамда уларни эксплуатация қилиш харажатлари;

б) ишлаб чиқаришга тааллукли бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари;

б) ишлаб чиқарига доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

в) ишлаб чиқаришдаги мол-мулкни суғурталаш харажатлари;

г) ишлаб чиқариш биноларини иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатлари;

д) ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган мол-мулкни ижарага олиш харажатлари;

е) ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳаки ва ижтимоий суғуртага ажратмалар;

ж) умумишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ҳисобот ойи мобойнида 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётининг дебетида ва мос равишдаги бошқа счётларнинг кредитида номлари юқорида зикр этилган харажат моддалари бўйича маълумотлар жамланади. Ой охирида ушбу счётнинг дебетида тўпланган харажатлар қурилиш ташкилоти ҳисоб сиёсатида келтирилган тартибга мувофиқ асосий ишлаб чиқариш (2010 счёт) ва ёрдамчи ишлаб чиқариш (2310 счёт) харажатларига олиб борилади. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш тартибини уларнинг алохида моддалари, чунончи, қурилиш машиналари ва ускуналарини сақлаш ҳамда уларни эксплуатация қилиш харажатлари, ишлаб чиқаришга тааллукли бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари мисолида 2-бобда кўриб чиккан эдик. Худди шунга ўхшаш ёки кабул қилинган бошқа тартибларга кўра умумишлаб чиқариш харажатларининг қолган моддалари ҳам мос равишдаги қурилиш объектлари ўртасида тақсимланиши лозим.

Умумишлаб чиқариш харажатлари ва улар тақсимотининг аналитик ҳисоби умумишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлимлари бўйича 10-с журнал-ордерда алохида моддалари бўйича юритилади.

5.4. Қурилиш ишлари таннархини калькуляция қилиш усуллари

Қурилиш ташкилотларида қурилиш ишларининг режа таннархи, норматив таннархи ва ҳақиқий таннархи ҳисоб-китоб қилинади. Режа ёки норматив таннарх, одатда, қурилиш ишлари бошланишидан олдин ҳисоб-китоб қилинади. Ҳақиқий таннарх қурилиш ишлари якунланганда ва буюртмачиларга топширилаётганда аниқланади.

Қурилиш ишларининг режа, норматив ва ҳақиқий таннархини калькуляция қилиш бир қанча мақсадларда, чунончи: (1) қурилиш ишларига кетиши керак бўлган ва ҳақиқатда кетганган сарф-харажатлар суммасини; (2) тугалланмаган қурилиш қиймати (таннархи)ни; (3) қурилиш ишлари сотиш таннархини; (4) сотишдан кутилаётган ва ҳақиқатда олинган якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) суммасини аниқлаш учун амалга оширилади. Шунингдек, қурилиш ишлари ҳақиқий таннархини калькуляция қилиш режа таннарх ёки норматив таннархга нисбатан юз берган четланишларни аниқлашга, ушбу четланишлар бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам, қурилиш ишлари ҳақиқий таннархини калькуляция қилиш қурилиш жараёнини ҳисобга олишнинг якуний босқичида бажариладиган зарур ишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қурилиш ишларининг ҳақиқий таннархи турли усулларда калькуляция қилиниши мумкин. Амалиётда энг кенг тарқалган усуллар бўлиб буюртмали, жараёнли ва ҳиссали (тугалланиш фоизи) усуллари ҳисобланади.

Буюртмали усулда бажарилган ҳар бир қурилиш иши харажат объекти сифатида қаралади. Унинг ҳақиқий таннархини калькуляция қилиш қурилиш объектига (буюртмага) очилган 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётида тўпланган ҳисоб маълумотлари асосида объект (иш) буюртмачига топширишгандан кейин амалга оширилади. Ушбу счётнинг дебетида алоҳида корреспонденцияланувчи счётлар бўйича кўрсатилган йиғма маълумотлар буюртмага очилган калькуляция карточкасининг тегишли харажат моддаларини тўлдиришга асос бўлади (5.4-жадвал).

5.4-жадвал

Қурилиш ишлари ҳақиқий таннархи ва уни режа (норматив) таннархи бўйича четланиши ҳисоби калькуляцион карточкаси

Объект «Дустлик комплекси»

№	Харажат моддаси	Режа (норматив) Бўйича	Ҳақиқатда	Четланиш (+,-)
1	Материал харажатлари	35300000	35750000	+450000
2	Иш ҳақ харажатлари	25000000	24650000	-350000
3	Ижтимоий суғурта	6250000	6162500	-87500
4	Амортизация ажратмалари	1600000	1475500	-124500
5	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари	6100000	5460000	-640000
6	Умумишлаб чиқариш харажатлари	5750000	5402000	-348000
7	**Жами таннарх**	**80000000**	**78900000**	**-1100000**
8	**Шартнома қиймати**	**120000000**	**120000000**	**0**
9	Шундан ҚҚС	20000000	20000000	0
10	**Ялпи фойда**	**20000000**	**21100000**	**+1100000**
11	Давр харажатлари	8000000	8600000	+600000
12	**Қурилишга доир солиқгача фойда суммаси**	**12000000**	**12500000**	**+500000**

Калькуляцион карточканинг алоҳида устунчаларида харажат моддалари бўйича уларнинг режа ёки норматив миқдори ҳамда юз берган четланишлар кўрсатилади. Карточка маълумотлари қурилиш ши харажатларини қай даражада тўғри режалаштирилганлиги ёки улар бўйича нормативларнинг тўғри белгиланганлигига баҳо беришга, режа ёки нормативлардан четланишларнинг сабаблари, айбдорлари ва бошқа жиҳатларини аниқлашга, шунингдек, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон беради.

Жараёнли усул қурилиш ишларини ташкил қилувчи маълум жараёнлар, чуночи лойиҳалаштириш, қуришга тайёрлаш, объектни қуриш, жиҳозларни ўрнатиш, синаш ва топшириш каби жараёнлар таннархини аниқлашда қўлланилади. Ҳар бир жараёнга кетган ҳақиқий сарф-харажатлар мажмуаси унинг ҳақиқий таннархини ташкил этади. Ушбу ҳақиқий таннарх суммаси кейинги жараён учун тугалланмаган

қурилиш қиймати бўлиб ҳисобланади. Қурилиш ишларини буюртмачиларга жараёнлар бўйича топшириш пудрат шартномаларида кўзда тутилган ҳолларда тугалланган жараённинг ҳақиқий таннархи буюртмали усулда келтирилган тартибда калькуляция қилинади. Ушбу калькуляция маълумотлари топширилган жараён қийматини сотиш таннархи сифатида ҳисобга олиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ҳиссали усул (ёки тугалланиш фоизи усули) пудрат шартномаларига кўра қурилиш ишларини буюртмачиларга тугалланиш фоизига кўра топшириш кўзда тутилганда қўлланилади. Қурилишнинг тугалланиш фоизи ҳисобот ойнинг охирида жами ҳақиқатда кетган сарф-харажатларни қурилиш ишларининг смета таннархига бўлиш ва 100 фоизга кўпайтириш орқали топилади. Ушбу ҳисоб-китоб асосида топилган қурилиш ишларининг ҳақиқий таннархи буюртмачиларга топширилган ишларнинг таннархи (сотиш таннархи) сифатида ҳисобга олинади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Қурилиш ишлари таннархи – бу қурилиш ташкилотларида пудрат шартномаларига кўра бажарилган қурилиш ишларига сарфланган асосий ишлаб чиқариш харажатлари мажмуаси.

Қурилиш ишларининг режа таннархи калькуляцияси – бу қурилиш ишларига сарфланадиган асосий ишлаб чиқариш харажатлари асосида уларнинг режа таннархини аниқлаш.

Қурилиш ишларининг ҳақиқий таннархи калькуляцияси – бу қурилиш ишларига ҳақиқатда сарфланган асосий ишлаб чиқариш харажатлари асосида уларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш.

Буюртмали усул – бу ҳақиқий таннархни бажарилган ҳар бир қурилиш иши (буюртма) учун аниқлаш усули.

Жараёнли усул – бу қурилиш ишларини ташкил қилувчи маълум жараёнлар, чунончи лойиҳалаштириш, қуришга тайёрлаш, объектни қуриш, жиҳозларни ўрнатиш, синаш ва топшириш каби жараёнлар ҳақиқий таннархини аниқлаш усули.

Ҳиссали усул (ёки тугалланиш фоизи усули) – бу пудрат шартномаларига кўра қурилиш ишларини буюртмачиларга тугалланиш фоизига кўра топширишдаги ҳақиқий таннархини аниқлаш усули.

Калькуляцион карточка – бу қурилиш ишларининг режа (норматив) ва ҳақиқий таннархини ташкил қилувчи харажат моддалари ҳамда улар бўйича юз берган четланишларни ўзида ифодаловчи ҳисоб регистри.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1.Қурилиш ташкилотларида асосий ишлаб чиқариш харажатларига кирмайди:

а) бригада аъзоларига хисобланган иш хаки;

б) сарфланган материал харажатлари;

в) лойиҳалаштириш харажатлари;

г) хисоб ходимларига хисобланган иш хаки.

2.Қурилиш ташкилотларида бевосита харажатларга киради:

а) маъмурий-бошқарув ходимларига хисобланган хаки;

б) бош инженерга хисобланган сафар харажатлари;

в) қурилиш машиналарини сақлаш харажатлари;

г) юқоридагиларнинг барчаси.

3.Қурилиш ташкилотларида асосий ишлаб чиқариш харажатлари хисобга олинади:

а) 3190 счётда;

б) 2010 счётда;

в) 2310 счётда;

г) 2510 счётда.

4.Тугалланган қурилиш ишининг хақиқий таннархи:

а) маъмурий-бошқарув харажатларини ўз ичига олади;

б) хақиқатда кетган ишлаб чиқариш харажатларидир;

в) умумишлаб чиқариш харажатларидан иборат;

г) юқорида келтирилган барча харажатлардан иборат.

5.Қурилиш ишлари таннархининг аналитик хисоби:

а) қурилиш ташкилоти бўйича яхлит юритилади;

б) хар бир қурилиш иши бўйича юритилади;

в) юритилмайди;

г) жами қурилиш ишлари бўйича бош китобда юритилади.

6. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари:

а) 2010 счётда хисобга олинади;

б) қурилиш ишлари таннархига киритилади;

в) 2510 счётда хисобга олинади;

г) хисобга олинмайди.

7. Умумишлаб чиқариш харажатлари:

а) 2010 счётда хисобга олинади;

б) тақсимланади ва қурилиш ишлари таннархига киритилади;

в) 2310 счётда хисобга олинади;

г) 3190 счётда хисобга олинади.

8. Қурилиш ишлари таннархини калькуляция қилишдан мақсад:

а) давр харажатларини чегаралаш;

б) талон-тарожликка йўл қўймаслик;

в) сотиш таннархини реал ҳисоблаш;

г) солиқни яшириш йўлини излаб топиш.

9. Қурилиш ишлари таннархини калькуляция қилишнинг буюртмали усулида таннарх:

а) жами ташкилот бўйича топилади;

б) ҳар бир буюртма бўйича топилади;

в) ҳар бир жараён бўйича топилади;

г) тошилмайди

10. Буюртмачига топширилган қурилиш ишининг ҳақиқий таннархига бухгалтерия ёзуви берилади:

а) Дебет 2010 Кредит 2310

б) Дебет 3190 Кредит 2010;

в) Дебет 9130 Кредит 2010;

г) Дебет 9030 Кредит 2010.

6 БОБ. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ВА УЛАРГА ДОИР ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ҲИСОБИ

6.1. Қурилиш ишларини бажаришдан олинган даромадларнинг ҳисоби

Қурилиш ишларини бажаришдан олинадиган даромадлар қурилиш ташкилотларида фойда олишнинг асосий манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Республикамизнинг 2-сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар»га мувофиқ қурилиш ишларидан олинган даромадларни тан олиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун улар қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

биринчидан, қурилиш ташкилоти томонидан даромадга эгалик қилиш ҳуқуқи бажарилган қурилиш ишларининг буюртмачиларга топширилганлигига гувоҳлик берувчи тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши;

иккинчидан, олинадиган даромаднинг суммаси аниқ бўлиши;

учинчидан, бажарилган ишлардан келиб тушган ёки келиб тушадиган тушум қурилиш ташкилотининг активларини кўпайишига ёки унинг мажбуриятларини камайишига олиб келишига тўлиқ ишонч бўлиши;

тўртинчидан, буюртмачи қабул қилиб олган қурилиш иши учун пудратчи олдидаги мажбурияти суммасини сўзсиз тасдиқлаши.

Қурилиш ташкилотларида қурилиш ишларини бажаришдан олинган даромадларни тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» ҳисобланади. Ушбу ҳужжат пудратчи ва буюртмачи томонидан имзолангандан сўнг расмий кучга эга бўлади.

«Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» собиқ КС-2 шакл «Бажарилган ишларни қабул қилиш тўғрисида далолатнома» ва КС-3 шакл «Бажарилган ишлар ва харажатлар тўғрисида маълумотнома» ўрнига киритилган ягона ҳужжатдир. У камида икки нусхада тузилади. Маълумотнома–счёт-фактуранинг бир нусхаси пудратчида қолади, иккинчи нусхаси эса буюртмачига топширилади. Инвесторларнинг талабларига кўра уларга ҳам ушбу ҳужжатнинг алоҳида нусхалари тақдим этилади. Маълумотномани тузишга асос бўлиб бажарилган ишлар ҳисоби журнали (КС-6 шакл) маълумотлари ҳисобланади. Ушбу журнал қурилиш ташкилотида ҳар бир объект бўйича юритилади. Журналда қурилиш ишларини бошланиш ва якунланиш санаси, уларни юриш жараёни, кетма-кетликда бажарилган технологик ишларнинг

ўлчамлари, белгиланган меъёр ва расценкалар бўйича аниқланган қиймати ва бошқа жиҳатлари тўғрисидаги маълумотлар жамланади.

БАЖАРИЛГАН ИШЛАР (ҚИЛИНГАН ХАРАЖАТЛАР) ҚИЙМАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА – СЧЕТ-ФАКТУРА

_____
(давр)

Пудратчи_____ **Буюртмачи**_____
_____ _____

Манзили_____ **Манзили**_____

Телефон _____ **Телефон** _____

Ҳисоб рақам_____ **Ҳисоб рақами**_____
_____ _____

СТИР_____ **СТИР**_____
ХХТУТ_____ **ХХТУТ**_____
_____

Объект номи ва манзили_____

Шартнома _____

Жами шартнома қиймати _____

Ҳисобот даври _____дан _____ гача

Ҳужжат № ва санаси _____

Т/р	Ишга туширилади-ган комплекс, боскич, объект, бажарилади-ган иш турн, жихозлар, харажатлар	Ўлчов бир-лиги	Иш ва харажатларнинг хажми (натурал курсаткичларда)		Шартномавий жорин баҳолардаги қиймати (минг сўмда)	
			Жами	Шу жумладан, жорий йилга иш грфиги бўйича	Жами	Шу жумладан, жорий нилга
1	2	3	4	5	6	7

Бажарилган ишлар								
Иш бошидан бошлаб			Йил бошидан бошлаб ҳисобот ойи Билан бирга			Шу жумладан, ҳисобот ойида		
Натур кўр сат-кич	Жа-ми иш хаж-мига нис-батан фоиз	Жо-рий шарт-нома баҳо-ларда (минг сўм)	Натурал кўр-саткич	Жами иш хажмига нисба-тан фоиз	Жорий шарт-нома Баҳо-ларда (минг сўм)	На-турал кўр-сат-кич	Жами иш хаж-мига нисба-тан фоиз	Жо-рий шарт-нома баҳо-ларда (минг сўм)
8	9	10	11	12	13	14	15	16

Пудратчи ташкилот рахбари_____

Пудратчи ташкилот бош ҳисобчиси_____

М.Ў.

Буюртмачи ташкилот вакили _____

М.Ў.

Бажарилган қурилиш ишлари пудратчи, буюртмачи, инвесторлар ва бошқа қизиқувчи органлар вакиллари киритилган таркибдаги комиссия томонидан қабул қилинади. Қурилиш ишларини қабул қилиб олиш объект лойиҳасида кўрсатилган талаблар, меъёрлар ва тартиблар асосида уларни кузатиш, ўлчаш, синаб кўриш, сифатини аниқлаш ҳамда тегишли мутахассисларнинг хулосалари асосида амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишларидан олинадиган даромадларнинг ҳисоби уларни тан олишнинг усулига бевосита боғлиқ бўлади. Ушбу усуллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1.Тўлиқ тугалланиш усули;

2.Тугалланиш фоизи усули;

3.Босқичли усул;

Тўлиқ тугалланиш усулида бажарилган ишлардан олинган даромадлар қурилиш ишлари тўлиқ якунланган ва буюртмачига топширилгандан сўнг юқорида номлари зикр этилган далолатнома ва маълумотномалар асосида тан олинади. Қурилиш ишлари тўлиқ якунланмагунча унга сарфланган барча харажатлар тугалланмаган қурилиш сифатида ҳисобга олиб борилади. «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида бажарилган ишлардан олинган даромад суммасига қуйидагича ёзув қилинади.

Дебет 4010 «Олинадиган счётлар»

Кредит 9030 «Бажарилган иш ва хизматлардан даромад»

Тугалланиш фоизи усули қўлланилганда дастлаб яхлит қурилиш объектининг тугалланиш фоизи аниқланади. Бу кўрсаткич жами кетган сарф-харажатларни қурилиш объектининг смета таннархига бўлиш ва 100 фоизга кўпайтириш йўли билан топилади. Топилган тугалланиш фоизи қурилиш ишининг тугалланган қисмига тўғри келувчи даромад қисмини топишга асос бўлади. Қурилишнинг тугалланган қисмига тўғри келувчи даромад унинг жами смета бўйича келишув қийматини (ҚҚС сиз) тугалланиш фоизига кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали топилади.

Мисол. *Айтайлик, қурилиш объектининг шартнома қиймати 600000000 сўм, шундан ҚҚС (20 %) 100000000 сўм. Демак, қурилиш объекти бўйича соф тушумнинг шартнома қиймати 500000000 сўм (600000000 – 100000000). Қурилиш объектининг смета бўйича таннархи 350000000 сўм. Қурилишнинг тугалланган қисмининг ҳақиқий таннархи 280000000 сўм.*

Юқоридаги маълумотларга кўра:

(1) қурилишнинг тугалланиш фоизи – 80,0 % (280000000 / 350000000);

(2)қурилишнинг тугалланган қисмига тўғри келувчи ялпи тушум – 480000000 сўм (600000000 * 80 % / 100 %);

(3)қурилишнинг тугалланган қисмига тўғри келувчи соф тушум (даромад) - 400000000 сўм (500000000 * 80 % / 100 %);

(4) қурилишнинг тугалланган қисмига тўғри келувчи ҚҚС суммаси 80000000 сўм (480000000- 400000000).

Даромадларни тугалланиш фоизи асосида тан олиш усулида қурилишнинг тугалланган кисмининг киймати ва тугалланиш фоизи пудратчи хамда буюртмачилар томонидан имзоланган «Бажарилган ишлар (килинган харажатлар) киймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» билан тасдикланади. Ушбу хужжат асосида курилиш ташкилотида бажарилган қурилиш ишларидан олинган даромад хамда ҚҚС суммаларига юкорида келтирилган мос равишдаги бухгалтерия ёзувлари берилади.

Босқичли усул қурилиш объектининг таркибий қисмларини босқичма-босқич топшириш ҳолларида қўлланилади. Бу усулни қўллашнинг асосий шартларидан бири бўлиб қурилиш лойиҳаси ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларида унинг алоҳида олинган таркибий қисмларининг шартнома қиймати ҳамда смета таннархини алоҳида белгиланганлиги ҳисобланади. Бундай ҳолатларда қурилиш объектининг алоҳида олинган таркибий қисми (босқичи)га доир даромад ва таннарх тўғрисидаги маълумотлар «Бажарилган ишлар (килинган харажатлар) киймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» ҳамда КС-6 шаклдаги ҳисоб регистрлари билан тасдикланади. Ушбу ҳужжатлар асосида қурилиш ишининг алоҳида босқичини бажаришдан олинган даромад ва ҚҚС суммаларига юкорида келтирилган мос равишдаги бухгалтерия ёзувлари берилади.

Қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишларидан олинган даромадларнинг аналитик ҳисоби 16-с ишлов кайдномасида юритилади. Ушбу ишлов кайдномасида таҳлилий маълумотлар буюртмачилар ҳамда улар учун бажарилган қурилиш ишларининг турлари бўйича мужассамлаштирилади.

6.2. Қурилиш ишлари бўйича буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби

Қурилиш ташкилотлари томонидан олиб бориладиган пудрат ишларини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб буюртмачиларнинг маблағлари ҳисобланади. Қурилиш ишларининг белгиланган муддатларда бошланиши, олиб борилиши ва тугатилиши бевосита буюртмачилар томонидан шартнома шартларида кўзда тутилган тўловларни ўз вақтида амалга оширилишига боғлиқ. Шунингдек, бажарилган ишлар

учун хисоб-китобларни ўз вактида амалга оширилиши курилиш ташкилотларининг молиявий холатига, чунончи, уларнинг ўз мажбуриятлари бўйича тўлов кобилиятига тўтридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шу боис хам курилиш ташкилотларида буюртмачилар билан бўладиган хисоб-китоблар устидан доимий назоратни олиб бориш, уларни ўз вактида амалга ошишини таъминлаш мухим ахамият касб этади.

Курилиш ташкилотлари бажариладиган ва хакикатда бажарилган ишлар бўйича ўз буюртмачилари билан учта турдаги хисоб-китобларни олиб боришлари мумкин. Булар:

(1) бўнак сифатида олинган пул маблағлари бўйича хисоб-китоблар,

(2) курилиш ишлари учун олинган материаллар бўйича хисоб-китоблар;

(3) бажарилган ишлар учун якуний хисоб-китоблар.

Курилиш ишларининг бошланиши олдидан буюртмачилар шартномада белгиланган шартларга кўра курилиш ишлари лойиха-смета кийматининг камида 15 фоиз миқдорини пудратчи ташкилот счётига олдиндан тўлов, яъни бўнак сифатида ўтказиб беришлари лозим. Курилиш ташкилотларида буюртмачилар билан олинган бўнаклар бўйича хисоб-китоблар 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётида хисобга олинади. Курилиш ташкилоти счётига буюртмачилардан келиб тушган бўнак суммаси бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»

Олинган бўнаклар буюртмачилар томонидан хакикатда бажарилган ишлар учун якуний хисоб-китоблар қилинишида камайтиришга олиб борилади. Ушбу камайтириш бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»

Кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Курилиш ишларини бажариш буюртмачиларнинг материаллари асосида амалга оширилиши мумкин. Республикамизнинг солиқ конунчилиги хужжатларига кўра буюртмачиларнинг пудратчиларга курилиш ишлари учун берган материаллари буюртмачилар учун бошка активларни сотиш сифатида (Дебет 4010 Кредит 9220, 6410), пудратчи ташкилотлар учун эса сотиб олиш операцияси сифатида (Дебет 1050, 4410 Кредит 6010) тан олинади. Бундай холатларда курилиш ташкилотларида буюртмачилардан олинган материаллар учун кредиторлик карзларини бажарган ишлари учун вужудга келган дебиторлик карзлари билан коплашлари таъкикланади. Ушбу мазмундаги бартер операцияларига факатгина янкирозга учраган холларда суд карори

асосида ўзаро қарзларни коплаш максадида рухсат этилиши мумкин. Суд карорига асосан пудратчилар ва буюртмачилар ўртасидаги ўзаро копланган карзлар суммаси бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Курилиш ташкилотларининг буюртмачилар билан хисоб-китоб-ларининг аналитик хисобига доир маълумотлар турли регистрларда ўз аксини топади. Чунончи, буюртмачилар билан якуний хисоб-китоблар тўгрисидаги барча тахлилий маълумотлар 5-с ва 16-с кайдномаларида, олинган бўнаклар 8-с журнал-ордер ва 2-кайдномада, олинган материаллар бўйича хисоб-китоблар 6-с журнал-ордер ва 10-с кайдномада келтирилади.

6.3. Курилиш ишларини бажаришда бош пудратчи ва субпудратчилар ўртасидаги хисоб-китобларнинг хисоби

Курилиш ишлари икки томонламали хамда кўп томонламали (уч ва ундан кўп томонлар иштирокидаги) шартномалар асосида амалга оширилиши мумкин. Икки томонламали шартномада, одатда, пудратчи ва буюртмачи иштирок этади. Кўп томонламали шартномаларда эса бош пудратчи, субпудратчилар ва буюртмачи иштирок этади.

Иккинчи турдаги шартнома шартларига кўра пудратчи курилиш ишларининг алохида таркибий кисмларини субпудратчиларни жалб килиш йўли билан бажариш хукукига эга бўлиши мумкин. Бу холда субпудратчини жалб этган пудратчи ташкилот бош пудратчи хисобланади. Бош пудратчи курилиш ишлари учун буюртмачи олдида яхлит тарзда масъул ва жавобгар хисобланади. Буюртмачи шартнома шартига кўра ўз талабларини факат бош пудратчига кўяди. Бош пудратчи, ўз навбатида, тузилган субпудрат шартномаларига кўра талабларини субпудратчилар олдига кўяди. Алохида ишларни бажариш бўйича субпудратчилар буюртмачининг ўзи томонидан танланган холларда, одатда, бош пудратчи субпудратчилар томонидан бажарилган ишлар учун буюртмачи олдида жавобгар хисобланмайди.

Кўп томонламали шартномаларда мос равишда бош пудратчи ва субпудратчиларнинг буюртмачи билан хисоб-китоблари хам турлича белгиланиши хамда амалга оширилиши мумкин. Жумладан, буюртмачи бош пудратчи ва субпудратчилар билан хисоб-китобларни алохида-алохида амалга ошириши ёки субпудратчилар билан бўладиган барча хисоб-китоблар факат бош пудратчи оркали бажарилиши мумкин.

Бош пудратчининг субпудратчилар билан хисоб-китоблари уларнинг яхлит бир тизимга кириш ёки кирмаслигига хам боғлик. Яхлит бир тизимни ташкил этувчи бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотлар ўртасида бажариб берилган ишлар бўйича ўзаро хисоб-китоблар бош пудратчида 6100 «Ажратилган бўлинмалар, шўба ва карам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» тизимида очиладиган алохида счётларда хисобга олинади. Бир тизимни ташкил этмайдиган бош пудратчи хамда субпудратчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро хисоб-китобларнинг хисоби бош пудратчи ташкилотда 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётида олиб борилади.

Бош пудратчи субпудратчи ташкилот томонидан бажарилган ишларни «Бажарилган ишларни кабул килиш тўгрисида далолатнома» (КС-2 шакл) ва «Бажарилган иш киймати ва харажатлар тўгрисида маълумотнома» (КС- 3 шакл) асосида кабул килиб олади. Ушбу хужжатлар асосида субпудратчи ташкилот томонидан бажарилган ишлар бош пудратчида куйидаги ёзувлар билан тугалланмаган курилиш таннархига киритилади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чикариш»

Кредит 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»,
6100 «Ажратилган бўлинмалар, шўба ва карам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар»

Субпудратчига бажарилган иш учун тўловнинг ўтказиб берилиши бош пудратчида куйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»,
6100 «Ажратилган бўлинмалар, шўба ва карам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар»

Кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Бош пудратчида субпудратчилар билан ўзаро хисоб-китобларнинг аналитик китоби 6-с журнал-ордерда уларнинг хар бири бўйича алохида юритилади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Курилиш ишларидан олинган даромад – бу курилиш ташкилоти томонидан бажарилган ва буюртмачиларга топширилган курилиш ишларининг гувохлик берувчи тегишли хужжатлар билан тасдикланган киймати (ККСсиз).

«Бажарилган ишлар (килинган харажатлар) кийматн тўгрисида маълумотнома – счёт-фактура» – бу курилиш ташкилотларида курилиш ишларини бажаришдан олинган даромадларни тасдикловчи асосий хужжат.

Тўлиқ тугалланиш усули – бу бажарилган ишлардан олинган даромадни қурилиш ишлари тўлиқ якунланган ва буюртмачига топширилгандан сўнг «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида тан олиш усули.

Тугалланиш фоизи усули – бу бажарилган ишлардан олинган даромадни унинг жами смета бўйича келишув қийматини (ККС сиз) тугалланиш фоизига кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали топиш усули.

Босқичли усул – бу қурилиш объектининг таркибий қисмларини босқичма- босқич топширишдан олинган даромадни қурилиш лойиҳаси ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларида унинг алоҳида олинган таркибий қисмларининг шартнома қиймати ҳамда смета таннархи асосида топиш усули.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1.Қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишларидан олинган даромадлар киради:

а) асосий фаолиятдан олинган даромадларга;

б) асосий фаолиятдан олинган қўшимча даромадларга;

в) молиявий фаолиятдан олинган даромадларга;

г) инвестиция фаолиятидан олинган даромадларга.

2.Қурилиш ташкилотларида бажарилган қурилиш ишларидан даромадлар ҳисоби:

а) 9010 счётда юритилади;

б) 9020 счётда юритилади;

в) 9030 счётда юритилади;

г) 9910 счётда юритилади.

3.Қурилиш ташкилотларида қурилиш ишлари бўйича даромадлар ҳисоби:

а) касса методига асосланиб юритилади;

б) ҳисоблаш тамойилига асосланиб юритилади;

в) таққослама баҳоларда юритилади;

г) режа баҳоларда юритилади.

4.Қурилиш ишларидан олинган даромадлар ҳисобини юритишга асос бўлади:

а) КС-8 шаклли далолатнома;

б) КС- 2 шаклли далолатнома ва КС-3 шаклли маълумотнома;

в) КС-6 шаклли журнал;

г) 10-с журнал-ордер.

5.Қурилиш ишларидан олинган даромадларни тан олиш усулларига кирмайди:

а) яхлит тугалланиш усули;

б) тугалланиш фоизи усули;

в) босқичли усул;

г) индекс усули.

6. Қурилиш ташкилотларида қурилиш ишларидан олинган даромад суммасига:

а) ҚҚС суммаси киради;

б) ҚҚС суммаси кирмайди;

в) мол-мулк солиғи суммаси киради;

г) акцит солиғи суммаси киритилади.

7. Субпудрат ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар қиймати бош пудратчи ташкилот учун:

а) даромад ҳисобланади;

б) таннархга киритиладиган харажат бўлиб ҳисобланади;

в) давр харажати ҳисобланади;

г) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажати ҳисобланади.

8. Қуйидаги ёзувларнинг қанси бири бош пудратчи ва субпудратчи ташкилот ўртасидаги бартер операцияси ни бергалигини ифодалайди?

а) Дебет 9220 Кредит 1050;

б) Дебет 1050 Кредит 4010;

в) Дебет 6010 Кредит 4010;

г) Дебет 1050 Кредит 1050.

7-БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР, СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ ҲИСОБИ

7.1. Қурилиш ташкилотларида якуний молиявий натижаларнинг ҳисоби

Қурилиш ташкилотларининг якуний молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб улар олган фойда (ёки зарар) ҳисобланади. Бу кўрсаткичларнинг шаклланиши ва ҳисобга олиниши республикамизда «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида низом», шунингдек, 1, 2, 3 ва 21- сонли БҲМСлар билан тартибга солинган.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ қурилиш ташкилотлари фаолиятининг якуний молиявий натижаларини ифодаловчи фойда (зарар)лар қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади.

1. СОТИШДАН ФОЙДА (Фс) ЁКИ ЗАРАР (Зс). Бу кўрсаткич қуйидагича топилади:

$$Фс\ (Зс) = Ст - Тс$$

бу ерда **Ст** – соф тушум, **Тс** – сотиш таннархи.

Қурилиш ташкилотларининг соф тушуми улар томонидан бажарилган қурилиш ишларидан олинган даромадлардан, шунингдек, ўзлари ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлардан иборат бўлади. Бажарилган қурилиш ишларидан олинган даромадлар ҳисобини юритиш тартиби олдинги бобда батафсил ёритилган эди. Қуйида қурилиш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар ҳисобини юритиш тартибига қисқача тўхталамиз.

Қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотлар деганда махсус сотиш учун ишлаб чиқарилган турли хилдаги конструкциялар, мосламалар, деталлар, қурилиш материалларидан ясалган плиталар, цементли ғишт-блоклар, эшик, дереза ва шу каби тулик тайёр ҳолга келтирилган бошқа буюмлар тушунилади. Ушбу тайёр маҳсулотлар субпудратчиларнинг ва бошқа ташкилотларнинг буюртмалари асосида, шунингдек, аҳоли учун эркин сотувга чиқариш мақсадларида ишлаб чиқарилади.

Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш қурилиш ташкилотларининг махсус цехлари ёки ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга доир харажатларнинг ҳисоби 2000 «Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар» ёки 2300 «Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи

счётлар» тизимида очиладиган алохида счётларда олиб борилади. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар қурилиш ташкилотининг ҳисоб сиёсатида белгиланган ҳисоб баҳосида 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётида ҳисобга олинади. Ҳисоб баҳоси бўлиб тайёр маҳсулотларнинг якка ўзини идентификаднялаш (*еки буюртмали*) усулда аниқланган режа (норматив) таннархи ёки ҳақиқий таннархи ҳисобланади.

Ҳисобот ойида ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотларнинг омборларга ҳисоб баҳоларида кирим қилинишига *бухгалтерияда* қуйидагича ёзув *қилинади*:

Дебет 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»

Кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ёки

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

Ой охирида ишлаб чиқариш *харажатларининг* ҳақиқий суммаси *аниқланганидан* сўнг тайёр маҳсулотларнинг турлари бўйича уларнинг бир бирлигига тўғри келадиган ҳақиқий таннархи калькуляция қилиш йўли билан топилади. Омборларга қабул қилинган тайёр маҳсулотларнинг ҳисоб баҳоларидаги қиймати ва уларнинг ҳақиқий таннархи бўйича қиймати ўртасидаги фарқ суммасига юқоридаги бухгалтерия ёзуви қўшимча тарзда (агар уларнинг ҳисоб баҳосидаги қиймат ҳақиқий таннархдан паст бўлган бўлса) ёки қизил ёзув (сторно) усулида (агар уларнинг ҳисоб баҳосидаги қиймат ҳақиқий таннархдан юқори бўлган бўлса) берилади.

Тайёр маҳсулотлар субпудратчи ва бошқа ташкилотларга шартномаларда кўрсатилган сотиш баҳоларида жўнатилади. Сотилган тайёр маҳсулотларга счёт-фактура асосида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари берилади.

(1)сотиш баҳосидаги қийматига (ҚҚСсиз):

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»

(2)ҚҚС суммасига:

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»

Тайёр маҳсулотларнинг аҳолига нақд пулга сотилишига кирим касса ордери асосида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари берилади:

(1)сотиш баҳосидаги қийматига (ҚҚСсиз):

Дебет 5010 «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари»

Кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»

(2) ҚҚС суммасига:

Дебет 5010 «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар»

Нақд ва нақдсиз пулга сотилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобдан чиқарилишига қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»

Кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»

Сотилган тайёр маҳсулотлар бўйича харидорлар билан ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби 5-с кайдномада уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида юритилади.

2.АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ФОЙДА (Фаф) ёки ЗАРАР (Заф). Ушбу кўрсаткич қуйидагича топилади:

Фаф (Заф) = Фс (Зс) –Дх + Бод

бу ерда **Дх** – давр харажатлари; **Бод** – асосий фаолиятдан олинган бошқа операцион даромадлар.

Қурилиш ташкилотларининг давр харажатлари деганда улар томонидан бажарилган қурилиш ишлари, ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларни сотиш, маъмурий-бошқариш ва бошқа операцион фаолиятга доир харажатлар тушунилади. Ушбу харажатлар маълум ҳисобот даврида юз беради, шунинг учун улар ҳисобот даври харажатлари деб ҳам аталади.

21-сон БҲМСга мувофиқ қурилиш ташкилотларида давр харажатларининг ҳисоби 9410 «Сотиш харажатлари», 9420 «Маъмурий-бошқарув харажатлари» ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётларида олиб борилади. Ушбу счётларда акс эттириладиган харажатларнинг таркибий элементлари «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида низом»да келтирилган. Чунончи, қурилиш ташкилотларида сотиш харажатларининг асосий моддаларига реклама харажатлари, маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш билан боғлиқ сафар харажатлари, иш ва хизматларни сотишга оид ходимларга ҳисобланган иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, тайёр маҳсулотларни сотишга тегишли асосий воситаларнинг эскириши (амортизацияси) суммаси, транспорт харажатлари ва бошкалар киради. Сотиш харажатлари 9410 «Сотиш харажатлари» счётининг дебетида ва бу харажатларнинг аниқ турини ифодаловчи бошқа счётларнинг (масалан, 1000, 5010, 5110, 6710, 6520, 6990 ва шу кабилар) кредитида акс эттирилади.

Маъмурий-бошқарув харажатларига қурилиш ташкилотининг бошқарув аппарати ходимларига ҳисобланган иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, амортизация харажатлари, сафар харажатлари, телефон алоқаси ва бошқа шу каби бошқарув билан боғлиқ харажатлар киради. Маъмурий-бошқарув харажатлари 9420 «Маъмурий-бошқарув харажатлари» счётининг дебетида ва аниқ харажатларни ифодаловчи

бошқа счётларнинг (0200, 0500, 1000, 5010, 5110, 6710, 6520, 6990) кредитида акс эттирилади.

9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида йил мобайнида қурилиш ташкилотларининг умумхўжалик фаолиятига доир давр харажатлари (моддий ёрдам, компенсациялар, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув солиғи, Республика Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармаси ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар, мулкни сотишдан ва беришдан кўрилган зарарлар ва бошқа шу каби операцион харажатлар) акс эттирилади. Бунда операцион харажатларнинг аниқ моддаларини ифодаловчи бошқа счётлар (1000, 5010, 5110, 6400, 6710, 6520, 6990, 9210, 9220) кредитланади.

Қурилиш ташкилотларининг асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларига уларнинг асосий-воситалари, номоддий активлари, материалларини сотишдан фойда, ундирилган жарималар, ёпилган кечилган кредиторлик қарзлари, қисқа муддатли ижарадан даромадлар, бегараз қайтарилмайдиган молиявий ёрдам, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари, инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар, ўтган йилларнинг фойдаси кабилар киради.

21-сон БҲМСга мувофиқ қурилиш ташкилотлари асосий фаолиятидан олинган қўшимча даромадлар 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимида очиладиган алоҳида счётларда ҳисобга олинади. Чунончи:

• **9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»** счётининг кредитида ўз асосий воситаларини сотишдан ва бошқа чиқимларидан олинган фойда суммаси акс эттирилади. Бунда 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти дебетланади.

• **9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»** счётининг кредитида материаллар, хўжалик инвентарлари ва номоддий активларни сотишдан ҳамда бошқа чиқимларидан олинган фойда суммаси акс эттирилади. Бунда 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти дебетланади.

• **9330 «Ундирилган жарималар, пеня ва устамалар»** счётининг кредитида турли хўжалик шартномалари шартларининг бузилиши натижасида, шунингдек, кўрсатилган зарарларнинг қопланиши эвазига олинган даромад (фойда) суммаси акс эттирилади. Бунда мос равишда жаримани келиб тушганлиги, ушланганлиги ёки ҳисобланганлигини акс эттирувчи счётлар, масалан, 5010 «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 6710 «Меҳнат ҳаки бўйича ходим билан ҳисобланишлар», 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» дебетланади.

• 9340 «Ўтган йиллар фойдаси» счётининг кредитида хисобот йилда аниқланган ўтган йилларнинг фойдаси акс эттирилади. Бундай фойда бўлиб, масалан, муддатидан олдин хисобдан чиқариб юборилган дебиторлик қарзларнинг тикланган ёки келиб тушган суммаси, ортиқча хисоблаб юборилган харажатларни камайтирилиши ва бошқалар хисобланади. Бунда мос равишда ўтган йиллар фойдасини тикланганлигини кўрсатувчи счётлар, масалан, 5010 «Кассадаги миллий валютадги пул маблағлари», 5110 «Хисоб-китоб счёти», 4000 «Олинадиган счётлар» дебетланади.

• 9350 «Қиска муддатли ижарадан даромадлар» счётининг кредитида қиска муддатли ижарадан олинган даромад суммаси 4820 «Қиска муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти билан корреспонденциялашган холда акс эттирилади.

• 9360 «Кредитор ва депонент қарзларни хисобдан чиқаришдан даромадлар» счётининг кредитида муддатида (3 йилдан ошиқ муддатда) ундириб олинмаган қарзларни қурилиш ташкилоти фойдасига ўтказишдан олинган даромадлар мос равишда кредиторлик қарзларни акс эттирувчи счётлар (6010, 6110, 6710, 6720, 6900 ва бошқалар) билан корреспонденциялашган холда акс эттирилади.

• 9370 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари» счётининг кредитида асосий фаолиятга хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан (соғлиқни сақлаш бўлинмаси, сартороишхона, кутубхона, болалар боғчаси, сауна, санаторийлар, ошхона, мехмонхона, спорт комплекслари ва бошқалар) олинган даромадлар акс эттирилади. Бунда олинган ёки хисобланган даромадларни акс эттирувчи счётлар, масалан, 5010 «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Хисоб-китоб счёти», 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счётлари дебетланади.

• 9380 «Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам» счётининг кредитида турли юридик ва жисмоний шахслардан қайтариб бермаслик шарти билан олинган молиявий ёрдам суммалари акс эттирилади. Бунда олинган ёрдамнинг турини акс эттирувчи счётлар, масалан, 5010 «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Хисоб-китоб счёти», 5210 «Валюта счёти» ва бошқа счётлар дебетланади.

• 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счётининг кредитида юқорида келтирилган счётларга олиб борилмаган бошқа операцион даромадлар, масалан, инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар, турли қоплама суммалар ва бошқалар акс эттирилади. Бунда мос равишда ТМЗ ва пул маблағларини акс эттирувчи счётлар (0100, 1000, 2800, 2900, 5000 ва бошқалар) дебетланади.

Қурилиш ташкилотларида асосий фаолиятдан олинган қўшимча даромадларнинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари ва бошқа бошқарув учун зарур сегментлари бўйича 11-с журнал-ордерда олиб борилади.

3.УМУМХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДАН ФОЙДА (Фух) ЁКИ ЗАРАР (Зух). Ушбу кўрсаткич қуйидагича топилади:

Фух (Зух) = Фаф (Заф) + Фмф – Змф

бу ерда **Фмф** – молиявий фаолиятдан олинган фойда;

Змф – молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар.

21-сон БҲМСга мувофиқ қурилиш ташкилотлари молиявий фаолиятидан олинган даромадлар 9500 «Молиявий фаолиятдан даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимида очиладиган алоҳида счётларда ҳисобга олинади. Бу счётларнинг кредитида молиявий фаолиятга доир даромадлар, яъни роялти, дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар, валюталар курслари фаркидан даромадлар, узоқ муддатли ижарадан даромадлар ва қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар ҳисоблаш тамойилига мувофиқ акс эттирилади.

Роялти кўринишидаги даромадлар деганда қурилиш ташкилотларининг номоддий активларини, масалан, қурилиш бўйича лойиҳалар, меъёр ва тартиблар (стандартлар тўплами), лицензиялар ва бошқаларни ижарага беришдан ва ҳамкорликда фойдаланишдан олинган даромадлар тушунилади. Ушбу даромадларни ҳисобланиши 4850 "Олинадиган роялти" счётининг дебетида ва 9510 "Роялти кўринишидаги даромадлар" счётининг кредитида акс эттирилади.

Дивидендлар – бу қурилиш ташкилотининг бошқа акциядорлик жамиятлари акцияларига киритилган, шунингдек, бошқа корхоналар устав капиталига таъсис бадали сифатида киритилган молиявий инвестициялари учун ҳисобланган даромад. Ушбу даромадни ҳисоблашга асос бўлиб ўзга акциядорлик жамиятларининг қурилиш ташкилотига дивиденд ҳисобланганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси ҳисобланади. Ушбу хабарномада жами ҳисобланган дивиденд суммаси, ундан ушланган дивиденд солиғи суммаси ва тўланадиган дивиденд суммаси акс эттирилади. Агар хабарномада дивиденд солиғини ушланмаганлиги уктирилган бўлса, у ҳолда ушбу солиқни дивиденд олган қурилиш ташкилоти тўлаши лозим. Ҳисобланган дидивенд кўринишидаги даромадлар 4840 " Олинадиган дивидендлар" счётининг дебетида ва 9520 "Дивиденд кўринишидаги даромадлар" счётининг кредитида акс эттирилади.

Фоизлар кўринишидаги даромадлар деганда қурилиш ташкилотининг бошқа юридик шахсларга берган қарзлари ва кредитлари учун ҳисобланган фоизлар тушунилади. Ушбу фоизлар суммаси тузилган шартномалар асосида ҳисобланади. Фоиз кўринишида ҳисобланган даромадлар 4830 "Олинадиган фоизлар" счётининг

дебетида ва 9530 "Фоизлар кўринишидаги даромадлар" счётининг кредитида акс эттирилади.

Валюталар курслари фаркидан даромадлар деганда курилиш ташкилотининг валюта счётида сакланаётган чет валютаси ва чет эл валютасидаги дебиторлик карзлар бўйича хисобланган ижобий курслар фарки тушунилади. Ушбу даромад хар ойнинг охирида 5210 "Мамлакат ичидаги валюта счётлари", 5220 "Чет элдаги валюта счётлари", 4000 "Олинадиган счётлар", 4300 "Таъминотчи ва пудратчиларга берилган бўнакларни хисобга олувчи счётлар" ва бошка чет эл валютасида хисоби юритилган дебиторлик карзлар счётлари бўйича Узбекистон Республикаси Марказий банки эълон килган курслар асосида хисобланади. Хисобланган ижобий курслар фарки юкорида келтирилган счётларнинг дебетида ва 9540 "Валюталар курслари фаркидан даромадлар" счётининг кредитида акс эттирилади.

Узок муддатли ижарадан даромадлар деганда мулкни бир йилдан кўп муддатга ижарага беришдан олинган даромадлар тушунилади. Ушбу даромаднинг суммаси тузилган лизинг (ижара) шартномаси асосида хисобланади. Хисобланган даромад суммаси 4830 "Олинадиган фоизлар", 6230 "Бошка муддати узайтирилган даромадлар" счётларининг дебетида ва 9550 "Узок муддатли ижарадан даромадлар" счётининг кредитида акс эттирилади.

Кимматли когозларни кайта бахолашдан даромадлар деганда узок ва киска муддатли инвестициялар кимматини ошириш натижасида вужудга келган даромадлар тушунилади. Бундай даромадлар кайта баҳолаш далолатномалари асосида хисобланади. Хисобланган даромад суммаси 0600 "Узок муддатли инвестицияларни хисобга олувчи счётлар", 5800 "Киска муддатли инвестицияларни хисобга олувчи счётлар"нинг дебетида ва 9560 "Кимматли когозларни кайта баҳолашдан даромадлар" счётининг кредитида акс эттирилади.

Курилиш ташкилотларида молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг аналитик хисоби уларнинг турлари ва бошка бошкарув учун зарур сегментлари бўйича 11-с журнал-ордерда олиб борилади.

21-сон БХМСга мувофик курилиш ташкилотларида молиявий фаолиятга доир харажатларнинг хисоби куйидаги счётларда олиб борилади:

• **9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар»** – ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида ва 6920. Хисобланган фоизлар» счётининг кредитида йил мабойнида олинган карзлар ва кредитларга доир хисобланган харажатлар акс эттирилади.

• **9620 «Валюталар курслари фаркидан зарарлар»** – ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида баланснинг валюта моддаларини ифодаловчи счётларга доир операциялар бўйича

курслар ўртасидаги салбий фарқдан кўрилган зарарлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу зарарларни ифодаловчи счётларнинг (4010, 4310, 5020, 5210, 5220, 6010, 6310 ва бошқа счётлар) кредитида акс эттирилади.

•9630 **"Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар"** – ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мобойнида қурилиш ташкилоти томонидан акция ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бошқа счётларнинг (масалан, 1000, 5110, 5010, 6710, 6520, 6990) кредитида акс эттирилади.

•9690 **"Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар"** – ушбу актив, вақтинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мобойнида қурилиш ташкилотининг молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлари, масалан, молиявий инвестицияларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар ва бошқа харажатлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бошқа счётларнинг (0600, 5800, 6990) кредитида акс эттирилади.

4. СОЛИҚҚАЧА ФОЙДА (Фст) ЁКИ ЗАРАР (Зст). Бу кўрсаткич қуйидагича топилади:

$$Фст\ (Зст) = Фух\ (Зух) + Фф - Фз$$

бу ерда **Фд** – фавқулоддаги фойда; **Фз** – фавқулоддаги зарарлар.

21-сон БҲМСга мувофиқ қурилиш ташкилотларида фавқулоддаги даромадларнинг ҳисоби 9710 "Фавқулоддаги фойда" счётининг кредитида, фавқулоддаги зарарларнинг ҳисоби 9720 "Фавқулоддаги зарарлар" счётининг дебетида ҳисобга олинади. Фавқулодда олинган ёки ҳисобланган фойданинг турларини кўрсатувчи счётлар, масалан, 0100, 0400, 0700, 1000, 2800, 2900 ва бошқа счётлар дебетланади. Фавқулоддаги ҳодисалардан кўрилган зарарларнинг аниқ моддаларини кўрсатувчи счётлар, масалан, 0100, 0400, 0700, 1000, 2900 ва бошқа счётлар кредитланади.

5. СОФ ФОЙДА (СФ) ЁКИ СОФ ҚОПЛАНМАГАН ЗАРАРЛАР (Сз).

$$Сф\ (Сз) = Фст\ (Зст) - Фс - Аж$$

бу ерда Ф – юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ёки ягона солиқ тўлови);

Аж – фойдадан бошқа ажратмалар.

21-сон БҲМСга мувофиқ қурилиш ташкилотларида ҳисобот йилнинг фойдаси (зарари)ни топиш барча даромад ва харажатларни 9900 «Якуний молиявий натижа»" счётида акс эттириш ва ушбу счётнинг дебет ва кредит оборотлари суммасини таққослаш йўли билан

амалга оширилади. Жумладан, даромадларни акс эттирувчи барча счётлар (9010-9030, 9310-9390, 9510-9590, 9710)нинг кредитида гўпланган сумма йил охирида 9900 «Якуний молиявий натижа» счётнинг кредитига, харажатларни акс эттирувчи барча счётлар (9110-9130, 9410-9440, 9610-9690, 9720)нинг, шунингдек, фойданнинг ишлатилишини акс эттирувчи счётлар (9810-9820)нинг дебетида гўпланган сумма йил охирида 9900 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебетига ўтказилади, яъни:

Дебет 9010-9030, 9310-9390, 9510-9590, 9710 **Кредит** 9900

Дебет 9900 **Кредит** 9110-9130, 9410-9440, 9610-9690, 9720, 9800

Қурилиш ташкилотларининг хисобот йилида эришган соф фойдаси нил якуни билан хисобот йилнинг таксимламаган фойдасини акс эттирувчи счётга қуйидагича ўтказилади:

Дебет 9910 «Якуний молиявий натижа»

Кредит 8710 «Хисобот даврининг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)».

Қурилиш ташкилотларининг хисобот йилида кўрган зарари йил якуни билан бухгалтерия хисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 8710 «Хисобот даврининг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)».

Кредит 9910 «Якуний молиявий натижа»

Қурилиш ташкилотларида якуний молиявий натижаларнинг аналитик хисоби 15-с журнал-ордерда олиб борилади.

7.2. Қурилиш ташкилотларини солиққа тортишнинг хусусиятлари ва уларнинг хисоби[1]

Республикамизнинг солик конунчилиги хужжатларига кўра қурилиш ташкилотлари ташкилий-хуқуқий макомига кўра умумдавлат соликларини ёки ихчамлаштирилган ягона солик тўловини тўловчилари бўлиб хисобланадилар. Ихчамлаштирилган ягона солик режимида фаолият кўрсатиши учун, биринчи бобда таъкидланганидек, қурилиш ташкилотлари кичик бизнес субъектларига киритиш мезонлари хамда соф тушум миқдори бўйича белгиланган талабларга мос келиши лозим. Кичик бизнес субъектларига кирувчи қурилиш ташкилотлари умумдавлат соликларини тўловчилари сифатида хам фаолият кўрсатиш хуқуқига эгадирлар.

Қурилиш ташкилотлари тўлайдиган умумдавлат соликларини бухгалтерия хисоби объекти сифатида турлича таснифлаш мумкин (7.1-жадвал).

---

[1] Ушбу параграфни ёзишда Д.Д. Пардаходжаева иштирок этди.

7.1-жадвал

Қурилиш ташкилоти тулаидиган солиқларнинг тавсифи

т/р	Солиқнинг номи	Бюджет тури	Бевосита / билвосита лиги	Тўғри/ эгри солиқлиги	Олиб бориладиган счётларининг тури
1	ҚҚС	республика	билвосита	эгри	Олинадиган счётларни ҳисобга олувчи счётлар
2	Фойда солиги	республика	Бевосита	тўғри	Даромаднинг ишлатили-шини ҳисобга олувчи счётлари
3	Мол-мулк солиги	маҳаллий	Бевосита	тўғри	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар
4	Ер солиги	маҳаллий	Бевосита	тўғри	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар
5	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	маҳаллий	Бевосита	тўғри	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар
6	Сув солиги	республика	Бевосита	тўғри	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар
7	Дивиденд солиги	республика	Билвосита	эгри	Дивиденд бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар
8	Ходимлар даромадидан солиқ	республика	Билвосита	эгри	Иш ҳақ бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қурилиш ташкилотлари тулайдиган солиқлар бевосита ва билвосита ёки, мос равишда, тўғри ва эгри солиқларга, республика бюджетига ва маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқларга, олинадиган счётлар, харажатлар, даромадларни ишлатилиши ҳамда ходимлар ва таъсисчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётларга олиб бориладиган солиқларга бўлинади.

Бевоситалар солиқлар ёки тўғри солиқлар деганда қурилиш ташкилотларининг молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатадиган солиқлар тушунилади. Ушбу солиқлар харажатларни кўпайтириш ёки олинган даромаднинг бир қисмини ундириш ҳисобидан пировард натижада эришиладиган соф фойда

суммасини камайтиришга олиб келадиган солиқлар ҳисобланади. Дивиденд солиқ сиёсати негизида бу солиқ турлари юкини доимий камайтириб бориш, уларнинг рағбатлантириш ролини оширишга ётади.

Билвосита солиқлар ёки эгри солиқлар деганда қурилиш ташкилотларининг молиявий хўжалик фаолияти курсаткичларига бевосита таъсир курсатмайдиган солиқлар тушунилади. Ушбу солиқлар сотилган махсулот, товар, иш ва хизматлар бахоси устига бюджет фойдаси учун қўйиладиган устамалардир. Дивиденд ва ходимлар даромадларидан ундириладиган солиқларнинг эгри солиқлар гурухига киришига сабаб шундаки, улар қурилиш ташкилотлари харажатларини кўпайтириш ёки олинган соф фойдани камайтиришга олиб келмайди. Қурилиш ташкилотлари дивиденд ва ходимлар даромадидан солиқларни бюджетга ўтказиб беришда беғараз хизмат кўрсатувчилар бўлиб ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларида бевосита ва билвосита солиқларни ҳисоб-китоб қилиш, уларни бюджетга ўтказиб бериш республикамиз Солиқ кодексида белгиланган умумий тартибларга асосан амалга оширилади. Шу билан бирга қурилиш ишларининг узоқ муддатларда олиб борилиши, уларни бош пудратчи ва субпудратчилар томонидан ўз кучлари билан ҳамда хамкорликда бажарилиши, даромаднинг боскичма-боскич ёки ёпласига топшириш усулларидан бири бўйича тан олиниши, шунингдек бошка жихатлар айрим солиқларнинг хисоб-китоб килинишида ўзига хос хусусиятлар борлигидан дарак беради.

ҚҚС ҳисоб-китоби ва ҳисоби

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли карорига мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб қурилиш ташкилотлари солиқ даври давомида олган ялпи тушуми миқдорига кўра ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган ёки умумбелгиланган тартибини танлаш ҳуқуқига эга. Чунончи, солиқ даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ортиқ, бироқ уч миллиард сўмдан ошмайдиган қурилиш ташкилотлари, 2019 йилнинг 1 январидан ягона солиқ тўлови ўрнига қўшилган қиймат солиғини соддалаштирилган ёки умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарувчилар ва тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибини қўллаётган ёки ушбу тартибга ўтган солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтишга ҳақли эмас.

Қушилган киймат солиғини хисоблаб чикариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш учун солик тўловчилар солик бўйича хисобга олиш жойидаги давлат солик хизмати органига қўшилган киймат солиғини хисоблаб чикариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш тўғрисида ёзма хабарномани қуйидаги муддатларда такдим этади:

*ўтган йил якунлари бўйича ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошмаган юридик шахслар - жорий йилнинг 1 февралидан кечиктирмасдан;

*солик даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган юридик шахслар - *ялпи тушуми* бир миллиард сўмдан ошган ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан;

*ихтиёрий равишда қўшилган киймат солиғини тўлаш истагини билдирган юридик шахслар - хисобот даври бошланишидан бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунга қадар.

Қўшилган киймат солиғини хисоблаб чикариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига юридик шахслар қуйидаги муддатларда ўтадилар:

*ўтган йил якунлари бўйича ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошмаган юридик шахслар - хисобот йилининг бошидан;

*солик даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган юридик шахслар - ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган ойдан кейинги ойнинг бошидан;

*ихтиёрий равишда қўшилган киймат солиғини тўлаш истагини билдирган юридик шахслар - хисобот даврининг бошидан, янги ташкил этилганлар эса, фаолиятини бошлаган кундан.

Қўшилган киймат солиғини хисоблаб чикариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибидан ихтиёрий равишда воз кечилганда солик тўловчилар қўшилган киймат солиғини хисоблаб чикариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига хисобга олиш жойидаги давлат солик хизмати органига қўшилган киймат солиғини хисоблаб чикариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига ўтиш тўғрисида ёзма хабарнома такдим этилган ойдан кейинги ойнинг бошидан ўтади.

Солик даври давомида ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошган, қўшилган киймат солиғини хисоблаб чикариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган солик тўловчилар, ялпи тушуми белгиланган меъёрий миқдордан ошган ойдан кейинги ойнинг бошидан қўшилган киймат солиғини хисоблаб чикариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига ўтади.

Қўшилган киймат солиғини хисоблаб чикариш ва тўлашнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тартибини қўлловчи курилиш

ташкилотларида ҚҚС бўйича солиқ солиш объекти бўлиб бажарилган ва буюртмачилар томонидан тасдиқланган хисоб-китоб ҳужжатларига киритилган ишларнинг шартномавий нархлардаги қиймати хисобланади.

Қурилиш ишлари пудратчи ёки субпудратчи ташкилотлар томонидан пудратчи (субпудратчи) ва буюртмачилар тақдим этган материаллар асосида бажарилганда, ушбу материалларнинг қиймати киритилган ҳолда бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади. Бунда қурилиш ишларига сарфланган моддий ресурслар бўйича тўланган ҚҚСнинг суммаси ишни бажарган пудратчи ташкилотларда бюджет олдидаги тўловларни камайтиришга олиб борилади.

Пудратчи ташкилотлар субпудратчи ташкилотларга моддий-техника ресурсларини (қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур материаллар, конструкциялар, буюмлар, намунавий асбоб-ускуналар, аппаратуралар, стандартлаштирилмаган технологик ва энергетик асбоб-ускуналар, шу жумладан махсус материалларни) бир объект қурилиши доирасида сотганида, уларга ҚҚСни киритмасдан, қўлланадиган нарх ва тарифлардан келиб чиккан ҳолда сотиладиган моддий-техника ресурсларининг қиймати солиқ солинадиган айланма хисобланади.

Марказлаштирилган манбалар (бюджет пул маблағлари, давлат бюджети таркибида консолидацияланадиган давлат мақсадли жамғармалари маблағлари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ташқари), хукумат карорлари билан белгиланадиган бошқа манбалар) ҳисобидан молияланадиган объектларни "илдиздан игнасигача" қуриш чоғида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича харажатлар объект фойдаланишга топширилишига қадар пудратчининг балансида қайд этилади ва пудратчида ҚҚС бўйича солиқ солинадиган айланмага киритилмайди.

Тугалланмаган қурилиш бўйича харажатлар пудратчида объектни лойиҳада назарда тутилган ишларнинг барча ҳажмини бажариш, шу жумладан махсус ва ишга тушириш-созлаш ишлари, объектни технологик ва муҳандислик ускуналари билан бутлаш бўйича фойдаланишга топшириш далолатномасига кўра ҚҚС бўйича солиқ солинадиган айланмага киритилиши керак. Бунда, пудратчида тугалланмаган қурилиш харажатлари бўйича камайтиришга олиб бориладиган ҚҚСнинг суммаси бўлиб, ушбу харажатларни солиқ солинадиган айланмага киритилиши чоғида счёт-фактуралар бўйича олинган солиқ суммаси ҳисобланади.

Пудратчи ташкилотларда бажарилган ва буюртмачиларга топширилган қурилиш ишларига тўғри келадиган ҚҚС суммаси белгиланган ставка бўйича (8 % - соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчилар

учун, 20 фоиз- умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчилар учун) иккита усулда қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

(1) - усул. Солиққа тортиладиган айланма ҚҚСсиз белгиланганда:

$$\text{Сккс} = \text{Сай} \times \text{С} / 100 \qquad (1)$$

бунда: **Сккс** - буюртмачилардан ундириладиган солиқ суммаси;

Сай - солиққа тортиладиган айланма;

С - қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

(2)-усул. Солиққа тортиладиган айланмада ҚҚС ҳам ҳисобга олинганда:

$$\text{Сккс} = \text{Тк} \times \text{С} / (\text{С} + 100) \qquad (2)$$

бунда: **Тк** - қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган қурилиш ишлари қиймати.

Мисол: *Бажарилган ва буюртмачига топширилган қурилиш ишининг қиймати соддалаштирилган тартибда ва умумбелгиланган тартибда ишловчи қурилиш ташкилотларининг ҳар бирида бажарилган ишлар тўғрисида маълумотнома-счёт-фактура бўйича ҚҚС билан биргаликда 324 млн. сўм, дейлик.*

Ушбу мисол бўйича сотишдан олинган ҚҚС суммаси (2)-формулага асосан топилади ва у:

*соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи қурилиш ташкилотида 24 млн. сўмни (324 * 8 % / 108 %) ташкил этади. Бу ҳолда бажарилган қурилиш ишининг ҚҚСсиз сотиш қиймати 300 млн. сўмдан (324 -24) иборат бўлади.

*умумбелгиланган тартибда ҚҚС тўловчи қурилиш ташкилотида 54 млн. сўмни (324 * 20 % / 120 %) ташкил этади. Бу ҳолда бажарилган қурилиш ишининг ҚҚСсиз сотиш қиймати 270 млн. сўмдан (324-54) иборат бўлади.

ҚҚС суммаси қурилиш ишининг ҚҚСсиз сотиш қийматидан (1)-формула бўйича ҳисобланганда ҳам юқоридаги кўрсаткичларга эришилади, яъни.

*соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи қурилиш ташкилотида сотишдан олинган ҚҚС суммаси 24 млн. сўмни (300 * 8 % / 100 %) ташкил этади.

*умумбелгиланган тартибда ҚҚС тўловчи қурилиш ташкилотида сотишдан олинган ҚҚС суммаси 54 млн. сўмни (270 * 20 % / 100 %) ташкил этади.

Соддалаштирилган тартибда ва умумбелгиланган тартибда ҚҚС тўловчи пудратчи ташкилотларда бажарилган қурилиш ишларига тўғри келадиган ҚҚС ставкаси ва суммаси «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура»да алоҳида устунларда кўрсатилади. ҚҚС суммаси буюртмачилардан

олинадиган счётларнинг жами суммасига киритилади. Ҳисобланган ҚҚС суммасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4010 «Олинадиган счётлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Умумбелгиланган тартибда ҚҚС тўловчи пудратчи ташкилотларда бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси бажарилган ишларга тўғри келувчи ҚҚС суммасидан таъминотчилар (субпудратчилар)га товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар ҳамда счёт-фактуралар асосида тўланган ҚҚС суммасини айириш йўли билан топилади. Бунда таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси камайтиришга олиб бориладиган ёки ҳисобга олинадиган ҚҚСни ташкил этади.

Мисол: *Соддалаштирилган тартибда ва умумбелгиланган тартибда ишловчи қурилиш ташкилотларининг ҳар бирида таъминотчиларга олинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган сумма 20 %лик ҚҚС билан биргаликда 240 млн. сўм, шундан 200 млн. сўми таъминотчилардан олинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақи, 40 млн. сўми таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси, дейлик.*

Солиқ кодексининг 226-3-моддаси бешинчи қисмига асосан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган солиқ тўловчилар солиқ солинадиган айланмалар бўйича қўшилган қиймат солиғини солиқ солинадиган база ва белгиланган табакалаштирилган ставкалардан келиб чиққан ҳолда тўланган қўшилган қиймат солиғини камайтиришни (ҳисобга олишни) қўлламасдан ҳисоблаб чиқаради. Юқоридаги шартли мисолларда келтирилган маълумотларга асосан мазкур тартибда ишлаётган қурилиш ташкилотида бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 24 млн. сўмни ташкил этади. Таъминотчиларга тўланган 40 млн. сўмлик ҚҚС сотиб олинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархига киритилади. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибини қўллаётган қурилиш ташкилотида бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 14 млн. сўмни ташкил этади (54-40).

Қўшилган қиймат солиғини тўловчида солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборотлар, шу жумладан қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотлар мавжуд бўлган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи Солиқ кодекснинг 221-моддасида назарда тутилган қуйидаги тартибларда ҳисобга олинади:

*ҳисобга олинадиган сумма қушилган қиймат солиғи тўловчнинг танловига биноан алоҳида-алоҳида ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланади;

*ҳисобга олинадиган қушилган киймат солиғи суммасини аниклашнинг танланган усули календарь йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас;

*мутаносиб усул қўлланилганда ҳисобга олинадиган қўшилган киймат солиғи суммаси солик солинадиган оборотнинг умумий оборот суммасидаги улушидан келиб чиқиб аникланади;

*алоҳида-алоҳида усул қўлланилганда қўшилган қиймат солиғи тўловчи солик солинадиган ва солик солинмайдиган оборот максадларида фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) юзасидан харажатлар хамда қўшилган қиймат солиғи суммалари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритади; бунда алоҳида-алоҳида ҳисобни юритиш имкони бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатларни тақсимлаш мутаносиб усулда амалга оширилади.

21-сон БҲМСга мувофик таъминотчилар (субпудратчилар)га товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар ва счёт-фактуралар асосида тўланган ҚҚС суммаси ҳисобот даври мобайнида 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счётининг дебетида тўпланади. Бунда 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6100 «Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва карам кўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», 6990 «Бошка мажбуриятлар» счётлари кредитланади.

Ҳисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 15 санасигача пудратчи ташкилотлар давлат солиқ органларига ҚҚС ҳисоб-китобини белгиланган шаклда такдим этишлари лозим. Ушбу ҳисоб-китоб асосида 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счётининг дебетида тўпланган сумма камайтиришга олиб борилади хамда унга қуйидаги бухгалтерия ёзуви киланади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Олдинги ҳисобот даври учун камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммасининг ҳисобот даври учун камайтиришга олиб борилган солик суммасидан ортиқ бўлган суммаси вужудга келган холларда кўрсатилган ортикча сумма ҳисобот давридан кейинги даврда камайтиришга олиб борилади. Камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси ҳисобланган ҚҚС суммасидан ортик бўлганида, унда бундай ортикча сумма (манфий сальдо) қурилиш ташкилотига унинг солиқлар ва йиғимлар бўйича карзи бўлмаган такдирда конунда белгиланган тартибда кайтарилади. Бунда ушбу ортикча сумма қурилиш

ташкилотининг шахсий счётида ортикча тўлов сифатида эмас, балки манфий сальдо сифатида хисобга олинади. Ортикча тўланган ҚҚС суммасининг курилиш ташкилотига кайтарилиши бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Кредит 4410 «Бюджетга соликлар ва йигимлар бўйича бўнак тўловлари»

Пудратчи ташкилотларни бюджетга ҚҚС бўйича карзларининг тўланишига куйидагича ёзув килинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Мол-мулк солиги хисоб-китоби ва хисоби

Ушбу соликни тўловчилар бўлиб умумбелгиланган соликларни тўловчи курилиш ташкилотлари хисобланади.

Мол-мулк солиги бўйича солик солиш объекти бўлиб куйидагилар хисобланади:

1) кўчмас мулк, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган кўчмас мулк (бухгалтерия хисобида, мос равишда, 0120 «Бино ва иншоатлар», 0310 «Ижара (лизинг) шартномаси бўйича бино ва иншоатлар» счётларида акс эттирилган кўчмас мулк объектлари);

2) тугалланмаган курилиш объектлари. Тугалланмаган курилиш объектлари жумласига ушбу курилиш объектига доир лойиха-смета хужжатларида белгиланган норматив муддатда курилиши тугалланмаган объектлар, агар курилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектларнинг курилишига ваколатли органнинг рухсати олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида курилиши тугалланмаган объектлар киради (бухгалтерия хисобида 0810 «Тугалланмаган курилиш» счётида акс эттирилган кўчмас мулк объектлари);

3) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар (бухгалтерия хисобида Дебет 0810 «Тугалланмаган курилиш» Кредит 0710 «Ўрнатилмаган жихозлар» ёзуви билан акс эттирилган асбоб-ускуналар);

Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж килиниши талаб этиладиган хамда реконструкция ва (ёки) модернизация килинаётган объектларда лойиха-смета хужжатларида белгиланган муддатларга мувофик капитал кўйилмалар хисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар киради. Лойиха-смета хужжатларида асбоб-ускуналарни ишга туширши муддатлари бўлмаган

тақдирда, буюртмачи сифатида иш кўраётган юридик шахснинг рахбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш объектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайтдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Қонун хужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ер участкалари солиқ солиш объекти сифатида каралмайди.

Мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинадиган база бўлиб қуйидагилар хисобланади:

*кўчмас мулк бўйича - ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг хисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган холда хисоблаб чиқилган амортизация хажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

*норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича - тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги хар бир ойнинг охирги кунидаги холатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Қурилиш ташкилотларининг мол-мулкига солинадиган солиқ хисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига (ўртача йиллик қийматига) камайтирилади:

1) коммунал хўжалиги объектларининг. Коммунал хўжалиги объектларига қуйидагилар киради: водопровод тармоқлари (сув чиқариш иншоотлари билан), канализация тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан), газ ва иссиқликни таксимлаш тармоқлари (улардаги иншоотлар билан), коммунал-маиший эҳтиёжлар учун қозонхоналар (шу жумладан, асбоб-ускуналар);

2) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот сохасига кирадиган ижтимоий-маданий соха объектларининг;

3) суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари объектларининг;

4) табиатни мухофаза қилиш ва санитария-тозалаш максадлари, ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларнинг. Объектларни табиатни мухофаза қилиш, санитария-тозалаш максадлари ва ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларга киритиш

тегишли экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ёки давлат ёнғин назорати органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади;

5) умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линияларининг, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг;

6) консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектларининг;

7) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларнинг.

Қуйидаги қурилиш ташкилотлари мол-мулкига солинадиган солиқдан озод қилинади:

1) янги ташкил этилган бўлса - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизида ташкил этилган қурилиш ташкилотларига, шунингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган қурилиш ташкилотларига нисбатан қўлланилмайди;

2) ихтиёрий тугатилаётган бўлса – қурилиш ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Юридик шахслар - давлат мулки объектларини сотиб олувчилар учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси давлат мулки объектларига тўғри келадиган солиқ суммасига камайтирилиб, бўшаган маблағлар хусусийлаштирилган объектларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уларни ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтирилади. Ушбу имтиёз олди-сотди шартномаси имзоланган пайтдан эътиборан 12 ой мобайнида қўлланилади.

Юқорида келтирилган имтиёзлар норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектларига, бўш турган биноларга, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга, шунингдек қайси фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари бўйича улардан самарасиз фойдаланилаётганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хулоса чиқарилган бўлса, ўша объектларга нисбатан қўлланилмайди.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси ҳар йили Республика Президентининг карори асосида белгиланади. Чунончи, 2019 йил учун ушбу солиқ ставкаси солиқ солинадиган базанинг 2 фоизи миқдорида белгиланган.

Норматив муддатларда белгиланмаган жиҳозлар ва норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектларига мол-мулк солиғи, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, икки карра оширилган ставкада тўланади.

Норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари, бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар бўйича, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ушбу майдонлардан самарали фойдаланилаётганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқарилган хулоса асосида, оширилган ставкалар бўйича тўланади.

Юридик шахслар томонидан мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Агар кўчмас мулк солиқ тўловчининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида жойлашмаган бўлса, ҳисоб-китоб кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар тўлайдилар.

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 10 январигача, янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланастган солиқ солинадиган базадан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматидан) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даврида юзага келган солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этадилар.

Мол-мулк солиғи бўйича ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар қуйидагича тўланади:

*микрофирмалар ва кичик корхоналар макомидаги курилиш ташкилотлари томонидан - юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солик йиллик суммасининг тўртдан бир кисми микдорида йилнинг хар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай;

*микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган курилиш ташкилотлари томонидан - юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир кисми микдорида хар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай.

Солик даври мобайнида мўлжалланаётган солик солинадиган база ўзгарган такдирда, солик тўловчи курилиш ташкилоти унинг мол-мулкига солинадиган солик суммаси тўгрисида аниклаштирилган маълумотнома такдим этишга хакли. Бунда солиқ даврининг колган кисми учун жорий тўловларга юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида тўланиши лозим бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси жорий тўловлар хисобга олинган холда, хисоб-китобни такдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Мол-мулк солиги хисоб-китобига асосан хар ойда ушбу солик суммасининг 1/12 кисмига қуйидаги ёзув киланади:

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Мол-мулк солиги бўйича бюджетга тўланган бўнак суммасига қуйидагича ёзув киланади:

Дебет 4410 «Бюджетга соликлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Тўланган бўнак суммасининг ёпилишига қуйидагича ёзув киланади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 4410 «Бюджетга соликлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Мол-мулк солиги бўйича бюджетга карздорлик сумманинг ўтказиб берилишига қуйидагича ёзув киланади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Ер солиги хисоб-китоби ва хисоби

Ушбу соликни тўловчилари бўлиб мулк хукуки, эгалик қилиш хукуки, фойдаланиш хукуки ёки ижара хукуки асосида ер участкаларига эга бўлган курилиш ташкилотлари хисобланади. Кўчмас мулк ижарага

берилган тақдирда, ижарага берувчи ер солиғини тўловчи бўлади. Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчиси ҳисобланади.

Ер солиғи бўйича солиқ солиш объекти бўлиб мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари ҳисобланади.

Ер солиғи бўйича солиқ солинадиган база бўлиб ер участкасининг солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони ҳисобланади.

Қайси ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, ўша ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади).

Ер солиғи тўлашдан ихтиёрий тугатилаётган қурилиш ташкилотлари юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан озод қилинади. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари, бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашган ер участкалари бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғи улардан самарасиз фойдаланилаётганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқарилган хулоса асосида, оширилган ставкалар бўйича тўланади ҳамда Солиқ Кодексида кўрсатилган имтиёзлар уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 10

январига кадар такдим этилади.Ер солиғини хисоблаб чикариш хисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиккан холда амалга оширилади.

Солиқ солинадиган базада (хисобланган солиқ суммасида) солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда юридик шахслар бир ойлик муддат ичида давлат солиқ хизмати органига ер солигининг аниклаштирилган хисоб-китобини такдим этиши шарт. Солиқ даври мобайнида кишлок хўжалиги экинларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берган ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган кишлок хўжалиги корхоналари ер солигининг аниклаштирилган хисоб-китобини давлат солиқ хизмати органига жорий йилнинг 1 декабрига кадар такдим этади

Ер солиги қуйидаги муддатларда тўланади:

*микрофирмалар ва кичик корхоналар макомидаги курилиш ташкилотлари томонидан - ер солиги йиллик суммасининг тўртдан бир кисми миқдорида, хар чорак биринчи ойининг10-санасигача;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган курилиш ташкилотлари томонидан - ер солиги йиллик суммасининг ўн иккидан бир кисми миқдорида, хар ойнинг 10-санасигача.

Ер солиғи хисоб-китобига асосан хар ойда ушбу солиқ суммасининг 1/12 кисмига куйидаги ёзув киланади:

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Ер солиғи бўйича бюджетга тўланган бўнак суммасига куйидагича ёзув киланади:

Дебет 4410 «Бюджетга соликлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Тўланган бўнак суммасининг ёпилишига куйидагича ёзув киланади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 4410 «Бюджетга соликлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Ер солиғи бўйича бюджетга карздорлик суммаси ўтказиб берилишига куйидагича ёзув киланади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ хисоб-китоби ва хисоби

Ушбу солиқни тўловчилари бўлиб умумбелгиланган солиқларни тўловчи курилиш ташкилотлари хисобланади.

Солиқ солиш объекти бўлиб ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари ҳисобланади.

Сув ресурсларининг ер усти манбаларига қуйидагилар киради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ховузлар, ер устидаги бошка сув хавзалари хамда сув манбалари.

Сув ресурсларининг ер ости манбаларига артезиан кудуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоклари хамда бошка иншоотлар ёрдамида чиказиб олинадиган сувлар киради.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган база бўлиб фойдаланилган сувнинг Солиқ Кодексига мувофиқ солиққа тортилмайдиган сув ҳажми чегирилган холдаги ҳажми ҳисобланади.

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбоблар сиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар хамда дов-дарахтларни сугориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўгрилигини таъминловчи бошка усуллардан келиб чиккан холда аниқланади.

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алохида-алохида ҳисобини юритади. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилган тақдирда, солиқ солинадиган база манбанинг хар бир тури бўйича алохида-алохида аниқланади. Сув етказиб берувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келадиган сув ҳажмларининг нисбати тўгрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига жорий солиқ даврининг 15 январига кадар такдим этишлари керак. Давлат солиқ хизмати органлари беш кун ичида ушбу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозим.

Солиқ тўловчи, иссиқ сув хамда буг хосил килиниши бўйича солиқ солинадиган базани ишлаб чиқариш ва техник эхтиёжлар учун ўзи фойдаланган сув ресурслари ҳажмидан келиб чиккан холда аниклайди.

Биноларнинг бир кисми, алохида жойлар ижарага топширилганда солиқ солинадиган база сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган ижарага берувчи томонидан аниқланади.

Биноларнинг бир кисмини, алохида жойларни ижарага олган ва сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган юридик шахслар солиқ солинадиган базани мустакил равишда аниклайди.

Солиқ тўловчилар юридик шахслар билан сув етказиб берилиши юзасидан солиштириб кўриш жараёнида олинган сувнинг ҳажмини аниқлаштиришда сув ҳажми фаркини солиштирув амалга оширилган давр даги ҳисоб-китобларда акс эттиради.

Юридик шахсларнинг ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарувчи қурилиш ташкилотлари бу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўламайди. Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тулайди. Қурилиш ишлари янги қурилиш майдонида бажарилган тақдирда, қурилишда фойдаланиладиган сув ҳажми учун қурилиш ташкилоти сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан қурилиш ташкилотлари қуйидаги ҳолларда озод қилинади:

1) ихтиёрий тугатилаётган бўлса - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган карор ҳакида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий равишда тугатиш конун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият кайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиккан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилига бир марта йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловларни тўлайдилар. Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 25 январигача, янги ташкил қилинганлари эса - давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиккан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани

тақдим этадилар. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даври мобайнида юзага келган солиқ тўловчилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этадилар.

Ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар қуйидагича тўланади:

*солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) - ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида;

*солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан камни ташкил этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чораги учинчи ойнинг 25-кунидан кечиктирмай сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ тўловчилар томонидан, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ миқдорга камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобига асосан ҳар ойда ҳисобланган солиқ суммасига қуйидаги ёзув киритилади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бюджетга тўланган бўнак суммасига қуйидагича ёзув киритилади:

Дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Тўланган бўнак суммасининг ёнилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учу солиқ бўйича бюджетга қарздорлик сумманинг ўтказиб берилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ хисоб-китоби ва хисоби

Ушбу солиқни тўловчилар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*ер қаъридан фойдали казилмаларни кавлаб олаётган, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал хосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчи қурилиш ташкилотлари;

*фойдали казилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қаъридан фойдаланувчи қурилиш ташкилотлари.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ солиш объекти бўлиб кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр махсулотнинг ҳажми ҳисобланади. Бундай тайёр махсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси белгиланган ва реализация қилиш ёки топшириш, шу жумладан бепул бериш, шунингдек махсулот ишлаб чиқариш мақсадида ўз истеъмоли ва бошқа эҳтиёжлари учун мўлжалланган фойдали казилма (фойдали компонент) тайёр махсулот деб эътироф этилади.

Солиқ солиш объекти тайёр махсулотнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида кавлаб олинган ҳамда ўзининг хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун фойдаланилган кенг тарқалган фойдали казилмалар солиқ солиш объекти бўлмайди. Кенг тарқалган фойдали казилмалар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база бўлиб кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр

махсулот хажмининг хисобот даври учун ўртача олинган реализация килиш баҳосида хисоблаб чиқилган қиймати ҳисобланади.

Ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация килиш баҳоси ҳар бир кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиги ва акциз солигини чегирган холда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

Ҳисобот даврида тайёр маҳсулот реализация қилинмаган бўлса, солиқ солинадиган база реализация қилиш амалга оширилган охирги хисобот даврида тайёр маҳсулотни реализация қилишнинг ўртача олинган баҳосидан келиб чиққан холда аниқланади.

Тайёр маҳсулот умуман реализация қилинмаган тақдирда, солиқ солинадиган база хисобот даврида мазкур фойдали қазилмаларни кавлаб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан холда аниқланади. Бунда солиқ тўловчи реализация килиш амалга оширилган ўша хисобот даврида хисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасига хисобот даврида таркиб топган ўртача олинган баходан келиб чиққан холда кейинги тузатишни киритиши шарт.

Тайёр маҳсулот таннархидан паст баҳода реализация килинган ёки топширилган тақдирда ўртача олинган бахони хисоб-китоб килиш учун таннарх кабул килинади, лекин у декларация килинаётган баҳолардан юкори бўлмаслиги керак

Тайёр маҳсулот (тайёр маҳсулотнинг бир кисми) бошка тайёр маҳсулотни ишлаб чикариш учун хом ашё бўлган ёки тайёр маҳсулот (кайта ишлаб хосил килинган маҳсулот) ўзининг ишлаб чикариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган холларда бундай маҳсулот учун солиқ солинадиган база кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ишлаб чикариш таннархидан келиб чиққан холда аниқланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан холда хисоблаб чикарилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг хисоб-китоби солиқ бўйича хисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига юридик шахслар томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг хар чорагида, хисобот даврида кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий хисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш хар ойда кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик

молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобига асосан ҳар ойда ҳисобланган солиқ суммасига қуйидаги ёзув киритилади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бюджетга тўланган бўнак суммасига қуйидагича ёзув киритилади:

Дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Тўланган бўнак суммасининг ёпилишига қуйидагича ёзув киритилади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бюджетга қарздорлик сумманинг ўтказиб берилишига қуйидагича ёзув киритилади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Фойда солиғи ҳисоб-китоби ва унинг ҳисоби

Солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона ташкилотларида фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш учун «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»да номлари келтирилган фойда (зарар) кўрсаткичларидан ташқари солиққа тортиш мақсадида яна иккита қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоблаш йўли билан топилади. Булар:

- **Солиққа тортиладиган фойда (Стф)**

Стф = Фст (Зст) + Стх + Сбх- Счх + Бом -Гр - Д - Ф

Бу ерда: **Стх** – солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар (чегирилмайдиган харажатлар)[10];

Сбх – хисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайдиган, лекин келгусида чегирилиб бориладиган харажатлар[11];

Счх – хисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари қилинган харажатлар[12];

[10] Халқаро ҳисоб таълимотида ушбу харажатлар «доимий фарқлар» деб номланади

[11] Халқаро ҳисоб таълимотида ушбу харажатлар «вақтинчалик фарқлар» деб номланади

[12] Халқаро ҳисоб таълимотида ушбу харажатлар «вақтинчалик фарқлар» деб номланади

Бом – бегараз олинган мулк;

Гр – *олинган грант ва субсидиялар;*

Д – олинган дивидендлар;

Ф – олинган фоизлар

• **Солиққа тортиладиган база (Стб)** – бу солиққа тортиладиган фойдадан имтиёз сифатида чегириб ташланадиган харажатларни айиргандан кейин коладиган фойда суммаси, яъни :

Стб = Стф –И

Бу ерда : **И** – имтиёз сифатида солиққа тортиладиган фойдадан чегириладиган харажатлар.

Солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган (чегирилмайдиган) харажатлар деганда *қурилиш ташкилотида объектив ва субъектив* сабабларга кура вужудга келган бирок конун хужжатларига кўра солиққа ториладиган фойдани камайтиришга олиб борилиши мумкин бўлмаган харажатлар тушунилади. Бундай харажатлар сирасига республикамиз Солиқ кодексига (147-модда «Чегирилмайдиган харажатлар») мувофиқ қуйидаги харажатлар киради:

1) моддий кимматликларнинг табиий камайиши нормаларидаги ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар;

2) умумий овкатланиш корхоналарига ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш кийматини тўлаш;

3) солиқ тўловчининг Солиқ Кодексининг 177-моддасида назарда тутилган жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари хисобланадиган харажатлари;

4) дала таъминоти, хизмат максадида ходимнинг шахсий автотранспортдан фойдаланганлиги учун конун хужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган тўловлар;

5) пенсияларга қўшимча ва устамалар;

6) ходимларга тўланадиган моддий ёрдам (бундан Солиқ Кодексининг 143 ва 145-моддаларида назарда тутилган моддий ёрдам мустасно;

7) балалар, хомийлик ва хайрия ёрдами тарзидаги маблағлар;

8) конун хужжатларида белгиланган нормалардан ортик холда атроф мухитни ифлослантирганлик ва чикиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари;

9) кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча бўлган, тўлов муддати ўтган хамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар;

10) лойихалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборгача ташиб келтирилиши чоғида юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш

бўйича харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари, мазкур харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар;

11) айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва камомадлардан ёки зарур суммаларнинг ўрнини айбдор тараф ҳисобидан қоплаш мумкин бўлмаганда кўрилган зарарлар;

12) солиқ тўловчининг асосий воситалари чиқиб кетишидан (балансдан чиқарилишидан) кўрилган (бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган) зарарлар, бундан Солиқ Кодекси 145-моддаси 40-бандининг "е" ва "ж" кичик бандларида кўрсатилган зарарлар мустасно;

13) хўжалик шартномалари шартларини ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пеня ҳамда бошқа турдаги санкциялар;

14) Ўзбекистон Республикаси норезиденти ва бошқа шахслар учун тўланган солиқлар;

15) текширувлар натижаларига кўра қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

16) солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга билан боғлиқ бўлмаган тадбирлар (соғликни сақлаш, спорт ва маданият тадбирлари, дам олишни ташкил этиш ва ҳоказо) учун харажатлар;

17) касаба уюшмаси қўмиталарига ёрдам кўрсатиш;

18) маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишларни (хизматларни) бажариш учун харажатлар (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар).

Қурилиш ташкилотлари солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган ушбу харажатларни Солиқ кодексида келтирилган тартибга мувофиқ харажатларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар (2010,2310,2510,9410,9420,9430,9600)да акс эттирилган маълумотлар асосида мустақил аниқлашлари, улар суммасини фойда солиғи ҳисоб-китобининг алоҳида сатрида ҳамда унинг 2- иловасида кўрсатишлари лозим.

Ҳисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайдиган, лекинда келгусида чегирилиб бориладиган харажатлар деганда ҳисобот йилида солиққача фойда суммасини тоғ ишида чегирилган, бирок шу давр учун солиққа тортиладиган фойда суммаси тоғ ишида унга қайта қўшиладиган ва келгуси даврларда чегириб бориладиган харажатлар тушунилади. Бундай харажатлар сирасига республикамиз Солиқ

кодексига (146-модда «Хисобот даврининг солик солинадиган фодадан келгусида чегириладиган харажатлари») мувофик куйидаги харажатлар киради:

1) янги ишлаб чикаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек сериали ва оммавий ишлаб чикариладиган янги махсулот турларини хамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари;

2) барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник курилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш максадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган холатида) харажатлари;

3) ишчи кучлари кабул килиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлик харажатлар;

4) асосий воситалар ва номоддий активларнинг бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун хужжатларига мувофик хисобланган амортизация суммаси билан Солик Кодексининг 144-моддасига мувофик белгиланган нормалар бўйича хисобланган амортизация суммаси ўртасидаги ижобий фарк.

Юкоридаги 1 - 3-бандларда кўрсатилган харажатлар улар юзага келган пайтда жорий хисобот даврида хам чегирилиши мумкин.

Шубхали карзлар бўйича захира ташкил этиш учун килинган харажатлар Солик кодексига мувофик умидсиз деб эътироф этилган карздорликни хисобдан чикарилаётганда, хисобдан чикарилиши лозим бўлган умидсиз карздорлик миклоридан ошмайдиган суммада чегириб ташланади.

Курилиш ташкилотлари хисобот даврида солик базасидан чегирилмайдиган, лекинда келгусида чегирилиб бориладиган харажатларни Солик кодексида келтирилган тартибга мувофик харажатларни хисобга олишга мўлжалланган счётлар (2010,2310,2510,9410,9420,9430,9600)да акс эттирилган маълумотлар асосида мустакил аниклашлари, улар суммасини фойда солиги хисоб-китобининг алохида сатрида хамда унинг 2- иловасида (3-устун) кўрсатишлари лозим.

Хисобот даврида солик солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари килинган харажатлар деганда ўтган хисобот йилида солик базасидан чегирилмаган, лекинда кейинги хисобот давридан бошлаб 10 йил муддат мобаинида солик базасидан чегирилиб бориладиган харажатлар тушунилади. Солик конунчилиги хужжатларига асосан курилиш ташкилотлари солик базасидан чегириладиган харажатларни Солик кодексида келтирилган тартибга мувофик, шунингдек махсус хисоб-китоб ёрдамида мустакил хисоблашлари ва маълумотнома билан тасдиклашлари, уларнинг суммасини фойда солиги хисоб-китобининг алохида сатрида хамда махсус 3-иловасида (4-устун) кўрсатишлари лозим.

Бегараз олинган мулк деганда бошқа юридик ва жисмоний шахслардан ҳақи туланмаслик шарти билан олинган мулк (асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатишга мўлжалланган жиҳозлар, материаллар) тушунилади.

Грантлар деганда қурилиш ташкилотларига давлат (хукумат) ҳамда нодавлат, чет эл, халқаро ташкилот ва фондлар томонидан маълум максадлар учун берилган бегараз, гуманитар пул маблағлари ёки моддий техник ёрдам суммаси тушунилади. Грант маблағлари қатъий белгиланган максадлар учун ишлатилади.

Олинган дивидендлар ва фоизлар солиқ қонунчилигига мувофиқ алохида 5 фоизлик дивиденд солиғига тортилиши муносабати билан фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташланади. Шунинг учун уларнинг суммалари фойда солиғи ҳисоб-китобининг алохида сатрида кўрсатилади. Ушбу даромадлардан дивиденд солиғини ундирилганлиги тўғрисида маълумотлар уларни берган юридик шахсларнинг маълумотномалари билан тасдиқланиши лозим.

Фойда солиғи бўйича имтиёзлар сифатида солиққа тортиладиган фойда суммасидан чегириб ташланадиган харажатларнинг турлари, имтиёз меъёрлари Солиқ кодекси ва фойда солиғи ҳисоб-китобининг 4-иловасида очиб берилган.

Фойда солиғи (Нф) суммаси корхонанинг солиққа тортиладиган база суммасини (**Стб**) солиқ меъёрига (**См**) кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш йўли билан топилади, яъни:

$$Нф = Стб * См : 100\%$$

Ҳисоб-китоб асосида ҳисобланган фойда солиғи суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9810 «Даромад(фойда) солиғи бўйича харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Корхонани бюджетга фойда солиғи бўйича карзларининг туланишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби ва ҳисоби

Республикамизнинг Солиқ кодексига (350-модда) мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб солиқ даврида олинган ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошмаган қурилиш ташкилотлари ягона солиқ тўлови (ЯСТ) тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

Ягона солиқ тўлови ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи қурилиш ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун солиқ тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда, ягона солиқ тўловини тўлашга ўтилаётган жорий ҳисобот даври биринчи ойининг 10-санасидан кечиктирмай хабардор қилади.

Янги тузилаётган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида танланган солиқ солиш тартибини кўрсатиш орқали ягона солиқ тўловини тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқига эга.

Солиқ тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда, ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади.

Солиқ даврида олинган ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган ягона солиқ тўловини тўловчилар белгиланган чегаравий миқдор ошиб кетган ойдан кейинги ойнинг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади.

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган ягона солиқ тўловини тўловчилар камида ўн икки ойдан сўнг ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир.

Солиқ тўловчилар, агар жорий солиқ даври якунларига олинган ялпи тушуми белгиланган чегаравий миқдордан ошмаса, кейинги солиқ даврида бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган биринчи чорак учун фойда солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Агар ягона солиқ тўловини тўловчи қурилиш ташкилотлари Солиқ Кодексининг 199-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширса, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлаши мумкин. Бунинг учун улар қўшилган қиймат солигини тўлашга ўтиш учун ҳисобот даври бошланишидан камида бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этади.

Қўшилган қиймат солигини тўлашни ягона солиқ тўловини тўловчилар томонидан рад этиш солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ

кўмитаси томонидан белгиланган шаклда, кейинги солиқ даври бошланишигача бир ойдан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида, фақат навбатдаги солиқ даврининг бошидан амалга оширилиши мумкин.

Ягона солиқ тўловини тўлаш объекти бўлиб солиқ тўловчининг барча фаолият турларидан олган ялпи тушуми ҳисобланади. Ягона солиқ тўлови суммаси ялпи тушум суммасини ушбу солиқнинг белгиланган меъёрига кўпайтириш йўли билан топилади. Бунда, ихтиёрий тарзда қўшилган қиймат солиғини тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига, бироқ ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорига камаяди.

Ягона солиқ тўловига тортиладиган ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғини чегирган ҳолда (ушбу солиқларни тўлайдиган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум деганда қуйидагилар тушунилади:

*қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун - ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан тушган тушум. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

*савдо ва умумий овқатланиш фаолияти бўйича – корхона товар оборoти;

*мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) бериш бўйича - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

*воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари бўйича - кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси;

Товарларни (ишларни, хизматларни) таннархидан ёки олиш олҳосидан паст баҳоларда (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) реализация қилувчи, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) текин берувчи қурилиш ташкилотлари учун -

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ёки уларни олиш баҳоси (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда). Бунда баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ўзи ишлаб чиқарган товарларни жаҳон бозорида ҳақиқий вужудга келган нархлар бўйича, шу жумладан таннархидан паст нархлар бўйича экспорт қилиш масалаларини кўриб чиқувчи махсус ваколатли органнинг қарорлари асосида ушбу товарларнинг таннархидан паст нархлар бўйича хорижий валютага экспорт қилинганда, солиқ солиш мақсадида товарларни реализация қилишдан олинган тушум товарларни реализация қилишнинг ҳақиқий баҳосидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ушбу норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғликни сақлаш, меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига бепул бериладиган товарларга (ишларга, хизматларга) нисбатан татбиқ этилмайди;

2) Солиқ кодексининг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар, чунончи:

а) 9300 «*Асосий фаолиятнинг* бошқа даромадларини акс эттиришга мўлжалланган счётлар»да ҳисоби юритиладиган қуйидаги даромадлар:

*ундирилган ёки қарздор эътироф этган жарималар, пенялар, неустойкалар ҳамда хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун бошқа жазо турлари;

*ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар даромадлари;

* рента даромади;

*қурилиш ташкилоти ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, бошқа хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан тушумлар;

*асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни сотишдан даромадлар;

*кредиторлик ва депонентлик қарзини қонун билан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

*товар-моддий бойликларини қўшимча баҳолаш;

*текин молиявий ёрдам, шу жумладан, текинга олинган мол-мулк;

*қисқа муддатли ижарадан даромадлар;

*илгари чиқариб ташланган харажатларни қоплаш тарикасида олинган даромадлардан ташқари бошқа операцион даромадлар;

б) 9500 «Молиявий фаолиятдан даромадлар» счётида акс эттирилган қуйидаги даромадлар:

-олинган роялти ва капитал трансферти;

-Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли иштирок этишдан

олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ҳамда облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

мол-мулкни узоқ муддатли ижара (лизинг)га беришдан даромад (маржа);

-чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар (мусбат ва манфий курс фарклари ўртасидаги сальдо), бунда манфий курс фарқи суммаси мусбат курс фарқи суммасидан ошиб кетган ҳолда ошиб кетиш суммаси ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди;

қимматли қоғозлар, шуъба корхоналар ва ҳоказоларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар;

-молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар;

в) 9710 «Фавқулоддаги фойда» счётида акс эттирилгандаромадлар.

Узоқ муддатли контрактларни бажаришда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушадиган тушум ҳисобот даври мобайнида узоқ муддатли контрактларни ҳақиқатда боскичма-боскич ижро этишга оид қисмида ҳисобга олинади

Қуйидагиларга ЯСТ бўйича солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар нарасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

3) шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тарикасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

5) мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларни) ўтказиш, иш-лар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси

Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;

9) суғурта шартномалари бўйича сугурта товони (суғурта суммаси) тарикасида олинган маблағлар;

10) воситачига ёки бошка ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатишга оид бошка шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошка топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошка ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш хисобига келиб тушган мол-мулк (хак тўлови бундан мустасно);

11) объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;

12) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар Ихтиёрий тугатиш конун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият кайта тикланган такдирда ушбу маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим.

13) инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Солиқ кодексининг 355-моддасига мувофиқ қуйидагилар чегириб ташланган холда хисоблаб чикарилган ялпи тушум ЯСТ бўйича солиқ солинадиган база хисобланади:

1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

2) тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тарикасида олинган даромадлар;

3) хисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар кайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги конун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошка мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган хисоб-китоблар инобатга олинган холда солиқ солиниши керак.

4) кўп оборотли кайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

5) махсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тарикасида ва асосин воситаларни тугатишда уларнинг илгари кайта баҳолаш-лардаги қийматнинг камайиши суммасидан ортган қисми хисобига олинган бошка даромадлар.

Хисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган база қуйидагиларга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади:

*янги технологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория жиҳозлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга, бирок солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш юқорида кўрсатилган харажатлар амалга оширилган солиқ давридан бошлаб, технологик асбоб-ускуна бўйича эса - у фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб беш йил ичида амалга оширилади;

*еш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин ўтказилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

Солиқ тўловчида ялпи тушумга тузатиш киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

2) битим шартлари ўзгарганда;

3) баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

4) бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда ялпи тушумга тузатиш киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Ялпи тушумга тузатиш киритиш товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганлик ҳоллар юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади.

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ягона солиқ тўловини тўловчилар шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини ҳисоблашлари ҳамда тўлашлари керак. Бунда

солик базасига киритиладиган бошка даромадларга асосий (соха) фаолият тури учуи белгиланган ягона солик тўлови ставкалари бўйича солик солинади.

Ягона солик тўлови қуйидагича тўланади:

*микрофирмалар ва кичик корхоналар мақомидаги курилиш ташкилотлари томонидан - хисоб-китобни такдим этиш муддатидан кечиктирмай;

*микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган курилиш ташкилотлари томонидан - хар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий хисобот такдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

Ягона солик тўлови бўйича хисоб-китобларнинг бухгалтерия хисоби 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз» счётида юритилади. Белгиланган тартибда хисоблаб чиқилган ягона солик тўлови бухгалтерия хисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 9820 «Фойладан хисобланган бошка солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Пудратчи ташкилотларни бюджетга ягона солик тўлови бўйича карзларининг тўланишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти»

7.3. Курилиш ташкилотларида мажбурий ажратмалар, йиғимлар ва ушланмаларнинг хисоби

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига кўра иш берувчи курилиш ташкилотлари ўз ходимларига хар ойда хисобланган меҳнатга хақ тўлаш тарзидаги даромадларидан белгиланган ставкада мажбурий ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ)ни амалга оширишлари ва уни бюджетдан ташқари пенсия фондига ўтказиб беришлари лозим.

ЯИТ ставкаси хар йилнинг охирида келгуси йил учун Президентимиз карори билан белгиланади. Чунончи, 2019 йил учун ЯИТ ставкаси Президентимизнинг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари *прогнози ва давлат бюджети* параметрлари хамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида" 4086-сон карорига мувофиқ бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик миқдорда бўлган юридик шахслар, шунингдек устав фондининг50 фоизи ва ундан ортик қисми устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортик қисми давлат улушига тегишли бўлган юридик

шахслар учун 25 %, колган хўжалик юритувчи субъектлар учун эса 12 % миқдорида белгиланган.

ЯИТ суммаси унга тортиладиган ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобидаги даромадлари суммасини белгиланган ставкага кўпайтириш ва 100 га бўлиш йўли билан топилади. **Мисол.** Айтайлик, кичик бизнес субъекти ҳисобланмайдиган қурилиш ташкилотида ишловчилар сони 2019 йил январ ойида 250 киши, кичик бизнес субъекти ҳисобланган қурилиш ташкилотида ишловчи ходимлар сони 15 киши. Ҳисобланган иш ҳаки январь ойида биринчи ташкилотда 300 000 000 сўм, иккинчи ташкилотда эса 25 000 000 сўм.

Юқоридаги шартли маълумотларга кўра ЯИТ суммаси қуйидагича бўлади:

1. Кичик бизнес субъекти ҳисобланмайдиган қурилиш ташкилотида – 300 000 000*25% = 75 000 000 сўм;

2. Кичик бизнес субъекти ҳисобланадиган қурилиш ташкилотида – 25 000 000*12% = 1 800 000 сўм.

ЯИТ тўловчилари ушбу мажбурий ажратма бўйича ҳар ой солиқ органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг "Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида" биргаликдаги карори ва буйруғи билан тасдиқланган[13] ҳисоб-китобни топширадилар.

21-сон БҲМСга мувофиқ корхоналар томонидан тузилган ЯИТ ҳисоб-китоби ҳамда банк ҳужжатлари асосида бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қилинади:

- ЯИТнинг ҳисобланган суммасига:

  Дебет 2010,2310,2510,9410,9420,9430,0810,9210 **Кредит** 6520;

- ЯИТ бўйича қарзнинг тўланган суммасига:

  Дебет 6520 **Кредит 5110.**

Агар ЯИТ бўйича олдиндан тўлов, яъни бўнак ўтказилган бўлса, унга дастлаб қуйидагича ёзув берилади:

Дебет 4520 Кредит 5110

Ой охирида тўланган бўнак суммасининг ёпилишига қуйидагича ёзув берилади:

Дебет 6520 **Кредит** 4520

Шунингдек қурилиш ташкилотлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари Ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишда автотранспорт воситаларининг эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун белгиланган ставкадаги йиғимларни ҳам тўловчилари бўлиб

[13] Ўз. Р АВ томонидан 2019 йил 21 январда 3126-сон рақам билан рўйхатга олинган

хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли карорига мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб бундай йиғимлар қуйидаги ставкаларда тўланади:

1	Янги (фойдаланишда бўлмаган) автотранспорт воситалари бўйича	харид қилиш нархининг 3%и		
2	Фойдаланишда бўлган автотранспорт воситалари бўйича:	фойдаланиш муддатига қараб ҳар бир от кучи учун энг кам иш ҳақига нисбатан %да		
		3 йил-гача	3 йилдан 7 йил-гача	7 йил-дан ортиқ
	Енгил автомобиллар	11	9	6
	Мотоциклар (шу жумладан, мопедлар) ва ёрдамчи двигатель ўрнатилган велосипедлар, каждали ёки каждасиз	10	7	5
	Бошқа моторли транспорт воситалари	16	13	9

Янги ва фойдаланишда бўлган автотранспорт воситаларини сотиб олишда тўланадиган мажбурий йиғим суммаси 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ уларнинг бошланғич қийматига киритилади ва ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

1. Ҳисобланган йиғим суммасига:

Дебет 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»

Кредит 6520 «Давлатнинг максадли фондларига тўловлар»

2. Йиғимнинг автомобилнинг бошланғич қийматига киритилишига:

Дебет 0160 «Транспорт воситалари»

Кредит 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»

3. Йиғим суммасини ички органларга тўланишига:

Дебет 6520 «Давлатнинг максадли фондларига тўловлар»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Бундан ташқари қурилиш ташкилотлари ҳар ойда ходимларига ҳисобланган иш ҳақидан 0,1 %лик ставкада уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобига (ШЖБПҲ) ҳисобланган мажбурий бадални ҳам ўтказиб боради. Ушбу мажбурий бадал ходимлар

томонидан тўланадиган даромад солиғи ҳисобини камайтиришга олиб борилади ва унга қуйидагича ёзув киритилади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 6990 "Бошқа мажбуриятлар".

ШЖБПҲга ҳисобланган мажбурий бадални тўланишига қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 6990 "Бошқа мажбуриятлар".

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Қурилишда сотишдан олинган фойда (зарар) – бу бажарилган ишлардан олинган соф тушум ва уларнинг сотиш таннархи ўртасидаги фарқ суммаси.

Қурилишда давр харажатлари – бу қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари, ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларни сотиш, маъмурий-бошқариш ва бошқа операцион фаолиятга доир харажатлар.

Қурилишда асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар – бу қурилиш ташкилотларининг асосий воситалари, номоддий активлари, материалларини сотишдан фойда, ўндирилган жарималар, воз кечилган кредиторлик қарзлари, қиска муддатли ижарадан даромадлар, беғараз қайтарилмайдиган молиявий ёрдам, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари, инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар, ўтган йилларнинг фойдаси каби даромадлар (фойда)нинг мажмуаси.

Асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар) – бу асосий фаолиятдан олинган фойда ва бошқа даромадлар йиғиндисидан давр харажатлари суммасини айиришдан кейин қолган сумма.

Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар) – бу асосий фаолиятдан олинган фойда ва молиявий фаолиятдан олинган даромадлар йиғиндисидан молиявий фаолиятга доир харажатлари суммасини айиришдан кейин қолган сумма.

Солиққача фойда (зарар) – бу умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ва фавқулоддаги фойда йиғиндисидан фавқулоддаги зарарлар суммасини айиришдан кейин қолган сумма.

Соф фойда (зарар) – бу солиққача фойда суммасидан фойдадан (даромаддан) ундириладиган солиқлар суммасини айиришдан кейин қолган сумма.

Роялти кўринишидаги даромадлар – бу қурилиш ташкилотларининг номоддий активларини, масалан, қурилиш бўйича лойиҳалар, меъёр ва тартиблар (стандартлар тўплами), лицензиялар ва бошқаларни

ижарага беришдан ва ҳамкорликда фойдаланишдан олинган даромадлар.

Дивидендлар – бу қурилиш ташкилотининг акцияларга киритилган молиявий инвестицияларя учун ҳисобланган даромад.

Фоизлар кўринишидаги даромадлар – бу қурилиш ташкилотининг бошқа юридик шахсларга берган қарзлари ва кредитлари учун ҳисобланган фоизлар.

Валюталар курслари фаркидан даромадлар – бу қурилиш ташкилотининг валюта счётида сакланаётган чет валютаси ва чет эл валютасидаги дебиторлик қарзлар бўйича ҳисобланган ижобий курслар фарки.

Узоқ муддатли ижарадан даромадлар – бу мулкни бир йилдан кўп муддатга ижарага беришдан олинган даромадлар тушунилади.

Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар – бу узоқ ва қиска муддатли инвестициялар қийматини ошириш натижасида вужудга келган даромадлар.

Фоиз кўринишидаги харажатлар – бу йил мабойнида олинган қарзлар ва кредитларга доир ҳисобланган харажатлар.

Валюталар курслари фаркидан зарарлар – бу йил мабойнида балансининг валюта моддаларини ифодаловчи счётларга доир операциялар бўйича курслар ўртасидаги салбий фарқдан кўрилган зарарлар.

Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар – бу йил мабойнида қурилиш ташкилоти томонидан акция ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар.

Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар – бу актив йил мабойнида қурилиш ташкилотининг молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлари, масалан, молиявий инвестицияларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар ва бошқа харажатлар.

Бевосита солиқлар ёки тўғри солиқлар – бу қурилиш ташкилотларининг молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатадиган, яъни харажатларни қўлайишига ёки олинган даромаднинг бир қисмини ундириш ҳисобидан типовард натижада эришиладиган соф фойда суммасини камайтиришга олиб келадиган солиқлар.

Билвосита солиқлар ёки эгри солиқлар – бу қурилиш ташкилотларининг молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатмайдиган, яъни сотилган маҳсулот, товар, иш ва хизматлар баҳоси устига бюджет фойдаси учун қўйиладиган солиқлар.

Солиққа тортиладиган фойда – бу солиққа тортиладиган даромаддан фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш учун имтиёз сифатида

чегириб ташланадиган харажатларни айиргандан кейин қоладиган фойда суммаси.

Бегараз олинган мулк – бу бошқа юридик ва жисмоний шахслардан ҳақи тўланмаслик шарти билан олинган мулк (асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатишга мўлжалланган жиҳозлар, материаллар).

Грантлар – бу қурилиш ташкилотига давлат (ҳукумат) ҳамда нодавлат, чет эл, халқаро ташкилот ва фондлар томонидан маълум мақсадлар учун берилган бегараз, гуманитар пул маблағлари ёки моддий техник ёрдам суммаси.

Ягона солик тўлови – бу микрофирма ва кичик корхоналар мақомидаги қурилиш ташкилотлари учун барча турдаги бошқа солиқлар, шунингдек бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш ўрнига жорий этилган соддалаштирилган солиқ.

Мажбурий ажратмалар – бу Пенсия фонди, Республика йўл фонди ва мактаб таълимини ривожлантириш фондига бажарилган ишлардан олинган соф тушумга нисбатан мос равишда белгиланган ставкаларда ҳисобланадиган мажбурий ажратмалар.

Мажбурий ушланмалар – бу Пенсия фонди ҳисобланган иш ҳақи фондининг қонун ҳужжатларида белгиланган қисмига нисбатан белгиланган ставкаларда ҳисобланадиган мажбурий ушланма суммаси.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

Хўжалик ситуацияси

Қурилиш ташкилотининг ҳисобот даврида бажарган иш ҳажми 600 млн. сўм (ҚҚС билан). Таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси 60 млн. сўм. Сотиш таннархи – 400 млн. сўм, давр харажатлари – 70 млн. сум, шуидан солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар -10 млн. сўм, олинган дивидендлар (дивиденд солиғи ушланган) – 1 млн. сўм, тўланган фоизлар 2 млн. сўм, фавқулотдаги зарарлар 4 млн. сўм, бегараз олинган мулк - 5 млн.сўм. Фойда солиғи ставкаси – 12%.

Ушбу хўжалик ситуациясида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги саволларга тўғри жавобларни топинг.

1.Бажарилган ишга тўғри келадиган ҚҚС суммаси тенг:

а) 120 млн. сўм;

б) 100 млн. сўм;

в) 80 млн. сўм;
г) 83,3 млн. сўм.

2. Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси тенг:
а) 40 млн. сўм;
б) 60 млн. сўм;
в) 20 млн. сўм;
г) 20,3 млн. сўм.

3. Сотишдан олинган ҚҚС суммаси акс эттирилади:
а) Дебет 9030 Кредит 6410 100 млн. сўмга;
б) Дебет 4010 Кредит 6410 100 млн. сўмга;
в) Дебет 4010 Кредит 6410 120 млн. сўмга;
г) Дебет 9030 Кредит 6410 120 млн. сўмга.

4.Таъминотчиларга тўлаган ҚҚС суммаси акс эттирилади:
а) Дебет 6410 Кредит 5110 100 млн. сўмга;
б) Дебет 4410 Кредит 6010 60 млн. сўмга;
в) Дебет 4410 Кредит 6410 60 млн. сўмга;
г) Дебет 6410 Кредит 5110 40 млн. сўмга.

5.Камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси акс эттирилади:
а) Дебет 6410 Кредит 4410 40 млн. сўмга;
б) Дебет 6410 Кредит 4410 60 млн. сўмга;
в) Дебет 6410 Кредит 5110 60 млн. сўмга;
г) Дебет 6410 Кредит 4410 20 млн. сўмга.

6.Қурилиш ташкилотининг соф тушуми тенг:
а) 600 млн сўмга;
б) 500 млн. сўмга;
в) 100 млн. сўмга;
г) 400 млн. сўмга.

7.Қурилиш ташкилотининг сотишдан олган фойдаси тенг:
а) 600 млн сўмга; б) 500 млн. сўмга;
в) 100 млн сўмга; г) 400 млн. сўмга.

8.Қурилиш ташкилотининг асосий фаолиятдан олган фойдаси тенг:
а) 30 млн. сўмга; б) 35 млн. сўмга;
в) 36 млн. сўмга; г) 34 млн. сўмга.

9.Қурилиш ташкилотининг умумхўжалик фаолиятидан олган фойдаси тенг:

а) 30 млн. сўмга; б) 35 млн. сўмга;

в) 36 млн. сўмга; г) 29 млн. сумга.

10.Қурилиш ташкилотининг солиққача фойдаси тенг:

а) 30 млн. сўмга; б) 25 млн сўмга;

в) 36 млн. сўмга; г) 34 млн. сўмга.

11. Қурилиш ташкилотида солиққа тортиладиган фойда суммаси тенг:

а) 39 млн. сўмга; б) 40 млн. сўмга;

в) 43 млн. сўмга; г) 30 млн. сўмга.

12.Қурилиш ташкилотида фойда солиғи суммаси тенг:

а) 3,9 млн. сўмга; б) 4,68 млн. сўмга;

в) 4,48 млн. сўмга; г) 4,0 млн. сўмга.

13. Бюджетга ўтланадиган фойда солиғи суммаси акс эттирилади:

а) Дебет 9810 Кредит 6410 3,9 млн. сўмга;

б) Дебет 9810 Кредит 6410 4,48 млн. сўмга;

в) Дебет 9810 Кредит 6410 4,68млн. сўмга;

г) Дебет 9810 Кредит 6410 4,0 млн. сўмга

14. Қурилиш ташкилотида 9300 «Бошқа операцион даромадлар» счётида акс эттирилади:

а) 5 млн. сўм;

б) 6 млн. сўм;

в) 0 млн. сўм;

г) 1 млн. сўм.

15. Қурилиш ташкилотида 9910 «Якуний молиявий натижа» счетининг кредит оборот суммаси тенг:

а) 500 млн. сўмга;

б) 501 млн. сўмга;

в) 506 млн сўмга;

г) 504 млн. сўмга.

16. Қурилиш ташкилотида 9910 «Якуний молиявий натижа» счетининг дебет оборот суммаси тенг:

а) 400 млн. сўмга; б) 478,68 млн. сўмга;

в) 480 млн. сўмга г) 472 млн. сўмга.

17. Қурилиш ташкилотнинг ҳисобот йили соф фойдаси акс эттирилади:

а) Дебет 9910 Кредит 8710 28 млн сўмга;
б) Дебет 9910 Кредит 8710 26 млн. сўмга;
в) Дебет 9910 Кредит 8710 24,52 млн. сўмга
г) Дебет 9910 Кредит 8710 20,32 млн. сўмга.

Хўжалик ситуацияси № 2

Корхона соф тушуми 640 000 000 сўм, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар 60 000 000 сўм, ижобий курс фарклари – 25 000 000 сум, салбий курс фарклари 20 000 000 сўм, бегараз олинган мулк – 15 000 000 сўм, ягона солиқ тўлови (ЯСТ) бўйича имтиёзлар – йўқ, ЯСТ ставкаси -4 %.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги тест саволларига тўғри жавобларни топинг.

1.ЯСТ қайси гурух солиқларга киради?

а) олинадиган счетларга киради;
б) харажатларга кирадиган солиқларга;
в) ялпи тушумдан олинадиган солиққа;
г) билвосита солиқларга

2.Корхонанинг солиққа тортиладиган ялпи тушуми неча сўмни ташкил этади?

а) 700 млн. сўм; б) 725 млн. сўм
в) 720 млн.сўм г) 705 млн.сўм.

3. ЯСТ суммаси неча сўмни ташкил этади?

а) 28 млн. сўм; б) 29 млн. сўм
в) 28,8 млн.сўм г) 28,2 млн.сўм.

4. Корхонада ҳисобланган ЯСТ суммасига қандай ёзув қилинади?

а) Дебет 9810 Кредит 6410 -28 млн. сум
б) Дебет 9810 Кредит 6410 -29 млн. сум
в) Дебет 9810 Кредит 6410 -28,8 млн. сум
г) Дебет 9810 Кредит 6410 – 28,2 млн. сўм

8-БОБ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ

8.1. Қурилиш ташкилотларида ҳисоботларнинг турлари ва уларни тақдим этиш муддатлари

Қурилиш ташкилотларида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари, ҳисоб жараёнининг якуний босқичи бўлиб молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳисобланади. Ушбу ҳисоботлар республикамизда миллий валютада минг сўм бирлигида тузилади.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун (22-модда)га мувофиқ қурилиш ташкилотларининг молиявий ҳисоботи ўз ичига қуйидагиларни олади:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;
- пул оқимлари тўғрисида ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисида ҳисобот;
- изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Кичик бизнес субъектлари ҳисобланган қурилиш ташкилотларига молиявий ҳисоботни ихчамлаштирилган тарзда тузиш ва тақдим этишга рухсат этилади. Ушбу ихчамлаштирилган молиявий ҳисобот ўз ичига бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот ҳамда изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни олади.

Қурилиш ташкилотларида барча хўжалик юритувчи субъектларидагидек ҳисобот даври бўлиб тақвим йилнинг 1 январидан 31 декабригача бўлган давр ҳисобланади. Тақвим йилининг 1 октябридан кейин давлат рўйхатидан ўтган қурилиш ташкилотлари учун биринчи ҳисобот йили бўлиб давлат рўйхатидан ўтган санадан келгуси йилнинг 31 декабригача бўлган давр ҳисобланади. Ушбу даврда юз берган хўжалик жараёнлари биринчи ҳисобот йилига доир, деб тан олинади ва мос равишда шу даврнинг молиявий ҳисоботига киритилади.

Қурилиш ташкилотларининг молиявий ҳисоботи қуйидагиларга мажбурий тарзда тақдим этилади:

солиқ идораларига;

таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулк эгаларига;

давлат статистика органларига;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари уларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақомига боғлиқ. Чунончи, хорижий инвестициялар иштирокидаги қурилиш ташкилотлари фақат йиллик йиллик молиявий ҳисоботни тузадилар ва уни кейинги йилнинг 25 мартигача тақдим этадилар. Акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият ва

хусусий корхоналар макомидаги қурилиш ташкилотлари йиллик молиявий хисоботни кейинги йилнинг 15 февралигача такдим этишлари лозим.

Кичик бизнес субъектларига кирувчи қурилиш ташкилотлари молиявий хисоботни фақат хисобот йили якуни бўйича такдим этадилар. Ушбу макомга эга бўлмаган бошка турдаги ташкилотлар (хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан ташкари) йиллик хисоботдан ташкари чораклик хисоботларни хам тузишлари ва уларни чоракликдан кейинги ойнинг 25 санасигача тегишли органларга такдим этишлари керак.

Қурилиш ташкилотлари уларнинг макоми ва ташкилий шаклларига караб молиявий хисоботдан ташкари турли статистика хисоботларини хам тузадилар. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг Давлат статистика қўмитасининг 08.10.2018 й. 6-мб-сон "2019 йил учун давлат статистика хисоботи шаклларини тасдиклаш тўгрисида"ги Карори[14] билан қурилиш ташкилотлари учун статистика хисоботларининг бирхиллаштирилган ва кискартириладиган шаклларининг рўйхати, уларни тузиш ва такдим этиш муддатлари тасдикланган. Ушбу статистика хисоботларининг бирхиллаштирилган айрим шаклларининг рўйхати 8.1-жадвалда келтирилган.

8.1-жадвал

Капитал қурилишдаги статистик хисоботнинг бирхиллаштирилган шакллари рўйхати

Т/р	Статистика хисоботи шаклларининг номи	Шаклнинг тартиб рақами	Даврийлиги
1	Манзилли инвестиция дастурига киритилган, ижтимоий соха объектлари қурилишининг борыши тўгрисида хисобот	1-qurilish shakli	Чораклик
2	Қурилиш ишларининг бажарилиши, қурилиш машина ва механизмларининг мавжудлиги тўгрисида 2018 йил учун хисобот	2-qurilish shakli	йиллик
3	2018 йил охирига тугалланмаган қурилиш холати тўгрисида хисобот	3-qurilish shakli	2 йилда бир марта
4	Инвестиция фаолияти, бино ва иншоотларни фойдаланишга топшириш тўгрисида 2018 йил учун хисобот	2-invest shakli	йиллик
5	Инвестиция фаолияти, бино ва иншоотлари	2-invest	Чорак-

[14] АВ томонидан 31.10.2018 й. 3083 сон билан рўйхатга олинган

	фойдаланишга топшириш тўғрисида хисобот	shakli	лик
6	2018 йил учун мехнат хисоботи	1-mehnat shakli	йиллик
7	Мехнат хисоботи	1-mehnat shakli	Чорак-лик
8	Микрофирма ва кичик корхонанинг 2017 йил учун хисоботи	1-KB shakli	Йиллик
9	Кичик курилиш ташкилотлари ва микрофирмаларда мавжуд курилиш машина ва механизмлар тўғрисидаги 2018 йил учун хисобот	1-KB shakliga ilova (QM)	Йиллик
10	Объектлар, кувватларни ишга туширириш ва уларнинг курилишига йўналтирилган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида 2018 йил учун хисобот	1-KB shakliga ilova (qurilish)	Йиллик

Курилиш ташкилотларида юкорида келтирилган жадвалдаги статистика хисоботларини тузиш бухгалтерияга юклатилади. Уларни тузишга асос бўлиб бажарилган ишлар, уларга кетган сарф-харажатлар, сотиб олинган материаллар, конструкциялар, ускуналарга гувохлик берувчи бошланғич хужжатлар, шунингдек хисоб регистрлари маълумотлари хисобланади.

8.2. Курилиш ташкилотларида молиявий хисобот шаклларини тўлдириш хусусиятлари

Курилиш ташкилотларида молиявий хисобот шаклларини тўлдиришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 27 декабрда 140-сон буйруқ билан тасдиқланган «Молиявий хисобот шаклларини тўлдириш бўйича тартиб»га асосланилади. Қуйида ушбу тартибга асосланилган холда молиявий хисобот шаклларининг алохида моддаларини тўлдириш хусусиятларига тухталамиз.

Бухгалтерия баланси (1-шакл)

Асосий воситалар иомли 012-сатрда курилиш ташкилотлари балансида бўлган асосий воситаларнинг колдик киймати акс эттирилади. Ушбу сатрда, чунончи қуйидагилар кўрсатилади:

- асосий воситаларнинг мос равишда бошланғич кийматини хамда эскиришини акс эттирувчи счётлар (0110-0199 ва 0210-0290)нинг давр охиридаги колдиклари суммаларининг фарки;

- белгиланган тартибга кўра асосий воситалар таркибига киритилган узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг, чунончи лизинг бўйича сотиб олинадиган қурилиш машиналари ва ускуналарининг қолдиқ қиймати (мос равишда 0310 ва 0299 счётлар қолдиклари ўртасидаги фарқ суммаси);

- титулли вақтинчалик бино ва иншоотларнинг қолдиқ қиймати. Ушбу активларга кирувчи бино ва иншоатларнинг рўйхати, уларнинг бошланғич қиймати, жамланган эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати қурилиш ташкилоти хисоб сиёсатида аниқ ифодаланган бўлиши лозим, жумладан, уларнинг қолдиқ қиймати мос равишда 0120 ва 0220 счётлар таркибида очиладиган аналитик счетлар қолдиклари фарқи суммасидан иборат бўлиши керак.

Капитал қўйилмалар номли 100-сатрда қурилиш ташкилотларининг ўз максадларида хўжалик ёки пудрат усулларида олиб борган тугалланмаган капитал инвестицияларининг киймати кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш захиралари номли 150-сатрда омборларда (қурилиш майдончаларида) сакланаётган қурилиш материаллари, конструкциялар, деталлар, ўрнатиладиган жиҳозларнинг хисоб сиёсатида белгиланган хисоб баҳоларидаги киймати акс эттирилади. Ушбу сатр суммаси 1000 «Материалларни хисобга олувчи счётлар» тизимида очилган барча счётлар қолдикларининг йиғиндисига, шунингдек, барча моддий жавобгар шахсларнинг хисобот даври охирига тузган материал хисоботи (М-19-шакл) қолдиклари йиғиндисига тенг бўлиши лозим. Агар материалларни сотиб олиш ва тайёрлаш алохида олинган 1510 счётда, улар кийматидаги фарклар махсус 1610 счётда юритилган бўлса, ушбу счётларнинг колдиклари мос равишда балансининг бу сатри суммасида хисобга олиниши керак.

Тайёр махсулотлар номли 170-сатрда сотиш учун ишлаб чиқарилган тайёр махсулотлар (эшик, дереза, гишт, детал, мосламалар ва бошка шу каби махсулотлар)нинг хақиқий таннархи кўрсатилади.

Келгуси давр харажатлари номли 190-сатрда қурилиш ташкилотларининг хисобот даврида бажарилган ишлар таннархи ва давр харажатларига тегишли бўлмаган харажатлари акс эттирилади. Ушбу сатрда қурилиш ташкилотлари ўзларининг қуйидаги харажатларини акс эттиради:

- келгуси даврда бажариладиган ишлар учун олинган рухсатнома (лицензия) тўловлари;

- келгусида жорий этилиши мумкин бўлган лойиҳаларни ишлаб чиқаришга доир харажатлар,

- келгуси йилда чоп этиладиган махсус меъёрий-техник адабиётлар учун килинган сарфлар;

- келгуси йил учун ўтказиб қўйилган ижара тўловлари;

- мавсумий характерга эга бўлган ишлар учун олдиндан тўловлар, чунончи, қурилиш машиналари ва ускуналарини консервация қилиш харажатлари;

- янги қурилиш учун кадрларни жалб этиш ва тайёрлаш харажатлари;

- олдиндан ҳисобланган меҳнат таътили харажатлари;

- келгуси йил учун газета ва журналлар обунаси учун тўловлар;

- бошқа келгуси даврхаражатлари.

Жами дебиторлик қарзлар номли 210-сатрда қурилиш ташкилотига ҳисобот даври охирига қарздор шахсларнинг жами қарзлари кўрсатилади. Жами дебиторлик қарзлар уларнинг алоҳида турлари бўйича баланснинг мос сатрларида (220, 240, 250, 260, 270, 290, 300, 310) кўрсатилади. Ушбу сатрларни тўлдиришга асос бўлиб дебиторлик қарзларнинг алоҳида турларни акс эттирувчи счётларнинг охирги қолдиклари ҳисобланади.

Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) номли 450-сатрда қурилиш ташкилотининг йил охиридаги жами тақсимламаган фойдаси (қопланмаган зарари) кўрсатилади. Ушбу сумма ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ва ҳисобот йилнинг соф фойдаси (қопланмаган зарари) суммаларидан ташкил топади. Қопланмаган зарарлар балансининг ушбу сатрида минус ишораси билан кўрсатилади.

Мақсадли тушумлар номли 460-сатрда қурилиш ташкилотининг турли мақсадларда олишган грантлари, дотациялари, субсидиялари ҳамда соликлар бўйича мақсадли имтиёзлар суммалари акс эттирилади.

Жами узоқ муддатли мажбуриятлар номли 490-сатрда қурилиш ташкилотларининг бир йилдан кўп муддатга олган кредитлари ва қарзлари бўйича мажбуриятларининг жами суммаси кўрсатилади. Жами узоқ муддатли мажбуриятлар уларнинг алоҳида турлари бўйича баланснинг мос сатрларида (500-590) кўрсатилади. Ушбу сатрларни тўлдиришга асос бўлиб узоқ муддатли кредиторлик қарзларнинг алоҳида турларни акс эттирувчи счётларнинг охирги қолдиклари ҳисобланади.

Жами жорий мажбуриятлар номли 600-сатрда қурилиш ташкилотларининг бир йилдан кам бўлган муддатга олган кредитлари, қарзлари ва бошқа мажбуриятларининг жами суммаси кўрсатилади. Жами жорий мажбуриятлар уларнинг алоҳида турлари бўйича баланснинг мос сатрларида (610-760) кўрсатилади. Ушбу сатрларни тўлдиришга асос бўлиб жорий кредиторлик қарзларнинг алоҳида турларни акс эттирувчи счётларнинг охирги қолдиклари ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотлари баланс валютасининг жами суммаси активда ва пассивда алоҳида сатрларда (мос равишда 400-сатр ва 780-сатр) кўрсатилади.

Қурилиш ташкилотларининг ўзларига тегишли бўлмаган активлар ва пассивлар баланса «Балансдан ташқари счётларда хисобга олинадиган қийматликларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот»да 790-920-сатрларда кўрсатилади. Бундай актив ва пассивларга, чунончи қуйидагилар киради:

- қисқа муддатга ижарага олинган асосий воситалар (790-сатр);
- қайта ишлашга қабул қилинган материаллар (810-сатр);
- ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар (830-сатр);
- ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар (890-сатр);
- келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар (900-сатр);
- вақтинчалик солиқ имтиёзлари (910-сатр);
- фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари (920-сатр).

Молиявий натижалар тўғрисида хисобот (2-шакл)

Ушбу хисоботнинг асосий максади бўлиб қурилиш ташкилотларининг хисобот даврларидаги даромадлари, харажатлари, фойда ва зарарлари тўғрисидаги йиғма маълумотларни акс эттириш хисобланади. Чунончи, бундай маълумотлар хисоботда мос равишда ўтган йилнинг ва хисобот йилнинг мос даврлари учун кўрсатилади. Бу тартиб мос хисобот даврлардаги ўзгаришлар тенденцияларини ўрганиш учун муҳим ахборот манбаи хисобланади.

Молиявий натижалар тўғрисида хисоботни тузишга асос бўлиб қурилиш ташкилотларининг барча даромадлари ва харажатлари, фойда, уни ишлатилиши хисоби учун мўлжалланган вақтинчалик (транзит) счётларнинг маълумотлари хисобланади. Хисоботнинг алоҳида сатрлари қуйидаги тартибда шакллантирилади (8.2-жадвалга қаранг).

8.2-жадвал

Молиявий натижалар тўғрисида хисобот сатрларини тўлдириш тартиби

Сатр коди	Сатр номи	Сатрни тўлдириш тартиби
010	Махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларни сотишдан туган соф тушум	Бажарилган қурилиш ишлари, тайёр махсулотларни сотишдан тушган соф тушум хисоби учун мўлжалланган 9010,9030 счётларнинг кредит обороти суммалари йиғиндисидан қайтарилган

		махсулотлар (иш хизматлар) суммаларини берилган чегирмалар суммаларини (9040 ва 9050-счётларнинг дебет оборот суммалари) айириш орқали топилади ва даромадлар устунчасида кўрсатилади.
020	Сотилган махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	Бажарилган курилиш ишлари ва сотилган махсулотлар таннархи хисоби учун мўлжалланган 9110,9130, 9140, 9150 счётларнинг дебет оборот суммалари йиғиндиси харажатлар устунчасида кўрсатилади.
030	**Махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)**	**010 ва 020-сатрлар суммаларининг фарқи ёзилади. Ижобий фарқ олинган фойдани кўрсатади ва у даромадлар устунчасига ёзилади. Салбий фарқ сотишдан кўрилган зарарни ифодалайди ва у харажатлар устунчасига ёзилади.**
040	**Давр харажатлари, жами**	**050, 060, 070, 080-сатрларнинг суммалари йиғиндиси кўрсатилади**
	Шу жумладан:	
050	Сотиш харажатлари	Сотиш харажатлари хисоби учун мўлжалланган 9410 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
060	Маъмурий харажатлар	Маъмурий харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9420 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
070	Бошқа операцион харажатлар	Бошқа операцион харажатлар хисоби учун мўлжал-

		ланган 9430 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
090	Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	Асосий фаолиятга доир бошка даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9310 – 9390 счётларнинг кредит оборот суммалари йиғиндиси даромадлар устунчасида кўрсатилади
100	**Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)**	**030 сатр – 040 сатр + 090 сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**
110	**Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами**	**120, 130, 140, 150, 160-сатрлар суммаларининг йиғиндиси**
	Шу жумладан,:	
120	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9520 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
130	Фоизлар кўринишидаги даромадлар	Фоизлар кўринишидаги даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9530 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
140	Узок муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар	Узок муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9550 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
150	Валюта курси фаркидан даромадлар	Валюта курси фаркидан даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9540 счётнинг

		кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
160	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари хисоби учун мўлжалланган 9510, 9560, 9590 счётларнинг кредит оборот суммалари йиғиндиси даромадлар устунчасига ёзилади
170	**Молиявий фаолият бўйича харажатлар**	**180, 190, 200, 210 сатрлар суммаларининг йиғиндиси харажатлар устунчасига ёзилади**
	Шу жумладан,:	
180	Фоизлар кўринишидаги харажатлар	Фоизлар кўринишидаги харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9610 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
190	Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар	Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9610 счетнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
200	Валюта курси фаркидан зарарлар	Валюта курси фаркидан зарарлар хисоби учун мўлжалланган 9620- счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
210	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9630, 9690 счётларнинг дебет оборот суммалари йиғиндиси харажатлар устунчасига ёзилади
220	**Умумхўжалик фаолияти фойдаси (зарари)**	**100-сатр+110-сатр–170-сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар**

		суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади
230	**Фавқулоддаги фойда ва зарарлар**	**Фавқулоддаги фойда** хисоби учун мўлжалланган 9710 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасита ва фавқулоддаги зарарлар хисоби учун мўлжалланган 9720 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасита ёзилади
240	**Фойда солигини тўлагунга кадар фойда (зарар)**	**220-сатр (+ -) 230-сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**
250	Фойда солиги	Фойда солиги фойдани ишлатилиши хисоби учун мўлжалланган 9810 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасита ёзилади
260	Фойдадан бошка соликлар ва бошка мажбурий тўловлар	Фойдадан бошка соликлар ва йигимлар хисоби учун мўлжалланган 9820,9830 счётларнинг дебет оборот суммалари харажатлар устунчасита ёзилади
270	**Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)**	**240-сатр – 250-сатр – 260-сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**

Пул окимлари тугрисида хисобот (4-шакл)

Хисоботнинг асосий максади бўлиб курилиш ташкилоти хисобот даврида юз бергган пул окимлари (кирим ва чиким), шунингдек, пул маблагларининг давр боши ва охиридаги холати тугрисида йигма маълумотларни акс эттириш хисобланади

Пул ок имлари тўгрисида хисобот икки бўлимдан иборат. Унинг биринчи бўлимида миллий валютадаги пул маблагларининг холати ва харакати, иккинчи бўлимида эса чет эл валютасидаги пул маблаг-

ларининг холати ва харакати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий эълон килган курси бўйича миллий валютада акс эттирилади.

Хисоботда пул окимларини акс эттирувчи кўрсаткичлар курилиш ташкилоти пул окимлари тўғрисидаги маълумотларни куйидаги фаолият турлари бўйича ифода этади:

1. **Асосий (операцион) фаолият бўйича.** Бу бўлимда бажарилган курилиш ишлари, сотилган тайёр махсулот учун тушумлар, товар-моддий бойликлар, иш ва хизматлар учун таъминотчи ва пудратчиларга тўланган тўловлар, ходимлар номидан тўланган даромад солиги ва бошка тўловлар, ижтимоий суғурта бўйича тўловлар, шунингдек, асосий фаолиятга доир бошка турдаги тўланган пул маблағлари мос равишда кирим ва чиким устунчаларида (010-050 сатрлар) акс эттирилади. Чет эл валютасидаги асосий фаолиятга доир пул маблагларининг кирим ва чикими маълумотномаанинг 261, 262, 264, 271, 273-устунчаларида кўрсатилади.

2.Инвестиция фаолияти бўйича. Ушбу бўлимда курилиш ташкилотлари ички ёки реал капитал инвестиция фаолияти хамда ташки ёки молиявий инвестиция фаолияти турларига доир пул окимлари мос равишда кирим ва чиким устунчаларида (060-100 сатрлар) кўрсатилади.

Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш хамда уларни сотишга, шунингдек, узок ва киска муддатли инвестицияларни сотиб олиш хамда уларни кайтарилиши, инвестициядан олинган дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадларга доир пул окимлари мос равишда кирим ва чиким устунчаларида (060-100 сатрлар) кўрсатилади.

Курилиш ташкилотлари инвестиция фаолияти ички ёки реал капитал инвестиция фаолияти хамда ташки ёки молиявий инвестиция фаолияти турларига бўлинади.

Ички ёки реал капитал инвестиция фаолияти – бу курилиш ташкилотларининг ўз маблагларини ўзининг моддий техника базасини яхшилаш ва ривожлантиришга киритиш билан боғлик фаолиятидир. Ушбу фаолиятга доир пул чикимларига олиб келувчи асосий хўжалик жараенлари ва операциялари бўлиб куйидагилар хисобланади:

*Капитал курилиш;

* Асосий воситаларни сотиб олиш;

* Номоддий активларни сотиб олиш;

* Ерни ободонлаштиришга капитал куйилмалар;

*Молиявий лизинг шартномаси бўйича асосий воситаларга капитал куйилмалар;

*Бошка капитал куйилмалар – реконструкция, модернизация, кенгайтириш.

Асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган капитал қурилиш объектларини сотилиши ички ёки реал капитал инвестиция фаолияти бўйича пул киримларига олиб келувчи асосий операциялар хисобланади.

Молиявий инвестиция фаолияти – бу қурилиш ташкилотларининг ўз маблағларини ўзга корхоналарга ёрдам бериш ва қўшимча даромад олиш максадида киритиш билан боглиқ фаолиятидир. Ушбу фаолиятга доир пул чиқимларига олиб келувчи асосий хўжалик жараёнлари ва операциялари бўлиб қуйидагилар хисобланади.

*Банклар ва бошка акциядорлик жамиятлари акцияларини сотиб олиш;

*Давлатнинг ва корхоналарнинг облигацияларини сотиб олиш;

*Бошка корхоналарга маблағларни таъсис бадали сифатида киритиш;

*Бошка корхоналарга маблағларни кредит сифатида бериш;

*Пул маблағларини банкларга ва кредит уюшмаларига депозитга қўйиш.

Узок ва киска муддатли инвестицияларни кайтарилиши хамда улардан олинган дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар молиявий инвестиция фаолияти бўйича пул киримларига олиб келувчи асосий операциялар хисобланади.

3. Молиявий фаолият бўйича. Бу бўлимда курилиш ташкилотининг молиявий фаолият бўйича пул тушумлари ва тўловлари мос равишда кирим ва чиким устунчаларида (110-180 сатрлар) кўрсатилади. Чет эл валютасидаги молиявий фаолиятга доир пул маблағларининг кирим ва чикими маълумотноманинг 263, 272- устунчаларида кўрсатилади.

Курилиш ташкилотлари молиявий фаолиятга доир пул тушумларига олиб келувчи асосий хўжалик жараёнлари ва операциялари бўлиб куйидагилар хисобланади:

*Кимматли когозлар (акция, облигация ва бошкалар) чикариш ва сотиш;

*Кредит олиш;

*Карз олиш.

Курилиш ташкилотлари молиявий фаолиятга доир пул чиқимларига олиб келувчи асосий хўжалик жараёнлари ва операциялари бўлиб куйидагилар хисобланади:

*Чикарилган ва сотилган кимматли когозларни (акция, облигация ва бошкалар) кайта сотиб олиш;

*Олинган кредитлар ва карзларни кайтариш;

*Дивиденд ва фоизларни тўлаш.

Ҳар бир бўлимдан кейин хисоботнинг алохида сатрларида фаолият тури бўйича соф пул киримн/чикими кўрсатилади. Бу курилиш ташкилотида ҳар бир фаолият тури бўйича хисобот даврида кўпрок киримга ёки чикимга эришганликни аниклашга имкон беради.

Ҳисоботнинг алоҳида сатрида (220-сатр) қурилиш ташкилотининг молиявий-хўжалик фаолиятининг жами соф пул кирим/чикими барча фаолият турлари бўйича биргаликда кўрсатилади. Бунинг учун барча фаолият турлари бўйича пул тушумлари ва тўловларининг гурухланган суммалари (050,100, 180, 210-сатрлар)нинг фарки (+,-) мос равишда кирим ёки чиким устунида акс эттирилади.

Ҳисоботнинг охирги иккита сатрида (230 ва 240-сатрлар) мос равишда хисобот даврнинг боши ва охирида мавжуд пул маблағларининг колдик суммалари кўрсатилади. Бунда 240-сатрда кўрсатилган пул маблағларининг охирги колдиғи 230-сатрда кўрсатилган пул маблағларининг бош колдиғи ва 220-сатрда кўрсатилган хисобот давридаги пул маблағларининг соф кирим/чиким суммалари йиғиндиси ёки айирмасига тенг бўлиши лозим.

Пул окимлари тўғрисида хисобот пул маблағлари хисоби учун мўлжалланган счётлар (5000, 5100, 5200, 5500) маълумотлари асосида тузилади.

Хусусий капитал тўғрисида хисобот (5-шакл)

Ушбу хисоботнинг асосий максади фойдаланувчиларга курилиш ташкилотининг хусусий капиталининг холати ва унинг ўзгариши тўғрисида пул ўлчов бирлигидаги маълумотларни бериш хисобланади.

Ҳисобот тўккизта устунчадан иборот. Унинг 1 ва 2-устунларида хисоботнинг кўрсаткичлари ва уларга биркитилган сатрларнинг рақамлари кўрсатилади. Ҳисоботнинг 3-8 устунлари хусусий капиталнинг алохида турларининг холати ва харакатига доир маълумотларни акс эттиришга мўлжалланган.

Ҳисоботнинг хар бир сатрида хусусий капиталнинг холати, кўпайиши ва камайиши, шунингдек, турли бошка маълумотлар кўрсатилади. Ушбу маълумотлар хусусий капиталнинг элементларини хисоби учун мўлжалланган счётлардан (8300, 8400, 8500, 8600, 8700, 8800) олинади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Молиявий хисобот – бу курилиш ташкилотларининг маълум хисобот даврида эришган натижалари хамда уларнинг мулкий ва

молиявий ҳолатини миллий валютада ифодаловчи ахборотларни жамлаш усули.

Ҳисобот даври – бу тақвим йилнинг 1 январидан 31 декабригача бўлган давр, тақвим йилининг 1 октябридан кейин давлат рўйхатидан ўтган қурилиш ташкилотлари учун биринчи ҳисобот йили бўлиб давлат рўйхатидан ўтган санадан келгуси йилнинг 31 декабригача бўлган давр.

Бухгалтерия балансининг максади – бу фойдаланувчиларга қурилиш ташкилотининг маълум бир санага мулкий ва молиявий ҳолати тўғрисида *миллий пул бирлигида* ахборот беришдир.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг асосий максади – қурилиш ташкилотларининг ҳисобот даврларидаги даромадлари, харажатлари, фойда ва зарарлари тўғрисидаги йиғма маълумотларни акс эттиришдир.

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботнинг асосий максади – қурилиш ташкилоти ҳисобот даврида юз берган пул оқимлари (кирим ва чиқим), шунингдек, пул маблағларининг давр боши ва охиридаги ҳолати тўғрисида йиғма маълумотларни акс эттиришдир.

Хусусий капитал тўғрисида ҳисоботнинг асосий максади – бу фойдаланувчиларга қурилиш ташкилотининг хусусий капиталининг ҳолати ва унинг ўзгариши тўғрисида пул ўлчов бирлигидаги маълумотларни беришдир.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотноманинг асосий максади – қурилиш ташкилотининг ҳисобот даври охирига бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотларни турли белгилари бўйича гуруҳлаб кўрсатишдир.

Тушунтириш хати – бу қурилиш ташкилотининг ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларнинг сабаблари, молиявий-хўжалик фаолиятида мавжуд салбий жиҳатлар, жумладан, хўжалик фаолиятини зарар билан якунлашга олиб келган сабабларни очиб берувчи қўшимча маълумотлар.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1.Бажарилган ишларга тўғри келадиган ККС қайси ҳисоботда акс эттирилади?

а) бухгалтерия балансида;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда;

в) хусусий капитал тўғрисида ҳисоботда;

г) юқорида келтирилган ҳисоботларда акс эттирилмайди.

2. Келгуси давр харажатлари қолдиғи қайси хисобот шаклида акс эттирилади?

а) бухгалтерия балансида;

б) молиявий натижалар тўғрисида хисоботда;

в) хусусий капитал тўғрисида хисоботда;

г) юқорида келтирилган хисоботларда акс эттирилмайди

3. Қурилиш ташкилотининг соф тушуми қайси хисобот шаклида акс эттирилади?

а) бухгалтерия балансида;

б) молиявий натижалар тўғрисида хисоботда;

в) хусусий капитал тўғрисида хисоботда;

г) юқорида келтирилган хисоботларда акс эттирилмайди.

4. Қурилиш ташкилотининг хисобот давр соф фойдаси қайси хисобот шаклида акс эттирилади?

а) бухгалтерия балансида;

б) молиявий натижалар тўғрисида хисоботда;

в) хусусий капитал тўғрисида хисоботда;

г) юқорида келтирилган хисоботларда акс эттирилмайди.

5.Қурилиш ташкилотга буюртмачилардан келиб тушган пул маблағлари қайси хисобот шаклида акс эттирилади?

а) бухгалтерия балансида;

б) молиявий натижалар тўғрисида хисоботда;

в) хусусий капитал тўғрисида хисоботда;

г) пул оқимлари тўғрисида хисоботда.

6.Қурилиш ташкилотларида муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар қайси хисобот шаклида акс эттирилади?

а) бухгалтерия балансида;

б) молиявий натижалар тўғрисида хисоботда;

в) дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотномада;

г) пул оқимлари тўғрисида хисоботда

7.Кичик бизнес субъекти хисобланган қурилиш ташкилотлари молиявий хисоботни топширади:

а) хар ойда;

б) хар чоракда;

в) йил якуни бўйича;

г) икки йилда бир марта.

8. Кичик бизнес субъекти хисобланган курилиш ташкилотлари топширадиган молиявий хисобот таркибига кирмайди:

а) бухгалтерия баланси;

б) молиявий натижалар тўғрисида хисобот;

в) дебиторлик ва кредиторлик карзлар тўғрисида маълумотнома;

г) пул окимлари тўғрисида хисобот.

9.Курилиш ташкилоти бухгалтерия баланси асосида унинг жорий тўлов кобилияти даражаси (коэффициенти) кандай топилади?

а) баланс валютаси суммаси мажбуриятлар суммасига бўлинади;

б) жорий активлар суммаси жорий мажбуриятлари суммасига бўлинади;

в) пул маблаглари жорий мажбуриятлар суммасига бўлинади;

г) баланс активи 2-бўлими суммасини баланс пассиви 2-бўлими суммасига бўлиш йўли билан.

10 Курилиш ташкилоти ўз молиявий хисоботларини мажбурий топширмайди:

а) давлат солик инспекциясига;

б) давлат статистика органларига;

в) хизмат кўрсатувчи банкга;

г) аудиторлик ташкилотига.

II БУЛИМ.

АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

9-боб. Автотранспорт корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари

10-боб. Автотранспорт воситалари ва улар иш фаолиятининг ҳисоби

11-боб. Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳисоби

12-боб. Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархини калькуляция қилиш

13-боб. Автотранспорт корхоналарида молиявий натижалар кўрсаткичларининг ҳисоби ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг хусусиятлари

14-боб. Автотранспорт корхоналарида солиқлар, мажбурий ажратмалар ва тўловларнинг ҳисоби

9-БОБ. АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

9.1.Автотранспорт корхоналарининг бухгалтерия хисоби субъекти сифатидаги тавсифи ва улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Республикамиз иқтисодиёти тараққиётида транспорт тармоғи муҳим аҳамиятга эга. Бу тармоқ ўз ичига темир йўл, ҳаво йўллари, дарё, денгиз, ер ости ва ер усти йўллари транспортларини олади.

Республикамизнинг географик ўрни, табиий-иклимий шароити, уни дунёнинг бошқа мамлакатлари билан боғловчи дарё ва денгиз йўлларининг йўқлиги, шунингдек бошқа объектив ва субъектив шароитлар сабабли мамлакатимиз транспорт тармоғида автотранспорт ўзига хос ўрин эгаллайди. Чунончи, республикамизда ташилаётган юк ҳажмининг 85 фоизи, йўловчи ташиш ҳажмининг 96 фоизи айнан автотранспортга тўғри келади. Бу, ўз навбатида, автотранспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналарни мамлакатимиз иқтисодиётида катта аҳамият касб этишини, шунингдек уларни бухгалтерия хисобининг муҳим субъектларидан бири эканлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган халқ хўжалиги тармоклари умумдавлат классификатори (ХХТУТ)га мувофиқ автотранспорт корхоналари алоҳида турларига қуйидаги тармоқ кодлари ажратилган (9.1-жадвалга қаранг).

9.1-жадвал

Автотранспорт сохаси субъектларига ажратилган ХХТУТ кодлари

ХХТУТ коди	Тармоқ ва унга кирувчи ташкилотлар	Изоҳ
51121	Автомобил хўжалиги	Автомобил хўжалигидан фойдаланувчи ва хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар: трестлар, бирлашмалар, ихтисослаштирилган бошқармалар, автомобил хўжаликлари, автомобил корхоналари, автобус ва таксомотор парклари, автотранспорт идоралари ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 275-сон карори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи» (ИФУТ)га мувофиқ автотранспорт корхоналари алоҳида фаолият турларига қуйидаги иқтисодий фаолият кодлари бириктирилган (9.2-жадвалга қаранг).

9.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ИФУТда автотранспорт корхоналари иқтисодий фаолият турларига ажратилган харфли-рақамли кодлар тизими

Бўлим	Гуруҳ	Синф	Кичик синф	НОМ	ИФУТ коди	ХХТУТ коди
H секцияси				**ТАШИШ ВА САҚЛАШ**		
49	49.3			Қуруқликдаги бошқа йўловчи транспорти		
		49.31	49.31.0	Шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган қуруқликдаги йўловчи транспорти	60211 60212 60213 60214 60219	51121 51112 51122 51113
		49.32	49.32.0	Такси фаолияти	60220	51121
		49.39	49.39.0	Бошқа тоифаларга киритилмаган қуруқликдаги йўловчи ташишнинг бошқа турлари	60230 60211	51121 51400
	49.4			Автомобил транспортида юк ташиш ва чиқиндиларни ташиб чиқариш бўйича хизматлар		
		49.41	49.41.0	Автомобил транспортида юк ташиш	60240	51121
		49.42	49.42.0	Кўчиш бўйича хизмат кўрсатиш	60240	51121

Автотранспорт корхоналарини бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатида турли белгилари бўйича таснифлаш ва тавсифлаш мумкин.

Мулкий шаклига кўра автотранспорт корхоналари давлат, нодавлат ҳамда аралаш мулк шаклидаги корхоналарга бўлинади.

Ташкилий-ҳуқуқий мақомига кўра автотранспорт корхоналари акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамият, хусусий корхона ҳамда давлат унитар корхонаси каби турларга бўлинади. Бу турдаги корхоналарни тузиш ва улар фаолиятини юритиш тартиби республикамизнинг махсус конунлари ва давлат корхоналари тўғрисида Низом билан белгиланган.

Таъсисчиларининг таркибига кўра автотранспорт корхоналари маҳаллий ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бўлинади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги автотранспорт корхоналари устав капиталининг миқдори бошқа турдаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сингари энг камида 600 миллион сўм миқдорида бўлиши, шунингдек унинг камида 30 фоизи хорижий таъсисчилар маблағларидан ташкил топиши лозим.

Фаолият юритиш доирасига кўра автотранспорт корхоналари халқаро ва маҳаллий миқиёсда фаолият юритувчи корхоналар ҳисобланади. Маҳаллий миқиёсдаги автотранспорт корхоналари, ўз навбатида, фаолиятини шаҳарлараро ва шаҳар миқиёсида юритувчи корхоналарга бўлинади.

Ихтисослашганлигига кўра автотранспорт корхоналари юк ташиш ҳамда йўловчи ташишга ихтисослашган корхоналарга бўлинади. Ушбу турдаги корхоналар мос равишдаги автотранспорт воситаларига эга бўлади. Мос равишдаги транспорт воситаларига эгалик қилиш ушбу корхоналарнинг номланишида ҳам ўз аксини топади. Мисол учун «Автобус парки», «Таксомотор парки», «Автобаза», «Автожамғарма» каби номлардан ушбу корхоналарнинг қайси хизмат турига ихтисослашганлигини билиш мумкин.

Ходимларининг сонига кўра автотранспорт корхоналари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари микрофирмалар, кичик корхоналар, ўрта ва йирик корхоналарга бўлинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 275-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг ИФУТ асосида такомиллаштирилган таснифлагичи»га мувофиқ автотранспорт соҳасида ходимларнинг сони микрофирмалар ва кичик корхоналар учун қуйидагича белгиланган (9.3-жадвалга қаранг).

9.3-жадвал

Автотранспорт сохасида кичик бизнес субъектига кирувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ходимлар сонининг минимал миқдори

Бу-лим	Гурух	Синф	Қўши синф	Номи	Ходимларнинг ўртача йиллик сони	
					микро-фирма-лар	Кичик корхо-налар
49	49.3	49.31	49.31.0	Шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган қуруқликдаги йўловчи транспорти	1-10	11-50
49	49.3	49.32	49.32.0	Такси фаолияти	1-10	11-50
49	49.3	49.39	49.39.0	Бошқа тоифаларга киритилмаган қуруқликдаги йўловчи ташишнинг бошқа турлари	1-10	11-50
49	49.4	49.41	49.41.0	Автомобил транспортида юк ташиш	1-10	11-50
49	49.4	49.42	49.42.0	Кўчиш бўйича хизмат кўрсатиш	1-10	11-50

Танлаган солиқ режимига кўра автотранспорт корхоналари умумбелгиланган ва ихчамлаштирилган солиқ режимларида ишловчи корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ йиллик оборoти 1 млрд. сўмдан ошмайдиган автотранспорт корхоналари ихчамлаштирилган солиқ тўловлари режимида ишлашлари мумкин. Йиллик оборoти 1 млрд сўмдан ортиқ бўлган автотранспорт корхоналари умумбелгиланган солиқларни тўлайдилар.

Республикамизнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ автотранспорт корхоналарининг фаолияти асосий ва асосий бўлмаган фаолият турларига бўлинади. Автотранспорт корхоналарининг асосий фаолияти бўлиб автотранспорт ёрдамида бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳисобланади. Уларнинг асосий бўлмаган фаолиятига молиявий, инвестиция ва бошқа фаолият турлари киради.

Автотранспорт корхоналарида бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) деганда автотранспорт ёрдамида аҳолига ва юридик шахсларга юк ташиш ҳамда йўловчи ташиш бўйича бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) тушунилади. Автотранспорт ёрдамида бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажмининг пул бирлигидаги қиймати мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида ўз аксини топади.

Автотранспорт воситалари томонидан бажариладиган ишлар (кўрсатиладиган хизматлар) ҳажмини ифодаловчи соний ҳамда сифат кўрсаткичлар автотранспорт корхонасининг маълум даврлар учун тузиладиган бизнес режа (трансмолиярежа)сида ўз аксини топади. Бухгалтерия ҳисоби ушбу кўрсаткичлар бўйича бизнес режа (трансмолиярежа)да кўрсатилган марраларни бажарилишини назорат ҳамда таҳлил қилишда муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

Автотранспорт корхоналарининг юк ташиш ва йўловчи ташиш бўйича кўрсатадиган хизматлари қатъий лицензияланадиган фаолият ҳисобланади. Ушбу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи автотранспорт корхоналарига Ўзбекистон Республикасининг автомобил ва дарё транспорти агентлиги томонидан берилади.

9.2.Автотранспорт корхоналари ҳисоб сиёсатининг хусусиятлари

Автотранспорт корхоналари ҳисоб сиёсатида бошқа турдаги корхоналар сингари танлаб олинган бухгалтерия ҳисоби объектларини тан олиш мезонлари, улар ҳисобини юритишга асос бўлувчи ҳужжатлар тизими, ички счётлар режаси, бошланғич ҳужжатлар айланиши, архив ишини ташкил қилиш, товар-моддий бойликларни инвентаризациясини ўтказиш жадвали, ҳисобни юритишга доир бошқа тартиб-қоидалар ўз аксини топиши лозим.

Автотранспорт корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шаклини белгилашда уларнинг катта-кичиклиги, макоми, ҳужжатлар сони ва бошқа жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, йирик автохўжаликларда бажариладиган ҳисоб-китоб ишларининг кўплиги махсус бухгалтерияни ташкил қилишни, шунингдек унинг таркибида алоҳида бўлимларни (масалан, транспорт воситалари иш фаолияти ҳисоби бўлими, моддий бойликлар ҳисоби бўлими, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоб-китоби бўлими, молиявий ҳисоб-китоблар бўлими ва бошқалар) очишни тақозо этади. Микрофирмалар ва кичик корхоналар мақомидаги автотранспорт корхоналарида махсус ҳисоб бўлинмаси ташкил қилинмаслиги, ушбу ишлар шартнома асосида ишга қабул

қилинган якка бухгалтер ёки махсус бухгалтерлик фирмалари томонидан юритилиши мумкин.

Автотранспорт корхонасида бухгалтерия хисобининг тўғри ташкил этилганлигига унинг рахбари бевосита жавобгар ва масъулдирлар. Чунончи, рахбар бухгалтерия хисобини ташкил этилиши ва юритилишини таъминлаш максадида бухгалтерия тўғрисида Низом, бош бухгалтер ва бухгалтерларнинг касбий маҳоратига қўйиладиган талаблар, бухгалтерлар ўртасида функционал мажбуриятларнинг таксимоти, мехнат шартномалари ва бошка ички меъёрий ҳужжатларни ўз буйруғи билан тасдиклаши лозим. Ушбу ички меъерий ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларга амал қилиш автохўжаликларда бухгалтерия хисобини тўғри ташкил қилиниши ва юритилишининг муҳим омилларидан хисобланади.

Автотранспорт корхоналари хисоб сиёсатида автотранспорт ердамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинадиган даромадлар, уларга доир сарф-харажатлар ҳамда якуний молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни тан олиш ва хисобини юритиш усуллари аник белгилаб қўйилиши лозим. Чунончи, хисоб сиёсатида накд пул асосида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромадларни касса усулида, накдсиз пул асосида бажарилган бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромаларни эса хисоблаш усулида тан олиш ҳамда хисобга олиш тартибини аник белгилаб қўйиш максадга мувофик. Бундан ташқари хайдовчилар томонидан йўловчилардан териб олинган накд пул хисобидан қилинган сарф-харажатлар (масалан йўлда олинган ёкилги, эхтиёт кисмлар, таъмирлашга сарфланган пул маблағлари)ни даромад сифатида тан олиш ва тегишли счётларда акс эттириш тартиби хисоб сиёсатида аник ифодаланиши лозим.

Автотранспортда накдсиз пулга бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинадиган даромадларни тан олишда хисоб-китоб ҳужжатларини такдим этиш бўйича белгиланган тартиб мухим ахамият касб этади. Айнан шартномаларда белгиланган тартибга кўра накдсиз пулга бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромадлар счет – фактуралар асосида хар куни, хар ой охирида, иш (хизмат)лар тўлиқ ёппасига тугагандан сўнг тан олиниши мумкин. Автотранспорт корхонаси томонидан даромадларни тан олиш ва хисобини юритишнинг ушбу усуллардан қаиси бири танлаб олинганлиги ёки уларнинг хар бирини қайси турдаги ишлар учун қўлланилиши хисоб сиёсатида аник ифодаланган бўлиши лозим.

Автотранспорт ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг характерли жиҳатларидан бири шундаки, улар бўйича тугалланмаган ишлаб чикариш мавжуд бўлмайди, яъни хисобот даври

давомида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга килинган барча сарф-харажатлар шу хисобот даврида ушбу иш (хизмат)лар таннархи сифатида тан олинади ва хисобдан чикарилади. Республикамизда кабул килинган тартибларга мувофик транспорт ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга кетган сарф-харажатлар хисоблаш усули бўйича, шунингдек хисобот даврлари даромадлари ва харажатларининг мослиги, мухимлилик каби тамойиллар асосида тан олиниши хамда хисобда акс эттирилиши лозим.

Автотранспорт ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархини аниклашда турли калькуляция бирликлари кўлланилади. Чунончи, юк ташиш автотранспортлари учун таннарх калькуляцияси уларнинг турлари бўйича 1 соатлик иш, 1 тонна юк, 1 тонна-километрга тузилади. Йўловчи ташишга мўлжалланган автотранспортлар учун таннархни калькуляция килиш бирлиги сифатида транспорт воситаларининг турлари бўйича 1 соатлик иш, 1 та йўловчи ёки 1 кишi-километр олинади. Автотранспорт корхоналари ушбу калькуляция бирликлари бўйича бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат)лар таннархи хисобини хисобот даврида норматив таннарх, режа таннархи ёки хакикий таннарх усулларидан бири бўйича олиб боришлари мумкин. *Ушбу усулларнинг кайси бири танлаб олинганлиги автотранспорт* корхонасининг хисоб сиёсатида ўз аксини топиши лозим. Норматив таннарх ва режа таннархи усулларини танлаб олган корхоналар хисоб сиёсатида мос равишда норматив ва режа таннархидан четланишларни хисобга олишнинг аник тартиби белгиланиши лозим.

Автотранспорт ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг таннархи, шунингдек автотранспорт корхонаси томонидан олинадиган фойда суммаси уларга сарфланган материаллар (ёкилги, мойлаш материаллари, эхтиёт кисмлар ва бошкалар) кийматини баҳолаш усулларига тўгридан-тўгри богликдир. Республикамизнинг 4-сон БХМС «Товар-моддий захиралар»га мувофик автотранспорт корхоналари ўз моддий бойликлари кийматини ФИФО, АВЭКО, идентификациялаш усуллари бўйича хисобини юритишлари мумкин хисобланади. Белгиланган тартибга кўра ушбу усулларнинг барчасини кўллаш таъкикланмаган. Бирок, автотранспорт корхоналарида бошка корхоналардаги каби бир хил номдаги ТМЗлар бўйича бир вактнинг ўзида баҳолашнинг турли усулларини кўллаш мумкин эмас. Шу боис хам, автотранспорт корхоналари ўзларининг хисоб сиёсатида ТМЗлар кийматини баҳолашнинг танланган усулларини уларнинг турлари бўйича аник кўрсатишлари хамда унга амал килишлари лозим.

Автотранспорт корхоналари фаолиятида автотранспортга кўйиладиган автошиналар, аккумулятор ва шу каби бошка агрегатлар мухим ўрин тутади. Ушбу эхтиёт кисмларни хисобдан чикариб боришнинг

белгиланган тартиби хам бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига катта таъсир кўрсатади. Чунончи, уларни автомашиналарга қўйилган вактида хисобдан чикариш айнан шу даврга тўгри келувчи таннарх суммасини кескин ошиб кетишига олиб келади. Ушбу активларни белгиланган хизмат муддатларида бир маромда хисобдан чикариб бориш тартибини қўллаш таннархни кескин ошиб кетиши олдини олади. Шунинг учун хам автотранспорт корхоналарида эхтиёт кисмларни хисобдан чикариб боришнинг рационал усулини танлаб олиш ва унга амал килиш улар хисоб сиёсатининг мухим жихатларидан бири бўлиб хисобланади.

Бозор муносабатлари автотранспорт корхоналарида бошка хўжалик юритувчи субъектлардаги каби даргумон дебиторлик карзларни бевосита ёки ташкил килинадиган махсус резерв эвазига хисобдан чикариш усулларидан бирини хисоб сиёсатида аник белгилаш талабини кўяди.

Автотранспорт ёрдамида бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат)лар автотранспорт корхоналарида турли хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи хўжаликлар (масалан, диспетчерлик бўлими, таъмирлаш цехлари, автомобил ёғилғиларини куйиш шахобчалари, гараж, омборхона, тиббий кўрик бўлими ва шу кабилар) фаолиятини узлуксиз кулатиш хамда хужжатли асосда хисобга олиб боришни таъкозо этади. Ушбу хусусиятлар автотранспорт корхоналарида ўзига хос бошлангич хужжатлар тизимини шакллантиришни, уларни тузилишидан тортиб, то архивга топширилишига кадар бўлган айланиш графигини аник белгилашни, шунингдек бошлангич хужжатлар асосида тегишли хисоб регистрларини юритиш талабини кўяди.

Автотранспорт корхоналарида бошка корхоналар сингари бухгалтерия хисоби журнал-ордер, меморнал-ордер, бош-журнал ва ихчамлаштирилган шакллардан бири бўйича кўлда ёки замонавий компьютерли технологияларга асосланилган холда юритилиши мумкин. Танланган хисоб шакли, унга мос хисоб регистрларини юритиш таксимоти ва тартиби автотранспорт корхонаси хисоб сиёсатида аник ифодаланган бўлиши лозим.

Автотранспорт корхоналари фаолиятининг хусусиятлари уларда узига хос ишчи счётлар режасини ишлаб чиқишни хамда уни кўллашни талаб килади. Чунончи, автотранспорт ёрдамида бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат)ларнинг накд пул ва накдсиз пулга амалга оширилиши, уларни кўшилган киймати солиғига тортилишидаги хусусиятлар, товар-моддий бойликларни хизмат муддати давомида бир маромда хисобдан чикариб боришнинг мухим ахамият касб этиши ва бошка жихатлар ишчи счётлар режасида алохида махсус счётларни очарда тутишни зарурат килиб кўяди.

9.3. Автотранспорт корхоналарида бухгалтерия хисобининг вазифалари

Автотранспорт корхоналарида бошка корхоналар сингари бухгалтерия хисобининг объектлари бўлиб асосий ва асосий бўлмаган фаолият турлари, уларни ташкил килувчи жараён ва операциялар, фаолият турларининг олиб борилишини таъминловчи активлар, активларни ташкил топиш манбалари, шунингдек эришилган молиявий натижалар хисобланади. Бухгалтерия хисобининг ушбу объектлари автотранспорт корхоналарида, бир томондан, ўзига хос хусусиятларга, иккинчи томондан эса, барча корхоналардаги каби умумий жихатларга эга.

Автотранспорт корхоналари асосий фаолиятини бевосита автотранспорт воситалари билан боғликлиги бухгалтерия хисобидан энг аввалгамбор ушбу воситаларнинг мавжуд холати ва харакати, улар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар, олинган даромад ва килинган харажатлар, автотранспорт хизматидан эришилган молиявий натижалар тўгрисидаги ахборотларни йигиш, кайд этиш, гурухлаш, жамлаш каби функцияларни бажаришни такозо этади. Бундан ташкари хисоб ходимлари автотранспорт воситалари иш фаолиятини сонний ва сифат жихатдан нфодаловчи кўрсаткичларни доимий назорат ва тахлил килиш, назорат ва тахлил натижаларини тегишли бошкарув карорларини кабул килиш максадида рахбарнятга хамда бошка фойдаланувчиларга ўз вактида етказиб бериш каби функцияларни хам бажаришлари лозим.

Автотранспорт томонидан бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат)лар накд хамда накдсиз пулга амалга оширилади. Автотранспорт корхоналари томонидан накд пулга кўрсатилган хизматлар аholiга кўрсатилган пуллик хизматларнинг мухим турларидан бири хисобланади. Ушбу пуллик хизматларнинг хажми автотранспорт корхоналарининг кассасига топширилган пул миклори билан, шунингдек сотилган йўл чипталари, талонлар хамда хайдовчилар томонидан йўлда ёкилги сотиб олиш учун сарфланган йўл пули миклоридан иборат бўлади. Накдсиз пулга автотранспорт хизматлари тузилган шартномалар асосида кўрсатилади. Ушбу хизматлар хажми буюртмачиларга такдим этилган ва улар томонидан тўлов учун кабул килинган счёт-фактуралар асосида аникланади. Ушбу хусусиятлар автохўжаликларда бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар хажмини хисоб-китоб ва тўлов турлари бўйича алохида-алохида хисобга олиш зарурати борлигидан дарак беради.

Автотранспорт ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларни кўшилган киймат солиги (ККС)га тортишда хам ўзига хос

хусусиятлар мавжуд. Чунончи, биргина автотранспорт ёрдамида йўловчи ташишда шаҳаричи маршрутларидан тушган тушумлар ҚҚСга тортилмайди. Шаҳарлараро ва шаҳар ҳудудидан 10 километрдан ортиқ масофадаги манзилларга йўловчи ташишдан тушган тушумлар ҚҚСга тортилади. Юк ташишдан тушумлар уларнинг шаҳаричи ёки шаҳарлараро қатновидан қатъий назар ҚҚС тўловчи автотранспорт корхоналарида ҚҚСга тортилади. Автотранспорт томонидан бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат)ларни ҚҚСга тортишдаги ушбу хусусиятлар бухгалтерия ҳисоби олдига автотранспорт корхоналарида ҚҚСга тортиладиган ҳамда унга тортилмайдиган даромадларни алоҳида ҳисобга олиш талабини қўяди.

Автотранспорт корхоналари фаолиятида транспорт воситаларининг муҳим аҳамиятга моликлиги ҳайдовчилар ҳамда бошқа техник ходимлар меҳнати ва улар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил қилишда ўзига хос ёндашишни талаб қилади. Чунончи, автотранспорт воситаларини эксплуатация қилиш ҳамда улар бутлигини ва ишга лойиқлигини таъминлаш зарурати, автотранспортнинг турлари, маркалари, уларнинг юк ташиш имкониятлари, бошқариш даражасининг мураккаблиги, махсус разрядларни талаб қилишлиги ёки қилмаслиги, ишлаш режимлари ва шу каби бошқа омиллар автохўжаликларда меҳнатни ташкил қилишнинг, мос равишда моддий жавобгарликнинг якка ҳамда бригада шаклларидан кенг фойдаланишни, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай ва вақтбай турларини кенг қўллашни тақозо этади. Ушбу хусусиятлар автохўжаликларда меҳнат ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобини ташкил қилишда махсус ёндашишни зарурат қилиб қўяди.

Автотранспорт воситаларининг иш фаолияти уларни ҳаракатга келтирувчи ёғилғи, ёғлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва шу каби бошқа моддий бойликларнинг тегишли миқдорда мавжудлигига, уларнинг бутлиги, сифати ва бошқа жиҳатларига боғлиқ. Шу боис ҳам ушбу активлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш ишлаб автохўжаликлар фаолияти иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Юқоридаги хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда автотранспорт корхоналарида бухгалтерия ҳисоби олдида турган асосий вазифаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- автотранспорт воситалари ҳолати ҳамда ҳаракатини тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш, улар асосида транспорт воситаларининг аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш;
- автотранспорт воситаларининг иш фаолиятини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромадларни ҳисобот даврлари бўйича ҳисобга олиш, уларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш;

• автотранспорт воситаларини эксплуатация қилишга доир харажатларнинг тизимли ҳисобини юритиш, ҳисоб маълумотлари асосида бажарилган иш (курсатилган хизмат)ларнинг ҳаққий таннархини аниқлаш;

• автотранспорт воситалари фаолиятини узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш захиралари (ёқилғи, ёғлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар) ҳолати ҳамда ҳаракатига доир бошланғич ҳужжатлар, моддий ҳисоботлар, шунингдек ҳисоб регистрларини ўз вақтида ва тўғри тузилишини таъминлаш;

• автотранспорт ёрдамида нақдсиз пулга бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар бўйича ҳисоб-китобларни барча буюртмачилар бўйича ўз вақтида ва тўғри олиб бориш;

• кўрсатилган автотранспорт хизматларидан олинган нақд пул тушумларини корхона кассасига киритм қилинишини, нақд пул ҳисобидан ҳайдовчилар томонидан автомобил ёғлиқларининг харид қилинишини, пул маблағларининг банк муассассига топширишини тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш;

• автотранспорт ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан эришилган молиявий натижалар кўрсаткичларини тўғри шакллантириш, уларни бухгалтерия счётлари ва ҳисобот шаклларида тўғри акс эттириш;

• меҳнат ҳаки, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тўғри ҳамда ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Транспорт – буўз ичига темир йўл, ҳаво йўллари, дарё, денгиз, ер ости ва ер усти йўллари транспортларини олувчи халқ хўжалигининг махсус тармоғи.

Автотранспорт - транспорт тармоғининг автомобиллар ёрдамида юк ва йўловчи ташишга ихтисослашган сохаси.

Автотранспорт корхонаси - автомобиллар ёрдамида юк ва йўловчи ташишга ихтисослашган юридик шахс.

Автотранспорт корхоналарида бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) - автотранспорт ёрдамида аҳолига ва юридик шахсларга юк ташиш ҳамда йўловчи ташиш бўйича бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар).

Автотранспорт корхонасининг ҳисоб сиёсати – автотранспорт корхонаси раҳбари томонидан танлаб олинган бухгалтерия ҳисоби объектларини тан олиш мезонлари, улар ҳисобини юритишга асос бўлувчи ҳужжатлар тизими, ишчи счётлар режаси, бошланғич

ҳужжатлар айланиши, архив ишини ташкил килиш, товар-моддий бойликларни инвентаризациясини ўтказиш жадвали, хисобни юритишга доир бошка тартиб-коидалар мажмуаси.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ

1.Автотранспорт - бу:

а) транспорт тармоғининг сохаси;

б) жараён;

в) фаолият тури;

г) олдинги барча жавобларнинг барчаси тўғри.

2.Автотранспорт корхоналари:

а) акциядор жамиятлари бўлиши мумкин эмас;

б) кичик корхона бўла олмайди;

в) масъулияти чекланган жамият бўлиши мумкин эмас;

г) олдинги барча жавоблар нотўғри.

3. Автотранспорт корхоналарида бухгалтерия хисоби объектларига киради:

а) активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал;

б)хўжалик фаолияти турлари;

в) хўжалик фаолияти натижалари;

г) юкоридаги жавобларда келтирилганларнинг барчаси.

4. Автотранспорт корхоналарининг асосий фаолиятига киради:

а) юк ташиш;

б) йўловчи ташиш;

в) хизматларни реклама қилиш;

г) юкорида санаб ўтилганларнинг барчаси.

5.Автотранспорт корхоналарининг асосий фаолияти:

а) лицензиялаштирилади; б) лицензиялаштирилмайди;

в) рухсатнома олинади; г) айрим ишлар лицензиялаштирилади.

6. Автотранспорт корхонаси хисоб сиёсатини белгилайди:

а) Вазирлар Махкамаси;

б) Ўзавто ва дарё транспорти агентлиги;

в) корхонанинг рахбарият органи;

г) бош бухгалтер.

Хўжалик ситуацияси

Автотранспорт корхонаси ихтиерида мавжуд: ёкилги – 4000000 сўм; автошиналар – 6000000г сўм; транспорт воситалари (коллик

кийматида) – 120000000 сўм; пул маблағлари – 7000000 сўм; дебиторлик қарзлар – 15000000 сўм ; устав капитали – 75000000 сўм; резерв капитали – 5500000 сўм; кредиторлик қарзлар – 67000000 сўм; тақсимланмаган фойда – 3500000 сўм; мақсадли тушумлар – 6000000 сўм; бошқа эҳтиёт кисмлар – 5000000 минг сўм.

Хўжалик ситуацияси шартида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги саволларга жавобларни топинг.

1.Корхона баланси валютаси суммаси тенг:

а) 120000000 сўмга;

б) 156000000 сўмга;

в) 157000000 сўмга;

г) Тўғри жавоб йўқ.

2. Корхонанинг жорий активлари суммаси тенг:

а) 0 сўм сўм; б) 37000000 сўм;

в) 36000000 сўм; г) Тўғри жавоб йўқ.

3.Корхонанинг ишлаб чиқариш заҳиралари суммаси тенг:

а) 15000000 сўм; б) 130000000 сўм;

в) 135000000 сўм; г) Тўғри жавоб йўқ.

4.Корхонанинг хусусий капитали суммаси тенг:

а) 84000000 сўм; б) 75000000 сўм;

в) 90000000 сўм; г) 3500000 сўм.

5. Корхонанинг жорий тўлов қобилияти даражаси неча фоиз?

а) 179 фоиз б) 55 фоиз

в) 41 фоиз г) 74 фоиз

10-БОБ. АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАР ИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲИСОБИ

10.1. Автотранспорт воситаларининг таснифи, тавсифи ва баҳоланиши[15]

Автотранспорт корхоналари моддий техника базасида автотранспорт воситалари (АТВ) бош ролни ўйнайди. Уларсиз автотранспорт корхоналари ўзларининг юк ташиш, йўловчи ташиш ҳамда бошқа иш (хизмат)лардан иборат бўлган асосий фаолиятини юрита олмайдилар. Шу боис ҳам, автотранспорт корхоналарида АТВларнинг етарли миқдорда мавжудлиги, уларнинг бутлиги, ишга яроклиги, янгиланиб туриши, шунингдек ҳар бир автомобиль иш фаолияти қатъий ҳисобини юритиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Автотранспорт корхоналари ихтиёридаги АТВларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин.

Ишлатилиш мақсадига кўра автотранспорт корхоналари АТВлари йўловчи ташиш, юк ташиш ва махсус ишларга мўлжалланган бўлади.

Йўловчи ташишга мўлжалланган АТВларга автобуслар, микроавтобуслар ҳамда такси сифатида ишлатиладиган енгил автомобиллар киради.

Юк ташишга мўлжалланган АТВларга бортли, фургонли, ўзи тўкгич (самосвал), тортгичли автомашиналар, шунингдек уларнинг тиркамалари ва яримтиркамалари мисол бўлади.

Махсус иш (хизмат)лари бажаришга мўлжалланган АТВларга сув, сут, ёқилғи, нон ва бошқа турдаги юкларни ташувчи, шунингдек махсус ишларни, масалан қурилиш мосламалари ва конструкцияларини кўтариш, синдириш, янчиш машиналари, ёнғин ўчириш, ахлат ташиш, асфальт йўлларни қор ва муздардан тозалаш, супириш, сув сепиш каби ишларни бажарувчи автомобиллар киради.

Барча турдаги ушбу АТВ ишлаб чиқилган жойи, номи, маркаси, истеъмол қиладиган ёқилғи турига кўра бир биридан фарқланади.

Ишлаб чиқилган жойига кура АТВ хорижий мамлакатларда ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобилларга бўлинади. Чунончи, республикамиз автотранспорт корхоналарида Россия, Белоруссия, Германия, Япония ва дунёнинг бошқа мамлакатларида, шунингдек республикамизнинг ўзида ишлаб чиқилган 100 дан ортиқ номдаги ва турли маркалардаги АТВлар ишлатилмоқда.

---

[15] Ушбу параграфни ёзишда З.У.Муҳаммадиева иштирок этди.

Истеъмол қиладиган ёқилғи турига кўра АТВлар бензин (Б), дизель ёғилғиси (Д), шунингдек суюлтирилган газ (СГ) ҳамда сиқилган табиий газ (ТГ)да ишлайдиган автомобилларга бўлинади.

Номи бир хил, лекин маркаси турлича бўлган АТВлар уларга сарфланадиган ёқилғининг базовий меъёрлари бўйича ҳам бир-биридан фарқланади (10.1-жадвалга қаранг).

10.1-жадвал

Автотранспорт воситаларининг айрим турлари бўйича ҳар 100 км масофага сарфланадиган ёқилғининг базовий меъёрлари

Транспорт тури, модели, маркаси ва модификацияси	Базовий меъёр, л/100 км	Ёқилғи тури
1.ЮК ТАШИШ АВТОМОБИЛЛАРИ		
ГАЗ		
ГАЗ- 52, -52А, -52-01, -52-03, -52-04, -52-05, -52-54, -52-74, -53Ф	22,0	Б
ГАЗ-52-07, -52-08, -52-09	30,0	СГ
ГАЗ -52-27, -52-28	21 (22)	ТГ
ГАЗ-53,-53А, -53-12, -52-12-016 ва б.	25,0	Б
ГАЗ-63,- 63А	26,0	Б
ГАЗ-66, -66А, -66АЭ, -66-01, -66-02, -66-04, -66-05, -66-11	28	Б
ГАЗ-3309, ГАЗ -5441	17	Д
ЗИЛ		
ЗИЛ-130, -130А1, -130Г, -130ГУ, -130С, -130-76, -130Г-76 ва бошқалар	31,0	Б
ЗИЛ-131, -131А	41,0	Б
ЗИЛ-133Г, -133Г1,-133Г2, -133ГУ	38,0	Б
ЗИЛ-133ГЯ	25,0	Д
ЗИЛ-138	42,0	СГ
ЗИЛ-138А, 138АГ	31 (32)	ТГ
ЗИЛ-150, ЗИЛ -151, -151А	39,0	Б
ЗИЛ-5301ПО	15,0	Д
КамАЗ		
КамАЗ-4310,-43105	31,0	Д
КамАЗ-5320	25,0	Д
КамАЗ-53219	22,0	ТГ6,5Д Ёки 26,0 Д
КрАЗ		
КрАЗ-255Б,-255Б1	42,0	Д
КрАЗ-257,- 257Б1	38,0	Д
МАЗ		

МАЗ-514	25,0	Д
МАЗ-543	98,0	Д
УАЗ		
УАЗ-451, -451Д, -451ДМ, -451М	14,0	Б
УАЗ-452, -452Д, -452ДМ	16,0	Б
УАЗ-3303Г, -3332-01	21,5	Б
УАЗ-3909	17,0	Б
БелАЗ		
БелАЗ-540, -540А	135	Д
БелАЗ-548А	160,0	Д
БелАЗ-548БГД	200,0	СГ
БелАЗ-549, -7509	270,0	Д
БОШКА МАМЛАКАТЛАР ЮК МАШИНАЛАРИ		
Татра 111 R	33,0	Д
Iveco-190,33	25,0	Д
Мерседес-бенц-1635S, -1926, -1928, -1935	23,0	Д
Мерседес-бенц-1834L,S	18,5	Д
Мерседес-бенц-1840	17,0	Д
Мерседес-бенц-2232S	27,0	Д
Volvo-1033	22,0	Д
VolvoFH-12/380	15,0	Д
Volvo FL 10	27,0	Д
Ford Transit FT 150/150L	10,0	Д
Ford Transit FT 150/150L 2.01	13,0	Б
2. АВТОБУСЛАР		
ПАЗ-695 (Б, Е, Ж, М, Н модиф.)	41,0	Б
ПАЗ-699Р	28,1	Д
ПАЗ-672, -672А, - 672Г ва бошкалар	34,0	Б
Икарус-55	28,0	Д
Икарус-280, -280,01	43,0	Д
Мерседес-бенц-308D	10,8	Д
Мерседес-бенц-0302	32,0	Д
Волгавен 2,0	11,5	Б
Волгавен 2,5D	9,4	Д
Олтой М-24	17,8	Д
Олтой М-24	44,6	ТГ
3. ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР		
ГАЗ-24,-24-10, 24-60	13,0	Б
ГАЗ-24-07	16,5	СГ
ГАЗ-3102, 3102-12	12,5	Б
ГАЗ-3105	13,7	Б
Audi 80 1,6	13,1	Б
BMW M3	11,0	Б

BMV 725	10,1	Д
Мерседес-бенц Е 200	9,5	Б
Мерседес-бенц Вито 110D	9,6	Д
Nissan Almera 1.5	7,6	Б
Nissan Patrol GD 3.0D	12,5	Д
Нексия	9,0	Б
Матис	7,5	Б

Автотранспорт корхоналари ихтиёридаги АТВлар узунлиги, двигателининг иш хажми, оғирлиги бўйича хам турлича бўлади. Масалан, автобуслар узунлиги бўйича мини (5,5 метргача), кичик (6,0 метрдан 7,5 метргача), ўрта (8,5 метрдан 10 метргача), катта (11 метрдан 12 метргача) хамда суперкатта (16,5 метрдан 24 метргача) автобусларга бўлинади.

Енгил автомобиллар двигателларининг ишчи хажмига кўра жуда кичик (1,1 литргача), кичик (1,1 литрдан 1,8 литргача), ўрта (1,8 литрдан 3,5 литргача), катта (3,5 литрдан ортиқ) турларга бўлинади.

Юк ташиш автомобиллари оғирлигига (массасига) кўра қуйидаги 7 та гурухга ажратилади:

- 1-гурух - 1,2 тоннагача;
- 2-гурух - 1,2 тоннадан 2,0 тоннагача;
- 3- гурух -2,0 тоннадан 8,0 тоннагача;
- 4-гурух – 8,0 тоннадан 14,0 тоннагача;
- 5-гурух - 14 тоннадан 20,0 тоннагача;
- 6-гурух – 20,0 тоннадан 40,0 тоннагача;
- 7-гурух – 40,0 тоннадан юкори.

Халкаро амалиётда АТВларнинг БМТ Европа иктисодий комиссиясининг ички транспорт Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган классификатори кенг кўлланилади. Ушбу классификаторда АТВларни таснифлаш учун 6 хонали кодлар асос килиб олинган. Бу кодларнинг алохида разрядлари куйидагиларни ифодалайди:

1-сон АТВнинг тоифаси ва синфини;

2-сон АТВнинг типини;

3-ва 4-сонлар АТВнинг модели тартиб ракамини;

5-сон АТВнинг модификациясини;

6-сон кайси иклимга мўлжалланганлигини.

Халкаро классификаторга мувофик йўловчи ташишга мўлжалланган АТВлар 3 та тоифага (М1, М2, М3) бўлинади. Шундан, биринчи тоифа (М1)га факат енгил автомобиллар киритилади. Иккинчи ва учинчи тоифа (М2, М3)ларга турли узунлик ва ўриндиклар сонига эга бўлган автобуслар киритилади. М2 ва М3 – тоифаларга киритилган автобуслар куйидаги синфларга ажратилади:

I синф – шахар ичида харакатланувчи автобуслар;

II синф- шахарлараро харакатланувчи автобуслар;

III синф – туристларни ташишга мўлжалланган автобуслар.

Шахар ичи ва шахарлараро катновларни бажарувчи хамда 22 тадан кам бўлган йўловчиларни ташишга мўлжалланган автобуслар А синфга (туриб ва утириб кетувчи йўловчилар учун) хамда В синфга (факат ўриндиқларга ўтириб кетувчи пассажирлар учун) ажратилади.

Халкаро классификаторга мувофик юк ташишга мўлжалланган АТВлар огирлигига (массасига) кўра 3 та тоифага (№1, №2, №3) ажратилади. Чунончи, № 1 тоифага огирлиги (массаси) 3,5 тоннагача бўлган юк ташувчи ва махсус автомобиллар, № 2 тоифага огирлиги 3,5 тоннадан 12,0 тоннагача бўлган юк ташувчи ва махсус автомобиллар, № 3 тоифага оғирлиги (массаси) 12,0 тоннадан ортик бўлган юк ташувчи ва махсус автомобиллар киради.

Автомобилларнинг тиркамалари (яримтиркамалари) огирлиги (массаси)га кўра 4 та тоифага (01, 02, 03, 04) бўлинади. Чунончи, 01 тоифага огирлиги (массаси) 0,75 тоннагача бўлган тиркамалар, 02 тоифага огирлиги 0,75 тоннадан 3,5 тоннагача бўлган тиркама ва яримтиркамалар, 03 тоифага оғирлиги 3,5 тоннадан 10,0 тоннагача бўлган тиркама ва яримтиркамалар, 04 тоифага эса огирлиги (массаси) 10,0 тоннадан ортик бўлган тиркама ва яримтиркамлар киради.

АТВларнинг номлари, алохида белгилари, тоифаси, синфи, моделининг тартиб ракамлари, модификация ракамлари уларни ишлаб чикарувчи корхоналар томонидан кўйилади. Масалан, Венгрияда ишлаб чикарилган автомобилга берилган «Ikarus-260.01» белгиларда 2 раками унинг автобус эканлигини, 60 – автобус модели тартиб ракамини, 01-модификация ракамини билдиради.

Хозирги пайтда барча МДХ мамлакатларида, шу жумладан бизнинг республикамизда хам, АТВларни таснифлаш ва уларга бериладиган миллий давлат раками белгиларини халкаро талаблар ва стандартларга мувофиклаштириш ишлари олиб борилмокда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 2007 йил 27 июндаги «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат раками белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 131-сон карорига асосан мамлакатимизда 2007- 2010 йиллар мобайнида барча турдаги автомототранспорт воситаларига янги намунадаги давлат ракамлари белгилари берилади. Юридик шахс макомидаги автотранспорт корхоналари АТВларига давлат ракамлари белгилари тасдикланган I тип, XII тип, IA тип, IIIA типдаги шаклларда ажратилади.

АТВлар автотранспорт корхоналари балансига уларнинг бошлангич киймати бўйича кирим килинади.

АТВларнинг бошланғич қиймати республикамизнинг 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ ўз ичига қуйидагиларни олади:

- АТВнинг сотиб олиш қиймати (ҚҚС билан бирга);
- АТВни ташиб келтириш харажатлари;
- АТВ бўйича божхона тўловлари (импорт қилинган АТВларга тегишли);
- АТВни корхонага етказиб келишга сафарбар қилинган ходимларга тўланган сафар харажатлари;
- брокерлик хизмати учун тўловлар;
- АТВни давлат рўйхатидан ўтказиш харажатлари (счёт-маълумотнома, техник паспорт, йўл фондига сотиб олиш кийматидан 6 фоиз миқдоридаги тўлов);
- АТВни сотиб олиш ва етказиб келиш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

АТВнинг бошланғич қиймати автотранспорт корхонаси бухгалтерияси томонидан юқорида келтирилган тартибда ҳисоб-китоб қилиниши, ушбу ҳисоб-китоб корхона раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

АТВларнинг бошланғич қиймати улар фондаланишга қабул қилингандан кейинги даврда қайта баҳоланиши, шунингдек қилинган қўшимча капитал инвестициялар эвазига кўпайиши мумкин. АТВларнинг ушбу сабабларга кўра кейинги даврларда вужудга келган янги қиймати уларнинг тикланган қиймати деб аталади. Тикланган қиймат вужудга келган вақтдан бошлаб АТВларнинг янги бошланғич кийматини ташкил қилади.

АТВларга қилинган қўшимча капитал инвестицияларга уларни модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш, таркибий тузилишини ўзгартиришга кетган сарф-харажатлар киради.

АТВлар модернизацияси деганда, одатда, уларнинг техник-эксплуатацион хусусиятлари (қуввати, фойдали хизмат муддати ва бошқа жиҳатлари)ни яхшилашга, қўллаш соҳасини ўзгаришига олиб келадиган ишлар тушунилади. Модернизация ишларига, чунончи, АТВнинг эски двигателини қуввати катта бўлган бошқа двигателга алмаштириш, унинг бортини узайтириш ёки қайта жиҳозлаш, қўшимча рессорлар қўйиш каби ишлар мисол бўлади. Ушбу мақсадлардаги харажатлар АТВлар бошланғич кийматига қўшилади.

АТВлар шиналарини ва бошқа эҳтиёт қисмларини алмаштириш, эски мотор ўрнига айнан шу қувватдаги янги моторни қўйиш каби ишларга кетган сарф-харажатлар капитал инвестиция сифатида тан олинмайди, улар АТВларнинг таъмирлаш харажатлари сифатида ҳисобдан чиқарилади.

АТВларни таъмирлаш учта турга, яъни жорий, ўрта ва капитал таъмирлашга бўлинади.

Жорий таъмирланиш ишлари профилактик нуқтаи назардан доимий тарзда ўтказилади. Жорий таъмирлашлар, одатда, ҳар чоракда, шунингдек носозлик ҳолатлар юз берган пайтларда ўтказилади.

Ўрта таъмирланишишлари йилига камида бир маротаба ўтказилади. Унинг жорий таъмирлашдан фарқи шундаки, бунда АТВнинг айрим қисмлари ва агрегатлари алмаштирилади.

Капитал таъмирлаш ишлари автотранспорт корхоналарининг бизнес режаларига мувофиқ турли муддатларда амалга оширилади. Чунончи, АТВлар техник ҳолати ва эксплуатация қилиш шароитларига қараб бир неча йиллар ичида бир марта таъмирланиши мумкин. Капитал таъмирлашнинг жорий ва ўрта таъмирлашдан фарқи шундаки, бунда АТВнинг мотори, борти ва бошқа қисмлари тўлиқ ечиб олинади ва қайтадан тахланади, шунингдек яроқсиз ҳолга келган агрегатлар тўлиқ алмаштирилади.

Автотранспорт корхоналари балансида АТВлар қолдиқ қийматида акс эттирилади. **АТВларнинг қолдиқ қиймати** деганда уларнинг бошланғич (тикланган) қиймати ва жамланган эскириши суммалари ўртасидаги фарқ тушунилади.

10.2. Автотранспорт воситалари ҳолати ва ҳаракатининг ҳисоби

Автотранспорт корхоналарида АТВлар ҳолати ва ҳаракатининг синтетик ҳисоби бош китобда очиладиган 0160 «Транспорт воситалари» счётида юритилади. АТВлар ҳолати ва ҳаракатининг аналитик ҳисоби уларнинг ҳар бирига очилган ҳисоб карточкаларида ёки «Асосий воситалар ҳисоби китоби»да олиб борилади. Ҳисоб карточкалари автотранспорт корхонасида ҳар бир АТВга давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг очилади. Ушбу карточкада АТВнинг барча техник маълумотлари, унинг сотиб олиниши (бепул олиниши)ни тасдиқловчи ҳужжатнинг тартиб раками, санаси, шунингдек бошланғич қиймати, тикланган қиймати, жамланиб борувчи эскириш суммаси, қолдиқ қиймати ҳисобот даврлари бўйича акс эттирилади. Ҳисоб карточкаси АТВнинг корхонада фойдали хизмат муддатида тўлиқ сақланади. Корхона балансидан чиқарилган санага АТВга очилган ҳисоб карточкаси ёпилади.

Автотранспорт корхоналарида АТВлар асосан сотиб олиш, бепул олиш, таъсисчилар бадали сифатида киритиш эвазига қўлланади.

АТВларни сотиб олиниши бухгалтерия ҳисобида тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар асосида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади (10.1-жадвал).

10.2-жадвал

АТВларнинг сотиб олинишини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1	АТВ нинг сотиб олиш баҳосидаги қийматига	100 000 000	0820	6010	Счёт-фактура, инвойс, божхона юк декларацияси (БЮД)
2	АТВ бўйича божхона тўловлари суммасига	50 000 000	0820	6990	БЮД
3	Сотиб олишдаги воситачилик ҳаки суммасига	1 500 000	0820	6990	Счет-фактура
4	Сотиб олиш бўйича сафар харажатлари суммасига	1 750 000	0820	6970	Бўнак ҳисоботи
5	Транспорт харажатлари суммасига	2 000 000	0820	6990	Счёт - фактура
6	Давлат автоназоратига тўловлар суммасига	175 525	0820	6990	Счёт-фактура
7	Йўл фондига сотиб олиш қийматидан 3 фоизлик тўлов суммасига	3 000 000	0820	6520	Счёт, тўлов топшириқ-номаси
8	АТВни бошланғич қиймати бўйича киримига	158 425 525	0160	0820	Ҳисоб-китоб

2019 йил 1 январдан бошлаб АТВларни сотиб олишда тўланган ҚҚС суммаси улар қийматига киритилмайди, аксинча, бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасидан камайтирилади. Ушбу операциялар қуйидагича ҳисобда акс эттирилади:

*сотиб олишда таъминотчига тўланган ҚҚС суммасига:

Дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 6010 «Таъминотчиларга тўлакадиган счётлар»;

*ҚҚС бўйича бўнак суммасини ёпилишига:

Дебет 6410 «Бюджетга солиқлар бўйича қарзлар»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари».

АТВларни бошқа юридик ва жисмоний шахслардан бепул олиниши тўғрисида шартнома шартларига кўра ва счёт-фактуралар асосида автотранспорт корхонаси балансига кирим қилинади. Бухгалтерия ҳисобида ушбу операцияга қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 0160 «Транспорт воситалари»

Кредит 8530 «Бепул олинган мулк»

Автотранспорт корхоналарида, чунончи, масъулияти чекланган жамиятларда, хусусий корхоналарда АТВлар таъсисчилар томонидан уларнинг бадаллари эвази ҳисобидан ҳам шакллантирилиши мумкин. Таъсисчилар томонидан корхона балансига киритилган АТВ қийматига таъсис шартномаси, баҳолар келишуви баённомаси, счёт-фактуралар асосида қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 0160 «Транспорт воситалари»

Кредит 4610 «Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллари бўйича қарзи».

АТВларнинг бошланғич қиймати, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, улар **қийматини** қайта баҳолаш, шунингдек автомобилларни модернизация қилиш эвазига кўпайиши мумкин. Автотранспорт корхоналари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари ҳар йилнинг 1 январь ҳолатига ўзларининг барча асосий воситалари, шу жумладан АТВларни қайта баҳолашлари лозим. Қайта баҳолаш белгиланган тартибга мувофиқ индекс ёки тўғридан-тўғри баҳолаш усулларидан бири бўйича амалга оширилади. Қайта баҳолаш корхона раҳбари томонидан тузилган махсус комиссия томонидан ёки шартнома асосида мулкни баҳолаш ҳуқуқи бўлган махсус корхона томонидан амалга оширилади. Қайта баҳолаш натижалари «Қайта баҳолаш далолатномаси» билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатномага асосан АТВлар бошланғич қийматини оширилишига қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 0160 «Транспорт воситалари»

Кредит 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар».

Бир вақтнинг ўзида АТВлар бўйича уларнинг жамланган эскириши суммасини оширилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар».

Кредит 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши».

8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредити ва дебетида акс эттирилган суммаларнинг ижобий фарқи АТВларни қайта баҳолаш эвазига вужудга келган резерв капиталини ошдиради. Қайта баҳолаш натижасида вужудга келган резерв капитали автотранспорт корхонаси балансида хусусий капитал элементи сифатида акс эттирилади.

АТВлар бошланғич қийматини модернизация қилиш эвазига кўпайиши махсус «Модернизация қилиш далолатномаси» асосида

ҳисобга олинади. Ушбу далолатнома махсус комиссия томонидан тузилади ва раҳбар томонидан тасдиқланади. АТВлар модернизациясига кетган барча сарф-харажатлар дастлаб 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар» счётининг дебетида тўпланади. Далолатнома асосида модернизация харажатлари суммасини АТВларнинг бошланғич қийматига киритилишига қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 0160 «Транспорт воситалари»

Кредит 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар».

Автотранспорт корхоналари АТВларни шартномалар асосида жорий ва узоқ муддатли ижарага олишлари ҳам мумкин.

Жорий ижарага (1йилгача муддатгача) олинган АТВлар автотранспорт корхоналари балансига кирим қилинмайди. Бундай АТВлар балансдан ташқари 001 «Жорий муддатли ижара бўйича олинган асосий воситалар» счётининг дебетида ҳисобга олинади. Жорий ижара муддати тугагач, АТВлар ижара берувчига қайтарилади. Бунда очилган 001 «Жорий муддатли ижара бўйича олинган асосий воситалар» счёти кредитланади ва шу йўл билан ушбу счёт ёпилади.

Узоқ муддатли ижарага (1 йилдан кўп муддатга) олинган АТВлар автотранспорт корхоналарининг балансига кирим қилинади ва мос равишда 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётида ҳисобга олинади. АТВларни узоқ муддатли ижарага олиш операциялари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади.

• *АТВнинг келишув қийматига*

Дебет 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

Кредит 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара бўйича қарз».

• *Узоқ муддатли ижара бўйича қарзнинг жорий қисмига*

Дебет 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара бўйича қарз»

Кредит 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми».

• *Узоқ муддатли ижара мажбуриятининг жорий қисмига доир тўловни амалга оширилишига*

Дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

• *Узоқ муддатли ижарага олинган АТВни асосий воситалар таркибига олинишига улар бўйича (ижара муддати тугаб, мажбуриятлар тўлиқ тўлангандан сўнг)*

Дебет 0160 «Транспорт воситалари»

Кредит 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

Автотранспорт корхоналари ихтиёридаги АТВлар турли сабабларга кўра, жумладан тугатиш, сотиш, бепул бериш, таъсис бадали сифатида киритиш холларида хисобдан чикарилади. Шунингдек, АТВларнинг бошланғич киймати уларни кайта баҳолаш эвазига хам камайтирилиши мумкин.

АТВлар фойдали хизмат муддатини ўтаганда, яроксиз холга келганда тугатилади. Тугатиш ишлари махсус комиссия томонидан амалга оширилади. Унинг натижалари комиссия томонидан «Тугатиш далолатномаси»да акс эттирилади. Ушбу далолатнома рахбар томонидан тасдиклангач, у тугатиш натижаларини хисобда акс эттиришга асос бўлади.

АТВларни тугатиш натижалари бухгалтерия хисобида, куйидагича ёзувлар билан акс эттирилади (10.3-жадвал).

10.3-жадвал

АТВларнинг тугатилишини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1	АТВнинг бошланғич кийматини хисобдан чикарилишига	50 000 000	9210	0160	Тугатиш далолатномаси
2	АТВ бўйича хисобланган жами эскириш суммасини хисобдан чикарилишига	50 000 000	0260	9210	Тугатиш далолатномаси
3	Тугатишдан олинган эхтиёт кисмлар ва металлоломнинг баҳоланган кийматига	1 000 000	1040, 1090	9210	Тугатиш далолатномаси
4	Тугатиш харажатларига	750 000	9210	6710, 6520, 6990	Тугатиш далолатномаси
5	АТВ бўйича кайта баҳолашдан вужудга келган резерв капиталини камайтирилишига	1 500 000	8510	9210	Тугатиш далолатномаси
6	Тугатишдан олинган молиявий натижага: -олинган фойда суммасига -кўрилган зарар суммасига	1 750 000 -	9210 9430	9310 9210	Тугатиш далолатномаси

АТВларнинг сотилиши турли сабабларга кўра юз беради, масалан автотранспорт корхонаси банкротга учраганда, эски автомобилларга зарурат бўлмаганда, янги автомобилларнинг сотиб олинишини маблағ билан таъминлаш максадида ва бошка холларда. Автотранспорт корхоналари томонидан АТВларни сотиш шартномалар асосида амалга оширилади ва счёт-фактуралар билан расмийлаштирилади.

Автотранспорт корхоналари АТВларни колдик кийматдан юкори нархларда, колдик кийматида ва ундан паст бўлган кийматларда сотишлари мумкин. АТВларни сотиш ва ундан олинган натижалар бухгалтерия хисобида куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади (10.4-жадвал).

10.4-жадвал

АТВларнинг сотилишини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи хужжат
1	АТВнинг бошланғич кийматини хисобдан чикарилишига	50 000 000	9210	0160	Счёт-фактура, маълумотнома
2	АТВ бўйича хисобланган жами эскириш суммасини хисобдан чикарилишига	40 000 000	0260	9210	Счёт-фактура, маълумотнома
3	АТВнинг сотиш кийматига	30 000 000	4010	9210	Счёт-фактура.
4	ҚҚС суммасига (агар корхона ушбу солиқни тўловчиси бўлса, сотиш киймати ва колдик киймат ўртасидаги фарк суммасидан) (30000000-10000000)*20%/120%)	3 333 333	9210	6410	Счёт-фактура , хисоб-китоб
5	АТВ бўйича қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капиталини камайтирилишига	1 500 000	8510	9210	Бухгалтерия маълумот-номаси
6	Сотишдан олинган молиявий натижага: - фойда суммасига - зарар суммасига	 18 166 667	 9210 9430	 9310 9210	Хисоб-китоб

Республикамизнинг Солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ умумдавлат солиқларни тўловчи автотранспорт корхоналари АТВларни қолдиқ қиймати ва қолдиқ қийматидан паст нархларда сотганларида ҚҚС тўловчи ҳисобланмайдилар. Шунингдек, ягона солиқ тўловини тўловчи автотранспорт корхоналари АТВларни сотганда ҚҚС тўламайди.

АТВларни бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бепул берилиши фақат тузилган шартномалар асосида амалга оширилади ҳамда қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва счёт-фактуралар билан расмийлаштирилади.

АТВларни бепул берилиши ва унинг натижаларини счётларда акс эттириш АТВларни сотиш бўйича юқорида келтирилган тартибга тўлиқ ўхшайди. Фақат, бепул беришдан кўрилган зарар суммасини ҳисобдан чиқариш АТВларни бепул беришда келишилган нархга, автотранспорт корхонасининг ҚҚС тўловчи ёки тўловчи эмаслигига, шунингдек қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капиталнинг суммасига бевосита боғлиқ. Ушбу хусусиятни қуйидаги мисол асосида кўриб чиқамиз.

Мисол. *Айтайлик, автотранспорт корхонаси бошланғич қиймати 50 000 000 сўм, жамланган эскириши 40 000 000 сўм бўлган автомобилни қолдиқ қийматида, яъни 10 000 000 сўм миқдорида ҳадя шартномаси асосида ногиронлар уйига берди. Автомобилни қайта баҳолаш натижасида вужудга келган резерв капитали 1 500 000 сўм. Автохўжалик ҚҚС тўловчи ҳисобланади.*

Автомобилни бепул бериш ва ундан кўрилган зарар юқоридаги маълумотларга кўра ҳисобда қуйидагича акс эттирилиши лозим (10.5-жадвал).

10.5-жадвал

АТВларнинг бепул берилишини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1	АТВнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқарилишига	50 000 000	9210	0160	Счёт-фактура, маълумотнома
2	АТВ бўйича ҳисобланган жами эскириш суммасини ҳисобдан чиқарилишига	40 000 000	0260	9210	Счёт-фактура, маълумотнома
3	АТВни бепул беришдаги шартнома қийматига	0	4010	9210	Счёт-фактура,
4	ҚҚС суммасига (агар корхона ушбу солиқни тўловчиси бўлса, сотиш	0	9210	6410	Счёт-фактура, ҳисоб-

	қиймати ва қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ суммасидан) (10000000-10000000)*20%/120%)				китоб
5	АТВ бўйича қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капиталини камайтирилишига	1 500 000	8510	9210	Бухгалтерия маълумотномаси
6	Бепул беришдан кўрилган зарар суммасига	8 500 000	9430	9210	Ҳисоб-китоб

Республикамизнинг Солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра ягона солиқ тўловчи автотранспорт корхоналарининг АТВлари қолдиқ қиймати бўйича бепул берилганда уларга солиқ юки фақаттина қайта баҳолаш суммасининг қолдиқ қийматдан ортиқ бўлган қисмигагина тушади. Масалан, қолдиқ қиймати 1 000 000 сўм бўлган АТВ шу қийматда бепул берилган ҳолда, унинг қайта баҳолаш натижасида вужудга келган резерв капитали 1 500 000 сўмни ташкил этган бўлса, у ҳолда ўртадаги 500 000 сўмлик фарқ суммаси автотранспорт корхонасида ягона солиқ тўлови базасига киритилади.

Автотранспорт корхоналари ўз АТВларини бошқа юридик шахсларга таъсис бадали сифатида ҳам киритишлари мумкин. Бундай операцияларни амалга оширишга тузилган шартномалар асос бўлади. АТВларни таъсис бадали сифатида берилиши қабул қилиш-топшириш далолатномалари, счёт-фактуралар ҳамда бухгалтериянинг тегишли маълумотномалари асосида ҳисобга олинади. Ушбу мазмундаги операцияларни ҳисобга олишда республикамизда белгиланган қуйидаги тартибларга амал қилиниши лозим:

биринчидан, таъсис бадали сифатида берилган АТВлар уларнинг бошланғич қийматида, шунингдек улар бунича жамланган эскириш суммаси корхонанинг балансидан юқорида келтирилган ёзувлар асосида чиқарилади.

иккинчидан, таъсис бадали сифатида киритилган АТВлар автотранспорт корхоналарида молиявий инвестициялар сифатида тан олинади ва мос равишда 0600 «Узоқ муддатли инвестициялар» счётида акс эттирилади.

учинчидан, АТВларни таъсис бадали сифатида киритиш, уларнинг келишув қийматидан қатъий назар, ҚҚСга тортилмайди.

тўртинчидан, АТВларни таъсис бадали сифатида киритишдан олинган фойда ёки кўрилган зарар мос равишда 9310 «Асосий

воситалар чиқимидан фойда» ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади.

Автотранспорт корхоналари АТВларни жорий ва узоқ муддатли ижарага беришлари ҳам мумкин. Ушбу операциялар ҳисоби республикамизнинг 6-сон БҲМС «Ижара ҳисоби»га мувофиқ олиб борилиши лозим. Чунончи, АТВларни жорий (1 йил муддатгача) ижарага беришда улар автотранспорт корхоналарининг балансидан чиқарилмайди. Автотранспорт корхонасининг ҳисоб сиёсатига кўра бундай АТВлар ҳисоби ишчи счётлар режасида назарда тутилган алоҳида счётда, масалан 0161 «Жорий ижарага берилган транспорт воситалари» счётида ҳисобга олиниши мумкин. Бу ҳолда АТВларни жорий ижарага берилиши ушбу счётнинг дебетида, уларнинг қайтарилиши эса унинг кредитида акс эттирилади.

АТВларни узоқ муддатли (1 йилдан кўп муддатга) ижарага бериш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади (10.6-жадвал).

10.6-жадвал

АТВларнинг узоқ муддатли ижарага берилишини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1	АТВнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқарилишига	50 000 000	9210	0160	Ижара шартномаси, счёт-фактура, бухгалтерия маълумот-номаси
2	АТВ бўйича ҳисобланган жами эскириш суммасини ҳисобдан чиқарилишига	40 000 000	0260	9210	Ижара шартномаси, счёт-фактура, бухгалтерия маълумот-номаси
3	АТВни узоқ муддатли ижарага бериш бўйича шартнома қийматига	30 000 000	0920	9210	Ижара шартномаси, счёт-фактура,
4	АТВни узоқ муддатли ижарага бериш бўйича шартнома қийматининг жорий	6 000 000	4810	0920	Ижара шартномаси, счёт-фактура, ҳисоб-китоб

	қисмига (мисол учун ижара 5 йилга берилган бўлса, жорий йилга доир ижара ҳаки 6000000 сўмни ташкил этади – 30000000/5)				
5	Узоқ муддатли ижара тўловлари суммасининг келиб тушушига	6 000 000	5110	4810	Банк кўчирмаси
6	АТВ бўйича қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капитали-ни камайтирилишига	1500000	8510	9210	Бухгалтерия маълумот-номаси
7	Узоқ муддатли ижарадан олинган даромаднинг [(30000000-10000000)/5=4000000] жорий йилга тегишли қисмига тўғри келувчи ҚҚС суммасига (4000000*20/120)	666 667	9210	6410	Ҳисоб-китоб
8	Узоқ муддатли ижарадан олинган даромаднинг жорий йилга тегишли қисми суммасига (4000000-666667)	3 333 333	9210	9550	Ҳисоб-китоб
9	АТВ бўйича қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капиталини даромадга олинишига	1 500 000	9210	9310	Бухгалтерия маълумот-номаси
10	Узоқ муддатли ижара-дан олинган даромадни кечиктирилган сум-масига (20000000-4000000)	16 000 000	9210	7230	Ҳисоб-китоб
11	Иккинчи йилда ижара бўйича кечиктирилган даромаднинг жорий қисмига (20000000/5)	4000000	7230	6230	Ҳисоб-китоб
12	Иккинчи йилда ижара бўйича даромаднинг	666 667	6230	6410	Ҳисоб-китоб

	жорий қисмига тўғри келувчи ККС суммасига (4000000*20/120)				
13	Иккинчи йилда ижарадан олинган даромаднинг хисобот даврдаромадига қўшилишига	3 333 3333	6230	9550	Хисоб-китоб

Автотранспорт корхоналарида АТВлар бошқа асосий воситалар сингари икки йилда камида бир маротаба инвентаризация қилиниши лозим АТВлар инвентаризацияси, унинг натижаларини ҳужжатли расмийлаштириш ҳамда хисобга олиш республикамизнинг 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш»га мувофиқ амалга оширилади.

Ҳисобдан чиқарилган, бироқ инвентаризация пайтида эксплуатация қилинаётганлиги аниқланган АТВлар автотранспорт корхонаси балансига қайта кирим қилинади ва унга бухгалтерияда қуйидагича ёзув берилади:

Дебет 0160 «Транспорт воситалари»

Кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

АТВлар инвентаризациясида камомадлар аниқланганда, дастлаб, уларнинг бошланғич қиймати ва жамланган эскириши, шунингдек улар бўйича олдинги даврларда қайта баҳолаш эвазига шаклланган резерв капитали хисобдан чиқарилади. Ушбу операциялар бухгалтерия хисобида юқорида келтирилган ёзувларга ўхшаш тарзда акс эттирилади. Шундан сўнг, мавжуд бўлмаган АТВнинг қолдиқ қиймати айбдор шахслар аниқланмунга қадар камомад сифатида таи олинади ва унга қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 5910 «Камомадлар ва бойликлар бузилишидан йўқотишлар»

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими».

АТВларнинг кам чиқиши айбдор шахс бўйнига автотранспорт корхонаси раҳбарияти томонидан белгиланган миқдорда қўйилади. Ушбу миқдор камомад сифатида таи олинган АТВнинг қолдиқ қийматига, қайта баҳолаш натижасида вужудга келган резерв капитали суммаси четирилиб топилган қолдиқ қийматда, қолдиқ қийматдан паст ҳамда ундан юқори қийматларда белгиланиши мумкин. Мисол учун, лойайлик камомад чиккан АТВнинг қолдиқ қиймати 3 000 минг сўм, қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капитали суммаси 1 500 минг сўмни ташкил этади. Корхона раҳбарияти, камомадни 1-ҳолатда 1 500 минг сўм, 2-ҳолатда 3000 минг сўм, 3-ҳолатда 500 минг сўм миқдорида

ундириб олишга карор килган бўлса, мос равишда, бу холатлар бўйича бухгалтерияда куйидаги ёзувлар берилиши лозим.

1-холатда *(АТВ бўйича камомад суммасини 1 500 минг сўм миқдорида ундиришга қарор қилинганда):*

Дебет 4730 «Ходимларнинг моддий зарар бўйича карзлари»

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликлар бузилишидан йўқотишлар».

2-холатда *(АТВ бўйича камомад суммасини 3000 минг сўм миқдорида ундиришга қарор қилинганда):*

Дебет 4730 «Ходимларнинг моддий зарар бўйича карзлари» - 3000000 сўм

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликлар бузилишидан йўқотишлар» -1500000 сўм;

Кредит 9310 «Асосий воситалар чикимидан фойда» - 1500000 сўм.

3-холатда*(АТВ бўйича камомад суммасини 500 минг сўм миқдорида ундиришга қарор қилинганда):*

Дебет 4730 «Ходимларнинг моддий зарар бўйича карзлари» - 500000 сўм

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар» - 1000000 сўм

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликлар бузилишидан йўқотишлар» -1500000 сўм.

10.3. Автотранспорт воситалари иш фаолияти кўрсаткичларининг хисоби

Автотранспорт корхоналарида хар бир АТВ иш фаолияти алохида юритилади. Бунинг учун АТВларнинг хар бирига махсус «Автотранспорт иш фаолияти хисоби карточкаси» очилади. Бу карточкаларда АТВлар иш фаолиятини ифодаловчи соний ва сифат кўрсаткичлар даврлар бўйича акс эттирилади хамда жамлаб борилади.

АТВлар иш фаолияти хажмини ифодаловчи соний кўрсаткичлар бўлиб ташилган юк хажми ва юк айланмаси (юк обороти) хисобланади. Чунончи, ташилган юк хажми тоннада, юк айланмаси (юк обороти) тонна-километрда, йўловчи ташиш хажми эса киши сонида, йўловчи айланмаси (йўловчи обороти) киши-километрда хисобга олинади.

Тонна-километр (т/км) – бу транспорт томонидан 1 тонна юкни 1 км масофага ташиш бўйича бажарилган ишни хисобга олиш учун кабул килинган шартли бирлик. Транспорт томонидан бажарилган жами ишнинг тонна-километр (т/км)даги хажми ташилган юк миқдорини (тонна) жами юк билан босиб ўтилган масофа (км)га кўпайтириш оркали топилади.

Киши-километр (к/км) – бу транспорт томонидан 1 кишини 1 км масофага ташиш бўйича бажарилган ишни ҳисобга олиш учун қабул қилинган шартли бирлик. Транспорт томонидан бажарилган жами ишнинг киши-километр (к/км)даги ҳажми ташилган йўловчилар сонини (киши) жами йўловчилар билан босиб ўтилган масофа (км)га кўпайтириш орқали топилади.

АТВлар иш фаолияти турли сифат кўрсаткичлари билан тавсифланади. Уларнинг асосийлари бўлиб, чунончи, қуйидагилар ҳисобланади:

• **1 тонна-километр (т/км) юк айланмасининг таннархи.** Бу кўрсаткич юк ташиш автомобил транспортини эксплуатацияси учун сарфланган жами харажатларни жами бажарилган иш ҳажми, яъни юк айланмаси (т/км) миқдорига бўлиш орқали топилади.

• **1 киши-километр (к/км) йўловчи айланмасининг таннархи.** Бу кўрсаткич йўловчи ташувчи автомобил транспортини эксплуатацияси учун сарфланган жами харажатларни жами бажарилган иш ҳажмига, яъни йўловчи айланмаси (к/км) миқдорига бўлиш орқали топилади.

• **автомобилларнинг техник тайёргарлик коэффициенти.** Бу кўрсаткич маълум даврда жами техник соз ҳамда юк ташиш (йўловчи ташиш) учун яроқли бўлган автомобиллар сонини уларнинг шу даврда жами рўйхатдаги сонига бўлиш орқали топилади.

• **автомобилларни ишга чиқиш коэффициенти.** Бу кўрсаткич маълум даврда жами ишга чиккан автомобиллар сонини шу даврда хўжаликда мавжуд бўлган жами автомобиллар сонига бўлиш орқали топилади.

• **ишдаги автомобил-кунлар сони.** Бу кўрсаткич маълум даврдаги жами автомобил-кунлар сонини шу даврдаги автомобилларни ишга чиқиш коэффициентига кўпайтириш орқали топилади.

• **ишда бўлмаган автомобил-кунлар сони.** Бу кўрсаткич маълум даврда хўжаликдаги жами автомобил-кунлар сонидан жами ишдаги автомобил-кунлар сонини айириш орқали топилади. Автохўжаликларда ишда бўлмаган автомобил-кунлар сони объектив ва субъектив сабабларга кўра юз беради. Чунончи, дам олиш ҳамда байрам кунларига, шунингдек режадаги техник кўрик ва таъмирлаш ишларига тўтри келадиган автомобил-кунлари сони объектив сабаблар ҳисобланади. Йўлга чиқиб, турли тасоддифий ҳолатларга кўра иш вақтини тўлиқ ўтамасдан хўжаликка қайтган, шунингдек ҳайдовчининг берилган топшириқни бажармаганлиги ва шу каби бошқа ҳолатларга кўра ишда бўлмаган автомобилларга тўтри келувчи автомобил-кунлари сони субъектив сабаблар ҳисобланади. Бундайин сабабларга кўра

вужудга келган автомобил-куилар сони тузилган махсус далолатномалар асосида хисобга олинади.

• **наряддаги автомобил-соатлар сони.** Бу кўрсаткич маълум даврда хўжаликдаги жами автомобил-кунлар сонини автомобилларнинг нарядда бўлган ўртача суткалик соатлари сонига кўпайтириш оркали топилади.

• **Автомобиллар иш вактидан фойдаланиш коэффициенти.** Бу кўрсаткич автомобилларнинг харакатдаги вактини нарядда бўлган вактига бўлиш оркали топилади.

• **босиб ўтилган масофанинг фойдалилик коэффициенти.** Бу кўрсаткич автомобилларнинг маълум даврда юк билан босиб ўтган масофасини жами юк билан ва юксиз босиб ўтган масофасига бўлиш оркали топилади.

• **юк кўтариш имкониятидан фойдаланиш коэффициенти.** Бу кўрсаткич автомобиллар томонидан маълум даврда хакикатда ташилган юк хажмини уларнинг шу даврга тўғри келадиган жами юк ташиш имкониятига бўлиш оркали топилади.

АТВлар иш фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар хисобини юритишга асос бўлувчи бошланғич хужжатлардан бири бўлиб йўл варакалари хисобланади. Ушбу хужжатнинг турлари, шакллари, уларни тайёрлаш, хисобга олиш, тўлгазиш ва ишловдан ўтказиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси автомобил ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2004 йил 3 июндаги 83-буйруғи билан тасдиклантан «Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варакалари, товар-транспорт накладнойларини тайёрлаш, хисобга олиш, тўлгазиш ва ишловдан ўтказиш бўйича йўрикнома» билан белгиланган.

Йўл варакаси АТВ иш фаолиятини аниклаш ва хисобга олиш учун мўлжалланган белгиланган намунадаги хукукий хужжатдир. Йўрикномада турли максадлар ва йўналишлар учун йўл варакаларининг куйидаги намунавий шакллари тасдикланган:

№ 4-с (ишбай) шакл - АТВларда юк ташишда улар хайдовчиларига мехнат хаки ишбай шаклда шартнома асосида белгиланган тарифларда хисоб-китоб килинганда кўлланилади.

№ 4-п (вактбай) шакл – АТВларда юк ташишда улар хайдовчиларига мехнат хаки вактбай шаклда шартнома асосида белгиланган тарифларда хисоб-китоб килинганда кўлланилади.

№ 4-м (шахарлараро) шакл – АТВларда юк ташиш шахарлараро йўналишда амалга оширилганда кўлланилади. Ушбу шаклнинг юка кисмида босмахона усулида кизил рангли катакча ичида «Шахарлараро ташиш» ёзуви бўлади.

№ 1 (халқаро) шакл – АТВларда юк ташиш халқаро йўналишларда амалга оширилганда қўлланилади.

Йўл варақалари АТВ ҳайдовчиларига автотранспорт корхонасининг махсус бўлими (диспетчерлик бўлими) ёки ушбу функция юклатилган ходим томонидан ҳар бир иш кунига (сменага) берилади. Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда юк ташиш учун йўл варақалари бир иш кунидан ортиқ муддатга берилиши мумкин. Ҳайдовчилар кейинги иш куни (смена)га йўл варақаларини олишлари учун олдинги иш куни (смена)га берилган йўл варақаларини топширишлари шарт. Улар йўл варақаларини олганликлари тўғрисида диспетчерлик бўлимида юритиладиган «Берилган йўл варақаларини қайд этиш китоби»га имзо чекадилар. Берилган йўл варақалари автотранспорт корхонасининг бурчак штампи ва муҳрига эга бўлиши лозим.

Автотранспорт корхоналарига, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, йўловчи ва юк ташиш автомобилларини белгиланган шаклдаги йўл варақаларисиз йўлга чиқариш қатъиян ман этилади.

Йўл варақаларининг тасдиқланган ҳар бир шаклини тўлдириш тартиби йўриқномада келтирилган.

4-с (ишбай) шаклдаги йўл варақалари юза ва орқа қисмлардан, ушбу қисмлар эса алоҳида бўлимлардан иборат бўлиб, уларда АТВ иш фаолиятига доир маълумотлар кўрсатилади. Чунончи, йўл варақасининг юза қисмида унинг тартиб раками, берилган санаси, иш режими, ҳайдовчи фамилияси, исми-шарифи, тоифаси, АТВнинг маркаси, давлат белгиси раками, типи, тиркама ёки ярим тиркаманинг маркаси, давлат белгиси раками, ҳайдовчи билан йўлга чиқаётган шахслар (экспедитор, юк ташувчи ва туширувчи, стажер)нинг фамилияси, исми-шарифи алоҳида белгиланган қаторларда кўрсатилади.

Йўл варақасининг «Ҳайдовчи ва автомобилнинг иши» бўлимида (2- ва 3-устунлар) автомобилнинг нарядга чиқиш ва ундан қайтиб келиш санаси (кун, ой, йил) ҳамда вақти (соат, дақиқа) акс эттирилади.

Йўл варақасининг «Ҳайдовчига берилган топшириқ» бўлимида (15-22-устунлар) буюртмачи ташкилотнинг номи, унга етиб бориш вақти, юк олиш ва юкни етказиб бериш жойлари, ташиладиган юкнинг номи, юк билан бориб келиш қатновлар сони, босиб ўтиладиган масофа, ташиладиган юк миқдори (тоннада) кўрсатилади.

Йўл варақасининг махсус «Ёқилғи берилсин» бўлимида диспетчер машина бакида мавжуд бўлган ёқилғини ҳисобга олган ҳолда берилиши лозим бўлган ёқилғи миқдорини сўз билан кўрсатади.

Автомобил нарядга чиққанича йўл варақасининг бошқа қисмлари ҳам тўлдирилади. Чунончи, ёқилғи қуйиш шаҳобчаси мудири автомобилга қуйилган ёқилғининг тури, миқдорини кўрсатиб, уни ўз

имзоси билан тасдиклайди. Хайдовчининг йўлга чиқишдан олдин тиббий кўрикдан ўтганлиги ва уни иш қобилиятига эгалиги автотранспорт корхонаси врачининг имзоси билан тасдикланади.

Автомобилнинг нарядга чиқиши навбатчи механикнинг рухсати билан амалга оширилади. Бунинг учун навбатчи механик йўл варақасининг махсус бўлимида автомобилнинг нарядга чиқишдан олдин спидометр кўрсаткичини, уни назорат пунктидан хақиқатда чиқиб кетаётган вактини, бакда мавжуд бўлган ёғилги миқдорини, автомобилнинг техник соғлигини ўз имзоси ва штампи билан тасдиклайди. Йўл варақасининг «Хайдовчи имзоси» каторига хайдовчи автомобилни навбатчи механикдан техник соз холатда кабул килиб олганлиги тўғрисида имзо чекади. Хайдовчининг имзоси берилган топшириқни бажаришга киришганлигини хам тасдиклайди.

Йўл варақасининг махсус бўлими хайдовчи томонидан АТВ ёрдамида нарядда бўлган вактда хакикатда бажарилган ишлар тўғрисида маълумотларни акс эттиришга мўлжалланган. Бундай маълумотлар йўл варақасида буюртмачи ташкилотнинг масъул ходими томонидан ёзилади, шунингдек имзоланади ва муҳр билан тасдикланади. Чунончи, йўл варақасининг 23-устунида қатновларнинг тартиб рақамлари, 24-устунда ТТНларнинг тартиб рақамлари, 25-устунда хар бир қатновда бўлган вакт (соат, дакика) кўрсатилади, 26-устунда юк жўнатувчининг имзоси ва муҳри қўйилади.

Йўл варақасининг махсус бўлимида (27-29-устунлар) автомобилнинг буюртмачи ихтиёрига жўнатилган кунида бўш турган вактлари ва сабаблари кўрсатилади. 30-устунда автомобилнинг бўш турган вакти ва сабабларини тасдикловчи шахсларнинг имзоси ва буюртмачи-ташкилотнинг муҳри қўйилади.

Автомобил нарядан автотранспорт корхонасига кайтгач, хайдовчи уни навбатчи механикка топширади. Хайдовчи автомобилни соз холатда топширганлиги ва навбатчи механик уни соз холатда қабул килиб олганлиги тўғрисида йўл варақасига имзо чекадилар. Бундан ташқари навбатчи механик хайдовчининг йўл варақасида автомобилнинг спидометр кўрсаткичини, корхонага кайтган хакиқий вактини (соат, дакика), бакда колган ёғилги миқдорини тегишли колонкаларга ёзади, уларни ўз имзоси ва штампи билан тасдиклайди.

Хайдовчилар АТВлар навбатчи механик томонидан қабул қилинганидан сўнг йўл варақаларини барча уларга илова қилинадиган хужжатлар билан бирга диспетчерлик бўлимига имзо қўйиб топширади. Ушбу бўлим ходими йўл варақаларига қўшимча маълумотларни, масалан автомобилнинг гараждан биринчи хизмат жойигача хамда охирги хизмат жойидан гаражгача юксиз босиб ўтган масафасини, бажарган ишининг характерига кура ёғилги сарфи

коэффициентини, илова килинган хужжатлар сонини ва бошка шу кабиларни акс эттиради хамда уларни ўз имзоси билан тасдиклайди.

4-п (вактбай) шаклдаги йўл варакалари бошка шаклдаги йўл варакаларидан фаркли ўларок махсус кесиб олинадиган талон кисмига эга. Бу талонда кўрсатилган кўрсаткичлар буюртмачи томонидан тўлдирилади, имзоланади ва штамп билан тасдикланади. Талон транспорт корхонаси томонидан буюртмачига бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар учун счет-фактура такдим этишга асос бўлади.

№ 1 (халкаро) хамда 4-м (шахарлараро) шакллардаги йўл варакаларининг асосий кисмларини тўлгазиш тартиби 4-с (ишбай) ва 4-п (вактбай) шакллардаги йўл варакаларини тўлгазиш тартибига ўхшайди. Факат № 1(халкаро) шаклдаги йўл варакаларида кўшимча тарзда босиб ўтилган йўл узунлиги (км), ташилган юк (тонна), юк айланмаси хажми (т/км), автомобилнинг бўш турган вактлари (соат, дакика) каби кўрсаткичлар мос равишда Ўзбекистон территорияси хамда чет эл мамлакатлари территориялари бўйича кўрсатилади. Шунингдек, ушбу йўл варакасининг «Ёкилги» бўлимида мос равишда республикамиз территориясида хамда чет эл мамлакатлари территориясида олинган ёкилгининг микдори ва сарфининг хисоб-китоби алохида-алохида кўрсатилади. Бу бўлимнинг алохида устуларида автомобилнинг чикиб кетиш ва кайтиб келиш санасига бўлган ёкилгининг колдиги, унинг норма бўйича сарфи ва хакикий сарфи, килинган тежам ва ортикча сарфлар кўрсатилади. № 1(халкаро) шаклдаги йўл варакасида «Иш хаки хисоб-китоби» бўлими бўлиб, унинг алохида устунларида иш турлари ва уларга хисобланган иш хаки тўгрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Йўл варакаларида кўрсатилган маълумотларнинг хакконийлиги учун автотранспорт корхонаси рахбари хамда уларни расмийлаштиришга масъул ходимлар шахсан жавобгар хисобланади. Йўл варакаларини расмийлаштириш функцияси юклатилган масъул ходим йўл варакалари бланкаларининг сарфи тўгрисида ойлик хисобот тузиши ва уни бухгалтерияга такдим этиши лозим. Йўл варакаларини расмийлаштиришда бўяб ёзишга ва тузатишлар киритишга йўл кўйилмайди.

Автотранспорт корхоналарида юкорида келтирилган тартибга мувофик тўлгазилган барча йўл варакалари уларга илова килинган хужжатлар билан бирга диспетчерлик бўлими томонидан бухгалтерияга топширилади.

Автотранспорт корхонаси бухгалтериясида йўл варакаларига ишлов берилади, яъни улар асосида автомобилларнинг иш фаолияти, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромад,

буюртмачилар билан хисоб-китоблар, хайдовчилар билан иш хаки бўйича хисоблашишлар хисоби юритилади.

Йўрикномага мувофик йўл варакаларига ишлов бериш куйидаги усулларнинг бири бўйича амалга оширилади – компьютерлар ёрдамида ёки кўлда.

Йўл варакаларига компьютерлар ёрдамида ишлов беришда барча маълумотлар «Автотраспорт иш фаолияти хисоби карточкаси»нинг электрон меню шаклига хар бир реквизитнинг коди оркали киритилади. Хисоб-китоб килинадиган кўрсаткичларни компьютер ўзи хисоблайди хамда карточканинг тегишли каторлари ва устунларига ёзади. Шу йўл билан тўлгазилган электрон карточкаларни компьютернинг экранига ёки босмага мос равишдаги режимлар оркали чикариб олиш мумкин. Компьютер хотирасида тушланган электрон карточкалар унда АТВлар иш фаолиятига доир маълумотларни турли шакл ва мазмундаги машинограммалар кўринишда олиш имконини беради. Ушбу машинограммалар маълумотлари автотранспорт корхонаси боскарув аппарати бўлинмалари томонидан АТВлар иш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини назорат килиш, тахлил этиш ва тегишли боскарув карорларини кабул килишда кенг фойдаланилади.

АТВлар иш фаолияти хисобини юритишга асос бўлувчи яна бир бошланғич *хужжат бўлиб товар-транспорт наклоднойи* (ТТН) хисобланади.

Товар-транспорт наклоднойи (ТТН) юкташиш жараёни катнашчилари учун ягона шаклда тасдикланган бошланғич хужжат бўлиб, у товар-моддий бойликларнинг бир жойдан бошка жойга АТВлар ёрдамида кўчишидаги харакатини хисобга олиш учун мўлжалланган.

Номи юкорида зикр этилган Йўрикномага асосан республикамизда автотранспорт корхоналари учун ТТНнинг учта турдаги намунавий шакллари тасдикланган:

№ 1-т шакл – шахаричи ва шахар атрофида юк ташиш учун;

№ 2-тм шакл – шахарлараро йўлларда юк ташиш учун;

CMR шакл – халкаро йўлларда юк ташиш учун.

ТТНнинг барча шакллари юк жўнатувчилар томонидан йўрикномада келтирилган тартибларга катъий амал килинган холда тузилиши лозим. Юк жўнатувчилар томонидан тузилган ТТНларнинг икки нусхаси автоpанспорт корхонасига такдим этилади. Автотранспорт корхонасида ТТНнинг бир нусхаси юк жўнатувчи билан хисоб-китоб килиш учун такдим этиладиган счёт-фактурага илова килинади, иккинчиси эса йўл варакасига илова килинади ва АТВ иш фаолияти хисобини юритишга асос бўлади.

АТВларда нақд пул тўлаш шарти билан бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат)лар йўл варақалари ҳамда уларга илова қилинадиган ҳужжатлар (кирим касса ордери квитанцияси, чек ва бошқалар) бўйича амалга оширилади.

Автотранспорт корхоналари бухгалтериясининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб АТВлар иш фаолиятидан олинган даромадларнинг пул бирлигидаги ҳисобини юритиш ҳисобланади.

АТВлар иш фаолиятидан олинган даромадлар деганда бошқа юридик шахслар (буюртмачиларга) тузилган шартномалар асосида, шунингдек жисмоний шахсларга нақд пулга юк ташиш ҳамда йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган соф тушум тушунилади.

Автотранспорт корхоналарининг асосий фаолиятидан олинган соф тушум АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган ялпи тушум ҳамда уларга тўғри келувчи қўшилган қиймат солиғи суммалари ўртасидаги фарқдан ташкил топади. Ягона солиқ тўлови режимида ишловчи автотранспорт корхоналарида АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган жами тушум уларнинг соф тушуми бўлиб ҳисобланади.

Республикамизнинг 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га мувофиқ автотранспорт корхоналарида АТВлар иш фаолиятидан олган даромадлари 9030 «Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан даромадлар» счётида ҳисобга олинади. Чунончи, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг тўлов шаклига кўра олинган даромадлар ушбу счётда қуйидагича акс эттирилади (10.7-жадвал).

10.7-жадвал

АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромадларни счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Нақд пулга бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромад суммасига	50 000 000	5010	9030	Кирим касса ордери
2	Нақд пулга бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга тўғри келувчи ҚҚС	10 000 000	5010	6410	Кирим касса ордери

	суммасига				
3	Нақдсиз пулга бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромад суммасига	300 000 000	4010	9030	Счёт-фактура
4	Нақдсиз пулга бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга тўғри келувчи ҚҚС суммасига	60 000 000	4010	6410	Счёт-фактура
5	Йўловчи ташиш автотранспорти ҳайдовчиси томонидан йўл ҳақи эвазига сотиб олинган ёқилғига	2 000 000	1040	9030	НКМ чеки, Квитанция
6	Йўловчи ташиш автотранспорти ҳайдовчиси томонидан йўл ҳақи эвазига қилинган таъмирлаш ишларига	500 000	2010	9030	Квитанция, далолатнома, раҳбар буйруғи (қарори)
7	АТВ иш фаолиятидан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётнинг ёпилишига	352 500 000	9030	9910	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

АТВлар иш фаолиятидан олинган даромадларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир автомобил бўйича махсус регистр (машинограмма)да юритилади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Йўловчи ташиш автотранспорти - автобуслар, микроавтобуслар ҳамда такси сифатида ишлатиладиган енгил автомобиллар.

Юк ташиш автотранспорти - бортли, фургонли, ўзи тўкгич (самосвал), тортгичли автомашиналар, шунингдек уларнинг тиркамалари ва яримтиркамалари.

Махсус автотранспорт - сув, сут, ёқилғи, нон ва бошқа турдаги юкларни ташувчи, шунингдек махсус ишларни, масалан қурилиш мосламалари ва конструкцияларини кўтариш, синдириш, янчиш машиналари, ёнғин ўчириш, ҳалат ташиш, асфальт йўлларни кор ва муллардан тозалаш, супириш, сув сепиш каби ишларни бажарувчи автомобиллар.

«Автотранспорт иш фаолияти хисоби карточкаси» - бу АТВлар иш фаолиятини ифодаловчи соний ва сифат кўрсаткичларни даврлар бўйича акс эттиришга мўлжалланган хисоб регистри.

Тонна-километр (т/км) – бу транспорт томонидан 1 тонна юкни 1 км масофага ташиш бўйича бажарилган ишни хисобга олиш учун кабул килинган шартли бирлик.

Юк айланмаси (обороти) - транспорт томонидан бажарилган жами ишнинг тонна-километр (т/км)даги хажми.

Киши-километр (к/км) – бу транспорт томонидан 1 кишини 1 км масофага ташиш бўйича бажарилган ишни хисобга олиш учун кабул килинган шартли бирлик.

Йўловчи айланмаси (обороти) - бу транспорт томонидан бажарилган жами ишнинг киши-километр (к/км)даги хажми.

1 тонна-километр (т/км) юк айланмасининг таннархи - бу юк ташиш автомобил транспортини эксплуатацияси учун сарфланган жами харажатларни жами бажарилган иш хажми, яъни юк айланмаси (т/км) миқдорига нисбати.

1 киши-километр (к/км) йўловчи айланмасининг таннархи - бу йўловчи ташувчи автомобил транспортини эксплуатацияси учун сарфланган жами харажатларни жами бажарилган иш хажмига, яъни йўловчи айланмаси (к/км) миқдорига нисбати.

Автомобилларнинг техник тайёргарлик коэффициенти - бу маълум даврда жами техник соз хамда юк ташиш (йўловчи ташиш) учун яроқли бўлган автомобиллар сонини уларнинг шу даврда жами рўйхатдаги сонидаги хиссасини ифодаловчи кўрсаткич.

Автомобилларни ишга чиқиш коэффициенти - бу маълум даврда жами ишга чиккан автомобиллар сонини шу даврда хўжаликда мавжуд бўлган жами автомобиллар сонидаги хиссасини ифодаловчи кўрсаткич.

Ишдаги автомобил-кунлар сони - бу маълум даврдаги жами автомобил-кунлар сонини шу даврдаги автомобилларни ишга чиқиш коэффициентига кўпайтириш оркали топиладиган кўрсаткич.

Ишда бўлмаган автомобил-кунлар сони – бумаълум даврда хўжаликдаги жами автомобил-кунлар сонидан жами ишдаги автомобил-кунлар сонини айириш оркали топиладиган кўрсаткич.

Наряддаги автомобил-соатлар сони - бу маълум даврда хўжаликдаги жами автомобил-кунлар сонини автомобилларнинг нарядда бўлган ўртача суткалик соатлари сонига кўпайтириш оркали топиладиган кўрсаткич.

Автомобиллар иш вактидан фойдаланиш коэффициенти – бу автомобилларнинг харакатдаги вактини нарядда бўлган вактига бўлиш оркали топиладиган кўрсаткич.

Босиб ўтилган масофанинг фойдалилик коэффициенти - бу автомобилларнинг маълум даврда юк билан босиб ўтган масофасини жами юк билан ва юксиз босиб ўтган масофасига бўлиш оркали топиладиган кўрсаткич.

Юк кўтариш имкониятидан фойдаланиш коэффициенти – бу автомобиллар томонидан маълум даврда хакикатда ташилган юк хажмини уларнинг шу даврга тўгри келадиган жами юк ташиш имкониятига бўлиш оркали топиладиган кўрсаткич.

Йўл варакаси – автотранспорт воситаси иш фаолиятини аниклаш ва хисобга олиш учун мўлжалланган белгиланган намунадаги хукукий хужжат.

Товар-транспорт наклоднойи (ТТН) – юкташиш жараёни катнашчилари учун ягона шаклда тасдикланган хамда товар-моддий бойликларнинг бир жойдан бошка жойга автотранспорт воситалари ёрдамида кўчишидаги харакатини хисобга олиш учун мўлжалланган бошланғич хужжат.

Автотранспорт воситалари иш фаолиятидан олинган даромаллар - бошка юридик шахслар (буюртмачиларга) тузилган шартномалар асосида, шунингдек жисмоний шахсларга нақд пулга юк ташиш хамда йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган соф тушум.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ

1.Автотранспорт воситаларига кирмайди:

а) автобус;

б) бульдозер;

в) Газ 53;

г) Дамас.

2.Қуйидаги АТВларнинг кайси бирида йўловчи ташиш мат этилади:

а) Матис;

б) Газ-3102;

в) Тиркамали трактор;

г) Автобус.

3. Тиркама ва яримтиркамалар:

а) алохида давлат раками белгисига эга бўлмайди;

б)алохида давлат раками белгисига эга бўлади;

в) беш хонали давлат раками белгисига эга;

г) давлат рақами белгисиз ишлатилади.

4.АТВлар хисоби юритилади:

а) колдиқ қийматда

б) бошланғич қийматда;

в) бозор қийматида;

г) эксперт баҳолаган қийматда.

5. Қуйидаги сарф-харажатларнинг қайси бири АТВнинг бошланғич қийматини оширади:

а) техник кўрувга тўлов;

б) ўрнатилган автошиналар қиймати;

в) бортни кенгайтириш ва янгича жиҳозлаш харажатлари;

г) ўрнатилган янги аккумулятор қиймати.

6. Қуйидагиларнинг қайси бири АТВ иш фаолиятини сон жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткич:

а) АТВ юк айланмаси 500000 т/км;

б) Автобусда хисобот йилида 400000 киши ташилди;

в) АТВда юк ташишдан олинган даромад 3000000 сўм;

г) юқоридаги кўрсаткичларнинг барчаси.

7. Қуйидагиларнинг қайси бири йўл варақасида кўрсатилмайди:

а) ҳайдовчига берилган топшириқ;

б) АТВнинг юксиз босиб ўтган йўли;

в) Бош хисобчининг фамилияси;

г) Гараждан чиқиб кетилган вақт.

8. Қуйидагиларнинг қайси бири АТВ иш фаолиятини сифат жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткич хисобланади:

а) АТВ юк айланмаси 1500000 т/км;

б) Автобус паркининг қуввати 60 фоизга ишлатилди;

в) Йўловчиларни ташишдан тушум 10000000 сўмни ташкил этди;

г) юқоридаги кўрсаткичларнинг барчаси.

9. Автотранспорт корхоналарида ташилган юк хисобини юритишга асос бўлади:

а) счёт-фактура;

б) товар-транспорт накладнойи;

в) Кирим касса ордери;

г) далолатнома.

10. Юк ташишдан олинган ялпи тушум 120000000 сўм (ҚҚС билан). Юк ташишдан олинган соф тушум тенг:

а) 120000000 сўмга;

б) 100000000 сўмга;

в) 20000000 сўмга;

г) тўғри жавоб йўқ.

11. 10-тестда келтирилган маълумотлар бўйича соф тушум суммаси қуйидаги ёзувларнинг кайси бирида тўғри акс эттирилган:

а) Дебет 4010 Кредит 9030 120000000 сўмга;

б) Дебет 4010 Кредит 9030 100000000 сўмга;

в) Дебет 4010 Кредит 9030 20000000 сўмга;

г) Дебет 4010 Кредит 6410 20000000 сўмга.

11-БОБ. АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАҲИРАЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

11.1. Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш захиралари хисобини ташкил қилиш асослари

Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш захираларига қуйидагилар киради:

- **ёқилғи** - бензин, солярка, суюлтирилган газ, сиқилган табиий газ;
- **ёғлаш материаллари** - афтол, солидол, литол ва бошқалар;
- **эҳтиёт қисмлар ва агрегатлар** – двигатель, аккумулятор, автошина, рессорлар, поршин, гильза ва бошқалар;
- **хўжалик инвентарлари** – турли ўлчамли калитлар, домкратлар, махсус кийим-кечаклар, халатлар, пайафзал ва бошқалар;
- **бошқа материаллар** – темир-терсаклар, симлар, бўёқлар, дока, ғўл ва бошқа хилма-хил материаллар.

Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш захиралари хисобини тўғри ва ўз вактида юритишнинг мухим шартларидан бири бўлиб омбор хўжалиги, устахона (цех), гараж, автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси (АЁҚШ) ва бошқа ёрдамчи бўлинмалар ишини рационал ташкил қилиш хисобланади.

Автотранспорт корхоналарининг **омбор хўжалиги** деганда эҳтиёт қисмлар ва агрегатлар, хўжалик инвентарлари хамда бошқа материалларнинг сақлаш жойлари тушунилади.

Устахона (цех)лар – бу АТВларни таъмирлаш, уларга турли агрегатларни ясаш ва ўрнатишга ихтисослашган ёрдамчи бўлимлар.

Гараж – бу АТВларнинг туриши ва сакланиши учун мўлжалланган жой ёки қурилмалар. Автотранспорт корхонада гаражлар очик, ярим очик (айвон) хамда ёпик кўринишли бўлиши мумкин. Хар бир гараж ушнинг тартиб ракамига эга бўлади, чунончи, уларнинг пештахтасига АТВнинг давлат белгиси раками ёзиб қўйилади.

АЁҚШ деганда автотранспорт корхонаси территориясида алохида ажратилган ер майдонида жойлашган хамда махсус курилмалар (ер ости ва ер устидаги цистерналар, ёқилғи қуювчи автоматлар ва бошқалар) орқали жихозланган ёрдамчи хўжалик тушунилади. Бу хўжалик белгиланган барча тегишли хавфсизликлар, чунончи, инсон хаети хавфсизлиги, АТВларнинг техник хавфсизлиги талабларига тўлик жавоб бериши лозим. АЁҚШларга ўрнатилган цистерналар ва идишларнинг хажмлари, уларга кетадиган ёқилғининг сиғимлари индивидуал тарзда махсус шкала (жадвал) билан белгиланади. Ушбу шкала (жадвал) корхона рахбари томонидан тасдиклашган бўлиши

лозим. Цистерналар ва бочкаларнинг сиғимига доир маълумотлар уларга очилган инвентар карточкаларда кўрсатилади.

Автотранспорт корхоналари раҳбарлари ишлаб чиқариш заҳиралари сақланадиган ва ишлатиладиган барча хўжаликлар бўйича қатъий моддий жавобгарликни ўрнатишлари, чунончи, омбор мудирлари, устахона (цех) бошлиқлари, АЁҚШ мудири ва бошқалар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузиши лозим.

Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш заҳираларининг соний ва суммавий ҳисоби юритилади. Чунончи, ишлаб чиқариш заҳираларининг сақлаш жойларида (омбор, устахона, цех, АЁҚШ) уларнинг соний ҳисоби олиб борилади. Бунинг учун турли ҳисоб регистрлари (карточкалар, журналлар, кайдномалар)нинг намунавий шаклларидан фойдаланилади.

Автотранспорт корхоналарининг бухгалтерияси барча ишлаб чиқариш заҳираларининг синтетик ва аналитик ҳисобини юритади.

Республикамизнинг 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўлаш бўйича йўриқнома»га мувофиқ автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш заҳираларининг синтетик ҳисоби 1000 «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимида очиладиган алоҳида счётларда олиб борилади. Бундай счётлар бўлиб, чунончи, 1020 «Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар», 1030 «Ёқилғи», 1040 «Эҳтиёт қисмлар», 1080 «Инвентар ва хўжалик буюмлари» 1090 «Бошқа материаллар» счётлари ҳисобланади. Ушбу доимий актив счётларнинг дебетида тегишли номдаги ишлаб чиқариш заҳираларининг давр боши ва охиридаги қолдиғи ҳамда уларнинг турли манбалардан келиб тушиши эвазига кўпайиши акс эттирилади. Бу счётларнинг кредитида ишлаб чиқариш заҳираларининг ишлатилиши ва бошқа чиқимлари кўрсатилади.

Республикамизнинг 4-сон БҲМС «Товар-моддий заҳиралар»га мувофиқ автотранспорт корхоналарининг барча турдаги ишлаб чиқариш заҳиралари юқорида номлари келтирилган счётларда уларнинг таннархи бўйича ҳисобга олинади. Ушбу БҲМСга асосан ишлаб чиқариш заҳираларининг таннархи уларнинг сотиб олиш баҳоларидаги қийматини ҳамда сотиб олиш ва ташиб келтиришга доир барча қўшимча харажатларни олади.

Сотиб олишда таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммасини ишлаб чиқариш заҳираларининг таннархига киритилиши ёки киритилмаслиги автотранспорт корхоналари ишлаётган солиқ режимига боғлиқ. Чунончи, умумдавлат солиқларини тўловчи автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш заҳираларини сотиб олишда таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси уларнинг таннархига

киритилмайди, балки бюджет билан хисоб-китобларда камайтиришга олиб борилади. Бундан факатгина шахар йўловчи транспорти хизматларига сарфланган ишлаб чиқариш захираларига тўғри келувчи ҚҚС суммаси истиснодир. Бу турдаги автотранспорт хизматларига сарфланган ёқилги, мойлаш материаллари, эхтиет қисмлар ва бошка материалларга тўғри келувчи ҚҚС суммаси бюджет билн хисоб-китобларда камайтиришга олиб борилмайди, аксинча уларга тўғри келувчи ҚҚС суммаси ишлаб чиқариш захиралари таннархига хамда мос равишда кўрсатилган хизматлар таннархига киритилади.

Ягона солик тўлови режимида фаолият юритувчи автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш захираларини сотиб олишда таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси тўлиқича ишлаб чиқариш захиралари таннархига киритилади.

Ишлаб чиқариш захиралари хисобини юритишда улар қийматини хисобдан чиқаришнинг танлаб олинган усули муҳим роль ўйнайди. Чунончи, ФИФО (биринчи тушум – биринчи чиқим) усулда ишлаб чиқариш захиралари кандай кийматда кирим бўлган бўлса, ўша кийматда келиб тушиш кетма-кетлиги бўйича хисобдан чиқариб борилади. Агар автотранспорт корхонасида АВЭКО усул танлаб олинган бўлса, у холда ишлаб чиқариш захираларининг хисобдан чиқарилишида дастлаб уларнинг ўртача қиймати (таннархи) топиб олинади ва ўша киймат (таннарх) бўйича улар хисобдан чиқарилади.

Автотранспорт корхоналарида бошка корхоналар сингари ишлаб чиқариш захираларининг хисобдан чиқарилишида ЛИФО усулни қуллаш республикамизнинг 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»га мувофиқ таъкиқланган.

Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш захираларининг аналитик хисоби моддий жавобгар шахслар, ушбу бойликларнинг гасдикланган номенклатуралари, уларнинг кирим кийматлари (захолари) бўйича юритилади.

11.2. Автомобил ёқилғиларининг хисоби

Автотранспорт корхоналари ишлаб чиқариш захиралари таркибида ёқилги ва мойлаш материаллари алохида ўрин тутади. Чунончи, АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархида ёқилги ва мойлаш материаллари харажатларининг хиссаси 45-55 фоизни ташкил қилади. Шу боис хам, автотранспорт корхоналарида ёқилги ва мойлаш материалларини тежаб–тергаб сарфлаш, уларнинг норационал чиқимларига йўл кўймаслик автотранспорт хизматлари таннархини камайтиришнинг муҳим омилларидан бири хисобланади.

Автотранспорт корхоналари хисоб тизими автомобил ёқилғилари ва ёғлаш материалларини турган жойлари ҳамда турлари бўйича акс эттириш талабларига жавоб бериши лозим. Бунинг учун бухгалтерия хисоби ички счётлар режасида қуйидаги махсус счётларни очиш максадга мувофик:

1030 «Омбордаги ёқилғи»;

1031 «Ҳайдовчилар жавобгарлигидаги ёқилғи».

Ушбу счётларни юритиш автотранспорт корхоналарида уларни ёқилғи ҳамда ёлаш материаллари билан таъминлашнинг танлаб олинган усулига бевосита боғлик. Ҳозирги пайтда автотранспорт корхоналарида АТВларни ёқилғи ҳамда ёғлаш материаллари билан таъминлашнинг иккита усули қўлланилмоқда. Булар:

1. Узида ташкил қилинган АЁҚШ орқали.

2. Бошка юридик шахсларнинг АЁҚШлари орқали.

Биринчи усулни қўллаётган автотранспорт корхоналарида автомобиль ёқилғилари ва мойлаш материаллари асосан нефт махсулотлари бўйича таъминот-сотиш билан шуғулланувчи махсус корхоналардан (нефтобазалардан) тузилган шартномалар асосида сотиб олинади. Шунингдек, автомобил ёқилғилари ва мойлаш материаллари бошка ташкилотлардан бегараз олиниши, таъсисчилардан томонидан таъсис бадали сифатида киритилиши ҳам мумкин. Шаҳарлараро транспорт катновларини амалга ошираётган АТВлар бўйича уларнинг ҳайдовчилари зарурат бўлганда ёқилғи ва мойлаш материалларини ўз хисобидан ёки берилган бўнак хисобидан ҳамда йўловчи ташишдан тушган тушум хисобидан нақд сотиб олишлари ҳам мумкин.

Таъминот-сотувчи корхоналардан автомобил ёқилғилари ва мойлаш материаллари АЁҚШ хўжалиги мудири ёки экспедиторлари томонидан уларга берилган ишончномалар асосида олиб келинади. Ёқилғи ва мойлаш материаллари олиб келинганлигига гувохлик берувчи асосий ҳужжатлар бўлиб таъминот-сотувчи корхоналар томонидан тақдим этилган счёт-фактуралар ва товар-транспорт наклоднойлари хисобланади. Ушбу ҳужжатларда ёқилғи ва мойлаш материалларининг номи, маркаси, сиғими, температураси, миқдори (килограмм ва литрларда), келишув бахоси, келишув бахосидаги қиймати, ҚҚС суммаси, жами тўлов суммаси акс эттирилади.

ҚҚС тўловчи автотранспорт корхоналарида таъминотчи-сотувчи томонидан берилган счёт-фактуралар асосида келиб тушган автомобил ёқилғиларига бухгалтерияда қуйидаги ёзувлар киритилади:

а) ёқилғининг сотиб олиш қийматига (ҚҚСсиз):

Дебет 1030 « Омбордаги ёқилғи»

Кредит 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

б) таъминотчиларга тўланадиган ҚҚС суммасига:

Дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Агар ёқилғи бўйича таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси келиб тушганда тўлиқ 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счетнинг дебетига олинган бўлса, у ҳолда ой охирида шаҳар йўловчи транспорти учун ишлатилган ёқилғи ҳисоб-китоби асосида уларга тўғри келувчи ҚҚС суммаси ёқилғи таннархига тикланади. Ушбу тикланган суммага қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 1030 «Омбордаги ёқилғи»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар бўйича бўнак тўловлари»

Ихчамлаштирилган солиқ режимида ишловчи автотранспорт корхоналарида таъминотчилардан келиб тушиши ёқилғининг қиймати юқорида келтирилган ёзувда ҚҚС суммаси билан биргаликда акс эттирилади.

АТВларни ёқилғи билан бошқа юридик шахсларнинг АЁҚШлари орқали таъминлаш ҳам шартнома асосида амалга оширилади. Ушбу усулда автотранспорт корхонаси шартнома тузилган юридик шахсга олдиндан тўлов суммасини ўтказади. Ёқилғини олиш учун автотранспорт корхонаси ўз экспедиторига юридик шахс бўлган АЁҚШ номига ишончнома ҳамда расмий хат билан ёқилғи қуйиладиган АТВларнинг рўйхатини беради.

Юридик шахс бўлган АЁҚШда берилган ишончнома ҳамда ёқилғи қуйиладиган АТВларнинг рўйхати асосида автотранспорт корхонаси номига ҳар ойга алоҳида тарқатиш қайдномаси очилади. Унда ёқилғи берилган сана, АТВнинг давлат белгиси рақами, йўл варақаси рақами, берилган ёқилғи тури, унинг миқдори, суммаси, ҳайдовчининг фамилияси, исми кўрсатилади. Олинган ёқилғи миқдорини ҳайдовчилар қайдномада ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.

Ой охирида тарқатиш қайдномасида берилган ёқилғининг миқдори ва суммаси жамланади. У юридик шахс бўлган АЁҚШ бошлиғи, бош ҳисобчиси ва ёқилғини берган оператор томонидан имзоланади ҳамда муҳр билан тасдиқланади. Тарқатиш қайдномасининг бир нусхаси счёт-фактура билан биргаликда автотранспорт корхонасига тақдим этилади.

Автотранспорт корхонасида юридик шахс бўлган АЁҚШдан бевосита ҳайдовчилар жавобгарлигига олинган ёқилғи тақдим этилган счёт-фактура ва тарқатиш қайдномалари асосида бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 1031 «Ҳайдовчилар жавобгарлигидаги ёқилғи»

Кредит 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Республикамизнинг солиқ конунчилиги ҳужжатларига кўра юридик шахс бўлган АЁҚШлар савдо корхоналари сифатида ҚҚС тўловчилари бўлиб ҳисобланмайдилар. Шу боис ҳам, улардан олинган ёқилғи бўйича автотранспорт корхонасида ҚҚСга доир бухгалтерия ёзувлари бўлмайди.

Ҳайдовчилар томонидан сафар даврида ўз ҳисобидан олинган ёқилғи суммасига юридик шахс ҳисобланган АЁҚШ назорат-касса машинаси чеки асосида бухгалтерияда қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 1031 «Ҳайдовчилар жавобгарлигидаги ёқилғи»

Кредит 6970 «Ҳисобдор шахсларга қарзлар».

Йўловчи ташишга мўлжалланган АТВ ҳайдовчилари томонидан ёқилғини йўлда йўловчи ташишдан терилган тушум ҳисобидан сотиб олишига юридик шахс ҳисобланган АЁҚШ назорат-касса машинаси чеки асосида бухгалтерияда қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 1031 «Ҳайдовчилар жавобгарлигидаги ёқилғи»

Кредит 9030 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар».

Автотранспорт корхоналарида бошқа шахслардан бегараз ёрдам сифатида келиб тушган ёқилғи тузилган шартнома ва счёт-фактура асосида бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 1030 «Омбордаги ёқилғи» ёки

1031 «Ҳайдовчилар жавобгарлигидаги ёқилғи»

Кредит 8530 «Бегараз олинган мулк».

Автотранспорт корхоналари балансига уларнинг таъсисчилари томонидан таъсис бадали сифатида киритилган ёқилғи суммаси бухгалтерия ҳисобида таъсис шартномаси, баҳолар келишуви баённомаси, кирим далолатномаси ёки счёт-фактура асосида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 1030 «Омбордаги ёқилғи»

Кредит 4610 «Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллари бўйича қарзлари».

Автотранспорт корхоналарида АЁҚШларга кирим қилинган ёқилғи асосан ҳайдовчиларга АТВлар ёрдамида иш бажариш (хизмат кўрсатиш) мақсадида йўл варақаларида диспетчер томонидан кўрсатилган миқдорда берилади. Ёқилғини ҳайдовчиларга берилиши тарқатиш қайдномаси ёки лимит-қуйиш қайдномаси (варағи) билан расмийлаштирилади. Ҳайдовчиларнинг қайдномалардаги имзоси улар томонидан олинган ёқилғи миқдорини тасдиқлайди. Бу қайдномалар икки нусхада тузилади. Унинг бир нусхаси АЁҚШ мудирида қолади, иккинчи нусхаси эса у томонидан тузилган «Ёқилғи ҳаракати тўғрисида ҳисобот» билан бирга бухгалтерияга топширилади.

Ёқилғини ҳайдовчиларга берилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 1031 «Ҳайдовчилар жавобгарлигидаги ёқилғи»

Кредит 1030 «Омбордаги ёқилғи».

Ёқилғининг ички алмашиши накладнойлар билан расмийлаштирилади ва улар асосида бухгалтерияда қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 1030 «Омбордаги ёқилғи» (олувчи шахс)

Кредит 1030 «Омбордаги ёқилғи» (берувчи шахс).

Автотранспорт корхоналарида АЁҚШга кирим қилинган ёқилғи зарур ҳолларда тузилган шартнома ҳамда раҳбарнинг рухсати асосида бошқа юридик шахсларга сотилиши, бепул берилиши, таъсис бадали сифатида киритилиши мумкин. Ёқилғининг бундай чиқимлари счёт-фактуралар билан расмийлаштирилади. Счёт-фактуралар асосида ёқилғининг чиқиб кетиш йўналишига кўра бухгалтерияда қуйидаги ёзувлар қилинади:

1. Ёқилғи сотилганда:

а) сотиш қийматига (ҚҚСсиз)

Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

б) ҚҚС суммасига

Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар».

в) ёқилғининг сотиб олиш қийматида ҳисобдан чиқарилган суммасига

Дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 1030 «Омбордаги ёқилғи».

г) сотишдан олинган фойда суммасига

Дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан олинган фойда».

д) сотишдан кўрилган зарар суммасига

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

2. Ёқилғи бепул (бегараз) берилганда:

а)кетишув қийматига (ҚҚСсиз)

Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

б) ҚҚС суммасига

Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар».

в) ёқилғининг сотиб олиш қийматида ҳисобдан чиқарилган суммасига

Дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 1030 «Омбордаги ёқилғи».

г) бепул беришдан кўрилган зарар суммасига

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар».

3. Ёқилғи таъсис бадали сифатида киритилганда:

а)келишув қийматига (ҚҚСсиз)

Дебет 0600 «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

б) ҚҚС суммасига

Дебет 0600 «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар».

в) ёқилғининг сотиб олиш қийматида ҳисобдан чиқарилган суммасига

Дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 1030 «Омбордаги ёқилғи».

г) таъсис бадали сифатида киритишдан олинган фойда суммасига

Дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»

Кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан олинган фойда».

д) таъсис бадали сифатида киритишдан кўрилган зарар суммасига

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши».

Автотранспорт корхоналарида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган ёқилғи ва мойлаш материаллари сарфи бухгалтерияда ҳайдовчиларнинг йўл варақалари асосида ҳар бир АТВ бўйича унинг типи, маркаси, босиб ўтган йўли, ташилган юк миқдори, шунингдек ҳар 100 км масофага ёқилғи сарфининг белгиланган базовий меъёрларига кўра аниқланади. Ёқилғининг ушбу мақсадларда ишлатилиши ва бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритилиш тартибига кейинги бобда алоҳида тўхталамиз.

11.3. Автомобиллар учун эҳтиёт қисмларнинг ҳисоби

Автомобиллар учун жуда кўп турдагиэхтиёт қисмлар ишлатилади. Уларни турли белгилари, масалан, номлари, маркалари, модели, турган жойи, келиб тушиш манбалари, ишчи ҳолати, яроқлилик даражаси, хизмат муддатлари ҳамда бошқа жиҳатлари бўйича таснифлаш мумкин. Эхтиёт қисмларнинг ушбу белгилари бўйича тавсифи, одатда, автотранспорт корхоналарида қўлланиладиган «Эхтиёт қисмлар классификатори»да келтирилади.

Турган жойига кўра эҳтиёт қисмлар омборлаги ва фойдаланишдаги эҳтиёт қисмларга бўлинади.

Омбордаги эҳтиёт қисмлар, ўз навбатида, ***яроқлилик даражасига кўра*** қуйидаги гуруҳларга ажратилади.

- янги эҳтиёт қисмлар;
- олдин фойдаланишда бўлган, лекин ярокли холдаги эхтиет кисмлар;
- фойдаланишга яроксиз эҳтиёт қисмлар.

Автотранспорт корхоналари янги эҳтиёт қисмларни турли корхоналардан, масалан, уларни бевосита ишлаб чиқарувчи, таъминот-сотувчи корхоналардан тузилган шартномалар асосида сотиб оладилар. Шунингдек, улар бошқа юридик ва жисмоний шахслардан бегараз олиниши, хисобдор шахслар хамда хайдовчилар томонидан накд нулга сотиб олиниши, таъсисчилар томонидан киритилиши хам мумкин.

Келиб тушган янги эҳтиёт қисмлар автотранспорт корхоналарининг омборларига сотиб олиш киймати (таннархи) бўйича кирим қилинади.

Олдин фойдаланишда бўлган, лекин яроқли холдаги эҳтиёт қисмлар, одатда, АТВларни тугатишдан, қайта жиҳозлашдан ва модернизациясидан кейин омборларларга комиссия томонидан баҳоланган қийматларда кирим қилинади.

АТВларни тугатиш, таъмирлаш, модернизация қилишда яроксиз деб топилган эҳтиёт қисмлар омборларга металлолом сифатида баҳосиз кирим қилинади.

Омборларда кирим қилинган эҳтиёт қисмларнинг хисоби «Омбор хисоби карточкаси» ёки «Омбор хисоби китоби»да соний кўринишда юритилади. Омбор хисоби карточкаси эҳтиёт қисмларнинг хар бир гури, уларнинг кирим баҳолари бўйича очилади. Омбор хисоби китобида эҳтиёт қисмларнинг хар бир турига, кирим баҳоларига караб алохида вараклар ажратилади.

Эҳтиёт қисмлар автотранспорт корхоналарида АТВларнинг жорий ва капитал таъмирланишига, шунингдек уларни қайта жиҳозлаш хамда модернизация қилинишига ишлатилади. Эҳтиёт қисмлар омборлардан бундай максадларда устахоналарга, цехларга, гаражларга автотранспорт корхонаси рахбари (бош инженери)нинг рухсати билан берилади. Ушбу операциялар икки нусхада талабномалар, ички накладнойлар, лимит-забор варакалари билан расмийлаштирилади. Эҳтиёт қисмларнинг АТВларга қўйилиши, таъмирлашга, модернизация ва қайта жиҳозлаш ишларига сарфланиши тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Эҳтиёт қисмларнинг автотранспорт корхонасидан четга чиқиб кетиши, масалан, зарурат юзасидан сотилиши, бепул берилиши, таъсис воситали сифатида киритилиши тузилган шартномалар асосида амалга

оширилади. Бу мазмундаги операциялар счёт-фактуралар билан расмийлаштирилади.

Автотранспорт корхоналарида моддий жавобгар шахслар (омбор мудирлари, устахона бошлиқлари, гараж мудири) ўзларининг моддий жавобгарлигидаги эҳтиёт қисмлар бўйича ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйилган муддатларда уларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида икки нусхада ҳисобот тузади. Ҳисоботнинг биринчи нусхаси барча бошлангич ҳужжатлар билан биргаликда бухгалтерияга топширилади. Унинг қабул қилиб олинганлиги тўғрисида бухгалтер томонидан имзоланган иккинчи нусхаси моддий жавобгар шахсга қайтарилади.

Автотранспорт корхоналари амалиётида эҳтиёт қисмлар ҳолати ва ҳаракати тўғрисида ҳисоботни соний кўринишда тузиш усули кенг қўлланилади. Ушбу усулда моддий жавобгар шахслар ҳисоботда эҳтиёт қисмлар ҳолати ва ҳаракатини фақат соний кўринишда акс эттиради. Бухгалтерияда моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари асосида эҳтиёт қисмларнинг ҳолати ва ҳаракати бўйича соний-суммовий кўринишда айланма қайдномалар тузилади. Ушбу айланма қайдномалар эҳтиёт қисмлар бўйича аналитик ҳисоб регистрлари бўлиб ҳисобланади.

Автотранспорт корхоналарида омбордаги эҳтиёт қисмларнинг синтетик ҳисоби 1040 «Эҳтиёт қисмлар» счётида юритилади. Эҳтиёт қисмларнинг омборларга кирими, шунингдек уларнинг омборлардан фойдаланишга берилиши, сотилиши ва бошқа чиқимлари ушбу счётда қуйидагича акс эттирилади (11.1-жадвалга қаранг).

11.1-жадвал

Эҳтиёт қисмлар ҳаракатини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1	ҚҚС тўловчи автотранспорт корхоналарида эҳтиёт қисмлар таъминотчилардан кирим қилинганда: -сотиб олиш қийматига (ҚҚСсиз) -ҚҚС суммасига	 10000000 2000000	 1040 4410	 6010 6010	Шартнома, счёт-фактура
2	Ягона солиқ тўловчи авто-корхоналарда эҳтиёт қисмлар-нинг таъминотчилардан кирим қилинганига (ҚҚС билан бирга)	12000000	1040	6010	Шартнома, счёт-фактура

3	Шаҳар йўловчи транспорти учун ишлатилган эҳтиёт қисмлар бўйича таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммасининг улар таннархига киритилишига	2000000	1040	4410	Далолатнома ва бухгалтерия ҳисобхисоби
4	Эҳтиёт қисмларнинг бепул келиб тушишига	3000000	1040	8530	Шартнома, счёт-фактура
5	Эҳтиёт қисмларнинг таъсисчилар томонидан устав капиталига бадал сифатида киритилишига	6000000	1040	4610	Шартнома, счёт-фактура
6	Йўловчи ташиш автотранспорти ҳайдовчилари томонидан йўл ҳаки эвазига сотиб олинган ва омборга кирим қилинган эҳтиёт қисмлар суммасига	500000	1040	9030	НКМ чеки, Квитанция
7	АТВ ҳайдовчилари томонидан берилган бўнак ҳисобидан сотиб олинган ва омборга кирим қилинган эҳтиёт қисмлар суммасига	3000000	1040	4230	Квитанция, НКМ чеки, счёт-фактура
8	АТВ ҳайдовчилари томонидан ўз ҳисобидан сотиб олинган ва омборга топширилган эҳтиёт қисмлар суммасига	350000	1040	6990	Квитанция, НКМ чеки, счёт-фактура
9	Эҳтиёт қисмларни устахона, цехлар ва бошқа ёрдамчи хўжаликларга берилишига (ички алмашув)	1500000	1040	1040	Талабнома, лимит-забор вараги, наклодной
10	Эҳтиёт қисмларнинг зарур ҳолларда сотилишига: -сотиш қийматига (ҚҚСсиз) -ҚҚС суммасига -таннархига	4000000 800000 4000000	4010 4010 9220	9220 6410 1040	Шартнома, счёт-фактура

11	Эҳтиёт қисмларнинг бепул берилишига: -бериш қийматига (ҚҚСсиз) -ҚҚС суммасига -таннархига -зарар суммасига	 4000000 800000 4000000 4800000	 4010 4010 9220 9430	 9220 6410 1040 4010	Шартнома, счёт-фактура
12	Эҳтиёт қисмларнинг таъсис бадали сифатида киритилишига: -келишув қийматига (ҚҚСсиз) -ҚҚС суммасига -таннархига	 4000000 800000 4000000	 0600 0600 9220	 9220 6410 1040	Шартнома, счёт-фактура

Автотранспорт корхоналарида айрим эҳтиёт қисмлар АТВларга ўрнатилганда бирданига эмас, балки бир маромда уларнинг фойдали хизмат муддати мобайнида ҳисобдан чиқариб борилади. Бу, чунончи, аккумуляторлар ва автошиналарга тегишлидир. Ушбу эҳтиёт қисмлар АТВларга ўрнатиш учун омбордан берилганда омбор мудири жавобгарлигидан соқит қилинади. Бир вақтнинг ўзида улар учун моддий жавобгарлик фойдали хизмат муддати тугагунча ҳайдовчилар зиммасига ўтказилади.

Бухгалтерияда АТВларга ўрнатилган янги аккумуляторлар ва автошиналар иш фаолиятини назорат қилиш мақсадида мос равишда «Аккумулятор иш фаолияти ҳисоби карточкаси» ва «Автошиналар иш фаолияти ҳисоби карточкаси» очилади. Ушбу карточкаларда янги аккумулятор ва автошиналарнинг маркаси, модели, кафолатли хизмат муддати мезъёри, ўрнатилган АТВнинг давлат белгиси раками, ҳайдовчининг фамилияси, исми-шарифи, уларни ўрнатиш санаси кўрсатилади. Шунингдек, унинг алоҳида устунларида ҳисобот даврлари бўйича аккумулятор ва автошиналар томонидан бажарилган иш (ташилган юк ҳажми, ишлаган ойлар сони, босиб ўтилган йўл), уларни ҳисобдан чиқариш санаси ва сабаблари акс эттирилади. Аккумуляторлар ва автошиналарнинг фойдали хизмат муддатини ўтаганда ва яроксиз ҳолга келганда улар АТВдан ечиб олинади ҳамда омборга металлолом сифатида киром қилинади. Бунда, мос равишда, уларга очилган ҳисоб карточкалари ҳам ёпилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон карори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» асосида Ўзбекистон Республикаси автомобиль ва дарё транспорти

лисентлиги томонидан ишлаб чиқилган шу номдаги тармоқ низомига мувофиқ АТВларга ўрнатилган янги аккумулятор ва автошиналар хисоби 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» счётида юритилади. Чунончи, АТВларга ўрнатилган аккумуляторлар ва автошиналар қийматига «Ўрнатиш далолатномаси»га мувофиқ бухгалтерияда қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари»

Кредит 1040 «Эҳтиёт қисмлар»

Аккумуляторлар ва автошиналарнинг қиймати улар АТВларга ўрнатилган кундан бошлаб фойдали хизмат муддати мобайнида бир маромда бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига махсус хисоб-китоблар асосида киритиб борилади. Ушбу хисоб-китобларни тузиш хамда улар асосида ўрнатилган аккумуляторлар ва автошиналар қийматини хисоблаш чиқариб бориш тартибига кейинги бобда алохида тўхталамиз.

11.4. Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш захиралари инвентаризациясининг хусусиятлари

Автотранспорт корхоналарида ёқилғи, мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа ишлаб чиқариш захиралари инвентаризациясини ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш республикамизнинг 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш»да келтирилган тартибларга мос равишда ушбу активларнинг транспортировка қилиниши, сақланиши, ишлатилиши хамда бошқа жихатларидаги хусусиятлари эътиборга олинган тарзда амалга оширилиши лозим. Чунончи, инвентаризация бошланиши олдидан, моддий жавобгар шахслар ўзларининг жавобгарлигидаги ишлаб чиқариш захираларининг холати ва харакати тўғрисида хисоботни беришлари, ушбу хисоботга барча бошланғич ҳужжатларнинг киритилганлиги, қайта санок ўтказилишига эътирози йўқлиги тўғрисида ёзма ҳат берадилар.

Инвентаризацияни белгиланган муддатларда ўтказилишини таъминлаш учун турли ташкилий ишлар амалга оширилади. Чунончи, омборларда сақланаётган эҳтиёт қисмлар дастлаб янги эҳтиёт қисмлар, олдин фойдаланишда бўлган ярокли эҳтиёт қисмлар хамда ярокси эҳтиёт қисмларга ажратилади. Номи, маркаси ва модели бир хил бўлган, лекин баҳоси турлича бўлган янги эҳтиёт қисмлар алохида сараланади. Санок ишларини осонлаштириш максадида инвентаризация варакасида гурухларга ажратилган эҳтиёт қисмларнинг номлари ва омбор хисоби бўйича миқдори олдиндан қўйиб чиқилади. Шундан сўнг, хар бир гурух ичида омбордаги эҳтиёт қисмларнинг мавжуд миқдори санаш, ўлчаш,

тортиш ва шу каби бошқа усуллар асосида аниқланади ҳамда инвентаризация варақасининг тегишли устунчасига ёзилади.

Катта сиғимли цистерна ва бочкаларда сақланаётган ёқилғи ва мойлаш материалларининг ҳақиқий миқдорини топиш учун инвентаризация комиссияси махсус ўлчов асбобларидан, чунончи, темир линейкалар, индикаторлардан фойдаланади. Темир линейка ёки индикаторлар ёрдамида, дастлаб, цистерна (бочка)нинг ёқилғи ва мойлаш материалларининг ҳақиқатда банд бўлган баландлиги тегишли ўлчов бирликларида (масалан, метрда, дециметрда, сантиметрда) аниқланади. Шундан сўнг, ҳар бир цистерна ва бочка бўйича уларнинг топилган баландлик ўлчамига мос келувчи ёқилғининг миқдори махсус тасдиқланган шкала (жадвал) асосида топилади. Мисол учун, ҳажми 16 куб метрлик (4x2x2) цистернага 13120 литр солярка кетиши белгиланган, дейлик. Демак, 1 куб метрга 820 литр солярка тўғри келади. Инвентаризацияда цистернанинг ёқилғи билан банд бўлган баландлиги 1,25 метр эканлиги аниқланди. У ҳолда тасдиқланган шкалага кўра ушбу цистернадаги ёқилғининг миқдори 8200 литрни (4м * 2м * 1,25м * 820 л) ташкил қилади.

Инвентаризация варақаси ўтказилаётган инвентаризациянинг турига ҳамда мақсадига кўра турли нусхада расмийлаштирилади. Чунончи, моддий жавобгар шахслар алмашаётганда инвентаризация варақаси учта нусхада тузилади. Унинг бир нусхаси бухгалтерияга топширилади, иккинчи нусхаси моддий жавобгарликни олувчи шахсда, учинчи нусхаси эса моддий жавобгарликни топшираётган шахсда қолади.

Автотранспорт корхонаси бухгалтериясида комиссия томонидан тақдим этилган инвентаризация варақаси асосида «Таққослама қайднома» тузилади. Ушбу қайдномага фақат четланишлар (ортиқчалар ёки камомадлар) мавжуд бўлган ишлаб чиқариш захиралари киритилади.

Ишлаб чиқариш захираларининг инвентаризацияда аниқланган ортиқчалари автотранспорт корхонаси раҳбарининг қарорига асосан бошқа даромадлар таркибига киритилади. Бухгалтерияда аниқланган ортиқчалар суммасига қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 1000 «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» (ёқилғи, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материалларни акс эттирувчи тегишли счётлар)

Кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар».

Инвентаризация натижасида ишлаб чиқариш захиралари бўйича камомадлар, шунингдек уларнинг яроксиз ҳолга келганлиги аниқланганда қуйидаги тартибларга амал қилиш лозим.

Биринчидан, ёқилғи ҳамда мойлаш материаллари бўйича уларнинг сақлаш ва АТВларга қуйишдаги табиий камайиши (буғланиши, тукилиши) белгиланган меъёрлар асосида ҳисобдан чиқарилади.

Иккинчидан, меърдаги табиий камайишлар миқдоридан ортиқ бўлган ёқилғи ва мойлаш материаллари миқдори камомад сифатида тан олинади.

Учинчидан, моддий жавобгар шахслар айби билан ланглаган, синган ва бошқа сабабларга кўра яроксиз ҳолатга келган эҳтиёт қисмлар уларга етказилган зарардан ҳосил бўлган йўқотишлар сифатида эътироф этилади.

Тўртинчидан, номи, маркаси, модели бир хил бўлган, лекин кирим қиймати турлича бўлган эҳтиёт қисмлар бўйича аниқланган камомад ва ортиқчаларни ўзаро бир-бири билан қоплашга рахбарнинг ижозати билан рухсат этилади.

Ишлаб чиқариш захираларининг белгиланган меъёрлардаги табиий камайиши уларнинг кирим қиймати бўйича автотранспорт корхоналарининг харажатларига киритилади. Бухгалтерияда табиий камайиш суммасига қуйидаги ёзувлар қилинади:

Дебет Ҳаражат счётлари (2010, 2310, 2510, 9400)

Кредит 1000 «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» (ёқилғи, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материалларни акс эттирувчи тегишли счётлар).

Камомад ва йўқотишлар сифатида тан олинган ишлаб чиқариш захираларига уларнинг кирим қиймати бўйича қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарардан йўқотишлар»

Кредит 1000 «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» (ёқилғи, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материалларни акс эттирувчи тегишли счётлар).

Ишлаб чиқариш захиралари бўйича камомад ва йўқотишларнинг айбдор шахслар бўйнига қўйилиши ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 4730 «Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари»

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарардан йўқотишлар»

Ишлаб чиқариш захиралари бўйича камомад ва йўқотишларнинг айбдор шахслар бўйнига уларнинг кирим қийматидан кўп суммага қўйилишида ўрталаги фарқ суммасига бухгалтерияда қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 4730 «Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари»

Кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар».

Ишлаб чиқариш захиралари бўйича аниқланган камомад ва йўқотишларнинг корхона ҳисобидан қопланиши ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарардан

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Ёқилғи - бензин, солярка, суюлтирилган газ, сиқилган табиий газ.

Ёғлаш материаллари - афтол, солидол, литол ва бошқалар.

Эҳтиёт қисмлари ва агрегатлар – двигатель, аккумулятор, автошина, рессорлар, поршин, гильза ва бошқалар.

Хўжалик инвентарлари – турли ўлчамли калитлар, домкратлар, махсус кийим-кечаклар, халатлар, пайафзал ва бошқалар.

Бошқа материаллар – темир-терсаклар, симлар, бўсклар, дока, бўз ва бошқа хилма-хил материаллар.

Омбор хўжалиги - эҳтиёт қисмлар ва агрегатлар, хўжалик инвентарлари ҳамда бошқа материалларнинг саклаш жойлари.

Устахона (цех)лар – бу АТВларни таъмирлаш, уларга турли агрегатларни ясаш ва ўрнатишга ихтисослашган ёрдамчи бўлимлар.

Гараж – бу АТВларнинг турити ва сакланиши учун мўлжалланган жой ёки қурилмалар

АЁҚШ - автотранспорт корхонаси территориясида алоҳида ажратилган ер майдонида жойлашган ҳамда махсус қурилмалар (ер ости ва ер устидаги цистерналар, ёқилғи қуювчи автоматлар ва бошқалар) билан жиҳозланган ёрдамчи хўжалик.

Ёқилғи тарқатиш қайдномаси - хайдовчиларга ёқилғини АТВлар ёрдамида иш бажариш (хизмат кўрсатиш) максадида йўл варақаларида диспетчер томонидан кўрсатилган миқдорда беришни расмийлаштирувчи хужжат.

Лимит-забор вараги - аТВлар ёрдамида иш бажариш (хизмат кўрсатиш) максадида йўл варақаларида диспетчер томонидан кўрсатилган миқдорда ёқилгининг хисобот даврининг маълум кунлари мабойнида берилишини расмийлаштирувчи хужжат.

Ўрнатиш далолатномаси - эҳтиёт қисмларнинг АТВларга қўйилишида тузиладиган хужжат.

Аккумулятор иш фаолияти ҳисоби карточкаси - АТВларга ўрнатилган янги аккумуляторлар иш фаолиятини назорат қилиш

максадида юритиладиган реестр бўлиб, унда янги аккумуляторнинг маркаси, модели, кафолатли хизмат муддати меъери, ўрнатилган АТВнинг давлат белгиси рақами, хайдовчининг фамилияси, исми-шарифи, уларни ўрнатиш санаси, шунингдек, хисобот даврлари бўйича аккумуляторлар томонидан бажарилган иш (ташилган юк хажми, ишлаган ойлар сони, босиб ўтилган йўл), уларни хисобдан чикариш санаси ва сабаблари акс эттирилади.

Автошиналар иш фаолияти карточкаси - АТВларга ўрнатилган янги автошиналар иш фаолиятини назорат килиш максадида юритиладиган реестр бўлиб, унда янги автошинанинг маркаси, модели, кафолатли хизмат муддати меъёри, ўрнатилган АТВнинг давлат белгиси рақами, хайдовчининг фамилияси, исми-шарифи, уларни ўрнатиш санаси, шунингдек, хисобот даврлари бўйича автошина томонидан бажарилган иш (босиб ўтилган йўл), уларни хисобдан чикариш санаси ва сабаблари акс эттирилади.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ

1.Ишлаб чиқариш захирасига киради:

а) бензин;

б) россер,

в) поршен;

г) юкоридагиларнинг барчаси.

2.Қуйидагиларнинг қайси бири эхтиет қисмга кирмайди:

а) гильза;

б) сим;

в) афтол;

г) автошина.

3. Автомашина сотиб олингаида унга завод томонидан ўрнатилган аккумулятор киймати:

а) алохида хисобга олинади;

б)бирданига хисобдан чикариб юборилади;

в) автомашинанинг бошланғич кийматига киради;

г) хайдовчидан ундириб олинади.

4. Эхтиёт қисмларнинг омбордан автомашиналарга ўрнатишга берилиши расмийлаштирилади:

а) талабномалар билан;

б) лимит-забор варакаси билан;

в) накладной билан;

г) юқорида келтирилган жавоблардаги ҳужжатларнинг бири билан

5. Цистернада сақланаётган ёқилғи массасини ҳисобга олаётганда ҳаво ҳарорати даражасининг ўзгариши:

а) таъсир ўтказмайди;

б) зътиборга олинади;

в) эътиборга олинмайди;

г) фарқ қилмайди.

6. Таъминотчилардан келтирилган А-80 маркали бензиннинг миқдори счёт-фактура бўйича 4500 кг. Автобазада бензин ҳисоби литрда юритилади. Бензиннинг зичлик коэффициенти 0,75. Бир литр бензиннинг сотиб олиш баҳоси (ҚҚСсиз) 2500 сўм. Бензиннинг литрдаги миқдори ва кирим баҳосидаги қиймати тенг:

а) 4500 л, 11250000 сўм;

б) 6000 л, 15000000 сўм;

в) 3375 л, 8437500 сўм;

г) 4500 л, 11700000 сўм.

7. 6-тестда келтирилган маълумотлар асосида кирим қилинган бензинга қуйидаги ёзувларнинг қайси бири берилиши керак?

а) Дебет 1010 Кредит 6010 11250000 сўм;

б) Дебет 1010 Кредит 6010 15000000 сўм;

в) Дебет 1010 Кредит 6010 8437500 сўм;

г) Дебет 1010 Кредит 6010 11700000 сўм.

8. 6-тестда келтирилган маълумотларга асосан кирим қилинган бензинга тўғри келувчи ҚҚС суммаси (20 %)га ушбу солиқни тўловчи корхоналарда қандай ёзув берилади?

а) Дебет 1010 Кредит 6010 2250000 сўм;

б) Дебет 4410 Кредит 6010 3000000 сўм;

в) Дебет 4410 Кредит 6010 1687500 сўм;

г) Дебет 1010 Кредит 6010 3000000 сўм.

9. «Отайўл» автобусига ҳар бирининг қиймати 1000000 сўмлик 4 та автошина ўрнатилди. Автошиналарнинг хизмат муддати меъёри 55 минг км. Автобусга қўйилган автошинага қуйидаги ёзувларнинг қайси бири берилади?

а) Дебет 1040 Кредит 6010 4000000 сўм;

б) Дебет 2010 Кредит 1040 4000000 сўм;

в) Дебет 3190 Кредит 1040 1000000 сўм;

г) Дебет 3190 Кредит 1040 4000000 сўм.

Хўжалик ситуацияси

АЕҚШ мудирининг берган ҳисоботига кўра ҳажми 20 куб (4*2,5*2) бўлган цистернада 13100 литр солярка мавжуд. Инвентаризацияда цистернанинг 1,30 метрлик баландлигида ёқилғи тургани аниқланди. Ёқилғи зичлиги коэффициенти 0,832, яъни 1 куб метрга 832 кг ёқилғи кетиши белгиланган. Бир литр солярканинг ўртача кирим баҳоси 4000 сум. Корхона раҳбари камомад суммасини 20 фоизлик жарима билан нақд пул билан ундириб олишга буйруқ берган.

Хўжалик ситуацияси тартида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги саволларга тўғри жавобларни топинг.

1.Цистернада ҳақиқатда мавжуд солярканинг миқдори тенг:

а) 13100 литр; б) 10816 кг; в) 8320 кг; г) 13100 кг.

2.Цистернада ҳақиқатда мавжуд солярканинг литрдаги миқдори тенг:

а) 13100 литр;
б) 13000 литр;
в) 10000 литр;
г) 10816 литр.

3. Солярка бўйича камомад миқдори тенг:

а) 0 литр; б) 100 литр;
в) 3000 литр; г) 2184 литр.

4. Аниқланган камомад суммаси тенг:

а) йўқ;
б) 400000 сўм;
в) 1200000 сўм;
г) 873600 сўм.

5.Камомад суммасига қуйидаги ёзувларнинг қайси бири берилиши керак?

а) Дебет 5910 Кредит 1030 400000 сўм;
б) Дебет 3190 Кредит 1030 400000 сўм;
в) Дебет 9430 Кредит 1030 400000 сўм;
г) Дебет 4790 Кредит 1030 400000 сўм.

6. Корхона рахбарининг буйрутига кура камомад суммасини АЁҚШ мудири бўйнига қўйилишита қуйидаги ёзувларнинг қайси бири берилиши керак?

а) Дебет 9430 Кредит 5910 400000 сўм;
б) Дебет 4730 Кредит 1030 400000 сўм;
в) Дебет 4730 Кредит 5910 400000 сўм;
г) Дебет 4790 Кредит 5910 400000 сўм.

7. АЁҚШ мудиридан камомад учун ундириладиган жарима суммасига қуйидаги ёзувларнинг қайси бири берилиши керак?

а) Дебет 5910 Кредит 1030 80000 сўм;
б) Дебет 4730 Кредит 9330 80000 сўм;
в) Дебет 5010 Кредит 9330 80000 сўм;
г) Дебет 4790 Кредит 9330 80000 сўм.

8.АЁҚШ мудиридан накд пул билан ундирилган суммасига қуйидаги ёзувларнинг қайси бири берилиши керак?

а) Дебет 5010 Кредит 5910 480000 сўм;
б) Дебет 5010 Кредит 4730 480000 сўм;
в) Дебет 5010 Кредит 9330 480000 сўм;
г) Дебет 5010 Кредит 4790 480000 сўм.

12-БОБ. АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА БАЖАРИЛГАН ИШ (КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТ)ЛАР ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ

12.1. Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг таснифи ва тавсифи

Автотранспорт корхоналарида АТВлар ёрдамида юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга кетган харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари сифатида тан олинади. Ушбу харажатлар бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг таннархини ташкил этади.

Автотранспорт корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш турига кўра автотранспорт корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатлари асосий, ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларига бўлинади.

Автотранспорт корхоналарида **асосий ишлаб чиқариш харажатлари** деганда АТВлар ёрдамида юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) учун кетган сарф-харажатлар тушунилади. Ушбу харажатларнинг ҳисоби 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётида олиб борилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларига автотранспорт корхоналарининг таъмирлаш устахоналари, турли агрегатлар ва мосламаларни ясаш цехлари, АТВларни ювиш комплекси, диспетчерлик бўлими, гараж, АЁҚШ ва бошқа ёрдамчи хўжаликларга кетган харажатлар киради. Бу харажатларнинг ҳисоби 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида юритилади.

Автотранспорт корхоналарининг **умумхўжалик харажатлари** бўлиб уларни газ, сув, электр қуввати ва пар билан таъминлаш, АТВларни кўриклаш, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўлинмаларининг харажатлари ҳисобланади. Бундай харажатлар ҳисоби 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётида олиб борилади.

Барча ишлаб чиқариш харажатлари уларнинг таннархга киритилиш усулига кўра бевосита ва билвосита харажатларга бўлинади.

Бевосита харажатларга юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига тўғридан-тўғри олиб бориладиган харажатлар киради. Бундай харажатларга, чунончи, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)га бевосита сарфланган ёқилғи, АТВлар ҳайдовчиларига ҳисобланган меҳнат ҳаки ва бошқалар мисол бўлади.

Билвосита харажатлар деганда юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига махсус хисоб-китоблар асосида таксимлаш йўли билан киритиладиган харажатлар тушунилади. Одатда, аксарият ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлаб чиқариш харажатлари билвосита харажат бўлиб хисобланади.

Автотранспорт корхоналарида айрим ишлаб чиқариш харажатлари юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар хажмининг ўзгаришига караб мос равишда ўзгаради, уларнинг айримлари эса ўзгаришсиз колади. Ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатларига ёқилги ва мойлаш материаллари, эхтиёт қисмлар, хисобланган ишбай меҳнат ҳақи ва бошқа харажатлар киради. Ўзгармас харажатларга, мисол учун, қатъий суммада белгиланган ижара тўловлари, маошлар, мажбурий ажратмалар, бир хил маромда асосий воситаларнинг бошланғич қийматига нисбатан хисобланадиган амортизация (эскириш) суммаси ва бошқалар мисол бўлади.

Автотранспорт корхоналарида, бошка хўжалик юритувчи субъектлардаги каби, ишлаб чиқариш харажатларининг таркибий моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон карори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га асосан тартибга солинади.

Утбу Низомга мувофиқ автотранспорт корхоналари ишлаб чиқариш харажатларининг таркибий моддалари иктисодий мазмунига кўра бешта гурухга бўлинади. Булар:

- **материал харажатлари** – бу юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар учун сарфланган ёқилғи, мойлаш материаллари, эхтиёт қисмлар хўжалик буюмлари, махсус жиҳозлар ва бошқа турдаги материаллар қиймати;
- **меҳнат ҳақи харажатлари** - бу юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар учун АТВлар ҳайдовчиларига ҳисобланган меҳнат ҳақи;
- **ижтимоий суғуртага ажратмалар** - бу юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар учун АТВлар ҳайдовчиларига ҳисобланган меҳнат ҳаҳига нисбатан давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига белгиланган ставкалардаги мажбурий тўловлари;
- **амортизация харажатлари** - бу юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш)га бевосита алоқадор

бунлан асосий воситалар ҳамда номоддий активларнинг эскириш қиймати;

• **бошқаришлаб чиқариш харажатлари** – бу юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар учун сарфланган бошқа ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш максадларидаги харажатлар, масалан газ, сув, электр қуввати, пар таъминоти, жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари, шунингдек турли хизматлар учун хисобланган тўловлар

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳар бир моддасини хисобга олишнинг, шунингдек уларни юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) таннархига киритишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Қуйида уларнинг асосийларига тўхталамиз.

12.2. Ёқилғи сарфининг хисоби

Юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига ёқилғи қиймати уларнинг белгиланган меъёрий сарфига асосан киритилади. Ёқилгининг меъёрий сарфи автомобилларнинг турлари бўйича қуйидаги алгоритмлар асосида топилади:

1.Юк ташишга мўлжалланган бортли автомобиллар бўйича:

$$Ём = 0,01*(Йб*Мт + Би*Ми)*(1+0,01*Кт)$$

Бу ерда: **Ём** – ёқилгининг меъёрий сарфи, литрда;

Йб – автомобилнинг босиб ўтган йўли, км;

Мт – юксиз ҳолда ҳар 100 км масофа учун ёқилғи сарфининг меъёри, л/100 км;

Би – транспорт бажарган иш ҳажми, т/км;

Ми – бажарилган ҳар 100 т/км иш учун ёқилғи сарфининг меъёри, л/100 т/км;

Кт - тулатиш коэффициенти (меъёрга қўшимча ёки уни камайтирилиши), фоизларда.

Ўз навбатида, юксиз ҳолда ҳар 100 км масофа учун ёқилғи сарфининг меъёри (Мт) ҳамда транспорт бажарган иш ҳажми (Би) қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$Мт = Бм + Тм*Тс$$

$$Би = Юх*Мб$$

Бу ерда: Бм – ҳар 100 км масофа учун ёқилғи сарфининг базовий меъёри, л/100 км;

Тс – тиркама ёки ярим тиркаманинг хусусий оғирлиги, тоннада;

Тм – тиркама ёки ярим тиркаманинг қўшимча оғирлиги учун ортиқ сарфининг меъёри, л/100 т/км;

Юх – ташилган юк миқдори, тонна;

Мб – юк билан босиб ўтилган масофа, км

Бортли юк ташиш автомобиллари бўйича ёқилғи сарфи меъёри ҳар бир тонна юкни 100 км масофага ташишда қуйидаги миқдоргача оширилади: бензинда – 2 литргача; дизель ёқилғисида -1,3 литргача; суюлтирилган газда -2,64 литргача; табиий газда – 2 куб метргача.

Мисол 1. *Айтайлик, КамАЗ-5320 маркали бортли юк ташиш машинаси ГКБ 8350-маркали тиркамаси билан йўл варақаси маълумотларига кўра 10000 т/км миқдорида иш бажарган. Босиб ўтилган йўл – 500 км. 1 литр дизель ёқилғисининг кирим қиймати ўртача 3000 сўм. Ушбу автомашина бўйича:*

- ҳар 100 км масофага ёқилғи сарфининг базовий меъёри 25,0 литр;

-бажарилган ҳар 100 т/км иш учун ёқилғи сарфининг меъёри 1,3 литр;

-тиркаманинг ҳар 1 тонна оғирлиги учун қўшимча ёқилғи сарфи меъёри 1,3 литр;

-тиркаманинг оғирлиги 4,0 тонна;

- қиш даврида ишлаганлик учун ёқилғи сарфи меъёрига қўшимча 10 фоиз.

Юқорида келтирилган шартли маълумотларга кўра:

• ҳар 100 км масофага ёқилғи сарфи меъёри

Мт = Бм + Тм*Тс = 25 + 4*1,3 = 30,2 л.

• автомашинанинг бажарган ишига тўғри келадиган ва унинг таннархига киритилиши лозим бўлган ёқилғининг миқдори

Ем = 0,01*(Йб*Мт + Би*Мн)* (1+0,01*Кт) = 0,01* (500*30,2+ 10000*1,3)* (1+0,01*10) = 309,1 литр

• бажарилган иш таннархига киритилиши лозим бўлган ёқилғининг киймати 927 300 сўм (309,1 л * 3000 сўм).

2. Ўзи тўкгич юк ташиш машиналари (самосволлар) бўйича

Ём = 0,01*Йб*Бм * (1+0,01*Кт) + Кс*Км

Бу ерда: **Ём** – ёқилғининг меъёрий сарфи, литрда;

Йб – автомобилнинг босиб ўтган йўли, км;

Бм – ҳар 100 км масофа учун ёқилғи сарфининг базовий меъёри, л/100 км;

Кт - тузатиш коэффициенти (меъёрга қўшимча ёки уни камайтирилиши), фоизларда;

Кс- қатновлар сони;

Км – юк билан ҳар бир қатнов учун сарфланадиган ёқилғи қўшимча меъёри, литрда.

Мисол. *Айтайлик, КамАЗ -5511 маркали юкни ўзи тўкадиган (самосвал) автомашинаси йўл варақаси маълумотларига кўра бир кунда 10 қатновда юк ташиган ва жами 200 км масофани ўтаган. Ҳар 100 км масофага ёқилғи сарфининг базовий меъёри 34,0 литр; карьерда*

ишлаганлик учун ёқилғи сарфи меъёрига қўшимча 12 фоиз, юк билан ҳар бир қатнов учун ёқилғи сарфининг қўшимча меъёри 0,35 литр. 1 литр дизель ёқилғисининг кирим қиймати ўртача 3000 сўм.

Юқорида келтирилган шартли маълумотларга кўра автомашинанинг бажарган ишига тўғри келадиган ва унинг таннархига киритилиши лозим бўлган ёқилғининг миқдори

Ём = 0,01*Йб*Бмт *(1+0,01*Кт) + К* Км = 0,01* 200*34,0* (1+0,01*12)+10*0,35 = 79,66 литр

Бажарилган иш таннархига киритилиши лозим бўлган ёқилғининг қиймати ушбу мисол шартига кўра 238 980 сўм (79,66 л * 3000 сўм)ни ташкил қилади.

3. Автобуслар бўйича

Ём= 0,01*Йб*Бм * (1+0,01*Кт) + Ив*Км

Бу ерда:

Ём – ёқилғининг меъёрий сарфи, литрда;

Йб – автомобилнинг босиб ўтган йўли, км;

Бм – ҳар 100 км масофа учун ёқилғи сарфининг базовий меъёри, л/100 км;

Кт - тузатиш коэффициенти (меъёрга қўшимча ёки уни камайтирилиши), фоизларда;

Ив – иситиш ускуналарининг иш вакти, соат;

Км – иситиш ускуналарининг 1 соатлик иш вактига сарфланадиган ёқилгининг қўшимча меъёри, литрда.

Мисол. *Айтайлик, Икарус-260.01 маркали автобуснинг йўл варақалари бўйича босиб ўтган йўли декабр ойида 20000 км, ҳар 100 км масофага ёқилғи (солярка) сарфининг базовий меъёри 40,0 литр; қиш даврида ишлаганлик учун ёқилғи сарфи меъёрига қўшимча 10 фоиз. 1 литр дизель ёқилғисининг кирим қиймати ўртача 3000 сўм. Иситиш ускунасининг иш вақти шу ойда 100 соат, иситиш ускунасининг ҳар соатлик иш вақтига ёқилғи сарфининг қўшимча меъёри 0,25 литр.*

Юқорида келтирилган шартли маълумотларга кўра автобуснинг бажарган ишига тўғри келадиган ва унинг таннархига киритилиши лозим бўлган ёқилғининг миқдори

Ём= 0,01*Йб*Бмт *(1+0,01*Кт) + Ив* Км = 0,01* 20000*40,0* (1+0,01*10)+100*0,25 = 8825 литр

Бажарилган иш таннархига киритилиши лозим бўлган ёқилғининг қиймати ушбу мисол шартига кўра 26 475 000 сўм (8825 л * 3000 сўм)ни ташкил қилади.

4.Енгил автомобиллар бўйича:

Ём = 0,01*Бм*Йб* (1+0,01*Кт)

Бу ерда: **Ём** - ёқилғининг меъёрий сарфи, литрда;

Бм - хар 100 км учун ёқилғи сарфининг базовий миқдори, л/100 км;

Йб - автомобилнинг босиб ўтган йўли, км;

Кт - тузатиш коэффициенти (меъёрга қўшимча ёки уни камайтирилиши), фоизларда.

Мисол. *Айтайлик, такси сифатида ишлатилаётган ГАЗ-3102 маркали автомобилнинг йўл варақлари бўйича босиб ўтган йўли ҳисобот ойида 10000 км, ҳар 100 км масофага ёқилғи (бензин) сарфининг базовий меъёри 13,0 литр; қиш даврида ишлаганлик учун ёқилғи сарфи меъёрига қўшимча 10 фоиз. 1 литр бензиннинг кирим қиймати ўртача 3100 сўм. Иситиш ускунасидан фойдаланилганлик учун ёқилғи сарфининг қўшимча меъёри 15 фоиз.*

Юкорида келтирилган шартли маълумотларга кўра автобусининг бажарган ишига тўғри келадиган ва унинг таннархига киритилиши лозим бўлган ёқилғининг миқдори

Ём = 0,01*Йб*Бмт *(1+0,01*Кт) =

=0,01* 10000*13,0* (1+0,01*15) = 1495 литр

Бажарилган иш таннархига киритилиши лозим бўлган ёқилғининг қиймати ушбу мисол шартига кўра 4 634 500 сўм (1495 л * 3100 сўм)ни ташкил қилади.

Юкорида келтирилган ҳисоб-китоблар асосида АТВлар ердамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга сарфлантан ёқилғи қийматига автотранспорт корхоналарида қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 1031 «Ҳайдовчилар жавобгарлигидаги ёқилғи».

Ҳисобот даврида ҳайдовчилар жавобгарлигидаги ёқилғининг меъёрдан ортиқ ёки кам сарфланганлиги қуйидаги тартибда ҳисоб-китоб қилинади (12.1-жадвал)

Ҳайдовчилар жавобгарлигидаги ёқилғининг ҳисобот даври охиридаги ҳақиқий миқдори АТВлар бакидаги ёқилғини инвентаризация қилиш йўли билан аниқланади. Инвентаризация варақаларида акс эттирилган қолдиқни (жадвалнинг 9-устунчаси маълумотлари) ёқилғининг меъёрий сарфлар ҳисобдан чиқариб топилган қолдиғи (жадвалнинг 8-устунчаси маълумотлари) билан таққослаш асосида ёқилғи бўйича эришилган тежам ёки меъёрдан ортиқ сарфлар аниқланади. Чунончи, ёқилғининг ҳақиқий қолдиғини меъёрий сарфлар асосида топилган қолдиқдан кам бўлиши ёқилғи бўйича

ортикча сарфларга йул куйилганликни, аксинча холат эса улар бўйича тежамкорликка эришилганликни билдиради.

12.1-жадвал

Автотранспорт воситалари бўйича ёқилғи сарфини белгиланган меъёрдан четланишларининг хисоб-китоби

(литрда)

№	АТВ давлат белгиси рақами	Хайдовчининг Ф.И.Ш.	Хисобот даврибошидаги колдик	Хисобот даврида берилган ёқилғи	Жами ёқилғи (4+5)	Меъёр бўйича сарфланган ёқилғи	Хисобот даври охиридаги колдик		Четланиш	
							меъёр бўйича (6-7)	Хақиқатда	ортикча сарф (9>8)	тежам (9>8)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	30 AF 401	Усаров	20	300	320	285	35	30	5	-
2	30 AF 402	Холов	40	400	440	430	10	12	-	2
3	30 AF 403	Тошев	25	375	400	380	20	20	-	-
Худди шу тарзда барча бошка АТВлар бўйича										
Жами			700	4500	5200	4800	400	345	85	30

Хайдовчилар томонидан ёқилғи сарфи бўйича йўл қўйилган меъёрдан ортикчалар камомад сифатида тан олинади ва мос равишда хисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 5910 «Камомад ва бойликларга етказилган зарардан йўқотишлар»

Кредит 1031 «Хайдовчилар жавобгарлигидаги ёқилғи».

Ушбу камомад лйбдор шахс, яъни АТВ хайдовчиси бўйнига қўйилганда:

Дебет 4730 «Ходимларнинг моддий зарарни коплаш бўйича карзлари»

Кредит 5910 «Камомад ва бойликларга етказилган зарардан йўқотишлар».

Ёқилғининг меъёрдан ортик сарфи корхона хисобидан копланганда:

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 5910 «Камомад ва бойликларга етказилган зарардан йўқотишлар».

Ҳайдовчилар томонидан ёқилғи сарфи бўйича тежамкорликка эришилганда тежалган ёқилғи суммасига қизил ёзув билан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 1031 «Ҳайдовчилар жавобгарлигидаги ёқилғи».

Ушбу ёзув АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархини ёқилғи тежами эвазига камайганлигини, шунингдек тежалган ёқилғининг ҳайдовчи жавобгарлигида қолганлигини билдиради.

12.3. Эҳтиёт қисмлар сарфининг ҳисоби

Автотранспорт корхоналарида АТВларга ўрнатилган эҳтиёт қисмлар қийматини бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиш иккита усулда амалга оширилади: (1) усул – бу эҳтиёт қисмлар қийматини улар АТВларга ўрнатилганда фойдали хизмат муддати мобайнида таннархга бир маромда ёки бажарилган иш ҳажмига қараб киритиб бориш усули; (2) усул – бу эҳтиёт қисмлар қийматини улар АТВларга ўрнатилганда таннархга тўлиғича киритиш усули.

Биринчи усул АТВларга ўрнатиладиган янги автошиналар ва аккумуляторлар қийматини бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритишда қўлланилади. Иккинчи усул қолган эҳтиёт қисмлар қийматини бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритишда ишлатилади.

АТВларга ўрнатилган автошиналар қийматини бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Биринчидан, ўрнатиш далолатномасига мувофиқ АТВга ўрнатилган автошиналар қиймати топиб олинади.

Иккинчидан, йўл варақалари ҳамда автошиналар иш фаолияти ҳисоби карточкалари асосида АТВлар томонидан ўрнатилган янги автошиналарда босиб ўтилган масофанинг узунлиги аниқланади.

Учинчидан, ўрнатилган янги автошиналар бўйича улар қийматининг бир бирлик ишга тўғри келадиган меъёри топилади. Бундай меъёр бўлиб автошиналар қийматиниш 1 км босиб ўтилган масофага тўғри келувчи ўртача суммаси ҳисобланади. Ушбу ўртача сумма ўрнатилган автошиналар қийматини улар бўйича ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгиланган йўл босиб ўтиш меъёрига бўлиш орқали топилади.

Тўртинчидан, ҳар ойда АТВ томонидан босиб ўтилган масофани 1 км босиб ўтилган масофага тўғри келадиган суммага (меъёрга)

кўпайтириш орқали ўрнатилган автошиналарнинг бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган суммаси топилади.

Мисол. *Айтайлик, 2018 йил 1 май куни М-50 «Ўзонтойўл» автобусига ҳар бирининг кирим баҳоси 1100000 минг сўмлик жами қиймати 4400000 минг сўмлик тўртта баллон ўрнатилди. Баллонларнинг завод томонидан белгиланган масофа ўтиш меъёри 55 минг км. Демак, уларнинг 1 км масофани босиб босиб ўтишида ҳисобдан чиқариладиган ўртача қиймати 80 сўм (4400000 /55000). Автобуснинг йўл варақалари бўйича босиб ўтган йўли ойлар бўйича қуйидагича: май - 6000 км; июнь - 6200 км; июль – 5500 км; август – 6400 км; сентябрь- 7000 км.*

Автошиналар кийматини ҳар ойда АТВлар ердамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига бажарилган иш ҳажмига, яъни босиб ўтган йўлига кўра ҳисобдан чиқариб борилиши қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади (12.2-жадвалга қаранг).

12.2-жадвал

Автошиналар қийматини бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиш ҳисоб-китоби

Ой	Босиб ўтилган йўл (км)	1 км босиб ўтилган йўл учун белгиланган меъёр, (сўм)	Автошиналарнинг таннархга киритиладиган суммаси
Май	6000	80	480000
Июнь	6200	80	496000
Июль	5500	80	440000
Август	6400	80	512000
Сентябрь	7000	80	560000
Шу тарзда бошқа ойлар бўйича			

АТВларга ўрнатилган янги автошиналарнинг ҳар ойда ҳисобдан чиқариб бориладиган ва бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиб бориладиган киймати бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 3190 «Бошқа келгуси даврхаражатлари».

Ушбу бухгалтерия ёзуви автошиналарнинг белгиланган хизмат муддати тўлиқ тугагунга қадар бериб борилади. Автошиналарнинг хизмат муддати тугаган ҳисобот даврида (ойда) уларнинг 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» счетида ҳисобда турган суммаси нолга айланади ва мос равишда ушбу счёт ёпилади.

Автошиналар белгиланган хизмат муддатидан кейинги даврда фойдаланишга яроқли бўлганлиги учун ишлатилса, у холда улар бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган сумма мавжуд бўлмайди. Агар, автошиналар хизмат муддатидан кейин реставрация қилинган холда ишлатилса, у холда уларнинг реставрация қиймати кейинги белгиланган хизмат муддати мобайнида юқорида келтирилган тартибда бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиб борилади.

АТВларга ўрнатилган янги аккумуляторларнинг хар ойда хисобдан чиқариб бориладиган суммаси уларнинг сотиб олиш қийматини белгиланган фойдали хизмат ойлари сонига бўлиш орқали топилади. Аккумуляторларнинг хизмат муддати уларнинг маркалари бўйича тайёрловчи завод томонидан белгиланади. Мисол учун, М-24.9 «Узотойўл» автобусларига ўрнатиладиган 2х2V-88 маркали аккумуляторларнинг фойдали хизмат муддати уларни ишлаб чиқарувчи завод томонидан 24 ой миқдорида белгиланган. Мисол учун, айтайлик, ушбу аккумуляторларнинг сотиб олиш қиймати 1200 минг сўм. Демак, бу аккумулятор АТВга ўрнатилганда, унинг хар ойда хисобдан чиқариб бориладиган ва бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган қиймати 50000 сўмни (1200000/24) ташкил қилади.

АТВларга ўрнатилган аккумуляторлар худди автошиналар сингари ўрнатилган санадан бошлаб 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» счетида хисобга олинади. Уларнинг хар ойда хисобдан чиқариб бориладиган ва бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган қийматига қуйидаги сўм берилади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари».

Аккумуляторларнинг бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган хар ойлик қийматини худди автошиналар каби босиб ўтган йўли бўйича хам хисоб-китоб қилиш мумкин. Бунинг учун, дастлаб, янги ўрнатилган аккумуляторнинг фойдали хизмат муддати мобайнида 1 км босиб ўтиладиган йўлга тўғри келадиган ўртача қиймати меъёр сифатида топилади. Сўнгра, хар ойда АТВ томонидан босиб ўтилган йўл узунлиги аккумуляторнинг 1 км босиб ўтиладиган йўлга тўғри келадиган ўртача қийматига кўпайтирилади. Топилган сумма хисобот ойида аккумулятор қийматининг бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган қисмини билдиради.

Мисол. *Айтайлик, қиймати 1200 000 сумлик 2х2V-88 маркали аккумулятор хисобот йилининг 15 сентябрида АТВга ўрнатилди. Аккумуляторнинг фойдали хизмат муддати 80 минг км. Демак, 1 км босиб ўтиладиган масофа учун аккумуляторнинг хисобдан чиқариладиган қиймати ўртача 15,00 сўм (1200000/80000)ни ташкил*

этади. Ҳисобот йилининг ойлари бўйича АТВ томонидан босиб ўтилган йўл қуйидагича: сентябрда -4000 км; октябрда -7500 км; ноябрда -8000 км; декабрда -6000 км.

Юқоридаги шартли маълумотларга кўра аккумуляторнинг ҳисобот йили ойлари бўйича ҳисобдан чиқариладиган ва бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган қийматини қуйидагича ҳисоб-китоб қилиш мумкин (12.3-жадвал).

12.3-жадвал

Аккумулятор қиймагини ҳисобот йили ойлари бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиш ҳисоб-китоби

Ойлар	Босиб ўтилган йўл, Км	Ҳисобдан чиқариш меъёри, сўм	Ҳисобдан чиқариш суммаси, сўм	Бухгалтерия ёзуви	
				Дебет	Кредит
Сентябр	4000	15,0	60000	2010	3190
Октябр	7500	15,0	112500	2010	3190
Ноябр	8000	15,0	120000	2010	3190
Декабр	6000	15,0	90000	2010	3190
Жами ҳисобот йилида	**25500**		**382 500**		

Фойдали хизмат муддати белгиланмаган бошқа эҳтиёт қисмлар АТВларга ўрнатилган куни тегишли далолатномалар (масалан, капитал ёки жорий таъмирлаш далолатномаси, ўрнатиш далолатномаси) асосида дастлаб ёрдамчи ёки умумишлаб чиқариш харажатлари таркибига, кейин эса бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритилади. Бухгалтерия ҳисобида ушбу операциялар мос равишда қуйидагича акс акс эттирилади:

• *эҳтиёт қисмлар қийматини ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилишига:*

Дебет 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш».

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари

Кредит 1040 «Эҳтиёт қисмлар».

• *ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларини бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритилишига:*

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари».

12.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар бўйича харажатларнинг ҳисоби

Автотранспорт корхоналарида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига юк ташиш ёки йўловчи ташишга ихтисослашган АТВлар ҳайдовчиларига, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқаришга бевосита алокадор ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳаки суммаси, шунингдек мос равишда ҳисобланган меҳнат ҳаки суммасига нисбатан белгиланган ставкаларда ижтимоий суғуртага киланган ажратмалар киритилади.

Автотранспорт корхоналарида ходимларга меҳнат ҳаки ишбай ва вақтбай шаклларда, тарифли ҳамда тарифсиз тизимларда ҳисобланади. Ҳисобланган меҳнат ҳаки асосий ҳамда кўшимча меҳнат ҳакларидан ташкил топади.

Асосий меҳнат ҳакига АТВлар ҳайдовчиларига, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқаришга бевосита алокадор ходимларга ҳақиқатда бажарган иши (кўрсатган хизмати) ёки ишлаган вакти учун ҳисобланган меҳнат ҳаки киради. Ушбу ходимларга турли хизматлари, унвонлари ва тоифалари учун кўшимча ҳаклар, берилган топшириқни бажарганлиги ёки ошириб бажарганлиги, материалларни тежаб-тергаб сарфланишига эришганлиги учун ҳисобланган мукофатлар, моддий ёрдамлар, компенсациялар, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги учун берилган нафакалар, меҳнат таътили ҳаки ҳамда шу каби бошка тўловлар кўшимча меҳнат ҳакини ташкил этади.

Ишбай шаклда ишловчи ходимларга асосий иш ҳакини ҳисоблашга асос бўлиб улар бажарган иш (кўрсатган хизмат) ҳажми, шунингдек бир бирлик иш ёки хизмат учун белгиланган тариф (расценка) ҳисобланади. Чунончи, юк ёки йўловчи ташишга ихтисослашган АТВ ҳайдовчилари учун бажарган иш ҳажми ташилган юк миқдори ёки ташилган йўловчилар сони, юк (йўловчи) айланмаси, босиб ўтилган масофа, наряддa бўлган вакт миқдори каби кўрсаткичлар билан ифодаланади. Ушбу кўрсаткичлардан бири бўйича ифодаланган иш ҳажми миқдорини бир бирлик иш ҳажми учун белгиланган тариф (расценка)га кўпайтириш йўли билан ҳайдовчиларнинг асосий меҳнат ҳаки топилади. Бунда бажарилган иш ҳажмини тасдикловчи асосий ҳужжатлар бўлиб йўл варакалари, товар-транспорт наклоднойлари ҳисобланади.

Вақтбай шаклда ишловчи ходимларга асосий иш ҳакини ҳисоблашга асос бўлиб уларга автотранспорт корхонасининг тасдикланган штат жадвали бўйича белгиланган маош миқдори, шунингдек ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган вакти ҳисобланади. Ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган вакти миқдорини (кунлар ёки соатларда) тасдикловчи асосий ҳужжат бўлиб «Ишга келиш ҳисоби

табели» ҳисобланади. Белгиланган маошни ҳисобот давридаги иш кунлари (соатлари) сонига бўлиш ҳамда топилган суммани ходимларнинг ҳакикатда ишлаган кунлари (соатлари) миқдорига кўпайтириш йўли билан уларнинг асосий меҳнат ҳаки топилади.

АТВ ҳайдовчилари, ёрдамчи ва умумишлаб чиқаришга бевосита алоқадор барча бошқа ходимларнинг тоифалари ва разрядлари учун тўланадиган қўшимчалар, шунингдек кечки (тунги) сменаларда, байрам ҳамда дам олиш кунларида ишлаганлик учун қўшимчалар, мукофатлар тузилган меҳнат шартномаларида белгиланган ёки транспорт корхонаси раҳбари буйруғи билан тасдиқланган меъёрлар асосида ҳисобланади. Меҳнатга яроксиз кунлар учун нафақа, меҳнат таътили ҳаки каби қўшимчалар ходимларга умумбелгиланган тартибларда мос равишдаги тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар учун АТВ ҳайдовчиларига ҳисобланган асосий ва қўшимча меҳнат ҳақлари суммасига ҳисоб-тўлов қайдномалари ёки меҳнат ҳаки ҳисоби китоби асосида қуйидагича бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 6710 «Ходимлар билан иш ҳаки бўйича ҳисоб-китоблар».

АТВ ҳайдовчиларига ҳисобланган меҳнат ҳаки суммасига нисбатан белгиланган ставкаларда ижтимоий суғуртага қилинган мажбурий ажратма суммасига қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 6520 «Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар».

Ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш ходимларига ҳисобланган барча турдаги меҳнат ҳаки суммалари бухгалтерия ҳисобида мос равишда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»,

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари

Кредит 6710 «Ходимлар билан иш ҳаки бўйича ҳисоб-китоблар».

Мос равишда ушбу ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳаки суммасига нисбатан белгиланган ставкаларда ижтимоий суғуртага қилинган мажбурий ажратма суммасига қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»,

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари

Кредит 6520 «Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар».

Ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатларига олиб борилган меҳнат ҳаки ҳамда ижтимоий суғуртага мажбурий тўловларнинг бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритилишига қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари».

Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархга киритиладиган меҳнатга ҳақ тулаш харажатларининг аналитик ҳисоби автотранспорт корхоналарининг алоҳида олинган жавобгарлик марказлари (гараж, устахона, АЁҚШ, ювиш комплекси ва бошқалар) бўйича 10 журнал-ордерда олиб борилади.

12.5. Амортизация харажатларининг ҳисоби

Автотранспорт корхоналарида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига бевосита уларнинг юритилишига алоқадор бўлган асосий воситалар ҳамда номоддий активларга ҳисобланган амортизация (эскириш) суммалари киритилади. Ушбу активларга амортизация (эскириш) ҳисоблаш республикамизнинг 5-сон БҲМС «Асосий воситалар» ҳамда 7-сон БҲМС «Номоддий активлар»да назарда тутилган усулларга, яъни бир маромда ҳисоблаш усули, бажарилган иш ҳажмига мутаносиб ҳисоблаш усули, кумулятив усул ҳамда камайиб борувчи қолдиқ қийматдан ҳисоблаш усулига асосан амалга оширилади.

Қуйида амортизация (эскириш) ҳисоблаш усулларини автотранспорт корхоналарида қўллашдаги хусусиятларни, уларнинг афзалликлари ва камчиликларини автотранспорт воситалари мисолида кўриб чиқамиз.

Бир маромда амортизация (эскириш) ҳисоблаш усулини барча турдаги автотранспорт воситаларига қўллаш мумкин.Бу усулда автотранспорт воситаларининг йиллик амортизация суммаси уларнинг амортизацияланадиган қийматини белгиланган йиллик амортизация меъёрига кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш, ойлик амортизация суммаси эса йиллик амортизация суммасини 12 га бўлиш йўли билан топилади.

Мисол. *Айтайлик, М-24.9 «Ўзтойўл» автобусининг бошланғич қиймати 80 000 000 сўм. Тугатиш қиймати 1-ҳолатда 5 фоиз миқдорида белгиланган, 2-ҳолатда эса кўзда тутилмаган. Йиллик амортизация меъёри – 15 фоиз.*

Демак, ушбу автобуснинг амортизацияланадиган қиймати 1-ҳолатда 76 000 000 сўмни (80000000- 80000000*5%), 2-ҳолатда эса 80000000 сўмни ташкил этади. Йиллик амортизация суммаси 1-ҳолатда 11 400 000 сўмни (76 000 000*15%), 2-ҳолатда эса 12 000 000 сўмни (80000000*15%) ташкил қилади. Ойлик амортизация суммаси 1-ҳолатда 950000 сўмдан (11400000/12), 2-ҳолатда эса 1000000 сўмдан (12000 000/12) иборат бўлади.

Хисоб-китоблардан куриниб турибдики, бир маромда амортизация (эскириш) хисоблаш усулига кўра автотранспорт корхонасида автобуснинг фойдали хизмат муддати охирига келиб 1-холатда 76 000 000 сўмлик бошланғич қиймати тўлиқ тикланади, 4 000 000 сўмлик қиймати тикланмасдан қолади. 2-холатда эса автобуснинг бошланғич қиймати фойдали хизмат муддати охирида тўлиқ тикланади.

АТВларга бир маромда амортизация (эскириш) хисоблаш усули айрим камчиликлардан холи эмас. Чунончи, ушбу усулда амортизация (эскириш) АТВлар хақиқатда ишлаган ёки ишламаганлигидан қатъий назар хисобланади. Ишчи холатда бўлмаган АТВларга амортизация (эскириш)ни бир маромда хисоблаб бориш автотранспорт корхоналарида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархини ошишига олиб келади. Шу боис хам, бу усул фақат АТВлар фойдали хизмат муддати мобайнида доимий холда ишчи холатда ушлаб турилганда тегишли самарани беради.

Амортизация (эскириш)ни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар хажмига мутаносиб хисоблаш усулида автотранспорт воситалари амортизацияси (эскириши) уларнинг бир бирлик иш фаолиятига тўғри келадиган амортизация (эскириш) меъёрини хақиқатда бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар хажмига кўпайтириш йўли билан топилади. Бунда бир бирлик бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) сифатида турли кўрсаткичлар, чунончи 1 км, 1 соат, 1 тонна, 1 т/км, 1 киши/км каби кўрсаткичлар олиниши мумкин. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг ушбу бирликларига тўғри келадиган амортизация (эскириш) меъёрлари қуйидагича топилади:

- 1 км босилган масофага тўғри келадиган амортизация (эскириш) меъёри АТВнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати даврида босиб ўтилиши олдиндан белгиланган жами масофа узунлигига бўлиш йўли билан топилади;
- 1 соатлик иш фаолиятига тўғри келадиган амортизация (эскириш) меъёри АТВнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати даврида иш вақтининг олдиндан белгиланган жами сонига бўлиш йўли билан топилади;
- 1 тонна ташиладиган юк хажмига тўғри келадиган амортизация (эскириш) меъёри АТВнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати даврида ташиладиган юкнинг олдиндан белгиланган жами хажмига бўлиш йўли билан топилади;
- 1 т/км юк айланмасига тўғри келадиган амортизация (эскириш) меъёри АТВнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати даврида юк айланмасининг олдиндан белгиланган жами миқдорига бўлиш йўли билан топилади;

• 1 киши/км йўловчи айланмасига тўғри келадиган амортизация (эскириш) меъёри АТВнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати даврида йўловчи айланмасининг олдиндан белгиланган жами миқдорига бўлиш йўли билан топилади.

Иш фаолияти ташилган юк хажмига қараб хисобга олинадиган автотранспорт воситалари бўйича бажарилган иш таннархига киритиладиган амортизация (эскириш) суммаси хисобот даврида хакикатда ташилган юк миқдорини 1 тонна ташиладиган юк хажмига тўғри келувчи амортизация (эскириш) меъёрига кўпайтириш йўли билан топилади.

Мисол. *Айтайлик,юк ташишга мўлжалланган КамАз-55102 ўзи тўкгич (самосвал)нинг бошланғич қиймати 120 000 000 сўм. Тугатиш қиймати 1-ҳолатда 10 фоиз, яъни 12 00 0000 сўм белгиланган, 2-ҳолатда эса у кўзда тутилмаган. Ушбу АТВ ёрдамида унинг фойдали хизмат муддатида (8 йил) ташиладиган юк ҳажми 100000 тонна миқдорида белгиланган. Хисобот ойида АТВда ташилган юк миқдори йўл варақалари ва ТТНлар бўйича 1000 тонна.*

Юкоридаги маълумотлар асосида КамАз-55102 ўзи тўкгич (самосвал) бўйича амортизация қуйидагича хисоб-китоб килинади.

Биринчи холатда. (1) ташиладиган 1 тонна юкга тўғри келадиган амортизация (эскириш) меъёри 1080 сўм (108000000/100000); (2) хисобот даврида хисобланадиган амортизация суммаси 1080000 сўм (1080*1000).

Иккинчи холатда. (1) ташиладиган 1 тонна юкка тўғри келадиган амортизация (эскириш) меъёри 1200 сўм (120000000/100000); (2) хисобот даврида хисобланадиган амортизация суммаси 1200000 сўм (1200*1000).

АТВларга амортизация (эскириш)ни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар ҳажмига мутаносиб хисоблаш усули юкорида келтирилган тартибга ўхшаш тарзда бошка ўлчов бирликларида ифодаланган иш (хизмат)ларга хам кўлланилади. Чунончи:

• иш фаолияти босиб утилган масофа узунлиги билан ўлчанадиган АТВлар бўйича хисобот даврида таннархга олиб бориладиган амортизация харажатлари суммаси йўл варакалари асосида топилган жами босиб ўтилган йўл узунлигини 1 км босиб ўтиладиган йўлга тўғри келувчи амортизация меъёрига кўпайтириш йўли билан топилади;

• иш фаолияти нарядда бўлган вакт билан хисобга олинадиган АТВлар бўйича хисобот даврида таннархга олиб бориладиган амортизация харажатлари суммаси йўл варакалари асосида топилган жами нарядда бўлган вакт миқдорини 1 соатлик ишга тўғри келадиган амортизация меъёрига кўпайтириш йўли билан топилади;

• иш фаолияти юк айланмаси (т/км) ҳажми билан ҳисобга олинадиган АТВлар бўйича ҳисобот даврида таннархга олиб борилаётган амортизация харажатлари суммаси йўл варақалари ҳамда ГТНлар асосида топилган жами юк айланмаси миқдорини 1 т/км юк айланмасига тўғри келадиган амортизация меъёрига кўпайтириш йўли билан топилади;

• иш фаолияти йўловчи айланмаси (киши/км) билан ҳисобга олинадиган АТВлар бўйича ҳисобот даврида таннархга олиб борилаётган амортизация харажатлари суммаси йўл варақалари ҳамда «АТВ иш фаолияти ҳисоби карточкаси» асосида топилган жами йўловчи айланмаси миқдорини 1 киши/км йўловчи айланмасига тўғри келадиган амортизация меъёрига кўпайтириш йўли билан топилади.

Юқорида келтирилган тартибдан кўриниб турибдики, амортизация (эскириш)ни бажарилган иш ҳажмига мутаносиб ҳисоблаш усулида амортизация харажатлари фақат АТВлар ёрдамида маълум иш бажарилганда вужудга келади ҳамда улар мос равишда бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритилади. Иш бажармаган АТВлар бўйича ушбу усулга мувофиқ амортизация (эскириш) ҳисобланмайди. Бундай тартиб бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархини, шунингдек мос равишда молиявий натижалар кўрсаткичларини аниқ ҳисоб-китоб қилишга имкон беради. Бундан ташқари амортизация (эскириш)ни бажарилган иш ҳажмига мутаносиб ҳисоблаш усули АТВларни фойдали хизмат муддати мобайнида доимий ҳолда ишчи ҳолатда ушлаб туришга, уларнинг техник-эксплуатацион имкониятларидан самарали фойдаланишга ундайди.

АТВларга амортизация (эскириш)ни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар ҳажмига мутаносиб ҳисоблаш усули ҳам айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Чунончи, ушбу усул бўйича амортизация (эскириш) ҳисоблашда АТВларнинг зарурат юзасидан жорий ва капитал таъмирлашда бўлиши, шунингдек уларнинг вақт ўтиши билан маънавий эскириши эътибордан четда колади. Бундан ташқари, даромад (фойда) солиғи тўловчи автотранспорт корхоналарида амортизация (эскириш)ни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар ҳажмига мутаносиб ҳисоблаш тартиби республикамизнинг Солиқ кодексида назарда тутилган меъёрлардан ортик ёки кам ҳисобланган эскириш суммаларини ушбу солик базасига кўшиш ёки ундан чегиришга доир кўшимча ҳисоб-китобларни амалга ошириш талабини кўяди.

Амортизация (эскириш) ҳисоблашнинг кумулятив усулида АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган амортизация харажатлари қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади. Дастлаб, АТВнинг фойдали хизмат муддати йиллари сонларининг йиғиндиси топиб олинади. Сўнгра, ҳар бир хизмат йили

сони жами хизмат йиллари сонларининг йиғиндисига нисбат (пропорция) қилиб олинади. Ушбу нисбат (пропорция) амортизация меъери бўлиб ҳисобланади. Фақат ушбу нисбат (пропорция) қўлланишда тескари ҳолда ишлатилади. Ҳисобот йилида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) таннархига киритиладиган амортизация (эскириш) суммаси амортизация меъери сифатида белгиланган нисбат (пропорция)ни АТВнинг амортизациялавадиган қийматига кўпайтириш йўли билан топилади.

Мисол. *Айтайлик, такси сифатида ишлатилаётган «Нексия» автомашинасининг бошланғич қиймати 80 000 000 сўм. Тугатиш қиймати 1-ҳолатда 8 000 000 сўм белгиланган, 2-ҳолатда эса у кузда тутилмаган. Автомобилининг фойдали хизмат муддатида 5 йил. Хизмат йиллари сонлари йиғиндиси 15 (1+2+3+4+5), мос равишда амортизация ҳисоблашда меъёр сифатида олинган сонлар нисбати: 1-йил учун 5/15; 2-йил учун 4/15 3-йил учун 3/15, 4-йил учун 2/15 ва 5-йил учун 1/15.*

Юқоридаги маълумотлар асосида такси сифатида ишлатилаётган *«Нексия»* автомобили бўйича амортизация қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади.

Биринчи ҳолатда. 1-йил учун 24 000 000 сўм (72000000*5/15); 2-йил учун 19 200 000 сўм (72000000*4/15), 3-йил учун 14400000 сўм (72000000*3/15), 4-йил учун 9600 000 сўм (72000000*2/15), ва 5-йил учун 4 800 000 сўм (72000000*1/15).

Иккинчи ҳолатда. 1-йил учун 26 666 667 сўм (80 000000*5/15; 2-йил учун 21 333 333 сўм (80 000000*4/15), 3-йил учун 16 000 000 сўм (80 000 000*3/15), 4-йил учун 10 666 667 сўм (80 000000*2/15) ва 5-йил учун 5 333 333 сўм (80 000000*1/15).

Кумулятив усулда ҳисобот ойлари бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) таннархига киритиладиган АТВларнинг амортизация (эскириш) суммаси йиллик амортизация суммасини 12 га бўлиш орқали аниқланади.

Кўриниб турибдики, кумулятив усул юқорида келтирилган иккита усуллан фарқли ўлароқ АТВларни тезлаштирилган ҳолда амортизация қилинишига олиб келади. Бу, бир томондан, АТВлар маънавий эскиришининг олдини олади, иккинчи томондан эса, уларнинг техник-эксплуатацион имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни объектив зарурат қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига мувофиқ даромад (фойда) солиғи тўловчи автотранспорт корхоналарида АТВларга кумулятив усул бўйича ҳисобланган амортизация суммаси бир маромда ҳисоблаш усулида ҳисобланган эскириш суммасидан катта бўлса, у

ҳолда ўртадаги фарқ суммаси даромад (фойда) солиғи базасига қайта қўшилади.

Кумулятив усулнинг камчиликларидан бири шундаки, у бир даромда ҳисоблаш усули сингари АТВлар амортизацияси (эскириши)ни ҳисобот даврларида ҳақиқатда келтирган даромадига мос ҳолда олинган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритилишига имкон бермайди.

Амортизация (эскириш)ни қолдиқ қийматдан ҳисоблаш усули ҳам тезлаштирилган усулга киради. Ушбу усулда автотранспорт воситаларининг амортизацияланадиган қиймати бўлиб уларнинг қолдиқ қиймати ҳисобланади. Амортизация (эскириш) меъёри АТВларнинг Солиқ кодексида кўзда тутилган меъёрини белгиланган коэффициентга кўлайтиргандан кейин топилган миқдорда кўлланилади. Масалан, Солиқ кодексига мувофиқ йиллик амортизация меъёри 20 фоиз бўлган АТВ бўйича автотранспорт корхонаси ҳисоб сиёсатида ўрнатилган меъёрга нисбатан 1,5 коэффициент кўлланилиши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда ушбу АТВнинг йиллик амортизация меъёри 30 фоизни (20*1,5), агар бу коэффициент 2 бўлса, у ҳолда йиллик амортизация меъёри 40 фоизни (20*2) ташкил этади. Йиллик амортизация меъёрининг 1/12 қисми ойлик амортизация меъёри бўлиб ҳисобланади.

Амортизация (эскириш)ни қолдиқ қийматдан ҳисоблаш усулида амортизация (эскириш) суммаси АТВ сотиб олинган ойдан кейинги ойдан бошлаб бошланғич қийматдан, ундан кейинги ойлардан бошлаб эса олдинги ойлар охирига колган қолдиқ қийматдан ҳисобланади.

Мисол. *Айтойлик, автотранспорт корхонаси 15 сентябрь куни такси сифатида ишлатиш мақсадида 10 дона «Волга 31105» русумли автомобилларни сотиб олди. Улар ҳар бирининг бошланғич қиймати 75000000 сўм. Корхона ҳисоб сиёсатида АТВларнинг тугатиш қиймати назарда тутилмаган. АТВларнинг хизмат муддати 5 йил, йиллик амортизация меъёри 20 %. Корхона йиллик амортизация меъёрини 1,5 баравар, яъни 30 фоиз миқдорида қуллаш тартибини белгилаган. Демак, АТВлар бўйича ойлик амортизация меъёри 2,5 фоиз (30/12).*

Юқоридаги маълумотлар асосида автотранспорт корхонасида ушбу автомобиллар амортизацияси улар сотиб олинган ҳисобот йилида камайиб борувчи қолдиқ усулида қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади (12.4-жадвал).

12.4-жадвал

Камайиб борувчи колдик усулида автотранспорт воситаларига хисобланадиган амортизация (эскириш) суммасининг хисобот ойлари бўйича хисоб-китоби

Ойлар	Амортизация-ланадиган киймат	Ойлик амортизация меъёри, %	Ойлик амортизация суммаси	Жамланган амортизация Суммаси	Колдик киймат
Октябрь	75000000	2,5	1875000	1875000	73125000
Ноябрь	73125000	2,5	1828125	3703125	71296875
Декабрь	71296875	2,5	1782422	5485547	69514453

Амортизация (эскириш)ни камайиб борувчи колдикдан хисоблаш усулини тугатиш киймати кўзда тутилган АТВларга хам кўллаш мумкин. Бунда, кўзда тутилган тугатиш кийматига амортизация хисобланмайди. Ушбу сумма АТВнинг амортизацияланадигаи давр охирида колдик киймат сифатида колади.

АТВлар бўйича амортизация суммасини уларнинг камайиб борувчи колдик кийматидан хисоб-китоб килиш автотранспорт корхоналарида дастлабки йилларда бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархини кескин ошишига, кейинги йилларда эса уни камайиб боришига олиб келади. Бу, ўз навбатида, автотранспорт корхоналари олдига дастлабки йилларда АТВлардан максимум даражада самарали фойдаланишни, улар ердамида кўпрок иш бажариш (хизмат кўрсатиш)ни, мос равишда кўпрок даромад олишни таъминлашдек муҳим вазифаларни кўяди.

АТВларга амортизация (эскириш) хисоблаш барча усулларда амортизацияланадиган киймат миқдорига етган хисобот даврида тўхтатилади. Ушбу даврдан кейин ишга яроклн АТВлар амортизация хисобланмасдан фойдаланилади.

Автотранспорт корхоналарида юк ташиш ёки йўловчи ташишга ихтисослашган АТВларга хисобланган амортизация (эскириш) суммасига хар ойда куйидагича ёзув берилади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чикариш»

Кредит 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши».

Ёрдамчи ишлаб чикариш ва умумишлаб чикаришга доир амортизация (эскириш) харажатлари бухгалтерия хисобида мос равишда куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 2310 «Ёрдамчи ишлаб чикариш»,

2510 «Умумишлаб чикариш харажатлари

Кредит 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши».

Мос равишда ушбу харажатларнинг бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритилишига қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»,

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари».

Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган амортизация харажатларининг аналитик ҳисоби 13-журнал–ордерда, шунингдек асосий воситалар ҳамда номоддий активларга очилган инвентар карточкаларда юритилади.

12.6. Автотранспорт корхоналарида бошқа ишлаб чиқариш чиқариш харажатларининг ҳисоби ва таксимоти

Автотранспорт корхоналарида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган бошқа ишлаб чиқариш харажатлари бўлиб асосан ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларига автотранспорт корхоналарида қуйидаги бўлинмаларнинг харажатлари киритилади:

(1) АТВларга ўрнатиладиган турли деталлар, конструкция ва мосламаларини тайёрлаш устахоналари;

(2) АТВлар сақланадиган гараж хўжалиги;

(3) АТВларни ёқилғи ва мойлаш материаллари билан таъминлаш бўлинмалари;

(4) АТВларни таъмирлаш бўлинмалари;

(5) АТВларни ювиш ва профилактика қилиш бўлинмалари;

(Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятига доир харажатлар ҳисоби 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида олиб борилади. Ушбу счётнинг дебетида ёрдамчи ишлаб чиқаришга кетган материал, иш ҳаки, ижтимоий суғурта, амортизация, турли хизматлар ва бошқа сарф-харажатлар тўғрисидаги маълумотлар жамланади. Бунда мос равишдаги харажат моддаларини акс эттирувчи счётлар (масалан, (1000, 6710, 6520, 0200, 6000, 6990 ва бошқалар) кредитланади. 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг кредитида ёрдамчи ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши, яъни ушбу счётнинг ёпилиши акс эттирилади.

Автотранспорт корхоналарида 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг ёпилиши қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади:

(1)ёрдамчи ишлаб чиқаришдан олинган турли деталлар, конструкциялар, мосламалар, хўжалик жиҳозлари қийматига

Дебет 1000 «Материаллар»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

(2) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг капитал инвестиция сифатида тан олинган суммасига:

Дебет 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

(3) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари асосий ишлаб чиқариш харажатларига киритилган суммасига:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»

(4) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг давр харажатлари ҳисоби счётларига ўтказилган қисмига:

Дебет 9400 «Давр харажатларини ҳисобга олиб борувчи счётлар»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш».

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва улар тақсимотнинг аналитик ҳисоби автотранспорт корхоналари ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлинмалари бўйича 10 журнал-ордерда юритилади.

Автотранспорт корхоналарида умумишлаб чиқариш характерига эга бўлган харажатлар ҳисоби 2500 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётида юритилади. Ушбу счётда қуйидаги харажатлар акс эттирилади:

а) омбор хўжаликларини сақлаш ҳамда уларни эксплуатация қилиш харажатлари;

б) ишлаб чиқариш максадидаги мол-мулкни суғурталаш харажатлари;

в) ишлаб чиқариш биноларини иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатлари;

г) АТВлар ёрдамида иш (хизмат)ларни юритувчи ходимларга маиший, тиббий, санитария-гигиена, овқатланишни ташкил қилиш бўйича хизматларни кўрсатиш бўлинмалари.

д) ишлаб чиқариш максадида фойдаланиладиган мол-мулкни ижарага олиш харажатлари;

е) умумишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларга ҳисобланган меҳнат ҳаки ва ижтимоий суғуртага ажратмалар;

ж) умумишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ҳисобот ойи мобойнида 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётининг дебетида ва мос равишдаги бошқа счётларнинг кредитида номлари юқорида зикр этилган харажат моддалари бўйича маълумотлар жамланади. Ой охирида ушбу счётнинг дебетида тўпланган харажатлар автотранспорт корхонаси ҳисоб сиёсатида келтирилган тартибга мувофиқ асосий ишлаб чиқариш (2010 счёт), ёрдамчи ишлаб чиқариш (2310 счёт) ҳамда давр харажатлари (9400 счёт)га тақсимланади.

Автотранспорт корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларининг аналитик хисоби умумишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлинмалари бўйича 10 журнал-ордерда юритилади

12.7. Автотранспорт корхоналарида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархини калькуляция қилиш тартиби

Автотранспорт корхоналаридауларнинг ихтисослашганлигига кўра хар бир машина томонидан бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат)ларнинг режали ёки норматив таннархи олдиндан калькуляция қилинади. Бунда калькуляция қилиш бирлиги сифатида турли кўрсаткичлар, масалан 1 тонна ташиладиган юк, 1 км босиб ўтиладиган масофа ёки АТВнинг 1 соатлик иш фаолияти олинади. Режа ёки норматив таннархни калькуляция қилиш, одатда, бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат)ларнинг автотранспорт корхонаси учун қанчага тушишини, шунингдек эришиладиган молиявий натижаларни олдиндан чамалаш максадида амалга оширилади. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархи хисобот даврлари (ой, чорак, йил) охирида 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг маълумотлари, шунингдек АТВларнинг иш фаолияти хисоби карточкалари асосида хисоб-китоб қилинади. Бунда, жами сарфланган харажатларни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар хажмига бўлиш йўли билан уларнинг бир бирлигига тўғри келадиган суммаси, яъни таннархи топилади. Бир бирлик иш (хизмат)га тўғри келадиган ҳақиқий таннарх хамда режа (норматив) таннарх ўртасидаги фарк автотранспорт корхонасида харажатлар бўйича белгиланган меъёрларга қанчалик даражада амал қилинаётганлигига баҳо беришга асос бўлади.

Режа ёки меъёрий таннарх АТВларнинг хар бир тури бўйича махсус калькуляция карточкаларини тузиш йўли билан хисоб-китоб қилинади. Ушбу калькуляция карточкаларида таннархга кирувчи харажатларнинг моддалари, уларнинг бир бирлик иш (хизмат) учун белгиланган миқдорлари (меъёрлари), улар асосида топилган жами таннарх суммаси ўз аксини топади. Калькуляция карточкалари автотранспорт корхонаси рахбари томонидан тасдикланади. Улар АТВлар ёрдамида иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш бўйича буюртмачилар билан шартномалар тузишда шартнома қийматини белгилашга хизмат қилади.

АТВлар ёрдамида бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат)лар таннархини калькуляция қилиш хамда шартнома баҳоларини аниқлаш тартиби кўргазмали тарзда 12.5-жадвалда юк ташишга мўлжалланган АТВ бўйича, 12.6-жадвалда эса йўловчи ташишга мўлжалланган АТВлар бўйича келтирилган.

АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархи турли усулларда калькуляция қилиниши мумкин. Амалиётда энг кенг тарқалган усуллар бўлиб яхлит ҳамда буюртмали усуллар ҳисобланади.

Яхлит усулда АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархи яхлит тарзда автотранспорт корхонаси бўйича бош китобда очилган 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти маълумотлари асосида топилади. Ушбу счётнинг дебетида алохида корреспонденцияланувчи счётлар бўйича тўпланган йиғма маълумотлар бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархини билдиради. Ҳисобот ойи охирида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархи қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннархи»

Кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш».

12.5-жадвал

Юк ташиш транспортида бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат) режа таннархи ҳамда шартнома баҳоларининг ҳисоб-китоби

АТВ маркаси – ГАЗ-53.
Юк кўтариш меъёри – 5 тонна.
Ёқилғи тури – суюлтирилган газ.
Калькуляция бирлиги - 1 соатлик иш.
АТВнинг иш вақти - 8 соат;
Босиб ўтиладиган йўл -120 км.

№	Харажат моддалари	Сумма
1	Меҳнат ҳаки б) тариф бўйича (8×100,46) б) машинани ишга тайёрлаш (23×1,67) в) тонфа учун, 25% г) мукофот, 40% д) бошқа қўшимчалар, 9%	803,68 38,41 200,92 417,20 131,41
	Жами иш ҳаки харажатлари	1591,62
2	Ижтимоий суғуртага ажратма (24 %)	382,0
3	Ёқилғи (27×120/100×241,37)	7820,38
4	Мойлаш материаллари (872,89×1,09×1,2×0,324)	369,92
5	Автошина эскириши (151250×6×120/(1000×1,17)/(100×1,1))	846,15
6	Таъмирлаш фондига ажратма (120×28,60)	3432,0

7	Амортизация	3844
8	Гидровлика суюклиги (15×0,87×1,5×2×95,49×8)	23,93
9	Бошқа харажатлар (жами харажатдан 15%)	2746,50
10	Жами ишлаб чиқариш харажатлари (таннарх)	21056,5
11	Давр харажатлари (таннархдан 25%)	5264,12
12	Жами харажатлар	26320,62
13	Рентабеллик (жами харажатлардан 20%)	5264,12
14	Жами хизмат киймати (ККСсиз)	31584,74
15	1 соатлик ишнинг: -таннархи -сотиш киймати (ККСсиз)	 2632,06 3948,09

12.6-жадвал

Йўловчи ташиш транспортида бажариладиган иш (кўрсатиладиган хизмат) таннархи ҳамда тартиома баҳоларининг ҳисоб-китоби

Калькуляция бирлиги - 1 соатлик иш.
АТВнинг иш вақти -8 соат;
Босиб ўтиладиган йўл -150 км.

№	Харажат моддаси	ЛАЗ- 695 (бензин)	ЛАЗ- 695 (газ)	М 24.9 (дизель)
1	Ҳайдовчининг иш ҳаки	2284,80	2284,80	2450
2	Ижтимоий суғуртага ажратма	548,35	548,35	588
3	Ёқилғи суммаси: а) 150 км га харажат, литр б) 1 литр ёқилғининг киймати, сўм	25277 61,5 411	15312 63,8 240	6968 24 290,33
4	Мойлаш материаллари	458	258	209
5	Автошиналарнинг эскириши	2192	2192	2054
6	Амортизация	-	-	17098
7	Бошқа харажатлар а) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари б) бошқа харажатлар	14520 10120 4400	11088 7728 3360	20196 14076 6120
8	Жами ишлаб чиқариш харажатлари (таннарх)	45280,15	31683,15	49563
10	Давр харажатлари	11320	7920	12390

11	Жами харажатлар	56600,15	39603,15	61953
12	Фойда (20%)	11320	7920	12390
13	Жами сотиш киймати (ККСсиз)	67920,15	47523,15	74343
14	1 соатнинг: а) таннархи б) сотиш баҳоси (ККСсиз)	 5660 8490	 3960 5940	 6195 9293

Яхлит усулда 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг дебетида алоҳида корреспонденцияланадиган счётлар бўйича келтирилган маълумотлар автотранспорт корхонаси бўйича «Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархи тўғрисида ҳисобот»ни тузишга асос бўлади. Ушбу ҳисоботда ҳар бир харажат моддаси бўйича келтирилган маълумотларни тасдиқланган режа (норматив) таннарх маълумотлари билан таққослаш бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларни тўғри режалаштирилганлиги ёки улар бўйича нормативларнинг тўғри белгиланганлигига баҳо беришга, режа ёки нормативлардан четланишларнинг сабаблари, айбдорлари ва бошқа жиҳатларини аниқлашга, шунингдек тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон беради.

Буюртмали усулда буюртмачилар учун АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархи *уларнинг ҳар бири* бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Бундай ҳисоб-китоб ҳар бир буюртмачи бўйича 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти кошида очилган аналитик счётларда тўпланган маълумотлар асосида амалга оширилади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

АТВ ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархи – буАТВлар ёрдамида юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга кетган жами харажатлар.

Асосий ишлаб чиқариш харажатлари - АТВлар ёрдамида юк ташиш ёки йўловчи ташиш бўйича бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) учун кетган сарф-харажатлар.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари - автотранспорт корхоналарининг таъмирлаш устахоналари, турли агрегатлар ва мосламаларни ясаш цехлари, АТВларни ювиш комплекси, диспетчерлик бўлими, гараж, АЁҚШ ва бошқа ёрдамчи хўжаликларга кетган харажатлар.

Умумийлаб чиқариш харажатлари - газ, сув, электр қуввати ва бар билан таъминлаш, АТВларни кўриклаш, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўлинмаларининг харажатлари.

Ёқилғининг меъёрий сарфи – ёқилғининг йилнинг мавсумига қараб АТВ босиб ўтган йўли, ташиган юки, тиркамаси, иситилиши, йўлга чиққанича қизитилишини ҳисобга олган ҳолда махсус ҳисоб-китоб асосида аниқланган меъёрий сарфи.

Ёқилғининг ҳақиқий сарфи - – ёқилғининг йилнинг мавсумига қараб АТВ босиб ўтган йўли, ташиган юки, тиркамаси, иситилиши, йўлга чиққанича қизитилишини ҳисобга олган ҳолда махсус ҳисоб-китоб асосида аниқланган ҳақиқий миқдори.

Автошинанинг ҳисобдан чиқариладиган суммаси - АТВ томонидан босиб ўтилган масофани 1 км босиб ўтилган масофага тўғри келадиган суммага (меъёрга) кўпайтириш орқали ўрнатилган автошиналарнинг бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган суммаси.

Аккумуляторнинг ҳисобдан чиқариладиган суммаси - АТВ томонидан босиб ўтилган йўл узунлигини аккумуляторнинг 1 км босиб ўтиладиган йўлга тўғри келадиган ўртача қийматига кўпайтириш орқали аккумулятор қийматининг бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритиладиган суммаси.

Ҳайдовчилар меҳнат ҳаки харажатлари – ҳайдовчилар томонидан бажарилганиш ҳажми миқдорини бир бирлик иш ҳажми учун белгиланган тариф (расценка)га кўпайтириш йўли билан топиладиган сумма.

Бир маромда амортизация (эскириш) ҳисоблаш усули – бу уларнинг йиллик амортизация суммасини амортизацияланадиган қийматни белгиланган йиллик амортизация меъёрига кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш, ойлик амортизация суммаси эса йиллик амортизация суммасини 12 га бўлиш орқали топиш усули.

Амортизация (эскириш)ни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар ҳажмига мутаносиб ҳисоблаш усули - бу автотранспорт воситалари амортизацияси (эскириши) суммасини уларнинг бир бирлик иш фаолиятига тўғри келадиган амортизация (эскириш) меъёрини ҳақиқатда бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар ҳажмига кўпайтириш орқали топиш усули.

Автотранспорт соҳасида таннархни калькуляция қилиш бирлиги - 1 тонна ташиладиган юк, 1 км босиб ўтиладиган масофа, 1 соатлик иш фаолияти, 1 т/км.

Таннарх калькуляциясининг яхлит усули - буАТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг ҳақиқий таннархини яхлит тарзда автотранспорт корхонаси бўйича ҳисоб-китоб қилиш усули.

Таннарх калькуляциясининг буюртмали усули - бу АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг хакикий таннархини хар бир буюртма бўйича хисоб-китоб килиш усули.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1.Автотранспорт корхоналарида ишлаб чикариш харажатларига киради:

а) асосий ишлаб чикариш харажатлари;

б)ёрдамчи ишлаб чикариш харажатлари;

в) умумишлаб чикариш харажатлари;

г) юкоридагиларнинг барчаси.

2.Автотранспорт корхонасида билвосита харажатларга киради:

а) ёкилғи сарфи;

б)эхтиёт кисмлар сарфи;

в) электр қуввати сарфи;

г) хайдовчиларга хисобланган мехнат хаки.

3.Автотранспорт воситаларига сарфланган ёқилғи хисобдан чиқарилади:

а) белгиланган меъёрлар асосида;

б)хакикатда сарфланган ёкилги микдорида;

в) рахбар ижозат берган микдорда;

г) диспетчер ижозат берган микдорда.

4.Ёқилгининг меъёрий сарфи белгиланади:

а) АТВнинг тури бўйича;

б) хамма АТВ бўйича бир хилда;

в) рахбар хохишига кўра;

г) юкоридаги шартларнинг бири бўйича.

5.Автотранспорт корхоналарида юк ташиш машиналарига хисобланган 15000000 сўмлик амортизация ажратмаларига қандай бухгалтерия ёзуви берилади?

а) Дебет 2010 Кредит 0260 1500000 сўм;

б) Дебет 3190 Кредит 0260 1500000 сўм;

в) Дебет 9420 Кредит 0260 1500000 сўм;

г) Дебет 2310 Кредит 0260 1500000 сўм.

6. Автотранспорт корхоналарида ёрдамчи ишлаб чикариш харажатлари суммаси хисобот йилида 15526000 сўмни ташкил этди, бу харажатларнинг бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритилишига бухгалтерия ёзувини беринг.

а) Дт 3190 Кт 2310 15526000 сўм;

б) Дт 9420 Кт 2310 15526000 сўм;

в) Дт 2010 Кт 2310 15526000 сўм;
г) Дт 9130 Кт 2310 15526000 сўм.

Хўжалик ситуацияси № 1.

Транспорт корхонасида 12 та ЗиЛ, 14 та КамАЗ, 10 та КраЗ, 1 та Дамас, 1 та Тико ва 1 та Нексия мавжуд. Ҳисобот йилида ЗиЛ машиналари жами 400000 км, КамАЗлар 300000 км, КраЗлар 200000 км, Дамас 10000 км, Тико 5000 км, Нексия 15000 км йўл босган.

Барча юк ташиш машиналари суюқлаштирилган газда, енгил автомобиллар эса бензинда юради. Ҳар 100 км йўлга газ сарфи юк машиналари бўйича ўртача 17 кг, 1 кг газнинг ўртача нархи 800 сўм. Ҳар 100 км йўлга Тико 6 литр, Дамас 7 литр ва Нексия 8 литр сарфлайди. 1 литр бензиннинг ўртача нархи 2800 сўм (енгил автомобилларнинг барчаси ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат қилади).

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра қуйидаги саволларга жавобларни топинг.

1. Ҳисобот йилида юк ташиш таннархига киритиладиган суюқлаштирилган газ харажатлари суммаси канча ва унга қандай бухгалтерия ёзуви берилади?

а) Дт 2010 Кт 1050 122400000 сўм
б) Дт 3190 Кт 1050 132000000 сўм
в) Дт 2010 Кт 1050 133000000 сўм
г) Дт 2010 Кт 1050 135000000 сўм

2.Ҳисобот йилида енгил автомобилларга сарфланган бензин қиймати канча ва унга қандай бухгалтерия ёзуви берилади?

а) Дт 2010 Кт 1050 5 040000 сўм
б) Дт 3190 Кт 1050 5 880000 сўм
в) Дт 9420 Кт 1050 6 160 000 сўм
г) Дт 2310 Кт 1050 6 160 000 сўм

Хўжалик ситуацияси № 2.

2-январ куни 4 та аккумулятор ҳар бирининг қиймати 600000 сўмдан юк ташиш автотранспорт воситаларига қўйилди. Хизмат муддати – 2 йил. Шулардан биттаси октябр ойи охирида яроксиз деб топилди.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги саволларга тўғри жавобларни топинг.

1. АТВларга 2-январ куни қўйилган аккумуляторларнинг қиймати канча ва унга қандай бухгалтерия ёзуви қилинади?

а) Дт 2010 Кт 1040 2400000 сўм;

б) Дт 3190 Кт 1040 1800000 сўм;
в) Дт 3190 Кт 1040 2400000 сўм;
г) Дт 9420 Кт 1040 600000 сўм.

2. Ҳар ойда аккумуляторларнинг ҳисобдан чиқариладиган суммаси қанча?

а) 75000 сўм;
б) 600000 сўм;
в) 100000 сўм;
г) 25000 сўм.

3. Ҳисобот йилида аккумуляторларнинг ҳисобдан чиқариладиган суммасини қанча ва унга қандай бухгалтерия ёзуви қилинади?

а) Дт 2010 Кт 1040 1250000 сўм;
б) Дт 2010 Кт 3190 1150000 сўм;
в) Дт 2010 Кт 3190 1140000 сўм;
г) Дт 9420 Кт 1040 1125000 сўм.

4. Октябр ойи охирида яроксиз деб топилган аккумуляторнинг қолдиқ суммасини топинг:

а) 125000 сўм;
б) 350000 сўм;
в) 250000 сўм;
г) 450000 сўм.

5. Яроксиз деб топилган аккумуляторнинг қолдиқ қиймати корхона харажатларига олиб борилганда, қандай бухгалтерия ёзуви берилади?

а) Дт 4730 Кт 1040 350000 сўм
б) Дт 9430 Кт 3190 350000 сўм
в) Дт 2010 Кт 5910 350000 сўм
г) Дт 2310 Кт 2010 350000 сўм

Хўжалик ситуацияси № 3.

Автотранспорт корхоналарида юк ташиш машиналари хайдовчилари иш вакти режим бўйича ўртача 8 соат, 1 соатлик ўртача тариф 4000 сўм, жами иш куни 255 кун, хайдовчилар сони – 42 киши. Иш хакидан ижтимоий суғуртага ажратма – 25%.

Юкорида келтирилган маълумотлар асосида куйидаги саволларга тўтри жавобни топинг.

1. Ҳисобот йилида ҳисобланган ит ҳаки суммаси канча ва унга қандай бухгалтерия ёзуви берилади?

а) Дт 2010 Кт 6710 322720000
б) Дт 3190 Кт 6710 352720000
в) Дт 9420 Кт 6710 332720000
г) Дт 2010 Кт 6710 342720000

2. Ҳисобот йилида юк ташиш матиналари ҳайдовчилари ит ҳакига нисбатан ижтимоий суғуртага 25 фоизлик ажратма суммаси канча ва унга қандай бухгалтерия ёзуви берилади?

а) Дт 2010 Кт 6520 81252800
б) Дт 3190 Кт 6520 82152800
в) Дт 9420 Кт 6520 82352800
г) Дт 2010 Кт 6520 85680000

13-БОБ. АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҲИСОБИ ВА УЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

13.1.Автотранспорт корхоналарида асосий фаолиятдан олинган молиявий натижалар кўрсаткичларининг хисоби

Автотранспорт корхоналарида асосий фаолиятдан олинган молиявий натижалар сотишдан олинган соф тушум, сотиш таннархи, сотишдан олинган фойда ёки зарар, давр харажатлари, асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар, асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар каби кўрсаткичлар билан тавсифланади. Ушбу кўрсаткичларни шакллантириш ва хисобга олишда автотранспорт корхоналари бошка хўжалик юритувчи субъектлар сингари Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон карори билан тасдикланган «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўгрисида низом»га, шунингдек республикамизнинг 1-сон "Молиявий хисобот ва хисоб сиёсати», 2-сон БҲМС «Асосий фаолиятдан олинган даромадлар», 3-сон БҲМС «Молиявий натижалар тўгрисида хисобот» ва 21- сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисоби счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома»га амал килишлари лозим.

Автотранспорт корхоналарида сотишдан олинган соф тушум деганда АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромадлар тушунилади. Хисобот даври (ой, чорак, йил) давомида сотишдан олинган соф тушум 9030 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан даромадлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Хисобот давр охирида ушбу счётнинг кредитида тўпланган сумма 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади ва шу йўл билан у ёпилади.

Автотранспорт корхоналарида сотиш таннархи деганда АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга кетган барча ишлаб чикариш максадидаги сарф-харажатлар тушунилади. Ушбу кўрсаткичнинг хисоби хисобот даври (ой, чорак, йил) давомида 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётида юритилади. Хисобот давр охирида ушбу счётнинг дебетида тўпланган сумма 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади ва шу йўл билан у ёпилади.

Сотишдан олинган фойда ёки зарар АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган соф тушум хамда

уларнинг сотиш таннархи суммаларининг фаркидан ташкил топади. Соф тушумнинг сотиш таннархидан кўп бўлиши автотранспорт корхонасининг бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан фойда олганлигини, аксинча соф тушумнинг сотиш таннархидан кам бўлиши эса автотранспорт корхонасининг бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан зарар кўрганлигини билдиради. Бухгалтерия ҳисобида сотишдан олинган фойда ёки зарар суммаси 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти маълумотлари асосида арифметик йўл билан топилади.

Автотранспорт корхоналарида давр харажатлари деганда улар томонидан бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларни сотиш, маъмурий-бошқариш ва бошқа операцион фаолиятга доир харажатлар тушунилади. Ушбу харажатларнинг ҳисоби мос равишда 9410 «Сотиш харажатлари», 9420 «Маъмурий-бошқарув харажатлари» ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счетларида олиб борилади.

Автотранспорт корхоналарида сотиш харажатларига реклама харажатлари, иш ва хизматларни бажариш бўйича шартномаларни тузиш харажатлари, сотиш билан боғлиқ сафар харажатлари ва бошқалар киради. Сотиш харажатлари 9410 «Сотиш харажатлари» счётининг дебетида ва бу харажатларнинг аниқ турини ифодаловчи бошқа счётларнинг (масалан, 1000, 5010, 5110, 6710, 6520, 6990 ва шу каби лар) кредитида акс эттирилади. Ҳисобот давр охирида ушбу счётнинг дебетида тўпланган сумма 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади ва шу йўл билан у ёпилади.

Автотранспорт корхоналарининг маъмурий-бошқарув харажатларига бошқарув аппарати ходимларига ҳисобланган иш ҳақи, ижтимоий сугуртага ажратмалар, амортизация харажатлари, сафар харажатлари, юқори ташкилотни сақлаш учун ажратмалар, телефон алоқаси, канцелярия жиҳозларини ҳисобдан чиқариш ва бошқа шу каби бошқарув билан боғлиқ харажатлар киради. Маъмурий-бошқарув харажатлари 9420 «Маъмурий-бошқарув харажатлари» счётининг дебетида ва аниқ харажатларни ифодаловчи бошқа счётларнинг (0200, 0500, 1000, 5010, 5110, 6710, 6520, 6990) кредитида акс эттирилади. Ҳисобот давр охирида ушбу счётнинг дебетида тўпланган сумма 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади ва шу йўл билан у ёпилади.

Автотранспорт корхоналарида бошқа операцион харажатларга ходимларга кўрсатилган моддий ёрдамлар, компенсация тўловлари, турли оталик ва хайрия мақсадларида қилинган харажатлар, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув солиғи, пенсия фондига, йўл фондига, мактабларни ривожлантириш фондига мажбурий ажратмалар, мулкни сотишдан ва беришдан кўрилган зарарлар ва бошқа шу каби операцион харажатлар киради. Ушбу харажатлар 9430 «Бошқа операцион

харажатлар» счётининг дебетида акс эттирилади. Бунда операцион харажатларнинг аник моддаларини ифодаловчи бошка счетлар (1000, 5010, 5110, 6400, 6710, 6520, 6990, 9210, 9220) кредитланади. Ҳисобот давр охирида ушбу счётнинг дебетида тупланган сумма 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади ва шу йўл билан у ёпилади.

Автотранспорт корхоналарининг асосий фаолиятдан олинган бошка даромадларига қуйидагилар киради:

- асосий воситаларни сотиш ва бошка чиқимларидан олинган фойда;
- номоддий активлар, материаллар ва бошка активларни сотишдан олинган фойда;
- ундирилган жарималар;
- воз кечилган кредиторлик карзлар;
- киска муддатли ижарадан олинган даромадлар;
- бегараз олинган молиявий ёрдам;
- хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинган даромадлар;
- инвентаризацияда аникланган ортикчалар;
- хисобот йилида аникланган ўтган йилларнинг фойдаси ва бошкалар.

21-сон БҲМСга мувофик автотранспорт корхоналарида асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимида очиладиган алохида счётларнинг кредитида акс эттирилади. Бунда асосий фаолиятдан олинган бошка даромадларнинг аник турларини ифодаловчи счётлар, чунончи, 1000, 5010, 5110, 6400, 6710, 6520, 6990, 9210, 9220 ва бошкалар дебетланади. Ҳисобот давр охирида 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимида очиладиган алохида счётларнинг кредитида тўпланган сумма 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади ва шу йўл билан улар ёпилади.

Автотранспорт корхоналарида асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар) сотишдан олинган фойда (зарар) суммасига асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар суммасини кўшиш хамда давр харажатлари суммасини айиришдан кейин ҳосил бўлган суммадан ташкил топади. Бухгалтерия хисобида асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар суммаси 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти маълумотлари асосида арифметик йўл билан топилади.

13.2. Автотранспорт корхоналарида умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижаларнинг хисоби

Автотранспорт корхоналари, олдинги мавзуларда таъкидлаб ўтганимиздек, асосий фаолиятдан ташқари бошқа асосий бўлмаган фаолият турлари билан хам шуғулланишлари мумкин. Бундай фаолият турларига, жумладан уларнинг инвестиция фаолияти, молиявий фаолияти, эмиссия фаолияти ва бошқалар киради. Ушбу фаолият турлари бўйича эришилган молиявий натижалар хам мос равишда уларга доир даромад, харажат хамда фойда ёки зарар кўрсаткичлари билан тавсифланади. Бу кўрсаткичлар билан биргаликда топилган молиявий натижалар автотранспорт корхоналарининг умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижаларини ифодалайди.

Автотранспорт корхоналарида умумхўжалик фаолиятидан олинган даромадларга бошқа юридик шахсларга киритилган молиявий инвестициялардан дивиденд, роялти ва фоиз кўринишида олинган даромадлар, шунингдек узок муддатли ижарадан, валюта курсларини ижобий томонга ўзгаришидан, кимматли коғозларни кайта баҳолашдан олинган даромадлар киради. Ушбу даромадлар хисобот даврида 9500 «Молиявий фаолиятдан даромадларни хисобга олувчи счётлар» тизимида очиладиган алохида счётларнинг кредитида акс эттирилади. Бунда асосий бўлмаган фаолият турларидан олинган бошка даромадларнинг аник турларини ифодаловчи счётлар, чунончи 4010, 4310, 4810, 4820, 4830, 4840, 4850, 5210, 5220, 5810, 6230 ва бошкалар дебетланади. Хисобот давр охирида 9500 «Молиявий фаолиятдан даромадларни хисобга олувчи счётлар» тизимида очиладиган алохида счётларнинг кредитида тўпланган сумма 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади ва шу йўл билан улар ёпилади.

Автотранспорт корхоналарининг умумхўжалик фаолиятига доир харажатларга олинган кредит ва карзлар учун тўланадиган фоизлар, валюта курсларини салбий томонга ўзгаришидан, кимматли коғозларни кайта баҳолашдан кўрилган зарарлар киради. Ушбу харажатлар ва зарарлар хисобот даврида 9600 «Молиявий фаолиятга доир харажатларни хисобга олувчи счётлар» тизимида очиладиган алохида счётларнинг дебетида акс эттирилади. Бунда асосий бўлмаган фаолият турларига доир харажат ва зарарларнинг аник турларини ифодаловчи счётлар, чунончи 6010, 6310, 6910, 6920, 6990, 5020, 5210, 5220, 5810 ва бошкалар кредитланади. Хисобот давр охирида 9600 «Молиявий фаолиятга доир харажатларни хисобга олувчи счётлар» тизимида очиладиган алохида дебетида тўпланган сумма 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади ва шу йўл билан улар ёпилади.

Умумхўжалик фаолиятига доир даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ автотранспорт корхоналарининг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдаси ёки ундан кўрилган зарарини билдиради. Ушбу фойда ёки зарар арифметик йўл билан 9500 «Молиявий фаолиятдан даромадларни хисобга олувчи счётлар» хамда 9600 «Молиявий фаолиятга доир харажатларни хисобга олувчи счётлар»нинг 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг мос равишда кредит ва дебет томонларига ўтказилган маълумотлар асосида топилади.

Автотранспорт корхоналарининг умумхўжалик фаолияти молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларга юқоридаги кўрсаткичлардан ташқари солиқ тўлагунга қадар бўлган фойда (зарар) ва фойда солигига тортиладиган фойда (зарар) кўрсаткичлари хам киради.

Автотранспорт корхоналарининг солиқ тўлагунга кадар бўлган фойдаси (зарари) уларнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (зарар) суммасига фавкулотдаги фойда суммасини кўшиш хамда фавкулотдаги зарар суммасини айириш йўли билан топилади. 21-сон БХМСга мувофик автотранспорт корхоналарида фавкулотдаги даромадлар 9710 "Фавкулотдаги фойда" счётининг кредитида хисобга олинади. Бунда фавкулотда олинган ёки хисобланган фойданинг турларини кўрсатувчи счётлар, масалан 0100, 0400, 0700, 1000, 4890, 5010, 5110 ва бошка счетлар дебетланади. Фавкулотдаги зарарлар хисоби 9720 "Фавкулотдаги зарарлар" счётининг дебетида юритилади. Бунда фавкулотдаги ходисалардан кўрилган зарарларнинг аник моддаларини кўрсатувчи счётлар, масалан, 0100, 0400, 0700, 1000, 5010, 5110, 6990 ва бошка счётлар кредитланади. Хисобот даври охирида 9710 "Фавкулотдаги фойда" счётининг кредитида хамда 9720 "Фавкулотдаги зарарлар" счётининг дебетида тўпланган суммалар мос равишда 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади ва шу йўл билан ушбу счётлар ёпилади.

13.3. Автотранспорт корхоналарида соф фойда ва уни ишлатилишининг хисоби

Автотранспорт корхоналарининг хисобот давр (чорак, йил)даги соф фойдаси (копланмаган зарари) уларнинг ташкилий-хуқуқий мақомига кўра турлича аникланади. Чунончи, умумдавлат солиқларини тўловчи автотранспорт корхоналарида соф фойда (копланмаган зарар) солиқ тўлагунга кадар бўлган фойда (зарар) суммасидан хисобланган фойда солиги суммасини айириш оркали топилади. Ягона солик тўловида ишловчи автотранспорт корхоналарининг соф фойдаси уларнинг солиқ тўлагунга кадар бўлган фойда (зарар) суммасидан хисобланган ягона солиқ тўлови суммасини айириш оркали топилади.

Автотранспорт корхоналарининг соф фойдаси (зарари) 9910 «Якуний молиявий натижа» счётида барча даромад ва харажатлар, фойда (ялпи тушум)дан ундириладиган солиқлар тўлиқ акс эттириб бўлингач, унинг ёпилишига қадар кредит ҳамда дебет оборотн суммалари ўртасидаги фарқдан иборат бўлади. Ушбу счётнинг ёпилишига қадар бўлган кредит оборот суммасининг дебет оборот суммасидан катта бўлиши транспорт корхонасида соф фойдага эришилганликни, унинг дебет оборот суммасининг кредит оборот суммасидан катта бўлиши эса транспорт корхонасининг хисобот даврни зарар билан якунлаганлигини билдиради. Эришилган соф фойда бухгалтерия хисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 9910 «Якуний молиявий натижа»

Кредит 8710 «Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари».

Автотранспорт корхонасининг хисобот йилида фаолиятни зарар билан якунлаши бухгалтерия хисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 8710 «Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари»

Кредит 9910 «Якуний молиявий натижа»

Автотранспорт корхоналари ўзларининг соф фойдасини уларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақомига кўра қонун ҳужжатлари ҳамда таъсис ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибларда турли мақсадларда ишлатадилар. Чунончи, акциядорлик жамиятлари шаклидаги автотранспорт корхоналарида хисобот йилнинг соф фойдаси келгуси йилда акциядорлар йиғилиши қарорига мувофиқ таксимланади. Акция эгаларига соф фойданинг дивиденд сифатида таксимланишига бухгалтерия хисобида қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 8710 «Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари»

Кредит 6610 «Хисобланган дивидендлар»

Соф фойдадан резерв капиталига қилинган ажратма суммасига:

Дебет 8710 «Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари»

Кредит 8520 «Резерв капитали»

Хисобот йилнинг таксимланмайин қолинган соф фойдасининг ўтган йилларнинг таксимланмаган фойдасига ўтказилишига:

Дебет 8710 «Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари»

Кредит 8720 «Ўтган йилларнинг таксимламаган фойдаси (копланмаган зарари)».

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги автотранспорт корхоналарида хисобот йилнинг соф фойдаси устав шартларига

мувофик таксимланади ҳамда юқорида келтирилган ёзувларга ўхшаш ёзувлар асосида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Республикамизнинг хусусий корхоналар тўғрисидаги қонунига мувофик ушбу мақомдаги автотранспорт корхоналарида олинган соф фойда улар эгаларининг мулки ҳисобланади ҳамда дивиденд солиғига тортилмайди.

Давлат унитар корхоналари мақомидаги автотранспорт корхоналарида ҳисобот йилнинг соф фойдаси таксимланмайди. Ушбу типдаги корхоналарда ҳисобот йилнинг соф фойдаси уларнинг устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилади ва унга қуйидагича бухгалтерия ҳисоби қилинади:

Дебет 8710 «Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари»

Кредит 8300«Устав капитали».

Давлат унитар корхоналари мақомидаги автотранспорт корхоналарида ҳисобот йилнинг копланмаган зарари устав капиталини камайтиришга олиб борилади ва у юқоридаги ёзувга тескари бўлган ёзув асосида акс эттирилади.

13.4. Автотранспорт корхоналарида молиявий натижалар кўрсаткичларини молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг хусусиятлари

Автотранспорт корхоналари молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар улар томонидан тузиладиган «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл)да ўз аксини топади. Ушбу ҳисоботни тузишга асос бўлиб автотранспорт корхоналарининг барча турдаги даромадлари ва харажатлари, фойда ҳамда фойданинг ишлатилиши ҳисоби учун мўлжалланган вақтинчалик (транзит) счётларнинг маълумотлари ҳисобланади.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг алоҳида сатрлари қуйидаги тартибда шакллантириладн.

010-сатр «Маҳсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган соф тушум»даАТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан тушган соф тушум акс эттирилади. Бу сатрни тўлдиришга асос бўлиб АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромадлар ҳисоби учун мўлжалланган 9030 счётнинг кредит оборотн суммаси ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич ҳисоботнинг «Даромадлар» устунчасида кўрсатилади.

020-сатр «Сотилган маҳсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи»даАТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг сотиш таннархи акс эттирилади. Бу сатрни тўлдиришга

асос бўлиб АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархи хисоби учун мўлжалланган 9130 счётнинг дебет оборoти суммаси хисобланади. Ушбу кўрсаткич хисоботнинг «Харажатлар» устунчасида кўрсатилади.

030-сатр «Махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)да хисоботнинг 010 ва 020-сатрларида кўрсатилган суммаларнинг фарки ёзилади. Бунда, ижобий фарк АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган фойдани кўрсатади ва у «Даромадлар» устунчасига ёзилади. Салбий фарк эса АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан кўрилган зарарни ифодалайди ва у хисоботнинг «Харажатлар» устунчасига ёзилади.

040-сатр «Давр харажатлари, жами»да автотранспорт корхонаси давр харажатларининг умумий суммаси кўрсатилади. Бу сатрда кўрсатилган сумма мос равишда 050- сатр «Сотиш харажатлари», 060-сатр «Маъмурий - бошкарув харажатлари», 070-сатр «Бошка операцион харажатлар» ва 080-сатр «Келгусида соликкa тортиладиган базадан чикариладиган хисобот даври харажатлари»да кўрсатилган суммаларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим. Хисоботнинг 050-080-сатрларини тўлдиришга давр харажатларини алохида турлари хисоби учун мўлжалланган мос равишдаги 9410 «Сотиш харажатлари», 9420 «Маъмурий-бошкарув харажатлари» ва 9430 «Бошка операцион харажатлар» счётларининг дебет оборoти суммалари асос бўлади. Давр харажатлари суммалари хисоботнинг «Харажатлар» устунчасида акс эттирилади.

090-сатр «Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари»да автотранспорт корхоналарининг асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлари акс эттирилади. Бу сатрни тўлгазишга асос бўлиб асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар хисоби учун мўлжалланган счётларнинг (9310-9390 счётлар) кредит оборoти суммалари хисобланади. Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар хисоботнинг «Даромадлар» устунчасида кўрсатилади.

100-сатр «Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)»да автотранспорт корхонасининг асосий фаолиятдан олган фойдаси ёки кўрган зарари кўрсатилади. Хисоботнинг ушбу сатри суммаси унинг 030-сатри суммасидан 040-сатрдаги суммани айириш, шунингдек 090 сатрда кўрсатилган суммани кўшиш орқали топилади. Автотранспорт корхонасининг асосий фаолиятдан олган фойдаси хисоботнинг «Даромадлар» устунчасида, кўрган зарари эса унинг «Харажатлар» устунчасида акс эттирилади.

110-сатр «Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами»да автотранспорт корхонасининг хисобот даврида молиявий ва инвестиция

фаолият турларидан олган даромадларининг умумий суммаси кўрсатилади. Бу сатрда кўрсатилган сумма мос равишда 120- сатр «Дивиденслар кўринишидаги даромадлар», 130-сатр «Фоизлар кўринишидаги даромадлар», 140-сатр «Узоқ муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар», 150-сатр «Валюта курси фаркидан даромадлар» ва 160-сатр «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари»да кўрсатилган суммаларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим. Ҳисоботнинг 120-160-сатрларини тўлдиришга молиявий фаолиятга доир даромадларнинг алоҳида турлари ҳисоби учун мўлжалланган мос равишдаги счётларнинг (9510-9590 счётлар) кредит оборотлари суммалари асос бўлади. Молиявий фаолиятга доир даромадлар ҳисоботнинг «Даромадлар» устунчасида акс эттирилади.

170-сатр «Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами»да автотранспорт корхонасининг ҳисобот даврида молиявий фаолиятга доир харажатларнинг умумий суммаси кўрсатилади. Бу сатрда кўрсатилган сумма мос равишда 180- сатр «Фоизлар кўринишидаги харажатлар», 190-сатр «Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар», 200-сатр «Валюта курси фаркидан зарарлар» ва 210-сатр «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»да кўрсатилган суммаларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим. Ҳисоботнинг 180-210-сатрларини тўлдиришга молиявий фаолият бўйича харажатларнинг алоҳида турлари ҳисоби учун мўлжалланган мос равишдаги счётларнинг (9610-9690 счётлар) дебет оборотлари суммалари асос бўлади. Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоботнинг «Харажатлар» устунчасида акс эттирилади.

220-сатр «Умумхўжалик фаолияти фойдаси (зарари)»да автотранспорт корхонасининг умумхўжалик фаолиятидан олган фойдаси ёки кўрган зарари кўрсатилади. Ҳисоботнинг ушбу сатри суммаси унинг 100-сатри суммасига 110-сатрда кўрсатилган суммани қўшиш ҳамда 170-сатрдаги суммани айириш орқали топилади. Автотранспорт корхонасининг умумхўжалик фаолиятидан олган фойдаси ҳисоботнинг «Даромадлар» устунчасида, кўрган зарари эса унинг «Харажатлар» устунчасида акс эттирилади.

230-сатр «Фавқулотдаги фойда ва зарарлар»да автотранспорт корхонасининг ҳисобот даврида олган фавқулотдаги фойдаси ҳамда кўрган зарари акс эттирилади. Ушбу сатрда фавқулотдаги фойда ҳисоби учун мўлжалланган 9710 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ва фавқулотдаги зарарлар ҳисоби учун мўлжалланган 9720 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади.

240-сатр «Фойда солигини тўлагунга қадар фойда (зарар)да автотранспорт корхонасининг ҳисобот даврдаги даромад (фойда)

солиғини тўлагунга қадар фойдаси (зарари) кўрсатилади. Ҳисоботнинг ушбу сатри суммаси унинг 220-сатри суммасига 230-сатрда кўрсатилган фавқулотдаги фойда суммасини қўшиш ҳамда фавқулотдаги зарарлар суммасини айириш йўли билан топилади. Автотранспорт корхонасининг фойда солиғини тўлагунга қадар бўлган фойдасуммаси ҳисоботнинг «Даромадлар» устунчасида, даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар бўлган зарар суммаси эса унинг «Харажатлар» устунчасида акс эттирилади.

250-сатр «Фойда солиғи умумдавлат солиқларини тўловчи автотранспорт корхоналари томонидан тўлгазилади. Ушбу сатрни тўлгазишга «Фойда солиғи ҳисоб-китоби» асосида ҳисобланган ҳамда 9810 «Фойданинг фонда солиғи учун ишлатилиши» счётининг дебет оборотида кўрсатилган сумма асос бўлади. Ҳисобланган даромад (фойда) солиғи суммаси ҳисоботнинг «Харажатлар» устунчасида акс эттирилади.

260-сатр «Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар» сатри турли мақомдаги автотранспорт корхоналарида турлича тўлгазилади. Чунончи, ихчамлаштирилган солиқ режимида фаолият юритувчи автотранспорт корхоналари бу сатрда ягона солиқ тўловини акс эттирадилар. Сатрни тўлгазишга асос бўлиб ихчамлаштирилган солиқ режимида ишловчи автотранспорт корхоналари «Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби» маълумотлари, шунингдек мос равишда ушбу ҳисобланган солиқ ҳисоби учун мўлжалланган счётларнинг (9810, 9820 счетлар) дебет оборот суммалари ҳисобланади. Ҳисоботда ҳисобланган солиқ суммалари унинг «Харажатлар» устунчасида акс эттирилади.

270-сатр «Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)да автотранспорт корхоналарининг ҳисобот даврда олган соф фойдаси (зарари) акс эттирилади. Ҳисоботнинг ушбу сатри суммаси унинг 240-сатри суммасидан 250-сатрда ҳамда 260-сатрда кўрсатилган солиқлар суммаларини айириш йўли билан топилади. Автотранспорт корхонасининг ҳисобот даврида эришган соф фойдаси ҳисоботнинг «Даромадлар» устунчасида, копланмаган соф зарар суммаси эса унинг «Харажатлар» устунчасида кўрсатилади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Автотранспорт корхоналари сотишдан олинган соф тушуми – бу АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган даромадлар.

Автотранспорт хизматлари сотиш таннархи - бу АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга кетган барча ишлаб чиқариш мақсадидаги сарф-харажатлар.

Сотишдан олинган фойда ёки зарар – бу АТВлар ёрдамида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лардан олинган соф тушум ҳамда уларнинг сотиш таннархи суммаларининг фарки.

Автотранспорт корхоналари давр харажатлари – бу улар томонидан бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларни сотиш, маъмурий-бошқариш ва бошқа операцион фаолиятга доир харажатлар.

Автотранспорт корхоналари асосий фаолиятидан олинган фойда (зарар) – бу сотишдан олинган фойда (зарар) суммасига асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар суммасини қўшиш ҳамда давр харажатлари суммасини айиришдан кейин ҳосил бўлган сумма.

Автотранспорт корхоналарининг солиқ тўлагунга қадар бўлган фойдаси (зарари) – бу уларнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (зарар) суммасига фавқулотдаги фойда суммасини қўшиш ҳамда фавқулотдаги зарар суммасини айиришдан кейин вужудга келган сумма.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

Хўжалик ситуацияси

Автобус парки ҳисобот йилида йўловчиларни ташиш бўйича кўрсатилган хизматлардан тушумлар: шаҳар ичи маршрутларидан (ҚҚСсиз) – 450 млн. сўм; шаҳарлараро қатновлардан (ҚҚС билан) - 600 млн.сўм; якка тартибдаги буюртмачиларга шаҳарлараро кўрсатилган хизматлардан (ҚҚС билан) – 60 млн.сўм. Кўрсатилган хизматлар таннархи жами – 750 млн. сўм. Воз кечилган кредиторлик қарзлар – 0,8 млн.сўм. Давр харажатлари – 100 млн. сўм, шундан солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар -15 млн. сўм, олинган дивидендлар (дивиденд солиғи ушланган) – 2 млн. сўм, тўланган фоизлар 4 млн. сўм, фавқулотдаги зарарлар 6 млн. сўм, бегараз олинган мулк - 15 млн.сўм.

Юқорида келтирилган шартли маълумотлар асосида қуйидаги тест саволларига тўғри жавобларни топинг.

1. Кўрсатилган автотранспорт хизматларидан олинган соф тушум тенг ва акс эттирилади:

а) Дебет 5010,4010 Кредит 9030 - 1110 млн. сўм;
б) Дебет 5010, 4010 Кредит 9030 - 1050 млн. сўм;
в) Дебет 5010, 4010 Кредит 9030 -1000 млн. сўм;
г) Дебет 5010, 4010 Кредит 9030 -1200 млн сўм.

2. Автотранспорт хизматларидан олинган ялпи фойда тенг ва у акс эттирилади:

а) 250 млн. сўм, махсус счётда акс эттирилмайди;

б) 360 млн. сўм, 9030 счётда акс эттирилади;

в) 300 млн. сўм, 9910 счётда акс эттирилади;

г) 450 млн. сўм, 8710 счётда акс эттирилади.

3. Асосий фаолиятдан олинган фойда тенг ва у акс эттирилади:

а) 250 млн. сўмга, 9910 счётда акс эттирилади;

б) 360,8 млн. сўмга, 9910 счётда акс эттирилади,

в) 150,8 млн. сўмга, махсус счётда акс эттирилмайди;

г) 300,8 млн. сўмга, 8710 счётда акс эттирилади.

4. Автотранспорт корхонаси молиявий фаолиятдан:

а) 2 млн. сўмлик фойда олган;

б) 2 млн. сўмлик зарар кўрган;

в) 13 млн. сўмлик фойда олган;

г) 30 млн. сўмлик зарар кўрган.

5.Автотранспорт корхонасининг умумхўжалик фаолиятидан олган фойдаси тенг:

а) 148,8 млн. сўм;

б) 358 млн. сўм;

в) 263,8 млн. сўм;

г) 448 млн. сўм.

6.Автотранспорт корхонасининг солиқ тортилгунга қадар фойдаси тенг:

а) 142,8 млн. сўмга; б) 257,8 млн. сўмга;

в) 352 млн. сўмга; г) 442 млн. сўмга.

7. Автотранспорт корхонасининг солиққа тортиладиган фойдаси тенг:

а) 155,8 млн. сўмга; б) 270,8 млн. сўмга;

в) 380 млн. сўмга; г) 470 млн. сўмга.

14-БОБ. АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА СОЛИҚЛАР, МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР ВА ТЎЛОВЛАРНИНГ ҲИСОБИ

14.1. Автотранспорт корхоналарида қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби ва ҳисоби

Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ кўра автотранспорт корхоналари ўзларининг ташкилий-ҳуқуқий мақомига кўра умумдавлат соликларини ёки ихчамлаштирилган ягона солиқ тўловини тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар. Ихчамлаштирилган ягона солиқ режимида фаолият кўрсатиши учун автотранспорт корхоналари уларни кичик бизнес субъектларига киритиш мезонлари ҳамда соф тушум миқдори бўйича белгиланган талабларга мос келиши лозим. Кичик бизнес субъектларига кирувчи ҳамда йиллик соф тушуми 1 млрд сўмдан кам бўлган автотранспорт корхоналари умумдавлат соликларини тўловчилари сифатида ҳам фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Автотранспорт корхоналари томонидан тўланадиган барча солиқлар дарсликнинг 1-бўлимида қурилиш ташкилотлари мисолида ёритилган тартибларда ҳисоб-китоб қилинади ҳамда тўланади. Ушбу бобда автотранспорт корхоналарида айрим солиқлар ҳисоб-китобларидаги хусусиятларга тўхталамиз.

Автотранспорт корхоналарида ҚҚСни ҳисоб-китоб қилишда қуйидаги хусусиятлар мавжуд.

Биринчидан, республикамиз Солиқ кодексига мувофиқ (208-модда) ҚҚСдан шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари озод қилинган. Бунда шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари жумласига йўловчилар ташиш бўйича автомобиль ва электр транспорти билан шаҳар доирасида муайян йўналишлар бўйича катнов жадвалига биноан кўрсатиладиган хизматлар киради. Солиқ кодекси ушбу моддасида белгиланган қоидалар умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчилар ташиш транспорти ёки темир йўл ва автомобиль транспортида ходимларни ишдан ва (ёки) ишга ташиш бўйича хизматларга, юридик ва жисмоний шахслар буюртмалари асосида шаҳар атрофида тадбирлар ўтказиш учун ташиш бўйича хизматларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Иккинчидан, Солиқ кодексининг 216-моддасига мувофиқ халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатиладиган қуйидаги хизматларни

реализация қилиш оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади;

*транзит юкларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ташиш. Транзит юкларни ташиш жумласига юкнинг транзитини амалга ошириш учун чет эллик шахслар билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар ёки халқаро (идоралараро) транспорт битимлари ҳамда божхона органларининг мазкур транзит юклар ҳақиқатда олиб кирилганлиги ва олиб чиқилганлиги тўғрисида белгилари мавжуд бўлган тақдирда. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет эл транзит юкларини ташиш ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар киради;

*йўловчилар, багажлар ва почтани халқаро йўналишда ташиш. Агар жўнатиш пункти ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, ташишлар ягона халқаро ташиш ҳужжатлари асосида расмийлаштирилган тақдирда, халқаро йўналишларда ташиш ҳисобланади.

Учинчидан, автотранспорт корхоналарида бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга тўғри келадиган ҚҚС суммаси белгиланган ставка (8 % - соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчилар учун, 20 фоиз- умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчилар учун) бўйича иккита усулда қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

(1) - усул. Солиққа тортиладиган айланма ҚҚСсиз белгиланганда:

$$Сккс = Сай \times С / 100 \qquad (1)$$

бунда: **Сккс** - буюртмачилардан ундириладиган солиқ суммаси;

Сай - солиққа тортиладиган айланма;

С - қўшилган қиймат солиғи ставкаси

(2)-усул. Солиққа тортиладиган айланмада ҚҚС ҳам ҳисобга олинганда:

$$Сккс = Тк \times С / (С + 100) \qquad (2)$$

бунда: **Тк** - қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган автотранспорт хизматлари қиймати.

Мисол: *Буюртмачига АТВ ёрдамида юк ташиш бўйича бажарилган ишларнинг қиймати ҚҚС билан биргаликда счёт-фактура бўйича 600 минг сўм, дейлик.*

Ушбу мисол бўйича сотишдан олинган ҚҚС суммаси (2)-формулага асосан топилади ва у:

*соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи автотранспорт корхонасида 44,4 минг сўмни (600 * 8 % / 108 %) ташкил этади. Бу ҳолда кўрсатилган автотранспорт хизматларининг ҚҚСсиз сотиш қиймати 555,6 минг сўмдан (600-44,4) иборат бўлади.

*умумбелгиланган тартибда ҚҚС тўловчи автотранспорт корхонасида 100 минг сўмни (600 * 20 % / 120 %) ташкил этади. Бу

ҳолда кўрсатилган автотранспорт хизматларининг ҚҚСсиз сотиш қиймати 500 минг сўмдан (600-100) иборат бўлади.

Автотранспорт корхоналарида нақдсиз пулга бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга тўғри келадиган ҚҚС суммаси буюртмачиларга тақдим этилган счёт-фактураларда алоҳида устунчада кўрсатилади. ҚҚС суммаси буюртмачилардан олинадиган счётларнинг жами суммасига киритилади. Ҳисобланган ҚҚС суммасига счёт-фактуралар асосида қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 4010 «Олинадиган счётлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Нақд пулга кўрсатилган автотранспорт хизматларига тўғри келувчи ҚҚС суммаси буюртмачидан кассага кирим қилинган жами тушум таркибида ўз аксини топади ва унга қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 5010 «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Тўртинчидан, автотранспорт корхоналарида бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга тўғри келувчи ҚҚС суммасидан таъминотчиларга товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар ҳамда счёт-фактуралар асосида тўланган ҚҚС суммасини айириш йўли билан топилади. Бундан, юқорида таъкидланганидек, фақат ҚҚСдан озод этилган шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари мустасно. Ушбу хизмат турлари ҚҚСдан озод этилганлиги туфайли уларга тўғри келувчи таъминотчиларга товар-моддий бойликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган ҚҚС суммаси камайтиришга олиб борилмасдан, балки бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига киритилади.

Солиқ Кодексига мувофиқ (221-модда) автотранспорт корхоналарида камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси тўловчининг танловига биноан алоҳида-алоҳида ёки мутаносиб усулда аниқланади. Белгиланган тартибга кўра камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммасини аниқлашнинг танланган усули календарь йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас.

Мутаносиб усул қўлланилганда камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси солиқ солинадиган оборотнинг умумий оборот суммасидаги улушидан келиб чиқиб аниқланади.

Масалан, *автотранспорт корхонаси ҳисобот даврида 600 млн сўмлик (ҚҚСсиз) иш бажаргач, шундан стандарт ставкада (20 %) ҚҚСга тортиладиган иш ҳажми 360 млн. сўм, ҚҚСга тортилмайдиган*

иш ҳажми эса 240 млн. сўм. Таъминотчиларга товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар ҳамда счёт-фактуралар асосида тўланган стандарт ставкадаги (20 %) ҚҚСжами 50 млн. сўм. Демак, ушбу мисолда келтирилган маълумотларга кўра ҚҚСга тортиладиган автотранспорт хизматларининг ҳиссаси 60 фоизни (360/600*100), шундан ҚҚС суммаси 60 млн. сўм. ҚҚСга тортилмайдиган хизматларнинг ҳиссаси эса 40 фоизни (240/600*100) ташкил этади

Мутаносиб усулга кўра камаитиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси юкоридаги мисолда келтирилган маълумотлар бўйича 30 млн сўмни (50*60%), камайтиришга олиб борилмайдиган, балки бажарилган иш (хизмат)лар таннархига олиб бориладиган ҚҚС суммаси эса 20 млн. сумни (50*40%) ташкил килади. Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси юкоридаги маълумотларга кўра 30 млн.сўмдан (60-30) иборат бўлади

Алоҳида-алоҳида усул кўлланилганда ҚҚС тўловчи автотранспорт корхонаси солик солинадиган ва солик солинмайдиган оборот максадларида фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) юзасидан харажатлар хамда ҚҚС суммалари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритади. Бунда алоҳида-алоҳида ҳисобни юритиш имкони бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатларни тақсимлаш мутаносиб усулда амалга оширилади.

21-сон БҲМСга мувофиқ таъминотчиларга товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар ва счёт-фактуралар асосида тўланган ҚҚС суммаси хисобот даври мобайнида 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счётининг дебетида тўпланади. Бунда 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6100 «Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва карам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», 6990 «Бошка мажбуриятлар» счётлари кредитланади.

Ҳисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 25 санасигача автотранспорт корхоналари давлат солик органларига ҚҚС хисоб-китобини белгиланган шаклда тақдим этишлари лозим. Шунингдек, улар солик идораларига ҚҚС хисоб-китобига илова тарикасида солик даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича счёт-фактуралар реестрини хамда камайтиришга олиб борилиши ва таннархга киритилиши лозим бўлган ҚҚС суммаси таксимоти хисоб-китобини ҳам тақдим этишлари лозим.

ҚҚС хисоб-китоби, шунингдек унга илова килинадиган реестр ва тақсимот асосида 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счётининг дебетида тўпланган сумманинг камайтиришга олиб борилган кисмига бухгалтерияда қуйидаги ёзув килинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари».

Камаитиришга олиб борилмаган ва бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига мутаносиб усул бўйича аниқланган ҳамда киритилган ҚҚС суммасига қуйидагича қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»,
2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»,
2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари».

Олдинги ҳисобот даври учун камаитиришга олиб борилган ҚҚС суммасининг ҳисобот даври учун камайтиришга олиб борилган солиқ суммасидан ортиқ бўлган суммаси вужудга келган ҳолларда кўрсатилган ортиқча сумма ҳисобот давридан кейинги даврда камайтиришга олиб борилади. Камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси ҳисобланган ҚҚС суммасидан ортиқ бўлганида, унда бундай ортиқча сумма (манфий сальдо) автотранспорт корхонасига унинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда қайтарилади. Бунда ушбу ортиқча сумма автотранспорт корхонасининг шахсий счётида ортиқча тўлов сифатида эмас, балки манфий сальдо сифатида ҳисобга олинади. Ортиқча тўланган ҚҚС суммасининг автотранспорт корхонасига қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Автотранспорт корхоналарини бюджетга ҚҚС бўйича қарзларининг тўланишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

14.2. Автотранспорт корхоналарида бошқа солиқлар, мажбурий ажратмалар, тўловлар ва бадаллар ҳисоби[16]

Автотранспорт корхоналари тўлайдиган барча бевосита солиқлар, чуновчи мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурслари учун солиқ, фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мажбурий ажратмалар, тўловлар ва бадаллар, бир томондан, дарсликнинг 1-бўлимида қурилиш ташкилотлари мисолида ёритилган тартибларга тўлиқ ўхшаш, иккинчи томондан

[16] Ушбу параграфни ёзишда Д.Д. Пардаходжаева иштирок этди

эса, айрим ўзига хос хусусиятларга эга. Қуйида уларнинг айримларига тўхталамиз.

Мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурслари учун солиқлар автотранспорт корхоналарининг харажатларига киритиладиган солиқлар бўлиб ҳисобланади. Ушбу солиқларнинг Солиқ кодексида белгиланган тартибларга асосан ҳисобланган суммасига қуйидаги ёзув киритилади:

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» (солиқ турлари бўйича)

Харажатларга киритиладиган солиқлар бўйича бюджетга тўланган бўнак суммасига қуйидагича ёзув киритилади:

Дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» (солиқ турлари бўйича)

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Тўланган бўнак суммасининг ёпилишига қуйидагича ёзув киритилади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» (солиқ турлари бўйича)

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» (солиқ турлари бўйича)

Харажатларга киритиладиган солиқлар бўйича бюджетга қарздорлик сумманинг ўтказиб берилишига қуйидагича ёзув киритилади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» (солиқ турлари бўйича)

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Фойда солиғи ҳисоб-китоби ва унинг ҳисоби

Республикамиз Солиқ кодексига кўра (27-боб) умумбелгиланган солиқлар режимида ишловчи автотранспорт корхоналари фойда солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланади. Бироқ уларнинг шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси фойда солиғини тўлашдан озод қилинган. Ушбу хусусият автотранспорт корхоналарида фойда солиғи ҳисоб-китобини қуйидаги кетма-кетликда амалга оширишни тақозо этади.

Биринчидан, фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш учун «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»да номлари келтирилган фойда (зарар) кўрсаткичларидан ташқари яна иккита қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоблаш йўли билан топилади. Булар:

- **Соликка тортиладиган фойда (Стф)**

Стф = Фст (Зст) + Стх + Сбх- Счх + Бом -Гр - Д - Ф

Бу ерда: **Стх** - солик солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар (чегирилмайдиган харажатлар)[17];

Сбх – хисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайдиган, лекин келгусида чегирилиб бориладиган харажатлар[18];

Счх – хисобот даврида солик солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари киллинган харажатлар[19];

Бом – бегараз олинган мулк;

Гр – олинган грант ва субсидиялар;

Д – олинган дивидендлар;

Ф – олинган фоизлар

- **Соликка тортиладиган база (Стб)** – бу соликка тортиладиган фойдадан имтиёзлар айирилгандан кейин коладиган фойда суммаси, яъни:

Стб = Стф –И

Бу ерда: **И** – соликка тортиладиган фойдадан чегириладиган имтиёзлар.

Иккинчидан, соликка тортиладиган базани аниклашда куйидаги имтиёзлар айириб ташланади:

* шахар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан, йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойда суммаси;

* Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига мувофик солик солинадиган фойдани камайтирувчи бошка имтиёзлар (фойда солиги хисоб-китобига 4-илованинг 060,070,080-сатрларида акс эттирилган имтиёзлар).

Автотранспорт корхоналарида имтиёз сифатида айириб ташланадиган шахар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойда суммаси куйидагича топилади:

И = Стф* У

У = Сттх/ Ст*100

Бу ерда: **У** - шахар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган тушумнинг (**Сттх**) жами соф тушумдаги (**Ст**) улуши.

---

[17] Халкаро хисоб тизимотида ушбу харажатлар «доимий фарклар» деб номланади

[18] Халкаро хисоб тизимотида ушбу харажатлар «вактинчалик фарклар» деб номланади

[19] Халкаро хисоб тизимотида ушбу харажатлар «вактинчалик фарклар» деб номланади

Учинчидан, фойда солиғи (Фс) суммаси автотранспорт корхонасининг соликка тортиладиган база суммасини (Стб) солик меъёрига (См) купайтириш ва 100 фоизга бўлиш йўли билан топилади, яъни:

Фс = Стб *См : 100%

Мисол. Айтайлик,транспорт корхонасининг жами соф тушуми 1 600 000 минг сўм, шундан шахар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташкари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан соф тушуми 800 000 минг сўм, хисобот йилнинг соликка тортиладиган фойдаси 200 000 минг сўм. Солик солинадиган фойдани камайтирувчи бошка имтиёзлар (фойда солиғи хисоб-китобига 4-илованинг 060,070,080-сатрларида акс эттирилган имтиёзлар) мавжуд эмас.

Ушбу шартли маълумотларга кўра:

А) шахар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташкари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган тушумнинг жами соф тушумдаги улуши:

У = 800 000/1600000*100 = 50 %;

Б) фойда солиғи бўйича имтиёз суммаси:

И= 200000*50% = 100000 минг сўм;

В) Соликка тортиладиган база суммаси:

Стб = 200 000- 100 000= 100 000 минг сўм;

Г) фойда солиғи суммаси (айтайлик 12 %лик ставка бўйича):

Фс= 100 000*12% = 12 000 минг сўм.

Хисоб-китоб асосида хисобланган фойда солиғи суммаси бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 9810 «Даромад(фойда) солиғи бўйича харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Автотранспорт корхоналарини бюджетга даромад (фойда) солиғи бўйича карзларининг тўланишига куйидагича ёзув килинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Ягона солик тўловининг хисоб-китоби ва хисоби

Ушбу соликни тўловчи автотранспорт корхоналарида материаллар (ишлар, хизматлар) харид килинганда таъминотчи ташкилотларга тўланган ҚҚС суммаси материал бойликлар (ишлар, хизматлар) кийматига киритилади.

Ягона солик тўловини тўловчи автотранспорт корхоналари ихтиёрий тарзда рўйхатдан утган жойидаги давлат солик хизмати

органларига навбатдаги чорак бошланишига қадар бир ойдан кечиктирмай, янги барпо этиладиган микро ва кичик корхона макомидаги автотранспорт корхоналари эса фаолиятни амалга оширишни бошлашга қадар топшириладиган ариза асосида қўшилган қиймат солиғини тўлашлари мумкин. Ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бош тортиш навбатдаги йил бошланишига қадар бир ойдан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ариза асосида навбатдаги йилнинг бошидангина амалга оширилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш объекти бўлиб автотранспорт корхоналарининг барча фаолият турларидан олган ялпи тушуми хисобланади. Ягона солиқ тўлови суммаси ялпи тушум суммасини ушбу солиқнинг белгиланган меъёрига кўпайтириш йўли билан топилади. Бунда, ихтиёрий тарзда қўшилган қиймат солиғини тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига, бирок ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорига камаяди.

Ягона солиқ тўловига тортиладиган ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1. Нақд пулга ва нақдсиз пулга бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларнинг ҳажми.

2. Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар, чунончи:

а) ундирилган ёки қарздор зътироф этган жарималар, пенялар, неустойкалар ҳамда хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун бошқа жазо турлари;

б) хисобот йилида аниқланган ўтган йиллар даромадлари;

в) рента даромади, автотранспорт корхонаси ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, бошқа хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан тушумлар;

г) асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни сотишдан даромадлар;

д) кредиторлик ва депонентлик қарзини қонун билан белгиланган тартибда хисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

е) товар-моддий бойликларини қўшимча баҳолаш;

ж) текин молиявий ёрдам, шу жумладан, текинга олинган мол-мулк;

з) қиска муддатли ижарадан даромадлар;

и) илгари чиқариб ташланган харажатларни қоплаш тарикасида олинган даромадлардан ташқари бошқа операцион даромадлар;

3. Молиявий фаолиятдан даромадлар, чунончи:

а) олинган роялти ва капитал трансферти;

б) Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташқарида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли иштирок этишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ҳамда облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

в) мол-мулкни узоқ муддатли ижара (лизинг)га беришдан даромад (маржа);

г) чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар (мусбат ва манфий курс фарклари ўртасидаги сальдо), шунда манфий курс фарки суммаси мусбат курс фарқи суммасидан ошиб кетган ҳолда ошиб кетиш суммаси ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди;

д) кимматли қоғозлар, шуъба корхоналар ва ҳоказоларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар;

е) молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар;

4.Фавқулодда даромадлар.

Солиқ солинадиган ялпи тушум ҳисоблаб чиқилаётганда қуйидагилар ялпи тушумдан чиқариб ташланади:

а) ихтёрий равишда ўз аризасига кўра қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғи суммаси;

б) давлат субсидиялари суммаси;

в) давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

г) тўлов манбаида солиқ тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (маълумотнома) мавжудлигида дивидендлар ва фоизлар.

Ягона солиқ тўлови ҳар чоракда ўсиб борувчи якун билан ҳисоб-китобни топшириш муддатидан кечиктирмай тўланади.

Ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» счётида юритилади. Белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилган ягона солиқ тўлови бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Автотранспорт корхоналарини бюджетга ягона солиқ тўлови бўйича қарзларининг тўланишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счети»

Мажбурий ажратмалар, бадаллар ва йиғимлар хисоб-китоблари ва хисоби

Умумдавлат ва ихчамлаштирилган солиқ тўловлари режимида ишловчи автотранспорт корхоналари бошқа тармоқ корхоналаридаги сингари ўз ходимларига хар ойда хисобланган меҳнатга хақ тўлаш тарзидаги даромадларидан белгиланган ставкада мажбурий ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ)ни хам амалга оширадилар. Президентимизнинг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари хамда 2020-2021 йилларга бюджет *мўлжаллари* тўғрисида" 4086-сон қарорига мувофиқ ЯИТ ставкаси бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, *устав фондида давлат улуши* 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда бўлган юридик шахслар, шунингдек устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиқ кисми устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиқ кисми давлат улушига тегишли бўлган юридик шахслар учун 25 %, колган хўжалик юритувчи субъектлар учун эса 12 % миқдорида белгиланган.

ЯИТ суммаси унга тортиладиган ходимларнинг меҳнатга хақ тўлаш тарзидаги даромадлари суммасини белгиланган ставкага кўпайтириш ва 100 га бўлиш йўли билан топилади.

Автотранспорт корхоналари ЯИТ бўйича хар ой солиқ органларига Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда хисоб-китобни топширадилар.

21-сон БХМСга мувофиқ корхоналар томонидан тузилган ЯИТ хисоб-китоби *хамда банк хужжатлари асосида* бухгалтерия хисобида қуйидаги ёзувлар қилинади:

- *ЯИТнинг хисобланган суммасига:*

  Дебет 2010,2310,2510,9410,9420,9430,0810,9210 **Кредит** 6520;

- *ЯИТ бўйича қарзнинг тўланган суммасига:*

  Дебет 6520 **Кредит 5110.**

Агар ЯИТ бўйича олдиндан тўлов, яъни бўнак ўтказилган бўлса, унга дастлаб қуйидагича ёзув берилади:

Дебет 4520 Кредит **5110**

Ой охирида тўланган бўнак суммасининг ёпилишига қуйидагича ёзув берилади:

Дебет 6520 **Кредит** 4520

Ходимларнинг даромадларидан ШЖБПХга хисобланган мажбурий бадаллар (2019 йил учун 0,1 % ставкада) уларнинг бюджетга ходимлар даромадидан ушланадиган солиқ суммасидан камайтиришга олиб борилади. Мисол учун, АТВ хайдовчисига 2019 йил январь ойида хисобланган иш хаки 2 000 000 сўм дейлик, ундан ушланадиган даромад

солиғи (12 %лик ставкада) 240 000 сўмни (2000000*12%), ШЖБПҲга ҳисобланган мажбурий бадаллар суммаси 2000 сўмни (2000000*0,1%), бюджетга тўланадиган даромад солиғи 238 000 сўмни (240000-2000) ташкил этади. Ушбу ҳисоб китобларга кўра бухгалтерияда қуйидаги ёзувлар киритилади:

**даромад солиғи суммасига:*

Дебет 6710 "Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар" -240 000 сўм;

Кредит 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)"- 240 000 сўм;

** ШЖБПҲга ҳисобланган мажбурий бадаллар суммасига:*

Дебет 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)"- 2000 сўм;

Кредит 6990 "Бошқа мажбуриятлар"- 2000 сўм;

** бюджетга ўтказиб берилган даромад солиғи суммасига:*

Дебет 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)" - 238000 сўм;

Кредит 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" -238000 сўм;

**халқ банки бўлимига ўтказиб берилган ШЖБПҲга бадал суммасига:*

Дебет 6990 "Бошқа мажбуриятлар" – 2000 сўм;.

Кредит 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" – 2000 сўм.

Автотранспорт корхоналарида сотиб олинган янги автотранспорт воситалари учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишда тўланган мажбурий йиғим суммаси 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ уларнинг бошланғич қийматига киритилади ва ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»

Кредит 6520 «Давлатнинг максадли фондларига тўловлар»

Ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишда тўланадиган мажбурий йиғим суммасининг ўтказиб берилиши ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 6520 «Давлатнинг максадли фондларига тўловлар»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган база (Стб) – бу солиққа тортиладиган фондлардан имтиёзлар ажратилгандан кейин қоладиган фойда суммаси.

Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан, йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича

хизматлар кўрсатишдан олинган фойда суммаси – бу автотранспорт корхонасининг ушбу хизматларнинг жами соф тушумдаги улуши асосида топиладиган ва жами солиққа тортиладиган фоидасидан чегириладиган фойда.

Ягона солиқ тўлови- бу автотранспорт корхоналарининг барча фаолият турларидан олган ялпи тушумидан белгиланган ставкада ундириладиган солиқ.

Ягона ижтимоий тўлов – бу ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари суммасини белгиланган ставкада ундириладиган мажбурий ажратма.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

Хўжалик ситуацияси

Йўловчиларни ташишга ихтисослашган 2209-сонли автобус паркининг ҳисобот даврида (2019 йилнинг 1 чорагида) бажарган иш ҳажми (соф тушум) 300 млн. сўм, шундан шаҳар ичи ва унинг теварагидаги маршрутлар бўйича кўрсатилган хизматлар 120 млн. сўм (ҚҚСсиз), шаҳарлараро қатновлар бўйича кўрсатилган хизматлар 180 млн. сўм (ҚҚСсиз). Таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси 16 млн. сўм. Сотиш таннархи – 200 млн. сўм, давр харажатлари – 40 млн. сўм, шундан солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар -5 млн. сўм, олинган дивидендлар (дивиденд солиғи ушланган) – 2 млн. сўм, тўланган фоиздар 3 млн. сўм, бегараз олинган мулк - 10 млн.сўм, воз кечилган кредиторлик қарзлар - 4 млн.сўм.

Солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра 2019 йилда фойда солиғи ставкаси – 12 %, ягона солиқ тўлови ставкаси – 4 %.

Ушбу хўжалик ситуациясида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги саволларга тўғри жавобларни топинг.

1. Бажарилган ишга тўғри келадиган ҚҚС суммаси тенг:

а) 60 млн. сўм;

б) 24 млн. сўм;

в) 30 млн. сўм;

г) 50 млн. сўм.

2. Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси тенг:

а) 44 млн. сўм; б) 8 млн. сўм; в) 14 млн. сўм; г) 34 млн. сўм.

3. Сотиндан олинган ҚҚС суммаси акс эттирилади:

а) Дебет 9030 Кредит 6410 44 млн. сўмга;
б) Дебет 4010 Кредит 6410 30 млн. сўмга;
в) Дебет 4010 Кредит 6410 50 млн. сўмга;
г) Дебет 9030 Кредит 6410 60 млн. сўмга.

4. Таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси акс эттирилади:

а) Дебет 6410 Кредит 5110 30 млн. сўмга;
б) Дебет 4410 Кредит 6010 16 млн. сўмга;
в) Дебет 4410 Кредит 6410 50 млн. сўмга;
г) Дебет 6410 Кредит 5110 44 млн. сўмга.

5. Камайтиришга олиб борилаётган ҚҚС суммаси акс эттирилади:

а) Дебет 6410 Кредит 4410 14 млн. сўмга;
б) Дебет 6410 Кредит 4410 30 млн. сўмга;
в) Дебет 6410 Кредит 5110 50 млн. сўмга;
г) Дебет 6410 Кредит 4410 44 млн. сўмга.

6. Автотранспорт корхонасида ялпи тушум тенг:

а) 300 млн. сўмга; б) 302 млн. сўмга;
в) 306 млн. сўмга; г) 304 млн. сўмга.

7. Автотранспорт корхонасининг сотиндан олган фойдаси тенг:

а) 100 млн. сўмга;
б) 102 млн. сўмга;
в) 106 млн. сўмга;
г) 300 млн. сўмга.

8. Автотранспорт корхонасининг асосий фаолиятдан олган фойдаси тенг:

а) 100 млн. сўмга;
б) 60 млн. сўмга;
в) 62 млн. сўмга;
г) 66 млн. сўмга.

9. Автотранспорт корхонасининг умумхўжалик фаолиятидан олган фойдаси тенг:

а) 100 млн. сўмга;
б) 63 млн. сўмга;
в) 73 млн. сўмга;
г) 68 млн. сўмга.

10. Автотранспорт корхонасининг соликкача фойдаси тенг:

а) 100 млн. сўмга;

б) 63 млн. сўмга;

в) 73 млн. сўмга;

г) 68 млн. сўмга.

11. Автотранспорт корхонасида соликкa тортиладиган фойда суммаси тенг:

а) 76 млн. сўмга;

б) 66 млн. сўмга;

в) 73 млн. сўмга;

г) 78 млн. сўмга.

12. Автотранспорт корхонасида фойда солиги суммаси тенг:

а) 9,12 млн. сўмга;

б) 7,92 млн. сўмга;

в) 8,76 млн. сўмга;

г) 9,36 млн. сўмга.

13. Автотранспорт корхонасида ЯСТ суммаси тенг:

а) 9,12 млн. сўмга, б) 12,56 млн. сўмга;

в) 8,76 млн. сўмга; г) 9,36 млн. сўмга

14. Бюджетга тўланадиган фонда солиги суммаси акс эттирилади:

а) Дебет 9810 Кредит 6410 9,12 млн. сўмга;

б) Дебет 9810 Кредит 6410 7,92 млн. сўмга;

в) Дебет 9810 Кредит 6410 8,76 млн. сўмга;

г) Дебет 9810 Кредит 6410 9,36 млн. сўмга.

III-БЎЛИМ

САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

15-боб. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари

16-боб. Улгуржи савдо корхоналарида товар операцияларининг ҳисоби

17-боб. Чакана савдо корхоналарида товар операцияларининг ҳисоби

18-боб. Умумий овқатланиш корхоналарида товар операциялари ҳисобининг хусусиятлари

19-боб. Савдо корхоналарида даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижалар ҳисобининг хусусиятлари

20-боб. Савдо корхоналарида солиқ тўловлари, мажбурий ажратмалар ва ушланмалар ҳисобининг хусусиятлари

15-БОБ. САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

15.1. Савдо корхоналарининг бухгалтерия хисоби субъектлари сифатидаги таснифи, тавсифи ва улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Савдо юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилаётган тадбиркорликнинг бир тури ҳисобланади. У ишлаб чиқариш соҳасини истеъмол соҳаси билан боғловчи бўғиндир. Савдосиз яратилган маҳсулотлар ўз истеъмолчиларига етиб бормайди. Демак, савдо макон ва замонда такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишнинг мухим шартларидан биридир.

Савдо товар-пул муносабатларининг мажмуасидир. Ушбу муносабатларда бир томондан сотувчи, иккинчи томондан эса сотиб олувчи иштирок этади. Товар-пул муносабатлари мажмуаси савдони иқтисодиётининг махсус тармоғи даражасида ҳаракат қилишига олиб келади.

Савдо фаолиятини турли белгилари бўйича гурухлаш мумкин.

Амал қилиш худудига кўра савдо фаолияти ички ва ташқи савдога бўлинади.

Ички савдо – бу бир мамлакат худуди чегарасида амалга ошириладиган савдо фаолияти.

Ташқи савдо – бу мамлакат ичида ишлаб чиқарилган маҳаллий товарларни бошқа мамлакатларга сотиш фаолияти. Ташқи савдо фаолияти, бошқачасига, экспорт деб ҳам аталади.

Товарларни савдо-сотиғини амалга ошириш ва унда қўлланиладиган ҳисоб-китобларнинг шаклига кўра савдо улгуржи, майда улгуржи ва чакана савдо турларига бўлинади.

Улгуржи савдо – бу савдо соҳасида товарларнинг йирик туркумларини ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли бўйича, уни тижорат тадбиркорлик фаолияти мақсадида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланишни мўлжаллаётган хўжалик юритувчи субъектларга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш. Улгуржи савдо ҳам ички, ҳам ташқи савдо фаолияти бўлишлиги мумкин.

Майда улгуржи савдо – савдо соҳасида товарларни кичик туркумлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз ва нақд пул шаклари бўйича сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш. Майда улгуржи савдо фақат ички савдо фаолияти ҳисобланади. Ушбу савдо фаолияти чакана савдо корхоналари, улгуржи савдо корхоналари

ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан турғун савдо шахобчалари ҳамда истеъмол буюм бозорларида ажратилган жойлар орқали амалга оширилади.

Чакана савдо – савдо соҳасида якуний истеъмол учун, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш. Ушбу савдо фақат ички савдо фаолияти ҳисобланади.

Юритувчи шахсларнинг статусига кўра савдо фаолияти жисмоний шахслар ва юридик шахслар томонидан олиб бориладиган савдога бўлинади.

Жисмоний шахслар томонидан олиб бориладиган савдо фаолияти деганда юридик шахс мақомисиз маҳаллий ҳокимиятдан рўйхатдан ўтган ва савдо фаолиятини юритиш ҳуқуқига эга бўлган хусусий тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган савдо тушунилади. Бундай хусусий тадбиркорлар савдо фаолиятини ўзларининг хусусий савдо дўконлари ёки буюм бозорларида ажратилган жойлар орқали амалга оширадилар.

Юридик шахслар томонидан олиб бориладиган савдо фаолияти деганда юридик шахс сифатида маҳаллий ҳокимиятдан рўйхатдан ўтган ва савдо фаолиятини юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар томонидан амалга ошириладиган савдо тушунилади. Бундай корхоналар савдо фаолиятини ўзларининг савдо дўконлари, шахобчалари, базалари, омборлари ёки буюм бозорларида ажратилган савдо тармоқлари орқали амалга оширадилар. Юридик шахслар савдонинг барча турларини олиб борадилар.

Юритувчиларнинг мулкий шаклига кўра савдо давлат, нодавлат ва аралаш мулкдаги корхоналар томонидан олиб бориладиган савдога бўлинади. Савдо фаолияти билан шуғулланувчи давлат корхоналари бўлиб республикамизда ҳозирги даврда ихтисослашган «Мудофаа савдо» тизими тасарруфидаги корхоналар ҳисобланади.

Савдо фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат ва аралаш мулкдаги корхоналар бўлиб республикамизда акциядорлик жамиятлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар ва бошқа мақомдаги хусусий корхоналар ҳисобланади.

Товарларнинг гуруҳларига кўра савдо озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари савдосига, гуруҳлар ичида эса алоҳида қўйи гурух товарлари савдосига, масалан, нон ва нон маҳсулотлари савдоси, қиёмлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси, алкогол ва алкоголсиз ичимликлар савдоси, хўжалик моллари савдоси, қурилиш материаллари савдоси, автомобиллар савдоси, автомобиллар ёқилғиси савдоси, аралаш моллар савдоси, дори-дармонлар савдоси, тиббий техника ва оптика

товарлари савдоси, тилла буюмлар савдоси ва шу каби бошқа турларга бўлинади.

Савдо фаолиятининг барча турлари, уларни амалга ошириш шартлари ва тартиби республикамизда давлат томонидан кабул килинган меъёрий хужжатлар билан катъий тартибга солинади[20].

Республикамизда улгуржи савдо лицензиялаштириладиган, чакана савдо хамда умумий овкатланиш эса лицензиялаштирилмайдиган фаолият турига киради. Алохида олинган товарларнинг, масалан, алкоголи ичимликларнинг сотилиши махсус рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган халк хўжалиги тармоклари умумдавлат классификатори (ХХТУТ)га мувофик савдо ва умумий овкатлантириш корхоналарига тегишли тармок кодлари ажратилган. Уларнинг айримлари 15.1-жадвалда келтирилган.

15.1-жадвал

Савдо корхоналарига ажратилган ХХТУТ кодлари

ХХТУТ коди	Тармоқ ва унга кирувчи ташкилотлар	Изох
70000	Савдо ва умумовкатланиш.	
71000	Ички савдо.	
71100	Улгуржи савдо.	
71122	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи савдоси.	Пахта ва дондан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олувчи ва сотувчи улгуржи қишлоқ хўжалик бозорлари.
71123	Қурилиш моллари улгуржи савдоси.	Цемент, қум, шағал, ғишт, ойнак, қурилиш лак ва бўёқлари ва бошқа қурилиш моллариш улгуржи савдоси
71124	Озиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи савдоси.	Мева ва сабзавот, сут маҳсулотлари, тухум, озиқ-овқат ёғ ва мойлари, гўшт балиқ маҳсулотлари, шакар, кондолатсилик ва нон маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи савдоси
71125	Тўқимачилик маҳсулотлари улгуржи	Тўқимачилик маҳсулотлари, йигирилган маҳсулотлар, газламалар, оптхона ва

[20] Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон карори билан тасдиклаган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўгрисида Низом», Ўз.Р. Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон карори билан тасдиклаган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо хонаҳаси»; Ўз.Р. Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон карори билан тасдиклаган «Ўзбекистон Республикасида умумий овкатланиш маҳсулотлари (хизматлари)ни ишлаб чиқариш ва сотиш хонаҳаси».

	савдоси.	тўпак тўқимачилик маҳсулотлари, атторлик маҳсулотлари: игналар, тикув ипларида ва шу кабилар улгуржи савдоси.
71130	Улгуржи савдо бозорлари.	Маҳсулотларни (хизматларни) нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан улгуржи савдо қилиш бозорлари.
71150	Бошқа улгуржи савдо	Аниқ ихтисослашмаган кенг турдаги маҳсулотларнинг улгуржи савдоси.
71200	**Чакана савдо**	
71211	Чакана савдо ташкилотлари.	Савдо марказлари, универмаг, универсам, турли дўконлар, автодўконлар, палаткалар, сотиб олиш дўконлари, омборлар, савдо базаларида, аҳолига ёнилғи ва сиқилган газ сотувчи савдо ташкилотлари, картошка саклаш омборлари ва бошкалар.
71212	Дорихона муассасалари.	Дорихоналар, дорихона дўконлари, киоскалар, назорат-таҳлил лабораториялари, дорихона омборлари, (ветеринария омборларини кўшган холда).
71263	Курилиш моллари чакана савдоси.	Цемент, кум, шағал, гишт, ойнак, курилиш лак ва бўёклари ва бошқа курилиш моллариниг чакана савдоси.
71264	Озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси.	Мева ва сабзавот, сут маҳсулотлари, тухум, озиқ-овқат ёг ва мойлари, гўшт, балик маҳсулотлари, шакар, кондолатчилик ва нон маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси.
71265	Тўқимачилик маҳсулотлари чакана савдоси.	Тўқимачилик маҳсулотлари, йигирилган маҳсулотлар, газламалар, ошхона ва тўпак тўқимачилик маҳсулотлари, атторлик маҳсулотлари: игналар, тикув ипларида ва шу кабилар чакана савдоси.
71270	Чакана савдо бозорлари	Маҳсулотларни ва хизматларни нақд пулга охирги истеъмолчига сотиш савдо фаолияти.
71280	Бошқа чакана савдо.	Аниқ ихтисослашмаган кенг турдаги маҳсулотларнинг чакана савдоси.
71300	Умумовқатланиш	Фабрика-ошхоналар, тайёрлов фабрикалари, ресторанлар, ошхоналар, кафехоналар, чойхоналар, тамаддихоналар ва бошқа умумовқатланиш корхоналари, хамда корхона ва ташкилотларнинг мустақил умумовқатланиш корхоналари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 275-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи» (ИФУТ)га мувофиқ барча савдо корхоналарининг алоҳида фаолият турларига тегишли иқтисодий фаолият кодлари ажратилган, уларнинг аниқлари 15.2-жадвалда келтирилган.

15.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ИФУТда савдо ва умумий овқатлантириш корхоналари иқтисодий фаолият турларига ажратилган харфли-рақамли кодлар тизими

Бўлим	Гурух	Синф	Кичик синф	НОМ	ИФУТ коди	ХХТУТ коди
G секцияси			**УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА САВДО**			
45	45.1	45.11	45.11.1	Автомобиллар ва енгил моторли транспорт воситаларининг улгуржи савдоси	50101	71150 72100 72200
45	45.1	45.11	45.11.2	Автомобиллар ва енгил моторли транспорт воситаларининг чакана савдоси	50102	71280
45	45.3	45.31	45.31.0	Автомобил деталлари, узеллари ва жиҳозларининг улгуржи савдоси	50301	71150 72100 72200
46	46.1	46.13	46.13.0	Ёғоч ва қурилиш материаллари улгуржи савдоси бўйича агентлар фаолияти	51130	71500 80400 80100 72100 72200
46	46.2	46.21	46.21.1	Ғалла, уруғлар ва ҳайвонлар учун озуқаларнинг улгуржи савдоси	51210	71122 72100 72200
46	46.3	46.31	46.31.0	Меваларр ва сабзавотлар улгуржи савдоси	51310 51380	71124 72100 7220
46	46.3	46.32	46.32.0	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари улгуржи савдоси	51320	71124 72100 7220С

46	46.3	46.33	46.33.0	Сут маҳсулотлари, тухум, овқатга ишлатиладиган ёғ ва мойлар улгуржи савдоси	51330	71124 72100 72200
46	46.3	46.34.	46.34.1	Спиртли ичимликлар улгуржи савдоси	51340	71124 72100 72200
46	46.3	46.34	46 34.2	Спиртсиз ичимликлар ва пивонинг улгуржи савдоси	51340	71124 72100 72200
46	46.4	46 42	46.42.1	Кийимлар улгуржи савдоси	51420	71121 72100 72200
46	46.4	46.42	46.42.2	Пойафзаллар улгуржи савдоси	51420	71121 72100 72200
46	46.4	46.46	46.46.0	Фармацевтика товарлари улгуржи савдоси	51460	71150 72100 72200
46	46.6	46.65	46.65.0	Офис мебеллари улгуржи савдоси	51850	71150 72100 72200
47	47.2	47.25	47.25.1	Спиртли ичимликлар чакана савдоси	52250	71264
47	47.9	47.91	47.91.0	Почта ва Интернет орқали чакана савдо	52610 52630	71280 71261
47	47.9	47.99	47.99.0	Дўконлар, чодирлар ва бозорлардан ташқаридаги бошқа чакана савдо	52630	71261 71264 71280
I секцияси			**ЯШАШ ВА ОВҚАТЛАНИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР**			
56	56.1	56 10	56.10 0	Ресторанлар ва озиқ- овқат маҳсулотлари етказиш бўйича хизматлар	55300	71300
56	56.2	56.21	56.21.0	Буюртма бўйича овқат етказиб бериш	55520	71300
56	56.2	56 29	56.29.0	Овқатланишни ташкил қилишнинг бошқа турлари	55510 55520	71300

Ходимларининг сонига кўра савдо корхоналари микрофирмалар, кичик корхоналар, шунингдек бу мақомга кирмайдиган корхоналарга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 275-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг ИФУТ асосида такомиллаштирилган таснифлагичи»га мувофиқ савдо ва умумий овқатланишда:

микрофирмалар - бу банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 5 кишигача бўлган хўжалик юритувчи субъектлар;

кичик корхоналар - бу банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 6 кишидан 25 кишигача бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Савдо фаолиятини юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг мулкий ва ташкилий шаклига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга оширишчора-тадбирлари тўғрисида»ги 66- сон қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини рўйхатга олиш "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари томонидан амалга оширилади.

Савдо корхоналарининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи мезонлардан бири бўлиб белгиланган устав фондини ўз вақтида (давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир йил муддатда) шакллантириш ҳисобланади. Устав фондининг чегараланган миқдори фақат хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга, шунингдек, улгуржи савдо билан шуғулланувчи юридик шахсларга тааллуқлидир. Жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш учун устав капиталининг энг кам миқдори 150000 АҚШ долларини, улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланишни мўлжаллаган маҳаллий корхоналар учун эса энг кам иш ҳақининг камида 3500 бараварини, шундан энг кам иш ҳақининг камида 1200 баравaридаги миқдори пул маблағларини ташкил этиши лозим[21].

---

[21] Ўз.Р. Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сонли фармонига кўра 2018 йил 1 февралдан улгуржи савдо фаолиятини юритиш учун лицензия олиш талабларидан бири ҳисобланган устав капитали миқдорини энг кам иш ҳақининг камида 3500 бараварини, шундан энг кам иш ҳақининг камида 1200 баравaридаги миқдори пул маблағларига тасдиқлаб этиши белгиланди. Улгуржи савдо корхоналари устав капитали миқдори уларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақомига кўра белгиланган устав капитали миқдори талабидан келиб чиқиб аниқланадиган бўлади.

15.2. Савдо корхоналарида бухгалтерия хисобининг вазифалари ва уни ташкил килишнинг хусусиятлари

Савдо корхоналарининг бухгалтерия хисобининг вазифаларига куйидагилар киради:

•товар айланмасининг микдорини хужжатли асосга эга бўлишлигини таъминлаш, уни хисоб регистрлари ва хисоботларда тўгри акс эттириш;

•тузилган шартномаларни бажарилаётганлигини, товарларни кирим ва чикимига тегишли бўлган бошланғич хужжатларни тўгри ва ўз вактида расмийлаштирилишини таъминлаш;

•товарларнинг сотиш бахоларини тўгри шаклланганлигини назорат килиш;

•товарларни харидорларга етказишгача бажарилган транспортировка, саклаш, ўраш, кадоклаш, саралаш ва шу каби кўшимча жараёнлар мажмуасини хужжатларда ўз вактида ва тўгри акс эттириш, уларга сарфланган маблагларни аник суммасини ифодалаш;

•товар –пул муносабатлари оркали пул маблагларини тўплаш.

•савдо корхоналарида юз берадиган товар-пул операцияларини ўз вактида, тўгри хужжатлаштириш, гурухлаш ва жамланишини таъминлаш;

•амалга оширилган товар операцияларининг конунийлиги ва товар-моддий бойликлар бутлигини таъминлаш;

•товар-моддий бойликларнинг сакланиш жойларида омбор хисобини белгиланган усул ва шаклларда, шунингдек хисоб регистрлари хисобланган китоб, карточка ёки кайдномаларни ўз вактида ва тўгри юритилишини таъминлаш;

•барча моддий жавобгар шахслар фаолияти устидан катъий назоратни олиб бориш, моддий–жавобгар шахслар билан тузилган моддий жавобгарлик тўгрисидаги шартномалар шартларига тўлик амал килинаётганлиги гўгрисида рахбариятга хаккоий ахборотларни бериб бориш;

•товар-моддий бойликлар бўйича бахо сиёсатини тўгри шакллантириш ва ушбу сиёсатни тўгри амалга оширилиши устидан доимий назоратни олиб бориш;

•савдо шахобчалари ва омборлардаги товар-моддий бойликларни реал холатини белгиланган муддатларда инвентаризациясини ўтказиб туриш.

Савдо корхоналари бир бирларидан товар операцияларини тегишли хужжатлар билан расмийлаштириш бўйича хам фарк килади. Жумладан, улгуржи савдо корхоналаридаги товар операцияларининг

характерли хусусиятларидан бири шундаки, биронта товар-моддий бойликнинг кирим ва чиқими бу ерда тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан туриб амалга оширилмайди. Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида, аксинча, ҳар бир товар операциясини ҳужжатлаштириб бўлмайди. Омборлардан товарлар фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида сотилади, чакана савдо ва умумий овқатланишда эса товарлар асосан нақд пулга, айрим ҳолларда кичик улгуржи шаклда нақдсиз сотилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (БҲМС), шу жумладан 4-сон БҲМС «Товар-моддий заҳиралар»ига, мувофиқ товар-моддий бойликларни ҳисобга олишнинг иккита тизимини, яъни даврий тизим ва узлуксиз тизимини қўллаш мумкин.

Улгуржи савдо корхоналарида товар операцияларининг юқорида тавсифланган хусусиятларини эътиборга олган ҳолда товар-моддий бойликлар ҳисобини узлуксиз тизимини қўллаш зарурияти ва шарт-шароитлари мавжуд. Ушбу тизимнинг моҳияти шундаки товар-моддий бойликларнинг барча кирим ва чиқимининг ҳисоби аниқ бошланғич ҳужжатлар асосида юритилади. Жумладан, товарларни сотилиши харидорлар билан тузилган шартномаларда кўрсатилган баҳоларда уларни сотилганлигига гувоҳлик берувчи счёт-фактуралар асосида ҳисобга олиб борилади. Сотилган товарларнинг таннархи уларнинг кирим ҳужжатларида кўрсатилган баҳолари бўйича аниқ ҳужжатлар асосида топилади ва ҳисобга олинади. Бу, ўз навбатида, сотишдан олинган даромадларни ҳар бир товар бўйича ҳужжатли асосда топиш имконини беради.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ҳар бир товарнинг сотилишини қатъий ҳужжатлаштириш имконининг мавжуд бўлмаслиги уларда ТМБлар ҳисобининг даврий тизимини қўллашни тақозо этади.

Савдо корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб товар-моддий бойликларнинг ҳолати ва ҳаракати бўйича синтетик ва аналитик ҳисобни юритиш ҳисобланади. 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўрикнома»га мувофиқ товарларнинг синтетик ҳисобини барча савдо корхоналарида қуйидаги счётларда олиб борилиш назарда тутилган.

2910 «Омбордаги товарлар». Омбордаги товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида ҳисоб баҳосида акс эттирилади. Улгуржи савдо корхоналарида ҳисоб баҳоси бўлиб таннарх, яъни сотиб олиш баҳоси (тайёрлов-транспорт ва бошқа сотиб олишга доир харажатлар билан биргаликдаги) ҳисобланади.

2920 «Чакана савдодаги товарлар». Чакана савдо шохобчалари (савдо дўкон, палатка, ларёк, киоска ва бошқалар)даги товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида хисоб баҳосида акс эттирилади. Улгуржи савдо корхоналарининг чакана савдо шохобчаларида хисоб баҳоси бўлиб сотиш баҳоси, яъни савдо устамалари билан биргаликдаги хисобланган чакана баҳо хисобланади.

2920 «Кўргазмадаги товарлар». Кўргазма залларига қўйилган товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида хисоб баҳосида акс эттирилади.

2940 « Вактинча фойдаланишга (прокатга)берилган товарлар». Вактинча фойдаланишга (прокатга) берилган товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида хисоб баҳосида акс эттирилади.

2950 «Товар остидаги ва қайтариладиган идишлар». Товар остидаги ва қайтариладиган тараларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида хисоб баҳосида акс эттирилади. Улгуржи савдо корхоналарида хисоб баҳоси бўлиб таннарх, яъни сотиб олиш баҳоси ёки ўртача хисоб баҳоси хисобланади.

2960 «Комиссия (воситачилик) орқали сотишга берилган товарлар». Шартномалар асосида бошқа корхоналарга комиссия ва консигнация шартномалари асосида берилган товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида хисоб баҳосида акс эттирилади.

2970 «Йўлдаги товарлар». Гувохлик берувчи бошланғич ҳужжатлари асосида хисобга киритилган лекинда ой охирида йўлда бўлганлиги учун омборларга кирим қилинмаган товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида хисоб баҳосида акс эттирилади.

2980 «Савдо устамаси». Хисоб баҳосининг таркибий элементи бўлиб, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридаги товарларнинг сотиб олиш баҳолари устига қўйилган савдо устамаларини қолдиғи ва кўпайиши кредитида, камайиши эса дебетида акс эттирилади. Улгуржи савдо корхоналарида фақат чакана савдо шохобчаларидаги товарлар бўйича қўлланилади.

2990 «Бошқа товарлар». Юқоридаги счётларда акс эттирилмайин қолинган товарларнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида хисоб баҳосида акс эттирилади.

Савдо корхоналарида товарларнинг аналитик хисоби 15.1-расмда келтирилган иерархик тизим бўйича қўлда ёки замонавий компьютерларда юритиладиган хисоб регистрларида олиб борилади:

15.1.расм. Савдо корхоналарида товарлар аналитик ҳисобининг иерархик тизими

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Ички савдо –бу бир мамлакат худуди чегарасида амалга оширилаётган савдо фаолияти.

Ташқи савдо – бу мамлакат ичида ишлаб чиқарилган маҳаллий товарларни бошқа мамлакатларга сотиш фаолияти.

Экспорт - ташқи савдо фаолияти.

Улгуржи савдо – бу савдо соҳасида товарларнинг йирик туркумларини ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли бўйича, уни тижорат тадбиркорлик фаолияти мақсадида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланишни мўлжаллаётган хўжалик юритувчи субъектларга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш.

Майда улгуржи савдо – савдо соҳасида товарларни кичик туркумлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз ва нақд пул шакллари бўйича сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш.

Чакана савдо – савдо соҳасида якуний истеъмол учун, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш.

Жисмоний шахслар томонидан олиб бориладиган савдо фаолияти - юридик шахс мақомисиз маҳаллий хокимиятдан рўйхатдан ўтган ва савдо фаолиятини юритиш ҳуқуқига эга бўлган хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилади ган савдо

Юридик шахслар томонидан олиб бориладиган савдо фаолияти деганда юридик шахс сифатида маҳаллий хокимиятдан рўйхатдан ўтган ва савдо фаолиятини юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар томонидан амалга оширилади ган савдо

Товарлар хисобининг узлуксиз тизими – бу товарлар кирими ва чиқими қатъий ҳужжатлар билан расмийлаштириладиган корхоналардаги хисоб тизими.

Товарлар хисобининг даврий тизими – бу товарлар чиқими қатъий ҳужжатлар билан расмийлаштирилмайдиган корхоналардаги хисоб тизими.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1.Савдо фаолияти билан ким шуғулланиши мумкин?

а) саноат корхонаси

б) қурилиш ташкилоти

в) фақ ат савдо корхонаси

г) савдо билан шуғ улланиш учун рухсат гувохномасига эга хар қандай корхона

2.Савдо фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномани ким беради?

а) Молия Вазирлиги

б) Савдо Вазирлиги

в) Маҳаллий давлат хокимияти

г) Адлия Вазирлиги

3.Қ андай корхона савдо корхонаси деб аталади?

а) савдо билан шуғулланувчи саноат корхонасини

б) савдо билан шуғ улланишга рухсати бор қурилиш ташкилотини

в) тармоқ коди «савдо» бўлган корхонани

г) савдо билан шуғулланиш учун рухсат гувохномасига эга хар қандай корхона

16-БОБ. УЛГУРЖИ САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

16.1.Улгуржи савдо корхоналарида товар операцияларининг моҳияти ва уларни амалга ошириш шартлари

Улгуржи савдо корхоналарининг асосий функцияси чакана савдо корхоналарига, шунингдек товарларни ўзларининг хўжалик максадларида ишлатадиган бошка тармок хўжалик юритувчи субъектларига накд пулсиз такдда сотиш хисобланади. Бунинг учун уларнинг ўзлари олдин товарларни турли ишлаб чикариш корхоналари ва бошка манбаалардан сотиб оладилар. Товарларни сотишгача улгуржи савдо корхоналари уларни ўзларининг омборларида саклайдилар ва харидорларга тузилган шартномаларга мувофик сотадилар.

Товар операцияларини олиб бориш учун улгуржи савдо корхоналарида барча шарт-тароитларни яратиши лозим. Бундай шарт-шароитлар бўлиб, жумладан, куйидагилар хисобланади:

•товар-моддий бойликларни бут ва сифатли сакланишига имкон берувчи барча коммуникация воситаларга, тушириш ва юклаш, саралаш, ўлчаш, ўраш, кадоклаш, транспортировка килинишига имкон берувчи, тегишли равишдаги параметрлардаги майдонларга, шунингдек махсус жихозланган асбоб-ускуналар, техник хамда технологик воситаларга ва шу кабиларга эга бўлган омбор хўжалигини мавжудлиги;

•товар- моддий бойликлар бўйича моддий жавобгарликни ўрнатилиши;

•товар- моддий бойликларнинг кирими ва чикимини тегишли равишда хужжатли расмийлаштирилиши;

•товар- моддий бойликларнинг холати ва харакатини соний ва суммавий жихатдан аник, ўз вактида тавсифловчи омбор ва бухгалтерия хисобини юритилиши.

Улгуржи савдони амалга ошириш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни хамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 407- сон карор ва «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом» билан белгиланган.

Ушбу меъёрий хужжатларга асосан 2002 йил 1 декабрдан бошлаб улгуржи савдо билан юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар улгуржи савдони амалга ошириш

ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини (лицензияни)[27] олган тақдирда нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича фақат тузилган шартномалар асосида назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо тармоғига эга бўлган юридик шахсларга, махсус истеъмолчиларга, давлат таъминоти муассасаларига, давлат таъминоти муассасаларини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган савдо фирмаларига, ўз ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти учун юридик шахсларга улгуржи сотадилар.

16.2.Товар - моддий бойликларни сотиб олиш қиймати (таннархи) ва сотиш баҳоларини аниқлаш тартиби

Республикамизнинг 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»га мувофиқ товар-моддий захираларнинг сотиб олиш қиймати, яъни таннархи (Тт), ўз ичига қуйидагиларни олади:

1.Сотиб олишда товар етказиб берувчи билан тузилган шартномада кўрсатилган баҳо (ШБ);

2.*Сотиб олиш билан боғлиқ бошқа ҳаражатлар (Сх).* Буларга сотиб олиш билан боғлиқ брокерлик хизматлари, комиссион (воситачилик) харажатлар, ташиб келтириш харажатлари (темир йўл, сув, ҳаво йўллари ва бошқа транспорт ташкилотларнинг юклаш, тушуриш ва етказиб бериш харажатлари), товарларни сертификациялаш харажатлари ва шу кабилар киради;

3.Божхона тўловлари (Бт). Божхона тўловларига акциз солиғи (А), қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), божхона божи (Бб), божхона йиғими (Бй) киради. Бу харажатлар чет элдан импорт қилинган товарларга тааллуқли бўлиб, уларнинг суммалари божхона юк декларацияларида (БЮД) кўрсатилади.

Шундай қилиб, товар-моддий захираларнинг сотиб олиш қиймати (таннархи)ни аниқлашнинг математик қурилмаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Тт = ШБ + Сх + Бт$$

Бу ерда: $Бт = А + ҚҚС + Бб + Бй$

Ушбу математик қурилма бўйича товар-моддий захираларнинг сотиб олиш қийматини (таннархини) белгилаш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Биринчидан, келиб тушган товарларнинг сотиб олиш баҳоси бошланғич ҳужжатларга (счёт фактуралар, БЮД) асосан аниқланади. Ушбу баҳолар томонлар ўртасида тузилган шартномалар (контрактлар)га мос бўлиши лозим.

---

[27] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги «Товар бозорларида савдони яна эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5564-сонли фармонига мувофиқ улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тартиби 2019 йил 1 январдан бекор бўлди

Иккинчидан, бошланғич ҳужжатларга (счет фактуралар, БЮД) асосан таъминотчиларга ҳар бир товар бўйича тўланган ҚҚС суммаси топилади. ҚҚС суммаси уни сотиб олиш баҳосини 20 фоизга кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш йўли билан топилади.

Учинчидан, товарларни сотиб олишга бевосита алоқадор бўлган турли хизмат харажатлари (ташиб келтириш, брокерлик, воситачилик, сертификациялаш ва бошқалар) суммаси ушбу хизматларни кўрсатган ташкилотларнинг тақдим этган счётлари бўйича аниқланади. Топилган сумма жами келиб тушган товарларнинг сотиб олиш қийматига (ҚҚС сиз) бўлинади ва натижа 100 фоизга кўпайтирилиб, бир сўмлик товарга тўғри келадиган хизмат харажатларининг ўртача фоизи аниқланади. Ушбу ўртача фоизни ҳар бир товарнинг сотиб олиш нархига (ҚҚС сиз) кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали унинг сотиб олиш баҳосига киритиладиган хизмат турлари харажатларининг ўртача суммаси аниқланади.

Тўртинчидан, импорт товарлар бўйича божхона тўловларининг ҳар бир бирлик товарнинг сотиб олиш нархига қўшиладиган мос равишдаги акциз солиғи, ҚҚС солиғи, божхона божи ва божхона йиғимлари суммаси топилади.

Ушбу сшаб ўтилган процедуралар амалга оширилгандан сўнг келиб тушган ҳар бир бирлик товарнинг ўртача сотиб олиш қиймати (таннархи) юқоридаги математик қурилма асосида топилади.

Мисол 1. Улғуржи савдо корхонасида 2017 йил 15 январь куни 25-сон счёт фактура билан гилам тўқиш фабрикасидан қуйидаги товарлар қабул қилинди.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Баҳоси	Жўнатиш қиймати	ҚҚС, 20 %	Тўлов суммаси
1	Гилам 1,4*1,8	Дона	100	75000	7500000	1500000	9000000
2	Гилам 1,8*2,6	Дона	200	90000	18000000	3600000	21600000
3	Гилам 2*3	Дона	300	125000	37500000	7500000	45000000
	Жами				63000000	12600000	75600000

Қўшимча ахборотлар: *1. Ташиб келтириш харажатлари - 930000 сўм, сертификация харажатлари -1260000 сўм, брокерлик хизмати – 630000сўм.*

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида бир бирлик гилам маҳсулотларининг сотиб олиш қиймати уларнинг турлари бўйича қуйидагича ҳисоб- китоб қилинади (16.1-жадвал)

16.1-жадвал

Бир бирлик гилам махсулотларини сотиб олиш қиймати (таннархи)нинг хисоб-китоби

№	Товарнинг номи	Шартнома баҳоси	ҚҚС, 20%	Хизмат харажатлари		Сотиб олиш қиймати (таннарх)
				%	Сумма	
1	2	3	4*	5**	6***	7****
1	Гилам 1,4*1,8	75000	15000	4,48	3360	93360
2	Гилам 1,8*2,6	90000	18000	4,48	4030	112030
3	Гилам 2*3	125000	25000	4,48	5600	155600

Хисоб-китобларга изохлар:

**4-устунча бўйича ҳар бир товарга тўғри келадиган ҚҚС суммаси 3- устунчада кўрсатилган шартнома баҳосини 20 фоизга кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш йўли билан топилади.*

***5 –устунчада 1 сўмлик товарга тўғри келадиган сотиш билан боғлиқ жами харажатларнинг ўртача фоизи товарларни сотиб олишга кетган жами сотиб олиш харажатларини уларнинг жами шартнома баҳоларидаги қийматига бўлиш ва 100 фоизга кўпайтириш орқали топилади. Бизнинг мисолимизда ушбу фоиз -4,48% (930000+630000+1260000) / 63000000 *100%).*

****6-устунча 3-устунчадаги суммаларни 5-устунчада фоиз миқдорига кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали топилади.*

***** 7-устунча суммаси ҳар бир товар бўйича 3, 4,6 –устунчалар суммаларини қўшиш орқали топилади.*

Битта ҳужжат билан кўп сонли товарлар сотиб олинганда товарларни сотиб олиш доир бошка харажатларни хар бир товарнинг сотиб олиш киймати (таннархи)га киритишда алохида товарларнинг сотиб олиш (шартнома) баҳолардаги қийматининг барча товарларнинг сотиб олиш (шартнома) баҳолардаги жами қийматидаги ҳиссалари топилади. Шундан сўнг ушбу ҳиссаларга карэб барча товарларни сотиб олишга кетган жами қўшимча харажатлар товарлар ўртасида бўлиб чиқилади. Ҳар бир товарга тегишли сотиб олишга доир жами қўшимча харажатларни ушбу товарларнинг сонига бўлиш оркали бир бирлик товарга тўғри келадиган ва унинг сотиб олиш қиймати (таннархи)га киритиладиган суммаси топилади. Юкоридаги мисолимиз бўйича ушбу хисоб-китоблар куйидагича амалга оширилади (16.2-жадвал).

16.2-жадвал

Сотиб олишга доир қушимча харажатларни товарлар ўртасида тақсимлаш ва уларнинг сотиб олиш қиймати (таннархи)га киритишнинг ҳисоб-китоби

№	Товарнинг номи	Сони	Шарт-нома баҳо-ларидаги киймати	Хизмат харажатлари		Бир бирлик товар тан-нархига ки-ритилади-ган қўшим-ча сотиб олиш хара-жатлари
				%	Сумма	
1	2	3	4	5*	6**	7***
1	Гилам 1,4*1,8	100	7500000	11,9	336000	3360
2	Гилам 1,8*2,6	200	18000000	28,6	806000	4030
3	Гилам 2*3	300	37500000	59,5	1680000	5600
	Жами		63000000	100	2820000	X

Ҳисоб-китобларга изоҳлар:

**5-устунча бўйича ҳар бир товарга тўғри келадиган қушимча сотиб олиш харажатларининг барча товарларни сотиб олишга кетган жами қушимча харажатлардаги ҳиссаси 4-устунчанинг ҳар бир сатридаги суммани ушбу устунчанинг жами суммасига бўлиш ва 100 фоизга бўлиш йўли билан топилади.*

***6 -устунчада ҳар бир товар гуруҳига тўғри келадиган жами сотиб олишга доир қушимча харажатлар 5-устунчанинг ҳар бир сатрида келтирилган ҳиссани 6-устунчада келтирилган жами сотиб олишга доир қушимча харажатларнинг жами суммасига қўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш йўли билан топилади.*

****7-устунчада бир бирлик товарнинг таннархига киритиладиган сотиб олишга доир қушимча харажатларни топиш учун 6-устунчадаги ҳар бир сатр суммаси 3-устунчада келтирилган ушбу товарларнинг жами сонига бўлинади.*

Товарлар чет эл мамлакатларидан импорт қилинган тақдирда уларнинг сотиб олиш қийматига (таннархига), юқорида айтиб ўтганимиздек, божхона туловлари ҳам киритилади.

2-мисол. Айтайлик, 1-чимисолда келтирилган гиламлар Туркия давлатидан сотиб олинган, дейлик. БЮД га мувофиқ товарларнинг божхона қиймати қуйидагича: а) гилам 1,4* 1,8 – 6 АҚШ доллари; б) гилам 1,8* 2,6- 10 АҚШ доллари; в) гилам 2*3 –15 АҚШ доллари. Сотиб олишга доир харажатлар худди 1-мисолдагидек. Товарларни сотиб олиш қиймати (таннархи)га божхона тўловлари ҳам киритилади,

жумладан гилам махсулотлари учун тўловлар қуйидагича белгиланган дейлик: а) акциз солиғи –90 %, ҚҚС - 20 %; божхона божи – йўқ, божхона йиғими – божхона кийматидан 25%. Сотиб олиш санасига курс –3000 сўм.

Утбу мисолга асосан бир бирлик импорт гилам махсулотларининг сотиб олиш қиймати уларнинг турлари бўйича қуйидагича хисоб-китоб килинади (16.3-жадвал).

16.3-жадвал

Импорт товарлар таннархининг хисоб-китоби

№	Сотиб олиш қиймати (таннархи) элементлари	Товар гуруҳлари бўйича сумма		
		1,4*1,8	1,8*2,6	2*3
1	Товар киймати, А)АҚШ долларида Б) Сўмда	 6,0 18000	 10,0 30000	 15,0 45000
2	Божхона тўловлари, жами	33300	55500	83250
	Шу жумладан			
2а	Акциз солиги (90%)*	16200	27000	40500
2б	ҚҚС (20%)**	6840	11400	17100
2в	Божхона божи ***	-	-	-
2г	Божхона йиғими (божхона кийматидан 25%)****	10260	17100	25650
3	Бир бирлик товарни сотиб олишга сарфланган қўшимча харажатлар:			
3а	Фоизларда ****	13,24	13,24	13,24
3б	Сўмда (3а х 16/100)	2383	3972	5958
4	Бир бирлик товарни жами сотиб олиш киймати (таннархи), сўмда (1+2+3б)	53683	89472	134208

Х исоб-китобларга изохлар:

**Акциз солиги суммаси товар қийматидан белгиланган фоизлар бўйича хисобланади, яъни 2а-сатр суммаси= 1 б сатр х 90 /100;*

***ҚҚС суммаси товар қиймати ва акциз солиги биргаликда олинган суммадан белгиланган фоизлар бўйича хисобланади, яъни (1б + 2а) х20 /100;*

**** Божхона божи гилам бўйича мавжуд эмас, чунки Туркия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида божхона божи ундирилмаслиги бўйича халқаро шартнома мавжуд;*

*****Божхона йиғими суммаси товарларнинг божхона қийматидан (товар қиймати + акциз солиги + ҚҚС) белгиланган фоизларда хисобланади, яъни (1б+2а+2б) х 25/100;*

***** *1 сўмлик товарга тўғри келадиган сотиш билан боғлиқ харажатларнинг ўртача фоизи товарларни сотиб олишга кетган жами сотиб олиш харажатларини уларнинг жами шартнома баҳоларидаги қийматига бўлиш ва 100 фоизга кўпайтириш орқали топилади. Бизнинг мисолимизда ушбу фоиз -13,24 % ни ташкил қилади.*

*(930000+630000+1260000) / (100х 18000+ 200 х30000 + 300 х 45000) х100% = 2820000/21300000*100%=*

Юқоридаги хисоб-китобларга мувофиқ топилган сотиб олиш қиймати (таннархи) асосида товарлар омборларга кирим қилиниши лозим.

Улгуржи савдо корхоналарида товарлар харидорларга сотиш баҳоларида сотилади. Товарларни сотиш баҳоси (Сб) ўз ичига асосан, қуйидаги иккита элементни олади:

1.Товарларни сотиб олиш қиймати, яъни таннархи (Т) – ушбу элемент, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз ичига товарларни шартномавий баҳолардаги сотиб олиш қиймати ҳамда уларни сотиб олишга доир қўшимча харажатларни олади

2.Савдо устамаси (Су).

Демак, товарларни сотиш баҳосини математик қурилма сифатида қуйидагича ифодалаш мумкин:

Сб = Т + Су

Савдо устамалари улгуржи савдо корхоналарининг асосий даромад манбаи хисобланади. Савдо устамалари кўринишида олинган даромад (Д) улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотиш баҳоларидаги қиймати(Сқ) ва сотиш таннархи (Ст) ўртасидаги фарқдан иборат бўлади, яъни

Д = Сқ - Ст

Улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг сотиш баҳоларини белгилашда қуйидаги тартибларга амал қилиниши лозим.

1.Савдо устамаларининг чегаралари давлат томонидан белгиланмаган товарлар бўйича сотиш баҳолари келишув шартномаларига мувофиқ белгиланади. Бундай товарлар бўйича уларнинг сотиш баҳолари шартномаларда қатъий суммада ёки база деб олинган сотиб олиш қиймати (таннарх) устига келишилган савдо устамалари фоизини кўрсатиш йўли билан белгиланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида" 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сонли қарорига мувофиқ 2017 йилнинг 1 январидан четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи

воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

Савдо устамаларини савдо бўғинлари ўртасида тўғри тақсимланиши жуда катта аҳамият касб этади. Ушбу тақсимот шундай бўлиши керакки, у товарларни, айниқса дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини, истеъмолчиларга етказувчи барча савдо бўғинларини даромад олишига ва бунинг эвазига ўзларининг харажатларини қоплаши ва маълум миқдордаги фойдани олишишга имкон яратиши керак. Савдо устамаларини биринчи бўғинларда катта меъёрда қўйилиши ва белгиланган четеравий меъерни тўлиқ ишлатилиб қўйилиши охирги савдо бўғинида товаларни савдо устамаси билан сотиш ҳуқуқини йўқолишига, бунинг эвазига уларни сотишдан даромад эмас, балким зарар кўришга олиб келиши мумкин.

16.3.Улгуржи савдо корхоналарида товар операцияларининг ҳужжатлаштирилиши

Улгуржи савдо корхоналарига товарлар тузилган шартномалар асосида қуйидаги манбалардан келиб тушади:

•турли мулк шаклидаги ишлаб чиқариш корхоналаридан;

•қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи ва тайёрловчи корхоналардан;

•чет эл импортёрларидан.

Товарларнинг сотиб олиниши ва киримини ҳужжатлаштириш уларнинг юқорида келтирилган келиб тушиш манбаларига ҳамда уларни ташиб келтириш транспортининг турига боғлиқ. Улгуржи савдо корхоналарига товарлар чет эл мамлакатларидан, республикамизнинг бошқа шаҳар ва туманларидан, шунингдек маҳаллий таъминотчилардан турли транспорт воситаларида (темир йўл, сув ва ҳаво йўллари транспорти, ихтисослашган автотранспорт корхоналарининг транспорт воситалари ва савдо корхонасининг хусусий автотранспорти) ташиб келтирилиши мумкин.

Чет мамлакатлардан истеъмол товарларини олиб келишнинг алоҳида шартлари ва тартиби мавжуд. Уларнингасосийлари сирасига, чунончи, қуйидагилар киради.

•Божхонага истеъмол товарларини қабул қилиш учун юридик шахслар томонидан белгиланган тартибда тузилган ва рўйхатга олинган ҳорижий контрактлар мавжуд бўлиши керак.

•Божхона чегараси орқали истеъмол товарларини олиб келишда божхона тўловлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши лозим.

•Олиб келинаётган истеъмол товарларига таъминотчиларнинг мувофиклик сертификатлари мавжуд бўлиши лозим.

•Сотиб олувчи улгуржи савдо корхоналари божхона расмийлаштирувида божхона юк декларацияси (БЮД)ни тақдим қилишлари шарт.

Божхонадан импорт товарлар савдо корхонаси вакили (экспедитори) томонидан БЮД асосида қабул қилиб олинади. Омбор мудирлари экспедиторлардан импорт товарларни тасдиқланган шаклдаги «Кирим ордери» (М-3, М-4) тузиш йўли билан қабул қилиб оладилар.

Бошқа шаҳарларда жойлашган таъминотчилардан товарлар асосан темир йўл ва йўл автотранспорти орқали, бир шаҳарда жойлашган таъминотчилардан улар асосан йўл автотранспорти билан ташиб келтирилади.

Таъминотчилар товарларни улгуржи савдо корхоналарига жўнатишни тузилган шартномаларга асосан олдиндан тўловни камида 15 фоизи ўтказиб берилган тақдирда амалга оширадилар. Товарларни жўнатишда таъминотчилар қуйидаги ҳ ужжатларни тақдим этиши лозим:

•юклаш ҳужжатлари – булар темир йўл наклоднойи, товар-транспорт наклоднойи;

•товарларни сифат жиҳатларини тасдиқловчи ҳужжатлар – булар мувофиклик сертификати, спецификациялар, лаборатория таҳлили далолатномаси, ўлчов таҳлили далолатномаси, ўров ёрликлари;

•ҳисоб-китоб ҳужжатлари – булар белгиланган шаклларда тузилган счёт-фактуралар ва тўлов талабномаси.

Товарларни бевосита таъминотчилардан еки темир йўл транспорти станциясидан қабул қилиш ва олиб келиш учун улгуржи савдо корхоналари уларнинг вакилларини сафарбар этадилар ва уларнинг номларига ишончномалар берадилар. Товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномалар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2003 йил 7 майдаги 62-сон бўйруғи билан тасдиқланган «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномаларни бериш ва ишончномалар бўйича уларнинг бериш тартиби тўғрисида Низом» ва унга Молия Вазирлигининг 2003 йил 28 октябрдаги 121-сон буйруғи билан киритилган ўзгартиришларга мувофиқ амалга оширилади.

Ишончнома берилган вакил бойликларни олганидан сўнг корхона бухгалтериясига топшириқ бажарилганлиги тўғрисидаги ва олинган

товар-моддий бойликларни омборхонага еки тегишли моддий жавобгар шахсга топширганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиши (топшириши) шарт. Ишлатилмаган ишончномалар амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги кун уни берган корхонага қайтарилиши керак.

Товар-моддий бойликларни олиш ва олиб чиқиб кетиш учун берилган ишончномалар уларни етказиб берувчиларда қолади. Етказиб берувчида ишончноманинг тартиб рақами ва берилган санаси товарларни жўнатиш ҳужжатларида (счёт-фактура, товар-транспорт наклоднойи, темир йўл наклоднойи, юк квитанцияси ва шу каби юклаб жўнатилган товарларга гувохлик берувчи ҳужжатларда) кўрсатилади. Етказиб берувчида товарларни юклаб жўнатиш тугагач ишончномалар моддий жавобгар шахслар томонидан товар ҳужжатлари билан бухгалтерияга топширилади.

Темир йўл станцияларига вагонларда (контейнерларда) етказиб келтирилган товарларни қабул қилиб олиш улгуржи савдо корхоналарининг ишончнома, фармойиш ва юк квитанцияларига эга бўлган вакиллари (одатда, экспедиторлар) томонидан амалга оширилади. Вагонларда пломбалар бузилмаган бўлса, бу тўғрисида экспедитор темир йўл наклоднойи ва юк квитанциясига имзо чекади, шунингдек товарларни наклодной бўйича қабул қилиб олади.

Агар вагон (контейнер) пломбаларида, товарлар жойлаштирилган идишлар ва ўровларда бузилиш ҳоллари бўлса, шунингдек товарлар миқдори, оғирлиги ва сони бўйича темир йўл наклоднойида кўрсатилганидан четланишлар аниқланса, у ҳолда экспедитор барча товарларни тортишни, саналаш, шунингдек аниқланган четланишлар бўйича таодиқланган шаклдаги «Товар-моддий бойликларни қабул қилиш тўғрисида далолатнома»ни (М-7) тузишни талаб қилади. Ушбу далолатнома уч нусхада тузилади, унинг бир нусхаси транспорт ташкилотига, икки нусхаси-улгуржи савдо корхонаси экспедиторига берилади. Далолатномага станция бошлиғи, улгуржи савдо корхонасининг вакили (экспедитор) ва товарларни қабул қилишда иштирок этган бошқа шахслар имзо чекадилар. Далолатномада товарнинг номи, унинг ҳақиқий сони ва оғирлиги, етказиб берувчининг ҳужжатига мувофиқ сони ва оғирлиги, шунингдек сон ва оғирлик бўйича аниқланган фарқ кўрсатилади.

Темир йўл станциясида товарлар камомадининг миқдори табиий камайиш меъёрлари доирасида аниқланса, у ҳолда М-7 шаклли далолатнома тузилмайди, балким аниқланган камомад тўғрисида темир йўл наклоднойида ёзувлар қилинади. Агар товарлар оғирлиги аниқланмасдан қабул қилинса, бу ҳақда темир йўл наклоднойига ёзувлар киритилиши лозим.

Қабул қилишда камомад ёки товарларни бузилиши аниқланмаган бўлса, у холда экспедитор юк квитанциясига, темир йўл наклоднойига товарларни қабул қилиб олганлиги тўғрисида имзо чекади, темир йўл станцияси вакили товарларни топширганлигини ўз имзоси билан тасдиклайди.

Агар, товарлар темир йўл станциясидан улгуржи савдо корхонасига автотранспорт ташкилотининг транспорти билан етказилса, у холда экспедитор уч нусхада товар-транспорт наклоднойи тузади, унинг бир нусхасини товарларни кабул килган шахснинг имзоси билан ўзида колдиради, колган товарларни топширганлиги тўтрисида имзо чекилган икки нусхасини етказиб берувчи автотранспорт ташкилоти вакилига беради. Темир йўл станциясидан улгуржи савдо корхонасига товарларни етказиб беришга ва уларнинг бутлигига ушбу вактдан бошлаб автотранспорт ташкилоти вакили жавоб беради. Агар, автотранспорт ташкилоти вакили билан товарларни экспедиторнинг ўзи улгуржи савдо корхонасигача кузатиб борса, у холда товар-транспорт наклоднойининг бир нусхаси автотранспорт ташкилоти вакилига кўрсатган хизмати учун тўлов хужжатларини такдим этиш учун берилади.

Товарлар таъминотчиларнинг автотранспорти оркали жўнатилганда, шунингдек савдо корхонасининг ўз автомашинасида юборилганда экспедиторга бир нусха товар-транспорт наклоднойи (ТТН) ва бир нусха счёт-фактура такдим этилади. Бу холда хам омбор мудири товарларни экспедиторлан М-4 шаклли кирим ордери тузиш оркали кабул килинади. Қабул килишда четланишлар аниқланса, шунингдек хужжатсиз товарлар келиб туганда омбор мудири транспорт ташкилоти ёки таъминотчи вакили, экспедитор ва бошка ходимлар иштирокида М-7 шаклли «Товар-моддий бойликларни кабул килиш тўтрисида далолатнома»сини тузади ва у бўйича товарларни моддий жавобгарликга кабул килади

Экспедиторлар кабул килинган ва омборларга топширилган товарлар бўйича белгиланган шакл (МХ-21) ва тартибда хисобот топширадилар.

Экспедиторларнинг ташиб келтирган ва омборга топширган товарлари бўйича тузилган хисоботлари асосида савдо корхонасининг бухгалтерияси ёки маркетинг бўлими тасдикланган шаклдаги «Келиб тушаётган юкларни хисобга олиш журнали»ни (М-1) юритади. Ушбу журналга ёзувлар ТТН, темир йўл наклоднойлари, счёт-фактуралар, кирим ордерлари, товар-моддий бойликларни кабул килиб олиш тўтрисида далалатномалар асосида амалга оширилади.

Улгуржи савдо корхоналари томонидан товарларни тузилган шартномалар асосида харидорларга сотилиши Солик Кодексита

мувофик тасдикланган шаклдаги счет-фактура билан расмийлаштирилади. Харидорларнинг талабларига кўра товарлар ўзга транспорт ташкилоти автотранспорти билан олиб кетилаётган холда счёт-фактурага кўшимча тарзда ТТН хам тузилиши мумкин. Товарларни воситачилик ёки консигнация йўли билан комисионер ёки консигнаторга сотишга бериш хам счет-фактура билан расмийлаштирилади, бу холда счёт-фактурашнг предмет кисмида «Воситачиликга бериш» ёки «Консигнацияга бериш» деган ёзувлар бўлиши лозим.

Товарларни бир омбордан иккинчи омборга ёки бошка сакдаш жойларига, шунингдек омборлардан хусусий чакана савдо савдо дўконларига берилиши ички алмашув наклоднойлари билан расмийлаштирилади. Бундай ички алмашнув операциясини амалга ошириш ва расмийлаштиришга асос бўлиб рахбарнинг фармойиши хисобланади.

Омборларда товарлар сакланиш вактида тўкилиши, синиши, куриб колиши, бузилиши мумкин. Мисол тарикасида, шакарни тўкилиши, шиша буюмларни синиши, бўскни, ацетон ва бошка суюкликларни куриб колиши, тўкилиб кетиши ва бошкаларни келтириш мумкин. Ушбу холатлар сабабли товарларнинг хаккоий холати хисоб маълумотларидан кам бўлиб колиши мумкин. Товарларни бундай сабабларга кўра камайиши икки турга бўлинади:

•Меъёрдаги табиий камайишлар -- бу товар-моддий бойликларни олдинги ва кейинги инвентаризация ўтказиш вакти ичидаги табиий камайишнинг белгиланган меъёрлардаги миклори

•Меъёрдан ортик камайишлар - бу товар-моддий бойликларни олдинги ва кейинги инвентаризация ўтказиш вакти ичидаги табиий камайишининг белгиланган меъёрлардан ортик бўлган, шунингдек синиш, яроксиз холга келиш ва бузилиши эвазига вужудга келган йўкотишлар миклори.

Товарларни табиий камайишини хар онда дастлабки хисоб-китобларга кўра аниклаб бориш ва хисобдан чикариш мумкин эмас. Уни факатгина инвентаризация тугагач товарлар саногида камомадлар чиккан холда махсус хисоб-китоб ва белгиланган меъёрлар асосида аниклаш ва хисобдан чикариш лозим. Товарларнинг табиий камайиши меъёрлари савдо корхонасининг табиий-климатик шартларига, йилнинг фаслларига, товарларни сакдаш муддатлари ва шароитларига (масалан, музлаткичларда, ёпик омборларда, очик айвонларда ва бошкалар) караб белгиланади. Ушбу меъёрлар давлат мулки хисобланган савдо корхоналари учун тармок вазирликларининг махсус справочникларида кўрсатилади.

Товарларни табиий камайиш хисоб-китоби куйидаги тартибда тузилади.

Биринчидан, товарларнинг ўртача саклаш муддати (Сўм) аниқланади. Бунинг учун инвентаризация даврлари (олдинги ва кейинги)даги ўртача товар захираларининг миқдори (Зў) ўртача бир кунда сотилган товарлар миқдорига (Тў) бўлинади.

Мисол: *Йилнинг биринчи ярмида (олдинги ва кейинги инвентаризация даврида) 360 тонна шакар сотилди. Ушбу давр ойлари бошидаги товар захиралари қуйидагича: 1.01. га 30 тонна, 1.02. га –25 тонна, 1.03.га - 40 тонна, 1.04.га 50 тонна, 1.05.га 20 тонна, 1.06.га 10 тонна, 1.07.га 8 тонна. 1-ярим йилликдаги кунлар сони 180 кун.* Юқоридаги шартли маълумотларга кўра бир кунлик сотиш миқдори (Тў) =2 тонна (360/180). Шакарнинг 1-ярим йиллик учун ўртача захирасининг миқдори

(Зў) = (30/2 + 25 + 40 +50 + 20 + 10 +8/2) / 6 = 168 /6 = 28 тонна

Шакарнинг ўртача саклаш муддати Сўм = Зў / Тў = 28 / 2 = 14 кун.

Иккинчидан, жами сотилган ва сотилмаган шакарнинг ўртача миқдорини топамиз. Бизнинг мисолимизда у 388 тоннани (360+28) ташкил қилади.

Учинчидан, справочникда йил фасли ва саклаш муддатига кўра белгиланган табиий камайиш меъёрига асосан сотилган ва сотилмасдан колинган ўртача товарлар миқдорига тўғри келадиган табиий камайиш микори топилади. Мисол учун, табиий камайиш миқдори 0,02 % этиб белгиланган, дейлик. У холда бизнинг мисолимизда табиий камайиш миқдори 77,6 кг ни ташкил қилади (388000 х0,02% /100%)

Тўртинчидан,1 кг шакарнинг сотиб олиш баҳоси 4000 сўм деб олсак, у холда табиий камайишнинг суммаси бу товар-моддий бойликларни олдинги ва кейинги инвентаризация ўтказиш вакти ичидаги йўқотишларининг белгиланган меъёрлардаги миқдори 310400 сўмни (77,6*4000) ташкил қилади.

Агар шакар бўйича инвентаризацияда ҳисоб маълумотларидан четланиш аниқланмаса, у холда табиий камайиш ҳисоб-китоби тузилмайди. Агар инвентаризацияда 100 кг шакар камомад чиқса, у холда унинг 77,6 кг табиий камайиш, колган 22,4 кг ёки 89600 сўми (100х4000 -77,6 х4000) меъёрдан ортиқ камайиш деб тан олиниши лозим. Меъёрдан ортиқ кам чиқишлар камомад деб тан олинади ва бунинг учун моддий жавобгар шахс айбдор деб топилади. Агар, моддий жавобгар шахс бўйнига ушбу айбни кўйишга асослар етарли деб топилмаса, у холда меъёрдан ортиқ камомадлар ҳам корхонанинг зарарига олиб борилади

Товарларнинг бундай йўқотишларини аниқлаш ва ҳужжатли расмийлаштириш учун корхона рахбари томонидан комиссия тузилади. Таъминотчилардан қабул қилиб олишда аниқланган товарларнинг синиклиги, яроксизлиги ва сифат сертификатига мос келмаслиги

натижалари М-7 шаклли «Товар-моддий бойликларни кабул килиш тўғрисида далолатнома»да акс эттирилади. Товарларни омборларга кабул килиниб олингандан сўнг уларни сотишгача бўлган даврда синиши, яроксиз холга келиши ва сифатини пасайиши комиссия томонидан махсус «Товарларни бузилиши, синиши тўғрисида далолатнома» билан расмийлаштирилади.

Улгуржи савдо корхоналари маълум объектив сабабларга кўра (масалан, кирим килинган товарлар кайта экспертиза килинганда сифат сертификати талабларига мос келмаганда, хужжатсиз келган товарлар бўйича бахолар бўйича таъминотчилар билан келишувга келинмаганда ва шу каби бошка сабабларга кўра) сотиб олган товарларини таъминотчиларга кайтариб беришлари хам мумкин. Бундай холларда товарларни таъминотчиларга кайтарилиши учун улардан ишончнома талаб килинади, хакикатда кайтарилган товар счёт-фактуралар билан расмийлаштирилади ва уларнинг предмет кисмида «товарларни кайтариш» ёзуви кўйилади.

16.4.Улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг омбор хисобини юритиш усуллари

Улгуржи савдо корхоналарида барча моддий–жавобгар шахслар товарларнинг омбор хисобини юритадилар. Омбор хисоби натурал (микдор) кўринишда товарларнинг номи, нави, сони ва бах олари бўйича карточкаларда ёки махсус китобларда юритилади. Ушбу хисоб регистрларига ёзувлар товарларнинг киримги ва чикимига гувохлик берувчи бошлангич хужжатлар асосида килинади.

Товарларнинг омбор хисобини юритиш уларни омборларда саклашнинг кабул килинган усул(лар)ига боғлик. Товарлар омборларда, одатда, хар бир келиб тушган партиялар ёки уларнинг номлари, навлари, келиб тушиш бахолари бўйича сакланади. Ушбу белгиларига карэб товарларнинг омбор хисоби партияли ва навли усулларда юритилиши мумкин.

Бахоларни эркинлаштирилиши, катъий сотиб олиш бахоларини белгиланмаганлиги хозирги шароитда улгуржи савдо корхоналарида товарларнинг омбор хисобини асосан партияли усулини кенг кўллашни таъкоза этмокда.

Товар партиялари деганда тузилган шартномада кўрсатилган сотиб олиш бахоларида турли таъминотчилардан келиб тушган товарлар мажмуаси тушунилади. У ёки бу номдаги келиб тушган товарлар партияси омборда мавжуд бўлган айнан шу номдаги товарлар таркибига киритилмайди, балким келиб тушган товарлар партияси алохида сакланади. Бунга сабаб шундаки, товарлар номи, артикули,

нави бўйича бир хил бўлсада, лекинда улар бир- биридан сотиб олиш баҳолари билан фарқ қилиши мумкин. Ушбу товарларни бир- бирига қўшиб юбориш кейинчалик улар сотилганда сотиш таннархини ва сотишдан олинган даромадни аниқлашда чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Товарларни партияли ҳисобини юритиш учун омборларларда ҳар бир келиб тушган партияга тасдиқланган шаклдаги «Партион карта» (МХ-10) очилади. У икки нусхада юритилади. Партион картада товар жўнатувчининг барча керакли реквизитлари, товарларни кирим ҳужжатининг номери ва санаси, товарнинг номи, артикули, нави, баҳоси, сони, оғирлиги кўрсатилади. Партион карталар келиб тушган товарлар партияси сотилиб бўлгунича юритилади. Сотилган товарнинг сони (оғирлиги) партион картада чиқим ҳужжатларининг номери ва санаси бўйича кўрсатилади. Товар партияси тўлиқ сотиб бўлингач, партион карта ёпилади, унга ушбу партия бўйича меъёрдаги табиий камайиш, бузилиш, синиш, йўқотишлар тўғрисидаги маълумотлар (агар шундай ҳолат юз берган бўлса) ҳам ёзилади. Партион картани ёпилишига омбор мудири, омбор ҳисобчиси, бухгалтерия ходими имзо чекадилар. Товарлар партияларини тўлиқ сотиб бўлинганлиги тўғрисида раҳбар томонидан тайинланган комиссия томонидан икки нусхада махсус тасдиқланган шаклда «Товарлар партиялари бўйича чиқимлар тўғрисида далолатнома» (МХ-12) тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси партион карталарнинг бир нусхаси билан биргаликда бухгалтерияга берилади, иккинчи нусхаси эса партион карталарнинг иккинчи нусхаси билан биргаликда омбор мудирида қолади. Омборда қолган партион карталар товарларнинг омбор ҳисоби регистри ҳисобланади.

Товарларни сақлашнинг навли усулини фақат доимий таъминотчилардан шартномаларга асосан бир маромда ва ўзгармас баҳоларда келиб тушаётган товарлар бўйича қўллаш мумкин. Ушбу усулда келиб тушган янги товарлар олдиндан омборда мавжуд бўлган шу номдаги, навдаги, баҳ одаги товарлар сафига киритилади. Бир хил номдаги, навдаги, баҳ одаги товарларга алоҳ ида карточка ёки омбор китобида маълум сахифалар ажратилади. Ушбу регистрларга ёзувлар кирим ва чиқим ҳужжатлари бўйича олиб борилади. Ҳар бир ёзувдан сўнг товарнинг қолдиғи чиқариб борилади. Товарларнинг омбор ҳисоби карточкалари ва китоби қуйидаги шаклда юритилади (иловага қаранг). Камида бир марта ҳар ойда омбор ҳисоби карточкалари ски китоби маълумотлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққосланиб борилиши лозим. Бунинг учун омбор ҳисоби карточкаларининг кирим ва чиқим, шунингдек давр боши ва охиридаги қолдиғи бўйича жамланган маълумотлар асосида тасдиқланган шаклда «Товар-моддий

бойликларнинг сақлаш жойларидаги қолдиклари хисоби кайдномаси» (МХ-19) тучилади. Ушбу кайднома улгуржи савдо корхоналари бухгалтериясида товар-моддий бойликларнинг хисобининг «оператив-бухгалтерлик (колдик)» усулида юритилади, яни унда хар бир товар буйича бош колдик, кирим ва чиким маълумотлари соний ва суммавий кўринишда жамланган холда хисоб бахолари бўйича акс эттирилади. Кайдноманинг бош ва охирги колдик, кирим ва чиким бўйича жами маълумотлари омбор мудирлари томонидан тузилган ва бухгалтерияга топширилган товар хисоботларининг мос равишда бош ва охирги колдик, кирим ва чиким тўгрисидаги маълумотларига мос бўлиши керак.

Консигнация шартномасисига асосан омборларга қабул қилинган консигнацион товарларнинг омбор хисоби алохида партиялари бўйича партион карталарда юритилади. Ушбу партион карталар консигнацион товарлар тўлиғича сотилганига кадар ёки ушбу товарлар эгасига қайтарилганига кадар омбор мудирлари томонидан икки нусхада юритилади.

Омборларга ўлга корхоналарга тегишли бўлган ва маъсул сақлаш учун кирим қилинган товарларнинг омбор хисоби алохида карточкаларда партион ёки оператив-бухгалтерия усулларидан бирида юритилади.

16.5. Моддий жавобгар шахсларнинг хисоботлари, уларни тузиш, такдим этиш, текшириш ва тасдиклаш

Улгуржи савдо корхоналарининг омбор мудирлари белгиланган муддатларда «Товарлар ва идишлар харакати тўгрисида хисобот»ни тузишлари ва бухгалтерияга такдим этишлари лозим. Ушбу хисоботнинг намунавий шакли қуйида келтирилган.

80-сон намунавий шакл

Ташкилот_____ *«Тасдиқлайман»*
Корхона (омбор) _____ _____ *Раҳбар*
Моддий жавобгар шахс _____ «_ » _____200 й.

ТОВАР ВА ИДИШЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

«__» _____200_ й.

Кимдан олинди ва кимга берилди	Ҳужжат		Сумма, сўм,тийин		Бухгалтерия белгиси
	№	Сана	Товар	Идиш	
Давр бошига колдик					
КИРИМ					
Жами кирим					
ЧИҚИМ					
Жами чиқим					
Давр охирига колдик					

Илова қилинди _____ ҳужжат

Ҳисоботни кабул киддим ва текширдим.

Бухгалтер _____ «___» _____200_ й.

(имзо)

Тузатишлар билан розиман. Товарнинг _____ сўм, идишларнинг _____ сўм эканлигини тасдиклайман. «___» _____200_ й.

Моддий жавобгар шахс _____ _____

(имзо) *(ф.и.ш.)*

Улгуржи савдо корхонасининг бухгалтериясида товар хисоботлари куйидаги тартибда текширилади ва ишловдан ўтади.

1.Ҳисобот даври (куни) бошидаги товар ва идишларнинг колдиғи олдинги давр (кун) учун тузилган ҳисобот даври (куни) охиридаги товар ва идишларнинг колдиғи билан таккосланади. Улар ўртасида фаркни бўлиши ҳисоботни нотўғри тузилгаилиги тўғрисида гувохлик беради.

2.Барча кирим ва чиқим ҳужжатларини ҳисоботнинг мос равишда кирим ва чиқим бўлимларида тўғри акс эттирилганлиги ёки ушбу кирим ва чиқим ҳужжатларни кирим ва чиқим ҳужжатлари реестрида тўғри

акс эттирилганлиги, реестрларнинг умумий суммаларини хисоботда тўғри кўрсатилганлиги текширилади.

3.Хисоботнинг кирим ва чикиминнинг жами суммаларининг тўғрилиги текшириб чикилади.

4.Хисоботда давр охиридаги товар ва тараларнинг колдиғини тўғри хисобланганлиги ва кўрсатилганлиги текшириб чикилади.

5.Хисоботга илова килинган боғланғич хужжатлар сонини тўғри кўрсатилганлиги текширилади.

6.Хисоботнинг биринчи нусхасининг охирги устунчасида хар бир хужжат каршисига корреспонденцияланадиган счётнинг номери кўйиб чикилади.

Бухгалтерлик текширувидан ўтган товар хисоботи корхона рахбари томонидан тасдикланади. Тасдикланган хисобот товар ва идишларнинг бухгалтерияда синтетик ва аналитик хисоби регистрларини юритишга асос бўлади. Хисоботнинг бухгалтер томонидан кабул килиб олганлиги ва текширганлиги тўғрисида имзоси кўйилган ва рахбар томонидан тасдикланган иккинчи нусхаси омбор мудирига кайтарилади

16.6. Улгуржи савдо корхоналарида товарлар кирининнинг хисоби

Улгуржи савдо корхоналарида 21-сон БХМСга мувофик товарларнинг омборларга кирининг синтетик хисоби икки усулда олиб борилиши мумкин.

1-усул. Омборларга кирим килинган товарларни бевосита 2910 «Омбордаги товарлар» счётида хисобга олиш усули. Ушбу счётда товарлар узликсиз хисоб тизими асосида сотиб олиш баҳоларида акс эттирилади. Киймат тамойилига мувофик товарларнинг таннархига уларни таъминотчилардан сотиб олиш баҳоларидаги киймати ва сотиб олишга доир барча кўшимча харажатлар (ташиб келтириш, брокерлик, божхона, сертификатлаш ва бошка шу каби харажатлари) киритилади.

2-усул. Товарларни сотиб олинишини махсус счётда, яъни 1510 «Товар моддий бойликларни сотиб олиниши» счётида хисобга олиш усули. Ушбу счётда товарлар узликсиз хисоб тизимига мувофик сотиб олиш баҳоларида, яъни таннархи бўйича акс эттирилади. Киймат тамойилига мувофик товарларнинг таннархига уларни таъминотчилардан сотиб олиш баҳоларидаги киймати ва сотиб олишга доир барча кўшимча харажатлар (ташиб келтириш, брокерлик, божхона ва бошка харажатлар) киритилади. *Сотиб олишга доир барча* харажатлар олдин 1510 «Товар- моддий бойликларни сотиб олиниши» счётида тўпланади ва товарлар омборга кирим килингач ушбу счёт 2910 «Омбордаги товарлар» счётига ётилади.

Улгуржи савдо корхоналарига товарларни таъминотчилардан сотиб олиниши ва кирим килинишига доир операциялар ушбу усулларда счётларда куйидагича акс эттирилади (16.4-жадвал).

16.4-жадвал

Товарлар киримини турли усулларда счётларда акс эттириш тартиби

№	Операциянинг мазмуни	Сумма		1-усул		2-усул		Асос
		1-усул	2-усул	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	
1	Таъминотчилардан сотиб олинган товарларнинг сотиб олиш киймати-лаги суммасига	4000000	4000000	2910	6010	1510	6010	Счёт-фактура
2	Транспорт ташкилотининг товарларни тапшиб келтириш бўйича кўрсатган хизматлари суммасига	100000	100000	2910	6010	1510	6010	Счёт-фактура
3	Брокерлик, воситачилик, сертификатлаш ва ботка товарларни сотиш холига келтириш билан боғлиқ харажатлар суммасига	300000	300000	2910	6990	1510	6990	Счёт-фактура
4	Импорт товарлар бўйича божхона тўловлари (акциз, ҚҚС, божхона боши, божхона йиғими) суммасига	900000	900000	2910	6410, 6990	1510	6410, 6990	БЖД
5.	Сотиб олинган товарларни омборларга сотиб олиш киймати, ички тапшарги бўйича кирим килинишига		5200000	-	-	2910	1510	Кирим далолатномаси
	Жами товар киймати	5200000	5200000					

Юқоридаги ёзувлардан кўриниб турибдики, таъминотчилардан келиб тушган товарларнинг сотиб олиш ва омборларга кирим килиш киймати ҳар иккала усулда ҳам бир хил суммани, яъни 5200000 сўмни ташкил қилади.

Товарларни омборга кирими килинишида сон ва сифат жиҳатдан четланишлар аниқланганда уларнинг ҳақиқатда қабул қилинган суммасига юқорида келтирилган (1)ёзув берилади. Товар ҳужжатларидан четланишлар суммасига таъминотчиларга даъво билдирилади. Даъво суммасига 21-сон БҲМС га мувофиқ даъво хатига асосан қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар»

Кредит 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6990 «Бошка кредиторлик карзлар», 1520 «Товар-моддий бойликларни сотиб олиниши».

Кирим қилинган товарлар турли сабабларга кўра таъминотчиларга қайтарилганда юқорида келтирилган (1) ёзув кисил ранг билан берилиши (сторно килиниши) ёки ушбу ёзув тескари берилиши мумкин, яъни:

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ёки 1520 «Товар –моддий бойликларни сотиб олиниши»

Кредит 2910 «Омбордаги товарлар».

Қайтарилган товарлар бўйича сотиб олишда килинган кўшимча харажатлар (транспорт, брокерлик, божхона тўловлари) бўйича хизмат кўрсатган ташкилотларга уларнинг айби бўлмаганда даъво билдириб бўлмаслик мумкин. Шунинг учун қайтарилган товарларга тўғри келадиган сотиб олишга тегишли бўлган кўшимча харажатлар зарар сифатида 9430 «Бошка операцион харажатлар» счётига олиб борилиши лозим, яъни:

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 1520 «Товарларни сотиб олишга доир кўшимча харажатлар».

Сотиб олишга доир кўшимча харажатлар бўйича даъво билдирилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви килинади:

Дебет 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар»

Кредит 1520 «Товарни сотиб олинишига доир кўшимча харажатлар»

Улгуржи савдо корхоналарига товарлар таъминотчилардан ташкари бошка манбалардан ҳам келиб тушуши мумкин, масалан, савдо корхоналарининг ишлаб чикариш цехларидан, шўъба ва карам хўжалик жамиятларидан (агар улгуржи савдо корхонаси бош корхона хисобланса), таъсисчилардан, шунингдек бошка юридик ва жисмоний

пахсларда бепул ва карзга олиниши мумкин. Ушбу операциялар счётларда қуйидагича акс эттирилади.

1.Хусусий ишлаб чиқариш цехларидан кирим қилинган товарларнинг ишлаб чиқариш таннархидаги қийматига:

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш».

2. Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан сотиб олиш баҳоларидаги қийматига:

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 6110 «Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар»,

6120 «Шўъба ва қарам хўжаликларга тўланадиган счётлар».

3. Таъсисчилардан келиб тушган товарларнинг келишув баҳоларидаги қийматига:

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 4610 «Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллар бўйича карзлари».

4. Хорижий таъсисчилардан таъсис бадали сифатида келиб тушган товарлар бўйича

а) корхона рўйхатдан ўтган санадаги курс бўйича ҳисобланган кирим баҳосидаги қиймати:

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 4610 «Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллар бўйича карзлари».

б) Келиб тушиш ва таъсис саналари ўртасида вужудга келган курс фарклари суммасига:

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарклари».

5. Бепул олинган товарларнинг келиб тушиш баҳосидаги қийматига:

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 8530 «Бепул олинган мулк».

6. Қарзга олинган товарларни келишув баҳолардаги қийматига:

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 6820 «Қисқа муддатли карзлар».

16.7.Товарлар сотилиши ва бошқа чиқимларининг ҳисоби

Товарлар сотилишининг ҳисоби. Улгуржи савдо корхоналари товарларни ўзларининг дистрьюбиторларига (чакана савдо корхоналари,

якка тартибдаги тадбиркорларга), шунингдек бошқа товарларни ўз хўжалик максадларида фойдаланувчи ташкилот ва муассасаларга тузилган шартномалар асосида келишув баҳоларида йирик ва майда партиялар билан нақд пулсиз хисоб-китоблар асосида сотадилар. Товарларни улгуржи сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларни таннархини хисобга олиш учун 21-сон БҲМСда 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» ва 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счетлар кўзда тутилган. Ушбу счётлар оркали товарларни сотилишидан олинган даромадлар ва сотилган товарларнинг таннархини хисобга олиш қуйидагича амалга оширилади:

1. Харидорлардан келиб тушган олдиндан тўлов суммасига:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»

2. Харидорларга сотилган товарларнинг сотиш баҳосидаги қийматига:

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»
4110 «Алохида бўлинмалардан олинадиган счётлар»
4120 «Шуъба ва карам хўжаликлардан олинадиган счётлар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

3. Сотилган товарларнинг таннархига:

а) товарларнинг сотиб олиш бахосидаги суммасига:

Дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»

Кредит 2910 «Омбордаги товарлар»

б) сотилган товарларга тўғри келувчи сотиб олишга доир кўшимча харажатлар суммасига:

Дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»

Кредит 1520 «Товарларни сотиб олишга доир кўшимча харажатлар».

4. Олдиндан тўлов суммасини ёпилишига:

Дебет 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»

Кредит 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

5. Харидорлардан қарзни келиб тушишига

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счетлар», 4110 «Алохида бўлинмалардан олинадиган счётлар», 4120 «Шуъба ва карам хўжаликлардан олинадиган счётлар».

6. Товарларни сотишдан олинган даромадларни хисобот даври охирида молиявий натижалар счётига ўтказилишига:

Дебет 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Кредит 9910 «Якуний молиявий натижа»

7. Сотилган товарлар таннархини хисобот даври охирида молиявий натижалар счётига ўтказилишига:

Дебет 9910 «Якуний молиявий натижа»

Кредит 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»

Сотилган товарлар харидорлар томонидан турли сабабларга кўра кайтарилиши мумкин. Бундай холларда кайтарилган товарлар омборларга сон ва сифат жихатдан кайта кирим килинади. Шунингдек, сотишдан олинган даромад ва сотиш таннархи суммаларига куйидагича тузатиш ёзувлари берилади (16.5-жадвал)

16.5-жадвал

Товарларнинг кайтарилишига доир операцияларни счётларда акс эттириш тартиби

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Счётлар корреспонденцияси		Асос
			Дебет	Кредит	
1	Харидорлардан келиб тушган олдиндан тўлов суммасини кайтарилишига	300000	6310	5110	Банк кўчирмаси
2	Харидорлар томонидан кайтарилган товарларнинг сотиш бахосидаги киймагига	2000000	9040	4010, 4110, 4020	Счё-фактура
3	Кайтарилган товарларнинг таннархини ифодаловчи суммага а) товарларнинг сотиб олиш бахосидаги суммасига б) кайтарилган товарларга тўгри келувчи сотиб олишга доир кўшимча харажатлар суммасига	1600000 150000	2910 1520	9120 9120	Счёт-фактура, кирим далолатномаси
4	Харидорга келиб тушган охирги тўловни кайтарилишига	1700000	4010, 4110, 4120	5110	Банк кўчирмаси
5	Кайтарилган товарлар бўйича сотишдан олинган даромадни камайтирилишига (9040 счётни ёпилишига)	2000000	9020	9040	Бош китоб

Товарларни ички алмашувнинг ҳисоби. Товарларни омборлар ўртасидаги ички алмашувига унга гувоҳлик берувчи ички накладнойлар асосида қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар» (олувчи)

Кредит 2910 «Омбордаги товарлар» (берувчи)

Омборлардан товарларни хусусий чакана савдо савдо дуконига берилишида бухгалтерия ва маркетинг бўлими уларни чакана сотиш баҳоларини аниқлаб беради. Чакана сотиш баҳосига товарнинг таъминотчидан сотиб олган баҳоси, товарни сотиб олишга сарфланган қўшимча харажатларнинг ҳиссаси, шунингдек сотиб олиш таннархи устига қўйиладиган савдо устамаси киритилади. **Мисол:** *омбордан савдо дуконга 10 дона болалар костюми берилди, унинг ҳар бирининг сотиб олиш баҳоси 200000 сум, ушбу ўнта костюмга тўғри келадиган сотиб олишга доир қушимча ҳаражатларнинг суммаси 50000 сум, демак, ҳар бир костюмга тўғри келувчи харажат суммаси –5000 сўм. Костюмларни савдо дўконга беришда сотиб олиш таннархи устига 10 % устама қўйилди, яъни ҳар бир костюм баҳоси устига қўйиладиган устама –20500 сўм. Ички алмашув накладнойида товарларнинг нархи 200000 сўм қилиб кўрсатилади. Савдо дўконга кирим қилиш далолатномасида товарнинг кирим баҳоси 225500 сўм (200000+5000+20500), жами сумма 2255000 сўм (225500 *10) этиб кўрсатилади.*

Бухгалтерияда ушбу ҳужжатлар асосида товарларни омбордан савдо дўконга киримига қуйидаги ёзувлар қилинади:

•*товарларни сотиб олиш баҳосидаги қийматига:*

Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар» -2000000

Кредит 2910 «Омбордаги товарлар» -2000000

•*сотиб олишга доир қўшимча харажатларнинг товарнинг сотиш баҳосига киритилишига:*

Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар» - 50000

Кредит 1520 «Товарларни сотиб олишга доир қўшимча ҳаражатлар» -50000

•*товарларга қўйилган савдо устамаси суммасига:*

Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар» -205000

Кредит 2980 «Савдо устамаси»-205000

Товарларнинг бошқа чиқимларининг ҳисоби. Улгуржи савдо корхоналари ўзларининг товарларини бошқа корхона ва ташкилотларга инвестиция сифатида киритишлари, бепул беришлари, хўжалик максадларида ишлатилганлиги ва бошқа сабабларга кўра ҳисобдан чиқаришлари ҳам мумкин. Ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ушбу характердаги операциялар ҳам товарларни сотиш ва сотилган товарларнинг таннархи счётлари орқали қуйидагича акс эттирилади (16.6-жадвал).

16.6-жадвал

Товарларнинг бошқа чиқимларини счётларда акс эттириш тартиби

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Счётлар корреспонденцияси		Асос
			Дебет	Кредит	
1	Товарларни инвестиция сифатида киритилишига:		0610-0690		Таъсис ҳужжатлари, счёт фактура, бош китоб маълумотлари
	а) келишув қийматига	500000		9020	
	б) товарларнинг таннархи бўйича ҳисобдан чиқарилишига	450000	9120	2910, 1520	
	в)инвестициядан кўрилган даромад суммасини ҳисобот даври охирида молиявий натижалар счётига ўтказилишига	500000	9020	9910	
	г)инвестиция сифатида киритилган товарлар таннархини ҳисобот даври охирида молиявий натижалар счётига ўтказилишига	450000	9910	9120	
2	Товарларни бепул берилиши:	100000	4010	9020	Қарор, шартнома, счёт-фактура
	а)келишув қийматига	100000	9120	2910, 1520	
	б)таннархига				
	в)бепул беришдан кўрилган зарар суммасига	100000	9430	4010	
3	Хўжалик инвентарларига айлантирилган товарлар таннархига	60000	1080 9120	9010 2910	Қарор, далолатномаси

Улгуржи савдо корхоналарида ўзга ташкилотларга тегишли бўлган ва вақтинчалик маъсул саклашга шартнома асосида қабул қилинган товар-моддий бойликларнинг ҳисоби балансдан ташқари 002 «Маъсул саклашга қабул қилинган товар-моддий бойликлар» счётида қабул қилиш –топшириш далолатномалари ёки счёт-фактураларда кўрсатилган баҳоларда олиб борилади Ушбу баҳоларда товар-моддий бойликларни маъсул саклашга кирим қилиниши ушбу счётнинг дебетида, қайтарилиши эса ушбу счётнинг кредитида акс эттирилади. Маъсул саклашга қабул қилинган товар-моддий бойликларнинг аналитик ҳисоби корхоналар бўйича уларнинг товар-моддий бойликлари учун очилган карточкаларда, партион карталарда олиб борилади.

16.8. Улгуржи савдо корхоналарида товар-моддий бойликлар инвентаризацияси ва уни натижаларининг хисоби

19-сон БҲМС[23] га мувофик улгуржи савдо корхоналарида товар ва таралар қуйидаги холларда инвентаризация килиниши лозим:

- кайта баҳоланганда;
- моддий жавобгар шахслар алмашганда;
- ўғрилик, ўзлаштириш ва бузилишлар аниқланганда;
- табиий офатлар, ёнғин ва бошка фавкулотдаги холатларда;
- хўжалик юритувчи субъектни тугатилиши, бошка корхоналар таркибига қўшилиши ва қонун хужжатларида кўзда тутилган бошка холатларда

Товар ва таралар инвентаризациясининг хисобот йилида ўтказилиши лозим бўлган мажбурий сони, уларни ўтказиш саналари, доимий харакатдаги инвентаризация комиссияси ва бир маротабадик ишчи инвентаризация комиссияларининг таркиби улгуржи савдо корхонаси рахбарининг буйруғи, фармойиши ёки карори билан белгиланади. Корхона бухгалтериясида «Инвентаризацияни ўтказиш тўғрисида буйрукларни бажарилишини назорат килиш китоби» юритилади.

Товар ва таралар инвентаризациясини ўтказиш савдо корхонаси рахбари буйруғига асосан моддий жавобгар шахслардан инвентаризацияни бошлаш санасига хисобот тузиб бериш, шунингдек ушбу хисоботга барча кирим ва чиқим хужжатларини киритилганлиги, инвентаризацияни бошлашга тўсиқлик киладиган хеч кандай объектив сабабларни йўклиги тўғрисида тилхат олишдан бошланади. Инвентаризация комиссияси раиси охирги хисоботга илова килинган барча кирим ва чиқим хужжатларига «Инвентаризациягача хисоботга киритилган» ёзувни ва санани қўяди хамда уларни имзолайди. Охирги хисобот асосида корхона бухгалтерияси инвентаризация бошланиш санасига товар ва таралар бўйича хисоб маълумотларини аниқлаб беради.

Омборлардаги товар ва тараларни инвентаризация килишдан олдин инвентаризация комиссияси куйидаги ишларни амалга оширади:

- товарлар ва таралар жойлашган бинолардаги қўшимча кириш ва чиқиш эшикларини пломбалайди;
- барча тортиш ва ўлчаш асбобларининг соплигини текширади;
- товар ва тараларни санаш, ўлчаш осон бўлиш учун уларни номи, нави, размери ва бошка белгилари бўйича алохида гурухларга ва жойларга ажратади;

---

[23] БҲМС № 19 «Инвентаризацияни тайёрлаш килиш ва ўтказиш» Ўз.Р Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатга олинган, № 833

•таъминотчиларнинг тара ва бошка ўров материалларида келтирилган ва очилмаган (бузилмаган) холда турган товарлар алохида жойларга тахланади.

•ўзга юридик шахсларнинг маъсул саклашда бўлган товар-моддий бойликларнинг руйхати олинади ва улар текшириш учун алохида жойга тахланади;

Бир нечта омборларда сакланаётган товар-моддий бойликлар маълум кетма-кетликда инвентаризация килинади. Бир хонадан иккинчисига ўтилганда текширишдан ўтказилган хона кулфланиши ва инвентаризация тугагунча пломбаланиши лозим.

Товар ва тараларнинг инвентаризацияси ўлчаш, тортиш, санаш оркали амалга оширилади. Аниклангган натижалар белгиланган шаклдаги «Инвентаризация рўйхати»га комиссия аъзоларидан бири томонидан ёзиб борилади Товарларни ўлчаш, тортиш, санаш факат омбор мудири ёки моддий жавобгар шахслар бригадаси аъзоси иштирокида амалга оширилиши лозим. Инвентаризация рўйхатида хар бир товар бўйича унинг номенклатура раками, артикули, нави, бахоси, сони кўрсатилади, рўйхатнинг хар бир бетининг охирида унга ёзилган товар-моддий бойликлар тартиб ракамининг бош ва охирги сони кўрсатилади, шунингдек комиссия аъзолари ўз имзоларини кўядилар.

Инвентаризация ўтказилаётган вактда келиб тушган товар-моддий бойликлар моддий жавобгар шахс томонидан инвентаризация комиссияси иштирокида кабул килинади ва улар бўйича алохида «Инвентаризация ўтказиш вактида келиб тушган товар-моддий бойликлар» номли инвентаризация рўйхати тузилади .

Инвентаризация ўтказиш вактида рахбарнинг ёзма рухсати билан омбордан чикарилган товарлар бўйича комиссия томонидан алохида «Инвентаризация ўтказиш вактида омбордан чикарилган товар-моддий бойликлар» номли инвентаризация рўйхати тузилади.

Омборларда маъсул сакланаётган ўзга юридик шахсларнинг товар-моддий бойликлари бўйича алохида «Маъсул саклашдаги товар-моддий бойликлар» номли инвентаризация рўйхати тузилади Моддий жавобгар шахсларнинг бўйнида бўлган, лекинда бошка жойларга маъсул саклашга берилган товарлар бўйича хам алохида рўйхат тузилади Ушбу рўйхатга маълумотлар чиким хужжати асосида киритилади. Комиссия товарлар маъсул сакланаётган жойдаги корхонадан ушбу товарлар бўйича алохида инвентаризация рўйхатини талаб килиб олади ва ундаги маълумотларни ўзлари тузган инвентаризация рўйхати маълумотлари билан таккослайди.

Инвентаризация варакалари икки нусхада тузилади, моддий жавобгар шахслар алмашилаётганда ёки хукукни мухофаза этиш органлари, аудиторлик ташкилотлари иштирокидаги холларда эса уч нусхада тузилади.

Қайта баҳолаш мақсадида ўтказилган инвентаризация натижалари комиссия томонидан «Қайта баҳолаш далолатномаси» билан расмийлаштирилади.

Инвентаризация комиссияси томонидан тулиқ расмийлаштирилган ва бухгалтерияга тақдим этилган инвентаризация рўйхати маълумотлари бухгалтерияда ҳисоб маълумотлари билан таққосланади ва инвентаризация натижалари аниқланади. Бунинг учун махсус «Таққослама қайднома» тузилади, унга ҳар бир четланиш аниқланган товар ва тара бўйича қуйидаги маълумотлар ёзилади: товарнинг номи, нави, артикули, ўлчов бирлиги, баҳоси, ҳақиқий сони ва суммаси, ҳисобдаги сони ва суммаси, камомад ёки ортиқчанинг сони ва суммаси. Ушбу қайднома комиссия раиси, бош ҳисобчи, омбор мудири томонидан имзоланади ва корхона раҳбарига тасдиклаш учун тақдим этилади. Раҳбарнинг қарори инвентаризация натижаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга асос бўлади. Инвентаризация натижалари ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади (16.7-жадвал).

16.7-жадвал

Товарлар инвентаризацияси натижаларини счётларда акс эттириш тартиби

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Счётлар корреспонденцияси		Асос
			Дебет	Кредит	
1	Инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар суммасига (ҳисоб баҳоларидаги қийматига)	10000	2910-2990	9390	Таққослама далолатнома, карор
2	Инвентаризацияда товарларни сотиш баҳоларини оширилишига: сотиш баҳоларини пасайтирилишига	100000	2910-2990 3190	6230 2910-2990	Қайта баҳолаш далолатномаси
4.	Инвентаризацияда аниқланган камомадлар суммасига	30000	5910	2910-2990	Таққослама далолатнома, карор
5	Камомадларнининг қопланиши а) моддий жавобгар шахс зиммасига б) корхона зарарига	 15000 15000	 4730 9430	 5910 5910	Карор, буйрук
8	Инвентаризацияда аниқланган камомад ва ортиқчалар ўзаро қопланганда	30000	2910-2990	2910-2990	Далолатнома, карор, буйрук

Утказилган инвентаризация натижалари бўйича товар ва тараларнинг омбор хисоби регистрларига (карточкалар, китоб, кайдномалар) тузатиш ёзувлари киритилиши, шунингдек улар моддий жавобгар шахсларнинг инвентаризациядан кейин тузилган биринчи товар хисоботларида мос равишда кирим ва чиким кисмларда алохида каторда акс эттирилиши лозим.

Улгуржи савдо корхоналарида товар-моддий бойликларнинг баланс киймати уларнинг эгалик хукукида бўлган барча товар ва тараларининг хакикий сотиб олиш киймати (таннархи) суммасидан ташкил топади. Ушбу кийматни балансда акс эттириш корхонада товар ва тараларнинг кайси счётларда ва кайси бахоларда акс эттирилаётганлигига боғлик. Бухгалтерия хисобида товар ва таралар 2900 «Товарлар хисоби счёти» да сотиб олиш киймати (таннархи) бўйича, унга тегишли бўлмаган товарлар 004 «Маъсул сакланидаги товарлар» счётида акс эттирилган бўлса, у холда хисоб маълумотлари бўйича товар ва тараларнинг баланс киймати баланс тузиш санасида 16.1-чизмада келтирилган тартибда топилади.

Омбор (савдо дўкон)даги товар ва тараларни инвентаризацияда аниклангган суммаси

+

Ўзга шахсларнинг омборларида маъсул сакланидаги товар ва тараларни инвентаризацияда аниклангган суммаси

+

Ўзга шахсларга консигнация (комиссия) савдоси учун берилган товар ва тараларни инвентаризацияда аниклангган суммаси

+

Товар хисоботларига кирим хужжатлари асосида киритилган йўлдаги товарлар ва тараларнинг суммаси

-

Ўзга шахсларнинг омборларда маъсул сакланида бўлган товар ва тараларини инвентаризацияда аниклангган суммаси

-

Ўзга шахсларнинг омборлардаги консигнацион (комиссия) савдоси учун олинган товар ва тараларини инвентаризацияда аниклангган суммаси

-

Хисобдан хужжат асосида чикарилган ва жўнатишга тайёрланган, лекинда хакикатда жўнатишга улгирилмасдан инвентаризация пайтида омборда турган товар ва тараларнинг суммаси

16.1-чизма. Товар ва тараларнинг баланс кийматини аниклаш тартиби

Агар товар ва таралар улгуржи савдо корхонасида 2900 «Товарлар хисоби счётлари»да сотиб олиш харажатларисиз, ушбу харажатлар эса алохида 1510 «Сотиб олишга доир қўшимча харажатлар» счётида акс эттирилган бўлса, у холда уларнинг баланс қиймати юқоридаги схемада кўрсатилган элементлар суммасига 1510 «Сотиб олишга доир қўшимча харажатлар» счётининг баланс тузиш санасидаги колдиғини қўшиш йўли билан топилади.

Агар товар ва таралар улгуржи савдо корхонасида 2900 «Товарлар хисоби счётлари»да сотиш баҳоларида (сотиб олиш қиймати, сотиб олишга доир қўшимча харажатлар ва савдо устамаси суммалари биргаликда) акс эттирилган бўлса, у холда уларнинг баланс қиймати юқоридаги схемада кўрсатилган элементлар суммасидан 2980 «Савдо устамалари» счётининг баланс тузиш санасидаги колдиғини айириш йўли билан топилади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Счет-фактура – бу товарларнинг улгуржи сотилишига гувоҳлик берувчи ягона бошланғич хужжат.

Товарни сотиб олиш қиймати (таннархи) – бу товарларнинг сотиб олиниши, ташиб келтирилиши, божхона божи, воситачилик ҳақи ҳамда бошқа қўшимча сарфлар билан биргаликда аниқланган қиймати.

Товарни улгуржи сотиш баҳоси – бу сотиб олиш қиймати устига қўйилган савдо устамалари билан биргаликда белгиланган қиймат.

Товар ва таралар харакати тўғрисида хисобот- бу товар-моддий бойликларнинг давр боши ва охиридаги колдиғи ҳамда уларнинг шу давердаги кирими ва чиқими тўғрисида ахборотларни пул бирлигида ифодалайдиган, моддий жавобгар шахслар томонидан белгиланган вактда тузиладиган ва бухгалтерияга топширилади ган расмий хужжат.

Товарларнинг омбор хисоби – бу товар-моддий бойликларнинг холати ва харакатини соний ва суммовий кўринишда белгиланган хисоб регистрларида юритиш.

Товарларнинг улгуржи сотилиши – товарларни катта миқдорда уларга эгалик ҳуқуқини бошқаларга ўтказиш ҳамда хисоб-китобларни нақдсиз амалга ошириш шарти билан берилиши.

Товарлар камомади – бу товарларнинг инвентаризацияда аниқланган хакикатдаги сони ва суммасини уларнинг хисоб регистрларида акс эттирилган сони ва суммасидан кам чиқиши.

Товарларнинг бошқа чиқимлари – бу товарларни ўз максадларида ишлатилиши, синиши, куриши, йўқотилиши ва шу каби сотишдан ташқари бошқа чиқимлари.

Товар ва таранниг баланс киймати - бевосита хўжалик юритувчи субъект мулки ҳисобланган товарлар колдиғининг баланс тузиш санасида таннарх бўйича аниқланган киймати.

ЎЗ –ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ - ЖАВОБЛАРИ

1.Улгуржи савда фаолияти билан ким шуғулланиши мумкин?

а) саноат корхонаси

б) хусусий дўкон

в) фақат савдо корхонаси

г) ушбу савдо тури билан шуғулланиш учун рухсат гувохномасига эга бўлган хар кандай корхона.

2.Улгуржи савдо - бу

а) товарларни катта партияда накд пулга сотиш

б) товарларни катта партияда накд ва накд пулсиз сотиш

в) товарларни катта ва кичик партияларда накд пулсиз сотиш

г) Тўгри жавоб йўк.

3.Куйидагиларнинг кайси бири товарнинг сотиб олиш кийматига (таннархига) кирмайди?

а) савдо билан шуғулланиш рухсатнома учун тўлов суммаси

б) таъминотчига тўланган товар киймати

в) божхона тўловлари

г) автобазага ташиб келтириш учун тўланган сумма

4.Куйидагиларнинг кайси бири товарнинг сотиб олиш кийматига (таннархига) киради?

а) савдо билан шуғулланиш рухсатнома учун тўлов суммаси

б) омбор мудири иш хаки

в) товарни сертификациялаш учун тўланган тўловлар

г) автобус хайдовчисига берилган моддий ёрдам.

5.Куйидагиларнинг кайси бири тўгри?

а) товарлар саноат корхонасидан накладной асосида кирим килинади

б)товарлар таъминотчиларнинг счёт-фактуралари ва кузатувчи хужжатлари асосида кирим килинади

в)факат счет –фактура асосида кирим килинади

г) сифат гувох номаси асосида кирим килинади

6.Товарлар киримида камомад аниқланса

а) товарлар счет - фактурадаги қиймати бўйича кирим қилинади

б) товарлар ҳақиқий миқдори бўйича кирим қилинади

в) товарлар келишилган ҳолда кирим қилинади

г) тўтри жавоб йўқ.

7.Қуйидагиларнинг қайси бири товарнинг сотиб олиш ҳужжатига кирмайди

а) Счёт-фактура

б) Кирим далолатномаси

в) БЮД

г) Инвентаризация рўйхати

8.Қуйидагиларнинг қайси бирида товарларни сотилишига оид ҳужжатлар тўлиқ берилган?

а) Счет –фактура, БЮД

б) Счет –фактура, БЮД, сифат сертификати, ТТН

в) ТТН, сифат сертификати, шартнома

г) ТТН, сифат сертификати

9.Товарлар омбор ҳисобининг партион усулида

а) ҳар бир келиб тушган партия олдинги партияга қўшилади

б) ҳар бир келиб тушган партияга алоҳида партион карта очилади

в) счёт - фактурада кўрсатилган ҳар бир товарга алоҳида партион карта очилади

г) Тўтри жавоб йўқ

10.Товарлар киримида аниқланган камомад

а) омбор ҳисоби карточкасининг чиқимида акс эттирилади

б) партион картада кўрсатилади

в) камомадга алоҳида карточка очилади

г) тўтри жавоб йўқ.

11.Улгуржи савдо корхоналарида моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботи

а) товар- пул ҳисоботи деб номланади

б) товар ҳисоботи деб номланади

в) материал ҳисоботи деб номланади

г) Қайднома деб аталади

12.Улгуржи савдо корхоналарида моддий жавобгар шахсларнинг хисоботига

а) омбор мудири имзо чекади

б) омбор мудири ва бухгалтер имзо чекади

в) омбор мудири ва бригада аъзоларидан бири навбат билан имзо чекади

г) тўғри жавоб йўк.

13.Таъминотчиларга қайтарилган товарлар хисоботнинг

а) кирим қисмида кўрсатилади

б) кирим қисмида кизил ёзув билан кўрсатилади

в) чиқим қисмида кўрсатилади

г) кирим ва чиқимда ҳам кўрсатилмайди

14.Товар хисоботида таралар харакати

а) алохида кисмда кўрсатилади

б) алохида устунчада кирим ва чикими бўйича кўрсатилади

в) кўрсатилмайди

г) тўғри жавоб йўк

15. Товар хисоботида камомадлар тўғрисида далолатнома маълумотлари

а) кўрсатилмайди

б) чиқим қисмида кўрсатилади

в) бот колдиқдан чегириб ташланади

г) тўғри жавоб йўк

16. Товарлар қиймати устига қўйилган савдо устамаси

а) хисоботнинг киримида кўрсатилади

б) кўрсатилмайди

в) хисоботнинг чикимида кўрсатилади

г) тўғри жавоб йўк

17.Товар хисоботига ким имзо беради?

а) рахбар

б) омбор мудири

в) бош хисобчи

г) ушбу функция юклатилган бухгалтер

18. Товар хисоботи қайси муддатларда тузилади?

а) хохлаган пайтда

б) хисоб сиёсати бўйича белгиланган муддатда

в) рах барга маъкул келган кун
г) хар куни

19. Қайтариб бермаслик шарти билан молиявий ёрдам сифатида келиб тушган товарнинг киримига

а) Дебет 2910 Кредит 6010 б) Дебет 2910 Кредит 8530
в) Дебет 2910 Кредит 9020 г) Тўғри жавоб йўқ

20. Товар хисоботига киритилган бузилишдан кўрилган зарар суммасига

а) бухгалтерия ёзуви килинмайди
б) Дебет 9120 Кредит 2910
в) Дебет 5910 Кредит 2910
г) Дебет 6010 Кредит 2910

21. Товарлар киймати устига кўйилган савдо устамасига

а) Дебет 1510 Кредит 9010 б) Дебет 2910 Кредит 6010
в) Дебет 2920 Кредит 2980 г) Тўғри жавоб йўк

22. Товарларни сотилишидан олинган даромадга

а) Дебет 1510 Кредит 9020 б) Дебет 4010 Кредит 9020
в) Дебет 5010 Кредит 9020 г) Тўғри жавоб йўк

23. Сотилган товарлар таннархига

а) Дебет 9120 Кредит 1510 б) Дебет 9020 Кредит 2910
в) Дебет 9120 Кредит 2910 г) Тўғри жавоб йўк

Хўжалик ситуацияси № 1.

Товарнинг сотиш бахосидаги киймати – 4000000 сўм, сотиб олиш киймати (таннархи) жами 3100000 сўм, шундан: брокерлик хизмати – 40000 сўм, транспорт харажати –60000 сўм, ҚҚС -20 % товарнинг сотиб олиш кийматидан

Куйидаги саволларга тўтри жавобларни топинг:

1.Товарнинг сотиб олиш киймати канча?

а) 2600000 сўм б) 3100000 сўм
в) 2470000 сўм г) Тўтри жавоб йўк

2. Товар кийматига киритилган ҚҚС суммасини топинг

а) 200000 сўм б) 500000 сўм
в) 630000 сўм г) Тўтри жавоб йўк

3. Товарни сотишдан олинган даромад суммасини топинг

а) 800000 сўм
б) 900000 сўм
в) 600000 сўм
г) Тўғри жавоб йўк

4. Товарни сотишдан олинган даромадлик даражаси қанча?

а) 20%
б) 22,5%
в) 15 %
г) Тўғри жавоб йўк

5.Товарнинг сотиб олиш қийматига кандай бухгалтерия езуви қилиниши керак?

а) Дебет 2910 Кредит 6010 –3100000
б) Дебет 2910 Кредит 6010 –2600000
в) Дебет 2910 Кредит 6010 –4000000
г) Тўғри жавоб йўк

6. Товар қийматига киритилган ҚҚС суммасига кандай ёзув қилинади?

а) Дебет 2910 Кредит 6010 –620000
б) Дебет 2910 Кредит 6010 –500000
в) Дебет 2910 Кредит 6010 –800000
г) Тўғри жавоб йўк.

7. Товарни сотиб олишга доир қўшимча харажатлар неча сўм ва унга кандай ёзув қилинади?

а) Дебет 4410 Кредит 6010 – 500000
б) Дебет 2910 Кредит 6010 – 600000
в) Дебет 2910 Кредит 6010 – 100000
г) Дебет 2910 Кредит 6010 – 500000

17-БОБ. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

17.1. Чакана савдо корхоналарида товар операциялари ҳисобини ташкил қилишнинг хусусиятлари

Чакана савдо корхоналарининг асосий функцияси бўлиб турли ишлаб чиқариш корхоналари томонидан яратилган ва турли воситачилар орқали етказиб берилган товарларни охирги истеъмолчиларга етказиш, уларнинг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш ҳисобланади. Чакана савдо айланмаси давлат хазнасини реал пул маблағлари билан тўлдиришнинг, пул муомаласини тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Қанчалик товарлар нақд пулга кўп сотилса, шунчалик банкларга кирим бўладиган пул маблағлари кўп бўлади. Бу ўз навбатида банклардан нақд пулларни олиш, иш ҳақи, нафака ва бошқа тўловларни ўз вактида амалга оширишга имкон яратади. Шунинг учун ҳам чакана товар айланмаси халқ хўжалигини ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Чакана савдо улгуржи савдодан турли жиҳатларидан фарқ қилади, уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, улгуржи савдодан ўларок чакана савдо товарларни майда туркумларда (доналаб, метрлаб, килолаб) сотишни билдиради;

Иккинчидан, чакана савдо товарларни асосан нақд пулга сотишни ифодалайди. Бу ўз навбатида чакана савдо корхоналари олдига нафакат товарлар бўйича, балким пул маблағлари бўйича ҳам маъсулиятни юклайди;

Учинчидан, чакана савдо шахобчаларини катта–кичиклигига караб, товарларни асосан кичик партияларда сақлаши, сотилишига мос равишда моддий жавобгарликни якка тартибдаги шаклини ташкил этишни такозо этади.

Тўртинчидан, чакана савдо маълум қонун-қоидаларга, тартибларга асосан олиб бориладиган махсус фаолият ҳисобланади. Ушбу тартиб-қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407- сон қарори билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом»да келтирилган. Низомда белгиланган тартибга кўра чакана савдо билан юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар, улар фақат давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларида чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини олган тақдирда шуғулланишлари мумкин. Товарларни чакана сотиш юридик шахслар томонидан фақат турғун савдо шахобчалари орқали, назорат-касса

машиналари мажбурий қўлланган холда амалга оширилади. Чакана савдони амалга оширувчи юридик шахслар товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи хужжатларга, қонун хужжатларида белгиланган холда сотиш жойларида сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари шарт. Сотиладиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва келиб чиккан мамлакати, ишлаб чиқарувчиси ва нархи кўрсатилган нархномаларга эга бўлиши керак. Яроклилик муддатига эга бўлган товарларни сотиш чоғида нархномаларда яроклилик муддати хам кўрсатилган бўлиши керак.

Чакана савдо корхоналаридатоварларни сотиб олиш киймати (таннархи) худди улгуржи савдо корхоналаридагидек ушбу бойликларни сотиб олиш бахолари, ташиб келтиришга доир транспорт харажатлари, божхона тўловлари ва бошка сотиб олишга доир харажатлар мажмуасидан иборат бўлади. Одатда, товарларнинг сотиб олиш киймати (таннархи)га киритиладиган ушбу элементлар турли ташкилотлардан олинадиган бошланғич хужжатларда кўрсатилади, масалан, транспорт-ташиб келтириш харажатлари транспорт ташкилоти берган счёт-фактурада, воситачилик ёки брокерлик харажатлари ушбу хизматларни кўрсатувчи ташкилотларнинг счёт-фактураларида, божхона тўловлари (акциз солиғи, ҚҚС, божхона божи ва йиғимлари) божхона органи ёки «божхона омбори», «эркин омбор» режимларида ишловчи омбор эгаларининг хисоб хужжатларида.

Товарлар чакана савдо корхоналари оркали асосан икки турдаги бахоларда сотилиши мумкин: *(1)қатъий белгиланган сотиш баҳоларида; (2) эркин сотиш баҳоларида.*

Қатъий белгиланган сотиш бахолари давлат органи томонидан маълум ижтимоий ахамиятга молик товарлар учун белгиланади, масалан, ун, нон, нон махсулотлари, ўсимлик ёғи, шакар, дори-дармонларнинг айрим турлари, бензин, автомобиллар ва шу кабилар учун.

Эркин сотиш бахолари давлат органи томонидан бахолари белгиланмандиган бошка товарлар учун қўлланилади, масалан, усти-бош кийимлари, пайафзал, конфетлар, кандолат ва шу кабилар учун.

Улгуржи савдо корхоналаридан ўларок чакана савдо корхоналарида товарлар факат сотиш бахоларида хисобга олинади. Ушбу сотиш баҳолари ўз ичига товарларни сотиб олиш киймати (таннархи) ва савдо устамаларини олади. Товарларнинг сотиб олиш киймати чакана савдо корхоналарида худди улгуржи савдо корхоналаридагидек тартибда гувохлик берувчи хужжатлар асосида хисоб-китоб килинади. Савдо корхонасининг маркетинг бўлими келиб тушган товарлар бўйича сотиш баҳоларини қайд этиш китобини юритади. Ушбу китоб қуйидаги шаклда юритилади:

Товарларнинг чакана баҳоларини қайд этиш реестри

№	Товарнинг номи	Сотиб олиш баҳоси	Савдо устамаси		Товарнинг сотиш баҳоси	Янги баҳо	Киритиш санаси	Янги савдо устамаси суммаси
			Фоиз	Сумма				
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Кук чой, № 95	40000	10	4000	44000	46000	1.03.17	6000

Чакана савдо корхоналари келиб тушган товарлар бўнича кейинги даврларда уларнинг чакана сотиш баҳоларини талаб ва таклифга мувофиқ оширишлари ҳамда пасайтиришлари ҳам мумкин. Бундай ҳолларда юқоридаги чакана сотиш баҳоларини қайд этиш китобида қайта баҳоланган чакана нархлар тўғрисидаги ёзувлар 7-9 -- устунчаларда кўрсатилади.

Савдо устамалари чакана савдо корхоналарининг фойда олишларини асосий манбаи ҳисобланади. Товарлар бўйича турли савдо устамаларини қўлланилиши сабабли сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамаси суммаси уларнинг ўртача фоизи асосида топилади.

Чакана савдо корхоналарида улгуржи савдо корхоналаридан фаркли ўларок хар куни айнан кандай товарни ва канча миқдорда сотилганлигини билиш қийин, яъни кассага кирим қилинган савдо пулини чакана савдо шахобчасида сақланаётган у ёки бу товарга тегишли эканлигини аниқлаб бўлмайди. Бунга с абаб шундаки хар бир товарнинг сотилиши чакана савдо шахобчаларида бевосита ҳужжат билан расмийлаштирилмайди. Шунинг учун чакана савдо корхоналарида товарлар ҳисобининг даврий тизими қўлланилади. Ушбу тизимга мувофиқ олдинги ва кейинги инвентаризация маълумотлари, шунингдек товарларнинг киримига оид маълумотлар асосида ҳақиқатда сотилган товарларнинг миқдори аниқланади ва топилган сумма чакана товар айланмаси ҳисобланади. Даврий тизимга асосан сотилган товарлар суммаси қуйидагича топилади:



Ушбу тартибда аниқланган сотиш ҳажмини кассага кирим қилинган пул маблағлари суммаси билан таққослаш моддий жавобгар шахс

томонидан савдо пулининг яширилганлиги ёки яширилмаганлигини аниқлаш имконини беради.

Чакана савдонинг улгуржи савдодан фаркли жиҳатларидан яна бири шундаки, даврий тизимни қўлланилиши чакана савдо корхоналарида ҳар бир товар ҳаракатини соний жиҳатдан ҳисобга олиш имконини бермайди. Шунинг учун чакана савдо корхоналарида улгуржи савдо корхоналаридан ўларок товарларнинг қиймат жиҳатдан ҳисоби олиб борилади. Товарларнинг ҳакикий колдиги сон жиҳатдан фақатгина инвентаризация ўтказилганда аникланади ва инвентаризация рўйхатида акс эттирилади.

Чакана савдо корхоналарида товарларнинг бевосита истеъмолчилар томонидан қўлдан қўлга олиш, ўлчаб кўриш баҳолаш, синаб кўриш ва бошка шу каби холатлари кўп бўлади. Бу ўз навбатида чакана савдо корхоналарида улгуржи савдо корхоналаридан ўларок товарларнинг синиш, тўкилиш, бузилиш ва шу каби сабабларга кўра камайиш эҳтимолини катта килиб кўяди. Шунинг учун чакана савдо корхоналарида товарларнинг табиий камайиш меъёри улгуржи савдо корхоналаридан ўларок баландрок бўлади.

Чакана савдо корхоналарига товарлар билан келган айланма идишларни (масалан, бутилкалар, халталар, картон яшиклар ва бошкаларни) йиғиш ва таъминотчиларга топшириш вазифаси ҳам юкланади. Бу ўз навбатида чакана савдо корхоналарида идишлар ҳаракати ҳисобини тўғри ташкил килишни, улар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вактида олиб боришни такозо этади.

Чакана савдо корхоналари ўзлари сотиб олган товарларни сотишдан ташкари консигнацион ҳамда комиссион товарларни сотиб бериш бўйича воситачилик хизматларини ҳам кўрсатишлари мумкин. Сотиб бериш учун олинган консигнацион ва комиссион товарлар чакана савдо корхоналарининг балансига киритилмайди. Бундай товарлар балансдан ташкари 004 «Комиссияга кабул килинган товарлар» счётида ҳисобга олинади.

17.2.Чакана савдо корхоналарига товар операцияларини ҳужжатлаштириш

Товарлар киримини ҳужжатлаштириш. Чакана савдо корхоналарига товарлар бевосита ишлаб чикариш корхоналаридан, улгуржи савдо корхоналаридан, тайёрлов-улгуржи савдо корхоналаридан, хусусий тадбиркорлардан ва бошка манбалардан келиб тушади. Товарларни кирим килинишини ҳужжатлаштирилиши уларни кабул килиб олиш жойига, ким томонидан келтирилганлигига, кандай кўринишда келтирилганлигига, транспорт турига ва бошка омилларга

боғлиқ. Товарлар савдо дуконларига экспедиторлар орқали ёки савдо дўкон мудирининг ўзи орқали таъминотчиларнинг омборларидан, темир йўл станцияларидан қабул қилиниши мумкин. Бундан ташқари товарлар улгуржи савдо корхоналари томонидан марказлаштирилган тарзда ҳам етказиб берилиши мумкин. Товарлар тараларда, масалан, халталарда, бочкаларда, шишаларда ва бошқа идишларда ёки тараларсиз келиб тушиши мумкин.

Чакана савдо корхоналарига марказлаштирилган ҳолда улгуржи савдо корхоналари томонидан етказиб берилган товарлар омбор мудири ёки савдо дўкон имудири томонидан сон ва сифат жиҳатдан қабул қилинади. Қабул қилиш вактида сон ва сифат жиҳатдан четланишлар аниқланса "Қабул қилишда сон ва сифат жиҳатдан аниқланган четланишлар тўғрисида далолатнома" икки нусхада тузилади, бундай четланишлар аниқланмаганда омбор мудири товарларни кузатиш ҳужжатига (счёт-фактура, ТТН) қабул қилиб олганлиги тўғрисида имзо чекади.

Савдо корхонасига экспедиторлар орқали келтирилган товарлар олдин марказий омборга топширилади ёки корхона рахбарининг фармойиши асосида бевосита савдо дўконларига тарқатилади. Марказий омборларга келиб тушган товарларни омбор мудири экспедитордан сон ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олади.

Чакана савдо корхонасининг марказий омборига келтирилган товарларга савдо бўлими савдо устамаларини белгилайди ва улар сотиш баҳоларида кирим қилинади. Корхона рахбарининг фармойишига кўра товарлар савдо дўконларига сотиш баҳоларида юк хатлари орқали тарқатилади. Бундай юк хатлари икки нусхада ёзилади, унга савдо корхонаси рахбари ва бош ҳисобчиси қўл қўяди, шунингдек омбор мудири товарни топширганлиги, савдо дўкон мудири эса товарни олганлиги тўғрисида имзо чекади. Бевосита савдо дўкон мудирининг ўзи томонидан таъминотчилардан олиб келтирилган товарлар савдо дўконга чакана савдо корхонаси савдо бўлими белгилаб берган савдо устамалари билан кирим қилинади.

Чакана савдо корхоналарига келиб тушган товарлар бўйича счёт-фактураларга уларни кузатувчи транспорт ҳужжатлари (ТТН, темир йўл наклоднойлари, юк квитанцияси, инвойс, тортиш- таҳлил далолатномалари, товар ёрлиқлари ва бошқалар), сифат сертификатлари ва бошқа ҳужжатлар илова қилинади. Барча кирим ҳужжатлари савдо дўкон мудирларининг ҳисоботлари билан биргаликда чакана савдо корхонасининг бухгалтериясига топширилади.

Чакана савдо корхоналарига кирим қилинган товарлар нақд пулга, кредитга, майда улгуржи тарзда сотилиши мумкин, шунингдек турли сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

Товарларнинг накд пулга сотилишини хужжатлаштириш. Чакана савдо корхоналари савдо дўконларида товарларни накд пулга сотиш давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтган назорат–касса машиналарини (НКМ) қўллаш орқали амалга оширилади. Савдо дўконларда «НКМ счетчиги кўрсаткичларини қайд этиш китоби» юритилади. Ушбу китобда хар куни счётчикнинг бош суммаси, кирими, қайтарилган чеклар ва счётчикшиг охирги суммаси ёзиб борилади. НКМ счётчигининг бош ва охирги суммалари йиғиндиси жами савдо тушумининг миқдорини ифодалайди. Қайтарилган товарлар бўйича савдо пули харидорга НКМ чеки асосида қайтарилади. Кун охирида барча қайтарилган чеклар варақга ёпиштириб чиқилади ва савдо дўкон мудирининг хисоботига илова қилинади. Кўп сонли НКМ лардан фойдаланаётган катта савдо шахобчаларида (Супермаркет, МУМ, БУМ ва бошқаларда) ишлатилмаган чеклар бўйича кун охирида савдо дўкони директори ва кассирлар иштирокида далолатнома тузилади, барча қайтарилган чеклар алохида варақларга епиштирилади ва кассирларнинг хисоботлари билан бухгалтерияга топширилади.

Чакана савдо шахобчалари орқали товарларни сотишдан тушган савдо пуллари корхонанинг кассасига кирим касса ордери асосида кирим қилинади. Ушбу ордернинг квитанциясини савдо дўкони мудири ўзининг товар-пул хисоботига га илова қилади.

Товарларнинг кредитга сотилишини хужжатлаштириш. Ноозиқ овқат товарлари кредитга республика резидентлари хисобланган жисмоний шахсларга товарларни белгиланган рўйхатга мувофиқ 2 йил муддатгача сотилади.

Товарларни кредитга олиш учун харидор чакана савдо корхонаси рахбари номига ариза, иш жойи ва охирги уч ойдаги иш хаки тўғрисида маълумотнома тақдим этади. Шу билан бир вақтда маълум бир мулкини гаровга қўяди. Савдо корхонаси рахбарининг рухсати билан кредитга сотилаётган товарнинг энг камида 60% сотиш кийматини кассага кирим қилинади ва харидорга чек ёки квитанция тақдим этилади. Шундан сўнг савдо бўлими ва харидор ўртасида белгиланган шаклдаги «Топшириқнома- мажбурият» тузилади). Ушбу хужжатда харидор кредитга неча сўмлик товарни олгани, канча накд тўлаганлиги, товар қиймати тўловининг канчаси кечиктирилганлиги, ўртача ойлик тўлов суммаси, неча фоизда кредитга сотилган товар учун тўлов тўланганлиги, тўловни қайси санадан қайси санагача тўланиши, қайси ташкилотнинг счётидан иш хакидан ушлаш шарти билан ўтказиб берилиши, ушбу ташкилотнинг реквизитлари, товарни сотиб олган шахснинг паспорт маълумотлари ва бошқалар кўрсатилади. «Топшириқ-мажбурият» икки нусхада тузилади ва сотиб олувчи, савдо дўкон мудири хамда бош бухгалтер томонидан имзоланади.

Чакана савдо корхонасининг бухгалтериясида «Топшириқ – мажбурият» лар рўйхати тузилади Руйхат асосида чакана товар айланмасига киритилган нақд пул тушуми, олинган топшириқ суммаси, олинган фоиз суммаси хисобга олинади.

Корхона бухгалтерияси кредитга сотилган товарлар бўйича тузилган «Топшириқнома- мажбурият» лар асосида икки турдаги карточкаларни очади:

- **1-карточка «Тўлов муддати ўтмаган топшириқ- мажбуриятлар».** Ушбу карточкада кредитга сотилган товарлар бўйича тўлов муддати ўтмаган топшириқлар –мажбуриятлар бўйича маълумотлар кўрсатилади.
- **2-карточка «Тўлов муддати ўтиб кетган топшириқ-мажбуриятлар».** Ушбу карточкада кредитга сотилган товарлар бўйича тўлов муддати ўтиб кетган топшириқлар-мажбуриятлар бўйича маълумотлар кўрсатилади. Бу маълумотлар харидордан хар бир кечиктирилган кун учун олинадиган пеня суммасини хисоблашга асос бўлади. Тўлов муддати ўтиб кетган топшириқ-мажбуриятлар бўйича карзлар нақд йўл билан суд оркали ўндириб олинади.

Товарларни майда улгуржи тарзда сотишни хужжатлаштириш. Республикамизда чакана савдо ташкилотлари оркали товарларни нақд пулсиз сотиш шартлари ва тартиби Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407- сон карори билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом» ва унга киритилган ўзгартиришлар да ўз аксини топган. Ушбу Низомга кўра савдо корхоналари томонидан товарларни нақд пулсиз хисоб-китоб бўйича сотиш ўтган ой мабойнидаги ойлик товар айланмаси умумий хажмининг 10 фоизи доирасида амалга оширилиши мумкин. Бунда сотилишини хисоблаб чикиш хар бир ой бўйича алохида амалга оширилади. Товарларни олдинги ойлар хисобига сотилишига йўл қўйилмайди.

Чакана савдо корхоналари шахобчаларидан товарлар майда улгуржи тарзда товар айланмаси умумий хажмининг 10 фоизида фақат ижтимоий соха ташкилотлари ва муассасаларидавлат бюджети муассасаларига тузилган шартномалар асосида нақд пул ва нақд пулсиз хисоб-китоблар билан хам сотилишига рухсат этилади. Майда улгуржи товар айланмаси чакана товар айланмаси таркибига киради ва товар хисоботида алохида кўрсатилади.

Чакана савдо шахобчасидан товарларни майда улгуржи тарзда сотиш олдиндан тўлов бўлганда ишончномалар асосида берилади. Товарни нақд пулсиз хисоб-китоблар асосида бериш счёт-фактуралар билан расмийлаштирилади. Хар куни маълум сондаги товарларни олувчи давлат бюджетидаги муассасаларга товарлар забор вараги

оркали берилиши хам мумкин. Бундай холда ойнинг охирида забор варагига киритилган товарларнинг умумий миқдорига битта счёт-фактура такдим этилади ва у ўзаро хисоб-китобларни юритишга асос бўлади.

Товарларнинг пластик карточкалар оркали сотилишини хужжатлаштириш. Пластик картачкалар оркали товарларни сотишда уларнинг умумий суммаси савдо дўконларида ўрнатилган махсус терминалга киритиб борилади ва икки нусхада чек урилади. Ушбу чекларнинг бир нусхаси харидорга берилади, иккинчи нусхаси эса кассирда колади. Кун охирида кассир пластик карточкаларга сотилган товарлар бўйича терминалга киритилган чеклар реестрини тузади. Ушбу реестрнинг умумий суммаси пластик карточкалар оркали сотиш хажмини, яъни савдо пулини ифодалайди. Пластик карточкаларга сотилган товарлар бўйича чеклар реестри товар-пул хисоботига илова килинади. Реестрнинг умумий суммаси товар-пул хисоботининг чиким кисмида алохида каторда кўрсатилади.

Товарларнинг бепул берилишини на таъсис бадали сифатида киритилишини хужжатлаштириш. Чакана савдо корхоналари ўз товарларини хайрия сифатида ёки кайтарилмайдиган молиявий ёрдам сифатида бошка юридик ва жисмоний шахсларга беришлари хамда янги таъсис этилган корхоналарга таъсис бадали сифатида хам киритиш мумкин. Бундай операцияларга асос бўлиб томонлар ўртасида тузилган шартномалар, чакана савдо корхонаси рахбариятининг карори ва бошка хужжатлар хисобланади. Товарларни бепул ёки таъсис бадали сифатида берилиши счёт-фактуралар билан расмийлаштирилади.

Товарларнинг ўз максадларида ишлатилишини хужжатлаштириш. Чакана савдо корхоналари ўзларининг товарларини турли хўжалик максадларида ишлатишлари хам мумкин. Масалан, савдо дўкондаги товарлар корхона идорасига хўжалик инвентари сифатида берилиши мумкин. Бундай операцияларга асос бўлиб чакана савдо корхонаси рахбариятининг карори ва бошка хужжатлар хисобланади. Товарларни хўжалик инвентарларига айлантирилиши ички юк хати билан расмийлаштирилади.

Товарларнинг ички алмашувини хужжатлаштириш. Товарларни бир савдо шахобчасидан иккинчисига (бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига) бериш корхона рахбарининг ёзма фармойиши билан юк хатлари оркали расмийлаштирилади.

Товарларнинг кайтарилишини хужжатлаштириш. Чакана савдо корхоналаридан товарлар турли сабабларга кўра, масалан сифатини тез бузилганлиги учун, алмаштириш учун ва бошка сабабларга кўра таъминотчиларга кайтарилиши мумкин. Бундай кайтаришлар счёт-

фактуралар билан расмийлаштирилади. Счет-фактуранинг предмет қисмида «товарларнинг қайтарилиши» сўзи ёзиб қўйилади.

Товар нобудгарчиликларини ҳужжатлаштириш. Чакана савдо шахобчаларида товарлар тушириш, сақлаш ва сотиш жараёнларида нобуд бўлишлари мумкин. Бундай нобудгарчиликлар икки турга бўлинади:

1. Меъёрдаги нобудгарчиликлар.

2. Меъёрдан ортиқ нобудгарчиликлар.

Меъёрдаги нобудгарчиликларга товарларни табиий камайиши, меъёрдаги синиши (шиша товарлар ва шиша идишдаги товарлар) ва чиқиндилари киради.

Табиий камайиш деганда товарларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўзгариши эвазига уларнинг массасини (оғирлигини) ёки ҳажмини камайиши тушунилади. Табиий камайиш меъёрлари товарларнинг чакана сотиш баҳоларидаги қийматига нисбатан фоизларда белгиланади, улар товарларнинг турлари бўйича табақалаштирилади. Табиий камайиш меъёрлари тармоқ вазирликлари томонидан тасдиқланади. Табиий камайиш фақатгина инвентаризацияда товарлар бўйича камомадлар аниқланганда ҳисобланади. Ушбу камайишни олдиндан ҳисоблашга йўл қўйилмайди. Чакана савдо шахобчаларида табиий камайиш фақат сотилган товарлар қийматига нисбатан махсус ҳисоб-китоб асосида аниқланади (кейинги бетга қаранг). Ушбу ҳисоб-китоб асосида сотилган товарларга тўғри келадиган табиий камайиш суммаси қуйидагича аниқланади.

Олдинги инвентаризацияда аниқланган товарлар қолдиғига тўғри келадиган табиий камайиш

+

Олдинги инвентаризациядан кейинги инвентаризацияга бўлган даврда келиб тушган товарларга тўғри келадиган табиий камайиш

–

Товарларни ҳужжатлаштириш чиқимига тўғри келадиган табиий камайиш

–

Охирги инвентаризацияда аниқланган қолдиқ товарларга тўғри келадиган табиий камайиш

=

Сотилган товарларга тўғри келадиган табиий камайиш

Товар айланмаси таркиби нисбатан доимий характерда бўлган чакана савдо корхоналарида табиий камайишни товар гурухларининг гурухлари бўйича белгиланган меъёрларининг ўрнига ўртача меъёр ҳам қўлланилиши мумкин.

«Тасдиқлайман»

Раҳбар _____

_____савдо дўкон бўйича _____дан _____га бўлган давр учун табиий камайиш хисоб -китоби

№	Товарнинг номи	_га товар колдиги суммаси	_дан тача келиб тушган товарлар суммаси	Хисобдан чиқарилган товарлар суммаси	Майда улгуржи сотилган товарлар суммаси
1	2	3	4	5	6
1	Шакар	2000000	50000000	-	8000000

Бошқа ташкилот-ларга сотилган товарлар суммаси	___га товар колдиги суммаси	Нақд сотилган товарлар суммаси	Табиий камайиш		Изоҳ
			Меъёр, % да	Сумма, сўм ва тийин	
7	8	9	10	11	12
5000000	4000000	34000000	0,15	51000	

Жами табиий камайиш суммаси меъёр бўйича *Эллик бир минг* сўм

Бухгалтер _____ Моддий жавобгар шахс _____

Шиша товарлар ва шиша идишларда келадиган товарлар (ўсимлик ёғи, яхна ичимликлар ва бошкалар)нинг синишига доир меъёрдаги ва меъёрдан ортик нобудгарчиликлар махсус «Товарларни бузилиши, синиши ва чиқиндилари тўғрисида далолатнома»ни тузиш асосида топилади.

Меъёрдаги табиий камайиш, синиш, бузилиш ва чиқиндилар савдо корхоналарида сотиш харажатларига, меъёрдан ортик нобудгарчиликлар эса моддий жавобгар шахслар бўйнига олиб борилади. Меъсрдан ортик нобудгарчиликлар бўйича жавобгар шахсни аник белгилашнинг имкони бўлмаган холларда бундай нобудгарчиликлар савдо корхоналарининг зарарларига олиб борилади.

Меъёрдан ортик нобудгарчиликлар, одатда, товарларни сакланишини тўгри ташкил этмаслик, уларни тушириш, ташиш ва сотишда эхтиёткорсизликка йўл кўйилганлиги сабабли вужудга келади.

Товарларнинг бундай нобудгарчиликлари табиий камайишдан ўларок юз берган вактида савдо корхонаси рахбаришинг буйруги билан тайинланган комиссия томонидан тегишли равишда расмийлаштирилиши лозим.

Товар нобудгарчиликлари ёгоч идишларда (бочкаларда) келтирилган суюк товарлар вазнини (хажмини) ушбу идишларга маълум даражада сингиши эвазига хам юз бериши мумкин. Суюкликни ўзига сингдирадиган ёгоч идишлар массаси улардаги товарлар сотиб бўлингач, тортиб кўрилганда келиб тушган вактидаги массасидан ортик келса, ўртада вужудга келган ортикча масса ***«идиш массасини ошиши»*** деб аталади. Ушбу масса шу миклордаги товарнинг камайганлигини, яъни уни нобуд бўлганлигини биддиради. Мисол учун, кирим хужжати бўйича ёгоч бочкада келтирилган маргаринниинг соф вазни (нетто) 100 кг, бочканинг вазни 8 кг. Маргарин сотиб бўлингач бўшаган ёгоч бочка тортиб кўрилганда унинг вазни 10 кг эканлиги аникланди. Демак 2 кг маргарин бочкага сингиб кетганлиги учун кам чикган. Агар 1 кг маргаринниинг сотиш нархини 15200 сўм десак, у холда 30400 сўмлик (2кг х15200сўм) товар нобудгарчилигига йўл кўйилган хисобланади. Ушбу нобудгарчиликни моддий жавобгар шахс бўйнидан сокит килиш учун корхона рахбари тузган комиссия томонидан бир нусхада «Идиш массасини ошиши тўгрисида далолатнома» тузилади. Ушбу далолатнома моддий жавобгар шахс хисоботининг чиким кисмига киритилади ва у билан бухгалтерияга топширилади.

17.3.Чакана савдо корхоналарида моддий жавобгар шахсларнинг хисоботларини тузиш, такдим этиш ва уларга бухгалтерия ишловини бериш

Чакана савдо корхоналарида моддий жавобгар шахслар кирим ва чиким хужжатлари асосида ўзларининг жавобгарлигида бўлган товар ва таралар бўйича хисобот тузадилар. Ушбу хисобот турлича номланади, чунончи, «Товар хисоботи», «Товар-пул хисоботи» деб аталади.

Хисоботларнинг такдим этиш муддатлари савдо корхоналари рахбарлари томонидан турли шароитларни эътиборга олган холда (корхонанинг катта-кичиклиги ва ихтисослашганлиги, товар операцияларининг сони, савдо пулининг миклори ва бошка шу каби) белгиланади. Амалиётда юкоридаги шарт-шароитларга караб хисоботларни савдо корхоналари хар куни, хар уч кунда, хар хафтада, хар ўн кунда ёки ойда бир марта тузадилар.

Чакана савдо корхоналари моддий жавобгар шахсларининг хисоботлари титул, предмет ва расмийлаштириш кисмларидан иборат бўлади.

Ҳисоботнинг титул қисмида савдо корхонасининг номи, савдо шаҳобчасининг номи ва тартиб раками, моддий жавобгар шахснинг фамилияси, исми ва шарифи, ҳисоботнинг тартиб раками, тузилган даврининг бош ва охирги санаси, товар захираларининг лимити кўрсатилади.

Ҳисоботнинг предмет қисми кирим ва чиқим бўлимларга бўлиниб, ушбу бўлимлар ҳисоботнинг юза ва орка томонларида жойлаштирилади. Ҳисоботнинг юза томонидаги кирим бўлимида биринчи каторда товар ва тараларнинг ҳисобот даври бошидаги қолдиғи, шунингдек товар ва тараларнинг кирими кўрсатилади. Товар ва тараларнинг давр бошидаги қолдиқ суммалари олдинги ҳисоботнинг охирги қолдиқ суммаларидан иборат бўлади. Агар ҳисобот инвентаризация ўтказилгандан кейинги биринчи ҳисобот ҳисоболанса, у ҳолда товар ва тараларнинг бош қолдиқ суммалари инвентаризация варағидан олинади. Ҳисоботнинг кирим бўлимида товар ва тараларнинг кимлардан олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар хронологик тарзда алохида каторларда ёзилади. Барча кирим ҳужжатлари ёзилгач, алохида каторда товар ва таралар кириминнинг жами суммалари кўрсатилади. Ҳисоботнинг чиқим бўлимида товарларнинг чиқими (сотилиши, таъминотчиларга қайтарилиши, товар нобудгарчиликлари, камомадлар ва бошқалар) хар бир гувохлик берувчи ҳужжат асосида хронологик тарзда кўрсатилади. Барча чиқим ҳужжатлари ёзилгач, алоҳида каторда товар ва таралар чиқимининг жами суммалари кўрсатилади.

Кирим ва чиқим суммалари жамлангач, алохида каторда товар ва тараларнинг ҳисобот даври охиридаги санасига бўлган қолдиқ суммалари кўрсатилади. Ушбу қолдиқ суммалар бош қолдиқ суммага жами кирим суммасини қўшиш ва ундан жами чиқим суммасини айириш орқали топилади.

Ҳисоботнинг орка томонида идишларнинг ҳисобот давридаги харакати уларнинг алохида турлари бўйича натурал-қиймат ифодасида акс эттирилади.

Ҳисоботнинг расмийлаштириш қисмида унга илова қилинган кирим ва чиқим ҳужжатларининг сони, моддий жавобгар шахснинг имзоси, ҳисоботни қабул қилиб олган ва текширган бухгалтернинг фамилияси, исми-шарифи, имзоси, шунингдек моддий жавобгар шахснинг ҳисоботга киритилган тузатишларга розилиги ва уларни тўғрилигини тасдиқлаш тўғрисида имзоси кўрсатилади.

Моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари икки нусхада тузилади, биринчи нусхаси барча тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар билан бухгалтерияга топширилади. Бухгалтер ҳисоботни қабул қилиб олганлиги ва текширганлиги тўғрисида моддий жавобгар шахсга қайтариладиган иккинчи нусхасига имзо чекади.

Чакана савдо корхонаси бухгалтерияси товар хисоботларини топшириллган куни текширишдан ўтказиши шарт. Текширишда хисоботнинг бош колдик суммаларини олдинги хисоботдан тўғри кўчирилганлиги, хар бир кирим ва чиқим ёлувларига доир хужжатларни мавжудлиги, уларни тўгри расмийлаштирилганлиги, хисоботдаги кирим ва чиқим суммаларини, шунингдек колдик суммаларни тўғри хисоблаб ёзилганлиги аниқланади. Аниқланган хато ва камчиликлар хисоботларнинг хар иккала нусхасида тузатилади ва имзоланади. Бухгалтерияда текширилган хисоботлар корхона рахбари томонидан тасдикланади ва шундан сўнг улар товар ва тараларнинг синтетик хамда аналитик хисобини юритишга асос бўлади.

17.4.Чакана савдо корхоналарида товар операцияларининг бухгалтерия хисоби

Товарлар кириминнинг хисоби. 21-сон БҲМС га мувофик чакана савдо корхоналарида товарлар харакатининг синтетик хисоби 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётида олиб борилади. Ушбу счётнинг дебетида товарларнинг таъминотчилардан сотиб олиниши ва бошка манбалар хисобидан кўпайиши, кредитида эса товарларнинг сотилиши ва бошка чиқимлари акс эттирилади.

2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётини юритилиши 2910 «Омборлардаги товарлар» счётига тўлик ўхшайди, факатгина фарк шундаки, унинг дебет ва кредитида товарлар сотиш бахоларида, яъни савдо устамалари билан биргаликда акс эттирилади.

Чакана савдо корхоналарида, худди улгуржи савдо корхоналаридагидек, товарларни таъминотчилардан сотиб олиниши ва улар билан хисоб- китобларни куйидаги усуллардан бирида олиб бориш мумкин.

1-усул. Чакана савдо шахобчаларига кирим килинган товарларни бевосита 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётида хисобга олиш усули. Ушбу счётда товарлар улгуржи хисоб тизим асосида сотиш бахоларида, яъни савдо устамалари билан биргаликда, акс эттирилади. Киймат тамойилига мувофик товарларнинг сотиш бахоларига уларни таъминотчилардан сотиб олиш бахоларидаги киймати, сотиб олишга доир барча кўшимча харажатлар (ташиб келтириш, брокерлик, божхона, сертификатлаш харажатлари) ва савдо устамаси киритилади.

2-усул. Товарларни сотиб олишини махсус счётда, масалан 1510 «Товар моддий бойликларни сотиб олиниши» счётида, хисобга олиш усули. Ушбу счетда товарлар улгуржи хисоб тизимига мувофик сотиб олиш бахоларида, яъни таннархи бўйича, акс эттирилади. Киймат тамойилига мувофик товарларнинг таннархига уларни таъминот-

чилардан сотиб олиш бахоларидаги киймати ва сотиб олишга доир барча қўшимча харажатлар (ташиб келтириш, брокерлик, божхона ва бошқа харажатлар) киритилади. Сотиб олишга доир барча харажатлар олдин 1510 «Товар- моддий бойликларни сотиб олиниши» счётида тўпланади ва товарлар савдо шахобчаларига кирим қилингач, ушбу счёт 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётига ёпилади. Товарларнинг сотиб олиш киймати устига қўйиладиган савдо устамалари алоҳида 2980 «Савдо устамалари» счётининг кредитида ва 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётининг дебетида акс эттирилади.

Товарлар кириминнинг аналитик хисоби моддий жавобгар шахслар (савдо шахобчалари мудирлари) бўйича олиб борилади.

Товарларни накд пулга сотилишининг хисоби. Товарларни накд пулга сотиш ва ундан олинган даромаднинг хисоби савдо пулини каерга топширилганлигига боғлиқ. Савдо пули корхона кассасига топширилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 5010 «Кассадаги пул маблағлари»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Савдо дўкон мудирлари томонидан бевосита савдо пулларини инкассаторларга ёки банкнинг кассасига топширилишига кузатиш кайдномалари ва квитанциялар асосида қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 5710 «Пул ўтказмалари», 5110 «Хисоб-китоб счётидаги пул маблағлари», 6810 «Қиска муддатли банк кредитлари»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Товарларни пластик карточкалар орқали сотилишининг хисоби. Товарларни пластик карточкалар орқали сотилишининг хисоби савдо дўконларига ўрнатилган пластик карточкалар терминалларининг банк муассасаларида ўрнатилган компьютерлар билан бевосита боғланганлигига боғлиқ. Агар ушбу боғлиқлик мавжуд бўлса, у холда пластик карточкалар орқали сотиш тўғрисидаги маълумотлар кун охирида компьютер тармоги орқали банк муассасасига узатилади. Агар ушбу боғлиқлик мавжуд бўлмаса, у холда кассагаа ўрнатилган терминал пластик карточкаси келишилган муддатларда банк муассасасига олиб борилади ва у ерда пластик карточка счётидан корхонанинг асосий хисоб ракамига ўтказилади. Товарларни пластик карточкалар сотилишига қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

1.Товарлар пластик карточкалар орқали сотилган кунда:

Дебет 5710 «Йўлдаги пул маблағлари»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

2.Пластик карточкалар орқали амалга оширилган савдо пуллари корхонанинг хисоб-рақамига тушган кунда:

Дебет 5110 ««Хисоб-китоб счётидаги пул маблағлари»

Кредит 5710 «Йўлдаги пул маблағлари»

Товарларнинг кредитга сотилишининг хисоби. «Топшириқнома-мажбуриятлар асосида кредитга сотилган товарлар бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

•*Кредитга сотилган товарлар учун нақд топширилган савдо пуллари ва кредитга сотиш бўйича ўндирилган фоиз суммасига*

Дебет 5010 «Кассадаги пул маблағлари»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

•*Кредитга сотилган товарлар бўйича харидорнинг қарзига*

Дебет 4710 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи», 4890 «Бошка дебиторларнинг қарзи»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Кредитга сотилган товарлар бўйича қарзни дебиторлар нақд пул билан, шунингдек иш хакидан кайтаришлари мумкин. Нақд пул билан қарз кайтарилганда Дебет 5010 Кредит 4710, иш хаки хисобидан қарз кайтарилганда Дебет 6710 Кредит 4710 ёзувлари берилади. Даъво муддати утган қарзларни корхона хисобидан колланинига куйидаги бухгалтерия ёзуви килинади:

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 4710«Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи», 4890 «Бошка дебиторларнинг қарзи»

Товарларнинг майда улгуржи сотилишининг хисоби. Товарларнинг майда улгуржи сотилиши бухгалтерия хисобида куйидаги ёзув билан акс эттирилади:

•*Келиб тушган бўнак суммасига*

Дебет 5110 «Хисоб- китоб счети»

Кредит 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»

•*Сотилган товарларнинг сотиш қийматига*

Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

•*Олинган бўнакни ёпилишига*

Дебет 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»

Кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

•*Охирги тўловни келиб тушишига*

Дебет 5110 «Хисоб- китоб счёти»

Кредит 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Чакана савдо корхоналарида товарлар ходимларнинг аризасига мувофиқ иш хаки хисобидан хам берилиши мумкин. Товарларни иш хаки хисобидан сотилиши ва ундан олинган даромад куйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 6710 «Ходимлар билан иш ҳаки бўйича ҳисоб- китоблар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Чакана савдо корхоналаридаги товарлар рахбарнинг буйруғи ёки фармойиши билан хўжалик инвентарларига хам айлантириляши мумкин. Товарларни ушбу максадларда берилиши хам сотишдан олинган даромадга киритилади ва бухгалтерия хисобида куйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 1080 «Хўжалик инвентарлари ва жиҳозлари»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Таъсис бадали сифатида киритилган товарлар бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 0600 «Узок муддатли инвестициялар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Бепул берилган товарлар бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

•*Бепул берилган товарларнинг сотиш қийматига*

Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

•*Бепул берилган товарлар бўйича қарзни ҳисобдан чиқарилишига*

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Товарларнинг чакана савдо тахобчалари ўртасидаги ички алмашувига унга гувохлик берувчи ички юк хатлари (наклоднойлар) асосида **Дебет** 2920 «Чакана савдодаги товарлар» (олувчи) **Кредит 2920** «Чакана савдодаги товарлар» (берувчи) ёзуви килинади.

17.5.Чакана савдо корхоналарида идишлар хисобининг хусусиятлари

Чакана савдо корхоналарида идишларнинг хисоби махсус 2950 «Товарлар остидаги ва бўш идишлар» счётида олиб борилади. Ушбу актив счётнинг дебетида идишларнинг таъминотчилар ва бошка манбалардан келиб тушиши, кредитида эса уларнинг таъминотчиларга кайтарилиши, сотилиши ва бошка чикимлари акс эттирилади. Идишларнинг хисоби ушбу счётда сотиб олиш бахоларида ёки ўртача бахоларда олиб борилади.

Идишларга доир операциялар хисобда куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади (17.1-жадвал).

17.1-жадвал

Идишларга доир операцияларни счётларда акс эттириш тартиби

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Счётлар корреспонденцияси		Асос
			Дебет	Кредит	
1	Таъминотчилардан товарлар билан биргаликда олинган идишларнинг сотиб олиш қийматига	200000	2950	6010	Счёт-фактура
2	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан келиб тушган идишларнинг сотиб олиш қийматига	1000000	2950	6110, 6120	Счё-фактура
3	Таъсисчилардан келиб тушган идишларнинг келишув баҳоларидаги қийматига	50000	2950	4610	Таъсис ҳужжатлари, счёт-фактура, кирим далолатномаси
4	Хорижий таъсисчилардан таъсис бадали сифатида келиб тушган идишлар бўйича а) корхона рўйхатдан ўтган санадаги курс бўйича ҳисобланган кирим баҳосидаги қийматга б) Келиб тушиш ва таъсис саналари ўртасида вужудга келган курс фарқлари суммасига	5000000 300000	2950 2950	4610 8420	Таъсис ҳужжатлари, БЮД, кирим далолатномаси БЮД, кирим далолатномаси, Махсус ҳисоб-китоб
5	Бепул олинган идишларнинг келиб тушиш баҳосидаги қийматига	500000	2950	8530	Шартнома, Счёт-фактура
6	Қарзга олинган идишларни келишув баҳолардаги қийматига	6000000	2950	6820	Шартнома, счёт-фактура
7	Кирим қилинган идишлар қиймати устига қўйилган савдо устамасига	1440000	2950	2980	Савдо устамалари реестри
9	Аҳолидан сотиб олинган идишларнинг сотиб олиш баҳоларидаги қийматига	30000	2950	9020	Далолатнома

10	Идишларни таъминот-чиларга қайтарилишига	500000	6010	2950	Счет-фактура
11	Идишларнинг синиши, нобудгарчиликларига	20000	5910	2950	Далолатнома
12	Идишларни сотилишига	600000	4010, 5010	9020	Счёт-фактура, ККО

Идишларнинг аналитик ҳисоби моддий жавобгар шахслар бўйича уларнинг турлари, гуруҳлари, баҳолари бўйича натурал-пул бирлигида юритилади.

17.6.Чакана савдо корхоналарида товар-моддий бойликлар инвентаризациясининг хусусиятлари ва уни натижаларининг ҳисоби

Чакана савдо корхоналаридаги товар ва идишларнинг инвентаризациясини ташкил қилиш ва ўтказиш 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» га асосан амалга оширилади. Узининг характери, расмийлаштирилиши, натижаларни аниқлаш тартибига кўра чакана савдо корхоналаридаги товар-моддий бойликларнинг инвентаризацияси улгуржи савдо корхоналаридаги тартибга асосан ўхшайди, лекин қуйидаги жиҳатлари билан уларни фарқлаш мумкин.

Биринчидан, чакана савдо корхоналарида товар-моддий бойликлар инвентаризацияси савдо дўкон кассасидаги пул маблағларини санашдан бошланади. Нақд пул маблағларининг саноғи алоҳида далолатнома билан расмийлаштирилади.

Иккинчидан, пул маблағларидан кейин савдо дўкондаги товарлар саноқдан ўтказилади, шундан сўнг ёрдамчи бинолардаги ва майдончалардаги товарлар қайта рўйхатга олинади.

Учинчидан, инвентаризация минимал муддатларда ўтказилади, чунки уни чўзилиб кетиши товар айланмасига салбий таъсир ўтказади.

Тўртинчидан, инвентаризация ўтказиш вақтида товарларни бевосита савдо дўкондан сотилишига йўл қўйилмайди.

Бешинчидан, товарларнинг қайта саноғи уларнинг алоҳида хусусиятлари, сақланаётган идишларининг турлари ва бошқа жиҳатлари эътиборга олиниб амалга оширилади, масалан бочкадаги пахта ёғи бочкаянг ҳажми ва сигимига қараб аниқланади, бир хилдаги товарлар сотиш баҳоларига қараб гуруҳланади.

Олтинчидан, товарлар камомади аниқланганда табиий камайиш ҳисоб-китоби, идиш вазнини ошиши далолатномалари тузилади.

Еттинчидан, инвентаризация натижасида моддий жавобгар шахс томонидан савдо пулларини тўғри ва ўз вақтида кассага топширилганлиги аниқланади.

Саккизинчидан, товарларни қайта баҳолашга доир инвентаризациялар сони чегараланмайди.

Чакана савдо корхоналарида товарларнинг қайта сонғи инвентаризация рўйхати, инвентаризация натижалари эса таққослама қайднома билан расмийлаштирилади.

Чакана савдо корхоналарида товарларнинг инвентаризацияда аниқланган камомадлари, сақлаш ва сотиш жараёнида юз берган бузилишлари, синишлари, чиқиндилари, ёғоч идишларга сингиши натижасидаги йўқотишлари тузилган далолатномалар асосида хисобдан чикарилади. Далолатномалар асосида аниқланган камомад ва йўқотишлар суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

•*Жами аниқланган йўқотишлар суммасига:*

Дебет 5910 «Камомадлар ва бойликларни бузилишидан кўрилган йўқотишлар»

Кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар»

•*Меъёрдаги ва меъёрдан ортиқ йўқотишлар суммасининг корхона харажатларига олиб борилишига:*

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликларни бузилишидан кўрилган йўқотишлар»

•*Меъёрдан ортиқ йўқотишлар суммасининг моддий жавобгар шахслар бўйнига қўйилишига:*

Дебет 4730 «Ходимлар билан моддий зарарлар бўйича хисоб – китоблар»

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликларни бузилишидан кўрилган йўкотишлар»

Товар ва идишларнинг инвентаризацияда аниқланган ортиқча суммалари чакана савдо корхоналарининг асосий фаолиятдан олинган даромадларига олиб борилади ва унга **Дебет** 2920 «Чакана савдодаги товарлар» **Кредит»** 9390 «Бошка операцион даромадлар» ёзуви киланади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Қатъий белгиланган сотиш баҳолари- давлат органи томонидан маълум ижтимоий аҳамиятга молик товарлар, масалан, ун, нон, ўсимлик ёғи шакар, дори-дармонларнинг айрим турлари, бензин, автомобиллар ва шу кабилар учунбелгиланадиган сотиш баҳолари.

Эркин сотиш баҳолари - давлат органи томонидан миқдори қатъий белгиланмайдиган баҳолар.

Чакана савдо айланмаси - товарларни нақд пулга, пластик карточкалар орқали, кредитга ва майда улгуржи тарзда сотишнинг пул бирлигидаги миқдори.

Назорат касса аппарати - товарларни нақд пулга сотилишида қўлланиладиган техник восита.

Пластик карточка – товарларни сотишда қўлланиладиган тўлов воситаси.

Товарларни кредитга сотиш – бу товарларни кредит шартномасига мувофиқ улар қийматини маълум муддатгача белгиланган миқдорда қўшимча фоизлар билан бирга тўлаб бериш шарти билан сотиш.

Савдо устамаси – товарларни чакана сотишда улар қиймати устига қўйиладиган қўшимча тўлов.

Товар – пул хисоботи – чакана савдо корхоналарида товарлар ва идишлар харакати ҳамда уларни нақд пулга, кредитга пластик карточкаларга вам айда улгуржи тарзда сотилганлиги тўғрисида моддий жавобгар шахслар томонидан белгиланган муддатда тузиладиган ҳужжат.

ЎЗ –ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ - ЖАВОБЛАРИ

1.Чакана савдо - бу

а) товарларни катта партияда нақдсиз пулга сотиш

б) товарларни катта партияда нақд ва нақд пулсиз сотиш

в) товарларни кичик партияларда нақд пулга сотиш

г) Тўғри жавоб йўқ

2.Чакана савдо корхоналарида товарлар хисоби юритилади?

а) сотиб олиш баҳоларида б) улгуржи баҳоларда

в) сотиш баҳоларидаг) тўгри жавоб йўк

3.Чакана савдо корхонасида идишда келган товарларнинг қийматига

а) идишлар қиймати киради

б) идишлар киймати кирмайди

в)тўғри жавоб йўқ

г) идишлар қиймати алохида хисобга олинади

4. Товарлар сотиб олиш қийматига қўшилади.

а) директор ойлиги

б) транспорт харажатлари

в) кредит фоизи

г) тўғри жавоб йўқ

5.Чакана савдо корхоналарида товарларнинг сотиш баҳоси қандай аниқланади?

а) кирим далолатномаси орқали

б) чакана баҳолар реестри орқали

в) таъминотчининг счёт фактураси асосида

г) барча жавоблар тўғри

6.Товарларни нақд сотилиши қайси ҳужжат билан расмийлаштириладя?

а) счёт-фактура билан

б) далолатнома билан

в) касса чеки ёки касса кирим ордери билан

г) тўғри жавоб йўқ

7. Қандай товарлар канча муддатга кредитга сотилади.

а) хамма товарлар хохлаган муддатга

б) озиқ-овқат маҳсулотлари 1 йил муддатга

в) транспорт воситалари 10 йил муддатга

г) ноозиқ-овқат маҳсулотлари 2 йил муддатга

8.Чакана савдо корхоналари учун товар-пул хисоботини топшириш муддатини ким белгилайди?

а) корхона рахбари

б) хокимият

в) тармоқ вазирлиги

г) Вазирлар Маҳкамаси

9.Чакана савдо корхоналарида товарлар хисоби 2920 счётда юритилади:

а) узликсиз тизим бўйича

б) хохлаган тизим бўйича

в) даврий тизим бўйича

г) барча жавоблар тўғри

10.Товарлар 2920-счетда

а) сотиш баҳоларида акс эттирилади

б) сотиб олиш баҳоларида акс эттирилади
в) инвентаризация баҳоларида акс эттирилади
г) савдо устамаларисиз акс эттирилади

11.Сотилган товарларга тўғри келувчи савдо устамасига ёзув қилинади:
а) Дебет 9020 Кредит 2980
б) Дебет 2980 Кредит 9120
в) Дебет 2980 Кредит 9020
г) Дебет 2980 Кредит 2920

12.Табиий камайиш суммасига ёзув қилинади:
а) Дебет 9430 Кредит 2980
б) Дебет 9410 Кредит 2920
в) Дебет 2980 Кредит 2920
г) Дебет 9420 Кредит 2920

13.Иш ҳақи эвазига берилган товарга ёзув қилинади:
а) Дебет 9020 Кредит 2980
б) Дебет 6710 Кредит 9020
в) Дебет 6710 Кредит 2920
г) Дебет 6710 Кредит 2980

14.Майда улгуржи сотилган товарларга ёзув қилинади:
а) Дебет 4010 Кредит 2920,2980
б) Дебет 4010 Кредит 9020
в) Дебет 9020 Кредит 2920
г) Дебет 4010 Кредит 9120

18-боб. УМУМИЙ ОВКАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА ТОВАР ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

18.1.Умумий овкатланиш корхоналарида товар операциялари хисобини ташкил килиш хусусиятлари

Умумий овкатланиш корхоналарини ташкил этиш ва умумий овкатланиш махсулотларини (хизматларни) ишлаб чикариш ва сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан утказиш ва улар томонидан савдо фаолиятини амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўгрисида» 2002 йил 16 ноябрдаги 407-сон карори билан тасдикланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби гўтрисидаги Низом», шунингдек 2003 йил 13 февралдаги 75-сон карор билан тасдикланган «Ўзбекистон Республикасида умумий овкатланиш махсулотларини (хизматларни) ишлаб чикариш ва сотиш коидалари» билан тартибга солинган.

Умумий овкатланиш корхоналари чакана ва улгуржи савдо корхоналаридан ўларок айрим характерли хусусиятларга эга. Ушбу хусусияларнинг асосийларига куйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, умумий овкатланиш корхоналари ишлаб чикариш, савдо ва овкатланишни ташкил этиш функцияларини бевосита бирга олиб боради. Ишлаб чикарит корхоналари сингари умумий овкатланиш корхоналари тайёр махсулотларни ишлаб чикарадилар. Лекин ушбу махсулотлар умумий овкатланиш корхонасининг савдо тохобчалари оркали шу куннинг ўзидаёк асосан накд хисоб-китоблар асосида истеъмолчиларга (ахолига) сотилади. Умумий овкатланиш корхоналари нафакат ўзлари ишлаб чикарилган махсулотлар билан бирга, четдан олган товарларни хам кайта ишловсиз сотишлари мумкин. Бундан ташкари умумий овкатланиш корхоналари ўзлари ишлаб чикарган тайёр махсулотларни, ярим тайёр махсулотларни бошка юридик ва жисмоний шахсларга улгуржи хамда майда улгуржи тарзда хам сотишадилар. Бошка савдо корхоналарига накд пулсиз хисоб-китоблар йўли билан сотилган тайёр махсулотлар ва ярим тайёр махсулотларнинг хажми умумий овкатланиш корхоналарининг улгуржи товар айланмаси, майда улгуржи тарзда накд ва накдсиз хисоб-китоблар йўли билан турли муассасаларга (масалан, болалар богчаларига, шифохоналарга ва бошкаларга) охирги истеъмол учун сотилган махсулотлар чакана товар айланмаси хисобланади. Демак, умумий овкатланиш корхоналарининг ялпи товар айланмаси ўз ичига чакана хамда улгуржи товар айланмаларини олади.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш функцияларини бажариш умумий овқатланиш корхоналарида турли жавобгарлик марказларини ташкил қилишни тақозо этади. Бундай жавобгарлик марказлари бўлиб омборлар, ошхона, савдо зали, буфетлар хисобланади.

Омборларнинг асосий функцияси бўлиб ишлаб чиқариш ва сотиш учун захираларни сифатли сақлаш, уларни ўз вактида ишлаб чиқаришга етказиб бериш хисобланади. Омбордаги товар-моддий бойликлар учун омбор мудири моддий жавобгар шахс бўлиб хисобланади.

Ошхонанинг асосий функцияси корхонанинг таомлар тайерлаш, уларни савдо заллари хамда буфетларга буюртма асосида етказиб бериш ва сотиш хисобланади.

Буфетларнинг асосий функцияси ошхонада тайерланган тайёр махсулотлар, ярим тайёр махсулотлар, четдан сотиб олинган товарларни сотиш хисобланади.

Умумий овқатланиш корхоналарида уларнинг турига, фаолиятининг катта- кичиклигига қараб моддий жавобгарликнинг якка ва бригада шаклларидан фойдаланилади. Умумий овқатланиш корхонаси рахбарияти барча моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўтрисида шартномалар тузиши, улар фаолияти устидан назорат олиб бориши лозим.

Учинчидан, умумий овқатланиш корхоналари тайёр махсулотларни ишлаб чиқариш учун масаллик ва бошка товарларни турлича баҳоларда шартномалар тузиш оркали турли таъминотчилардан сотиб олиш. Аксарият товарларни, жумладан, нон ва нон махсулотларини, гўшт, сут, қатик, мева-сабзавот ва бошка кишлок хўжалик махсулотларини деҳкон бозорларидан келишув баҳоларида накд пулга сотиб олиш заруриятини кўйди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг махсус йўрикномасига мувофик умумий овкатланиш корхоналарига уларнинг мулк шаклидан катъий назар савдо тушумининг ойлик миқдорини 60 фоизигача бўлган кисмини ушбу максадларда ишлатишга рухсат этилади. Савдо тушуми хисобидан масалликларни бозорлардан сотиб олиш корхона рахбари томонидан тайинланган хисобдор шахс оркали амалга оширилади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг асосий даромади савдо устамаларидан иборат бўлади. Умумий овқатланиш корхоналарида савдо устамалари икки турга бўлинади.

• *сотиб олинган товарларга қўйилган савдо устамалари.* Ушбу устамаларнинг миқдорини умумий овқатланиш корхоналари талаб ва таклифга кўра ўзлари мустакил белгилайдилар. Барча сотиб олинадиган масаллик ва товарлар сотиб олиш кийматида (таннархида) ушбу савдо

устамалари билан биргаликда омборларга кабул килинади ва хисобга олинади;

• *тайёрланган овкатларга кўйилган устамалар.* Ушбу устаманинг миқдори умумий овкатланиш корхоналарининг турлари, табакаларига караб турлича бўлади. Энг юкори умумий овкатланиш устамалари люкс ва олий табакали умумий овкатланиш корхоналаридя (ресторанларда). энг паст миқдордаги устамалар эса III- табакали завод ва фабрикаларнинг, таълим даргохларининг ошхоналарида кўйилади.

Шундай килиб, умумий овкатланиш корхоналарида товар ва тайёр махсулотларнинг сотиш бахолари кўйидаги элементлардан ташкил топади:

Сб = Т+ Су+Уоу

Бу ерда, **Сб** - сотиш баҳоси;

Т - таннарх, яъни сотиб олинган товарларнинг сотиб олиш баҳоси;

Су - савдо устамаси;

Уоу - умумий овкатланиш устамаси

Сотиб олинган товарларнинг сотиш баҳолари уларнинг сотиб олиш баҳолари устига маълум фоиздаги савдо устамаларини кўйиш йули билан аникланади

Умумий овкатланиш корхонасининг тайёр махсулотининг (овкатларининг) сотиш баҳолари овкатларга сарфланган товарларнинг сотиш баҳолари устига маълум миқдордаги умумий овкатланиш устамасини кўйиш йўли билан топилади

Мисол учун: Сотиб олинган бир дона тухумнинг таннархи 400 сўм, унга кўйилган савдо устамаси 20 фоиз, умумий овкатланиш фоизи 25 фоиз дейлик. 2 та тухумдан тайёрланган омлетнинг сотиш баҳоси 1200 сўмдан иборат бўлади, яъни:

[(2*400 + 800*20/100) * 1,25] = 1200 сўм

Умумий овкатланиш корхоналарида тайёр овкатларнинг сотиш баҳоларини аниклаш калькуляция варакачаларини тузиш йўли билан топилади. Калькуляцион варака кўйида келтирилган шакл ва мазмунда тузилади.

Ташкилот – *«Истиқлол» фирмаси*

Бўлинма -*кафе «Тамилла»*

- СОНЛИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ВАРАКАЧАСИ

Таом номи - **палов**

Рецептура тўпламининг раками *94/2019*

Махсулот чиқиши - *50/300 гр.*

Т/р	Масаллиқ номи	Улчов бир-лити	Меъ-ёр	Баҳоси	Сумма
1	Кора мол гўшти	Кг	11,3	40000	452000
2	Гуруч	Кг	10	12000	120000
3	Пиёз	Кг	3	2000	6000
4	Сабзи	Кг	10	3000	30000
5	Усимлик ёғи	Кг	3	13000	39000
6	Туз, зироварлар	Кг	0,5	5000	2500
	Жами 100 бирликка				**649 500**
	1 бирликнинг ўр-тача сотиш баҳоси				***6 495***

«Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари»га мувофиқ тайёр овқатларга калькуляция варақачаларини тузиш мажбурий ҳисобланмайди. Калькуляцион варақачаларни ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш баҳоларини чамалаш учун тузадилар. Калькуляцион варақачалар одатда, таомларнинг турлари бўйича уларнинг 100 бирлигига тузилади. Калькуляция варақачаларни тузишга 100 порция таомнинг рецептураси, унинг чиқиш фоизи, сарфланадиган масаллиқларнинг савдо ва умумий овқатланиш устамалари билан биргаликда топилган сотиш баҳолари асос бўлади. Калькуляция варақачалари асосида топилган сотиш баҳолари умумий овқатланиш корхонаси томонидан тузиладиган меню да кўрсатилади.

18.2. Умумий овқатланиш корхоналарида товар операцияларни ҳужжатлаштириш ва улар бўйича ҳисоботни тузиш

Умумий овқатланиш корхоналарида товар операцияларини ҳужжатлаштириш ва моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботларини тузиш ушбу корхоналарнинг ички тузилмаларига, улар бўйича белгиланган моддий жавобгарликка ва бошқа омилларга боғлиқ. Махсус омборлар, музлаткич хоналари, отхоналари, савдо заллари ва буфетлари бўлган йирик умумий овқатланиш корхоналарида товар операцияларини ҳужжатлаштириш ва моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботларини тузиш ушбу бўлинмалар бўйича алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Кичик умумий овқатланиш корхоналарида товар операциялари корхона бўйича умумий ҳолда амалга оширилади, жумладан барча ички алмашув операциялари битта моддий жавобгар шахс томонидан турли ҳужжатларсиз олиб борилади, масалан

шахс томонидан турли ҳужжатларсиз олиб борилади, масалан товарларни омбордан ошхонага ёки буфетга берилиши ва шу каби бошқа операциялар.

Таъминотчилардан товарлар счёт-фактуралар, кузатув ва сифат ҳужжатлари асосида сон ва сифат жиҳатидан кирим қилинади. Ҳисобдор шахсларга махсулотларни бозордан сотиб олиш учун олдиндан бўнак кассадан берилади. Олинган бўнак ва сотиб олинган махсулотлар бўйича ҳисобдор шахслар бўнак ҳисоботи тузадилар. Бўнак ҳисоботига бозордан харид қилинган махсулотларни харид далолатномаси, болор маъмурнятининг нархлар тўғрисидаги маълумотномалари илова қилинади. Ҳисобдор шахслар харид қилган қишлоқ хўжалик махсулотларини омборга ёки ошхонага топширадилар.

Омбор хўжалиги мавжуд корхоналарда кирим қилинган товар моддий бойликларнинг омбор ҳисоби сотиб олиш баҳоларида савдо устамалари билан биргаликда олинган баҳоларда омбор ҳисоби варакачаларида ёки китобида юритилади. Омбордан товарлар ошхонага ва буфетга "Олиш варақаси" ёки ички юкхати билан берилади. Омбор хўжалиги бўлмаган ва корхона бўйича ягона моддий жавобгар шахс белгиланган ҳолларда бундай ҳужжатларни тузиш зарурияти бўлмайди. Омбордан товарлар ошхонага бош ошпазнинг талабномасига кўра коракли миқдорда берилади. Омбор мудири ўз маъсулиятида бўлган товар-моддий бойликларлар учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Корхона рахбарияти омбор мудири жавобгарлигида бўлган бойликлар бутлигини назорат қилиш максадида белгиланган муддатларда уларнинг инвентаризациясини ўтказиб туриши лозим. Омбордаги товар моддий бойликларнинг инвентаризациясини ўтказиш тартиби ва расмийлаштирилиши улгуржи савдо корхоналаридаги тартибга тўлиқ ўхшайди. Инвентаризация натижасида камомадлар аниқланганда товарларнинг бузилиши, табиий камайиши ҳисоб-китоблари тузилади. Омбор мудирлари корхонада белгиланган муддатларда икки нусхада товар ҳисоботини тузадилар. Бу ҳисобот ҳам худди улгуржи савдодагига тўлиқ ўхшайди. Товар ҳисоботига барча кирим ва чиқим ҳужжатлар илова қилинади ва бухгалтерияга топширилади. Товар ҳисоботи ва унга илова қилинган ҳужжатлар омбор бўйича товар операциялари ҳисобини юритишга асос бўлади.

Ошхоналарга товар моддий бойликлар омборлардан шунингдек, бевосита ҳисобдор шахслардан кирим қилинади. Ошхонага овқат тайёрлаш учун керак бўлган масалликлар, махсулотлар бош ошпазнинг талабномасига қараб берилиши лозим. Омбордан бош ошпазнинг талабномаси асосида берилган ёки бевосита ҳисобдор шахслардан кирим қилинган товар моддий бойликларига юк хати тўлдирилади. Ошхонада козонларда тайёрланаётган овқатлар ҳисобга олинмаиди,

яъни ишлаб чиқариш ва тугалланмаган ишлаб чиқариш алоҳида хисобга олинмайди. Тайёр маҳсулотлар ошхонадан хизмат залига буюртма, счёт ёки официант вараги, чек , чипталар билан берилади. Кун охирида ошхонадан залга берилган овқатлар миқдори юқоридаги хужжатлар асосида топилади. Ошхонада сувок бўлмаган овқатлар буфетларга юкхати ёки олиш варакалари орқали берилади. Ошхонадан ўз ходимларига берилган овқатлар таркатиш қайдномаси билан расмийлаштирилади, ой тугагач таркатиш қайдномаси бош ошпазнинг хисоботига илова этилиб бухгалтерияга топширилади. Ошхонада тайёр овқатлар майда улгуржи тарзда хам сотилиши мумкин (болалар муассасалари, ўқув юртлари, шифохоналар ва бошқаларга). Майда улгуржи тарзда сотилган тайёр овқатларга харидор тамонидан берилган ишонч қогози асосида счёт-фактура расмийлаштирилади. Тайёрланган, лекин сотилмасдан колган ва истеъмолга яроксиз бўлиб колган овқатлар кейинги кунда сотилиши мумкин эмас. Бундай овқатлар "Тайёр таомларни хисобдан чиқариш далолатномалари" билан расмийлаштирилади ва сотилмаган овқатлардан кўрилган зиён корхона зарарига олиб борилади. Бош ошпаз белгиланган муддатларда барча кирим ва чиким хужжатлари асосида тузилган товар хисоботи ёки товар - пул хисоботини икки нусхада тузади ва бир нусхасини бирламчи хужжатлар билан бирга корхона бухгалтериясига такдим этади..

Буфетга товарлар омбордан ва ошхонадан берилади. Омбордан ва ошхонадан кирим қилинган маҳсулотларга юк хати тўлдирилади. Буфетдан товарлар фақат нақд сотилади. Сотиш ҳажми, чеклар, счетлар, чипталар билан тасдикланади Буфетчи хам белгиланган муддатларда товар-пул хисоботини икки нусхада тузади. Ошхона ва буфет бўлинмалари ажратилмаганда товар хисоботи ёки товар -пул хисоботи умумий холда тузилади

18.3.Умумий овкатланиш корхоналарида товар операцияларнинг бухгалтерия хисоби

Умумий овкатланиш корхоналари омборларида товар моддий бойликларнинг хисоби 2910 «Омбордаги товарлар»да хисобга олинади.

Умумий овкатланиш корхоналари омборларидаги товарлар умумий овкатланиш устамаларисиз хисобга олинади. Таъминотчилардан, хисобдор шахслардан кирим қилинган товарларнинг сотиб олиш баҳосидаги қийматига қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»,
4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»

Кирим қилинган товарлар қиймати устига қўйилган савдо устамаси суммасига:

Дебет 2910 «Омбордаги товарлар»

Кредит 2980 «Омбордаги товарларга қўйилган савдо устамалари»

Товарларни омбордан ошхонага берилишига ички юкхати, олиш варақалари асосида уларнинг савдо устамалари билан биргаликдаги хисоб кийматига куйидаги ёзув қилинади:

Дебет 2920 «Ошхонадаги товарлар»

Кредит 2910 «Омбордаги товарлар»

Умумий овкатланиш корхоналари ошхоналаридаги товар моддий бойликларнинг хисоби 2920 «Ошхонадаги товарлар «да хисобга олинади

Ошхонага юк хатига асосан омборлардан ва хисобдор шахслардан кирим қилинган товарлар қиймати устига қўйилган умумий овкатланиш устамаси суммасига:

Дебет 2920 «Ошхонадаги товарлар»

Кредит 2981 «Умумий овкатланиш устамаси

Ошхоналардан тайёр овкатлар сотилиши ва турли чиқими бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

•*нақд пулга сотилганда:*

Дебет 5010 «Касса»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

•*овқатлар пластик карточкалар орқали сотилганда:*

Дебет 5710 «Йўлдаги пул маблағлари»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

•*ходимларга тарқатилган овқатларни сотиш қийматига:*

Дебет 6710 «Ит хаки бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар».

•*товарларнинг чипталар бўйича сотилишига:*

Дебет 4030 «Буюртмачилар билан чипталар бўйича хисоб-китоблар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

•*майда улгуржи тарзда бошқа муассасаларга берилган товарларга:*

Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

•*тайёр овқатларнинг бепул берилишига:*

Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Буфетларга омборлардан ва ошхонадан кирим қилинган товарлар қиматига:

Дебет 2921 «Буфетдаги товарлар»

Кредит 2910 «Омбордаги товарлар», 2920 ««Ошхонадаги товарлар»

Буфетга кирим қилинган товарлар қиймати устига қўйилган умумий овқатланиш устамаси суммасига:

Дебет 2921 «Буфетдаги товарлар»

Кредит 2981 «Умумий овқатланиш устамаси».

Умумовқатланиш корхоналарида худди чакана савдо корхоналари сингари хар бир сотилган товарларнинг, овқатнинг таннархини сотиш пайтида аниклаб бўлмайди. Сотилган товарларнинг таннархини аниклаш учун ой охирида сотилган ва колдик товарларга тўғри келадиган савдо ва умумий овкатланиш устамалари хисоб-китоби тузилади. Ушбу хисоб-китоб шакл ва мазмуни жихатдан чакана савдо корхоналарида тузиладиган хисоб-китобга тўлиқ ўхшайди. Хисоб-китоб асосида топилган сотилган товарларга тўғри келувчи савдо ва умумий овкатланиш устамаси суммаси соф тушумдан чегирилгач, колган сумма сотиш таннархини беради, яъни:

$$Ст = Сст - Сту$$

Бу ерда: Ст- сотиш таннархи;

Сст- сотишдан тушган соф тушум;

Сту- сотилган товарларга тўғри келувчи устама

Сотилган товарларнинг таннархи қуйидагича хисобдан чиқарилади:

Ошхона бўйича:

•сотилган товарларнинг сотиш кийматига:

Дебет 9120 «Ошхонадан сотилган товарлар таннархи»

Кредит 2920 «Ошхонадаги товарлар»

•сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамасига:

Дебет 2981 «Умумий овкатланиш устамаси»

Кредит 9120 «Ошхонадан сотилган товарлар таннархи»

Буфет бўйича:

•сотилган товарларнинг сотиш кийматига:

Дебет 9121 «Буфетдан сотилган товарлар таннархи»

Кредит 2921 «Буфетдаги товарлар»

•сотилган товарларга тўғри келадиган умумий овкатланиш устамасига:

Дебет 2981 «Умумий овкатланиш устамаси»

Кредит 9121 «Буфетдан сотилган товарлар таннархи»

Умумий овкатланиш корхоналарида товар ва идишларнинг аналитик хисоби хар бир моддий жавобгар шахс бўйича юритилади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Умумий овкатланиш устамаси – бу товар ва масалликларнинг чакана баҳоси устига қўйиладиган қўшимча ҳақ.

Тайёр овқат чакана сотиш баҳосини калькуляция килиш – бу тайёр овкатлар бир бирлигини сотиш баҳосини аниклаш

Умумий овкатланиш корхонасининг ялпи товар айланмаси – бу товарларни чакана ва улгуржи сотишнинг пул бирлигидаги ҳажми.

Товар ва идишлар харакати тўғрисида хисобот – омбор мудирлари томонидан товар ва идишларнинг давр боши ва охиридаги колдиги, шунингдек уларнинг кирими ва чикими тўғрисида пул бирлигида тузиладиган хисобот.

Товар-пул хисоботи - савдо зали мудири ва буфет мудири томонидан товарлар, идишлар ва савдо тушуми тўғрисида пул бирлигида тўғрисида тузиладиган хисобот.

ЎЗ–ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ

1. Колбасанинг сотиб олиш баҳосидаги киймати (таннархи) – 24000 сўм, савдо устамаси 25%, умумий овкатланиш устамаси 30%. Колбасанинг сотиш баҳоси киймати канча?

а) 30000 сўм б) 31200 сўм
в) 39000 сўм г) Тўғри жавоб йўк

2.Омбордан товарларнинг ошхонага берилиши кандай хужжат билан расмийлаштирилади?

а) Счёт –фактура тузилади б) Талабнома тузилади
в) Ички юк хати тузилади. г) Тўғри жавоб йўк

3.Ошхона ва буфетлардан махсулотларнинг пакд сотилиши кайси хужжат билан расмийлаштирилади?

а) Счёт-фактура билан б) Далолатнома билан
в) Тўгри жавоб йўк г) Касса чеки ёки касса кирим ордери билан

4. Ошхона ва буфетлардан махсулотлар кредитга

а)) сотилмайди
б.) 1 йил муддатга сотилади

в) 1 йил муддатгача сотилади.
г) тўғри жавоб йўқ

5.Моддий жавобгар шахсларга хисобот топшириш мудлатини ким белгилайди?
а) Корхона рахбари
б) хокимият
в) тармок вазирлиги
г) Вазирлар Маҳкамаси

6.Умумий овкатланиш корхоналарида товарлар хисоби 2920 счётда юритилади:
а) узликсиз тизим бўйича
б) хоҳлаган тизим бўйича
в) даврий тизим бўйича
г) Барча жавоблар тўғри

7.Сотилган товарларга тўғри келувчи умумий овкатланиш савдо устамасига ёзув киринади:
а) Дебет 2980 Кредит 9020
б) Дебет 2980 Кредит 9120
в) Дебет 9020 Кредит 2980
г) Дебет 2980 Кредит 2920

19-боб. САВДО КОРХОНАЛАРИДА ДАРОМАДЛАР, ХАРАЖАТЛАР ВА ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

19.1.Савдо корхоналарида даромадлар хисоби

Сотишдан олинган даромадларнинг хисоби. Савдо ва умумий овкатланиш корхоналарининг товарларни сотишдан олинган даромадлари 21-сон БҲМСга мувофик 9020 "Товарларни сотишдан олинган даромадлар"счётининг кредит айланмасидан 9040 "Сотилган товарларнинг кайтарилиши" ва 9050 "Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар" счётларининг дебет айланмалари суммаларини айириш йўли билан топилади.

Сотилган товарларниш кайтарилиши ва харидорларга берилган чегирмалар улар юз берган хисобот даврида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 9040 "Сотилган товарларнинг кайтарилиши",

9050 "Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар"

Кредит 4010 «Харидорлардан олинадиган счетлар».

Сотилган товарларнинг кайтарилиши ва харидорларга берилган чегирмаларни хисобга олувчи счётларнинг ёпилиши хисобот даври охирида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад»

Кредит 9040 "Сотилган товарларнинг кайтарилиши",

9050 "Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар".

Хисобот даври охирида сотишдан олинган соф тушумнинг якуний молиявий натижалар счётига ёпилишига куйидагича ёзув киритилади:

Дебет 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад»

Кредит 9910 "Якуний молиявий натижа".

Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадларнинг хисоби. Савдо ва умумий овкатланиш корхоналарининг асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлари 21-сон БҲМСга мувофик куйидаги счётларда хисобга олинади:

9310 "Асосий воситаларнинг чикимидан олинган фойда" – бу счётда савдо корхоналари ўзларининг асосий воситаларини сотишдан ва бошка чикимларидан олган фойдасини хисобга олишда фойдаланадилар. Счётнинг кредитида ошинган фойда йил мабойнида тўпланиб боради. Ушбу фойда асосий воситаларнинг сотиш кийматидан уларнинг колдик кийматини айиргандан колган сумма, шунингдек олдинги даврларда амалга оширилган кайта бахолашдан вужудга келган резерв капитали суммасидан иборат бўлади. Ушбу фойда суммаси бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади.

Дебет 9210 "Асосий воситаларнинг чикими"

Кредит 9310 "Асосий воситаларнинг чиқимидан олинган фойда".

9320 "Бошқа активларни чиқимидан олинган фойда" - бу счётда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ўзларининг турли бошқа активларини (материаллар, хўжалик инвентарларини, номоддий активлари ва шу кабилар) сотишдан ва бошқа чиқимларидан олган фойдасини хисобга олишда фойдаланадилар. Счётнинг кредитида олинган фойда йил мабойнида тўпланиб боради. Ушбу фойда бошқа активларнинг сотиш қийматидан уларнинг таннархини (қолдиқ қийматини) айиргандан колган суммадан иборат бўлади ва унга бухгалтерия хисобида қуйидагича ёзув берилади:

Дебет 9220 "Бошқа активларнинг чиқими

Кредит 9320 "Бошқа активларни чиқимидан олинган фойда".

9330 " Ундирилган жарималар, пенялар ва бокимандалар" - ушбу счётнинг кредитида турли хўжалик шартномалари шартларини бузилиши натижасида, шунингдек кўрсатилган зарарларни копланиши эвазига олинган даромад (фойда) суммаси акс эттирилади.

9350 "Қиска муддатли ижарадан олинган даромадлар" – ушбу счётнинг кредитида киска муддатли ижарадан олинган даромад суммаси 4820 "Киска муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар" счёти билан корреспонденциялашган ҳолда акс эттирилади

9360 "Кредиторлик ва депонентлик карзларни хисобдан чикарилишидан олинган даромадлар" – ушбу счётнинг кредитида муддатида (3 йилдан ошик муддатда) ундириб олинмаган карзларни корхона фойдасига ўтказишдан олинган даромадлар мос равишда кредиторлик карзларни акс эттирувчи счётлар (6010,6110,6710,6720, 6910-6990 ва бошкалар) билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади

9380 "Қайтарилмайдиган молиявий ердам" - ушбу счётнинг кредитида турли юридик ва жисмоний шахслардан кайтариб бермаслик шарти билан олинган молиявий ёрдам суммалари акс эттирилади. Бунда олинган ёрдамнинг турини акс эттирувчи счётлар, масалан, 5010 "Касса", 5110 "Хисоб-китоб счёти", 0100 "Асосий воситалар счети", 1000 "Материаллар счёти" ва бошка счётлар дебетланади.

9390 "Бошка операцион даромадлар"- ушбу счётнинг кредитида юкорида келтирилган счётларга олиб борилмаган бошка операцион даромадлар, масалан инвентаризацияда аниклланган ортикчалар, турли коплама суммалар ва бошкалар, акс эттирилади. Бунда мос равишда ТМЗ ва пул маблағларини акс эттирувчи счётлар (0100,1000, 2800, 2900, 5000 ва бошкалар) дебетланади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг хисоби. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг молиявий фаолиятидан

олинган даромадлари 21-сон БҲМСга мувофик куйидаги счётларда хисобга олинади:

- 9510 "Роялти кўринишидаги даромадлар"
- 9520 "Дивидендлар кўринишидаги даромадлар"
- 9530 "Фоизлар кўринишидаги даромадлар"
- 9540 "Валюта курслари фаркларидан олинган даромадлар"
- 9550 "Узок муддатли ижарадан олинган даромадлар"
- 9560 "Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар"
- 9590 " Молиявий фаолиятдан олинган бошка даромадлар"

Утибу счётларнинг кредитида номлари юкорида зикр этилган даромадларнинг турлари хисоблаш тамойилига мувофик олдинги бобларда акс эттирилган тартиблар сингари акс эттирилади.

Фавкулотдаги даромадларнинг хисоби. 21-сон БҲМСга мувофик фавкулотдаги даромадларнинг хисоби 9710 "Фавкулотдаги фойда" счётининг кредитида хисобга олинади. Бунда фавкулотда олинган ёки хисобланган фойданинг турини курсатувчи счётлар (0100, 0400, 0700, 1000, 2900 ва бошка счетлар) дебетланади.

Барча даромадларни хисобга олувчи счётлар хисобот даври охирида 9910 "Якуний молиявий натижа" счетининг кредитига ёпилади ва шу асосда улар ёпилади.

19.2. Савдо корхоналарида харажатлар хисоби

Сотиш таннархига киритилган харажатлар хисоби. Савдо корхоналарида сотиш таннархига киритилган харажатлар деганда сотилган товарлар таннархини ташкил килувчи харажатлар тушунилади. Бу кўрсаткични аниклаш тартиби улгуржи савдо ва чакана савдо корхоналарида бир-биридан фарк килади.

Улгуржи савдо корхоналарида товарлар сотиб олиш таннархи бўйича узлуксиз тизим асосида хисобга олиниши сабабли сотиш таннархига киритилган харажатларни хар бир сотиш бўйича аниклаш имкони мавжуд бўлади. Счёт-фактуралар асосида сотилган товарларни омбор мудирлари жавобгарлигидан сотиб олиш киймати (таннархи)да чикарилади хамда унга куйидагича ёзув килинади:

Дебет 9120 «Сотилган товарлар таннархи»

Кредит 2910 «Омбордаги товарлар».

Чакана савдо ва умумий овкатланиш корхоналарида товарларни савдо устамалари билан биргаликда хисобга олиниши, шунингдек товарларнинг узликсиз тизимини сотиш жараёнида кўллашнинг имконияти бўлмаганлик сабабли сотиш таннархига киритиладиган

харажатларни, яъни сотилган товарларнинг таннархини сотиш пайтида аниклаб бўлмайди. Шунинг учун ой охирида сотилган товарларнинг таннархи (Ст) товарларни сотишдан олинган даромад (Сд) суммасидан сотилган товарларга тўгри келалнган савдо ва умумий овкатланиш устамалари (Су)ни айириш оркали топилади, яъни:

$$Ст = Сд - Су$$

Чакана савдо ва умумий овкатланиш корхоналарида сотиш таннархига киритилган харажатлар ёки сотилган товарларнинг таннархи куйидаги кетма-кетликда топилади:

Биринчидан, 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» счётининг кредит оборота асосида накд пулга, кредитга, майда улгуржи тарда, иш хаки хисобидан ва бошка сотиш турларидан олинган даромад суммаси аникланади.

Иккинчидан, 2980 «Савдо устамаси» счётининг кредитида акс эттирилган колдик товарларга тўгри келувчи ва кирим килинган товарларга кўйилган савдо устамалари асосида сотилган товарларга тўгри келувчи савдо устамасининг микдори махсус хисоб-китоб оркали топилади. Ушбу хисоб-китоб барча савдо шахобчалари бўйича куйидаги тарда амалга оширилади (19.1-жадвалга каранг).

19.1-жадвал

Сотилган товарларга тугри келадиган савдо устамаларининг хисоб- китоби

№	Савдо дўкон	Савдо устамаси (2980-счет)			Сотилган товарлар суммаси (9020-счетнинг кредит оборoти)
		Бош колдик (кредит)	Кирим килинган товар-ларга кўйилган устама (кредит оборот)	Жами (1К2)	
А	Б	1	2	3	4
1	«Хўжалик товарлари»	600000	3000000	3600000	16000000
2	«Озик –овкатлар»	500000	5000000	5500000	28000000
	Шу каби бошкалар				
	Жами	**1100000**	**8000000**	**9100000**	**44000000**

Ой охири-даги товарлар суммаси (2920-счётнинг колдиси)	Жами товарлар суммаси (4+5)	Савдо устамаси-нинг ўртача фоизи (3/6*100)	Колдиқ товарларга тўғри келадиган савдо устамаси (7*5/100	Сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамаси (3-8)
5	6	7	8	9
4000000	20000000	18%	720000	2880000
5000000	33000000	16,7 %	835000	4665000
900000	**53000000**	**17,28%**	**1555000**	**7545000**

Учинчидан, сотишдан олинган даромад суммасидан сотилган товарларга тўғри келувчи савдо устамасини айириш орқали сотилган товарларнинг таннархи аниқланади. Юқорида келтирилган маълумотлар бўйича ушбу сумма 36455000 сўмни ташкил килган (44000000-7455000).

19.1-жадвалда келтирилган хисоб- китобларга асосан сотилган товарларнинг таннархи 21- сон БҲМС га мувофик счётларда қуйидагича акс эттирилади.

•*Сотилган товарларни сотиш баҳоларида ҳисобдан чиқарилишига*

Дебет 9120 «Сотилган товарлар таннархи» - 44000000

Кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар» - 44000000

•*Сотилган товарларга тўғри келувчи савдо устамаси суммасига*

Дебет 2980 «Савдо устамаси» -7545000

Кредит 9120 «Сотилган товарлар таннархи» - 7545000

9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счётининг дебет ва кредит оборотларининг фарки (бизнинг мисолда 36455000 сўм) жами сотилган товарларнинг таннархини билдиради ва ушбу сумма корхонанинг охирги молиявий натижаларини акс эттирувчи 9910 «Охирги молиявий натижа» счётга ўтказилади, яъни:

Дебет 9910 «Охирги молиявий натижа» -36455000

Кредит 9120 «Сотилган товарлар таннархи» - 36455000

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида сотиш таннархига киритиладиган харажатлар, яъни сотилган товарлар таннархи даврий хисоб тизимида бошқача тартибда хам аниқланиши мумкин. Ушбу тартибга кўра савдо корхонасида 9120 "Сотилган товарларнинг таннархи" кўлланилмайди, унинг ўрнига 9140 "Даврий хисоб усулида ТМБ ни сотиб олиш" ва 9150 "Даврий хисоб усулида ТМБ бўйича тузатишлар" вактинчалик счётларидан фойдаланилади. Товарларни сотиб олиниши таннархи бўйича дастлаб 9140 "Даврий

хисоб усулида ТМБ ни сотиб олиш" счётининг дебетида ва 6010 «Таъминочиларга тўланадиган счётлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Ой охирида инвентаризация қилиш йўли билан товарларнинг хаккоий қолган қолдиғи топилади. Топилган охирги қолдик суммаси 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётининг бош қолдиги билан таккосланади ва аниқланган фарк 9150 "Даврий хисоб усулида ТМБ бўйича тузатишлар" счётида акс эттирилади. Чунончи, охирги қолдик суммаси бош қолдик суммасидан кўп бўлса, у холда фарк суммасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар»

Кредит 9150 "Даврий хисоб усулида ТМБ бўйича тузатишлар".

Агар охирги қолдик суммаси бош қолдик суммасидан кичик бўлса, у холда фарк суммасига қуйидагича ёзув киритилади:

Дебет 9150 "Даврий хисоб усулида ТМБ бўйича тузатишлар".

Кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар»

Хисобот даври охирида 9140 "Даврий хисоб усулида ТМБ ни сотиб олиш" счётининг дебетида тўпланган, шунингдек 9150 "Даврий хисоб усулида ТМБ бўйича тузатишлар" счётининг дебети ёки кредитида тўпланган сумма тўлиғича 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади. Бунда **Дебет** 9910 «Якуний молиявий натижа» **Кредит** 9140 "Даврий хисоб усулида ТМБ ни сотиб олиш" ва 9150 "Даврий хисоб усулида ТМБ бўйича тузатишлар" ёзувлари суммаларининг йиғиндиси жами сотиш таннархига киритилган харажатлар яъни сотилган товарлар таннархи суммасини ифодалайди. Агар товарларнинг ой охиридаги қолдиғи ой бошидаги қолдиғидан катта бўлса, бу холда сотилган товарлар таннархи Дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» Кредит 9140 "Даврий хисоб усулида ТМБ ни сотиб олиш" ёзуви суммасидан Дебет 9150 "Даврий хисоб усулида ТМБ бўйича тузатишлар" Кредит 9910 «Якуний молиявий натижа» ёзувининг суммасини айириш орқали топилади.

Давр харажатларининг хисоби. Савдо корхоналарида давр харажатларига товарларни сотишга, маъмурий-бошқарувга ва бошка операцион фаолиятига доир харажатлар киради.

21-сон БҲМС га мувофик савдо корхоналарининг давр харажатларининг хисоби бошка корхоналар сингари қуйидаги счётларда олиб борилади:

9410 "Сотиш харажатлари"- ушбу счётнинг дебетида йил мобайнида сотишга доир харажатлар (реклама харажатлари, сотиш билан боғлик ходимларнинг иш хаки, ижтимоий суғуртага ажратмалар, амортизация харажатлари, ташиш ва бошка шу каби сотиш билан боғлик харажатлар) акс эттирилади. Харажатларнинг аник турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг

кредитида (5110, 5010, 6710, 6520, 6990 ва бошка счётлар) акс эттирилади.

9420 "Маъмурий-бошқарув харажатлари"- ушбу счётнинг дебетида йил мобайнида бошқарувга доир харажатлар (иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, амортизация харажатлари, сафар харажатлари, телефон алоқаси ва бошка шу каби бошқарув билан (боғлиқ харажатлар) акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (0200, 0500, 1000, 5110, 5010, 6710, 6520,6990 ва бошка счётлар) акс эттирилади.

9430 "Бошка операцион харажатлар" - ушбу счётнинг дебетида йил мобайнида савдо корхоналарининг сотиш ва бошқарувдан ташқари умумфаолиятига доир давр харажатлари (моддий ёрдам, компенсацион тўловлар, мулкни сотишдан ва беришдан кўрилган зарарлар, турли хизматлар ва бошка шу каби операцион харажатлар) акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (1000, 5110, 5010, 6400, 6710, 6520, 6990, 9210, 9220 ва бошка счётлар) акс эттирилади.

Молиявий фаолиятга доир харажатлархисоби. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг молиявий фаолиятга доир харажатларига қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш, валюта операциялари, кредит ва қарзларни олиш, узоқ муддатли ижарага доир ва бошка молиявий фаолиятга тааллуқли харажатлар киради. 21-сон БҲМС га мувофиқ савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг молиявий фаолиятга доир харажатлари ҳисоби қуйидаги счётларда олиб борилади:

9610 "Фоиз кўринишидаги харажатлари"- ушбу счётнинг дебетида йил мобайнида савдо корхоналари томонидан олинган қарзлар ва кредитларга доир ҳисобланган харажатлар, шунингдек узоқ муддатли ижара учун тўловлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва 6920 "Ҳисобланган фоизлар" счётининг кредитида акс эттирилади.

9620 "Валюта курс фарклaридан кўрилган зарарлар"- ушбу счётнинг дебетида йил мобайнида савдо корхоналари балансининг валюта моддаларини ифодаловчи счётларга доир операциялар бўйича курслар ўртасидаги салбий фарклардан кўрилган зарарлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу зарарларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (4010, 4310, 5020, 5210, 5220, 6010, 6310 ва бошка счётлар) акс эттирилади.

9630 "Қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш бўйича харажатлар" - ушбу счётнинг дебетида йил мобайнида савдо корхоналарида акция ва бошка қимматли қоғозларни чиқариш ва

жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (1000, 5110, 5010, 6710, 6520, 6990 ва бошқа счётлар) акс эттирилади.

9690 "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар"- ушбу счётнинг дебетида йил мобайнида савдо корхоналарининг молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлари, масалан молиявий инвестицияларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар ва бошқа харажатлар акс эттирилади. Харажатларнинг аниқ турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (0600, 5800, 6990 ва бошқа счётлар) акс эттирилади.

Фавқулотдаги зарарлар хисоби. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида фавқулотдаги зарарлар хисоби 21-сон БҲМСга мувофиқ 9720 "Фавқулотдаги зарарлар" счётининг дебетида хисобга олинади. Бунда фавқулотдаги ходисалардан кўрилган зарарларни кўрсатувчи счётлар, масалан, 0100, 0400, 0700, 1000, 2900 ва бошқа счётлар кредитланади.

Йил охирида сотиш таннархига киритилган харажатлар, давр харажатлари, молиявий фаолиятдан олинган харажатлар, фавқулотдаги зарарлар хисоби счётларининг дебетида тупланган сумма уларнинг кредитига ва 9910 "Якуний молиявий натижа" счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда улар ёпилади.

19.3. Савдо корхоналарида якуний молиявий натижаларнинг хисоби

Савдо корхоналари фаолиятининг якуний молиявий натижаларини ифодаловчи фойда (зарар)лар кўрсаткичлари бошқа турдаги корхоналардагидек «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га мувофиқ аниқланади. Фақат, хар бир фойда кўрсаткичини топишда бевосита савдо фаолиятига доир кўрсаткичлар асос килиб олинади. Чунончи, савдо корхоналарида товарларни сотишдан олинган фойда (Фс) ёки зарар (Зс) соф тушумдан (Ст) сотилган товарлар таннархини (Тс) айириш орқали топилади, яъни:

Фс (Зс) к Ст – Тс, мос равишда

Фс к агар Ст > Тс, Зс к агар Ст< Тс

Савдо корхоналарининг асосий ва умумхўжалик фаолияти турларидан олган фойдаси (зарари), шунингдек соликкача фойдаси (зарари) барча тармоқ корхоналаридаги сингари яхлит белгиланган тартибда аниқланади. Уларнинг соф фойдаси (Сф) ёки соф копланмаган

зарари (Сз) соликкача фойда (Фст)еки зарар (Зст) суммасидан ягона солик тулови (Яст) суммасини айириш оркали топилади, яъни:

Сф (Сз) = Фст (Зст) –Яст

21-сон БҲМС га мувофик савдо корхоналарида хисобот йилнинг солик тулагунгача кадар фойдаси (зарари)ни топиш барча даромад ва харажатларни 9910 "Якуний молиявий натижа" счётида акс эттириш ва ушбу счётнинг дебет ва кредит оборотлари суммасини таккослаш йули билан амалга оширилади. Жумладан, даромадларни акс эттирувчи барча счетлар (9010-9030, 9310-9390, 9510-9590, 9710) нинг кредитида тупланган сумма йил охирида 9910 счётнинг кредитига, харажатларни акс эттирувчи барча счётлар (9110-9130, 9410-9430, 9610-9690, 9720)нинг дебетида тупланган сумма йил охирида 9910 счётнинг кредитига ўтказилади, яъни:

Дебет 9020, 9310-9390, 9510-9590 , 9710 **Кредит** 9910

Дебет 9910 **Кредит** 9120, 9410-9430, 9610-9690, 9720.

Агар, 9910 "Якуний молиявий натижа" счётининг кредит айланмаси дебет айланмасидан катта бўлса, у хисобот йилида савдо корхонаси солик тўлагунгача кадар фойдага, дебет айланмаси кредит айланмасидан катта бўлса, у холда савдо корхонаси солик тўлагунгача кадар зарарга эришган хисобланади.

Фойдани ишлатилишининг хисоби. 21-сон БҲМС га асосан савдо корхоналарида хисобот йили фойдасининг ишлатилиши 9800 "Соликлар ва йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни хисобга олувчи счётлар"да акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида йил мобайнида хисобланган ягона солик тўлови акс эттирилади. Бунда ушбу солик бўйича бюджет олдидаги карзларни ифодаловчи 6400 "Бюджетга тўловлар бўйича карзлар хисоби счётлари" кредитланади.

Йил охирида 9800 "Соликлар ва йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни хисобга олувчи счётлар"нинг дебетида тўпланган ягона солик тўлови суммаси унинг кредитида ва 9910 "Якуний молиявий натижа" счётининг дебетида акс эттирилади ва шу асосда фойданинг ишлатилиши хисоби счёти ёпилади.

Хисобот йилининг соф фойдаси (зарарлари) таксимланишининг хисоби. 9910 "Якуний молиявий натижа" счётига фойдани ишлатилиши хисоби счётини, яъни 9800 счётни ёпилиши билан савдо корхонасининг хисобот йил якуни бўйича соф фойдаси (копланмаган зарари)ни аниклаш имкони бўлади. Бунинг учун 9910 "Якуний молиявий натижа" счётининг дебет ва кредит айланмалари таккосланади. Ушбу счётнинг кредит айланмасини дебет айланмасидан катта бўлиши савдо корхонасининг соф фойдасини, кредит айланмасидан дебет айланмасини катта бўлиши савдо корхонасининг копланмаган соф зарарини билдиради.

Аникланган соф фойда суммаси 9910 "Якуний молиявий натижа" счётининг дебетига ва 8710 «Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)» счётининг кредитига ўтказилади. Йил якуни бўйича зарар билан чиқилган бўлса, ушбу зарар суммаси 9910 "Якуний молиявий натижа" счётнинг кредитига ва 8710 «Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)» счётининг дебетига ўтказилади. Ушбу ёзув билан 9910 "Якуний молиявий натижа" счёти тўлигича ёпилади.

Ҳисобот йили охирида 8710 «Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)» счётида акс эттирилган соф фойда (копланмаган зарар) таксимланиши ёки таксимланмай қолиши мумкин. Бундай таксимотни амалга ошириш савдо корхоналарининг мулкий ва ташкилий шаклига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Ўртоқчилик жамиятларидаги савдо корхоналарида, масалан, масъулияти чекланган жамиятларда, қўшма корхоналарда, хусусий корхоналарда уларнинг устави ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чиқган холда ҳисобот йилнинг соф фойдаси (копланмаган зарари) таъсисчилар йиғилишининг қарорига асосан таксимланиши ёки таксимланмасдан корхона ихтиёрида жамланган фойда (копланмаган зарар) ҳисобига қолдирилиши мумкин. Бу турдаги савдо корхоналарида таъсисчилар йиғилиши қарорига асосан ҳисобот йилнинг соф фойдасини таксимлаш қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

•*Таъсисчиларга дивиденд (фоиз) кўринишида тақсимланган соф фойда суммасига:*

Дебет 8710 "Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган

зарари) "

Кредит 6610 "Тўланадиган дивидендлар"

•*Корхонанинг резерв капиталига ажратма суммасига:*

Дебет 8710 "Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) "

Кредит 8520 "Резерв капитали"

•*Ҳисобот йилнинг тақсимланмай қолинган соф фойдаси ўтган йилларнинг жамланган фойдасига қўшилса:*

Дебет 8710 "Ҳисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) "

Кредит 8720 "Жамланган фойда (копланмаган зарар)"

Агар ўртоқчилик жамияти ҳисобот йили якуни бўйича зарар билан чиққан бўлса, ушбу зарар суммаси 8720 "Жамланган фойда (копланмаган зарар" счётининг дебетига ўтказилади, яъни:

Дебет 8720 "Жамланган фойда (копланмаган зарар)"

Кредит 8710 "Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)"

Шундай килиб, ўртокчилик жамиятларида хисобот йилнинг охирига 8710 "Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)" счети тўлик ёпилади ва ушбу вактинчалик (транзит) счёт колдикга эга бўлмайди.

Акциядорлик жамиятлари макомидаги савдо корхоналарида 8710 "Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)" счетида тўпланган фойда ёки зарар суммасини акциядорлар йиғилиши карорисиз таксимлаб бўлмайди. Узбекистон Республикаси конунларига мувофик акциядорларнинг умумий йиғилишлари келгуси йилда ўтказилади. Шу сабабли савдо акциядорлик жамиятларида 8710 "Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)" счетида тўпланган фойда ёки зарар суммаси келгуси йилга колдик сифатида ўтказилади, у факат хисобот йили фойдаси (зарари) таксимлангач ёпилади.

ЎЗ –ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ - ЖАВОБЛАРИ

1. Қуйидагиларнинг қайси бири савдо корхонасининг асосий фаолиятидан олинган даромадга олиб борилади?

а) таъсис бадали

б) инвентаризацияда аниклангган ортикчалар

в) товарларни сотишдан олинган даромад

г) мулкни кайта баҳолашда вужудга келган кўшимча киймат

2. Куйидагиларни кайси бири савдо корхонасида молиявий фаолиятдан олинган даромадга киритилади?

а) кредиторларнинг вол кечган карзлари

б) ходимларнинг вол кечган карзлари

в) бепул келиб тушган мулк

г) хеч кайсиси кирмайди

3. Валюта курсларидаги ижобий фарклар?

а) молиявий фаолиятдан олинган даромад

б) кўшилган капитал

в) резерв капиталига олиб борилади

г) тўгри жавоб йўк

4. Куйидагиларнинг кайси бири тўгри

а) сотиш таннархи - бу молиявий фаолиятдан кўрилган зарар

б) туланган фоизлар –бу асосий фаолиятга тааллукли харажатлар

в) давр харажатлари - бу асосий фаолиятга тааллукли харажатлар

г) материални сотишдан кўрилган зарарлар – бу фавкулотдаги зарарлар

5. Уч йилга олдиндан тўланган ижара хаки

а) давр харажати хисобланади

б) асосий фаолиятга доир даромадларни камайтиради

в) келгуси давр харажати хисобланади

г) молиявий фаолиятга доир харажатдир

6. Қуйидагиларнинг кайси бири тўгри

а) сотишдан олинган фойда –бу даромад ва давр харажатлари ўртасидаги фарк

б) сотишдан олинган фойда –бу сотишдан олинган даромад ва сотиш таннархи ўртасидаги фарк

в) сотишдан олинган фойда –бу сотишдан олинган ялпи тушум ва ККС ўртасидаги фарк

г) сотишдан олинган фойда – бу сотиш таннархи ва давр харажатларининг йиғиндиси

20-боб. САВДО КОРХОНАЛАРИДА СОЛИҚЛАР, МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР ВА ТУЛОВЛАР ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

20.1. Савдо корхоналарини солиққа тортиш бўйича давлат сиёсатининг асосий хусусиятлари

Республикамизнинг Солиқ кодексига 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб киритилган ўзгартиришларга мувофиқ савдо ва умумий овқатлантириш корхоналари ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг ихчамлаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Ихчамлаштирилган ягона солиқ тўлови режимида фаолият кўрсатиши учун, шу пайтгача бўлган тартибдан фарқли ўларок, савдо ва умумий овқатлантириш корхоналари 2019 йил 1 январдан кичик бизнес субъектларига киритиш меъёрлари ҳамда соф тушум миқдори бўйича белгиланган талабларга (товарларни сотишдан тушуми 1 млрд сўмгача) мос келиши лозим.

Савдо корхоналари давлатимизнинг солиқ қонунчилигига кўра мақоми ва қоритаётган фаолият турлари бўйича жойлашган жойи ва аҳолисининг сонига қараб, белгиланган ставкаларда ягона солиқ тўлови (ЯСТ)ни тўлайдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПК-4086-сонли қарорга мувофиқ савдо ва умумий овқатлантириш корхоналари 2019 йил 1 январдан бошлаб ЯСТнинг қуйидаги ставкаларда тўлайдилар (20.1-жадвалга қаранг).

20.1-жадвал

Савдо ва умумий овқатлантириш корхоналари учун 2019 йил 1 январдан белгиланган ягона солиқ тўлови СТАВКАЛАРИ

Г/р	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1	Умумий овқатланиш корхоналари	
	жойлашган жойига қараб:	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	8

	бошқа аҳоли пунктларида	6
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	4
	шундан	
	умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	жойлашган жойига қараб белгиланган ставканинг 75%и
2	Чакана савдо сохасидаги солиқ тўловчилар	
2.1	жойлашган жойига қараб:	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
2.2	жойлашган жойидан қатъи назар:	
	алкоголли маҳсулотлар, тамаки маҳсулотлари, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни реализация қилишдан товар оборoти бўйича	4
3	Улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдони амалга оширадиган савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	4
4	Қуйидаги жойларда жойлашган улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари:	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПК-4086-сонли қарорига мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб умумдавлат солиқларини тўловчи савдо ва умумий овқатлантириш корхоналари солиқ даври давомида олган ялпи тушуми миқдорига кўра ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган (6 %лик ставкада – савдо корхоналари учун, 10 %лик ставкада - умумий овқатлантириш корхоналари учун) ёки 20 %лик ставкадаги умумбелгиланган тартибини танлаш ҳуқуқига эга. Чунончи, солиқ даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ортиқ, бироқ уч миллиард сўмдан ошмайдиган савдо ва умумий овқатлантириш корхоналари 2019 йилнинг 1 январидан

қўшилган қиймат солиғини соддалаштирилган ёки умумбелгиланган тартибда хисоблаб чиқарувчилар ва тўловчилар бўлиб хисобланадилар. Қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибини қўллаётган ёки ушбу тартибга ўтган солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтишга хақли эмас.

Қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқаринг ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш учун солиқ тўловчилар солиқ бўйича хисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш тўғрисида ёзма хабарномани қуйидаги муддатларда тақдим этади:

*ўтган йил якунлари бўйича ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошмаган савдо корхоналари - жорий йилнинг 1 февралидан кечиктирмасдан;

*солиқ даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган савдо корхоналари - ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан;

*ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш истагини билдирган савдо корхоналари - хисобот даври бошланишидан бир ой олдин, янги ташкил этилган савдо корхоналари эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунга қадар.

Қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига савдо корхоналари қуйидаги муддатларда ўтадилар:

*ўтган йил якунлари бўйича ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошмаган савдо корхоналари - хисобот йилининг бошидан;

*солиқ даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган савдо корхоналари - ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган ойдан кейинги ойнинг бошидан;

*ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш истагини билдирган савдо корхоналари - хисобот даврининг бошидан, янги ташкил этилганлар эса, фаолиятини бошлаган кундан.

Қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибидан ихтиёрий равишда воз кечилганда солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига хисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига ўтиш тўғрисида ёзма хабарнома тақдим этилган ойдан кейинги ойнинг бошидан ўтади.

Солиқ даври давомида ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошган, қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг

соддалаштирилган тартибини қўллаётган савдо корхоналари ялпи тушуми белгиланган меъёрий миқдордан ошган ойдан кейинги ойнинг бошидан қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига ўтади.

Автомобил ёқилғиларини (бензин, солярка, суюлтирилган ва сиқилган газ) охирги истеъмолчиларга сотувчи автомобилларга ёқилғи қуюш шахобчалари (АЁҚШ) 2002 йилнинг 1 январидан 2018 йилнинг охиригача белгиланган ставкаларда ёқилғи истеъмоли солиғини хам тўловчилари хисобланар эди. Ушбу солик ўрнига улар 2019 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги ставкаларда акциз солиғини тўловчилари бўлиб хам хисобланадилар.

* бензин -1 литри учун 285 сўм/ 1 тоннаси учун 378 480 сўм;

* дизель ёқилғиси - 1 литри учун 285 сўм/ 1 тоннаси учун 346 275 сўм;

* суюлтирилган газ -1 литри учун 285 сўм/ 1 тоннаси учун 540 645 сўм;

* сиқилган газ- 1 куб метри учун 360 сўм

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 27 июндаги "Солик ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5755-сонли фармонига мувофик 2019 йил 1 октябрдан бошлаб:

а) бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилги қуйиш станциялари орқали охирги истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар, ушбу товарларни сотишдан тушумнинг миқдоридан қатъий назар, қўшилган қиймат солиги тўловчилари хисобланади;

б) товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъий назар, қўшилган қиймат солиги тўловчилари хисобланадилар. Бунда товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида хисобга туриши шарт.

Комиссияга қабул қилинган товарлар ва консигнация товарлари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи савдо корхоналари воситачилик хакидан 25 %лик ставка ягона солик тўловини ёки умумбелгиланган давлат соликларини тўловчилари бўлиб хисобланадилар.

Савдо ва умумий овкатлантириш корхоналарида солик тўловларини хисоб-китоб қилиш ва хисобида айрим ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Қуйида уларнинг айримларига тўхталамиз.

20.2.Акциз солиғи хисоб-китоби ва хисоби

Ушбу соликни тўловчилари бўлиб, юкорида таъкидланганидек, бензин, дизель ёкилғиси ва газни ёкилғи куйиш станциялари оркали охирги истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар хисобланади.

Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш чоғида реализация килинган ҳамда шахсий эхтиёжлар учун фойдаланилган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг натурал холида ифодаланган ҳажми солиқ солинадиган база хисобланади

Акциз солиғи суммаси реализация қилинган ҳамда шахсий эхтиёжлар учун фойдаланилган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг натурал холида ифодаланган ҳажмини белгиланган акциз солиғи ставкасига кўпайтириш оркали топилади.

Акциз солиғининг хисоб-китоби автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда солиқ даврдан кейинги ойнинг 10-куниидан кечиктирмай тақдим этилади

Бензин, дизель ёкилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация килишда акциз солиғи суммаси реализация килинадиган бензиннинг, дизель ёкилғисининг ва газнинг нархида хисобга олинади. Айтайлик, 1 литр А-80 бензиннинг белгиланган сотиш нархи 4000 сўм. 1 литр бензиннинг ушбу сотиш бахоси таркибан қуйидагилардан ташкил топади:

*285 сўм - акциз солиғи;

*3715 сўм (4000-285) – бензиннинг сотиб олиш нархи (таннархи) ва савдо корхонасининг ялпи фойдаси (савдо устамаси). Айтайлик, АЁҚШ оркали бензинни якуний истеъмолчиларга реализация қилувчи корхона унинг ҳар 1 литрини 3600 сўмдан (ҚҚС билан бирга) сотиб олган бўлса, у ҳолда ушбу корхонанинг ҳар бир литр бензинни сотишдан олган фойдаси 115 сўмни (3715-3600) ташкил этади. Демак, АЁҚШ оркали бензинни якуний истеъмолчиларга реализация килувчи корхонанинг сотишдан оладиган фойдаси бевосита бензинни таъминотчилардан сотиб олиш нархларига бевосита боғликдир.

Мисол. Айтайлик, бензинни ёкилги қуйиш станциялари оркали охирги истеъмолчиларига сотадиган юридик шахс ДСИдан ЯСТ сифатида рўйхатдан ўтган. Корхона 2019 йил 2 январь куни 5000 литр А-80 бензинни ҳар 1 литрини 3360 сўмдан (2800 сўм сотиб олиш нархи +560 сўм 20 %лик ҚҚС) ва 20 январь куни 5000 литр А-80 бензинни ҳар 1 литрини 3600 сўмдан (3000 сўм сотиб олиш нархи +600 сўм 20 %лик ҚҚС) сотиб олди, 1 литр бензиннинг сотиш бахоси (акциз солиғини билан бирга) 4000 сўм, акциз солиғи 1 литр учун 285 сўм. Январь ойида

жами кирим килинган бензиннинг 8000 литри сотилган, 2000 литри эса ой охирида сотилмасдан колган,дейлик. 1 литр А-80 бензинга тугри келадиган савдо устамаси суммаси 1-партия бўйича 355 сўмни (3715 - 3360), 2-партия бўйича 115 сўмни (3715 –3600) ташкил этади.

Юкорида келтирилган маълумотларга кўра АЁҚШда ёкилгинин кирими, сотилиши ва унга тўтри келувчи акциз солигига қуйидагича ёзувлар килинади:

1.Сотиб олиш қийматига:

Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар» - 34 800 000 сўм (5000*3360 +5000*3600)

Кредит 6010 "Таъминотчиларга тўланадиган счётлар" - 34 800 000 сўм (5000*3360 +5000*3600)

2.Ёкилгига қўйилган савдо устамасига:

Дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар» -2 350 000 сўм (5000*355+5000*115)

Кредит 2980 "Савдо устамалари" - 2 350 000 сўм (5000*355+5000*115)

Касса аппарати кўрсаткичлари ёки товар чеклари асосида АЁҚШларда сотишдан олинган соф тушум, шунингдек сотишда олинган акциз солиги хисобда куйидагича акс эттирилади:

• *Сотишдан олинган соф савдо тушуми суммасига*

Дебет 5010 «Касса» -29 720 000 сўм (8000*3715)

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» - 29 720 000 сўм (8000*3715)

• *Сотилган ёкилгига тўгри келадиган акциз солиги суммасига*

Дебет 5010 «Касса» - 2 280 000 сўм (8000*285)

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карзлар» - 2 280 000 сўм.

АЁҚШларда акциз солигининг бюджетга ўтказиб берилишига бухгалтерияда куйидагича ёзув берилади:

Дебет 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича карзлар" (солик турн) – 2 280 000 сўм

Кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти» - 2 280 000 сўм.

АЁҚШларда сотилган ёкилгининг сотиш баҳосида (акциз солигисиз) хисобдан чикарилишига қуйидагича ёзув килинади:

Сотилган товарлар таннархига.

Дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» 27 600 000 сўм (5000*3360+3000*3600)

Кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар» 27 600 000 (5000*3360+3000*3600)

• *Сотилган товарларга тўгри келувчи устама суммасига:*

Дебет 2980 "Савдо устамалари" - 2 120 000 сўм (5000*355+3000*115)

Кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар» 2 120 000 сўм (5000*355+3000*115)

Ҳисобот даври охирида ёқилғининг сотилишидан олинган соф тушум ва сотиш таннархи якуний молиявий натижалар счётига ўтказилади ва уларга қуйидагича ёзувлар қилинади:

**ёқилғини сотишдан олинган соф савдо тушумини молиявий натижалар счётига ўтказилишига.*

Дебет 9020 «Товарларни сотилишидан олинган даромадлар» 29 720 000 сўм

Кредит 9910 «Охирги молиявий натижа» 29 720 000 сўм

**сотиш таннархини молиявий натижалар счётига ўтказилишига:*

Дебет 9910 «Охирги молиявий натижа» 27 600 000 сўм

Кредит 9120 « Сотилган товарларнинг таннархи» 27 600 000

Ёқилғини сотишдан олинган фойда суммаси соф савдо тушумидан сотиш таннархини айиришдан кейин қолган суммадан иборат бўлади. Бизнинг мисолимизда у 2 120 000 сўмни ташкил қилади (29 720 000 – 27 600 000).

АЁҚШ бўйича моддий жавобгар шахс куннинг охирида товарлар (ёқилғи) ҳаракати бўйича товар ҳисоботини тузади. Ушбу ҳисоботда товарларнинг бош қолдиғи, кирими, чиқими, охирги қолдиғи миқдор ва пул ифодасида кўрсатилади. Бизнинг мисолимизда келтирилган шартли маълумотларга асосан бензиннинг ой охиридаги қолдиғи (устама билан бирга) 7 430 000 сўмни (2000*3715) ташкил этади.

20.3. ҚҚС ҳисоб-китоби ва ҳисоби

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тартибини қўлловчи савдо корхоналарида ҚҚС бўйича солиқ солиш объекти бўлиб товарларни улгуржи ва чакана реализация қилиш оборотн ҳисобланади.

Савдо корхоналарининг товарларни қуйидаги реализация қилиш оборотлари солиқ солинмайдиган оборотдир:

* қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборот, масалан дори воситаларини сотиш;

* реализация қилинган жойи Ўзбекистон Республикаси бўлмаган оборот.

Товарларни реализация қилиш обороти деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) мол-мулкка бўлган мулк ҳуқукини ўтказиш, шу жумладан:

-товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш);

-устав фондига (устав капиталига) қўшилган хисса;

-мол-мулкни бепул бериш, шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эхтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш;

-конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошка товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш;

-конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳаки хисобига еки муассиса (иштирокчига) дивидендлар тўлаш хисобига мол-мулк бериш;

-гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган такдирда, гаровга кўювчи томонидан гаров нарсасини бериш;

-заём шартномалари асосида товар-моддий захираларни бериш;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошка таркибий бўлинмасига, агар таркибий бўлинмалар мустакил солиқ тўловчилар бўлса, мол-мулкни бериш;

3) юридик шахслардан олинадиган фойда солигини хисоблаб чикаришда Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ харажатлари четирилмайдиган солиқ тўловчининг ўз эхтиёжлари учун товарларни бериш.

Қуйидагилар товарларни реализация килиш обороти бўлмайди.

1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида караладиган, унинг ўз эхтиёжлари учун товарларни бериш;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошка таркибий бўлинмасига ишлаб чикариш эхтиёжлари (завод ички обороти) учун, агар таркибий бўлинмалар мустакил солиқ тўловчилар бўлмаса, мол-мулк берилиши;

3) кайтариладиган тарани жўнатиш.

4) юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чикканда (чикиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки кайта ташкил этилганлик муносабати билан чикканда (чикиб кетганда) унга дастлабки хисса доирасида товарларни бериш;

5) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни бериш;

6) товарларни кайта ишлаш асосида бериш.

Савдо корхоналарида ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база бўлиб реализация килинаётган товарларнинг кўшилган киймат солигини киритмаган ходда белгиланган сотиш киймати хисобланади

Товарлар таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар хисобга олинган ходда) паст нархларда реализация килинган такдирда, солиқ тўловчига ўз эхтиёжлари учун товарлар берилганда, шунингдек товарлар бепул берилганда солиқ

солиш максадлари учун солик солинадиган база товарларнинг ганнархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлик харажатлар хисобга олинган холда) келиб чикиб белгиланади.

Товарлар кайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган такдирда, солик солинадиган база кўшилган киймат солигини киритмаган холда уларни кайта ишлаш хизматларининг киймати асосида, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни кайта ишлаш хизматлари киймати асосида, ушбу Кодекснинг 232-моддасига мувофик хисоблаб чикарилган акциз солигини хисобга олган холда белгиланади.

Импорт килинган товарлар реализация килинганда, солик солинадиган база реализация килинаётган товарларнинг кўшилган киймат солиги киритилмаган кийматидан келиб чиккан холда белгиланади. Бунда солик солинадиган база мазкур товар импорт килинганда кўшилган киймат солигини хисоблаб чикариш учун кабул килинган кийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Гаровга кўювчи товарни билан таъминланган мажбуриятни бажариш хисобига топширган такдирда, гаровга кўювчининг солик солинадиган обороти миклори гаровга олувчи томонидан реализация килинган товар кийматидан келиб чиккан, бирок кўшилган киймат солигини кўшмаган холда мазкур гаровга кўйилган товарга олинган заём маблағлари суммасидан кам бўлмаган миклорда белгиланади.

Кайтариладиган тара солик солинадиган оборотга киритилган такдирда, тара белгиланган муддатда кайтарилмаса, солик солинадиган база мазкур таранинг кўшилган киймат солиги суммасини хам ўз ичига оладиган гаров киймати асосида белгиланади.

Кейинчалик реализация килиш учун юридик шахслар томонидан давлат резервидан олинган, нархлари давлат томонидан тартибга солиниши белгиланган товарлар бўйича солик солинадиган база реализация килиш нархи ва давлат резервидан олинган нарх ўртасидаги ижобий фарк сифатида аникланади.

Бензин, дизель ёкилгиси ва газ реализация килинганда солик солинадиган база уларни реализация килиш киймати асосида, унга кўшилган киймат солиги хамда бензин, дизель ёкилгиси ва газни якуний истеъмолчига реализация килиш чогида тўланадиган акциз солиги киритилмаган холда аникланади.

Савдо ва умумий овкатлантириш корхоналарида товарларни сотишдан олинадиган ҚҚС суммаси белгиланган ставка бўйича (6 % ва 10% - соддалаштирилган тартибда солик туловчилар бўлган мос равишдаги савдо ва умумий овкатлантириш корхоналари учун, 20 фоиз-умумбелгиланган тартибда ишловчи савдо ва умумий овкатлантириш

корхоналари учун) иккита усулда қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

(1) - усул. Солиққа тортиладиган айланма ҚҚСсиз белгиланганда:

$$\text{Сккс} = \text{Сай} \times \text{С} / 100 \qquad (1)$$

бунда: **Сккс** - буюртмачилардан ундириладиган солиқ суммаси;

Сай - солиққа тортиладиган айланма;

С - қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

(2)-усул. Солиққа тортиладиган айланмада ҚҚС ҳам ҳисобга олинганда:

$$\text{Сккс} = \text{Тк} \times \text{С} / (\text{С} + 100) \qquad (2)$$

бунда: **Тк** – товарларни қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган сотиш қиймати.

Мисол: *Товарларни сотиш қиймати соддалаштирилган тартибда ва умумбелгиланган тартибда ишловчи савдо (умумий овқатлантириш) корхоналарининг ҳар бирида ҳисоб маълумотлари бўйича 600 млн. сўм, дейлик.*

Утбу мисол бўйича сотишдан олинган ҚҚС суммаси (2)-формулага асосан топилади ва у:

*соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи савдо корхонасида 34 млн. сўмни (600 * 6 % / 106 %) ташкил этади. Бу ҳолда товарларнинг ҚҚСсиз сотиш қиймати 566 млн. сўмдан (600-34) иборат бўлади.

*умумбелгиланган тартибда ҚҚС тўловчи савдо корхонасида 100 млн. сўмни (600 * 20 % / 120 %) ташкил этади. Бу ҳолда товарларнинг ҚҚСсиз сотиш қиймати 500 млн. сўмдан (600-100) иборат бўлади.

ҚҚС суммаси сотилган товарларнинг ҚҚСсиз сотиш кийматидан (1)-формула бўйича ҳисобланганда ҳам юқоридаги кўрсаткичларга эришилади, яъни:

*соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи савдо корхонасида сотишдан олинган ҚҚС суммаси 34 млн. сўмни (566 * 6 % / 100 %) ташкил этади.

*умумбелгиланган тартибда ҚҚС тўловчи савдо корхонасида сотишдан олинган ҚҚС суммаси 100 млн. сўмни (500 * 20 % / 100 %) ташкил этади.

Соддалаштирилган тартибда ва умумбелгиланган тартибда ҚҚС тўловчи савдо корхоналарида сотилган товарларга тўғри келадиган ҚҚС ставкаси ва суммаси савдо чекларида (чакана сотишда), «счёт-фактурада (улгуржи сотишда) алохида катор (устунлар)да кўрсатилади. ҚҚС суммаси кассага кирим киолинган савдо пулига (чакана сотишда) ёки харидордан олинадиган счётларнинг жами суммасига (улгуржи сотишда) киритилади. Ҳисобланган ҚҚС суммасига қуйидагича ёзув қилинади:

1.Чакана сотилган товарлар бўйича:

Дебет 5010 «Касса»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

2. Улгуржи сотилган товарлар бўйича:

Дебет 4010 «Олинадиган счётлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Умумбелгиланган тартибда ҚҚС тўловчи савдо корхоналарида бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси сотилган товарларга тўғри келувчи ҚҚС суммасидан таъминотчиларга товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар хамда счёт-фактуралар асосида тўланган ҚҚС суммасини айириш йўли билан топилади. Бунда таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси камайтиришга олиб борилядиган ёки хисобга олинадиган ҚҚСни ташкил этади.

Мисол: *Соддалаштирилган тартибда ва умумбелгиланган тартибда ишловчи савдо корхоналарининг ҳар бирида таъминотчиларга олинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган сумма 20 %лик ҚҚС билан биргаликда 240 млн. сўм, шундан 200 млн. сўми таъминотчилардан олинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳақи, 40 млн. сўми таъминотчиларга тўланган ҚҚС суммаси, деилик.*

Солиқ кодексининг 226-3-моддаси бешинчи кисмига асосан қўшилган киймат солигини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган солиқ тўловчилар солиқ солинадиган айланмалар бўйича қўшилган киймат солигини солиқ солинадиган база ва белгиланган табакалаштирилган ставкалардан келиб чиккан холда тўланган қўшилган киймат солигини камайтиришни (хисобга олишни) қўлламасдан хисоблаб чиқаради. Юкоридаги шартли мисолларда келтирилган маълумотларга асосан мазкур тартибда ишлаётган савдо корхонасида бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 34 млн. сўмни ташкил этади. Таъминотчиларга тўланган 40 млн. сўмлик ҚҚС сотиб олинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархига киритилади. Қўшилган киймат солигини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибини қўллаётган савдо корхонасида бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 60 млн. сўмни ташкил этади (100-40).

Қўшилган киймат солигини тўловчида солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборотлар, шу жумладан қўшилган киймат солигидан озод килинган оборотлар мавжуд бўлган таклирда, қўшилган киймат солиги Солиқ кодексининг 221-моддасида назарда тутилган қуйидаги тартибларда хисобга олинади:

*хисобга олинадиган сумма кушилган киймат солиги туловчининг танловига биноан алохида-алохида ва (ёки) мутаносиб усулда аникланади.

*хисобга олинадиган кўшилган киймат солиги суммасини аниклашнинг танланган усули календарь йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас;

*мутаносиб усул кўлланилганда хисобга олинадиган кўшилган киймат солиги суммаси солик солинадиган оборотнинг умумий оборот суммасидаги улушидан келиб чикиб аникланади;

*алохида-алохида усул кўлланилганда кўшилган киймат солиги тўловчи солик солинадиган ва солик солинмайдиган оборот максадларида фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) юзасидан харажатлар хамда кўшилган киймат солиги суммалари бўйича алохида-алохида хисоб юритади; бунда алохида-алохида хисобни юритиш имкони бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатларни таксимлаш мутаносиб усулда амалга оширилади.

21-сон БХМСга мувофик таъминотчиларга товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар ва счет-фактуралар асосида тўланган ҚҚС суммаси хисобот даври мобайнида 4410 «Бюджетга соликлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счётининг дебетида тўпланади. Бунда 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6100 «Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва карам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», 6990 «Бошка мажбуриятлар» счётлари кредитланади.

Хисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 15 санасигача савдо ва умумий овкатлантириш корхоналари давлат солик органларига ҚҚС хисоб-китобини белгиланган шаклда такдим этишлари лозим. Ушбу хисоб-китоб асосида 4410 «Бюджетга соликлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счётининг дебетида тўпланган сумма камайтиришга олиб борилади хамда унга куйидаги бухгалтерия ёзуви килинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 4410 «Бюджетга соликлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Олдинги хисобот даври учун камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммасининг хисобот даври учун камайтиришга олиб борилган солик суммасидан ортик бўлган суммаси вужудга келган холларда кўрсатилган ортикча сумма хисобот давридан кейинги даврда камайтиришга олиб борилади. Камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси хисобланган ҚҚС суммасидан ортик бўлганида, унда бундай ортикча сумма (манфий сальдо) савдо ва умумий овкатлантириш корхоналарига уларнинг соликлар ва йиғимлар бўйича карзи бўлмаган такдирда конунда белгиланган тартибда кайтарилади. Бунда ушбу

ортикча сумма савдо ва умумий овкатлантириш корхоналарининг шахсий счётларида ортикча тўлов сифатида эмас, балки манфий сальдо сифатида хисобга олинади. Ортикча туланган ҚҚС суммасиниш савдо ва умумий овкатлантирнш корхоналарига қайтарилиши бухгалтерия хнсобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счети»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Савдо ва умумий овкатлантириш корхоналарини бюджетга ҚҚС бўйича карзларининг тўланишига қуйидагича ёлув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

20.3. Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби ва ҳисоби

Савдо корхоналарида ягона солиқ тўловининг объекти бўлиб ялпи тушум хисобланади. Савдо корхоналарининг ялпи тушуми ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) товарларни реализация қилишдан соф тушум, яъни соф товар оиланмаси;

2) асосий фаолиятдан бошқа даромадлар:

а) ундирилган ёки карздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вактида тўланмаган карзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошка хил жазо жарималари;

б) хнсобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда;

в) ишлаб чикариш ва махсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиш билан бевосита боғлик бўлмаган операциялардан, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи хизматлардан тушумлар сифатидаги бошка даромадлар;

г) асосий воситалар ва бошка мол-мулкни чикиб кетишидан даромадлар;

д) конун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредиторлик ва депонент карзларни хисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

е) товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш (товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш суммаси улар реализация қилинишига карэб солиқ солинадиган ялпи тушумга киритилади,

ж) бошка шахслардан текинга олинган мол-мулк;

з) бошка шахслардан текинга олинган молиявий ёрдам;

и) киска муддатли ижарадан даромадлар;

к) бошка операцион даромадлар;

3) молиявий фаолиятдан даромадлар:

а) олинган роялтилар ва капитал трансферти;

б) Ўзбекистон Республикаси худудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган холда катнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар хамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

в) мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) беришдан олинган даромадлар (маржа);

г) чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фаркдан даромадлар. Бунда, балансининг валюта моддаларини қайта баҳолашда курсдаги фаркдан даромад бўлиб, мусбат ва манфий курс фарклари ўртасидаги сальдо ҳисобланади. Манфий курс фарки суммаси мусбат курс фарки суммасидан ошиб кетган холда ошган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган базани камайтирмайди;

д) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар;

е) молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар;

4) фавқулодда даромадлар

Ягона солиқ тўлови суммаси солиқ қонунчилиги хужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилинади. Чунончи, ушбу ҳисоб-китобга солиқ солиш объектига кирувчи барча тушум ва даромадлар тафсилотини ифодаловчи жадваллар илова қилинади.

Ягона солиқ тўлови суммасини топиш учун ҳисоб-китобда махсус «Солиқ солиш базаси» кўрсаткичи (070-қатор) кўзда тутилган. Ушбу кўрсаткич жами соф ялпи тушум (050-қатор) суммасидан ялпи тушумдан чиқариб ташланадиган суммаларни (060-қатор) айириш орқали топилади.

Ялпи тушумдан чиқариб ташланадиган суммаларга савдо корхоналарида қуйидагилар киради:

*давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

*тулов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тарзида олинган даромадлар;

*ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар;

*кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумининг таркибига илгари киритилган бўлса;

*махсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тарикасида олинган бошқа даромадлар;

*асосий воситаларни тугатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган бошқа даромадлар;

*ютук (мукофот) фондининг суммаси, бирок таркатилган

чипталарга чиққан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортиқ бўлмаган миқдори;

*битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммаси;

*еш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағларга солиқ солинадиган ялпи тушумни камайтириш [ҳақиқатдаги харажатлар бўйича, бироқ Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби (040-сатр - 0501-сатр) - (020-сатр + 050-сатр)нинг кўпи билан 10 фоизи миқдорида].

Ягона солиқ тўлови базасини аниқлашда четириб ташланадиган даромад турлари тафсилоти ушбу солиқ тўлови ҳисоб-китобига илова қилинади.

Ягона солиқ тўлови суммаси савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан олиб борилган савдо фаолияти турлари бўйича улар учун белгиланган солиқ ставкасини ҳар бир фаолият турига тўғри келувчи солиқ солиш базаси суммасига кўпайтириш орқали топилади.

Ягона солиқ тўлови суммаси йил бошидан бошлаб ўсиш тартибида ҳисоб-китоб қилинади. Жами ҳисобланган солиқ суммаси ва олдинги ҳисоб-китоб суммаси ўртасидаги фарқ охирги ҳисобот даврига (чоракка) тўғри келадиган солиқ суммасини билдиради. Ушбу суммага бухгалтерияда қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 9810 «Даромад (фойда)дан солиқлар бўйича харажатлар»

Кредит 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар".

Ягона солиқ тўловининг бюджетга ўтказиб берилишига бухгалтерияда қуйидагича ёзув берилади:

Дебет 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар"

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

20.4. Савдо корхоналарида мажбурий ажратмалар, тўловлар ва ушланмаларнинг ҳисоби

Савдо корхоналарида бошқа корхоналар сингари бюджетдан ташқари Пенсия фондига ходимларга ҳисобланган иш ҳақи кўринишидаги барча даромадлардан (имтиёзлардан ташқари) белгиланган фоиз миқдорида пенсия фондига 12 %лик ажратмага қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 9400 «Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар»

Кредит 6520 «Давлатнинг мақсадли фондларига тўловлар».

Ўз мақсадларида сотиб олган автомобиллар учун уларнинг сотиб олиш қийматидан белгиланган ставкада ички ишлар органига тўловлар

ушбу автомобилларнинг бошланғич кийматига киритилади ва унга қуйидагича ёзувлар қилинади:

Дебет 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»

Кредит 6520 «Давлатнинг максадли фондларига туловлар».

Дебет 0160 «Транспорт воситалари»

Кредит 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»

Мажбуряй ажратмалар, ушланмалар ва тўловларнинг давлатнинг максадли фондларига ўтказиб берилишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6520 «Давлатнинг максадли фондларига тўловлар».

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счети»

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим йиғим ставкаларининг конун ҳужжатларида белгиланган ойлик миқдори доирасида ҳисоблаб чиқарилади.

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимнинг аниқ ставкаси махаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари томонидан белгиланади ва конун ҳужжатларида белгиланган энг юқори ставкалардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тўланади.

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим бўйича ҳисоб-китоб фаолият амалга оширилаётган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига:

*йил давомида тегишли рухсат гувоҳномасини (махаллий ижро этувчи ҳокимият органининг қарорини) олган солиқ тўловчилар томонидан - рухсат гувоҳномаси (махаллий ижро этувчи ҳокимият органининг карори) берилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан;

*фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар йили ҳисобот йилининг 15 январигача тақдим этилади.

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимнинг ҳисобланган суммасига қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 9410 "Сотиш харажатлари".

Кредит 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар".

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимнинг бюджетга ўтказиб берилишига қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар"

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

ЎЗ –ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

Хўжалик ситуацияси

Самарканд шаҳрида жойлашган кўп тармоқли «Нур» савдо корхонасининг (тармоқ коди 71100 «Улгуржи савдо») 2018 йилда олган йиллик ялпи тушуми қуйидагилардан иборат: улгуржи савдо оборoти – 2,5 млрд. сўм; чакана савдо оборoти 800 млн. сўм; олинган дивидендлар 2 млн. сўм; асосий воситаларни сотишдан олган фойдаси 1,2 млн. сум; ижобий курс фарклари 3 млн. сўм, салбий курс фарклари 3,5 млн. сўм; автотранспорт хизматларидан тушум 100 млн. сўм. Савдо корхонаси ҳар бир фаолият тури бўйича алоҳида ҳисоб юритади ва ягона солиқ тўловини улгуржи савдо бўйича 5 фоизда, чакана савдо бўйича 4 фоизда, бошқа хизмат турлари бўйича 5 фоизда тўлайди.

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра қуйидаги саволларга тўғри жавобларни топинг.

1. Улгуржи савдо бўйича ягона солиқ тўловига тортиладиган база суммаси қанча?

а) 2501,2 млн. сўм;

б) 2504,2 млн. сўм;

в) 2502 млн. сўм;

г) 2510 млн. сўм

2. Улгуржи савдо бўйича ягона солиқ тўлови суммаси қанча ва унга қандай бухгалтерия ёзуви берилади?

а) 125,06 млн. сўм, Дебет 9810 Кредит 6410

б) 125,21 млн. сўм, Дебет 9810 Кредит 6410

в) 125,1 млн. сўм, Дебет 9810 Кредит 6410

г) 125,5 млн. сўм, Дебет 9810 Кредит 6410

3. Чакана савдо бўйича ягона солиқ тўловига тортиладиган база суммаси қанча?

а) 3,3 млрд сўм;

б) 800 млн. сўм;

в) 802 млн. сўм;

г) 810 млн. сўм

4. Чакана савдо бўйича ягона солиқ тўлови суммаси қанча ва унга қандай бухгалтерия ёзуви берилади?

а) 24 млн. сўм, Дебет 9810 Кредит 6410

б) 99 млн. сўм, Дебет 9810 Кредит 6410

в) 24,06 млн. сўм, Дебет 9810 Кредит 6410

г) 32 млн. сўм, Дебет 9810 Кредит 6410

5. Транспорт хизматлари бўйича ягона солиқ тўлови суммаси қанча ва унга қандай бухгалтерия ёзуви берилади?

а) 5000000 сўм, Дебет 9810 Кредит 6410

б) 960000 сўм, Дебет 9810 Кредит 6410

в) 1116000 сўм, Дебет 9810 Кредит 6410

г) тўғри жавоб йўқ

6. Ушбу савдо корхонаси 2019 йилда қандай солиқ режимида ишлаш ҳуқуқига эга?

а) Ихчамлаштирилган

б) умумдавлат

в) соддалаштирилган ҚҚС тўлаш режимида

г) тўғри жавоб йўқ

IV-БЎЛИМ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

21-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари

22-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситалар ҳисобининг хусусиятлари

23-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захиралари ҳисобининг хусусиятлари

24-боб. Деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш

25-боб. Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари ва ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш

26-боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларнинг ҳисоби

27-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий натижалар кўрсаткичлари, солиқлар, мажбурий ажратмалар ва тўловларнинг ҳисоби

21-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

21.1. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби субъекти сифатидаги тавсифи ва улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Қишлоқ хўжалиги республикамиз халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб келган ва у шундай тармоқлардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг негизида турли сабаблар ётади. Чунончи:

биринчидан, республикамиз аҳолисининг 60 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини қишлоқ жойларда яшовчи аҳолини иш билан таъминлайдиган асосий соҳа эканлигини билдиради;

иккинчидан, мамлакатимизнинг иқлим шароити ва табиий ресурслари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тез етиштириш имконини беради;

учинчидан, 33 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган республикамизда одамларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб ҳал этиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади;

тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг кун сайин ривожланиб бораётган енгил ва озиқ овқат саноати тармоқлари корхоналарини арзон ва сифатли маҳаллий хом- ашё ва материаллар билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади.

бешинчидан, республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпчилик тури бошқа мамлакатларда етарлича эмаслиги, қишлоқ хўжалигини нафақат ички мақсадлардаги, балки экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тармоққа айлантириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги тармоғини республикамизда ривожлантириш сабаблари ва имкониятлари нафақат юқоридагилар билан чегараланади. Улар тўғрисида жуда ҳам кўп изоҳларни бериш мумкин. Бу изоҳлар қишлоқ хўжалигига оид махсус фанларда батафсилроқ ёритилган. Шу боис ҳам, юқоридаги изоҳлар билан чекланган ҳолда, қуйида қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектлари сифатидаги ташкилий-ҳуқуқий мақомларига, улар фаолиятининг ҳисоб объектлари сифатидаги хусусиятларига тўхталамиз.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатида турлича таснифлаш мумкин. Ушбу таснифий белгилар ичида

қишлоқ хўжалик корхоналарининг турлари, соҳаси, ихтисослашганлиги, ходимларининг сони, солиқ тулаш режими муҳим ўрин тутади.

Турларига кўра қишлоқ хўжалик корхоналари фермер хўжаликларига, деҳқон-фермер хўжаликларига, ширкат хўжаликларига, агрофирмаларга бўлинади.

Соҳасига кўра қишлоқ хўжалик корхоналари деҳқончилик ва чорвачилик, шунингдек ушбу соҳаларнинг ҳар иккаласига ҳам доир бўлган корхоналарга бўлинади.

Ихтисослашганлигига кура қишлоқ хўжалик корхоналари деҳқончилик ва чорвачиликнинг турли йўналишидаги корхоналарга бўлинади. Масалан, чорвачилик соҳасидаги қишлоқ хўжалик корхоналари қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, чўчқачилик, паррандачилик ва бошқа шу каби соҳаларга ихтисослашган. Деҳқончилик соҳасидаги қишлоқ хўжалик корхоналари боғдорчилик, ғаллачилик, тамакичилик ва бошқа йўналишлардаги хўжаликларга бўлинади. Агрофирмалар ҳам қишлоқ хўжалигининг у ёки бу соҳасига, шунингдек аралаш соҳаларга доир корхоналар ҳисобланади.

Ходимларининг сонига кура қишлоқ хўжалик корхоналари микрофирмалар, кичик корхоналар, ўрта ва йирик корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг қонун ҳужжатларига кўра қишлоқ хўжалик тармоғида микрофирмалар тоифасига кирувчи корхоналар бўлиб ходимларининг сони 20 тагача бўлган, кичик корхоналар бўлиб ходимларининг сони 50 тагача бўлган корхоналар ҳисобланади. Ўрта ва йирик қишлоқ хўжалик корхоналари ходимлари сонининг аниқ миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланмаган.

Солиқ тўлаш режимига кўра қишлоқ хўжалик корхоналари умумбелгиланган ва ихчамлаштирилган солиқ режимларида ишловчи корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи ҳамда уларни қайта ишловчи қишлоқ хўжалик корхоналари фақат ягона ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар. Сотиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш фаолияти, шунингдек савдо, воситачилик, хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалик корхоналари ушбу фаолият турлари бўйича ходимларининг сонига караб умумбелгиланган солиқлар ёки ихчамлаштирилган солиқ тўловини ҳам тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим объектлари бўлиб уларнинг фаолият турлари, хўжалик жараёнлари ва операциялари, маблағлар, маблағларни ташкил топиш манбалари, даромад, харажат, фойда ва зарарлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти асосий ва асосий бўлмаган фаолият турларига бўлинади. Уларнинг асосий фаолиятига бевосита

кишлок хўжалик махсулотларини етиштириш билан боғлик фаолият, асосий бўлмаган фаолиятига эса кишлок хўжалик махсулотларини етиштиришга бевосита алокаси бўлмаган молиявий, инвестиция ва бошка фаолият турлари киради.

Кишлок хўжалик корхоналарининг кишлок хўжалик махсулотларини етиштириш бўйича фаолияти икки турга - дехкончилик ва чорвачиликка бўлинади. Ушбу фаолият турлари махсус лицензия талаб килмайдиган фаолият хисобланади.

Дехкончилик – бу бевосита инсон ва жонли хайвонлар томонидан истеъмол килинадиган, ишлаб чикаришга моддий асос бўлиб хисобланадиган ўсимликлар, экинлар, хом-ашё ва материалларни етиштириш (ишлаб чикиш) билан боғлик жараёнлар мажмуаси.

Чорвачилик деганда махсулот ва насл берадиган барча жонли хайвонларни етиштириш билан боғлик жараёнлар мажмуаси тушунилади.

Дехкончилик ва чорвачилик сохаларининг бухгалтерия хисоби объектлари сифатидаги хусусиятларига куйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, дехкончилик ва чорвачилик фаолиятлари турли жараёнлардан ташкил топади. Чунончи, дехкончилик ўз ичига ерни шудгорлаш ва экишга тайёрлаш, уруғни экишга тайёрлаш, уруглик кадаш, экинни парваришлаш (сугориш, яганалаш, чилпиш, дефолиация килиш), хосилни териб олиш ва топшириш каби хўжалик ишларини бажаришни талаб килади. Чорвачилик молларнинг туғилганлигидан (сотиб олинганлигидан) бошлаб, то уларни хўжалик балансида турган даври ичида парваришлаш, махсулот (насл) олиш, махсулотни топширишгача бўлган жуда хам хилма-хил бўлган хўжалик жараёнларини бажаришни такозо этади. Кишлок хўжалиги корхоналарида юз берётган ушбу жараёнлар сон ва сифат жихатдан турли ўлчов бирликларида ўз аксини бухгалтерия хисобида топади.

Иккинчидан, дехкончилик ва чорвачиликбошка ишлаб чикариш турларидан ўзларининг давомийлиги, шунингдек мавсумийлиги билан фарк килади. Мисол учун пахтани етиштириш фаолияти ерни экишга тайёрлашдан тортиб, то хосилни йиғиштириб олгунга кадар камида 7-8 ой мобайнида олиб борилади. Бузокни катта она моллар таркибига ўтказиш унинг биринчи туғишига етиб келганигача кадар бўлган даврни (одатда, камида икки-уч йил) ўз ичига олади, хўкизчани катта моллар таркибига ўтказиш энг камида 18 ой ёки 1,5 йил давом этади. Демак, дехкончилик ва чорвачиликнинг давомийлик характерига эга бўлишлиги уларга килинаётган сарфларни ва олинадиган махсулотлар даврларини бир-бирига мос эмаслигини кўрсатади. Чунончи, махсулотни этиштиришга кетадиган жонли ва буюмлашган мехнат

сарфлари тўхтовсиз, бутун йил мобайнида давом этади, хосилни етиштириб олиш эса йилнинг маълум даврига тўғри келади. Бу ўз навбатида деҳқончилик ва чорвачиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатини хисобот йили ойлари бўйича, шунингдек келгуси давр учун истиқбол хисобга олиб бориш заруратини туғдиради. Аксарият қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштиришнинг мавсумий характерга эга бўлиши меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан нотекис фойдаланишга, шунингдек мавсумий захираларни яратишни зарурат келиб кўяди.

Учинчидан, қишлоқ хўжалик корхоналарида этиштирилган маҳсулотлар асосий ва кўшимча маҳсулотларга бўлинади. Таннархни калькуляция қилиш объекти бўлиб асосий маҳсулот хисобланади. Лекин килинган харажатлар ҳам асосий, ҳам кўшимча маҳсулотга тегишли бўлади. Шу боис ҳам, харажатларни асосий ва кўшимча маҳсулотлар ортасида таксимлаш, улар ҳар бирининг режа ва ҳакикий таннархларини, кирим кийматини ва сотиш баҳоларини тўғри аниклаш зарурати туғилади. Чунончи, бу ишлар ҳар бир маҳсулот тури бўйича индивидуал ёндашишни талаб килади.

Тўртинчидан, кишлок хўжалик корхоналарида этиштирилган маҳсулотлар мавсум давомида факат режа таннархида кирим килиб борилади. Уларнинг хакиқий таннархи, эришилган молиявий натижалар факат кишлок хўжалик тақвим йили тугагандан кейингина, бухгалтерия хисобида барча турдаги даромад ва харажатлар тўлиқ акс эттирилгандан сўнг аниқланади.

Бешинчидан, этиштирилган маҳсулотларнинг тез бузилишга мойиллиги, махсус сақлаш жойларини талаб этиши, ишлатилиш мақсади ва бошқа жиҳатлари уларни турли усулларда кирим килишни ва харидорларга жўнатишни тақозо этади. Масалан, терилган пахта бевосита даладан пахта пунктларига топширилади. Худди шундай тез бузиладиган мева-сабзавотлар, полиз экинлари, чорвачилик маҳсулотлари уларни кайта ишлаш корхоналарига бевосита даладан (фермалардан) юклатилади. Ғалла кишлок хўжалик корхонасининг омборларига ёки тўғридан-тўғри галла кабул тайёрлов корхоналарига топширилади. Тез бузилмайдиган мевалар, полиз экинлари, чорвачилик маҳсулотлари кишлок хўжалик корхоналарининг махсус сақлаш жойларига кирим килинади.

Олтинчидан, кишлок хўжалик маҳсулотларини этиштириш кишлок хўжалик корхоналарида бу соҳа бўйича ихтисосликка эга бўлган мутахассислардан иборат бўлган меҳнат жамоаларини шакллантиришни шунингдек улар меҳнатига ҳак тўлашни турли шаклларда ҳамда тизимларда ташкил этишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг узига хос мутахассисларига агрономлар,

зоотехниклар, ветеринарлар, мироблар, чўпонлар, сут соғувчилар, трактерчилар, ишчилар ва бошқалар киради. Қишлоқ хўжалиги асосан жамоа меҳнатига таянади. Шу боис ҳам бу тармоқ корхоналарида меҳнат ва унга ҳақ тўлашнинг бригада шакли кенг қўлланилади.

Қишлоқ хўжалигининг юқорида санаб берилган ва бошқа хусусиятлари уларга кирувчи корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам белгилайди. Шу боис ҳам, қишлоқ хўжалигига мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасаларида қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби махсус фан сифатида ўрганилади.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари ушбу тармоқ корхоналарида умумбелгиланган ҳамда тармоқ аҳамиятига эга бўлган тартиб-қоидаларга асосланган ҳисоб сиёсатини шакллантиришни, шунингдек ушбу ҳисоб сиёсатига қатъий амал қилиш вазифасини кўяди.

21.2. Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисоб сиёсатининг характерли хусусиятлари

Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисоб сиёсатининг характерли хусусиятлари бевосита бухгалтерия ҳисобининг ташкилий ва услубий жиҳатларида, уларда қўлланиладиган счётлар режасида, хўжалик муомалаларини ҳужжатли расмийлаштирилишида, ҳисоб маълумотларини қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ва фойдаланувчиларга узатишда, молиявий ҳисобот шакллари моддаларини тўлғазиш тартибида ҳамда бошқа жиҳатларида ёркин намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шаклига ушбу хўжаликларнинг катта-кичиклиги бевосита таъсир кўрсатади. Йирик қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби махсус бўлинмани, яъни бухгалтерияни ташкил қилиш йўли билан олиб борилади. Кичик қишлоқ хўжалик корхоналарида махсус бухгалтерияни тузиш зарурати бўлмайди. Уларда ҳисоб ишлари меҳнат шартномаси асосида ишга олинган ягона бухгалтер томонидан юритилади. Кичик фермер хўжаликларида ҳисоб-китоб ишларини бевосита хўжалик раҳбарининг ўзи ҳам олиб бориши мумкин. Шунингдек, уларда бухгалтерия ҳисоби тузилган шартнома асосида профессионал хизматларни кўрсатувчи аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳам юритилиши республикамиз қонунчилик ҳужжатларида таъкиқланмаган.

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг хусусиятлари ушбу тармоқ корхоналарида юз берадиган жараёнлар, хўжалик муомалаларини тизимли равишда акс эттиришга мўлжалланган бухгалтерия ҳисоби счётлар режасини қўллашни тақозо этади. Чунончи, уларда олиб

ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштириш фаолияти умумбелгиланган тартибдаги 2000 «Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар» тизимида махсус «Деҳқончилик» ва «Чорвачилик» каби счётларни назарда тутишни тақозо этади. Ушбу счётлар таркибида, ўз навбатида, алоҳида олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоби учун мўлжалланган счётлар очилиши ҳам мумкин. Қишлоқ хўжалик корхоналари «Деҳқончилик» ва «Чорвачилик» счётларида акс эттириладиган харажатларнинг таркибини белгилашда республикамизда амалда бўлган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқари ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»да келтирилган тартибларга амал қилишлари лозим. Қишлоқ хўжалик корхоналарида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу счётларнинг очилиши, юритилиши ва ёпилиши тартибларига кейинги бобларда алоҳида тўхталамиз.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг узлуксизлиги, этиштирилган маҳсулотларнинг таннархи, уларни сотишдан олинган молиявий натижалар қишлоқ хўжалик корхоналарида таъминот ва сотиш жараёнларини тўғри ташкил этилганлигига, ишлаб чиқариш захираларининг ўз вактида олинганлигига, уларни тегишли миқдорда мавжудлигига, бутлиги, сифати, сотиб олиш киймати (таннархи) ҳамда бошка жиҳатларига бевосита боғликдир. Бу хусусиятлар қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захиралари ҳолати, кирими, сарфи ва бошка чикимлари устидан узлуксиз тизимли назорат ўрнатишни талаб қилади. Бунинг учун ишчи счётлар режасида ишлаб чиқариш захиралари ҳисоби учун мўлжалланган махсус счётларни назарда тутиш, уларда материаллар ҳолати ва ҳаракатига доир маълумотларни узлуксиз, ҳужжатли асосда жамлаш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бу хусусиятлари уларнинг ишчи счётлар режасида «Уруғликлар», «Ўғит», «Ем-хашак» «Дори-дармонлар» ва бошкалар шу каби махсус счётларни очиш ҳамда юритишни тақозо этади.

Этиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархига сарфланган материаллар қийматини (таннархини) баҳолаш усуллари (ФИФО, АВЭКО) ҳам катта таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг ҳисоб сиёсатида ушбу иккала усулдан танлаб олинганини ёки уларнинг ҳар иккаласини қайси турдаги ишлаб чиқариш захиралари бўйича қўллаш тартибини белгилаб олишлари лозим.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштиришнинг узоқ давомийлиги ҳамда мавсумийлиги тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини ҳисоб-

китоб қилиш ва инвентаризациядан ўтказишнинг аниқ тартибини белгилашни тақозо этади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳаққоний таннархини улар кирими пайтида аниқлаш имконининг мавжуд эмаслиги ҳисоб сиёсатида улар кирими ҳисобини йил мобайнида режа ёки норматив таннархи бўйича олиб бориш, йил охирида эса маҳсулотларнинг ҳаққоний таннархи аниқ бўлгач, улар ҳолати ва ҳаракатига доир бухгалтерия ёзувларига тузатишлар киритиш тартибини ўрнатиш талабини қўяди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромади асосан этиштирилган маҳсулотларни сотишдан олинади. Маҳсулотларни сотиш давлат томонидан қатъий белгиланган нархларда, шунингдек эркин бозор нархларида амалга оширилади. Давлат томонидан қатъий белгиланган нархлар айрим маҳсулотлар бўйича, масалан пахта, галла, пилла, тамаки ва бошқа умумдавлат аҳамиятига молик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича белгиланади. Шунингдек, уларга давлатга топшириш режасидан ортиқ этиштирилган маҳсулотларни (пахта ва пилладан ташқари) эркин нархларда нақд ва нақд пулсиз, шунингдек меҳнат ҳақи эвазига натурал тўлов сифатида бериш рухсат этилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишнинг ушбу хусусиятлари сотишдан олинган даромадларни ҳисоблаш тамойилига асосан тан олиш, уларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатли расмийлаштириш ҳамда тегишли счётларда акс эттириш тартибларига қатъий амал қилиш талабини қўяди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг асосий воситалари, жорий активлари, хусусий капитал ва мажбуриятларининг таркиби, уларни шакллантириш тартиби бўйича ҳам, бир томондан, бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли жиҳатларга эга. Чунончи, асосий подани шакллантириш, ёш моллари асосий подага ўтказиш, техника ва транспорт воситаларини дала ишлари, терим мавсумларига тайёрлаш, хусусий мулкни устав капиталига киритиш, олинган фойдани ишлатиш, пайчилар ўртасида тақсимлаш кабилардаги хусусиятлар қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳисоб сиёсатида улар ҳисобини юритиш тартибларини аниқ ифодалашни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида юз берадиган хўжалик операцияларини ҳужжатли расмийлаштириш турлича ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, тракторларда ерни шудгор қилиш, пахта қаторларига техника ёки қўл меҳнатида ишлов бериш, уруғлик қадаш, минерал ўғитлаш, ем-хашакларни моллларга озуқа рациони ҳамда белгиланган озуқа кунлари бўйича сарфлашдаги хусусиятлар ушбу операцияларни расмийлаштириш учун мўлжалланган бошланғич ҳужжатлар классификаторини қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисоб сиёсатининг таркибий элементи сифатида ишлаб чиқишни ҳамда уларга тўлиқ амал қилиш талабини қўяди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг хисоб сиёсатида бухгалтерия хисобининг умумбелгиланган шаклларидан бирини танлаб олишлари мумкин. Бундай шакллар бўлиб бухгалтерия хисобининг мемориал-ордер, журнал-ордер, компьютерлаштирилган шакл, соддалаштирилган шакллар хисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг хусусиятларини эътиборга олган холда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўзларининг 2008 йил 21 январдаги 1, 1/2-сон карори билан махсус «Фермер хўжаликларида бухгалтерия хисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида низом»ни тасдикладилар. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинди. Ушбу Низомга мувофик фермер хўжаликлари учун махсус молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисоби намунавий счетлар режаси тасдикланди. Фермер хўжаликларида бухгалтерия хисобининг соддалаштирилган шакли куйидаги шакллар бўйича юритилиши мумкин:

а) бухгалтерия хисобининг оддий шакли;

б) бухгалтерия хисобининг комбинациялашган шакли.

Фермер хўжалиги ўзининг ишлаб чикариш ва бошкарув талабларидан келиб чиккан холда ушбу тавсия этилган иккита шаклдан бирини мустакил танлайдилар.

Низомга мувофик фермер хўжаликларида бухгалтерия хисобининг танланган шаклидан катъий назар, хисобот даврининг хўжалик операциялари хронологик тартибда «Хўжалик операцияларини кайд этиш журнали»да рўйхатга олиб борилади. Хўжалик операцияларини кайд этиш журнали китоб шаклида юритилади, унда хўжалик операцияларининг кайд этилиши ва хисоби хисобот даври учун ойлар ёки чораклар кесимида юритилади. Бунда, хўжалик операцияларини кайд этиш журнали тикилган ва ракамланган бўлиши шарт. Хўжалик операцияларини кайд этиш журналининг сўнгги варағида фермернинг имзоси билан "Мазкур журналда варак ракамланган" деб ёзилади ва мухр билан тасдикланади. Вараклар сони ёзув билан ёзилади.

Бухгалтерия хисобининг оддий шаклида фермер хўжаликларида хўжалик операциялари хисобини юритиш учун махсус "Хўжалик операцияларини хисобга олиш китоби" регистри қўлланилади. Хўжалик операцияларини хисобга олиш китобида операциялар хисоби бутун хисобот йили давомида юритилади. Бунда, хўжалик операцияларини хисобга олиш китоби тикилган ва ракамланган бўлиши шарт. Хўжалик операцияларини хисобга олиш китобининг сўнгги варағида фермернинг имзоси билан "Мазкур Китобда ..... варак ракамланган" деб ёзилади ва мухр билан тасдикланади. Вараклар сони ёзув билан ёзилади.

Хўжалик операцияларини хисобга олиш китобида хўжалик операциялари натижалари активларни, мажбуриятларни, хусусий капитални, даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарларни хисобга олувчи счётларда акс эттирилади.

Хўжалик операцияларини хисобга олиш китобида ёзувлар тизимли тартибда «Хўжалик операцияларини қайд этиш журнали»да келтирилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Хўжалик операцияларини хисобга олиш китоби комбинациялашган регистр хисобланади, унда фермер хўжаликлари томонидан қўлланиладиган барча счётлар мавжуд бўлади ва уларнинг хар бирида хўжалик операциялари хисобини юритиш имкониятини яратади. Бунда, баланснинг тегишли моддаларининг мазмунини асослаб бериш учун у етарли даражада батафсил бўлиши лозим. Хўжалик операцияларини хисобга олиш китобида хар бир қўлланилаётган бухгалтерия счёти учун аник бухгалтерия счётлари бўйича ўтган йилларнинг тажрибасини хисобга олган холда, хўжалик операцияларининг кутилаётган хажмидан келиб чиккан холда, маълум бетлар ажратилади.

Хўжалик операцияларини хисобга олиш китоби "20__ йил "__" _____ даги колдик" каторида активларнинг, мажбуриятларнинг ва хусусий капиталнинг хар бир тури бўйича хисобот даврининг бошида мавжуд бўлган колдик суммаси ёзуви билан очилади. Актив счётларнинг колдиги ушбу счётларнинг дебетида, пассив счётлар бўйича колдик эса ушбу счётлар кредитида ёзилади.

Хар бир каторда тегишли бухгалтерия счёти бўйича ёзувлар хўжалик операцияларини кайд этиш журналида келтирилган бухгалтерия ёзувлари (проводкалари) маълумотлари асосида позиция усулида хронологик кетма-кетликда амалга оширилади.

Хар бир ойнинг (чоракнинг) охирида хўжалик операцияларини хисобга олиш китобида якун чикарилади ва унга асосан фермер хўжалиги фаолиятининг натижаси аникланади.

Хўжалик операцияларини хисобга олиш китобида юритилган активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални хисобга олувчи счётларнинг колдиклари 1-сонли шакл «Бухгалтерия баланси»га ўтказилади.

Хўжалик операцияларини хисобга олиш китобида юритилган даромадлар ва харажатларни хисобга олувчи счётларнинг хисобот давридаги айланмаси 2-сонли шакл «Молиявий натижалар тўгрисидаги хисобот»га ўтказилади.

Бухгалтерия хисобининг комбинациялашган шаклини юритишда бухгалтерия хисобининг куйидаги хисоб кайдномаларидан фойдаланилади:

а) асосий воситалар ва номоддий активларни хисобга олиш кайдномаси;

б) молиявий инвестицияларни хисобга олиш кайдномаси;

в) капитал қўйилмаларни хисобга олиш кайдномаси;

г) товар-моддий захираларни хисобга олиш кайдномаси;

д) бокувдаги ва ўстиришдаги хайвонларни хисобга олиш кайдномаси;

е) харидор ва буюртмачилар билан хисоб-китобларни хисобга олиш кайдномаси;

ж) бошка дебиторлик карзларини хисобга олиш кайдномаси;

з) пул маблагларини хисобга олиш кайдномаси;

и) мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан хисоб-китобларни хисобга олиш кайдномаси;

к) хисобдор шахслар билан хисоб-китобларни хисобга олиш кайдномаси;

л) мехнатга хак тўлаш бўйича хисоб-китобларни хисобга олиш кайдномаси;

м) бошка мажбуриятларни хисобга олиш кайдномаси;

н) хусусий капитални хисобга олиш кайдномаси;

о) хисобот даври харажат (сарф)ларини хисобга олиш кайдномаси;

п) дехкончилик махсулотларини ишлаб чикариш харажатлари ва махсулот чикишини хисобга олиш кайдномаси;

р) чорвачилик махсулотларини ишлаб чикариш харажатлари ва махсулот чикишини хисобга олиш кайдномаси;

с) ёрдамчи ишлаб чикариш харажатлари ва хизматларини хисобга олиш кайдномаси;

т) соф фойда (зарар)ни хисоблаш кайдномаси;

у) хўжалик операцияларини хисобга олиш жамланма кайдномаси.

Алохида объектлар хисоби учун мўлжалланган ушбу кайдномаларнинг юритилиш тартибига кейинги бобларда алохида тўхталамиз.

21.3. Кишлок хўжалик корхоналарида бухгалтерия хисобининг асосий вазифалари

Давлатимиз томонидан иктисодиётни эркинлаштириш ва модернизация килиш борасида олиб борилаётган тадбирлар бевосита кишлок хўжалигига хам дахлдордир. Дехкончилик ва чорвачилик сохалари моддий техника базасини янги техника ва технологиялар киритиш асосида яхшилаш, мавжуд ишлаб чикариш кувватларини модернизациялаш, кенгайтириш ва реконструкция килиш, сув таъминоти ва ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш бухгалтерия хисоби олдига ушбу ишларга кетган сарф-харажатларни тўгри ва ўз

вақтида ҳужжатлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнлари синтетик ва аналитик ҳисобини юритиш, тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини тўғри аниқлаш, сотилган маҳсулотлар таннархини аниқ калькуляция қилиш, уларни ҳисобот даври даромадларига ҳисоблаш тамойилига асосан киритиш, ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширит каби муҳим вазифаларни кўяди.

Қишлоқ хўжалигининг хусусиятлари фермер хўжаликларида уларнинг мулки ҳамда бу мулкни ташкил қилиш манбалари ҳисоби олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Чунончи, асосий воситалар ҳисоби ва ҳисобот тизими ушбу активлар таркибидаги кимматтурадиган қишлоқ хўжалиги техникаси, омборхоналар, махсус бино ва иншоатларнинг ҳолати ва ҳаракати, уларнинг иш фаолияти, амортизацияланиши ва бошқа жиҳатлари тўғрисида батафсил маълумотларни бериши лозим.

Қишлоқ хўжалиги ишларининг белгиланган муддатларда бажарилиши тегишли хом ашё ва материалларнинг ўз вақтида келиб тушишига, улар бўйича тасдиқланган лимитнинг мавжудлиги, бутлиги ва сифатига бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари келиб тушаётган материаллар қийматини (таннархини) тўғри баҳолаш, улар ҳисобини баҳолашнинг у ёки бу усулда юритилиши етиштирилаётган маҳсулотларнинг таннархига, уларни сотишдан олинадиган даромадларга, фермер хўжаликларининг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги корхоналарида материаллар ҳисоби олдига улар қийматини тўғри баҳолаш, материаллар ҳолати ва ҳаракати устидан узлуксиз назоратни олиб бориш, улар кирими ва чиқимига доир ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш, ушбу бойликлар омбор ва бухгалтерия ҳисоби регистрларини белгиланган тартибда юритишдек муҳим вазифани кўяди.

Қишлоқ хўжалиги ишлари бошқа ишлардан фарқли ўлароқ коллектив меҳнатга таянади, яъни уларни олиб боришда меҳнатни ташкил қилишнинг бригада шакли кенг қўлланилади. Мос равишда бажарилган иш ва хизматларга ҳақ тўлашда ҳам меҳнатнинг бригада шакли асос қилиб олинади. Қишлоқ хўжалик ишларининг яхлит бригада аъзолари томонидан бажарилиши жами ҳисобланган иш ҳақини, унга қўшимчаларни бригада аъзолари ўртасида уларнинг меҳнатдаги ҳақиқий иштирокига мос тарзда тўғри таксимлаб чиқиш ва ҳисобини юритиш вазифасини қўяди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўз фаолиятини юритишда хўжалик ҳисоби тамойилига асосланувчи субъектлар ҳисобланади, яъни улар ўзини ўзи маблағ билан таъминлашлари, олган даромадлари эвазига харажатларини тўлиқ қоплашлари ва пировардида фойда олишлари

лозим. Бу тамойилга амал қилиш талаби бухгалтерия ҳисоби тизими олдига даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижалар кўрсаткичларини миллий пул бирлигида тизимли акс эттиришдек муҳим вазифани қўяди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари бошқа корхоналар сингари давлатимизнинг солиқ қонунчилигида назарда тутилган солиқлар ва ажратмаларнинг тўловчилари ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби тизими қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан тўланадиган тегишли солиқлар ва мажбурий ажратмаларни тўғри ҳисобланиши, уларни ўз вактида бюджетга ўтказиб берилишига хизмат қилиши лозим.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Қишлоқ хўжалиги - бумамлакатимизнинг кун сайин ривожланиб бораётган енгил ва озиқ овқат саноати тармоқлари корхоналарини арзон ва сифатли маҳаллий хом- аше ва материаллар билан таъминлашшашта, шунингдек аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган иқтисодиёт тармоғи.

Фермер хўжалиги - ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Деҳқон-фермер хўжалиги - оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар хўжалиги.

Деҳқончилик - – бу бевосита инсон ва жонли хайвонлар томонидан истеъмол қилинадиган, ишлаб чиқаришга моддий асос бўлиб ҳисобланадиган ўсимликлар, экинлар, хом-ашё ва материалларни етиштириш (ишлаб чиқиш) билан боғлиқ жараёнлар мажмуаси.

Деҳқончилик жараёни ўз ичига ерни шудгорлаш ва экишга тайёрлаш, уруғни экишга тайёрлаш, уруғлик қадаш, экинни парваришлаш (суғориш, яганалаш, чиллиш, дефолиация қилиш), ҳосилни териб олиш ва топшириш каби хўжалик ишларини олади.

Чорвачилик деганда маҳсулот ва насл берадиган барча жонли хайвонларни етиштириш билан боғлиқ жараёнлар мажмуаси тушунилади.

Чорвачилик жараёни молларнинг туғилганлигидан (сотиб олинганлигидан) бошлаб, то уларни хўжалик балансида турган даври ичида парваришлаш, маҳсулот (насл) олиш, маҳсулотни топширишгача бўлган жуда ҳам хилма-хил бўлган хўжалик жараёнларини олади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг ҳисоб сиёсати - бу қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбари томонидан танлаб олинган бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шакли, хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, активлар, мажмуриятлар ва хусусий капитал элементларини тан олиш меъёнлари, улар ҳисобини юритишга асос бўлувчи ҳужжатлар тизими, ички счётлар режаси, бошланғич ҳужжатлар айланиши, архив иши, товар-моддий бойликларни инвентаризациясини ўтказиш жадвали, ҳисобни юритишга доир бошқа тартиб-қоидаларни ўзида мужассамлаштирган ички меъёрий ҳужжат.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1.Қишлоқ хўжалиги тармоғининг қуйи бўғини - бу

а) қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

б) қишлоқ хўжалик бошқармалари;

в) қишлоқ хўжалик корхоналари,

г) туман фермерлар уюшмаси.

2. Қишлоқ хўжалиги тармоғининг соҳалари

а) чорвачилик;

б) деҳқончилик;

в) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш;

г) юқорида келтирилганларнинг барчаси.

3. Тухум этиштириш киради

а) қишлоқ хўжалик тармоғига;

б) қишлоқ хўжалик соҳасига;

в) маҳсулот олиш йўналишига;

г) юқорида жавобларда келтирилганларнинг барчасига.

4.Қишлоқ хўжалигининг бухгалтерия ҳисобига таъсир кўрсатувчи асосий хусусиятларига киради:

а) мавсумийлик;

б) давомийлик;

в) харажат қилиш ва маҳсулот олиш даврларининг мос эмаслиги;

г) юқорида келтирилганларнинг барчаси.

5.Фермер хўжалиги:

а) ўз ҳисоб сиёсатига эга бўлиши шарт;

б) ўз ҳисоб сиёсатига эга бўлиши шарт эмас;

в) ўз ҳисоб сиёсатини бошқалардан кўчириб олади;

г) хеч хам хисоб сиссатини юритмайди.

6. Фермер хўжалиги:
а) бухгалтерияга эга бўлиши шарт;
б) бухгалтерия хисобини юритиши шарт эмас;
в) хохлаган шаклда хисобни юритади;
г) хисобни факат компьютерда юритиши керак.

7. Қишлоқ хўжалик корхонасида хисоб:
а) мемориал-ордер шаклда юритилиши мумкин;
б) журнал-ордер шаклда юритилиши мумкин;
в) нхчамлаштирилган шаклда юритилиши мумкин;
г) юкорида келтирилганлардан бири бўйича юритилилиши мумкин.

22-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

22.1. Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситаларнинг таснифи, тавсифи ва баҳоланиши

Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситаларни таснифлаш, тавсифлаш, баҳолаш ҳамда ҳисобини юритиш халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун белгиланган умумий тартибларга асосланади. Шу билан бирга асосий воситаларнинг ўзига хос таркиби, уларнинг мақсади, ишлатилиши ва бошқа жиҳатлари улар ҳисобида айрим ўзига хос хусусиятлар мавжудлигидан дарак беради. Бу хусусиятлар қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситалар ҳисобига ўзига хос вазифаларни ҳам юкланди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситалар ҳисобининг вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- асосий воситаларни бошқарув, назорат, ҳисоб ва ҳисобот талабларидан келиб чиқиб, тегишли гурухларга ажратиш, ҳар бир гурухга бўйича унга кирувчи асосий воситалар таркибини аниқ белгилаш;
- кирим қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, тикланган қиймати ва қолдиқ қийматини аниқ ҳисоб-китоб қилиш;
- асосий воситалар характига доир операцияларни тўғри ва ўз вақтида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш;
- асосий воситалар эскириши, уларга доир кейинги сарфларни маъмун ва моҳиятидан келиб чиқиб тегишли счётларда ҳисобга олиш;
- асосий воситалар ҳолати ва ҳаракатини ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттириш;
- асосий воситаларнинг мавжудлиги ва бутлигини таъминлаш, самарали фойдаланишни назорат қилиш мақсадида уларни белгиланган муддатларда инвентаризация қилиш;
- яроқсиз ҳолга келган, самара бермайдиган асосий воситаларни ўз вақтида ҳисобдан чиқариш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида барча асосий воситаларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

(1)қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига мўлжалланган асосий воситалар – омборлар, шийпонлар, машина ва асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги техникаси, транспорт воситалари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, хўжалик инвентарлари;

(2)кишлок хўжалик ишлаб чиқаришига мўлжалланмаган асосий воситалар – маъмурият биноси, офис мебели ва жиҳозлари, компьютерлар, бошқарувга хизмат қиладиган енгил автомобиллар, ижтимоий-маданий соҳа объектлари ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситаларни гуруҳлашда ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар алоҳида гуруҳга ажратилади. Ушбу гуруҳга ишчи кучи сифатида ишлатиладиган ҳамда маҳсулдор ҳайвонлар (от, туя, хўкиз, таналар, эшаклар, она моллар) киради. Бу гуруҳга кирувчи асосий воситаларнинг ҳисоби махсус 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счётида юритилади. Қолган гуруҳга кирувчи асосий воситаларнинг ҳисоби, барча тармоқлардаги сингари, 21-сон БҲМСда назарда тутилган мос равишдаги счётларда олиб борилади.

Қишлоқ хўжалик ташкилотларида асосий воситалар қийматини баҳолаш 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ умумбелгиланган тартибда амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида асосий воситаларнинг ҳисоб баҳоси бўлиб уларнинг бошланғич қиймати ҳисобланади. Бухгалтерия балансида асосий воситалар уларнинг қолдиқ қийматида акс эттирилади.

Ўз хўжалигида бокилган, шунингдек четдан харид қилинган маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларни асосий воситаларга кирим қилишда бошланғич қиймат бўлиб уларни парваришлашга (сотиб олиш)га кетган жами харажатларнинг биргаликда олинган қиймати (таннархи) ҳисобланади.

Асосий воситалар таркибига киритиладиган кўп йиллик экинлар (мевали боғлар, токзорлар, чой плантациялари, ниҳоя ўрмонлари ва шу кабилар)нинг бошланғич қиймати, уларнинг ёшидан қатъий назар, ниҳоллар қиймати ҳамда ниҳолларни экиш, парвариш қилиш ва ўстиришга сарфланган харажатлардан ташкил топади.

Ерларни яхшилашга йўлланган капитал қўйилмалар, чунончи, ботқоқ ерларни қуритиш, шўрни қувишга қилинган инвестициялар жорий йилда сарфланган тегишли харажатларнинг ҳақиқий миқдори бўйича баҳоланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида бошқа турдаги асосий воситаларнинг бошланғич қиймати умумбелгиланган тартибларга кўра аниқланади.

Кирим қилинган асосий воситаларга улар бўйича икки тартибда ёки гуруҳ бўйича юритиладиган ҳисоб карточкалари (китоби) очилади. Ушбу ҳисоб карточкалари (китоби) асосий воситаларнинг қишлоқ хўжалик корхоналарида фойдали хизмат муддати давомида сақланади. Уларга асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, эскириши ва қолдиқ қийматини ўзгаришига доир, шунингдек жорий ва капитал таъмирланишига оид маълумотлар ёзиб борилади.

22.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситалар харакатини хужжатлаштириш ва хисоби

Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситаларнинг кирими ва чиқимини расмийлаштиришда давлат органлари томонидан тасдиқланган бошланғич хужжатларнинг намунавий шакларидан фойдаланилади. Чунончи, янги қурилишдан олинган асосий воситалар, ёрдамчи хўжаликлардан олинган кўп йиллик ўсимликларнинг ниҳоллари қабул қилиш-топшириш далолатномалари билан расмийлаштирилади.

Моллларни бир гуруҳидан иккинчи гуруҳга ўтказишга «Гуруҳдан гуруҳга ўтказиш далолатномаси» тузилади.

Таъминотчилардан нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан сотиб олинган асосий воситалар счёт- фактуралар асосида кирим қилинади.

Чорва моллларини, кўп йиллик ўсимликларни ахолидан бозорларда нақд пулга сотиб олиш кирим квитанциялари билан расмийлаштирилади. Уларнинг сотиб олиш баҳолари бозорлар маъмуриятининг ўртача баҳолар тўғрисидаги маълумотномалари билан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига асосий воситаларни таъсисчилардан кирим қилиниши таъсис шартномаларида кўрсатилган баҳоларда амалга оширилади ва счёт-фактуралар билан расмийлаштирилади.

Бошқа жисмоний ва юридик шахслардан бепул олинган асосий воситалар шартномаларда кўрсатилган баҳоларда счёт-фактуралар асосида кирим қилинади.

Барча кирим қилинган асосий воситалар тегишли моддий жавобгар шахсларга бириктирилади. Моддий жавобгар шахслар бўлиб бригадирлар, ферма мудирлари, чўпонлар, шийпон мудирлари, омбор мудирлари ва бошқа масъул шахслар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига кирим қилинган асосий воситаларнинг синтетик ҳисоби 0100 «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимида уларнинг алоҳида гуруҳлари учун очилган счётларда юритилади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ушбу счётларни юритиш тартиби биринчи бўлимда қурилиш ташкилотлари мисолида келтирилган тартибга тўлиқ ўхшайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари балансидан асосий воситалар турли сабабларга кўра чиқарилиши мумкин. Чунончи, уларни балансдан чиқариш тўлиқ эскирганлиги, фойдаланишга яроксиз ҳолатга келганлиги, табиий офат, касаллиги ва бошқа сабабларга кўра ўлганлиги, катта ёшли маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларни бракка чиқариш, бокувдаги моллар таркибига ўтказиш, шунингдек асосий воситаларни сотиш натижасида содир бўлиши мумкин.

Асосий воситаларни фойдаланишга яроксизлигини аниқлаш ҳамда уларни ҳисобдан чиқаришни тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш мақсадларида махсус комиссиялар тузилади. Яроксиз ҳолатга келган асосий воситалар тугатиш ва ҳисобдан чиқариш далолатномалари асосида балансдан чиқарилади.

Асосий воситаларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида сотиш, бепул бериш, таъсис бадали сифатида киритиш счёт-фактура билан расмийлаштирилади.

Асосий воситаларни балансдан чиқаришга доир операциялар ҳисоби биринчи бўлимда қурилиш ташкилотлари мисолида кўриб чиқилган тартибларга тўлик ўхшайди. Сотилган асосий воситаларнинг сотиш қиймати уларнинг қолдиқ қийматига мос келмаган ҳолларда олинган молиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқланади. Олинган фойда 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счётида, кўрилган зарар эса 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида ҳисобга олинади.

Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик техникалари, чуноончи қиймат турувчи хорждан олинган комбайнлар, тракторлар, шунингдек кўп йиллик мевали боғлар, токзорлар узоқ муддатли ижарага бериш йўли билан ҳам сотилмоқда ва ҳисобдан чиқарилмоқда. Ушбу операциялар ҳисобда қуйидагича акс эттирилади (22.1-жадвал).

22.1-жадвал

Қишлоқ хўжалик техникалари ва кўп йиллик ўсимликларни узоқ муддатли ижарага сотиб олиш шарти билан берилишига доир операцияларни счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Корр.счёт		Асос
		Дт	Кт	
1	Асосий воситанинг бошланғич қийматида ҳисобдан чиқарилишига	9210	0160, 0180	Шартнома, счёт [illegible]
2	Асосий восита бўйича ҳисобланган жамланган эскириш суммасини ҳисобдан чиқарилишига	0260, 0280	9210	Шартнома, счёт [redacted]ра
3	Асосий восита бўйича узоқ муддатли ижарага берилган мулкнинг келишув қийматидаги дебиторлик қарз суммасига	0920	9210	Шартнома, счёт фактура
4	Ижарага берилган мулк бўйича узоқ муддатли қарзнинг жорий қисмига	4810	0920	Шартнома, счёт [illegible]

				ҳисоб-китоб
5	Ижарага берилган мулк бўйича ҳар ойда шартнома асосида ҳисобланадиган фоиз суммасига	4830	9530	Шартнома, счёт фактура, ҳисоб-китоб
6	Ижара бўйича узоқ муддатли қарзнинг жорий қисми суммасини келиб тушиши ёки нақд олинишига	5110, 5010	4810	Банк кўчирмаси, кирим касса ордери
7	Ижара бўйича фоиз суммасини келиб тушиши ёки нақд олинишига	5110, 5010	4820	Банк кўчирмаси, кирим касса ордери

Асосий воситалар таркибидан катта ёшли маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларининг, боғлар ҳамда токзорларнинг маҳсулдорликни камайиши, касалланиши, лат ейиши, ўлиши натижасида балансдан чиқарилишига тегишли ветеринария ва агрономия хулосалари олинади. Агар ушбу асосий воситалар суғурталанган бўлса, уларни балансдан чиқариш натижасида кўрилган зарарлар суғурта тушуми ҳисобидан копланади. Суғурта ташкилотининг коплаш бўйича ўз бўйнига олган қарзига қуйидаги ёзув киритилади:

Дебет 4890 «Бошқа дебиторлик қарзлар»

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқими»

Суғурта тўловининг келиб тушишига:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 4890 «Бошқа дебиторлик қарзлар»

22.3. Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий подани шакллантириш ва улар киримининг ҳисоби

Қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан олиб бориладиган капитал инвестицияларнинг муҳим турларидан бири бўлаб асосий подани шакллантиришга қилинган капитал сарфлар ҳисобланади.

Асосий подани шакллантиришга капитал инвестициялар деганда молларни ёш ҳайвонлар гурухидан катта ҳайвонлар гурухига ўтказишгача уларни ўстириш ва парваришлашга қилинган харажатлар,

шунингдек катта хайвонларни четдан харид қилиш, таҳлиб келтириш ва бу билан боғлиқ барча бошқа харажатларнинг мажмуаси тушунилади.

Асосий подани шакллантиришга йўналтирилган капитал инвестицияларнинг ҳисоби 0840 «Асосий подани шакллантириш» счетида юритилади. Ушбу счётда, чунончи, қуйидаги харажатлар ҳисобга олинади:

-асосий подага ўтказиладиган хўжаликдаги ёш маҳсулдор ва ишчи хайвонларни ўстириш бўйича харажатлар;

-асосий пода учун харид қилинган катта ёшдаги ва ишчи хайвонларнинг сотиб олиш қиймати;

-хайвонларни етказиб келиш билан боғлиқ сарфлар;

-бошқа шахслардан текинга олинган катта ёшдаги хайвонларни хўжаликка олиб келиш билан боғлиқ сарфлар.

Ёш хайвонлар асосий подага ўтказилгунга қадар 1110 «Ўстиришдаги ва бокувдаги хайвонлар» счётида ҳисобга олинади. Ҳисобот даврида уларни асосий подага ўтказиш ҳақиқий вазнига кўра режа таннархи бўйича амалга оширилади. Ўстиришдаги ва бокувдаги молларни асосий подага ўтказиш махсус далолатнома билан расмийлаштирилади. Тузилган далолатнома асосида бухгалтерияда қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 0840 «Асосий подани шакллантириш»

Кредит 1110 «Ўстиришдаги ва бокувдаги моллар»

Бир пайтнинг ўзида асосий подага ўтказилган ёш моллар мос равишда уларнинг гурухларига қараб ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

- ишчи хайвонлар гурухига ўтказилган молларга:

Дебет 0170 «Ишчи хайвонлари»

Кредит 0840 «Асосий подани шакллантириш»

- маҳсулдор хайвонлар гурухига ўтказилган молларга:

Дебет 0171 «Маҳсулдор хайвонлари»

Кредит 0840 «Асосий подани шакллантириш»

Ҳисобот йили охирида ўстиришдаги ва бокувдаги молларнинг ҳақиқий таннархи аниқ бўлгач, уларнинг асосий пода таркибига киритилган режа таннархидан фарқи топилади. Ушбу фарқ суммасига мос равишда қўшимча ёзув ёки сторно усулларидан бири бўйича юқоридаги бухгалтерия ёзувлари берилади. Айнан шу йўл билан асосий подани шакллантириш харажатлари, киритилган ишчи ва маҳсулдор хайвонлар қиймати уларнинг ҳаккоий таннархига етказилади.

Асосий подани четдан харид қилиш йўли билан шакллантириш харажатлари бевосита 0840 «Асосий подани шакллантириш» счётининг дебетида тўпланади. Чунончи, асосий подага киритиладиган молларни

бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридан тузилган шартномалар асосида сотиб олишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 0840 «Асосий подани шакллантириш»

Кредит 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Сотиб олишга доир сарфланган қўшимча ҳақлар, масалан тендерда қатнашиш, воситачилик, транспорт хизматлари ҳақлари суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 0840 «Асосий подани шакллантириш»

Кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар»

Асосий пода аҳолидан бевосита бозорлардан ҳам нақд пулга сотиб олиниши мумкин. Бу операциялар ҳисобда қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади.

1.Асосий подани сотиб олиш учун кассадан ҳисобдор шахсга бўнак суммасини берилишига:

Дебет 4290 «Ходимга берилган бошқа бўнаклар»

Кредит 5010 «Касса»

2.Ҳисобдор шахсга берилган бўнак суммасини капитал инвестиция сифатида тан олинишига

Дебет 0840 «Асосий подани шакллантириш»

Кредит 4290 ««Ходимга берилган бошқа бўнаклар»

3.Бир вақтнинг ўзида сарфланган капитал инвестицияларни кирим қилинган ишчи ва маҳсулдор ҳайвонларнинг бошланғич қийматига киритилиши:

Дебет 0170 «Ишчи ҳайвонлари»

Кредит 0840 «Асосий подани шакллантириш»

Асосий подани шакллантиришга қилинган капитал сарфларнинг аналитик ҳисобини турли максадларда турлича юритиш максадга мувофик. Чунончи, бундай аналитик ҳисоб қилинган харажатларни ишчи ва махсулдор хайвонларнинг турлари бўйича (йирик шохли ҳайвонлар, чўчқалар, қўйлар, отлар ва бошқалар) ахборотларни олиш имконини бериши керак.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалик корхоналарининг айрим ҳайвонларни сотиб олишга сарфлаган маблағлари асосий подани шакллантириш харажатлари сифатида тан олинмайди. Чунончи, паррандалар, қуёнлар, кимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар, асаларилар, қўрикчи итлар ва бошқа шу каби ҳайвонлар, уларнинг қийматидан қатъий назар, асосий пода таркибида хисобга олинмайди. Улар жорий активлар таркибига киритилади ва мос равишда 1100 «Ўстиришда ва боқувда моллар» счётида хисобга олинади.

22.4. Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситаларга эскириш хисоблашнинг хусусиятлари ва хисоби

Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситалар, бошқа тармоқ корхоналари сингари, амортизацияланадиган ва амортизацияланмайдиган асосий воситаларга бўлинади.

Республикамизда қабул қилинган 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ қишлоқ хўжалик корхоналарида амортизация *хисобланмандиган асосий воситаларга* қуйидагилар киритилади:

- мулк сифатида сотиб олинган ер участкалари;
- махсулдор хайвонлар;
- қийматидан қатъий назар ўстиришдаги ва боқувдаги моллар гурухига киритиладиган моллар (паррандалар, қуёнлар, асаларилар, кимматбаҳо мўйнали хайвонлар, кўрикчи итлар ва бошқа шу каби хайвонлар);
- тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар;
- белгиланган тартибларга кўра консервация килинган асосий воситалар;
- кутубхона фонди;
- музей экспонатлари ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бошқа асосий воситалари умумбелгиланган тартибда, шунингдек хисоб сиёсатида кўрсатилган тартибларга кўра амортизацияланади. Чунончи, қишлоқ хўжалик корхоналарида йиллик амортизация бино ва иншоатлар бўйича йиллик 3 фоиз, қишлоқ хўжалик техникаси ва асбоб-ускуналари, офис мебели ва жиҳозлари, юк ташиш машиналари, автобуслар бўйича 15 фоиз, компьютер техникаси, енгил автомобиллар ва йўлларда ишлатиладиган автотрактор техникаси бўйича 20 фоиз, сув чиқариш насослари, электрдвигателлар, генераторлар, трубопроводлар бўйича 8 фоиз миқдорида хисобланади. *Демак, қишлоқ хўжалик корхоналарида* ушбу асосий воситалари бўйича эскириш хисоблаш меъёрлари ва тартиби барча бошқа тармоқлар учун белгиланган тартибга тўлиқ ўхшайди. Бироқ, ишчи хайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар каби асосий воситалар эскириш хисоблаш масаласида турли мунозалар туғдирадиган, шунингдек ўзига хос ёндашишларни талаб киладиган асосий воситалар хисобланади.

Республикамиз Солиқ кодексига мувофиқ ишчи хайвонлар ва кўп йиллик ўсимликлар йилига 10 фоиз меъёрида амортизация килинадиган асосий воситалар гурухига киради. Лекин, ушбу асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддатини айнан ўн йил килиб белгилаш жуда хам нисбийдир. Одатда, ишчи хайвонлар ўн йил хам хизмат килмасликлари

ёки ундан бир неча бор кўп муддатда хизмат қилишлари мумкин. Кўп йиллик ўсимликларнинг қарийб ярим аср, ҳаттоки бир асргача ҳосил берадиган турларининг борлиги ҳам сир эмас. Шу боис ҳам ишчи ҳайвонлар ва кўп йиллик ўсимликлар бўйича амортизация ҳисоблаш бўйича белгиланган муддатларни энг кам хизмат муддати сифатида эътироф этилиши максадга мувофиқдир.

Чорва молларини, одатда, бир вактнинг ўзида ҳам ишчи ҳайвонлар ҳам махсулдор ҳайвонлар бўлиб ҳисобланади. Масалан, от ёки туяни юк ташиш бўйича ишчи ҳайвон, насл ёки махсулот (гўшт, сут) беришига кўра махсулдор ҳайвон, деб аташ мумкин. Шу боис ҳам, қишлоқ хўжалик корхоналарида ишчи ҳайвонлар бўйича амортизация ҳисобини тўтри юритишнинг муҳим шартларидан бири бўлиб ушбу гурухга кирувчи ҳайвонларнинг таркиби ва рўйхатини аниқ белгилаш ҳисобланади.

Кўп йиллик ўсимликлар ҳам экилганлигидан ҳосил бермайди. Улар одатда, 2-3 йилдан кейин ҳосилга киради. Шу боис ҳам, ушбу асосий воситалар бўйича амортизацияни уларни парваришлаш бошлангандан кейин кайси муддатдан бошлаб ҳисобланиш вактини аниқ белгилаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида, бошка тармоклардан фаркли ўларок, кўпчилик асосий воситалар, айникса тракторлар, прицеплар, сув кувурлари ва насослари, генераторлар, юк ташиш машиналари, ишчи ҳайвонлар ҳисобот даври давомида ҳам чорвачилик, ҳам деҳкончилик соҳаларига хизмат кўрсатиши мумкин. Тракторлар, прицеплар ва юк ташиш транспортлари ишлаб чикариш соҳаларидан ташкари этиштирилган махсулотларни харидорларга юклаб жўнатиш ва сотишга ҳам хизматларни кўрсатадилар. Бу хусусият бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммаларини мос равишдаги соҳалар, бу соҳаларда этиштирилган қишлоқ хўжалик махсулотлари харажатлари ҳамда сотишга доир харажатлар ўртасида таксимлаб чикиш зарурияти туғдиради.

Асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммаларини таксимлаш ва улар ҳисобини тегишли счётларга олиб бориш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади.

Биринчидан, қишлоқ хўжалик корхонасининг у ёки бу соҳасига бевосита алокадор асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммаси мос равишдаги «Деҳкончилик» ва «Чорвачилик» счётларига олиб борилади. Бунда ушбу соҳа харажатларига олиб борилган эскириш суммасини ифодаловчи суммага асосий воситаларнинг мос равишдаги гурухлари бўйича эскириши ҳисоби учун мўлжалланган счётлар (0210-0290) кредитланади.

Иккинчидан, кишлоқ хўжалик корхонасининг хар иккала ишлаб чиқариш сохасига хамда сотиш жараёнига хизмат қилувчи асосий воситалар бўйича хисобланган эскириш суммаси дастлаб 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётида тўпланади. Шундан сўнг, хисоб сиёсатида кўрсатилган тартиб-коидаларга, масалан асосий воситаларни алохида олинган сохаларга кўрсатган хизматларига кетган вактига кўра жами хисобланган эскириш суммаси мос равишда «Дехкончилик», «Чорвачилик», «Давр харажатлари» счётларига олиб борилади.

Учинчидан, кишлоқ хўжалик корхоналарининг хар бир сохаси бўйича «Дехкончилик» ва «Чорвачилик» счётларига олиб борилган амортизация суммалари уларда этиштирилган махсулотларнинг турлари ўртасида таннархни калькуляция қилишга асос қилиб олинган тартиб-коидаларга кўра таксимлаб чиқилади. Масалан, «Дехкончилик» харажатларига олиб борилган амортизация харажатлари пахта, бошоқли дон, полиз экинлари ва ботқа шу каби махсулотлар ўртасида бўлиб чиқилади. Худди шундай тартибда чорвачилик сохасига тўғри келувчи амортизация харажатлари бу сохада этиштирилган кишлоқ хўжалик махсулотлари, масалан, гўшт, сут, тухум, жун ва шу кабилар ўртасида таксимланади.

Умумишлаб чиқариш харажатларига киритилган амортизация ажратмалари бухгалтерия хисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»

Кредит 0200 «Асосий воситалар эскиришини хисобга олувчи счётлар».

Хисобланган ва умумхўжалик харажатларига киритилган амортизация харажатларининг мос равишда тегишли ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари харажатларига таксимот асосида киритилишига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 2011 «Дехкончилик»,
2012 «Чорвачилик»,
9410 «Сотиш харажатлари

Кредит 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари».

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига мўлжалланган асосий воситалар – бу омборлар, шийпонлар, машина ва асбоб-ускуналар, кишлоқ хўжалиги техникаси, транспорт воситалари, ишчи ва махсулдор хайвонлар, хўжалик инвентарлари.

Кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига мўлжалланмаган асосий воситалар – бу маъмурият биноси, офис мебели ва жиҳозлари,

компьютерлар, бошқарувга хизмат қиладиган енгил автомобиллар, ижтимоий-маданий соҳа объектлари ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалик техникаси – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни териб олиш ва тозлаш каби хўжалик ишларини бажаришда қатнашадиган барча турдаги техник воситалар.

Ишчи ва наслдор хайвонлар - отлар, туялар, хўкизлар, сигирлар, бўқалар, қўйлар, эчкилар, чўчқалар ва бошқа ишчи сифатида ишлатиладиган ва насл берадиган хайвонлар.

Кўп йиллик ўсимликлар – бу дарахтлар, токлар, плантацилар ва бошқа кўп йиллик ўсимликлар.

Ерни ва бошқа асосий воситаларни ободонлаштиришга сарфланган маблағлар – ер участкаларини кадастрини тузиш, шудгорлаш, ерни ювиш, қўқаламзорлаштириш, решёткалар ўрнатиш, сув ҳавза ва омборларини тозалаш ва бошқа ишларга сарфланган капитал қўйилмалар

Асосий воситалар ҳисобланмайдиган хайвонлар- бу боқувдаги ва ўстиришдаги ёш моллар.

Ишчи ва маҳсулдор хайвонларнинг ҳисоб қиймати - бўйз хўжалигида боқилган, шунингдек четдан харид қилинган маҳсулдор ва ишчи хайвонларни асосий воситаларга кирим қилишда ҳақиқатда сарфланган маблағлар миқдорида аниқланган бошланғич қиймати.

Кўп йиллик ўсимликларнинг ҳисоб қиймати – бу кўп йиллик экинларнинг ёшидан қатъий назар, ниҳолларни сотиб олиш қиймати ҳамда уларни экиш, парвариш қилиш ва ўстиришга сарфланган харажатларини ўз ичига олган қиймати

Хайвонларни гурухдан-гурухга ўтказиш далолатномаси - бу моллари бир гурухидан иккинчи гурухга ўтказишда тузиладиган асосий бошлангич ҳужжат

Асосий подани такллантиришга капитал инвестициялар – бу моллари ёш хайвонлар гурухидан катта хайвонлар гурухига ўтказишгача уларни ўстириш ва парваришлашга қилинган харажатлар, шунингдек катта хайвонларни четдан харид қилиш, ташиб келтириш ва бу билан боғлиқ барча бошқа харажатларнинг мажмуаси.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1.Асосий воситага киради

а) бузоқ; б) сигир;

в) боқувдаги хўкиз; г) қўён.

2. Бозордан сотиб олинган ишчи отнинг бошланғич қийматига кирмайди:

а) сотиб олиш бахоси;

б) олинган микрокредит учун фоиз тулови;

в) бозор маъмурияти берган маълумотнома хақи;

г) отни ташиб келтиришга тўланган хақ.

3. Бозордан сотиб олинган ишчи отнинг бошланғич қиймати аниқланади:

а) счёт-фактура асосида;

б) кирим далолатномаси асосида;

в) бошланғич қийматни аниклаш хисоб-китоби асосида;

г) юқорида жавобларда келтирилганларнинг барчаси асосида.

4. Ўлган ишчи ва махсулдор хайвонлар баланседан чикарилади:

а) бошланғич қийматида;

б) колдик қийматида;

в) сотиш бахоларида;

г) қайта баҳоланган қийматида.

5.Кўп йиллик ўсимликларга амортизация хисобланади:

а) кирим қилинган кундан болаб;

б) биринчи марта хосилган кирган ойдан кейинги ойдан бошлаб;

в) бир йилдан кейин;

г) хисобдан чикарилган кунига

6. «Белорусь» тракторининг бошлашич қиймати 150 млн. сўм. Фойдали хизмат муддати – 5 йил. Жами ишлаш вакти меъери беш йилда 10000 соат. Хисобот йилида ишлаган вакти жами 2100 соат, шуидан дехкончилик сохасида – 1600 соат, чорвачилик сохасида - 500 соат. Дехкончилик сохасига сарфланган вакт миқдорлари қуйидагича таксимланган: а) пахта этиштиришга -900 соат; б) ғалла этиштиришга – 400 соат; в) полиз экинларини этиштиришга -200 соат; г) этиштирилган махсулотларни тошшириш ва сотиш ишларига – 100 соат.

Бир маромли усулда тракторинг йиллик мортизация суммаси тенг бўлади:

а) 30 млн сўм; б) 15 млн.сўм; в) 22,5 млн. сўм; г) 1,75 млн.сўм.

7. 6-тестда келтирилган маълумотлар асосида иш хажмига пропорционал хисоблаш усули бўйича хисобот йилидаги амортизация суммаси тенг бўлади:

а) 30000000 сўм; б) 31500000 сўм;

в) 24000000 сўм; г) 7500000 сўм.

8. 6-тестда келтирилган маълумотлар асосида иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули бўйича ҳисобот йилида чорвачилик харажатларига олиб бориладиган амортизация суммаси иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули бўйича тенг бўлади:

а) 3000000 сўм; б) 3150000 сўм; в) 2400000 сўм; г) 7500000 сўм.

9. 6-тестда келтирилган маълумотлар асосида иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули бўйича ҳисобот йилида деҳқончилик харажатларига олиб бориладиган амортизация суммаси иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули бўйича тенг бўлади:

а) 30000000 сўм; б) 31500000 сўм;
в) 24000000 сўм; г) 7500000 сўм.

10. 6-тестда келтирилган маълумотлар асосида иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули бўйича ҳисобот йилида пахтачилик ишлаб чиқари харажатларига олиб бориладиган амортизация суммаси иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули бўйича тенг бўлади:

а) 31500000 сўм; б) 13500000 сўм;
в) 11952000 сўм; г) 1500000 сўм.

11. 6-тестда келтирилган маълумотлар асосида иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули бўйича ҳисобот йилида галлачилик ишлаб чиқари харажатларига олиб бориладиган амортизация суммаси иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули бўйича тенг бўлади:

а) 13500000 сўм; б) 6000000 сўм;
в) 600000 сўм; г) 1200000 сўм.

12. 6-тестда келтирилган маълумотлар асосида иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули бўйича ҳисобот йилида полиз экинлари ишлаб чиқари харажатларига олиб бориладиган амортизация суммаси иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули бўйича тенг бўлади:

а) 1350000 сўм; б) 3000000 сўм;
в) 1195200 сўм; г) 1500000 сўм.

13. 6-тестда келтирилган маълумотлар асосида иш ҳажмига пропорционал ҳисоблаш усули бўйича ҳисобот йилидаги давр харажатларига олиб бориладиган амортизация суммаси тенг бўлади:

а) 1350000 сўм; б) 3000000 сўм;
в) 1195200 сўм; г) 1500000 сўм.

23-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАХИРАЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

23.1. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захираларининг таснифи, тавсифи ва баҳоланиши

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захиралари деганда деҳкончилик ва чорвачилик маҳсулотларини этиштиришнинг моддий негизини ташкил этувчи хом-ашё ва материаллар тушунилади. Характерлиси шундаки, қишлоқ хўжалик корхоналарининг бир соҳасидан олинган асосий ва қўшимча маҳсулотлар уларнинг бошқа соҳаси учун хом-ашё ва материал бўлиб ҳам ҳисобланади. Чунончи, деҳкончилик соҳасида этиштирилган бошоқли донлар, беда, маккажўя, турли хас ва ҳашаклар чорвачилик учун ишлатиладиган ишлаб чиқариш захиралари бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида, чорвачиликдан олинган қўшимча маҳсулотлар, масалан, нури деҳкончиликда минерал ўғитлар сифатида ишлатилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари бухгалтериясига ишлаб чиқариш захиралари ҳисоби бўйича қуйидаги вазифалари бажариш юкланилади:

- ишлаб чиқариш захираларини турли белгилари бўйича тўғри таснифлаш ва тавсифлаш;
- уларнинг кирим ва чиқим қийматларини тўғри шакллантириш;
- ишлаб чиқариш захираларининг ҳолати ва ҳаракати устидан узлуксиз назоратни олиб бориш;
- ишлаб чиқариш захиралари ҳаракатига доир операцияларни тўғри ва ўз вақтида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш;
- ишлаб чиқариш захиралари бўйича моддий жавобгар шахслар томонидан материал ҳисоботларини белгиланган муддатларда тузиш ва тақдим этилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш захиралари бўйича инвентаризацияларни белгиланган муддатларда ўтказиш ҳамда улар натижаларида ўз вақтида тегишли счётларда акс эттириш;
- ишлаб чиқариш захиралари синтетик ва аналитик ҳисобини юритиш;
- ишлаб чиқариш захиралари ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни фойдаланувчиларга ўз вақтида етказиш.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш захираларини турли белгилари бўйича таснифлаш ва тавсифлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида тутган ўрнига кўра қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш захиралари асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш захираларига бўлинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида **асосий ишлаб чиқариш захираларига** деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларни этиштиришда ишлатиладиган уруғликлар, минерал ўғитлар, ем-хашак, дори-дармонлар ва шу каби бошқа материаллар киради. Ушбу ишлаб чиқариш захираларисиз деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини этиштириб бўлмайди.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш захираларига деҳқончилик ва чорвачиликда ишлатиладиган турли хўжалик материаллари, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи, мойлаш материаллари, идиш ва идишбоп материаллар, пленкалар, ўров материаллари ва шу кабилар киради.

Сақлаш усулига кўра қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлатиладиган ишлаб чиқариш захиралари очиқ ва ёпиқ усулларда сакланадиган материалларга бўлинади. Уруғликлар, минерал ўғитлар, дориланган дон, дори-дармонлар махсус жойларида ва мосламаларда сакланади. Ёпқоқ, каррак, сомон, беда ва шу каби ем-хашаклар очиқ жойларда, усти ёпиқ айвонларда, шунингдек омборларда сакланади.

Келиб тушиш манбаларига кўра қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлатиладиган ишлаб чиқариш захиралари уларнинг ўзлари томонидан этиштирилган ҳамда четдан сотиб олинган гурухларга ажратилади. Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари томонидан ўз максадларида ишлаб чиқилган кўк масса, маккажўя, сомон, арпа, буғдой, уруғликлар ўз ишлаб чиқаришидан олинган материаллар хисобланади. Таъминотчилардан, таъсисчилардан ва бошка ташки манбалар келиб тушган ишлаб чиқариш захиралари ўзи ишлаб чиқмаган материаллар хисобланади.

Ишлаб чиқилган мамлакатига кўра деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларида қўлланиладиган ишлаб чиқариш захиралари махаллий ва хориждан келтирилган ишлаб чиқариш захираларига бўлинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлатиладиган ҳар бир ишлаб чиқариш захирасини номи, нави, хосилдорлиги ва бошка жиҳатлари бўйича таснифлаш ҳамда хисобга олиш зарурати ҳам мавжуд. Бу, чунончи, уруғлик ва ўғитларга бевосита тегишли. Олинадиган махсулотнинг хосилдорлиги ушбу ишлаб чиқариш захираларининг аник навларига, сепилган минерал ўғитларнинг турига бевосита боғликдир. Масалан, ғаллачиликда ишлатиладиган уруғликнинг «Элита» нави бошка навларга нисбатан хосилдорликни кўпроқ беради. Картошканинг айрим махаллий навлари 60-70 центнергача хосил берса, унинг голландия нави республикамизнинг иклим шароитида гектарига 400 центнергача хосил бериши мумкин. Худди шундай чигитнинг турли

навлари пахтани тез ёки кеч пишишига, шунингдек хар чаноқдан турлича миқдорда хосил олинишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захираларига турли мақсадларда ишлатиладиган хўжалик инвентарлари ва анжомлари хам киради. Бундай ишлаб чиқариш захиралари бўлиб, чунончи дехкончилик ва чорвачиликда кўп ишлатиладиган кетмон, курак, панжаха, тирнагичлар, халатлар, қўлқоплар, фартуклар, самавар, казан, ўчок, коса ва товоклар, бидонлар, флягалар, халталар, ип, аркон, тўл, брезент ва шу каби кўплаб бошқа турдаги хўжалик инвентарлари ва анжомлари хисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захираларининг мухим турларидан бири – бу ўстиришдаги ва боқувдаги моллардир. Чорвачилик ишлаб чиқаришида ушбу ишлаб чиқариш захиралари, бир томондан ишлаб чиқариш натижаси, иккинчи томондан эса, бевосита унинг махсус йўналиши хисобланади. Шу боис хам қишлоқ хўжалик корхоналарида ўстиришдаги ва боқувдаги моллар хисобининг хусусиятларига дарсликнинг кейинги қисмларида алохида тўхталамиз.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия хисобининг мухим вазифаларидан бири бўлиб ишлаб чиқариш захиралари қийматини тўғри баҳолаш хисобланади. Республикамизнинг 4-сон БХМС «Товар-моддий захиралар»га мувофиқ ишлаб чиқариш захираларининг хисоб бахоси бўлиб уларнинг таннархи хисобланади. Ишлаб чиқариш захираларининг таннархи уларнинг келиб тушиш манбасига кўра турли элементлардан ташкил топади. Чунончи, сотиб олинган ишлаб чиқариш захираларининг таннархи ўз ичига уларнинг сотиб олиш баҳоларидаги қийматини хамда сотиб олишга доир барча қўшимча харажатлар (ташиб келтириш, божхона тўловлари, сертификатлаш, брокерларнинг хизмат хаклари ва бошкалар)ни олади. Сотиб олишда таъминотчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси хам қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захиралари қийматига қўшилади. Чунки, улар этиштирилган қишлоқ хўжалик махсулотларини сотиш бўйича қўшилган қиймат солиғини тўловчилари бўлиб хисобланмайдилар. Ўз ишлаб чиқаришидан олинган ишлаб чиқариш захираларининг таннархи уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча моддий, меҳнат ва бошқа харажатлардан ташкил топади. Бунда ишлаб чиқариш захиралари бир бирлигининг ўртача таннархи калькуляция қилиш йўли билан топилади.

Таъсисчилардан, шунингдек бепул олинган ишлаб чиқариш захираларининг таннархи уларнинг шартномаларда кўрсатилган баҳолардаги қийматидан ташкил топади.

Турли манбалардан келиб тушган ишлаб чиқариш захиралари қишлоқ хўжалик корхоналарида, бошқа тармоқ корхоналаридагидек,

ФИФО ёки АВЗКО усуллардан бири асосида хисобланган киймати (таннархи) бўйича хисобдан чиқариб борилади.

23.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захиралари харакатини хужжатлаштириш ва уларнинг омбор хисоби

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захираларини таъминотчилардан сотиб олиниши, таъсисчилардан таъсис бадали сифатида кирим қилиниши, бошқа юридик ва жисмоний шахслардан бепул олиниши халқ хўжалигининг бошқа тармоқ корхоналаридагидек счет-фактуралар, шунингдек уларга илова қилинадиган турли хужжатлар (ТТН, вагон спецификацияси, сифат сертификати, ўлчов-тахлил қайдномалари, далолатномалар ва бошқалар) билан расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқариш захираларини аҳолидан нақд пулга сотиб олиниши хисобдор шахсларнинг бўнак хисоботларига киритилган турли квитанциялар, далолатномалар, чеклар, бозорлар маъмуриятлари томонидан берилган маълумотномалар билан тасдиқланади.

Ишлаб чиқариш захираларини чиқими қуйидаги хужжатлар билан расмийлаштирилади:

- счёт-фактура – ишлаб чиқариш захираларининг турли бошқа корхоналарга ва ходимларга сотилишида;

- лимит – забор картаси, талабнома, накладной – ишлаб чиқариш захираларининг сарфланишида

- минерал, органик ва бактериологик ўғитлар, захарли химикатлар ва гербицидларни хисобдан чиқариш далолатномаси – минерал ва бошқа ўғитлар, захарли химикатлар ва гербицидларнинг сарфланишида.

-товар-транспорт накладнойи – ўсимликчилик махсулотлари тайёрлов ташкилотига жунатиш (сотиш)да;

- накладной – ишлаб чиқариш захираларининг ички хўжалик эхтиёжи учун фойдаланишда;

- ем-хашак сарфлаш қайдномаси – чорва моллариии озуклантириш учун ем-хашак сарфлаш вақтида;

- уруғлик ва экиш материалларини сарфлаш далолатномаси – уруғлик ва кўчат материалларини сарфлашда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш захираларининг сакланишини таъминлаш учун омбор хўжалиги ташкил этилади. Омборлар умумий ва махсус омборларга бўлинади. Умумий омборларда корхона эхтиёжи учун зарур бўлган инвентарлар, кон-канорлар, идишлар ва бошқа материал бойликлар сакланади. Махсус омборлар маълум турдаги захираларни саклаш учун ташкил этилади, масалан, ёқилги омбори, ўғитлар омбори ва х.к.

Омбор хўжалигини ташкил этилиши, тегишли ускуналар билан жиҳозланиши учун корхона раҳбари масъул ҳисобланади. Омборда сақланадиган захиралар учун омбор мудири моддий-жавобгар шахс ҳисобланади. Омбор мудири омбор хўжалиги ҳисобини юритади. Бундай ҳисоб регистрлари бўлиб "Омбор ҳисоби дафтари" ёки "Омбор ҳисоби карточкаси" ҳисобланади. Ушбу ҳисоботлар ишлаб чиқариш захиралари киримн ва чиқимини акс эттирувчи ҳужжатлар асосида юритилади.

23.3. Ишлаб чиқариш захираларининг синтетик ҳисоби

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захираларининг синтетик ҳисоби 1000 «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» тизимига кирувчи счётларда юритилади. Чунончи:

-1010 "Хом-ашё ва материаллар" счётида ўз ишлаб чиқаришида қайта ишлаш учун мўлжалланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобга олиб борилади;

-1020 "Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар" счётида сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар ҳисобга олиб борилади;

-1030 "Ёғилғи" счётида қишлоқ хўжалик корхонаси транспорти ва техникаси учун зарур бўлган барча турдаги (қаттиқ ва суюқ) ёқилғилар ҳисобга олиб борилади;

-1040 "Эҳтиёт қисмлар" счётида қишлоқ хўжалик техникаси учун сотиб олинган барча турдаги эҳтиёт қисмлар ҳисобга олинади;

-1050 "Қурилиш материаллари" счётида қишлоқ хўжалиги корхонасида турли мақсадларда ишлатиш учун сотиб олинган қурилиш материаллари ҳисобга олинади;

-1060 "Идиш ва идишбоп материаллар" счётида барча турдаги идишлар ва идиш материаллари (коплар, бочкалар ва бошқалар) ҳисобга олинади;

-1070 "Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар" счётида қайта ишлаш учун бошқа ташкилотларга берилган материаллар ҳисобга олиб борилади;

-1080 "Инвентар ва хўжалик жиҳозлари" счётида қишлоқ хўжалиги корхонасидаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари ҳисобга олиб борилади;

-1090 "Бошқа материаллар" счётида ем-хашаклар, уруғлик, ўғитлар, асосий воситаларни тугатишдан олинган металлолом, эскирган шиналар, қайта ишланган мойлар ва бошқа материаллар ҳисобга олиб борилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захиралари киримн ва чиқими юқорида номлари зикр этилган счетларда ҳисоб баҳосида акс

эттирилади. Ҳисоб баҳоси бўлиб уларнинг сотиб олиш қиймати (ҳақиқий таннархи), режа таннархи, ўртача баҳо ва бошқалар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш заҳираларини танлаб олинган ҳисоб баҳосининг аниқ тури қишлоқ хўжалик корхонаси ҳисоб сиёсатида белгиланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш заҳиралари киримининг ҳисоби бошқа ташкилотлардаги сингари бевосита ва билвосита усуллардан бири бўйича олиб борилади. Чунончи, бевосита усулда уларнинг барча манбалардан кирим қилиниши материаллар ҳисоби счётларининг (1010-1090 счётлар) дебетида тўғридан-тўғри акс эттирилади. Бунда материалларнинг келиб тушиш манбаларини акс эттирувчи счётлар (6010, 4290, 5010, 4610 ва бошқалар) кредитланади.

Билвосита усулда қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш заҳираларининг таъминотчилардан, ўзининг ишлаб чиқаришидан кирим қилиниши дастлаб 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг дебетида акс эттирилади. Бунда материалларнинг келиб тушиш манбаларини ифодаловчи счётлар (6010, 6990, 2310 ва бошқалар) кредитланади. Материаллар бойликларнинг омборларга кирим қилиниши 1510 счётнинг кредитида ва 1010-1090 счётларнинг дебетида акс эттирилади. Бу усулда материалларнинг ҳисоб баҳосидаги қиймати ва харид қиймати ўртасидаги фарқ суммаси ҳисобот даврида алоҳида 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётида ҳисобга олинади. Ҳисобот даври охирида материаллар қийматидаги фарқ суммалари қуйидагича ҳисобдан чиқарилади:

(1) келиб тушган материал бойликларнинг харид баҳосидаги қиймати (таннархи) ҳисоб баҳосидан паст бўлганда:

Дебет 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»

Кредит 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар»

(2) *келиб тушган материал бойликларнинг харид баҳосидаги қиймати (таннархи) ҳисоб баҳосидан юқори бўлганда:*

Дебет 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар»

Кредит 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»

1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётида тупланган материалларнинг ҳисоб баҳосидаги қиймати ва харид қиймати ўртасидаги фарқ суммаси харажатларни акс эттирувчи счётларнинг (2010, 2310, 2510, 9410, 9420, 9430) дебетига сарфланган материалларнинг ҳисоб баҳосига мутаносиб тарзда қўшимча ёзув ёки қизил ёзув (сторно) асосида ҳисобдан чиқарилади.

Ишлаб чиқариш заҳираларининг қишлоқ хўжалик ишларига сарфланиши, шунингдек уларнинг сотилиши, бепул берилиши, бошқа корхоналарга таъсис бадали сифатида киритилиши, иш ҳақи ва моддий ёрдам сифатида берилиши, шунингдек турли бошқа чиқимлари гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида ҳисобда қуйидагича акс эттирилади (23.1-жадвал).

23.1-жадвал

Қишлоқ хўжалик корхоналарида материалларнинг ишлатилиши ва ишга чиқимларини счётларда акс эттириш

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Материалларнинг ишлаб чиқаришга сарфланиши	5000000	2010, 2310, 2510	1010-1090	Материал ҳисоботлари, далолатномалар
2	Материалларнинг сотилиши: -сотиш қийматига - материалларнинг ҳисоб баҳосида моддий жавобгар шахс бўйнидан сокит қилинишига -сотишдан олинган фойдага -сотишдан кўрилган зararга	500000 400000 100000	4010, 9210 9220 9430	9220 1010-1090 9320 9220	Шартнома, счёт-фактура ҳисоб-китоблар, материал ҳисоботи
3	Материалларнинг бепул берилиши: -бериш қийматига -материалларнинг ҳисоб баҳосида моддий жавобгар шахс бўйнидан сокит қилинишига -сотишдан кўрилган зararга	500000 500000 500000	4010 9220 9430	9220 1010-1090 4010	Шартнома, счёт-фактура, ҳисоб-китоблар, материал ҳисоботи
4	Таъсис бадали сифатида берилиши: -киритиш қийматига --материалларнинг ҳисоб баҳосида моддий жавобгар шахс бўйнидан сокит қилинишига	500000 500000	0610-0690 9220	9220 1010-1090	Шартнома, счёт-фактура, ҳисоб-китоблар, материал ҳисоботи
5	Материалларнинг ип ҳақи ва моддий ёрдам сифатида берилиши: -бериш қийматига -материалларнинг ҳисоб баҳосида моддий жавобгар шахс бўйнидан сокит қилинишига	500000 500000	6710 9220	9220 1010-1090	Ариза, счёт-фактура, ҳисоб-китоблар, материал ҳисоботи

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захираларининг аналитик хисоби уларнинг алохида турлари, чунончи уруғлик ва экиш материаллари, ўғитлар, турли хил химикатлар, дори-дармонлар ва бошқалар бўйича алохида очилган аналитик хисоб регистрларида юритилади.

23.4. Ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг хисоби

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ўстиришдаги ва боқувдаги моллар айланма активларнинг мухим турини ташкил этади. Уларни боқиш жарасида жонли меҳнат сарфи, ем-хашак ва бошка харажатлар қилинади. Маълум ёшга етганидан сўнг, ўстиришдаги моллар асосий подага утказилади ва, аксинча, асосий подадан брак килинган моллар боқувга қўйилиб, айланма активларга ўтказилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар қуйидагича баҳоланади:

-сут йўналишидаги корамолчиликдан олинган бузоклар режа таннархида баҳоланади;

-гўшт йўналишидаги корамолчиликдан олинган бузоклар тирик вазнини тирик вазнинг режа таннархига кўпайтирилиб баҳоланади;

-чўчқачиликдан олинган чўчка болалари тирик вазнини тирик вазнинг режа таннархига кўпайтирилиб баҳоланади;

-ишчи хайвонлардан олинган насл ишчи хайвоннинг 60 озуқа-куни режа таннархига тенглаштирилиб олиб баҳоланади;

-туялардан олинган насл 120 озуқа-куни режа таннархида баҳоланади;

-парранда болалари инкубациянинг суткалик парранда режа таннархида баҳоланади.

-янги асалари уялари режа таннархида баҳоланади;

-четдан сотиб олинган ўстиришдаги ва боқувдаги моллар сотиб олиш баҳосига, барча сотиб олиш ва ташиб келтиришга кетган харажатлар қўшиб баҳоланади.

-асосий подадан брак қилиниб, боқувга қўйилган моллар баланс баҳосида баҳоланади.

-асосий подага ўтказилган ёш моллар ҳакикий таннархида баҳоланади.

Ҳар ойда ўстиришдаги ва боқувдаги моллар вазни ўлчаниб, уларнинг ошган вазни эвазига янги киймати топилади. Йил охирида ўсган вазннинг ҳакикий таннархи аниклангандан сўнг, режа ва ҳакикий таннархи ўртасидаги фарк топилади, ушбу фарк суммаси тузатиш ёзувлари қилиниб ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг ҳакикий таннархи аникланади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1)ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг бош сони ошиши ва сақланиши устидан назорат қилиш;

2)пода таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида ҳисобга олиб бориш;

3)ўстиришдаги ва боқувдаги моллари парваришлаш ва боқиш натижаларини тўғри аниқлаш;

4)ўстиришдаги ва боқувдаги моллар харакатини тўғри ҳужжатли расмийлаштириш ва улар ҳисобини ўз вақтида белгиланган тартиода юритиш.

Устиришдаги ва боқувдаги моллар харакати қуйидаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

1. *Туғилган ҳайвон наслини кирим қилиш далолатномаси (95- шакл).* Бу ҳужжат бузоқ, чўчқа, қўй ва ипчи ҳайвонларнинг болаларини кирим қилишда ферма мудири ёки зоотехник томонидан икки нусхада тузилади. Ҳужжатда насл берган ҳайвон кимга бирикитилганлиги, унинг лақаби, номери, тутилган насл сони, жинси, берилган тартиб рақами, ажралиб турадиган белгилари кўрсатилади.

2.Ҳайвонларни гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш далолатномаси (97-шакл). Бу ҳужжат корхона раҳбари томонидан тузилган комиссия томонидан тузилади. Унда бир гурухдан иккинчи гурухга ўтказилган ҳайвон тури, вазни, қайси гурухдан қайси гурухга ўтказилганлиги, кимга биркитилганлиги кўрсатилади.

3.Моллар вазнини тортиш қайдномаси (98-шакл). Ушбу ҳужжат ҳар ой охирида тузилади ва унда ҳар бир ҳайвоннинг ой боши ва ой охиридаги вазни асосида ўсган вазн аниқланади.

4.Моллар ва паррандаларни жўнатиш-қабул қилиш товар-транспорт накладнойи (1-к/х(чор)). Бу ҳужжатга асосан харидор ва буюртмачиларга сотилган ҳайвонлар ҳисобга олиниб, жўнатилган моллар бош сони, тирик вазни ва бошқа маълумотлар акс эттирилади.

5.Моллар ва паррандаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси (100-шакл). Ушбу ҳужжат моллар сўйилганда, касаллиги туфайли нобуд бўлганда тузилади, унда моллларнинг ҳисобдан чиқиш сабаблари кўрсатилади.

6. Счет-фактура. Бу ҳужжат ўстиришдаги ва боқувдаги молларнинг четдан сотиб олиниши ва четга сотилишида тузилади. Наслдор бўлган ёш моллар бўйича счёт фактураларга уларнинг «наслдорлик гувоҳномаси" илова қилинади.

7.Суткалик ёш паррандаларнинг чиқиши ва саралаш далолатномаси (106-шакл). Ихтисослашган хўжаликларда инкубациядан чиққан жўжа ва бошқа паррандаларни ҳисобга олишда тузилади.

Чорвалик фермаларида ўстиришдаги ва бокувдаги молларни хисобга олиш дафтари (34-шакл) юритилади. Ушбу дафтарда юқорида номлари келтирилган ҳужжатлар асосида хайвон ва паррандалар таркибидаги ўзгаришлар ҳисоби юритилади. Ҳар ойнинг охирида дафтардаги маълумотлар жамланади улар асосда "Моллар ва паррандалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот" (102-шакл) тузилади. Ушбу хисобот икки нусхада тузилиб, бир нусхаси фермада, иккинчи нусхаси бошланғич ҳужжатлар илова қилинган ҳолда бухгалтерияга топшириладн.

Устиришдаги ва бокувдаги молларнинг, чунончи корамол, чўчка, ишчи хайвонлар, қўй ва эчкиларнинг болалари, бокувга қўйилган хайвонлар, асосий подадан брак қилиниб бурдокига қўйилган хайвонлар, паррандалар, ёввойи хайвонлар, қуёнлар, асалари оилалари ва бошка хайвонларнинг хисоби 1110 «Ўстиришдаги ва бокувдаги моллар» счётида олиб борилади. Ушбу хайвонларнинг сақлаш харажатлари 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётлар тизимининг "Чорвачилик" счётида хисобга олиб борилади.

1110 "Ўстиришдаги ва бокувдаги хайвонлар" счётида уларнинг харакати қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади.

*****_маҳсулдор хайвонлардан олинган наел ёкиуларнинг ўсган вазни суммасига_

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ва бокувдаги моллар»

Кредит 2010 «Чорвачилик».

*****_ишчи хайвонлардан олинган наел ёки уларнинг ўсган вазни суммасига_

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ва бокувдаги моллар»

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш».

*****_ўстиришдаги ва бокувдаги молларнинг таъминотчилардан сотиб олинишига_

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ва бокувдаги моллар»

Кредит 6010 «Таъминотчиларга тўланадиган счётлар».

*****_молларни бозорлардан берилган хисобдор сумма эвазига сотиб олинишига_

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ва бокувдаги моллар»

Кредит 4290 «Ходимларга берилган бошка бўнаклар».

***** _асосий подадан брак қилиниб, бокувга қўйилган моллар суммасига_

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ва бокувдаги моллар»

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқимлари».

*****_таъсисчилардан таъсис бадали сифатида олинган молларга_

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ва бокувдаги моллар»

Кредит 4610 «Таъсисчиларнинг устав капиталига бадали бўйича қарзлари».

**молларни текинга олинишига*

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар»

Кредит 8530 «Бегараз олинган мулк».

**ўстиришдаги моллари боқувдаги моллар гуруҳига ўтказилишига*

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар»

Кредит 1110 «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар»

** ёш молларнинг асосий подага ўтказилишига*

Дебет 0840 «Асосий подани шакллантирилиши»

Кредит 1110 «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар».

**сотилган ёш ва бурдоқидаги моллар суммасига*

Дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқимлари».

Кредит 1110 «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар»

**инвентаризация натижасида кам чиққан моллар суммасига*

Дебет 5910 «Камомадлар»

Кредит 1110 «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар»

1110 "Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар" счети бўйича аналитик ҳисоб ўстиришдаги ва боқувдаги моллар нинг турлари, ёши, жинси, гуруҳлари бўйича олиб борилади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш захиралари – бу деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларни этиштиришда ишлатиладиган уруғликлар, минерал ўғитлар, ем-хашак, дори-дармонлар ва шу каби бошқа материаллар.

Қишлоқ хўжалигида ёрдамчи ишлаб чиқариш захиралари – бу деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларни этиштиришда ишлатиладиган турли хўжалик материаллари, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи, мойлаш материаллари, идиш ва идишбоп материаллар, пленкалар, ўроғ материаллари ва шу кабилар.

Хўжалик инвентарлари ва анжомлари – бу деҳқончилик ва чорвачиликда кўп ишлатиладиган кетмон, курак, паншаха, тирнагичлар, халатлар, кўлқоплар, фартуклар, самавар, қозон, ўчоқ, коса ва товоқлар, бидонлар, флягалар, ҳалталар, ип, аркон, тўл, брезент ва шу каби кўплаб бошқа турдаги хўжалик инвентарлари ва анжомлари.

Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар – бу маълум муддатгача ўстиришда бўлган, шунингдек махсус боқувда бўлган ҳайвон болалари (бузоқ, қўзи, чўчқа, жўжа ва шу кабилар).

Ишлаб чиқариш захираларининг таннархи – бу уларнинг сотиб олиш баҳоларидаги қийматини ҳамда сотиб олишга доир барча

қўшимча харажатлар (ташиб келтириш, божхона тўловлари, сертификатлаш, брокерларнинг хизмат ҳаклари ва бошқалар)ни олади.

Ўз ишлаб чиқаришидан олинган ишлаб чиқариш захираларининг таннархи - бууларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча моддий, меҳнат ва бошқа харажатлар мажмуаси.

Ишлаб чиқариш захиралари кирими ҳисобининг бевосита усули - уларнинг барча манбалардан кирим қилинишини материаллар ҳисоби счётларининг (1010-1090 счётлар) дебетида тўғридан-тўғри акс эттириш усули.

Ишлаб чиқариш захиралари кирими ҳисобининг билвосита усули – уларнинг барча манбалардан кирим қилинишини дастлаб 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг дебетида, материаллар кирим қилингач эса 1510 счётнинг кредитида ва 1010-1090 счётларнинг дебетида акс эттириш усули.

Материалларнинг ҳисоб баҳосидаги қиймати ва харид қиймати ўртасидаги фарқ суммаси - бу ҳисобот даврида алоҳида 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётида ҳисобга олинадиган сумма.

Туғилган ҳайвон наслини кирим қилиш далолатномаси (95-шакл) – бу бузоқ, чўчка, қўй ва ишчи ҳайвонларнинг болаларини кирим қилишда ферма мудири ёки зоотехник томонидан икки нусхада тузиладиган ҳужжат.

Ҳайвонларни гурухдан-гурухга ўтказиш далолатномаси (97-шакл) -корхона раҳбари буйруғи билан тасдиқланган комиссия томонидан тузиладиган ва ҳайвонларни бир гурухдан иккинчи гурухга ўтказилганда уларнинг тури, вазни, қайси гурухдан қайси гурухга ўтказилганлиги, кимга биркитилганлигини кўрсатувчи ҳужжат.

Моллар вазнини тортиш қайдномаси (98-шакл) - бу ҳар ой охирида ҳар бир ҳайвоннинг ой боши ва ой охиридаги вазни асосида ўсган вазн аниқланиш учун тузиладиган ҳужжат.

Моллар ва паррандаларни жўнатиш-қабул қилиш товар-транспорт накладнойи (1-к/х(чор)) - бу харидор ва буюртмачиларга сотилган ҳайвонлар бош сони, тирик вазни ва бошқа маълумотларни ўзида ифодаловчи ҳужжат.

Моллар ва паррандаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси (100-шакл) – бу моллар сўйилганда, касаллиги туфайли нобуд бўлганда тузиладиган ҳужжат.

Счет-фактура - бу ўстиришдаги ва боқувдаги моллларнинг четдан сотиб олиниши ва четга сотилишида тузиладиган ҳужжат.

Суткалик ёш паррандаларнинг чиқиши ва саралаш далолатномаси (106-шакл) – бу ихтисослашган хўжаликларда

инкубациядан чиккан жужа ва бошка паррандаларни хисобга олишда тузиладиган хужжат.

Чорвалик фермаларида ўстиришдаги ва бокувдаги молларни хисобга олиш дафтари (34-шакл) – бу хайвон ва паррандалар таркибидаги ўзгаришлар хисоби юритиладиган реестр.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1.Ўстиришдаги молларга кирмайди

а) бузок; б) сигир; в) бокувдаги хўкиз; г) қуён

2. Бозордан сотиб олинган бузокнинг бошланғич қийматига кирмайди:

а) сотиб олиш баҳоси;

б) олинган микрокредит учун фоиз тўлови;

в) бозор маъмурияти берган маълумотнома ҳаки;

г) бузокни ташиб келтиришга тўланган ҳақ.

3. Ўлган ёш моллар балансдан чиқарилади:

а) бошланғич қийматида; б) қолдиқ қийматида;

в) сотиш баҳоларида; г) қайта баҳоланган қийматида.

4. Ўстиришдаги ва бокувдаги молларга сарфланган ем-хашаклар хисобда қандай акс эттирилади?

а) ем-хашак сарфи далолатномаси асосида;

б) Ўзким наклоднойи асосида;

в) счет-фактура асосида;

г) кирим наклоднойи асосида.

5. Ўлган ёш моллар балансдан чиқарилади:

а) билдирги асосида;

б) хисобдан чиқариш далолатномаси асосида;

в) кирим далолатномаси асосида;

г) сўйиш далолатномаси асосида.

24-БОБ. ДЕҲҚОНЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ

24.1.Деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатларининг таснифи, таркиби ва тавсифи

Деҳқончилик - бу моддий ишлаб чиқариш бўлиб, ўз ичига қуйидаги жараёнларни олади:

• *ерни экишга тайёрлаш* – шудгорлаш, захни кочириш, жуяклаш ва бошқалар;

• *экиш* – нихолни ўстириш, уругни экишга тайёрлаш, уни қадаш, бараналаш;

• *парваришлаш* – суғориш, культивация, дорилаш, чопиш, ятаналаш ва бошқалар;

• *ҳосилни йиғиб олиш* – ҳосилни териш, ташиш, омборларга топшириш ва сақлаш.

Мос равишда,деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

√ ерни экишга тайёрлаш харажатлари;

√ экиш харажатлари;

√ экинни парваришлаш харажатлари;

√ ҳосилни йиғиб олиш, омборга етказиш ва уни сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар.

Деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатларини турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин.

Моддийлигига кўра улар моддий ва моддий бўлмаган харажатларга бўлинади. Моддий харажатлар бўлиб деҳқончиликка сарфланган уруғликлар, ўғит, дори-дармонлар, ем-хашаклар ва бошқа материаллар хисобланади. Моддий бўлмаган харажатларга иш ҳаки, ижтимоий суғуртага ажратмалар, амортизация, сугурта, иш ва хизматларга доир харажатлар киритилади.

Таннархга киритиш усулига кўра деҳқончилик харажатлари бевосита ва билвосита харажатларга бўлинади. Бевосита харажатлар бўлиб деҳқончиликка сарфланган бевосита материал харажатлари, бевосита меҳнат ҳаки харажатлари ва бошқа харажатлар хисобланади. Билвосита харажатларга амортизация, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, умумишлаб чиқариш харажатлари киради.

Иқтисодий мазмунига кура деҳқончилик харажатлари қуйидаги бешта гурухга ажратилади:

**моддий харажатлар* – дехкончилик ишлаб чиқаришга сарфланган барча материал харажатлари (уруғлик, ўғит, дори-армонлар, ем-хашаклар, екилғи ва бошқа материаллар);

**меҳнат харажатлари* - дехкончилик ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларга ҳисобланган асосий ва қўшимча иш ҳақлари;

**ижтимоий суғуртага ажратмалар* – дехкончилик ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларга ҳисобланган иш ҳаки фондидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма;

**амортизация* - дехкончилик ишлаб чиқаришга алоқадор асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган эскириш суммаси;

**бошқа харажатлар* - дехкончилик ишлаб чиқаришга тегишли барча ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари.

Калькуляция моддалари бўйича дехкончилик ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида ҳисоботда (18-шакл) қуйидаги моддаларга ажратилган ҳолда акс эттирилади:

1.Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртага ажратмалар;

2.Уруғлик;

3.Ўғитлар;

4.Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари;

5.*Иш* ва хизматлар;

6.Асосий воситаларни сақлаш харажатлари;

7.Ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш харажатлари;

8.Суғурта тўловлари;

9.Бошқа харажатлар.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртага ажратмалар» моддасида бевосита экин ўстириш билан банд бўлган ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, навбатдаги ва қўшимча таътилларга ҳақ тўлаш ҳамда бу суммаларга нисбатан ҳисобланган тегишли ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобга олинади. Бу харажатлар бошланғич ҳужжатлар асосида бевосита тегишли экинлар ва иш турларига ўтказилади. Қўшимча меҳнат ҳаки суммалари тўғри иш ҳакига мутаносиб тақсимланади.

«Уруғлик» моддасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун сарфланган уруғликлар ҳисобга олинади. Уруғларни экишга тайёрлаш, уларни экиш жойига ташиб келтириш харажатлари уруғлар қийматига киритилмайди, балки экинларга тегишли харажатлар моддалари бўйича ўтказилади.

«Ўғит» моддасида қишлоқ хўжалик экинлари учун тупроққа солинадиган ўғитлар, шу жумладан саноатда ишлаб чиқиладиган минерал, бактериал ва бошқа ўғитлар ҳамда органик ўғитлар харажатлари ҳисобга олинади. Харажатлар аналитик ҳисобга олишда минерал ва органик ўғитлар бўйича алоҳида акс эттирилади. Ўғитларни

тайёрлаш ва ерга солиш харажатлари бевосита муайян қишлоқ хўжалик экинига тегишли харажатлар моддалари бўйича ўтказилиб, бу моддага киритилмайди.

«Усимликларни химоя қилиш воситалари» моддасида бегона ўтлар, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунанда ва касалликларга қарши курашда ишлатиладиган пестицид, кимёвий дорилар, гербицид ва бошқа кимёвий, шунингдек биологик воситаларни харид қилиш ва сақлаш харажатлари киритилади. Хўжаликнинг ўзи бу воситалар билан кўчатлар, экинларга ишлов бергандаги харажатлар моддаларн бўйича экининг таннархига ўтказилади.

«Иш ва хизматлар» моддаси ўз корхонасининг ишлаб чиқариш эҳтиежларини қондурувчи ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг хизматлари ҳамда шу корхонага бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чиқариш характеридаги хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари акс эттирилади.

«Асосий воситаларни сақлаш харажатлари» моддасида бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Уларга бу асосий воситаларга хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш харажатлари, амортизацияси ажратмалари ва тузатиш харажатлари киритилади.

Асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларига асосий воситаларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат ҳаклари, ижтимоий суғуртага ажратмалар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, ёрдамчи ишлаб чиқариш, шунингдек чет ташкилотлар хизматлари ва бошқа харажатлари киритилади.

Тузатиш харажатларига энг аввало ўзининг таъмирлаш устахоналарининг харажатлари киритилади.

Амортизация харажатларини асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари ташкил қилади. Амортизация ажратмалари ҳар ойда алоҳида «Деҳқончиликда ишлатиладиган асосий воситалар бўйича тақсимланган амортизация» аналитик счётида қайд этиб борилади. Йил охирида асосий воситаларнинг эскириш суммаси экин ва иш турлари бўйича тақсимланади ва бу махсус қайднома орқали расмийлаштирилади. «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» счётида ҳисобга олинган жорий тузатиш харажатлари амортизация суммасига мутаносиб равишда тақсимланади.

«Ишлаб чиқариш ва бошқаруви ташкил этиш харажатлари» моддасида умумишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилади.

«Суғурта тўловлари» моддасида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили ва кўп йиллик экинлар, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, қуён, асалари оилалари ва шу каби лар бўйича давлат мажбурий суғурта тўловларига оид харажатлар ҳисобга олинади. Бу тўловлар тегишли

экинларнинг таннархига бевосита олиб борилади. Бу моддада махсулотни ишлаб чикаришда бевосита фойдаланиладиган бино, иншоот, машина, ускуна, инвентар ва бошка асосий воситаларнинг сугурта тўловлари хам хисобга олиб борилади. Бундай сугурта тўловлари махсулотни ишлаб чикаришга сарфланадиган харажатларга мутаносиб равишда экин ва махсулот турлари бўйича таксимланади.

«Бошка харажатлар» моддасида махсулотни ишлаб чикаришга бевосита дахлдор, аммо юкорида кайд этилган моддаларга киритилмаган харажатлар акс эттирилади

24.2.Дехкончилик ишлаб чикариш харажатлари ва махсулот киримининг дастлабки хисоби

Дехкончилик ишлаб чикариш харажатларининг дастлабки хисоби уларнинг алохида моддалари бўйича куйидаги тартибларга кўра ва гувохлик берувчи бошланғич хужжатлар асосида юритилади (24.1-жадвалга каранг).

24.1-жадвал

Дехкончилик ишлаб чикариш харажатларининг хисоб-китоб килиш тартиби

Харажат моддалари	Хисобга олиш тартиби	Гувохлик берувчи хужжат
1.Мехнат харажатлари	Наряд бўйича ишланган соат микдорини 1 соатлик тарифга кўпайтириш йўли билан топилади	Наряд, табель, хисоб-тўлов кайдномаси
2.Ижтимоий сугуртага ажратма	Хисобланган иш хакини белгиланган ставкага кўпайтириш йўли билан топилади	Махсус хисоб китоб
3. Уруглик сарфи	Экин тури бўйича экилган майдон хажмини 1 га ерга сарфланган уруглик микдорига ва 1 кг уругликнинг хакикий таннархига кўпайтириш йўли билан топилади	Уруглик сарфи далолатномаси
4.Ўгит сарфи	Экин тури бўйича экилган майдон хажмини 1 га ерга сарфланган ўгит микдорига ва 1 т ўгитнинг хакикий таннархига кўпайтириш йўли билан топилади	Ўгит сарфи далолатномаси
5.Ёкилги сарфи	Экин турлар ўртасида	Механикнинг рапорти,

	кишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа транспортларнинг ҳар бир соҳада ишлаган вакти миқдорига (соатига) қараб тақсимланади	варядлар, йўл варақалари
6.Суғурта тўловлари	Ҳар бир маҳсулот тури бўйича ҳисобланган суғурта тўлови бўйича	Суғурта полиси, шартнома
7.Иш ва хизматлар	Ҳисоб сиёсатида белгиланган тартиб бўйича тақсимланади	Бош агроном томонидан тузиладиган махсус тақсимлаш ҳисоб-китоби
8.Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари	Ҳисоб сиёсатида белгиланган тартиб бўйича тақсимланади	Махсус тақсимлаш ҳисоб-китоби
9.Умумишлаб чиқариш харажатлари	Ҳисоб сиёсатида белгиланган тартиб бўйича тақсимланади	Махсус тақсимлаш ҳисоб-китоби

Дехкончилик ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси бўлиб етиштирилган маҳсулотлар ҳисобланади. Маҳсулот таннархига уларнинг кирим қилиш-топшириш жойигача қилинган харажатлар киритилади. Маҳсулотларнинг кирим қилиш-топшириш жойи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (24.2-жадвал).

24.2-жадвал

Дехқончилик маҳсулотларини кирим қилиш- топшириш жойлари

Маҳсулот тури	Кирим-топшириш жойи
1.Пахта	Франко-дала
2.Дон	Франко-дала (саклаш жойи)
3. Картошка, полиз экинлари, сабзавот, канд лавлаги	Франко-дала (саклаш жойи)
4.Мевалар, резавор, узум, тамаки, махорка ва чой барги, доривор эфир мой экинлари ва гулчилик маҳсулотлари	Франко-кабул қилиш (саклаш) жойлари
5.Ут, зиғир, сабзавот ва бошқа экинлар уруғлари	Франко-саклаш жойлари
6. Озиқа учун кўк масса	Франко-истеъмол жойи
7. Сомон, хашак	Франко-саклаш жойи

Дехкончилик махсулотлари кирими қуйидаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади:

1.Дон ва бошқа махсулотларни даладан жўнатиш реестри – донли экин махсулотларини кирими расмийлаштирилади.

2.Қишлоқ хўжалик махсулотларини келиш қуидалиги – сабзавот, мева, полиз махсулотларини кирим қилишда расмийлаштирилади.

3.Пахта терими тўғрисида кунлик маълумот - пахта хомашёсини кирим қилишда тузилади.

4.Дағал ва ширали озуқаларни кирим далолатномаси - озуқаларни кирим қилиниши расмийлаштирилади.

5.Ўсимликчилик махсулотларини саралаш ва қуритиш далолатномаси – донли экин махсулотларини саралашда расмийлаштирилади.

6.Дон ва бошқа махсулотлар харакати кайдномаси - донли экин махсулотларини йиғиштириб олиш мавсуми даврида расмийлаштирилади.

24.3. Дехкончилик ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик ва аналитик хисоби

Дехкончилик ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик хисоби 2000 «Асосий ишлаб чиқариш счётлари» тизимида олиб борилади. Ушбу счётлар тизимида дехқончилик сохаларига караб куйидаги счётларни ишчи счётлар режасида очиш мумкин: 2011 «Пахтачилик»; 2012 «Ғалачилик»; 2013 «Сабзавотчилик» ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик хисоби дехкончилик сохаларининг йўналишларига караб юритилади. Масалан, 2013 «Сабзавотчилик» счёти бўйича қуйидаги аналитик счётларни очиш мумкин: картошка; помидор; пиёз; сабзи, карам ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари счётларининг (2011, 2012, 2013) дебетида хакикатда килинган харажатлар акс эттирилади. Бунда, мос равишда харажатларнинг моддаларига кўра куйидиги ёзувлар килинади:

* материал харажатларига:

Дебет 2011,2012,2013 **Кредит** 1010-1090;

*меҳнат ҳаки харажатларига:

Дебет 2011,2012,2013 **Кредит** 6710;

*ижтимоий сугурта харажатларига:

Дебет 2011,2012,2013 **Кредит** 6520;

*экинларни сугурталаш харажатларига:

Дебет 2011,2012,2013 **Кредит** 6510;

*** иш, хизмат харажатларига:**

Дебет 2011,2012,2013 **Кредит** 6010,6990;

***** ердамчи ишлаб чиқариш харажатларини хисобдан чиқарилишига:

Дебет 2011,2012,2013 **Кредит** 2310

*****умумишлаб чиқариш харажатларининг хисобдан чиқарилишига:

Дебет 2011,2012,2013 **Кредит** 2510.

Ишлаб чиқариш харажатлари счётларининг кредитида хисобот йили давомида олинган махсулотлар режа таннархи бўйича акс эттирилади, яъни унга қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 2810 **Кредит** 2011,2012,2013.

Йил бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари хисобот давр харажатларига киритилади. Йил охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш кузги экинларни экиш харажатлари бўйича инвентаризация йўли билан топилади.

Хисобот йили охирида хар бир соха бўйича етиштирилган махсулотларнинг режа таннархи ва хакикий таннархи ўртасидаги фарк суммалари хисоб-китоб қилинади.

Режа таннарх ва хакикий таннарх ўртасидаги фарк суммаси барча махсулотлар бўйича қуйидагича топилади:

$$Тф = (Тх - Тр) \times Мп$$

Бу ерда:

Тф – бир бирлик махсулот режа ва хакикий таннархлари ўртасидаги фарк суммаси;

Тх – бир бирлик махсулотнинг хакикий таннархи;

Тр – бир бирлик махсулотнинг режа таннархи;

Мп – етиштирилган махсулотнинг миқдори (п.)

Режа таннарх ва хакикий таннарх ўртасидаги фарк суммаси мос равишда ишлаб чиқариш харажатлари счётларида «кизил ёзув» ёки «кўшимча ёзув» усуллари бўйича акс эттирилади. Бунда режа таннархи хакикий таннархдан юкори бўлган холларда «кизил ёзув» усули, режа таннархи хакикий таннархдан паст бўлганда эса «кўшимча ёзув» усулидан фойдаланилади.

Кизил ёзувлар ёки кўшимча ёзувларни кайси корреспонденцияланадиган счётларга берилишини аниклашда етиштирилган махсулот-ларнинг тўлик сотиб юборилганлиги, ишлатилганлиги хамда омборда тайёр махсулот сифатида сакланаётганлиги эътиборга олиниши керак. Чунончи, тўлик сотиб юборилган махсулотлар бўйича режа таннарх ва хакикий таннарх ўртасидаги фарк суммалари бевосита 9130 «Сотиш таннархи» счётига, кисман сотилган махсулотлар бўйича ушбу фарк уларнинг сотилган ва омборда сакланаётган кисмларини акс эттирувчи счётлар ўртасида таксимланиши лозим. Ўз максадларида

ишлатилган махсулотлар (масалан, ем-хашакларни чорва молларига берилиши) оўйича режа таннархи ва хакикий таннарх ўртасидаги фарк мос равиндаги ишлаб чикарит счётларига олиб борилиши керак.

Барча етиштирилган махсулотлар бўйича хакикий таннарх ва режа таннарх ўртасидаги фарк суммаларининг хисоб-китоби хамда уларни тегишли счётларда акс эттириш тартиби мисол тарикасида 24.3-жадвалда келтирилган

24.3-жадвал

Дехкончилик тармоғи соҳаларида етиштирилган махсулотларнинг режа ва хакикий таннархлари ўртасидаги фарқ хисоб-китоби

Махсулот	Миқдори, ц.	1 ц. таннархи, сўм			Сумма, сўм	Корр. Счётлар	
		Режа	хакикат	Фарқ (+,-)		Дт	Кт
Пахта	1500	85000	85333	333	499500	9110	2010
Дон	2250	67500	68000	500	1125000	9110	2010
Дон чиқити	1000	25000	27200	2200	2200000		
а) сотилган	800				1760000	9110	2010
б) чорвага	200				440000	2020	2010
Семон	2300	20000	25000	5000	11500000		
а) сотилган	300				1500000	9110	2010
б) чорвага	2000				10000000	2020	2010
Помидор	350	25000	27000	2000	700000	9110	2010
Пиёз	200	30000	33000	3000	600000		
а) сотилган	150				450000	9110	2010
б) колдик	50				150000	2810	2010
Карам	250	15000	18000	3000	750000	9110	2010
Картошка	200	35000	38000	3000	600000		
а) сотилган	150				450000	9110	2010
б) колдик	50				150000	2810	2010
Сабзи	320	20000	23000	3000	960000	9110	2010

Ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар махсус «Ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида хисобот»да (18-шакл) жамланади.

Бухгалтерия хисобининг комбинацияланган шаклида ишлаб чиқариш харажатлари хисоби қуйидаги махсус реестрларда юритилади:

-«Хисобот даври харажат (сарф)ларини хисобга олиш кайдномаси»;

-«Дехкончилик махсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва махсулот чиқишини хисобга олиш кайдномаси».

24.4. Дехкончилик махсулотлари таннархини аниқлаш усуллари

Дехкончилик ишлаб чиқаришида асосий, ёндош ва ёрдамчи махсулот тушунчалари бир- биридан фарқланади.

Асосий махсулот деганда қишлоқ хўжалигининг ихтисослашган сохасини юритишда етиштирилиши бош максад қилиб олинган махсулот тури тушунилади.

Ёндош махсулот асосий экинлардан асосий махсулотлар билан бир вактда олинади ва истеъмол хусусиятларига кўра асосий махсулотга ўхшаш махсулотдир.

Ёрдамчи махсулот - бу асосий махсулот билан бир вактда олинадиган, аммо хусусиятига кўра иккинчи даражали махсулот.

Дехкончиликда хар бир алохида қишлоқ хўжалик экинидан олинадиган махсулот тури калькуляция объекти хисобланади. Бир экиндан аини бир вактда хар хил хусусиятдаги махсулот олиниши туфайли дехкончилик махсулоти таннархини калькуляция қилишда бевосита ва билвосита усуллардан фойдаланилади. Чунончи, харажатларни махсулот таннархига бевосита ўтказиш усули бир экиндан факат битта махсулот тури олинадиган холлларда фойдаланилади. Бунда бир бирликнинг таннархи мазкур экинни етиштиришга сарфланган жами харажатлар суммасини олинган махсулот миқдорига бўлиш орқали топилади. Айрим қишлоқ хўжалик экинларидан турли махсулотлар олинганда алохида махсулот турлари бирлиги таннархини аниқлашда жами харажатларни умумий бўлган белгиларидан бирининг миқдорий кийматига мутаносиб таксимлаш усули қўлланилади.

Дехкончилик махсулотлари таннархини хисоблаш хусусиятларини уларнинг айрим турлари бўйича кўриб чиқамиз.

Дон экинлари. Дон экинларини экиш ва йиғиштириш харажатлари (донни хирмонда тозалаш ва қуритиш харажатлари кўшилиб) дон, дон чиқитлари ва сомонининг таннархини ташкил килади. Дон ва дон чиқитларнинг таннархини аниклаш учун, аввалдамбор, унга тегишли жами харажатларда сомонининг белгиланган киймати чегириб ташланади. Колган харажатлар дон ва дон чиқитларининг таннархини

ташкил этади. Доннинг таннархини аниклаш учун дон чиқитлари (лабораторияда аниқланган доннинг миқдорига караб) соф донга ўлчаштирилади. Сўнгра уларга тегишли жами харажатлар шартли дон миқдорига бўлиниб 1 центнер (ц) доннинг таннархи аниқланади. Юқоридаги тартибга кўра дон бўйича бир бирлик (1 ц) маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи жорий ҳисоб регистрлари маълумотлари бўйича қуйидаги формула асосида ҳисоб-китоб қилинади:

$$Тх = \frac{(Хж - То) - С\,рт}{(Д + Чдм)}$$

Бу ерда:

Хж - жами харажатлар (2012 счётнинг бош қолдиги ва дебет оборот суммалари биргаликда олинганда);

То - йил охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари;

Срт - сомоннинг режа қиймати;

Д - доннинг миқдори (ц.);

Чдм -чиқитнинг донга айлантирилган миқдори (ц.).

Ўз навбатида:

$$Чдм = \frac{Ч \times Ф}{100\ \%}$$

Бу ерда:

Ч – дон чиқити миқдори (ц.);

Ф –чиқитдан дон чиқиш фоизи.

Мисол. *Кузги буғдой ҳосили йиғиштириб ва тозалаб олингандан кейин 1000 ц дон, 200 ц дон чиқити ва 600 ц сомон олинган, дейлик. Ушбу хосилни етиштириш ва хирмонда тозалаш учун 89800000сўм сарфланган.Сомоннинг меъёрий харажатлар қиймати 15000000сумни ташкил этади. 1 ц сомоннинг таннархи эса - (15000000:600) 25000 сўмни ташкил этди. У ҳолда дон ва дон чиқитига тегишли харажатлар 74800000 (89800000-15000000) сўмга тенг.*

*Дон чиқити (чори)ни донга ўтказиш фоизи – 50% десак, у ҳолда донга айлантирилган чиқит миқдори 100 ц (200*50%), жами шартли дон миқдори эса 1100 ц (1000+100) га тенг.*

1 ц шартли доннинг таннархи 68000сўмни (74800000: 1100) ташкил этади.

Сомон каби жўхорипоя барги, гўзапоя, кунгабокар тупгули, карам барги, шох-шабба (тут) ва бошқа ёрдамчи махсулотларнинг таннархи ушбу махсулотларни йиғиштириш, пресслаш, ташиш, ғарамлаш ва тайёрлашга оид бошқа ишлар харажатлари асосида белгиланган меъёрлар бўйича уларга сарфланган харажатлардан келиб чиқиб аниқланади.

Полиз экинлари. Полиз экинлари бўйича харажатлар умумий ходда олиб борилганда уларнинг айрим турлари бўйича 1ц хосилнинг таннархи ўстириш ва хосилни йиғиштиришга тааллуқли барча харажатларни махсулот массасига таксимлаб аниқланади. Бунда харажатлар айрим экинларга махсулот реализациясидан тушган даромадга мутаносиб таксимланади. Чунончи, сабзавотчилик сохасида алохида махсулот турига тўғри келадиган хақиқий харажатлар (Мх) хар бир махсулот сотиш қийматини жами сабзавотларни сотишдан олинган соф тушумдаги хиссасига (Сх) қараб қуйидагича аниқланади:

$$Мх = \frac{Хж \times Сх}{100\ \%}$$

Ўз навбатида:

$$Сх = \frac{С\,м}{Сжм} \times 100\ \%$$

Бу ерда:

Хж – жами харажатлар;

См – хар бир махсулот бўйича сотиш ҳажми;

Сжм – жами махсулотлар бўйича сотиш хажми.

Сабзавотчилик сохасига сарфланган харажатларни етиштирилган махсулотлар ўртасида таксимлаш тартиби мисол тарикасида 24.4-жадвалда келтирилган.

24.4-жадвал

Сабзавотчилик сохаси харажатларини махсулотлар ўртасида таксимоти

Махсулот тури	Хосил, ц	1 ц. сотиш бахоси, Сўм	Сотиш қиймати, сўм	Ҳиссаси, %	Харажат суммаси, сўм	1 бирлик махсулот таннархи, Сўм
1	2	3	4	5	6	7
Помидор	100	75000	7500000	8,3	1710284	17103
Пиёз	150	110000	16500000	18,4	3762624	25084
Карам	120	50000	6000000	6,7	1368227	11402
Картошка	200	250000	50000000	55,6	11401891	57009
Сабзи	110	90000	9900000	11,0	2257574	20523
Жами			**89900000**	**100,0**	**20500600**	

Изоҳ: а) 6-устунда хар бир махсулот турларига тўғри келадиган харажатлар уларнинг сотиш хажмини жами махсулот сотишдаги хиссасини (5-устун) барча махсулот турларига қилинган жами харажатлар суммасига (6-устуннинг жами суммасига) кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали топилади;

б) 7-устун= 6-устун / 2-устун.

Маккажўхори. 1 ц маккажўхори донининг таннархини хисоблашда дон қабул қилиш пунктларида суткалик ўртача намуналарни суткадаги доннинг базис намлигини (маккажўхори сутасидаги доннинг базис намлиги 22 фоиз кўламида қабул қилинган) хисобга олиб янчиш натижасида аниқланган сўталардан курук донга ўтказиш хўжаликнинг давлатга сотган маккажўхори сўталаридан базис намликдаги дон чиқишининг ўртача фоизидан аниқланади. Бу фоиз қабул қилинган дон накладнойлари регистрларининг маълумотларидан олинади. 1 ц маккажўхори доннинг таннархи ишлаб чиқариш харажатларини жухорипояларни йиғиштириш сарфлари ва кийматини истисно қилиб, дон массасига таксимлаб аниқланади.

Пахта. 1 ц пахтанинг таннархи уни етиштириш ва йиғиштириш (гўзапоя бундан мустасно) харажатлари суммасини унинг хисобга олинган (кондиция) миқдорига таксимлаб аниқланади. Пахтанинг таннархи алохида навлар бўйича аниқланганда харажатларнинг умумий суммаси унинг харид нархларининг қийматига мутаносиб таксимланади.

Давлати. 1ц давлати илдиз мевасининг ишлаб чиқариш таннархи (фабрикада ишлатиладиган ва туғанаги) уларни канд давлатининг (фойдаланиладиган баргининг қиймати харажатлардан четириб ташлангач) физик массасига бўлиб аниқланади.

Тамаки. Тамаки ва мохорка хом ашёсининг таннархи ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси ва хом ашёнинг хисобга олинган массасидан келиб чиқиб, харажатларни махсулотнинг алохида турларига, уларнинг харид баҳоларидаги қийматига мутаносиб таксимлаб аниқланади. Уруғчиликда 1ц тамаки, мохорка хом ашёси, уруғнинг таннархи муайян махсулотни ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли суммаси ва хом ашё, уруғнинг хисобга олинган массасидан келиб чиқиб аниқланади.

Картошка. 1 ц картошканинг таннархи картошкани етиштиришга тааллуқли барча харажатларни палак қийматини четириб, картошка хосилига таксимлаб аниқланади.

Мева ва узумлар. 1ц мева ва узум таннархи харажатларининг умумий суммасини махсулот массасига (турлар, навлар бўйича) таксимлаб аниқланади.

Чой. Саралланган чой барги таннархини аниқлашда харажатларнинг умумий суммасидан дағал чой барги, кофеин учун таркибий материал ва уруғнинг харид нархларидаги бахоси четирилади. 1ц саралланган чойнинг таннархи шу махсулотга ўтказилган харажатларни саралланган чой барги массасига бўлиб аниқланади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Дехкончилик - бу бевосита инсон ва жонли хайвонлар томонидан истеъмол қилинадиган, ишлаб чиқаришга моддий асос бўлиб ҳисобланадиган ўсимликлар, экинлар, хом-ашё ва материалларни етиштириш (ишлаб чиқиш) билан боғлиқ жараёнлар мажмуаси

Дехқончилик жараёнлари – булар ерни экишга тайёрлаш, экиш, парваришлаш, ҳосилни йиғиб олиш каби жараёнлар.

Дехқончилик ишлаб чиқариш харажатлари – бу ерни экишга тайёрлаш харажатлари, экиш харажатлари, экинни парваришлаш харажатлари ва ҳосилни йиғиб олиш, омборга етказиш ва уни сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар мажмуаси.

Уруғлик сарфи – бу экин тури бўйича экилган майдон ҳажмини 1 га ерга сарфланган уруғлик миқдорига ва 1 кг уруғликнинг ҳақиқий таннархига кўпайтириш йўли билан топилган сумма.

Ўғит сарфи – бу экин тури бўйича экилган майдон ҳажмини 1 га ерга сарфланган ўғит миқдорига ва 1 кг ўғитнинг ҳақиқий таннархига кўпайтириш йўли билан топилган сумма.

Асосий маҳсулот - бу қишлоқ хўжалигининг ихтисослашган соҳасини юритишда етиштирилиши бош мақсад қилиб олинган маҳсулот тури.

Ёнлош маҳсулот - бу асосий экинлардан асосий маҳсулотлар билан бир вақтда олинадиган ва истеъмол хусусиятларига кўра асосий маҳсулотга ўхшаш маҳсулот.

Ёрдамчи маҳсулот - бу асосий маҳсулот билан бир вақтда олинадиган, аммо хусусиятига кўра иккинчи даражали маҳсулот.

Бир бирлик маҳсулотининг ҳақиқий таннархи - бу қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштиришга сарфланган жами харажатлар суммасини олинган маҳсулот миқдорига нисбати.

Бир бирлик маҳсулотнинг режа таннархи - бу қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштиришга сарфланадиган жами харажатлар суммасини олинадиган маҳсулот миқдорига нисбати.

Режа таннарх ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ суммаси – бу бир бирлик маҳсулотнинг ҳақиқий ва режа таннархи ўртасидаги фарқни жами етиштирилган маҳсулот миқорига кўпайтиришда топилган сумма.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1. Деҳқончиликда харажатлар объекти бўлиб ҳисобланмаган:

А) Боғдорчилик Г) қўйчилик

Б) Полизчилик Д) сабзавотчилик

2.«Қаҳрамон» фермер хўжалигида 20__ йилда пахта ва дон етиштириш а қуйидаги харажатлар қилинган:

(минг сўмда)

Харажат моддалари	Суммаси
Иш ҳаки харажатлари:	
- пахтага	20000
- донга	4680
Иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратма:	
- пахтага	3000
- донга	702
Уруғлик:	
- пахтага	14000
- донга	3000
Ўғитлар:	
- пахтага	8400
- донга	2400
Ёқилғи ва мойлаш материаллари:	
- пахтага	1200
- донга	2418
Суғурта тўловлари:	
- пахтага	500
- донга	100
Иш ва хизматлар:	
- пахтага	800
- донга	300
Ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари:	
- пахтага	3300
- донга	3000

Қўшимча маълумотлар:

1.20__ йилда олинган ялпи ҳосил:

- пахта бўйича 600 ц., 1 ц. режа таннархи 85 000 сўм;

-дон бўйича: дон 260 ц., 1 ц. режа таннархи 67 500 сўм, дон чиқити 20 ц. (дон чиқиш фоизи – 50 %), 1 ц. режа таннархи 33 000 сўм, сомон 50 ц., 1 ц режа таннархи 20000 сўм.

2. Ўртача 1 ц. махсулотнинг сотиш бахоси: пахта 195 000 сўм, дон 80 000 сўм, дон чиқити 40 000 сўм;

3. Донли экинлар бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш ўтган йил охирига қолдиқ 3010000 сўм.

4.Олинган пахта, дон ва дон чиқити тўлиқ сотилган. сомон эса. тўлиқ чорвага берилган.

Олинган пахтанинг режа таннархи суммасини топинг ва унга бухгалтерия ёзувини беринг.

А) Дт 2810 Кт2010 51000000
Б) Дт 2810 Кт2010 37340000
В) Дт 9110 Кт2010 51000000
Г) Дт 9110 Кт2010 37340000

3. 2-тест маълумотлари асосида пахтанинг хақиқий ва режа таннархи ўртасидаги фарқ суммасини аниқланг ва унга бухгалтерия ёзувини беринг:

А) Дт 2810 Кт2010 199800 – қизил ёзув
Б) Дт 2810 Кт2010 216000- қўшимча ёзув
В) Дт 9110 Кт2010 216000 – қизил ёзув
Г) Дт 9110 Кт2010 199800 – қўшимча ёзув

4. 2-тестда келтирилган маълумотлар асосида олинган сомонинг режа таннархига бухгалтерия ёзуви беринг

А) Дт 1110 Кт 2010 1 200 000
Б) Дт 2020 Кт 2010 1 000 000
В) Дт 2810 Кт 2010 1 500 000
Г) Дт 9110 Кт 2010 1 100 000

5. 2-тестда келтирилган маълумотлар асосида 1 ц донинг хақиқий таннархини топинг:

А) 68000 сўм;
Б) 66733 сўм;
В) 67300 сўм;
Г) 65866,67 сўм;

6. 2-тестда келтирилган маълумотлар асосида 1 центнер дон чиқити хақиқий таннархини топинг:

А) 34333,33 сўм;
Б) 32166,67 сўм;
В) 34000 сўм;
Г) 33750 сўм;

7. 2-тестда келтирилган маълумотлар асосида олинган доходнинг режа ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ суммасини топинг ва унга бухгалтерия ёзуви беринг:

А) Дт 9110 Кт 2010 130000 сўм – қизил ёзув
Б) Дт 2810 Кт 2010 265665 сўм – қўшимча ёзув
В) Дт 2090 Кт 2010 135400 сўм – қизил ёзув
Г) Дт 9110 Кт 2010 130000 сўм – қўшимча ёзув

8. 2-тестда келтирилган маълумотлар асосида олинган доп чиқити режа ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ суммасини топинг ва унга бухгалтерия ёзуви беринг:

А) Дт 9010 Кт 2010 15000 сўм – қўшимча ёзув
Б) Дт 2810 Кт 2010 43333,4 сўм – қизил ёзув
В) Дт 2090 Кт 2010 43333,4 сўм – қизил ёзув
Г) Дт 9110 Кт 2010 15000 сўм – қўшимча ёзув

9. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобот йили мобайнида қайси баҳосига кўра кирим қилинади?

А) Сотиш баҳоларида
Б) Ҳақиқий таннархида
В) Режа таннархида
Г) Ўртача баҳоларда

25-БОБ. ЧОРВАЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ

25.1. Чорвачилик харажатларининг таснифи, таркиби ва тавсифи

Чорвачилик дехқончилик сингари қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ олдида турган бош вазифа бўлиб аҳолини гўшт, сут, тухум, балиқ ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарини чорвачиликдан олинадиган хом ашё ва материаллар билан таъминлаш ҳисобланади.

Чорвачилик тармоғи ўз ичига қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, паррандачилик, йилқичилик, пиллачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик ва бошқаларни олади. Чорвачиликнинг ҳар бир тармоғи, ўз навбатида, турли гурухларга бўлинади. Чунончи, республикамизда кенг тарқалган чорвачиликнинг алоҳида тармоқлари қуйидаги гурухларга ажратилади (25.1-жадвал).

25.1-жадвал

Чорвачилик тармоқлари ва уларда харажат объектлари

Тармоклар	Харажат объектлари
1. Қорамолчилик	1.Сут йуналишида: • асосий пода • ёш ва бокувдаги моллар 2. Гўшт йуналишида • асосий пода ва саккиз ойгача бўлган моллар • саккиз ойдан катта бузоқлар ва бокувдаги моллар
2.Қўйчилик	Гўшт йуналишида • асосий пода ва саккиз ойгача бўлган қўйлар • саккиз ойдан катта қўчқорлар ва бокувдаги қўйлар
3.Чўчқачилик	1. Асосий пода 2.Икки ойдан тўрт ойликкача бўлган чўчқалар 3.Тўрт ойликдан ката чўчқалар
4.Паррандачилик	1. Тухум йўналишида 2. Гўшт йўналишида

Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатларини худди дехкончилик ишлаб чиқаришдагидек турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин. Чунончи, *иқтисодий мазмунига кўра* чорвачиликхаражатлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

**моддий харажатлар* – чорвачилик ишлаб чиқаришга сарфланган барча материал харажатлари (ем-хашак, дори-армонлар, тўшаш материаллари, ёқилғи ва бошқа материаллар);

**меҳнат харажатлари* - чорвачилик ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларга хисобланган асосий ва қўшимча иш хаклари;

**ижтимоий суғуртага ажратмалар* – чорвачилик ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларга хисобланган иш хаки фондидан Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма;

**амортизация* – чорвачилик ишлаб чиқаришга алокадор асосий воситалар ва номоддий активларга хисобланган эскириш суммаси;

**бошқа харажатлар* - чорвачилик ишлаб чиқаришга тегишли барча ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари.

Калькуляция моддалари бўйича чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги моддаларга ажратилган холда акс эттирилади:

1.Меҳнатга хак тўлаш ва ижтимоий суғуртага ажратмалар;

2.Ем-хашак;

3.Дори-дармонлар;

4.Тўшаш материаллари;

5.Иш ва хизматлар,

6.Асосий воситаларни сақлаш харажатлари;

7.Ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш харажатлари;

8.Суғурта тўловлари;

9.Бошқа харажатлар.

«Меҳнатга хак тулаш ва ижтимоий суғуртага ажратмалар» моддасида чорва молларини ўстириш, парваришлаш, боқиш, соғиш, жунни қиркиш ваш у каби бошқа ишлар билан банд бўлган ишчилар меҳнатига хак тўлаш, меҳнат таътилларига хак тўлаш хамда бу суммаларга нисбатан хисобланган тегишли ижтимоий суғурта ажратмалари хисобга олинади. Бу харажатлар бошланғич хужжатлар асосида бевосита тегишли чорва моллари ва иш турларига ўтказилади.

«Ем-хашак» моддасида чорва молларини боқиш учун сарфланган ем-хашаклар хисобга олинади.

«Дори-дармонлар» моддасида чорва молларини парваришлашда сарфланган дори-дармон препаратлари харажатлари хисобга олинади.

«Тўшаш материаллари» моддасида чорва моллари сақланаётган жойларда моллар тагига тўшаладиган материал харажатлари киритилади.

«Иш ва хизматлар» моддасида чорвачилик фермаларига бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чиқариш характеридаги хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари акс эттирилади.

«Асосий воситаларни сақлаш харажатлари» моддасида бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Уларга бу асосий воситаларга хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш харажатлари, амортизацияси ажратмалари ва тузатиш харажатлари киритилади.

Асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларига асосий воситаларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат ҳақлари, ижтимоий суғуртага ажратмалар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, ёрдамчи ишлаб чиқариш, шунингдек чет ташкилотлар хизматлари ва бошқа харажатлари киритилади.

Тузатиш харажатларига энг аввало ўзининг таъмирлаш устахоналарининг харажатлари киритилади.

Амортизация харажатларини асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари ташкил қилади. Амортизация ажратмалари ҳар ойда алоҳида «Чорвачиликда ишлатиладиган асосий воситалар бўйича таксимланган амортизация» аналитик счётида қайд этиб борилади. Йил охирида асосий воситаларнинг эскириш суммаси чорва моллари гуруҳлари ва ит турлари бўйича таксимланади ва бу махсус қайдномаси орқали расмийлаштирилади. «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» счётида ҳисобга олинган жорий тузатиш харажатлари амортизация суммасига мутаносиб равишда таксимланади.

«Ишлаб чиқариш ва бошқаруни ташкил этиш харажатлари» моддасида чорвачиликка доир умумишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилади.

«Суғурта тўловлари» моддасида чорва моллариии суғурта қилиш харажатлари ҳисобга олинади.

«Бошқа харажатлар» моддасида чорвачилик ишлаб чиқаришга бевосита дахлдор, аммо юқорида кўриб чиқилган моддаларга киритилмаган харажатлар акс эттирилади.

25.2. Чорвачилик харажатлари ва маҳсулот кириминнинг дастлабки ҳисоби

Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ҳисоби уларнинг алоҳида моддалари бўйича гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар асосида юритилади. Чунончи:

- меҳнат харажатлари - чорва моллариии парваришлаш, боқиш, совиш ва бошқа ишларни бевосита олиб борувчи ишчилар (чўпонлар,

сут соғувчилар, жун кирқивчилар ва бошқалар) томонидан бажарилган ишларга гувоҳлик берувчи наряд, табель, сут соғиш ҳисоби журнали, ҳисоб-тўлов қайдномалари асосида ҳисобга олинади;

- ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар махсус ҳисоб-китоб асосида ҳисобга олинади;
- ем-хашак харажатлари «Ем-хашак сарфлаш қайдномаси» (94-шакл) асосида ҳисоб-китоб қилинади;
- дори-дармонлар, тўшаш материалларининг сарфи махсус далолатномалар асосида ҳисобга олинади;
- бошқа турдаги ишлаб чиқариш харажатлари тегишли ҳужжатлар асосида ҳисобга олинади.

Чорвачилик тармоғида етиштириладиган маҳсулотлар турли тумандир. Уларнинг асосийлари бўлиб гўшт, сут, жун, тухум, гўнг, насл ҳисобланади. Айнан ушбу чорвачилик маҳсулотлари ва уларни етиштиришга доир ишлар харажатлар объекти, мос равишда, калькуляция объекти бўлиб ҳисобланади.

Чорвачилик маҳсулотлари кирими қуйидаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади:

1.Сут соғиш ҳисоби журнали ((112-шакл) ва сут харакати қайдномаси (114-шакл) - ушбу ҳужжатлар асосида сигирларни соғишдан олинган сутнинг кунлик ҳисоби ферма мудирлари томонидан юритилади.

2. Молларни сўйиш қайдномаси (100-шакл) ва накладнойлар – молларни сўйишда комиссия томонидан тузилади.

3. Жунни кирқиш ва кирими далолатномаси (116-шакл) – жун қирқиш пайтида комиссия томонидан тузилади.

4.Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кирими кундалиги (81-шакл) – асал, пилла, балиқ ва бошқа маҳсулотлар бўйича юритилади.

5.Тухумларни қабул қилиш ва саралаш далолатномаси ((109-шакл).

6.Туғилган молларни қабул қилиш далолатномаси (95-шакл).

7. Моллар вазнини тортиш қайдномаси (98-шакл).

8. Тирик вазнинг ўсишини аниқлаш ҳисоб-китоби (98 а-шакл).

25.3. Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик ва аналитик ҳисоби

Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатларининг синтетик ҳисоби 2020 «Асосий ишлаб чиқариш счётлари» тизимида олиб борилади. Ушбу счётлар тизимида чорвачилик соҳаларига қараб турли счётларни ишчи счётлар режасида очиш мумкин, масалан: 2021 «Қорамолчилик»; 2022 «Қўйчилик»; 2023 «Паррандачилик» ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисоби чорвачилик соҳаларининг йўналишларига қараб юритилади. Масалан, 2023 «Паррандачилик» счёти бўйича қуйидаги аналитик счётларни очиш мумкин: тухум; гўшт ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари счётларининг (2021, 2022, 2023) дебетида ҳақиқатда қилинган харажатлар акс эттирилади. Бунда, мос равишда харажатларнинг моддаларига кўра қуйидиги ёзувлар қилинади:

**материал харажатларига:*

Дебет 2021,2022,2023 **Кредит** 1010-1090;

**ўстиришда ва боқуддаги ўлган моллларнинг қийматига:*

Дебет 2021,2022.2023 **Кредит** 1110;

**меҳнат ҳақи харажатларига:*

Дебет 2021.2022.2023 **Кредит** 6710;

** ижтимоий суғурта харажатларига:*

Дебет 2021.2022,2023 **Кредит** 6520

**моллларни суғурталаш харажатларига:*

Дебет 2021,2022.2023 **Кредит** 6510

**иш ва хизмат харажатларига:*

Дебет 2021,2022,2023 **Кредит** 6010,6990;

**ёрдамчи ишлаб чиқариш харжатларини ҳисобдан чиқарилишига:*

Дебет 2021,2022,2023 **Кредит** 2310 -

**умумишлаб чиқариш харжатларини ҳисобдан чиқарилишига:*

Дебет 2021.2022.2023 **Кредит** 2510.

Ишлаб чиқариш харажатлари счётларининг кредитида хисобот йили давомида олинган махсулотлар режа таннархи бўйича акс эттирилади. яъни унга қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 2810 **Кредит** 2021,2022,2023.

Ҳисобот йили охирида чорвачилик ишлаб чиқаришнинг хар бир соҳаси бўйича етиштирилган махсулотларнинг режа таннархи ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ суммалари ҳисоб-китоб қилинади.

Режа таннарх ва ҳакикий таннарх ўртасидаги фарқ суммаси барча махсулотлар бўйича қуйидагича топилади:

$$Тф = (Тх - Тр) \times Мц$$

Бу ерда:

Тф – бир бирлик махсулот режа ва ҳакикий таннархлари ўртасидаги фарқ суммаси;

Тх – бир бирлик махсулотнинг ҳакикий таннархи;

Тр – бир бирлик махсулотнинг режа таннархи;

Мц – етиштирилган махсулотнинг миқдори.

Режа таннарх ва ҳакикий таннарх ўртасидаги фарқ суммаси мос равишда ишлаб чиқариш харажатлари счётларида «қизил ёзув» ёки

«қўшимча ёзув» усуллари бўйича акс эттирилади. Бунда режа таннархи хакикий таннархдан юқори бўлган холларда «қизил ёзув» усули, режа таннархи хакикий таннархдан паст бўлганда эса «қўшимча ёзув» усулидан фойдаланилади.

Қизил ёзувлар ёки қўшимча ёзувларни кайси корреспонденцияланадиган счётларга берилишини аниклашда олинган махсулотларнинг тўлик сотиб юборилганлиги, ишлатилганлиги ҳамда омборда тайёр махсулот сифатида сакланаётганлиги эътиборга олиниши керак. Чунончи, олинган наснинг режа таннархи ва хакикий таннархи ўртасидаги фарк суммалари бевосита 1110 «Ўстиришдаги ва боқувдаги моллар» счётига, тўлик сотиб юборилган махсулотлар бўйича режа таннарх ва хакикий таннарх ўртасидаги фарк суммалари бевосита 9130 «Сотиш таннархи» счётига, қисман сотилган махсулотлар бўйича ушбу фарк уларнинг сотилган ва омборда сакланаётган қисмларини акс эттирувчи счетлар ўртасида таксимланиши лозим.

Бухгалтерия хисобининг комбинацияланган шаклида чорвачилик ишлаб чикариш харажатлари хисоби куйидаги махсус реестрларда юритилади:

-«Ҳисобот даври харажат (сарф)ларини хисобга олиш кайдномаси»;

-«Чорвачилик махсулотларини ишлаб чикариш харажатлари ва махсулот чиқишини хисобга олиш кайдномаси».

25.4. Чорвачилик махсулотлари таннархини аниклаш усуллари

Чорвачиликдан олинган махсулотлар асосий ва ёрдамчи махсулотларга бўлинади.

Чорвачилик тармоғида асосий махсулот деганда чорвачиликнинг ихтисослашган сохасини юритишда олиниши бош мақсад қилиб олинган махсулот тури тушунилади. Чунончи, корамолчиликда бош махсулот бўлиб гўшт, сут, насл (бузок), ўсган вазн хисобланади. Парранда чиликда тухум ва парранда гўшти бош махсулот хисобланади. Қўйчиликда бош махсулот бўлиб олинган кўзи ва жун хисобланади.

Чорвачилик сохасида ёрдамчи махсулот деганда асосий махсулот билан бир вактда олинадиган, аммо хусусиятига кўра иккинчи даражали махсулот тушунилади, масалан гўнг, пат, кил, тери ва бошкалар.

Чорвачиликда унинг хар сохаси, бу сохаларнинг алохида йўналишларида калькуляция объекти бўлиб турли махсулотлар хисобланади. Куйида чорвачиликнинг *айрим сохалари* ва йўналишларида махсулот таннархини аниклаш усуллари ва тартибига тўхталамиз.

Сут йўналишидаги йирик шохли корамолчилик. Сут йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик соҳасида калькуляция объекти бўлиб сут ва насл (бузоқ) хисобланади. Бу соҳада таннархни калькуляция килиш бирлиги бўлиб 1 центнер сут ҳамда бир бош насл (бузоқ) хисобланади. Ушбу махсулотларнинг таннархини иккита усулда аниклаш мумкин:

1-усул – шартли маҳсулот таннархи орқали ҳисоблаш усули

2-усул - ҳар бир махсулот таннархини индивидуал хисоблаш усули

1-усул собик совет даврида энг кенг таркалган усул эди. Унга мувофик сут йўналишидаги қорамолчиликда сут асосий маҳсулот, насл (бузоқ) эса сутга тенглаштириладиган шартли маҳсулот, деб қаралар эди. Олинган насл (бузоқ) 1,5 коэффициентда шартли маҳсулотга, яъни сутга тенглаштирилар эди. 1 центнер сут ва 1 бош наслнинг таннархини аниклаш учун ушбу усулда дастлаб сут йўналишидаги корамолчиликка сарфланган жами хакикий харажатлардан олинган ёрдамчи маҳсулотлар (гўнг ва бошкалар)нинг қиймати чегириб ташланади. Шундан сўнг, топилган хакикий харажатлар сутга айлантирилиб олинган маҳсулотнинг шартли бирликдаги миқдорига бўлинади ва шу йўл билан 1 центнер сутнинг таннархи топилади. 1 центнер сутнинг таннархига асосланган холда кейин 1 бош наслнинг қиймати баҳоланади.

Сут йўналишидаги корамолчиликда асосий маҳсулот бўлган сут ва насл (бузоқ) таннархининг 1-усулга мувофик хисоб-китоб килиш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чикайлик. **Мисол.** *Фермер хўжалигининг сут йўналишидаги асосий подасини боқиш ва парваришлаш харажати 454122,5 минг сўм. Йил мобайнида олинган маҳсулотлар: сут 1200 ц, бузоқлар – 40 бош, гўнг 310 т ва қил – 0,3 ц. Бир тонна гўнгнинг режа таннархи 200000 сўм, бир центнер қилнинг режа таннархи 800000 сўм.*

Юкоридаги шартли маълумотлар асосида қуйидаги хисоб-китобларни киламиз.

(1). Ёрдамчи маҳсулотнинг жами режа таннархи 62 240 минг сўм (310*200000 + 0,3*800000).

(2). Калькуляция қилинадиган шартли маҳсулот (сут)нинг миқдори 1260 центнер (1200 + 40*1,5).

(3).Бир центнер сутнинг таннархи 311,02 минг сўм [(454122,5-62240) / 1260].

(4). Жами бузоқларнинг таннархи 18662 минг сўм (60*311,02).

(5) Бир бош бузоқнинг таннархи 466,6минг сўм (18662/40).

Сут йўналишидаги корамолчиликдан олинган сут ва бузоқнинг таннархини аниклашнинг 2-усули хозирги пайтда республикамизда кенг кўлланилмокда. Бу усулга мувофик олинган сут ва бузоқ таннархини аниклашг учун дастлаб сут йўналишидаги корамолчиликка сарфланган

жами хакикий харажатлар (ёрдамчи *махсулотлар* киймати чегирилган холда) аникланади. Шундан сўнг жами хакикий харажатларнинг 10 фоизи бузок таннархига, колган 90 фоизи сут таннархига олиб борилади. Юкорида келтирилган мисолдаги маълумотлар асосида ушбу усулга кўра сут ва бузок таннархи куйидагича хисоб-китоб килинади:

(1)жами ишлаб чикариш харажатлари – 454122,5 минг сўм;

(2)таннархни хисоблашда чегириб ташланадиган ёрдамчи махсулотнинг киймати 62240 минг сўм (310*200000 + 0,3*800000);

(3)таннархни хисоблашга асос килиб олинадиган хакикий ишлаб чикариш харажатлари 391882,5 минг сўм (454122,5-62240);

(2)сутнинг жами таннархи 352694,3 минг сўм (391882,5 * 90 %);

(3)бузокларнинг жами таннархи 39188,3 минг сўм (391882,5 * 10 %);

(4)1 ц сутнинг таннархи 293,9 минг сўм (352694,3/ 1200);

(5)1 бош бузокнинг таннархи 979,7 минг сўм (39188,3 /40).

Йирик шохли корамоллар болалари хамда бокувдаги молларни келгусида парваришлаш (ўстириш)га сарфланган харажатларни хисоб-китоб килишда калькуляция объекти бўлиб уларнинг ўсган вазни ва тирик вазни хисобланади.

Хисобот йилида молларнинг ўсган вазнини (Ўв) уларнинг хар бир хисоб гурухи бўйича *куйидаги* арифметик курилма асосида топиш мумкин:

$$Ўв = (Вдо + Вч) - (Ви + Вк + Вдб)$$

Бу ерда:

Вдо – гурухга кирувчи моллар бошининг хисобот даври охиридаги жами тирик вазни;

Вч – гурухга кирувчи молларкингхисобот даврида чикимга олинган бошининг жами тирик вазни (ўлган молларнинг тирик вазнисиз);

Ви – хисобот даврдаолинган наслнинг (мол болаларининг) тирик вазни;

Вк – хисобот даврда четдан ўстиришга ва бокувга кирим килинган молларнинг тирик вазни;

Вдб – хисобот даври бошига жами мавжуд молларнинг тирик вазни.

Гурухга кирувчи молларнинг 1 центнер ўсган вазнининг таннархи шу гурухга кирувчи молларни парваришлаш ва ўстиришга килинган ишлаб чикариш харажатларидан ёрдамчи махсулотлар (гўнг ва кил) кийматини чегириб ташлагандан сўнг колган суммани хисобот даврида гурух бўйича аниклангган ўсган вазн микдорига бўлиш оркали топилади.

Гурухга кирувчи моллар бўйича 1 центнер тирик вазнинг таннархи (Ттв) куйидаги арифметик курилма ёрдамида аникланади[74]:

[74] Гурухга кирувчи молларнинг тирик вазни уларнинг хар бирини тарозида тортиш йўли билан аникланади ва махсус далолатнома билан расмийлаштирилади

$$Ттв = \frac{Тдббк + Тўб. + Тк + Тн}{Тидо + Твч}$$

Бу ерда:

Тдббк – гурухга кирувчи молларнинг давр бошидаги баланс киймати;

Тўб – хисобот даврида гурухга кирувчи молларни ўстириш ва парваришлаш харажатлари (ёрдамчи махсулотлар кийматисиз)

Тк – хисобот даврда четдан кирим килинган молларнинг киймати;

Тн – жорий йилда олинган насл (мол болалари)нинг киймати;

Тидо –давр охирига гурухга кирувчи молларнинг жами тирик вазни;

Твч – хисобот даврида чикимга олинган молларнинг жами тирик вазни (ўлган молларнинг тирик вазнисиз).

Устиришдаги ва бокувдаги моллар бўйича 1 ц ўсган вазн ва 1 ц тирик вазн таннархини юкорида келтирилган арифметик курилма асосида калькуляция килиш тартиби шартли маълумотлар асосида 25.2-жадвалда келтирилган.

25.2-жадвал

Устиришдаги ва бокувдаги моллар бўйича 1 ц ўсган вазн ва 1 ц тирик вазн таннархи калькуляцияси

Кўрсаткичлар	Қорамоллар сони	Тирик вазн, ц	Таннарх, Минг сўм
1.Йил бошига колдик	**45**	**45**	**82350,0**
2.Хисобот йилда олинди:	**46**	**20**	**35650,0**
*насл	40	5	7750,0
*ўсган вазн	-	15	27900,0
*четдан олинди	6	4	9280,0
3.Жами (1+2)	**91**	**65**	**118000,0**
4.Чиким:	**16**	**24,3**	**43569,2**
*асосий подага ўтказилди	**10**	**15**	27230,8
*сотилди ва бошка чикимлар	5	9	16338,5
*ўлди	1	0,3	-
4. Йил охирга колдик	**75**	**40,7**	**74430,8**
5Таннарх:			
*1 ц тирик вазн			1815,4
*1 ц ўсган вазн			1860,0

25.2-жадвалдан кўриниб турибдики, 1 центнер тирик вазнинг таннархи 1815385 сўмни (118000000 / 65), 1 ц ўсган вазнинг таннархи 1860000 сўмни (27900000/ 15) ташкил этган. Гурухга кирувчи моллар чиқимининг қиймати, мос равишда, (1) асосий подага ўтказилган ёш моллар бўйича 27230769 сўмни (15*1815385), (2) сотилган моллар бўйича 16338461 сўмни (9*1815385) ташкил этган.

Гўшт йўналишидаги йирик шохли корамолчилик. Гўшт йўналишидаги йирик шохли корамолчилик сохасида калькуляция объекти бўлиб ўсган вазн, 8 ойгача бўлган бузоқлар ва тирик вазн, шунингдек 8 ойдан ошган ёш моллар хамда бокувдаги йирик моллар бўйича уларнинг ўсган вазни ва тирик вазни хисобланади.

8 ойгача бўлган бузоқлар бўйича 1 ц ўсган вазнинг таннархи қуйидаги кетма-кетликда ва тартибда аниқланади.

(1). Асосий пода (сигирлар ва хўкизлар), 2 ёшдан ошган бука ва бокувдаги молларни бокиш ва парваришлашга, шунингдек 8 ойгача бўлган бузоқларни парваришлашга кетган жами харажатлар (ёрдамчи махсулот киймати чегирилган холда) топилади.

(2). 8 ойгача бўлган бузоқларнинг хисобот даврида ўсган вазни топилади.

(3). Юкоридаги тартибнинг 1-бандида топилган жами сумма 8 ойгача бўлган бузоқларнинг ўсган вазнига бўлинади. Шу йўл билан топилган сумма 8 ойгача бўлган бузоқлар бўйича 1 ц ўсган вазнинг таннархини ташкил этади.

8 ойгача бўлган бузоқлар бўйича 1 ц тирик вазнинг таннархини аниқлаш учун дастлаб асосий подага кетган сарф-харажатларга (ёрдамчи махсулот киймати чегирилган холда) ушбу гурухга кирувчи бузоқларнинг хисобот йили бошидаги баланс киймати хамда четдан олинган бузоқларнинг киймати қўшилиб уларнинг жами киймати топилади. Топилган суммани йил охиридаги 8 ойгача бўлган бузоқлар хамда хисобот йилида чиқим булган (ўлганлардан ташкари) бузоқларнинг жами вазнига бўлиш орқали 1 ц тирик вазнинг ўртача таннархи аниқланади. Ушбу ўртача таннарх жами 8 ойгача бўлган бузоқларнинг жами киймагини, шунингдек эмизикли бузоқларнинг хисобот йили охиридаги кийматини аниқлашга асос бўлади.

8 ойдан ошган ёш моллар хамда бокувдаги йирик моллар бўйича уларнинг ўсган вазни ва тирик вазнининг таннархи хам юкоридаги тартибга ўхшаш тарзда аниқланади.

Қўйчилик. Қўйчиликда калькуляция объекти бўлиб асосан ўсган вазн (гўшт), тирик вазн, қўзи, жун хисобланади. Асосий махсулотнинг таннархи сохага киритилган жами ишлаб чиқариш харажатларидан ёрдамчи махсулотлар (гўнг, ўлик туғилган ва туғилгандан кейин ўлган қўзилар териси, техник максадларда ишлатилган ўлган мол гўшти)

қийматини айиргандан кейин қолган суммадан иборат бўлади. Ушбу сумма олинган маҳсулотлар ўртасида уларнинг сотиш баҳоси қийматидаги ҳиссасига караб тақсимланади

Мисол:*Гўшт, жун ва қўзи йўналишига ихтисослашган фермер хўжалигининг жами харажатлари1062762 минг сўм.Олинган маҳсулотлар: (1) ўсган вазн (гўшт) 400 ц; жун 100 ц; олинган қўзилар сони 500 бош. Сотиш ҳажми (сотиш баҳоларида): гўшт- 1400000 минг сўм; жун -7500 минг сўм; қузи -57500 минг сўм.*

Юқоридаги мисолда келтирилган шартли маълумотларга асосан қўйчиликдан олинган маҳсулотлар таннархининг ҳисоб-китоби 25.3-жадвалда келтирилган.

25.3-жадвал

Қўйчилик сохасида махсулот таннархини аниклаш ҳисоб-китоби

Махсулот тури	Ўлчов бирлиги	Махсулот сони	Махсулотларни сотиш баҳоларидаги қиймати, минг сўм	Махсулотнинг сотиш ҳажмидаги ҳиссаси, %	Ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм	Бир бирлик махсулот таннархи, минг сўм
Гўшт	ц	400	1400000	95,6	1015609	25[illegible]
Жун	ц	100	7500	0,5	5441	54,41
Қўзи	бош	500	57500	3,9	41713	83,43
Жами	-	-	**1465000**	**100**	**1062762**	-

25.3-жадвалдан кўриниб турибдики, ўсган вазн (гўшт)нинг жами таннархи 1015609 минг сўмни (1062762*95,6%), 1 центнер гўштнинг таннархи 2539 минг сўмни (1062762 /400), жун етиштиришга сарфланган жами харажатлар 5441 минг сўмни (1062762*0,5%), 1 центнер жунининг таннархи эса 54,41 минг сўмни (5441/100), қўзи етиштиришнинг жами таннархи 41713 минг сўмни (1062762*3,9%), олинган 1 бош қўзининг таннархи 83,43 минг сўмни (41713 /500) ташкил этган.

Паррандачилик. Паррандачиликда ишлаб чиқаришнинг турли йўналишлари ҳамда босқичларига караб турлича асосий маҳсулотлар олинади. Чунончи, тухум йўналишидаги паррандачилик ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичида 1 кунлик жўжа, иккинчи босқичда

бокувдаги жўжаларнинг ўсган вазни, кейинги боскичида эса олинган тухум асосий махсулот хисобланади. Мос равишда, ушбу махсулотлар таннархи калькуляция килинади.

1 кунлик жўжаларнинг таннархи инкубацияга қўйилган тухумлар киймати хамда инкубация харажатлари (мехнат хаки, ижтимоий суғуртага ажратмалар, электр энергияси, иситиш ва бошка турдаги харажатлар) биргаликда олинган суммадан ёрдамчи махсулот кийматини чегириб ташлагандан сўнг колган суммани олинган 1 кунлик жўжалар сонига бўлиш оркали топилади. Мисол учун, фермер хўжалиги 21 кундан иборат инкубацион даврга қўйилган 50000 дона тухумдан 49500 дона 1 кунлик жўжа олган, инкубацион цехнинг жами харажатлари жами 20500 минг сўмдан иборат бўлган дейлик. У холда 1 дона бир кунлик жўжанинг таннархи ўртача 414 сўмни (20500/49500) ташкил килади.

Бир кунлик жўжалар кирим килинган кундан бошлаб, то 4-5 ойгача ўстиришдаги ва бокувдаги моллар гурухига киритилади. Ушбу даврда калькуляция объекти бўлиб ўсган вазн хисобланади. Ўсган вазннинг таннархини топиш учун ўстиришдаги ва бокувдаги товукларга сарфланган харажатлар (ёрдамчи махсулотлар киймати чегирилган холда) суммаси хисобот даврида ўстиришдаги ва бокувдаги товукларнинг ўсган вазни микдорига бўлинади.

Ўстиришдаги ва бокувдаги товукларнинг тухум берувчи товуклар гурухига ўтказилган кундан бошлаб калькуляция объекти бўлиб тухум хисобланади. Бир бирлик тухум таннархини топиш учун тухум берувчи товуклар гурухига сарфланган жами ишлаб чикариш харажатлари (гўнг, пат, канот киймати чегирилган холда) жами йигиштириб олинган тухумлар сонига бўлинади.

Асаларичилик. Асал йўналишидаги асаларичиликда калькуляция объекти бўлиб асал, асалари уяси, асалари сути, янги оила каби асосий ва ёндош махсулотлар хисобланади. Ушбу махсулотлар таннархини калькуляция килишда уларнинг барчаси белгиланган коэффициентларда шартли махсулотга (асалга) ўтказилади. Шундан сўнг барча турдаги шартли махсулотларнинг жами шартли махсулотдаги хиссаси топилади. Ушбу хисса асосида асаларичиликка сарфланган жами харажатлар махсулотлар ўртасида таксимлаб чикилади. Хар бир турдаги шартли махсулот бўйича топилган харажат шу турдаги махсулотнинг олинган микдорига бўлиниб, бир бирлик махсулотнинг таннархи топилади.

Балиқчилик. Балиқчиликда калькуляция объекти бўлиб балик ва балик болалари хисобланади. Ушбу махсулотлар таннархини калькуляция килишда уларнинг барчаси белгиланган коэффициентларда шартли махсулотга (баликка) ўтказилади. Шундан сўнг барча турдаги шартли махсулотларнинг жами шартли махсулотдаги хиссаси топилади.

Ушбу хисса асосида баликчиликка сарфланган жами харажатлар махсулотлар ўртасида тақсимлаб чиқилади. Ҳар бир турдаги шартли махсулот бўйича топилган харажат шу турдаги маҳсулотнинг олинган миқдорига бўлиниб, бир бирлик махсулотнинг таннархи топилади. Балик болаларига тўтри келадиган харажатлар баликчилик сохаси учун тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари сифатида келгуси хисобот даврига ўтказилади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Чорвачилик - махсулот ва насл берадиган барча жонли хайвонларни етиштириш билан боглик жараёнлар мажмуаси.

Чорвачилик тармоги сохалари - корамолчилик, қўйчилик, чўчкачилик, паррандачилик, йилкичилик, пиллачилик, асаларичилик, баликчилик, пиллачилик ва бошкалар.

Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари – бу махсулот ва насл берадиган барча жонли хайвонларни сотиб олиш, етиштириш, парваришлаш билан боглик барча харажатлар мажмуаси.

Мехнатга хак тўлаш харажатлари - чорва молларини парваришлаш, бокиш, совиш ва бошка ишларни бевосита олиб борувчи ишчилар (чўпонлар, сут соғувчилар, жун киркивчилар ва бошкалар) томонидан бажарилган ишлар учун хисобланган иш ҳаки суммаси.

Ем-хашак харажатлари – чорва молларини етиштириш ва парваришлаш учун сарфланган ем-хашакларнинг пулда ифодаланган киймати.

Дори-дармонлар сарфи – бу чорва молларини етиштириш ва парваришлаш учун сарфланган дори-дармонларнинг пулда ифодаланган киймати.

Тўшаш материалларининг сарфи – бу чорва молларини етиштириш ва парваришлаш учун сарфланган тўшаш материалларининг пулда ифодаланган киймати.

Чорвачилик тармогининг асосий махсулоти - чорвачиликнинг ихтисослашган сохасини юритишда олиниши бош максад килиб олинган махсулот тури (гўшт, сут, насл, ўсган вазн, тухум, жўжа, кўзи, жун, балик, асал ва бошкалар).

Чорвачилик сохасида ёрдамчи махсулот - бу асосий махсулот билан бир вактда олинадиган, аммо хусусиятига кўра иккинчи даражали махсулот (гўнг, пат, кил, тери ва бошкалар.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1. Чорвачилик тармоғига қуйидагиларнинг қайсилари киради:

а) қорамолчилик

в) асаларичилик

б) чўчкачилик

г) хаммаси

2. Чорвачилик тармоғига қуйидагиларнинг кайси бири кирмайди:

а) қуйчилик

в) йилқичилик

б) парандачилик

г) тўғри жавоб йўқ

3. Чорвачилик харажатлари объектларига киради:

а) бокувдаги моллар

в) асал

б) паррандалар

г) хаммаси

4. ***2021 «Қорамолчилик» счёти бўйича ҳақиқий харажатлар 295794 минг сўм. Ўсган вазн 98 центнер, 1 ц режа таннархи – 1750 минг сўм, олинган гўнг – 1500 тонна (деҳқончилик тармоғига ишлатилган), 1 тонна гўнгнинг режа таннархи – 50 минг сўм***

Ўсган вазн режа таннархини топинг ва унга бухгалтерия ёзуви беринг:

а) 98*1750 = 2253000 (Дт 1110 Кт 2021)

б) 98*1050= 1029000 (Дт 1110 Кт 2021)

в) 98*1050= 1029000 (Дт 2810 Кт 2011)

г) 98*1750 = 2253000(Дт 2010 Кт 2021)

5. 4 - тестда келтирилган маблумотлар асосида олинган гўнгга бухгалтерия ёзувини беринг.

а) 1500* 50 = 75000 (Дт 2010 Кт 2021)

б) 1500* 50 = 75000 (Дт 2011 Кт 2820)

в) 2500* 50 = 125000 (Дт 2810 Кт 2021)

г) 1500* 20 = 30000 (Дт 2010 Кт 2010)

6. 4 - тестда келтирилган маълумот асосида 1 ц вазнинг хакикий таннархини аникланг:

а) (10000 / 98)*1000 = 102041 сўм

б) ((295794 –75000) / 98) = 2253 сўм

в) ((10000 + 3000) / 98)*1000 = 103653 сўм

г) тўгри жавоб йўк

7. 4-тестда келтирилган маълумотлар асосида ўсган вазнинг хакикий ва режа таннархи ўртасидаги фарк суммасини топинг ва унга бухгалтерия ёзувини беринг:

а) (102041 – 105000) * 98 = 289982 сўм (Дт 2010 Кт 2010 кизил ёзув)

б) (2253 – 1750) * 98 = 49294 минг сўм (Дт 1110 Кт 2010 кизил ёзув)

в) (105102 – 105000) * 98 = 9996 сўм (Дт 1110 Кт 2010)

г) тўгри жавоб йўк

26-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ЁРДАМЧИ ВА УМУМИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

26.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва уларнинг таксимланиши

Қишлоқ хўжалик корхоналарини ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликлари деганда қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий фаолият турларига хизмат кўрсатувчи хўжаликлар тушунилади. Уларнинг асосийларига қуйидагилар киради:

*машина-трактор парки (МТП);

*таъмирлаш устахоналари;

*автотранспорт хўжалиги;

*электр, газ ва сув таъминоти хўжалиги;

*ишчи хайвонларни саклаш хўжалиги ва бошкалар

Ушбу ва бошка турдаги ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликлари қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барча тармоқ ва соҳоларига хизмат кўрсатади. Бу хўжаликларнинг харажатлари, қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан етиштирилган у ёки бу турдаги маҳсулотларни етиштиришга бевосита тааллуқли бўлмаганлиги учун уларни дастлаб алоҳида счётларда йиғиш, сўнгра эса ҳисобот даври охирида бирор меъёрга асосан таксимлаш зарурат туғилади. Бундай харажатлар ҳисоби дастлаб махсус 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари» счётида олиб борилади. Ушбу счётнинг дебетида ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликларига хакикатда сарфланган харажатлар тўпланади, унинг кредитида эса ёрдамчи ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг қишлоқ хўжалик корхонасининг тармоқ ва соҳалари бўйича бўйича асосий ишлаб чиқариш хамда сотиш ва бошкариш харажатлари счётлари ўртасида таксимланиши (ҳисобдан чиқарилиши) акс эттирилади. Харажатлар ҳисобини ҳисобот даврлари (ой, чорак, йил) мобайнида режа таннархда юритувчи корхоналарда 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари» счётининг кредитида харажатлар таксимоти режа таннархида ҳисобдан чиқариб борилади ва йилнинг охирида ҳакикий харажатлар аник бўлгач, калькуляция фарқи «кисия ёзув» ёки «қўшимча ёзув» усулларига мувофиқ ушбу счётнинг кредитида акс эттирилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг ҳисоб сиёсатига кўра ишчи счётлар режасида 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари» счёти тизимида хар бир ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаси

харажатлари хисоби учун алохида счётларни хам очишлари мумкин, масалан:

2311 «МТП харажатлари»;

2312 «Таъмирлар устахонаси харажатлари»;

2313 «Автотранспорт хужалиги харажатлари»;

2314 «Сув хўжалиги харажатлари»;

2315 «Электр таъминоти хўжалиги харажатлари»;

2316 «Ишчи хайвонларни саклаш харажатлари»;

2317 «Бошка ёрдамчи ишлаб чикариш хўжаликлари харажатлари».

2310 «Ёрдамчи ишлаб чикариш харажатлари» счётлар тизимида очилган барча счётларни юритишга турли бошланғич хужжатлар, оралик ва йиғма хисоб регистрлари маълумотлари асос бўлиб хисобланади. Уларнинг асосийларига қуйидагилар киради:

1. «Ёрдамчи ишлаб чикариш харажатлари бўйича хисобот» (18б-шакл);

2. «Таъмирлаш устахонаси харажатлари хисоби журнали»;

3.«Нуксонлар ва уларни бартараф этишга кетган сарф-харажатлар вайдномаси» ;

4.Йўл варакалари, ТТН, наклоднойлар

5. «Транспорт харажатлари йиғма қайдномаси»;

6. «МТПдан фойдаланиш харажатларининг йиғма кайдномаси»;

7. Счёт фактуралар;

8. Нарядлар ва бошкалар;

«Махсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тариби тутрисида низом»га кўра ёрдамчи ишлаб чикариш харажатлари хисоби учун мўлжалланган счётларда харажатлар уларнинг куйидаги моддалари бўйича акс эттирилиши лозим:

*материал харажатлари;

*асосий ва кўшимча иш хаклари;

*ижтимоий сугуртага ажратмалар;

*амортизация харажатлари;

*бошка ишлаб чикариш харажатлари.

Ёрдамчи ишлаб чикариш харажатлари хисоби учун мўлжалланган счётларнинг хар бирининг (2311,2312,2313,2314 ва бошкалар) дебетида юкорида келтирилган харажат моддаларига гувохлик берувчи хужжатлар асосида куйидиги ёзувлар килинади:

Дебет 2311-2317 **Кредит** 1010-1090 - материал харажатларига;

Дебет 2311-2317 **Кредит** 6710 - мехнат хаки харажатларига;

Дебет 2311-2317 **Кредит** 6520 - ижтимоий сугурта харажатларига;

Дебет 2311-2317 **Кредит** 6510 - сугурталаш харажатларига;

Дебет 2311-2317 **Кредит** 6010,6990 - иш, хизмат харажатларига;

Дебет 2311-2317 **Кредит** 2510 - умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобдан чиқарилишига

Ҳар бир ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари счётининг дебетида тўпланган харажатлар қишлоқ хўжалик корхоналарида қабул қилинган тартибларга кўра дастлаб асосий ишлаб чиқариш тармоқлари, ушбу тармоқлар ичида алоҳида сохлар, соҳалар ичида эса маҳсулот турлари ўртасида тақсимланади. Чунончи:

***машина-трактор парки хизматлари** деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари харажатлари счётларига бевосита кўрсатилган хизматларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида олиб борилади, мисол учун ерни шудгорлаш, экиш, ягоналаш, хосилни ўриб бериш, йиғиш ва ташиш каби хизмат ҳақлари бевосита деҳқончилик харажатларига олиб борилади, деҳқончилик харажатларига олиб борилган ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари олинган маҳсулотлар (пахта, буғдой, сабзавотлар ва бошқалар) ўртасида ушбу маҳсулотларга ажратилган ер майдонлари ҳажмига, кўрсатилган хизматлар сонига қараб тақсимланади.

***таъмирлаш устахоналари харажатлари** уларнинг **қайси** тармоққа ва соҳага тегишлилигига қараб тақсимланади.

***кўрсатилган агротехник хизматлар харажатлари** ҳам худди юқоридаги тартибга ўхшаш тарзда тармоқлар ва соҳалар ўртасида тақсимланади.

***сув таъминоти хўжалиги харажатлари** жами сарфланган сув харажатларини экин турлари ўртасида улар эгаллаган майдонга, суғориш сонига ва сув сарфи меъёрларига кўра бош мироб томонидан тузилган ва хўжалик раҳбари томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб асосида тақсимлаб чиқилади.

***электр таъминоти хўжалиги харажатлари** бош энергетик томонидан тузилган ва хўжалик раҳбари томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб асосида тармоқлар ва соҳалар, улар ўртасида эса маҳсулотлар бўйича тақсимланади.

***ишчи ҳайвонларни сақлаш харажатлари** уларни **қайси** тармоқда фойдаланилганлик вақтига, бажарган ишлари миқдорига қараб тақсимланади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли харажатлар счётларига олиб борилишига қуйидагича ёзувлар **қилинади**:

а) асосий ишлаб чиқариш счётларига олиб борилганда:

Дебет 2010 (тегишли счётлар) **Кредит** 2310 (тегишли счётлар);

б)капитал қурилиш счётларига олиб борилганда:

Дебет 0810,0890 **Кредит** 2310 (тегишли счётлар);

в)давр харажатлари счётларига олиб борилганда:

Дебет 9410,9420 Кредит 2310 (тегишли счётлар).

Бухгалтерия хисобининг соддалаштирилган шаклида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг хисоби махсус «Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларини хисобга олиш қайдномаси»да юритилади.

26.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларининг хисоби ва уларнинг таксимланиши

Қишлоқ хўжалик корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари деганда уларнинг ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳаларига умумий холда тегишли бўлган хамда у ёки бу махсулот таннархига тўғридан-тўғри киритиб бўлмайдиган, балки уларнинг таннархига билвосита, яъни таксимлаш йўли билан олиб бориладиган харажатлар тушунилади. Одатда, кишлок хўжалик корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари дехкончилик ва чорвачилик тармокларини бошкариш, бир вактнинг ўзида турли тармок ва сохаларга хизмат кўрсатувчи бўлинмалар харажатларини ўз ичига олади.

Дехкончилик ва чорвачилик тармоклари ва уларнинг турли сохаларига ихтисослашган кишлок хўжалик корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги моддалари бўйича гурухланади:

***асосий ва қўшимча иш хаки харажатлари** – бу гурухга дехкончилик ва чорвачилик сохаси мутахассислари, ходимлари ва ишчиларига, чунончи, аграномлар, зоотехниклар, ветврач, веттехниклар, лаборатория мудири ва ходимлари, бригадирлар, ферма мудирлари, хисобчилар, коровуллар ва шу каби бошка умумишлаб чиқариш максадидаги ходимларга хисобланган мехнат хаклари киритилади;

***ижтимоий сугуртага ажратмалар** – бу гурухга дехкончилик ва чорвачилик сохаси мутахассислари, ходимлари ва ишчиларига, чунончи, аграномлар, зоотехниклар, ветврач, веттехниклар, лаборатория мудири ва ходимлари, бригадирлар, ферма мудирлари, хисобчилар, коровуллар ва шу каби бошка умумишлаб чиқариш максадидаги ходимларга хисобланган мехнат хакидан ижтимоий сугуртага килинган ажратмалар киритилади;

***мехнат химояси ва техника хавфсизлиги харажатлари** - бу гурухга дехкончилик ва чорвачилик сохасида мехнат химояси ва техника хавфсизлигини таъминлашга каратилган тадбирларга сарфланадиган харажатлар киритилади;

***хўжалик инвентарлари ва буюмларига доир харажатлар** – бу гурухга дехкончилик ва чорвачилик сохаси ходимларига берилган махсус кийимлар, пойафзал, инвентарлар, ишлатилган ветприборлар, дори-дармонлар ва бошка хўжалик буюмлари киймати киритилади;

***асосий воситалар амортизацияси ва уларни сақлаш харажатлари»** - бу гурухга умумишлаб чиқариш максадидаги асосий воситаларга хисобланган амортизация ажратмалари, уларни сақлаш, таъмирлаш бино ва иншоатларни иситиш, ёритиш, тозалаш харажатлари киритилади;

***дала шийпонларини сақлаш ва ишчиларни овқатлантириш харажатлари»** - бу гурухга деҳқончилик тармоғига мўлжалланган далаларда жойлашган шийпонлар, палаткалар, вактинчалик нотитул иншоатларни сақлаш, улардаги асосий воситаларга қилинган амортизация ажратмалари, жорий ва капитал таъмирлаш, ишчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш харажатлари киритилади;

***бошқа умумишлаб чиқариш харажатлари** – умумхўжалик максадидаги асосий воситаларни ижарага олиш, уларни сугурта қилиш, ўсимликларни ва моллари карантин қилиш ва бошқа умумишлаб чиқаришга доир тадбирларга сарфланган харажатлар киритилади.

Умумишлаб чиқариш харажатларини хисобга олиш учун қишлоқ хўжалик корхонасининг ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарлари хар ойда «Умумишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида хисобот» (18я-шакл) тузадилар ва уни бухгалтерияга топширадилар. Ушбу хисоботда белгиланган моддалар кесимида хисобот ойда ва йил бошидан бошлаб қилинган харажатлар акс эттирилади. Йил бошидан бошлаб қилинган жами харажатлар суммаси хисоботнинг олдинги давр ва хисобот ойи маълумотларини жамлаш йўли билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларининг синтетик хисоби 2500 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётида юритилади. Хисоб сиёсатида белгиланган тартибга кўра қишлоқ хўжалик корхоналари ушбу счётлар тизимида қуйидаги счётларни очишлари мумкин: 2510 «Деҳкончилик умумишлаб чиқариш харажатлари», 2520 «Чорвачилик умумишлаб чиқариш харажатлари». Ушбу актив счётларнинг дебетида номлари юқорида зикр этилган моддалар бўйича ҳақиқатда сарфланган харажатлар тўпланади. Бу счётларнинг кредитида умумишлаб чиқариш харажатларининг хисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Агар умумишлаб чиқариш харажатлари хисобини хисобот даврлари (ой, чорак, йил) мобайнида режа таннархда юритилса, у ҳолда 2510 «Деҳкончилик умумишлаб чиқариш харажатлари», 2520 «Чорвачилик умумишлаб чиқариш харажатлари» счётларининг кредитида харажатлар таксимоти режа таннархида хисобдан чиқариб борилади ва йилнинг охирида ҳақиқий харажатлар аниқ бўлгач, калькуляция фарқи «қизил ёзув» ёки «қўшимча ёзув» усулларига мувофиқ ушбу счётларнинг кредитида акс эттирилади.

2510 «Деҳқончилик умумишлаб чиқариш харажатлари», 2520 «Чорвачилик умумишлаб чиқариш харажатлари» счётларининг аналитик ҳисоби кишлоқ хўжалиги корхонаси тармоқларининг таркибий бўлинмалари (бригадалар, фермалар) бўйича 10 г ва 10 д кайдномаларда юритилади. Ушбу кайдномаларга ёзувлар таркибий бўлинмалар томонидан такдим этилган «Умумишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида ҳисобот» (18в-шакл) маълумотлари асосида амалга оширилади. Ушбу счётларнинг кредитида бўлинмалар бўйича акс эттирилган маълумотлар 10/2 журнал-ордерга ўтказилади.

2510 «Деҳқончилик умумишлаб чиқариш харажатлари», 2520 «Чорвачилик умумишлаб чиқариш харажатлари» счётларининг дебетида юқорида келтирилган харажат моддаларига гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида қуйидаги ёзувлар киритилади:

Дебет 2510-2520 **Кредит** 1010-1090 - материал харажатларига;

Дебет 2510-2520 **Кредит** 6710 - меҳнат ҳаки харажатларига;

Дебет 2510-2520 **Кредит** 6520 - ижтимоий суғурта харажатларига;

Дебет 2510-2520 **Кредит** 6510 - суғурталаш харажатларига;

Дебет 2510-2520 **Кредит** 6010,6990 - иш, хизмат харажатларига;

Дебет 2510-2520 **Кредит** 2310- ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобдан чиқарилишига.

2510 «Деҳқончилик умумишлаб чиқариш харажатлари», 2520 «Чорвачилик умумишлаб чиқариш харажатлари» счётларинингдебетида тўпланган харажатлар кишлоқ хўжалик корхоналарида қабул қилинган тартибларга кўра ва меъёрларга (масалан, ишловчи ходимлар иш ҳақларининг ҳиссаси, етиштирилган маҳсулотларни сотиш баҳоларидаги қийматининг ҳиссаси, ер майдонларининг ҳиссаси ва бошқалар) асосан таксимланади.

Қишлоқ хўжалик корхонасининг алоҳида тармоқларига доир умумишлаб чиқариш харажатлари қуйидагича таксимланади:

***деҳқончилик тармоғида** – умумхўжалик харажатлари бригадалар бўйича таксимланади ва ҳисоб объектлари (алоҳида олинган деҳқончилик маҳсулотлари ёки маҳсулот гурухлари) таннархига олиб борилади;

***чорвачилик тармоғида** - умумхўжалик харажатлари фермалар бўйича таксимланади ва ҳисоб объектлари (алоҳида олинган чорвачилик маҳсулотлари ёки маҳсулот гурухлари) таннархига олиб борилади.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг тегишли харажатлар счётларига олиб борилишига қуйидагича ёзувлар киритилади:

а) асосий ишлаб чиқариш счётларига олиб борилганда:

Дебет 2010 (тегишли счётлар)

Кредит 2510,2520 (тегишли счётлар);

б)капитал қурилиш счётларига олиб борилганда:

Дебет 0810,0890

Кредит 2510,2520 (тегишли счётлар);

в)давр харажатлари счётларига олиб борилганда:

Дебет 9410,9420

Кредит 2510, 2520 (тегишли счётлар).

Бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби махсус «Умумишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларини ҳисобга олиш кайдномаси»да юритилади.

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликлари - қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий фаолият турларига хизмат кўрсатувчи хўжаликлар.

Қишлоқ хўжалигида ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликларининг турлари - машина-трактор парки (МТП); таъмирлаш устахоналари, автотранспорт хўжалиги; электр, газ ва сув таъминоти хўжалиги, ишчи ҳайвонларни саклаш хўжалиги ва бошкалар.

Машина-трактор парки хизматлари дехкончилик ва чорвачилик тармоклари харажатлари счётларига бевосита кўрсатилган хизматларни тасдикловчи хужжатлар асосида олиб борилади, мисол учун ерни шудгорлаш, экиш, ягоналаш, хосилни ўриб бериш, йиғиш ва ташиш каби хизмат хаклари бевосита дехкончилик харажатларига олиб борилади; дехкончилик харажатларига олиб борилган ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари олинган махсулотлар (пахта, буғдой, сабзавотлар ва бошкалар) ўртасида ушбу махсулотларга ажратилган ер майдонлари ҳажмига, кўрсатилган хизматлар сонига кораб таксимланади.

Таъмирлаш устахоналари харажатлари уларнинг кайси тармокка ва сохага тегишлилигига кораб таксимланади.

Кўрсатилган агротехник хизматлар харажатлари тармоклар ва сохалар ўртасида таксимланади.

Сув таъминоти хўжалиги харажатлари жами сарфланган сув харажатларини экин турлари ўртасида улар эгаллаган майдонга, суғориш сонига ва сув сарфи меъёрларига кўра бош мироб томонидан тузилган ва хўжалик рахбари томонидан тасдикланган ҳисоб-китоб асосида таксимланади.

Электр таъминоти хўжалиги харажатлари бош энергетик томонидан тузилган ва хўжалик рахбари томонидан тасдикланган ҳисоб-китоб асосида тармоклар ва сохалар, улар ўртасида эса махсулотлар бўйича таксимланади.

Ишчи хайвонларни сақлаш харажатлари уларни қайси тармоқда фойдаланилганлик вақтига, бажарган ишлари миқдорига қараб тақсимланади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари – бу қишлоқ хўжалик тармоқлари ва соҳаларига умумий ҳолда тегишли бўлган ҳамда у ёки бу маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри киритиб бўлмайдиган, балки уларнинг таннархига билвосита, яъни тақсимлаш йўли билан олиб бориладиган харажатлар.

Меҳнат ҳимояси ва техника хавфсизлиги харажатлари - бу деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида меҳнат ҳимояси ва техника хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларга сарфланган харажатлар.

Дала шийпонларини сақлаш ва ишчиларни овқатлантириш харажатлари - деҳқончилик тармоғига мўлжалланган далаларда жойлашган шийпонлар, палаткалар, вақтинчалик нотитул иншоатларни сақлаш, улардаги асосий воситаларга қилинган амортизация ажратмалари, жорий ва капитал таъмирлаш, ишчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш харажатлари.

Бошқа умумишлаб чиқариш харажатлари – умумхўжалик мақсадидаги асосий воситаларни ижарага олиш, уларни сугурта қилиш, ўсимликларни ва моллари карантин қилиш ва бошқа умумишлаб чиқаришга доир тадбирларга сарфланган харажатлар

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1. Ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликлари –бу:

а) асосий хўжаликларга хизмат кўрсатувчи хўжаликлар;

б) мустақил хўжаликлар;

в) алоҳида тармоқлар;

г) ҳаммаси тўғри.

2. Ишчи хайвонларни сақлаш харажатлари қайси сўзда тўғри ва тўлиқ берилган?га

а) Дебет 2010 Кредит 1010, 6710, 6520, 0200

б) Дебет 2310 Кредит 1010, 6710, 6520, 6990, 0200

в) Дебет 2510 Кредит 1010, 6710, 6520, 6990, 0200

г) Дебет 2710 Кредит 1010, 6710, 6520, 6990, 0200

3.Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари қишлоқ хўжалик тармоқлари ўртасида қандай тақсимланади?

а) ҳисоб сиёсатига кўра;

б) раҳбарнинг буйруғи билан;
в) маълум мезонлар асосида;
г) А ва В жавоб тўғри

4. 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти хисобот йили охирида кайси счётга ёпилади?
а) Фақат 2510 счётга
в) 9010 счётга
б) 2010, 2510 счётларга
г) 2810 счётга

5. Дала шийпонни сақлаш харажатлари қандай харажатлар гурига киради?
а) асосий ишлаб чиқариш харажатларига
б) умумишлаб чиқариш харажатларига
в) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларига
г) давр харажатларига

6.МТП хизматлари қайси гурух харажатларга киради?
а) асосий ишлаб чиқариш харажатларига
б) умумишлаб чиқариш харажатларига
в) ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларига
г) давр харажатларига

7. Чорвачилик тармоғида умумишлаб чиқариш харажатлари қандай тақсимланади?
а) чорва моллари ўртасида
б) фермалар ва чорвачилик маҳсулотлари ўртасида
в) ёрдамчи ишлаб чиқариш хўжаликлари ўртасида
г) тўғри жавоб йўқ

27-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР КУРСАТКИЧЛАРИ. СОЛИҚЛАР, МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР ВА ТУЛОВЛАРНИНГ ҲИСОБИ

27.1. Қишлоқ хужалик корхоналарида молиявий натижалар курсаткичлари ва уларнинг хисоби

Сотишдан олинган даромаднинг хисоби. Қишлоқ хужалик корхоналарида етиштирилган махсулотлар турли йўллар билан сотилади. Чунончи, пахта тўлиқ давлат буюртмаси асосида давлатга тасдиқланган сотиш бахоларида сотилади. Етиштирилган галланинг 50 фоизи давлатга тасдиқланган сотиш бахоларида, қолган қисми эса эркин келишув бахоларида бошка юридик ва жисмоний шахсларга сотилади. Давлат буюртмаси рўйхатига киртилмаган барча бошка турдаги қишлоқ хўжалик махсулотлари ўзга юридик шахсларга тузилган шартномалар асосида келишув нархларида, шунингдек бозорларда аҳолига бозор бахоларида сотилади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик корхоналари етиштирган махсулотларини ўз ходимларига меҳнат хаки учун натурал тўлов сифатида хам беришлари, уларни бошка юридик шахсларга таъсис бадали сифатида киритишлари хамда бепул хайрия этишлари хам мумкин.

Қишлоқ хўжалик махсулотларини давлат буюртмаси, шунингдек ўзаро тузилган шартномалар асосида сотиш турли тайёрлов ва қайта ишловчи корхоналар, масалан, пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш заводлари, дон махсулотлари комбинатлари, жун заводлари, ёг-мой комбинатлари ва бошка шу каби ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Давлат буюртмасини бажарувчи ташкилотлар, шунингдек бошка сотиб олувчи юридик шахслар қишлоқ хўжалик корхоналарига шартномада кўрсатилган дастлабки тўловни амалга оширадилар. Бундай тўловларга қишлоқ хўжалик корхоналарида қуйидагича бухгалтерия ёзуви киритилади:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 6310 «Олинган бўнаклар».

Тайёрлов ва қайта ишловчи корхоналарга қишлоқ хўжалик махсулотларини сотиш счёт-фактуралар ва уларга илова қилинадиган кабул қилиш-топшириш далолатномалари, товар-транспорт наклодной-лари ва бошка хужжатлар билан расмийлаштирилади. Ушбу хужжатлар асосида қишлоқ хўжалик махсулотларини сотишдан олинган даромадга қуйидагича бухгалтерия хисоби берилади:

Дебет 4010 «Харидорлардан олинадиган счётлар»

Кредит 9010 «Махсулот сотишдан олинган даромадлар».

Шундан сўнг, дастлаб, харидорлардан олинган бўнаклар суммаси ёпилади ва унга қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 6310 «Олинган бўнаклар».

Кредит 4010 «Харидорлардан олинадиган счётлар»

Харидорлардан охирги хисоб-китоблар бўйича карзларнинг келиб тушишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 4010 «Харидорлардан олинадиган счётлар»

Қишлоқ хўжалик махсулотларини бозорларда аҳолига сотиш, одатда, бириктирилган масъул моддий жавобгар шахслар (масалан, омбор мудирлари) томонидан амалга оширилади. Ушбу моддий жавобгар шахслар томонидан бозорларда аҳолига қишлоқ хўжалик махсулотларини накд пулга сотишдан олинган даромад кассага кирим қилинади. Касса кирим ордери асосида қишлоқ хўжалик махсулотларини накд сотишдан олинган даромад суммасига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 5010 «Кассадаги пул маблағлари»

Кредит 9010 «Махсулот сотишдан олинган даромадлар».

Қишлоқ хўжалик махсулотларини ўз ходимларига мехнат хаки учун тўлаш сотишдан олинган даромад хисобланади ва унга қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6710 «Мехнат хаки бўйича карз»

Кредит 9010 «Махсулот сотишдан олинган даромадлар».

Қишлоқ хўжалик махсулотларини бошқа юридик шахсларга таъсис бадали сифатида киритилишига таъсис шартномалари ва счёт-фактуралар асосида қуйидаги ёзув қилинади:

Дебет 0600 «Молиявий инвестициялар»

Кредит 9010 «Махсулот сотишдан олинган даромадлар».

Қишлоқ хўжалик махсулотларини бошқа юридик шахсларга бепул хайрия сифатида берилишига тузилган шартномалар хамда счёт-фактуралар асосида қуйидаги ёзувлар қилинади:

а) бепул берилган маҳсулотлар қийматига

Дебет 4010 «Харидорлардан олинадиган счётлар»

Кредит 9010 «Махсулот сотишдан олинган даромадлар».

б) бепул берилган маҳсулотлар бўйича қарзнинг ҳисобдан чиқарилишига

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 4010 «Харидорлардан олинадиган счётлар».

Сотиш таннархининг хисоби. Қишлоқ хўжалик корхоналарида сотилган қишлоқ хўжалик махсулотлари таннархининг хисоби 9110 «Сотилган маҳсулотлар таннархи» счётида юритилади. Ҳисобот йили

давомида ушбу счётнинг дебетида сотилган махсулотлар режа таннархи бўйича қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 9110 «Сотилган махсулотлар таннархи»

Кредит 2810 «Тайёр махсулотлар».

Ҳисобот йили охирида барча хакикий ишлаб чикариш харажатлари аникланган, сотилган хамда омборларда сотилмасдан колган махсулотларнинг хакикий таннархи аникланади. Шунингдек, 9110 «Сотилган махсулотлар таннархи» счётининг дебетида акс эттирилган сотилган махсулотларнинг режа таннархидаги киймати қўшимча ёзув ёки «сторно» усуллари бўйича хакикий таннархидаги кийматига етказилади. Бунда, чунончи, режа таннарх хакикий таннархдан катта бўлса, у холда «сторно» ёки «кизил ёзув» усулида **Дебет** 9110 «Сотилган махсулотлар таннархи» **Кредит** 2010 «Асосий ишлаб чикариш» ёзуви берилади. Режа таннарх хакикий таннархдан кичик бўлса, у холда «қўшимча ёзув» усулида **Дебет** 9110 «Сотилган махсулотлар таннархи» **Кредит** 2010 «Асосий ишлаб чикариш» ёзуви берилади.

Давр харажатларининг хисоби. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бошка юридик шахслардаги сингари давр харажатлари асосан учта гурухга бўлинади: (1) сотиш харажатлари; (2) маъмурий-бошкарув харажатлари; (3) бошка операцион харажатлар. Давр харажатларининг таркиби ва уларнинг хисобини юритишда кишлок хўжалик корхоналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон карори билан тасдикланган «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўгрисида низом»га ва 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўрикнома»га амал килишлари лозим.

Сотиш харажатларига кишлок хўжалик корхоналарида етиштирилган махсулотларни сотиш билан боглик барча турдаги харажатлар, чунончи, кишлок хўжалик махсулотлари ярмарка ва виставкаларини ташкил этишга, уларни реклама килишга, контрактларни тузишга, омборхоналарни саклашга, сотиш билан шугулланувчи ходимларга мехнат хаки ва ижтимоий тўловларга сарфланган хамда шу каби бошка харажатлар киради. Сотиш харажатларининг хисоби 9410 «Сотиш харажатлари» счётида олиб борилади. Бу счётнинг дебетида юкорида келтирилган барча турдаги харажатлар тўпланади, бунда 0200, 1000, 6010, 6990, 6710, 6520 ва бошка аник харажатларни ифодаловчи счетлар кредитланади. Хисобот йили охирида 9410 «Сотиш харажатлари» счёти ёпилади, яъни унинг

дебетида тўпланган суммага **Дебет** 9910 «Молиявий натижа» **Кредит** 9410 «Сотиш харажатлари» ёзуви берилади

Маъмурий-бошқарув харажатларига қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқарув аппаратини сақлашга доир харажатлар, чунончи, бошқарув аппарати ходимларига ҳисобланган иш ҳаки, ижтимоий тўлов, амортизация ажратмалари, хизмат сафарлари, газета ва журналларга обуна, канцелярия товарлари ва бошқа шу каби харажатлар киради. Маъмурий-бошқарув харажатларининг ҳисоби 9420 «Бошқарув харажатлари» счётида олиб борилади. Бу счётнинг дебетида юқорида келтирилган барча турдаги харажатлар тўпланади, бунда 0200, 1000, 6010, 6970, 6990, 6710, 6520 ва бошқа аниқ харажатларни ифодаловчи счётлар кредитланади. Ҳисобот йили охирида 9420 «Бошқарув харажатлари» счёти ёпилади, яъни унинг дебетида тўпланган суммага **Дебет** 9910 «Молиявий натижа» **Кредит** 9420 «Бошқарув харажатлари» ёзуви берилади.

Бошқа операцион харажатларга қишлоқ хўжалик корхоналарининг турли хайрия сифатида берилган мулкини ҳисобдан чиқарилиши, тўланган пеня ва жарималар, кўрсатилган моддий ёрдамлар, банк хизматлари учун тўловлар, аудиторлик текширувлари ва турли консалтинг хизматлари учун тўловлар, сотиш ҳажмига нисбатан пенсия фондига, мактаб таълимини ривожлантириш фондига ва автойўл фондига мажбурий ажратмалар, суд харажатлари, воз кечилган дебиторлик қарзлари ва шу каби бошқа харажатлар киради. Бошқа операцион харажатларининг ҳисоби 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида олиб борилади. Бу счётнинг дебетида юқорида келтирилган барча турдаги харажатлар тўпланади, бунда 0200, 1000, 4010, 5010, 5110, 6010, 6970, 6990, 6710, 6520 ва бошқа аниқ харажатларни ифодаловчи счётлар кредитланади. Ҳисобот йили охирида 9430 «Бошқа операцион харажатлари» счёти ёпилади, яъни унинг дебетида тўпланган суммага **Дебет** 9910 «Молиявий натижа» **Кредит** 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ёзуви берилади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларнинг ҳисоби. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларга асосий воситалар ва бошқа активлар (номоддий активлар, қимматли қоғозлар, материаллар)ни сотишдан олинган фойда, жорий ижарадан олинган фойда, хизмат кўрсатувчи бўлинмалардан тушумлар, воз кечилган кредиторлик қарзлар, беғараз олинган молиявий ёрдам, инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар ва бошқа шу каби қўшимча даромадлар киради. Ушбу турдаги даромадларнинг ҳисоби 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счётлар тизимида очилган алоҳида счётларнинг кредитида олиб борилади. Бунда 1000, 4800, 5010, 5110, 6010, 6900, 9210, 9220 ва бошқа аниқ даромадларни

ифодаловчи счётлар дебетланади. Ҳисобот йили охирида 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» счёти ёпилади, яъни унинг кредитида тўпланган суммага **Дебет** 9300«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» **Кредит** 9910 «Молиявий натижа» ёзуви берилади.

Молиявий фаолиятга доир даромадларнинг ҳисоби. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида молиявий фаолиятга доир даромадларга дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар, узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар, қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар, хорижий валютада ифодаланган баланс моддалари бўйича ижобий курс фарклари (ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган қишлоқ хўжалик корхоналарида) киради. Бу турдаги даромадларнинг ҳисоби 9500 «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар» счётлар тизимида очилган алоҳида счётларнинг кредитида олиб борилади. Бунда 4010, 4800, 5020, 5200 ва бошқа аниқ даромадларни ифодаловчи счётлар дебетланади. Ҳисобот йили охирида 9500 «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар» счёти ёпилади, яъни унинг кредитида тўпланган суммага **Дебет** 9500«Молиявий фаолият олинган даромадлар» **Кредит** 9910 «Молиявий натижа» ёзуви берилади.

Молиявий фаолиятга доир харажатларнинг ҳисоби. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида молиявий фаолиятга доир харажатларга олинган кредит ва карзлар учун тўланган фоизлар, узоқ муддатли ижара бўйича фоиз тўловлари, қимматли қоғозларни чиқаришга доир харажатлар, хорижий валютада ифодаланган баланс моддалари бўйича салбий курс фарклари (ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган қишлоқ хўжалик корхоналарида) киради. Бу турдаги харажатларнинг ҳисоби 9600 «Молиявий фаолиятга доир харажатлар» счётлар тизимида очилган алоҳида счётларнинг дебетида олиб борилади. Бунда 5200, 6010, 6900 ва бошқа аниқ харажатларни ифодаловчи счётлар кредитланади. Ҳисобот йили охирида 9600 «Молиявий фаолиятга доир харажатлар» счёти ёпилади, яъни унинг дебетида тўпланган суммага **Дебет** 9910 «Молиявий натижа» **Кредит** 9600«Молиявий фаолиятга доир харажатлар» ёзуви берилади.

Фойда кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг ҳисоби. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бошқа юридик шахслар сингари бешта фойда кўрсаткичи аниқланади ва улар «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда»да акс эттирилади. Республикамизда амалда бўлган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ ушбу фойда кўрсаткичлари қуйидагича аниқланади.

1.Сотишдан олинган фойда ёки зарар (**Фс**) ёки (**Зс**)

Фс (Зс) = Ст –Тс,

мос равишда **Фс = агар Ст > Тс , Зс = агар Ст< Тс**

Бу ерда:

Ст – кишлок хўжалик махсулотларини сотишдаи олинган соф тушум;

Тс –кишлок хўжалик махсулотларининг сотиш таннархи.

2. ***Асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар*** **(Фаф) ёки (Заф)**

Фаф (Заф) = Фс (Зс) – Дх + Бод

Бу ерда:

Дх- давр харажатлари;

Бод – асосий фаолиятдан олинган бошка операцион даромадлар.

3.Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда еки зарарлар **(Фух) еки (Зух)**

Фух (Зух) = Фаф (Заф) + Фмф – Змф

Бу ерда: **Фмф** – молиявий фаолиятдан олинган фойда;

Змф - молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар.

4.Солиқгача фойда ёки зарарлар**(Фст) ёки (Зст)**

Фст (Зст) = Фух (Зух) + Фф –Фз

Бу ерда:

Фд -фавкулотдаги фойда;

Фз – фавкулотдаги зарарлар

5.Соф фойда ёки соф қопланмаган зарарлар (Сф) ёки (Сз)

Сф (Сз) = Фст (Зст) –Дс

Бу ерда: **Дс** – фойдадан олинадиган соликлар - фойда солиги, инфраструктурани ривожлантириш солиги, ягона солик (бошка фаолият турлари билан шугулланувчи кишлок хўжалик корхоналари учун).

Якунии молиявий натижаларни ифодаловчи фойда (зарар) кўрсаткичларининг йиғма хисоби 9910 «Молиявий натижа» счётида юритилади. Утбу счётнинг кредитида барча турдаги даромадлар, кредитида эса сотиш таннархи, даврх харажатлари, молиявий фаолиятга доир харажатлар, фавкулотдаги зарарлар хамда фойданинг ишлатилиши акс эттирилади. Хисобот даври охирида бу счётнинг кредит ва дебет оборотлари суммасини узаро таккослаш асосида якуний молиявий натижа аникланади. Агар кредит оборот суммаси дебет оборот суммасидан катта бўлса, бу хисобот даврида олинган соф фойдани, агар кредит оборот суммаси дебет оборот суммасидан кичик бўлса, бу хисобот даврида кўрилган жами зararни билдиради. Хисобот даврида олинган соф фойданинг ёнилишига куйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 9910 «Молиявий натижа»

Кредит 8710 «Хисобот йилининг таксимланмаган фойдаси (зарари)».

Ҳисобот даврида кўрилган жами зарарнинг ёпилишига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 8710 «Ҳисобот йилининг таксимланмаган фойдаси (зарари)».

Кредит 9910 «Молиявий натижа»

Ҳисобот йилининг таксимланмаган фойдаси қишлоқ хўжалик корхонаси пайчилари йиғилиши карорига асосан улар ўртасида таксимланиши, шунингдек ўтган йилларнинг фойдаси таркибида корхонада колдирилиши мумкин. Ушбу хўжалик операциялари ҳисобда қуйидагича акс эттирилади.

а) ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдасини пайчилар ўртасида тақсимланишига:

Дебет 8710 «Ҳисобот йилининг таксимланмаган фойдаси (зарари)».

Кредит 6610 «Таъсисчиларга дивидендлар бўйича карз».

б) ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдасини ўтган йиллар фойдасига киритилишига:

Дебет 8710 «Ҳисобот йилининг таксимланмаган фойдаси (зарари)».

Кредит 8720 «Ўтган йилларнинг таксимланмаган фойдаси (зарари)».

Ҳисобот йилининг жами зарари ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси, шунингдек резерв капитали эвазига копланиши мумкин: Ушбу хўжалик операциялари ҳисобда қуйидагича акс эттирилади.

а) ҳисобот йилининг жами зарарининг ўтган йиллар тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан қопланишига:

Дебет 8720 «Ўтган йилларнинг таксимланмаган фойдаси (зарари)».

Кредит 8710 «Ҳисобот йилининг таксимланмаган фойдаси (зарари)».

б) ҳисобот йилининг жами зарарининг резерв капитали ҳисобидан қопланишига:

Дебет 8820 «Резерв капитали».

Кредит 8710 «Ҳисобот йилининг таксимланмаган фойдаси (зарари)».

27.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортиш бўйича давлат сиёсати ва солиқлар бўйича ҳисоб-китобларининг ҳисоби

Давлатимизнинг солиқ сиёсатида белгиланган тартиб-қоидаларга кўра қишлоқ хўжалик корхоналари солиқ тўловчилар сифатида уч гурухга бўлинади:

(1) ягона ер солиғини тўловчилар;

(2) ягона солиқ тўловини тўловчилар;

(3) умумбелгиланган солиқларни тўловчилар.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 27 июндаги "Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5755-сонли фармонига мувофиқ 2019 йил 1 августдан бошлаб ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиши мумкин, шунингдек 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ушбу корхоналар импорт қилинган товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъий назар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар. Бунда товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт.

Юқорида келтирилган гуруҳларга кирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, шунингдек улар тўлайдиган мос равишдаги солиқлар ўзининг объекти, солиқ ставкаси, ҳисоб-китоби, тўлаш тартиби ва бошқа жиҳатлари бўйича бир қанча хусусиятларга эга. Қуйида қишлоқ хўжалик корхоналари тўлайдиган айрим солиқларни ҳисоб-китоб қилиш ва улар ҳисоби хусусиятларига тўхталамиз.

Ягона ер солиғи

Солиқ кодексининг 362-моддасига кўра ягона ер солиғини тўловчилар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар;

*қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари.

Солиқ кодексининг ушбу моддасига асосан бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига киради:

- ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

- қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта

ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги махсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги махсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий хажмида камида 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар.

Солиқ Кодекси 362- моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ягона ер солиғини туловчилар бўлади.

Қуйидагилар ягона ер солиғини тўловчилари бўлиб хисобланмайди

*ўрмон ва овчилик хўжаликлари;

*юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган холда тузилган дехкон хўжаликлари.

Ягона ер солиғини тўлаш тартибини қўллаш учун солиқ тўловчи хар йили жорий солиқ даврининг 1 февралига кадар солиқ бўйича хисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўтган солиқ даврида қишлоқ хўжалиги махсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий хажмида қишлоқ хўжалиги махсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши кўрсатилган маълумотномани тақдим этиши лозим. Қишлоқ хўжалиги махсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий хажмида қишлоқ хўжалиги махсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улушини аниклашда Солиқ Кодексининг 132-моддасида назарда тутилган ботқа даромадлар хисобга олинмайди. **Мисол:** ўтган йилда жами соф тушум 2 миллиард сум, шундан ўзи етиштирган ва қайта ишлаган махсулотни сотишдан олинган тушум (1) - холатда 600 млн сум, (2) - холатда 1,5 миллиард сум, дейлик. Мисол шартига кўра, умумий соф тушумда қишлоқ хўжалиги махсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши (1)-холатда 30 %, (2) -холатда 75 % ни ташкил этади. Демак, (1)- холатда ушбу қишлоқ хўжалик корхонаси ягона ер солиғини тўловчиси хисобланмайди, чунки унинг умумий соф тушумида қишлоқ хўжалиги махсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши Солиқ Кодексининг 362-модда учинчи бандида белгиланган меъёрдан паст, аксинча (2)-холатда у ягона ер солиғи тўловчиси хисобланади, чунки бу холатда қишлоқ хўжалик корхонасининг умумий тушумида қишлоқ хўжалиги махсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши белгиланган меъёрдан юқори.

Агар ўтган солиқ даври якунлари бўйича ягона ер солиғи тўловчи Солиқ Кодекси 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермаса, солиқ тўловчи жорий солиқ даврининг бошидан бошлаб Солиқ кодексда назарда тутилган солиқларни тўлашга утиши керак.

Ягона ер солиғини тўлашдан умумбелгиланган соликларни тўлашга ўтган солиқ тўловчи умумбелгиланган соликларни тўлашга ўтган солиқ даврининг биринчи чораги учун Солиқ кодексида назарда тутилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади. Солиқ кодексида назарда тутилган соликларни тўлашга ўтган ягона ер солиғини тўловчи фақат навбатдаги солиқ даври бошидан бошлаб яна ягона ер солиғини тўлашга ўтишга ҳаклидир.

Солиқ кодекси 362-моддасида белгиланган шартларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар, шунингдек қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-эксперименталь хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари фаолиятнинг ягона ер солиғини тўлаш татбиқ этиладиган қисми бўйича солиқ солишнинг бошқача тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турларини амалга оширишда ягона ер солиғи тўловчи мазкур фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ва Солиқ кодексида назарда тутилган соликларни тўлаши шарт.

Ягона ер солиғини тўловчилар учун Солиқ кодексининг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар Солиқ кодексида назарда тутилган тартибларга кўра солиққа тортилади. Чунончи, биргаликдаги фаолиятдан олинадиган даромадларга ягона ер солиғи тўловчида дивидендларга солиқ солиш учун белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади.

Ер участкалари объектлари ва майдонларидан самарасиз фойдаланилганлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган тақдирда, ягона ер солиғини тўловчилар ушбу ер участкалари объектлари ва майдонлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини Солиқ кодекси 269-1-моддаси ҳамда 283-моддасида белгиланган тартибда тўлайди.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси солиқ солиш объекти, ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солиқ солинадиган база ҳисобланади. Ҳар бир хўжалик бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат каластри давлат қўмитасининг "Ўздаверлойиҳа" Ўзбекистон давлат илмий-лойиҳа институти томонидан белгиланади.

Эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида вужудга келган ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига бўлган ҳуқуқ вужудга келган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан бошлаб камайтирилади.

Юридик шахсларда ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганда солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб камайтирилади. Ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқ тугатилган тақдирда, солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ тугатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб кўпайтирилади.

Ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

* ихтиёрий тугатилаётган талбиркорлик субъектлари - юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади;

*юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, уша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга.

Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар - ягона ер солиғи тўловчиларга ушбу Кодекс 282-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳам татбиқ этилади.

Ягона ер солиғини тўловчилари учун календарь йил солиқ даври бўлиб ҳисобланади. Календар йил учун ягона ер солиғи суммаси ер участкаларининг норматив қийматини ягона ер солиғининг белгиланган ставкасига кўпайтириш орқали топилади. Солиқ кодексининг 367-1 моддасига мувофиқ ягона ер солиғи ставкаси қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланган.

Мисол: ягона ер солиғи тўловчи «Саховат» фермер хўжалиги учун ажратилган жами ер участкаси 2017 йил 1 январ ҳолатига 242,4 га, шундан:

*йўллар, ариқлар ва зовурлар ўтган ер майдони – 17,0 га;

*экин ерлари майдони – 43,4 га;

*боғ участкалари майдони – 83,0 га;

*узумзорлар майдони – 93,4 га;

*кўп йиллик дарахтзорлар майдони – 1,3 га;

*бўз ерлар майдони – 4,3 га.

1 га ер участкасининг норматив киймати:

*экин ерлари майдони учун - 947,2 минг сум;

*боғ участкалари майдони учун 462,3 минг сум;

*узумзорлар майдони учун – 467,4 минг сўм;

*кўп йиллик дарахтзорлар майдони учун – 947,2 минг сўм;

*бўз ерлар майдони учун 15,1 минг сўм.

Ягона ер солиғи ставкаси – 0,95 %. ягона ер солиғи тўловидан озод қилинган ер участкалари майдони (боғлар ва узумзорлар бўйича 176,4 га ёки норматив қиймати 82026,1 минг сўм, соликка тортиладиган ер участкалари майдони 49,0 га ёки норматив қиймати 42404,8 минг сўм.

Юқорида келтирилган шартли маълумотлар асосида тузилган ягона ер солиғи хисоб-китоби 27.1-жадвалда келтирилган.

27.1-жадвал

«Саховат» фермер хўжалиги бўйича 2019 йил учун ягона ер солиғи хисоб-китоби

№	Кўрсаткич	Ер майдони, га	Ернинг киймати, минг сўм		Сумма, минг сўмда
			1 га учун	Жами	
1	Жами ер майдони	242,4		X	
	Шундан:				
1.1.	Йўллар, арик ва зовурлар	17,0	X	X	x
1.2.	Экин ерлари майдони	43,4	947,2	41108,5	
1.3.	Боғ участкалари майдони	83,0	462,3	38370,9	
1.4.	Узумзорлар майдони	93,4	467,4	43655,2	
1.5.	Кўп йиллик дарахтзорлар	1,3	947,2	1231,4	
1.6.	Бўз ерлар	4,3	15,1	64,9	
2	Жами соликка тортиладиган ер участкалари (1- 1.1)	225,4		124430,9	
3	Ягона ер солиғи ставкаси, %			0,95	
4	Ягона ер солиғи суммаси				1182,0
5	Шундан:				
5.1.	Соликдан озод ерлар	176,4	X	82026,1	779,2
5.2.	Солик тўланадиган ерлар	49,0	X	42404,8	402,8

Юқоридаги 27.1-жадвалда келтирилган ягона ер солиғининг хисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солик хизмати органига жорий солик даврининг 1 майигача тақдим этилади.

Йил давомида берилган ер участкалари учун ягона ер солиғи ер участкаси берилганидан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) тақдирда, ягона ер солиғини тўлаш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Ер участкасининг таркиби ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугатилган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 декабригача ягона ер солиғининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари шарт.

Ягона ер солиғини тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

*ҳисобот йилининг 1 сентябригача - йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

* ҳисобот йилининг 1 декабригача - солиқнинг қолган суммаси.

Ягона ер солиғининг ҳисобланган суммасига ҳисоб-китоб асосида қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар

Кредит 6410 «Бюджетга солиқлар бўйича қарзлар».

Мақсадли ишлатиш шарти билан тўловдан озод этилган ягона ер солиғи суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 6410 «Бюджетга солиқлар бўйича қарзлар»

Кредит 8840 «Солиқ имтиёзлари».

Ягона ер солиғининг бюджетга ўтказиб берилишига тўлов топшириқномаси асосида қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 6410 «Бюджетга солиқлар бўйича қарзлар»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

Ягона солиқ тўлови

Солиқ Кодексининг 362-моддасида белгиланган шартларга кўра ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари мақомига мос келмайдиган, асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги бўлган, шунингдек кичик бизнес субъектларига киритиш мезонлари ҳамда соф тушум миқдори бўйича белгиланган талабларга (товарларни сотишдан тушуми 1 млрд сўмгача) мос келувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари 2019 йил 1 январдан ягона солиқ тўловини тўловчилари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарорига мувофиқ кичик корхоналар (ходимларининг сони 50 кишигача) ва микрофирмалар (ходимларининг

сони 20 кишигача) тоифасига кирувчи асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги бўлган кичик бизнес субъектлари 4 % лик ставкада ягона солиқ тўловини тўлайдилар. Асосий фаолиятидан ташқари бошқа фаолият турлари бўйича бу турдаги корхоналар алоҳида хисоб юритишлари ҳамда ягона солиқ тўловини белгиланган ставкаларда тўлашлари лозим.

Ягона солиқ тўловини тўловчи қишлоқ хўжалик корхоналари ихтиёрий тарзда рўйхатдан ўтган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига навбатдаги чорак бошланишига қадар бир ойдан кечиктирмай, янги барпо этилаётган микро ва кичик корхона мақомидаги қишлоқ хўжалик корхоналари эса фаолиятни амалга оширишни бошлашга қадар тақдиримладиган ариза асосида қўшилган қиймат солигини тўлашлари мумкин. Ягона солиқ тўлови тўловчилари томонидан қўшилган қиймат солигини тўлашдан бош тортиш навбатдаги йил бошланишига қадар бир ойдан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ариза асосида навбатдаги йилнинг бошидангина амалга оширилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш объекти бўлиб қишлоқ хўжалик корхоналарининг барча фаолият турларидан олган ялпи тушуми хисобланади. Ягона солиқ тўлови суммаси ялпи тушум суммасини ушбу солиқнинг белгиланган меъёрига кўпайтириш йўли билан тошилади. Бунда, ихтиёрий тарзда қўшилган қиймат солигини тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиги суммасига, бироқ ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорига камаяди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ягона солиқ тўловига тортиладиган ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1. Нақд пулга ва нақдсиз пулга сотилган маҳсулот, товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳажми.

2. Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар, чунончи:

а) ундирилган ёки қарздор эътироф этган жарималар, пенялар, неустойкалар ҳамда хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун бошқа жазо турлари;

б) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар даромадлари;

в) рента даромади, автотранспорт корхонаси ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, бошқа хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан тушумлар;

г) асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни сотишдан даромадлар;

д) кредиторлик ва депонентлик қарзини қонун билан белгиланган тартибда хисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

е) товар-моддий бойликларини қўшимча баҳолаш;

ж) текин молиявий ёрдам, шу жумладан, текинга олинган мол-мулк;

з) киска муддатли ижарадан даромадлар;

и) илгари чикариб ташланган харажатларни коплаш тарикасида олинган даромадлардан ташкари бошка операцион даромадлар,

3.Молиявий фаолиятдан даромадлар, чунонч:

а) олинган роялти ва капитал трансферти;

б) Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташкарида бошка хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли иштирок этишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар хамда облигациялар ва бошка кимматли когозлар бўйича даромадлар;

в) мол-мулкни улок муддатли ижара (лизинг)га беришдан даромад (маржа);

г) чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарклан даромадлар (мусбат ва манфий курс фарклари ўртасидаги сальдо), бунда манфий курс фарки суммаси мусбат курс фарки суммасидан ошиб кетган холда ошиб кетиш суммаси ягона солик тўловини хисоблаб чикаётганда солик солинадиган базани камайтирмайди;

д) кимматли когозлар, шуъба корхоналар ва хокаларга кўйилган маблагларни кайта бахолашларни ўтказишдан даромадлар;

е) молиявий фаолиятдан бошка даромадлар;

4.Фавкулодда даромадлар.

Солик солинадиган ялпи тушум хисоблаб чикилаётганда кўйидагилар ялпи тушумдан чикариб ташланади:

а) ихтёрий равишда ўз аризасига кўра кўшилган киймат солиги тўловчилар учун кўшилган киймат солиги суммаси;

б) давлат субсидиялари суммаси;

в) давлат облигациялари ва бошка давлат кимматли когозлари бўйича даромадлар;

г) тўлов манбаида солик тўланганлигини тасдиклайдиган хужжатлар (маълумотнома) мавжудлигида дивидендлар ва фоизлар.

Ягона солик тўлови хар чоракда ўсиб борувчи якун билан хисоб-китобни топшириш муддатидан кечиктирмай тўланади.

Ягона солик тўлови бўйича хисоб-китобларнинг бухгалтерия хисоби 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз» счётида юритилади. Белгиланган тартибда хисоблаб чикилган ягона солик тўлови бухгалтерия хисобида кўйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 9820 «Фойдадан хисобланган бошка соликлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Қишлок хўжалик корхоналарини бюджетга ягона солик тўлови бўйича карзларининг тўланишига кўйидагича ёзув килинади.

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»
Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Умумбелгиланган солиқлар

Ягона ер солиғини ҳамда ягона солиқ тўловини тўловчилари мақомига мос келмайдиган қишлоқ хўжалик корхоналари қуйидаги умумбелгиланган солиқларни тўловчилари ҳисобланадилар:

*ҚҚС;

*фойда солиғи;

*мол-мулк солиғи;

*ер солиғи;

*сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлов;

*ер қаъридан фойдаланганлик учун тўлов.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари тўлайдиган ушбу умумбелгиланган солиқ тўловлари солиқ қонунчилиги ҳужжатларида келтирилган тартибларда ҳисобланади ва бюджетга ўтказиб берилади. Қуйида уларнинг айримларига тўхталамиз.

ҚҚС. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарорига мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб умумдавлат солиқларини тўловчи қишлоқ хўжалик корхоналари ўзи етиштирмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, товарлар, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар, мулкни ижарага бериш, уларни сотиш, бепул бериш ва бошқа сотиш операциялари бўйича ҚҚС тўловчи ҳисобланади. Бундай корхоналар солиқ даври давомида олган ялпи тушуми миқдорига кўра ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган (7 %лик ставкада) ёки 20 %лик ставкадаги умумбелгиланган тартибини танлаш ҳуқуқига эга. Чунончи, солиқ даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ортиқ, бироқ уч миллиард сўмдан ошмайдиган қишлоқ хўжалик корхоналари 2019 йилнинг 1 январидан қўшилган қиймат солиғини соддалаштирилган ёки умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарувчилар ва тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибини қўллаётган ёки ушбу тартибга ўтган солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтишга ҳақли эмас.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш учун солиқ тўловчилар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига қўшилган

қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тулашнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш тўғрисида ёзма хабарномани қуйидаги муддатларда тақдим этади:

*ўтган йил якунлари бўйича ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошмаган қишлоқ хўжалик корхоналари - жорий йилнинг 1 февралидан кечиктирмасдан;

*солиқ даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган қишлоқ хўжалик корхоналари - ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан;

*ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш истагини билдирган қишлоқ хўжалик корхоналари - хисобот даври бошланишидан бир ой олдин, янги ташкил этилган савдо корхоналари эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунга қадар.

Қўшилган киймат солигини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига қишлоқ хўжалик корхоналари қуиидаги муддатларда ўтадилар:

*ўтган йил якунлари бўйича ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошмаган қишлоқ хўжалик корхоналари - хисобот йилининг бошидан;

*солиқ даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган қишлоқ хўжалик корхоналари - ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган ойдан кейинги ойнинг бошидан;

*ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш истагини билдирган қишлоқ хўжалик корхоналари - хисобот даврининг бошидан, янги ташкил этилганлар эса, фаолиятини бошлаган кундан.

Қўшилган киймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибидан ихтиерий равишда воз кечилганда солиқ тўловчилар қўшилган киймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига хисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига қўшилган киймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига ўтиш тўғрисида ёзма хабарнома тақдим этилган ойдан кейинги ойнинг бошидан ўтади.

Солиқ даври давомида ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошган, қўшилган киймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган қишлоқ хўжалик корхоналари ялпи тушуми белгиланган меъёрий миқдордан ошган ойдан кейинги ойнинг бошидан қўшилган киймат солигини хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига ўтади.

Ўзи етиштирмаган қишлоқ хўжалик махсулотлари, товарлар, иш ва хизматларни сотишдан олинган ҚҚС суммаси белгиланган ставка (7 фоиз ёки 20 фоиз) бўйича иккита усулда қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

(1) - усул. Солиққа тортиладиган айланма ҚҚССиз белгиланганда:

$$Сккс = Сай \times С / 100 \quad (1)$$

бунда: **Сккс** - буюртмачилардан ундириладиган солик суммаси;

Сай - солиққа тортиладиган айланма;

С - қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

(2)-усул. Солиққа тортиладиган айланмада ҚҚС ҳам ҳисобга олинганда:

$$Сккс = Тк \times С / (С + 100) \quad (2)$$

бунда: **Тк** - қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган айланма.

Мисол:*Харидорларга сотилган ўзи етиштирмоган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати ҚҚС билан биргаликда счёт-фактура бўйича 120 млн сўм, дейлик.*

Утбу мисол бўйича сотишдан олинган ҚҚС суммаси (2)-формулага асосан топилади ва у ихчамлаштирилган 7 %лик ҚҚС ставкасида 7,85 млн. сўмни (120 * 7 % / 107 %), ҚҚСнинг 20 %лик стандарт ставкасида 20 млн. сўмни (120*20/120%)ташкил этади. Бу холда сотилган махсулотнинг ҚҚСсиз сотиш қиймати ихчамлаштирилган 7 %лик ҚҚС ставкасида ишловчи кишлок хўжалик корхонасида 112,15 млн. сўмдан (120 -7,85), ҚҚСнинг 20 %лик стандарт ставкасида ишловчи кишлок хўжалик корхонаси эса 100 млн. сўмдан (120-20) иборат бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида сотишдан олинган ҚҚС суммаси ҚҚСсиз сотиш қийматидан (1)-формула бўйича ҳисобланганда ҳам, мос равишда, 1-холатда 7,85 млн. сўмни (112,15 * 7% / 100 %), 2-холатда 20 млн. сўмни ((60 * 20% / 100 %) ташкил этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида нақдсиз пулга сотилган товар-моддий бойликлар, иш ва хизматларга тўғри келадиган ҚҚС суммаси харидорлар ва буюртмачиларга тақдим этилган счёт-фактураларда алохида устунчада кўрсатилади. ҚҚС суммаси харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётларнинг жами суммасига киритилади. Ҳисобланган ҚҚС суммасига счёт-фактуралар асосида қуйидагича ёзув киланади:

Дебет 4010 «Олинадиган счётлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Нақд пулга сотилган товар-моддий бойликлар, иш ва хизматларга тўғри келувчи ҚҚС суммаси буюртмачидан кассага кирим килинган жами тушум таркибида ўз аксини топади ва унга қуйидагича ёзув киланади:

Дебет 5010 «Кассадаги миллий валютадаги пул маблағлари»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Умумбелгиланган ставкада ҚҚС тўловчи кишлок хўжалик корхоналарида бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси сотишдан олинган ҚҚС суммасидан таъминотчиларга товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар ҳамда счёт-фактуралар

асосида тўланган ҚҚС суммасини айириш йўли билан топилади. Ихчамлаштирилган ставкада ҚҚС тўловчи корхоналарда таъминотчиларга товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар хамда счёт-фактуралар асосида тўланган ҚҚС суммаси бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини топишда камайтиришга олиб борилмайди, аксинча сотиб олинган товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар таннархига олиб борилади.

21-сон БҲМСга мувофиқ таъминотчиларга товар-моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун маълумотномалар ва счёт-фактуралар асосида тўланган ҚҚС суммаси хисобот даври мобайнида 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счётининг дебетида тўпланади. Бунда 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6100 «Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», 6990 «Бошка мажбуриятлар» счётлари кредитланади.

Ҳисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 25 санасигача қишлок хўжалик корхоналари давлат солиқ органларига ҚҚС хисоб-китобини белгиланган шаклда такдим этишлари лозим. Шунингдек, улар солиқ идораларига ҚҚС хисоб-китобига илова тарикасида солиқ даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича счёт-фактуралар реестрини такдим этишлари лозим.

ҚҚС хисоб-китоби, шунингдек унга илова килинадиган реестр ва таксимот асосида 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» счётининг дебетида тўпланган сумманинг камайтиришга олиб борилган кисмига бухгалтерияда қуйидаги ёзув килинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари».

Камайтиришга олиб борилмаган ва бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархига мутаносиб усул бўйича аниқланган хамда киритилган ҚҚС суммасига қуйидагича қуйидаги бухгалтерия ёзуви килинади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»,
2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»,
2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари».

Олдинги хисобот даври учун камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммасининг хисобот даври учун камайтиришга олиб борилган солиқ суммасидан ортиқ бўлган суммаси вужудга келган холларда кўрсатилган ортикча сумма хисобот давридан кейинги даврда камайтиришга олиб борилади. Камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси

ҳисобланган ҚҚС суммасидан ортиқ бўлганида, унда бундай ортиқча сумма (манфий сальдо) қишлоқ хўжалиги корхонасига унинг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда қайтарилади. Бунда ушбу ортиқча сумма қишлоқ хўжалиги корхонасининг шахсий счётида ортиқча тўлов сифатида эмас, балки манфий сальдо сифатида ҳисобга олинади. Ортиқча тўланган ҚҚС суммасининг қишлоқ хўжалиги корхонасига қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Кредит 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари»

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини бюджетга ҚҚС бўйича қарзларининг тўланишига қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счети»

Фойда солиғи. Солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра қишлоқ хўжалиги корхоналарида бошқа хўжалик юритиш субъектларидаги каби фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш учун «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»да номлари келтирилган фойда (зарар) кўрсаткичларидан ташқари яна қуйидаги иккита фойда кўрсаткичи ҳисоблаш йўли билан топилади. Булар:

- **Солиққа тортиладиган даромад (Стд)**

Стд = Фст (Зст) + Стх + Сбх+ Бом -Гр - Счх -Д - Ф

Бу ерда: **Фст (Зст)** – солиқ тортилгунгача бўлган фойда ёки зарар

Стх – солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар;

Сбх – ҳисобот даврида солиқ базасидан четирилмайдиган, лекин келгусида четириليб бориладиган харажатлар;

Счх – солиқ базасидан ҳисобот даврида четириладиган харажатлар;

Бом – бегараз олинган мулк;

Гр – олинган грант ва субсидиялар;

Д – олинган дивидендлар;

Ф – олинган фоизлар

•**Солиққа тортиладиган фойда (Стф)** – бу солиққа тортиладиган даромаддан фойда солиғини ҳисоблаш учун имтиёз сифатида четириб ташланадиган харажатларни айиргандан кейин қоладиган фойда суммаси, яъни :

Стф = Стд –И

Бу ерда : **И** – имтиёз сифатида солиққа тортиладиган даромаддан четириладиган харажатлар ҳамда солиқдан озод этилган фойда суммаси.

Фойда солиғи бўйича имтиёзлар сифатида солиққа тортиладиган даромад суммасидан чегириб ташланадиган харажатлар, солиқдан озод этилган фойданинг турлари ҳамда имтиёз меъёрлари Солиқ кодексида (158,159-моддалар) очиб берилган.

Фойда солиғи (Нф) суммаси қишлоқ хўжалиги корхонасининг солиққа тортиладиган фойдаси суммасини **(Стф)** солиқ меъёрига **(См)** кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш йўли билан топилади, яъни:

Нф = Стф *См : 100%

Ҳисоб-китоб асосида ҳисобланган фойда солиғи суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Дебет 9810 «Даромад(фойда) солиғи бўйича харажатлар»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини бюджетга даромад (фойда) солиғи бўйича қарзларининг тўланишига қуйидагича ёзув киритилади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

27.3. Қишлоқ хўжалик корхоналарида мажбурий ажратмалар ва тўловларнинг ҳисоби

Қишлоқ хўжалик корхоналари бошқа субъектлар сингари солиқ тўловларидан ташқари давлатнинг бюджетдан ташқари Пенсия фондига ҳисобланган иш ҳақи суммасидан белгиланган ставкадаги ажратмани (2019 йил 1 январдан бошлаб 12 %) амалга оширадилар. Пенсия фондига ҳисобот даврида ҳисобланган иш ҳақи фондига нисбатан белгиланган ставкада ҳисобланган мажбурий ажратма суммаси ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет Харажат счётлари (2010, 2310, 2510, 9410, 9420, 9210, 0810)

Кредит 6520 «Давлатнинг максадли фондларига тўловлар»

Шунингдек қишлоқ хўжалик корхоналари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари Ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишда автотранспорт воситаларининг эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун белгиланган ставкадаги йиғимларни ҳам тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

Янги ва фойдаланишда бўлган автотранспорт воситаларини сотиб олишда тўланадиган мажбурий йиғим суммаси 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га мувофиқ уларнинг бошланғич қийматига киритилади ва ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

1.Ҳисобланган йиғим суммасига:

Дебет 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»

Кредит 6520 «Давлатнинг максадли фондларига тўловлар»

2.Йиғим суммасини транспорт воситалари бошланғичқийматига киритилишига:

Дебет 0160 «Транспорт воситаларини»

Кредит 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»

3.Йиғим суммасини ички органларга тўланишига:

Дебет 6520 «Давлатнинг максадли фондларига тўловлар»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Бундан ташкари кишлок хўжалик корхоналари хар ойда ходимларига хисобланган иш хакидан 0,1 %лик ставкада уларнинг шахсий жамгариб бориладиган пенсия хисобига (ШЖБПҲ) хисобланган мажбурий бадални хам ўтказиб боради. Ушбу мажбурий бадал ходимлар томонидан тўланадиган даромад солиғи хисобини камайтиришга олиб борилади ва унга қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз»

Кредит 6990 "Бошка мажбуриятлар".

0,1 %лик мажбурий бадалнинг тўланишига қуйидаги ёзув берилади:

Дебет 6990 "Бошка мажбуриятлар".

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

МАВЗУГА ОИД ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Сотишдан олинган даромад - кишлок хўжалик корхоналарида етиштирилган махсулотларни давлатга хамда бошка юридик ва жисмоний шахсларга катъий белгиланган ва эркин нархларда сотишдан олинган тушум.

Сотиш таннархи – сотилган кишлок хўжалиги махсулотларини етиштиришга сарфланган хакикий ишлаб чикариш харажатлари.

Сотиш харажатлари - кишлок хўжалик корхоналарида етиштирилган махсулотларни сотиш билан боғлик барча турдаги харажатлар, чунончи, кишлок хўжалик махсулотлари ярмарка ва виставкаларини ташкил этишга, уларни реклама килишга, контрактларни тузишга, омборхоналарни саклашга, сотиш билан шуғулланувчи ходимларга мехнат хаки ва ижтимоий тўловларга сарфланган хамда шу каби бошка харажатлар.

Маъмурий-бошкарув харажатлари - кишлок хўжалик корхоналарини бошкарув аппаратини саклашга доир харажатлар, чунончи, бошкарув аппарати ходимларига хисобланган иш хаки, ижтимоий тўлов, амортизация ажратмалари, хизмат сафарлари, газета ва журналларга обуна, канцелярия товарлари ва бошка шу каби харажатлар.

Бошка операцион харажатлар - кишлок хўжалик корхоналарининг турли хайрия сифатида берилган мулкини хисоблан

чиқарилиши, тўланган пеня ва жарималар, кўрсатилган моддий ёрдамлар, банк хизматлари учун тўловлар, аудиторлик текширувлари ва турли консалтинг хизматлари учун тўловлар, сотиш ҳажмига нисбатан пенсия фондига, мактаб таълимини ривожлантириш фондига ва автойўл фондига мажбурий ажратмалар, суд харажатлари, воз кечилган дебиторлик қарзлари ва шу каби бошқа харажатлар.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар - асосий воситалар ва бошқа активлар (номоддий активлар, қимматли қоғозлар, материаллар)ни сотишдан олинган фойда, жорий ижарадан олинган фойда, хизмат кўрсатувчи бўлинмалардан тушумлар, воз кечилган кредиторлик қарзлар, бегараз олинган молиявий ёрдам, инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар ва бошқа шу каби қўшимча даромадлар.

Молиявий фаолиятга доир даромадлар - дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар, узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар, қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар, хорижий валютада ифодаланган баланс моддалари бўйича ижобий курс фарқлари.

Молиявий фаолиятга доир харажатлар - олинган кредит ва қарзлар учун тўланган фоизлар, узоқ муддатли ижара бўйича фоиз тўловлари, қимматли қоғозларни чиқаришга доир харажатлар, хорижий валютада ифодаланган баланс моддалари бўйича салбий курс фарқлари.

Соф фойда – жами даромадлардан барча харажатлар ва солиқ тўловлари айириб ташлангандан кейин қолган сумма.

Ягона ер солиғини тўловчилар - қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар; қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-эксперименталь хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари.

Ягона ер солиғи суммаси ер участкаларининг норматив қийматини ягона ер солиғининг белгиланган ставкасига кўпайтириш орқали топилган сумма.

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

Хўжалик ситуацияси

«Саховат» фермер хўжалиги (тармоқ коди 21120), ходимларининг жами сони 46 киши, қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиси сифатида ягона ер солиғи, бошқа фаолият турларидан ягона солиқ тўловини тўловчиси ҳисобланади. Ер участкалари майдони 242 га, ер участкасининг норматив қиймати

42050 минг сўм, ягона ер солиғи ставкаси 0,95 % (ер участкаси норматив қийматига нисбатан).

2018 йилда эришилган натижалар:

***ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган соф тушум 600 млн. сўм;**

***четдан олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан олинган омухта емни сотишдан олинган тушум 200 млн. сўм;**

***четдан сотиб олинган емларни улгуржи сотишдан олинган тушум 150 млн. сўм;**

***сотиш таннархи жами 771 млн. сўм, шундан:**

- ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сотиш таннархи 500 млн. сўм;

-четдан олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан олинган омухта емнинг сотиш таннархи 156 млн. сўм;

-четдан сотиб олинган емларни сотиш таннархи 115 млн. сўм;

***давр харажатлари – 80 млн. сўм, шундан сотиш харажатлари 12,5 млн. сўм, бошқарув харажатлари 27,5 млн. сумм, бошқа операцион харажатлар 40 млн. сум ;**

***олинган дивидендлар (дивиденд солиғи ушланган) – 2 млн. сўм;**

***тўланган фоизлар 3 млн. сўм;**

***фавқулотдаги зарарлар 6 млн. сўм;**

***бепарвоси олинган мулк - 10 млн. сўм;**

***вақт кечилган кредиторлик қарзлар - 4 млн.сўм.**

Солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш фаолияти 5 % лик, улгуржи савдо фаолияти 5 % лик ЯСТга тортилади. Фермер хўжалигининг бошқа фаолиятдан олинган даромадлари унинг тармоқ кодига мос равишда солиққа тортилади.

Ушбу хўжалик ситуациясида келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги саволларга тўғри жавобларни топинг.

1.Фермер хўжалигининг жами соф тушуми тенг:

а) 600 млн. сўм;

б) 750 млн. сўм;

в) 950 млн. сўм;

г) 200 млн. сўм.

2.Фермер хўжалигининг 5 %лик қайта ишлаш фаолиғи бўйича ягона солиқ тўловига тортиладиган соф тушуми тенг:

а) 600 млн. сўм;

б) 750 млн. сўм;
в) 950 млн. сўм;
г) 200 млн. сўм.

3.Фермер хўжалигининг улгуржи савдодан 5%лик ягона солиқ тўловига тортиладиган соф тушуми тенг:
а) 600 млн. сўм;
б) 150 млн. сўм;
в) 950 млн. сўм;
г) 200 млн. сўм.

4.Фермер хўжалигининг ягона ер солиғи суммаси тенг:
а) 21 млн. сўм;
б) 0.3995 млн. сўм;
в) 4,74 млн. сўм;
г) 2,47 млн. сўм

5. Фермер хўжалигининг 2018 йил якуни бўйича олган сотишдан олган фойдаси тенг:
а) 100 млн. сўм;
б) 179 млн. сўм;
в) 115 млн. сўм;
г) 156 млн. сўм.

6. Фермер хўжалигининг 2018 нил якуни бўйича асосий фаолиятдан олган фойдаси тенг:
а) 103 млн. сўм;
б) 113 млн. сўм;
в) 115 млн. сўм;
г) 111 млн. сўм.

7. Фермер хўжалигининг 2018 йил якуни бўйича умумхўжалик фаолиятидан олган фойдаси тенг:
а) 102 млн. сўм;
б) 103 мля. сўм;
в) 113 млн. сўм;
г) 105 млн. сўм.

8. Фермер хўжалигининг 2018 йил якуни бўйича солиққача фойдаси тенг:
а) 97 млн. сўм;
б) 96 млн. сўм;

в) 107 млн. сўм;
г) 102 млн. сўм.

9. Фермер хўжалигининг 2018 йил якуни бўйича 5 %лик қайта ишлаш фаолияти бўйича ягона солик тўлови суммаси тенг:

а) 23,5 млн. сумм; б) 16 млн. сум;
в) 10,0 млн. сўм; г) 48 млн. сўм.

10. Фермер хўжалигининг 2018 йил якуни бўйича 5 % лик улгуржи савдо фаолияти бўйича ягона солик тўлови суммаси тенг:

ЯСТ суммаси тенг:

а) 9,5 млн. сумм;
б) 16 млн. сум;
в) 7,5 млн. сўм;
г) 48 млн. сўм.

11. Фермер хўжалигининг 2018 йил якуни бўйича олган соф фойдаси тенг :

а) 72,5 млн. сўм;
б) 73,5 млн. сўм;
в) 42,5 млн. сўм;
г) 85,0 млн. сўм.

12. Бюджетга тўланадиган ягона ер солиғи суммаси акс эттирилади:

а) Дебет 9810 Кредит 6410 399,5 минг сўмга;
б) Дебет 9430 Кредит 6410 399,5 млн. сўмга;
в) Дебет 9430 Кредит 6410 16 млн. сўмга;
г) Дебет 9810 Кредит 6410 7,5 млн. сўмга.

13. Бюджетга тўланадиган ягона солик тўлови суммаси акс эттирилади:

а) Дебет 9810 Кредит 6410 23,5 млн. сўмга;
б) Дебет 9430 Кредит 6410 1,47 млн. сўмга;
в) Дебет 9430 Кредит 6410 16 млн. сўмга;
г) Дебет 9810 Кредит 6410 17,5 млн. сўмга.

28-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИНИ ТУЛҒАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

28.1. Қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий ҳисоботнинг турлари, таркиби ва уни тақдим этиш муддатлари

Қишлоқ хўжалик корхоналарида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари, ҳисоб жараёнининг якуний босқичи бўлиб молиявий ҳисоботни тузиш ҳисобланади. Республикамизнинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» қонуни (16-модда)га мувофиқ қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий ҳисоботи ўз ичига бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, асосий воситалар харакати тўғрисида ҳисобот, пул оқимлари тўғрисида ҳисобот, хусусий капитал тўғрисида ҳисобот, изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни олади.

Кичик бизнес субъектлари ҳисобланган қишлоқ хўжалик корхоналарига молиявий ҳисоботни ихчамлаштирилган тарзда тузиш ва тақдим этишга рухсат этилади. Ушбу ихчамлаштирилган молиявий ҳисобот ўз ичига бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома ҳамда тушунтириш хатини олади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида барча хўжалик юритувчи субъектларидагидек ҳисобот даври бўлиб тақвим йилнинг 1 январидан 31 декабригача бўлган давр ҳисобланади. Тақвим йилининг 1 октябридан кейин давлат рўйхатидан ўтган қишлоқ хўжалик корхоналари учун биринчи ҳисобот йили бўлиб давлат рўйхатидан ўтган санадан келгуси йилнинг 31 декабригача бўлган давр ҳисобланади. Ушбу даврда юз берган хўжалик жараёнлари биринчи ҳисобот йилига доир, деб тан олинади ва мос равишда шу даврнинг молиявий ҳисоботига киритилади.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташкилий-ҳуқуқий макомига боғлиқ. Чунончи, хорижий инвестициялар иштирокидаги қишлоқ хўжалик корхоналари фақат йиллик йиллик молиявий ҳисоботни тузадилар ва уни кейинги йилнинг 25 мартигача тақдим этадилар. Ширкатлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек акциядорлик жамияти, маъсулияти чекланган жамият ва хусусий корхоналар макомидаги қишлоқ хўжалик корхоналари йиллик молиявий ҳисоботни кейинги йилнинг 15 февралигача тақдим этишлари лозим.

Кичик бизнес субъектларига кирувчи қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳисоботни фақат ҳисобот йили якуни бўйича тақдим

этадилар. Ушбу макомга эга бўлмаган бошка турдаги ташкилотлар (хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан ташкари) йиллик хисоботдан ташкари чораклик хисоботларни хам тузишлари ва уларни чоракликдан кейинги ойнинг 25 санасигача тегишли органларга такдим этишлари керак.

28.2. Кишлок хўжалик корхоналарида бухгалтерия балансини тўлгазиш хусусиятлари

Кишлок хўжалик корхоналари бошка хўжалик юритувчи субъектлар каби бухгалтерия балансини тўлгазишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 27 декабрда 140-сон буйрук билан тасдикланган «Молиявий хисобот шаклларини тўлгазиш бўйича тартиб»га асосланишлари лозим. Куйида ушбу тартибга асосланилган холда кишлок хўжалик корхоналарида бухгалтерия балансининг алохида моддаларини тўлгазиш хусусиятларига тўхталамиз.

012-сатр «Асосий воситаларнинг колдик киймати»да кишлок хўжалик корхоналари балансида бўлган асосий воситаларнинг колдик киймати акс эттирилади. Ушбу сатрда, чунончи куйидагилар кўрсатилади:

- асосий воситаларнинг мос равишда бошланғич кийматини хамда жамланган эскиришини акс эттирувчи счётлар (0110-0199 ва 0210-0290)нинг давр охиридаги колдиклари суммаларининг фарки;

- белгиланган тартибга кўра асосий воситалар таркибига киритилган узок муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг, чунончи лизинг бўйича сотиб олинадиган тракторлар, комбайнлар ва бошка кишлок хўжалик техникаларининг колдик киймати (мос равишда 0310 ва 0299 счетлар колдиклари ўртасидаги фарк суммаси).

100-сатр «Капитал куйилмалар»дакишлок хўжалиги корхоналарининг ўз максадларида хўжалик ёки пудрат усулларида олиб борган тугалланмаган капитал инвестицияларнинг киймати кўрсатилади.

150-сатр «Ишлаб чикарит захиралари»да омборларда сакланаётган уруғликлар, ўғитлар, дори-дармонлар, ем-хашак, ёқилғи, курилиш материаллари, эхтиёт кисмлар ва бошка материалларнинг корхонада белгиланган хисоб бахоларидаги киймати акс эттирилади. Ушбу сатр суммаси 1000 «Материалларни хисобга олувчи счётлар» тизимида очилган барча счётлар колдикларининг йиғиндисига, шунингдек барча моддий жавобгар шахсларнинг хисобот даври охирига тузган материал хисоботи колдиклари йиғиндисига тенг бўлиши лозим. Агар материалларни сотиб олиш ва тайёрлаш алохида олинган 1510

счётда, улар кийматидаги фарклар махсус 1610 счётда юритилган бўлса, ушбу счётларнинг қолдиқлари мос равишда баланснинг бу сатри суммасида ҳисобга олиниши керак.

160-сатр «Тугалланмаган ишлаб чиқариш»да қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳисобот йили охирида келгуси йил ҳосили учун қилинган сарф-харажатлар суммаси кўрсатилади.

170-сатр «Тайёр маҳсулотлар»да етиштирилган, лекин ҳали сотилмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳақиқий таннархи кўрсатилади.

190-сатр «Келгуси давр харажатлари»да қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳисобот даврида асосий ишлаб чиқариш ва давр харажатларига тегишли бўлмаган харажатлари акс эттирилади. Ушбу сатрда қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг қуйидаги харажатларини акс эттиради:

- келгуси даврда бажариладиган ишлар учун тўловлар;
- келгусида жорий этилиши мумкин бўлган лойиҳаларни ишлаб чиқаришга доир харажатлар;
- келгуси йилда чоп этиладиган махсус меъёрий-техник адабиётлар учун қилинган сарфлар;
- келгуси йил учун ўтказиб қўйилган ижара тўловлари;
- мавсумий характерга эга бўлган ишлар учун олдиндан тўловлар, чунончи, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналарини консервация қилиш харажатлари;
- янги ишлаб чиқариш турлари учун кадрларни жалб этиш ва тайёрлаш харажатлари;
- олдиндан ҳисобланган меҳнат таътили харажатлари;
- келгуси йил учун газета ва журналлар обунаси учун тўловлар;
- бошқа келгуси давр харажатлари.

210-сатр «Жами дебиторлик қарзлар»да қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳисобот даври охирига қарздор шахсларнинг жами қарзлари кўрсатилади. Жами дебиторлик қарзлар уларнинг алоҳида турлари бўйича баланснинг мос сатрларида (220, 240, 250, 260, 270, 290, 300, 310) кўрсатилади. Ушбу сатрларни тўлдиришга асос бўлиб дебиторлик қарзларнинг алоҳида турларни акс эттирувчи счётларнинг охирги қолдиқлари ҳисобланади.

450-сатр «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)»да қишлоқ хўжалик корхоналарининг йил охиридаги жами тақсимламаган фойдаси (қопланмаган зарари) кўрсатилади. Ушбу сумма ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ва ҳисобот йилнинг соф фойдаси (қопланмаган зарари) суммаларидан ташкил топади. Қопланмаган зарарлар баланснинг ушбу сатрида минус ишораси билан кўрсатилади.

Максадли тушумлар (460-сатр)да кишлок хўжалик корхоналарининг турли максадларда олинган грантлари, дотацияларн, субсидиялари хамда соликлар бўйича максадли имтиёзлар суммалари акс эттирилади.

Жами узок муддатли мажбуриятлар (490-сатр)да кишлок хўжалик корхоналарининг бир йилдан кўп муддатга олган кредитлари ва карзлари бўйича мажбуриятларининг жами суммаси кўрсатилади. Жами узок муддатли мажбуриятлар уларнинг алохида турлари бўйича балансининг мос сатрларида (500-590) кўрсатилади. Ушбу сатрларни тўлгазишга асос бўлиб узок муддатли кредиторлик карзларнинг алохида турларни акс эттирувчи счётларнинг охирги колдиклари хисобланади.

600-сатр «Жами жорий мажбуриятлар»да кишлок хўжалик корхоналарининг бир йилдан кам бўлган муддатга олган кредитлари, карзлари ва бошка мажбуриятларининг жами суммаси кўрсатилади. Жами жорий мажбуриятлар уларнинг алохида турлари бўйича балансинг мос сатрларида (610-760) кўрсатилади. Ушбу сатрларни тўлгазишга асос бўлиб жорий кредиторлик карзларнинг алохида турларни акс эттирувчи счётларнинг охирги колдиклари хисобланади.

Кишлок хўжалик корхоналари баланс валютасининг жами суммаси активда ва пассивда алохида сатрларда (мос равишда 390-сатр ва 780-сатр) кўрсатилади.

Кишлок хўжалик корхоналарининг ўзларига тегишли бўлмаган активлар ва пассивлар балансда «Балансдан ташкари счётларда хисобга олинадиган кийматликларнинг мавжудлиги тўгрисида маълумот»да 790-920-сатрларда кўрсатилади. Бундай актив ва пассивларга, чунончи куйидагилар киради:

- киска муддатга ижарага олинган асосий воситалар (790-сатр);
- кайта ишлашга кабул килинган материаллар (810-сатр);
- ўрнатиш учун кабул килинган ускуналар (830-сатр);
- ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар (890-сатр);
- келгуси даврларда солик солинадиган базадан чикариладиган харажат-лар (900-сатр);
- вактинчалик солик имтиёзлари (910-сатр);
- фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жихозлари (920-сатр).

28.3. Қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни тўлдириш хусусиятлари

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни тузишга асос бўлиб қишлоқ хўжалик корхоналарининг барча даромадлари ва харажатлари, фойда, уни ишлатилиши ҳисоби учун мўлжалланган вактинчалик (транзит) счётларнинг маълуметлари ҳисобланади. Ҳисоботнинг алоҳида сатрлари қуйидаги тартибда шакллантирилади.

Сатр коди	Сатр номи	Сатрни тўлдириш тартиби
010	Махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларни сотишдан туган соф тушум	Етиштирилган қишлоқ хўжалик махсулотлари, товарлар, иш ва хизматларни сотишдан тушган соф тушум ҳисоби учун мўлжалланган 9010, 9020, 9030 счётларнинг кредит оборoти суммалари йиғиндисидан қайтарилган махсулотлар (иш, хизматлар) суммаларини, берилган чегирмалар суммаларини (9040 ва 9050 счётларнинг дебет оборот суммалари) айириш орқали топилади ва даромадлар устун-часида кўрсатилади.
020	Сотилган махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	Етиштирилган қишлоқ хўжалик махсулотлари, товарлар, иш ва хизматларнинг сотиш таннархи ҳисоби учун мўлжалланган 9110, 9120, 9130, 9140, 9150 счётларнинг дебет оборoти суммалари йиғиндиси харажатлар устунчасида кўрсатилади.
030	Махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	010 ва 020-сатрлар суммаларининг фарки езилади. Ижобий фарк олинган фойдани кўрсатади ва у даромадлар устунчасига ёзилади. Салбий фарк

		сотишдан кўрилган зарарни ифодалайди ва у харажатлар устунчасига ёзилади.
040	Давр харажатлари, жами	050, 060, 070, 080- сатрларнинг суммалари йиғиндиси кўрсатилади
	Шу жумладан:	
050	Сотиш харажатлари	Сотиш харажатлари хисоби учун мўлжалланган 9410 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
060	Маъмурий харажатлар	Маъмурий харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9420 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
070	Бошка операцион харажатлар	Бошка операцион харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9430 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
090	Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	Асосий фаолияттадоир бошка даромадлар хисоби учун мўлжал-ланган 9310 – 9390 счётларнинг кредит оборот суммалари йиғиндиси даромадлар устунчасида кўрсатилади
100	Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	030 сатр – 040 сатр + 090 сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади
110	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	120, 130, 140, 150, 160-сатрлар суммаларининг йиғиндиси
	Шу жумладан:	

120	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9520 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
130	Фоизлар кўринишидаги даромадлар	Фоизлар кўринишидаги даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9530 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
140	Узок муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар	Узок муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9550 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
150	Валюта курси фаркидан даромадлар	Валюта курси фаркидан даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9540 счетнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
160	Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари	Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари хисоби учун мўлжалланган 9510, 9560, 9590 счётларнинг кредит оборот суммалари йигиндиси даромадлар устунчасига ёзилади
170	**Молиявий фаолият бўйича харажатлар**	**180, 190, 200, 210 сатрлар суммаларининг йигиндиси харажатлар устунчасига ёзилади**
	Шу жумладан:	
180	Фоизлар кўринишидаги харажатлар	Фоизлар кўринишидаги харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9610 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
190	Узок муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги	Узок муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги харажат-

	харажатлар	лар хисоби учун мўлжалланган 9610 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
200	Валюта курси фаркидан зарарлар	Валюта курси фаркидан зарарлар хисоби учун мўлжалланган 9620 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
210	Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар	Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9630, 9690 счётларнинг дебет оборот суммалари йиғиндиси харажатлар устунчасига ёзилади
220	**Умумхўжалик фаолияти фойдаси (зарари)**	**100–сатр+110-сатр–170-сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**
230	Фавқулотдаги фойда ва зарарлар	Фавқулотдаги фойда хисоби учун мўлжалланган 9710 счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасита ва фавкулотдаги зарарлар хисоби учун мўлжал-ланган 9720 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
240	**Даромад(фойда) солигини тўлагунга кадар фойда (зарар)**	**220-сатр (+ -) 230-сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**
250	Фойда солиги	Фойда солиги (ягона солик тўлови) хисоби учун мўлжалланган 9810 счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади

260	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар ҳисоби учун мўлжалланган 9820,9830 счётларнинг дебет оборот суммалари харажатлар устунчасига ёзилади
270	**Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)**	**240 –сатр – 250-сатр – 260-сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**

ЎЗ ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕСТ САВОЛ – ЖАВОБЛАРИ

1. Келгуси давр харажатлари қолдиғи қайси ҳисобот шаклида акс эттирилади?

а) бухгалтерия балансида;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда;

в) хусусий капитал тўғрисида ҳисоботда;

г) юқорида келтирилган ҳисоботларда акс эттирилмайди.

2. Қишлоқ хўжалиги корхонасининг соф тушуми қайси ҳисобот шаклида акс эттирилади?

а) бухгалтерия балансида;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда;

в) хусусий капитал тўғрисида ҳисоботда;

г) юқорида келтирилган ҳисоботларда акс эттирилмайди.

3. Қишлоқ хўжалиги корхонасининг ҳисобот даврдаги соф фойдаси қайси ҳисобот шаклида акс эттирилади?

а) бухгалтерия балансида;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда;

в) хусусий капитал тўғрисида ҳисоботда;

г) юқорида келтирилган ҳисоботларда акс эттирилмайди.

4. Қишлоқ хўжалиги корхонасига харидорлардан келиб тушган пул маблағлари қайси ҳисобот шаклида акс эттирилади?

а) бухгалтерия балансида;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда;

в) хусусий капитал тўғрисида ҳисоботда;

г) пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда.

5. Қишлоқ хўжалиги корхонасида муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар қайси ҳисобот шаклида акс эттирилади?

а) бухгалтерия балансида;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда;

в) дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотномада;

г) пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда.

6.Кичик бизнес субъекти ҳисобланган қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий ҳисоботни топширадилар:

а) ҳар ойда;

б) ҳар чоракда;

в) йил якуни бўйича;

г) икки йилда бир марта

7. Кичик бизнес субъекти ҳисобланган қишлоқ хўжалиги корхоналари топширадиган молиявий ҳисобот таркибига кирмайди:

а) бухгалтерия баланси;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;

в) дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома;

г) пул оқимлари тўғрисида ҳисобот.

8. Қишлоқ хўжалиги корхонаси бухгалтерия баланси асосида унинг жорий тўлов қобилияти даражаси (коэффициенти) қандай топилади?

а) баланс валютаси суммаси мажбуриятлар суммасига бўлинади;

б) жорий активлар суммаси жорий мажбуриятлари суммасига бўлинади;

в) пул маблағлари жорий мажбуриятлар суммасига бўлинади;

г) баланс активи 2-бўлими суммасини баланс пассиви 2-бўлими суммасига бўлиш йўли билан

9. Қишлоқ хўжалиги корхонаси ўз молиявий ҳисоботларини мажбурий топширмайди:

а) давлат солиқ инспекциясига;

б) давлат статистика органларига;

в) хизмат кўрсатувчи банкга;

г) аудиторлик ташкилотига.

ФАННИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ

1.Ўзбекистон Республикаси конуни "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида", (Янги тахрири), 26.04.1996 й. 223-I-сон

2.Ўзбекистон Республикаси конуни "Масъулияти чекланган хамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўгрисида", 06.12.2001 й. 310-II-сон.

3.Ўзбекистон Республикаси конуни "Хусусий корхона тўгрисида", 11.12.2003 й. 558-II-сон.

4.Ўзбекистон Республикаси конуни "Оилавий тадбиркорлик тўгрисида", 26.04.2012 й. ЎРҚ-327-сон.

5.Ўзбекистон Республикаси конуни "Хўжалик ширкатлари тўгрисида", 06.12.2001 й. 308-II-сон

6.Ўзбекистон Республикаси конуни «Бухгалтерия хисоби тўгрисида», 2016 йил 13 апрель

7.Ўзбекистон Республикасининг Солик Кодекси. – Т.: «Норма», 2019.

8.«2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўгрисида» 4947-сон фармони билан тасдиклангган

9. Ўзбекистон Республикасининг Солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўгрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон фармони

10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлис депутатлари Сенат аъзоларига Мурожаатномаси //Халк сўзи.2017 йил 23 декабрь

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис депутатларига Мурожаатномаси// Халк сўзи, 2018 йил 29 декабрь

12."Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари хамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўгрисида". Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли карори.

13.Каримов И.А. Бош максадимиз –мавжуд кийинчиликларга карамасдан, олиб борилаётган ислохатларни, иктисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш хисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015

йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь

14.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2017 йил 17 январь

15.Давлат корхоналари тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 16.10.2006 й. 215-сон карори билан тасдиқланган);

16.«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи» (ИФУТ) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 275-сон карори билан тасдиқланган.

17.«Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотлар таснифлагичига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 184-сон карорига

18.«Маҳсулот (иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом». Ўз.Р. ВМ нинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон карори билан тасдиқланган (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

19.«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон карорини амалга оширишчора-тадбирлари тўғрисида»ги 66- сон карори билан тасдиқланган.

20.«Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидалари». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75- сон карори билан тасдиқланган.

21 «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотлари (хизматлари)ни ишлаб чиқариш ва сотиш Қоидалари». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75- сон карори билан тасдиқланган.

22. «Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт накладнойларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва ишлов дан ўтказиш бўйича йўриқнома». Ўз.Р автомобил ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2004 йил 3 июндаги 83-буйруғи билан тасдиқланган. Ўз.Р. АВ томонидан 2004 йил 2 июлда рўйхатга олинган, № 1382.

23.Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.– Т.: Норма,2010.

24.Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами.-- Т.: Норма,2010.-527 б.

25.«Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатлари тўғрисида низом». Ўз.Р. АВ томонидан 2000 йил 3 июлда рўйхатга олинган, № 942 (кейинги ўзгартиришлар билан).

26. «Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича тартиб». Ўз.Р. АВ томонидан 2003 йил 24 январда рўйхатга олинган, № 1209 (кейинги ўзгартиришлар билан).

27.Дўстмуродов Р., Машарипов О. Фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш. Ўқув қўлланма–Тошкент, 2007.- 94 б.

28.Санаев Н. С. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. -Тошкент: «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси», 2006.- 145 б.

29. Urazov K.B.Buxgalteriya hisobi va audit. Oliy o'quv yurtlari uchun. – T.: «O'qituvchi», 2004.

30.Уразов К.Б.,Вохидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари. Дарслик- Т.: «Адиб», 2011.

31.УразовК.Б. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортилиши. – Т. : «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, СБХ газетаси кутубхонаси, № 6, 2003.

32.УразовК.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш. (ўқув-амалий қўлланма), 2004.

33. Интернет сайтлари:

- www.el.tfi.uz
- www.ziyonet.uz
- www.bukh.ru
- www.bilim.uz

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

I-БЎЛИМ. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ 6

1-боб. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари 7

2-боб. Қурилиш ташкилотларида асосий воситалар ҳисобининг хусусиятлари 34

3-боб. Қурилиш ташкилотларида материаллар ҳисобининг хусусиятлари 60

4-боб. Қурилиш ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобининг хусусиятлари..... 83

5-боб. Қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва қурилиш ишлари таннархини калькуляция қилишнинг хусусиятлари 95

6-боб. Қурилиш ишларини бажаришдан олинган даромадлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби.... 107

7-боб. Қурилиш ташкилотларида молиявий натижалар, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ҳисоби 117

8-боб. Қурилиш ташкилотларида ҳисобот 165

II -БЎЛИМ. АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ 181

9-боб. Автотранспорт корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари 182

10-боб. Автотранспорт воситалари ва улар иш фаолиятининг Ҳисоби 195

11-боб. Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳисоби 225

12-боб. Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)лар таннархини калькуляция қилиш 245

13-боб. Автотранспорт корхоналарида молиявий натижалар кўрсаткичларининг ҳисоби ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг хусусиятлари 276

14-боб. Автотранспорт корхоналарида солиқлар, мажбурий ажратмалар ва тўловларнинг ҳисоби 288

III-БЎЛИМ. САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ 303

15-боб. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида бухгалтерия хисобини ташкил килиш асослари..... 304

16-боб. Улгуржи савдо корхоналарида товар операцияларининг хисоби..... 316

17-боб. Чакана савдо корхоналарида товар операцияларининг хисоби..... 351

18-боб. Умумий овқатланиш корхоналарида бухгалтерия хисобининг хусусиятлари..... 373

19-боб. Савдо корхоналарида даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижалар хисобининг хусусиятлари. 383

20-боб. Савдо корхоналарида солик тўловлари, мажбурий ажратмалар ва ушланмалар хисобининг хусусиятлари. . 395

IV -БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ 413

21-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия хисобини ташкил қилиш асослари..... 414

22-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситалар хисобининг хусусиятлари..... 428

23-боб Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш захиралари хисобининг хусусиятлари..... 441

24-боб. Деҳкончилик ишлаб чиқариш харажатлари хисоби ва махсулот таннархини калькуляция килиш..... 454

25-боб. Чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари хисоби ва махсулот таннархини калькуляция килиш..... 470

26-боб. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ердамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларининг хисоби..... 485

27-боб. Қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий натижалар кўрсаткичлари, соликлар, мажбурий ажратмалар ва тўловларнинг хисоби..... 494

28-боб Қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий хисобот шаклларини тўлдириш хусусиятлари..... 520

ФАННИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 530

КОМИЛ БАХРАМОВИЧ УРАЗОВ

БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Дарслик

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2019

Мухаррир: Ш.Кушербаева
Тех. мухаррир: А.Мойдинов
Мусаввир: В.Умаров
Мусаххиха: Ш.Миркосимова
Компьютерда сахифаловчи: Н.Рахматуллаева

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 71-245-57-63, 71-245-61-61.
Нашр.лиц. AI№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 28.08.2019.
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси.
Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоги 33,0. Нашр босма табоги 33,5.
Тиражи 100. Буюртма № 154.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кучаси, 171-уй.

Ц4000-00

65.052
Ф62

УРАЗОВ КОМИЛ БАХРАМОВИЧ

Иқтисод фанлари доктори, профессор.

Самарқаид иқтисодиёт ва сервис институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, 300 дан ортиқ жами ҳажми 500 б.т. ортиқ ўқув, ўқув-услубий ва илмий ишлар, шу жумладан 5 та монография, 5 та илмий рисолалар, 10 дан ортиқ ўқув қўлланмалари муаллифи. Халқаро-амалиётчи бухгалтер (CAP), сертификатли аудитор.

ISBN 978-9943-5838-8-7

9 789943 583887

FAN VA TEXNOLOGIYALAR